



Икки эшик ораси

Ўткир ҲОШИМОВ



Тошкент 2016

УЎК: 821.112.2-3

КБК: 84(5Ў)6

Ҳ – 71

Ҳошимов, Ўткир

Икки эшик ораси: роман. Ўткир Ҳошимов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 752 б.

ISBN 978-9943-27-754-0

Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур китоб Ўткир Ҳошимов асарлари ичида қамрови, ўқувчи қалбига яқинлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Унда адиб қарийб қирқ йиллик даврни ўз ичига олган, бир қанча чигал ва мураккаб тақдирлар мисолида ўз халқининг уруш даврида бошдан кечирган ҳаёти, қисмати ҳақида маҳорат билан қалам тебратган.

Замон ва давр қандай шароитда кечишидан қатъи назар инсоний қадр-қиммат тушунчаларини сақлаб қолган, тақдирини эл-юрти, халқи, Ватани тақдири билан боғлаган, фарзандидан айрилганида ҳам қалбига қувонч бахш этиши мумкин бўлган бошқа сабабни ўзи учун ярата олган, ҳаётини севги-муҳаббат туйғулари билан безамоқчи бўлгани ҳолда уруш ҳукмига тобе бўлиб қолган инсонлар қисматини ифодаловчи ушбу асар мутолаасидан сўнг бутунги ўтаётган тинч-омон ҳаётингиз, фарзандларингиз бахти учун шукрона айтасиз. Асар айнан шу жиҳати билан қалбларга яқин.

УЎК: 821.112.2-3

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-27-754-0

© Ўткир Ҳошимов, «Икки эшик ораси». «Янги аср авлоди», 2016.

«Рост билан ёлгоннинг ўртаси – тўрт энлик», деган гап бор. Қизиқ, нега энди оз эмас, кўп эмас, тўрт энлик? Гап шундаки, кўз билан қулоқнинг ораси – тўрт энлик экан. Эшитганингга эмас, кўрганингга ишон... Мақсад – шу.

Бу китобдаги кўп одамларни ўзим кўрганман. Кўплари билан гаплашганман. Баъзиларининг ўзи билан, баъзиларининг... руҳи билан... Баъзилари нимани гапирган бўлса, шунини қозоғга туширдим. Баъзилари нима гапирганини эмас, нима ўйлаганини ёзишга мажбур бўлдим. (Начора, ҳамма рост гапиравермайди. Аммо ёлгон гапираётган одам ҳам ичида, бари бир ростини ўйлайди.)

Хуллас, бу савдолар кўп йиллар давомида кўп кишиларнинг бошидан кечган. Улар устидан ҳукм чиқариш – сизларга ҳавола...

Тилимнинг учиди турган яна бир андишани айтмасам бўлмайди. Эҳтимол, сиз бу китобда фоже кўпайиброқ кетмадимикин, деган хаёлга борарсиз. Начора, аввало ҳаёт – нуқул байрамдан иборат эмас. Уруш эса ўйин эмас. Иккинчи жаҳон уруши элик миллион одамнинг уволига қолди. Шундан йигирма олти миллиони бизнинг одамлар эди. Энг азиз, энг асил кишиларимиз. Қолаверса, уруш фақат окопдаги жангчиларнинг жонига чанг солиб қолмади. Минглаб чақирим наридаги одамларни ҳам синовдан ўтказди. Мушкул дамларда имонини, инсонлигини сақлаб қолган ота-оналаримиз, ака-опаларимизнинг ҳаёти бугунги замонда бизга ўрнак бўлса не ажаб!

Муаллиф

МУҚАДДИМА ЁКИ ЭНГ АВВАЛГИ БОБ

**ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БРИГАДАСИНING
БОШЛИҒИ МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ
ҲИКОЯСИ**

Совуқ хабар

Пайшанба – маош куни эди. Пешиндан кейин атрофи тахта девор билан омонат ўралган қурилиш ҳовлисига чанг-тўзон кўтариб «ЗИЛ» машинаси кириб келди. Чеккадаги кўчма вагонча олдида вошиллаб тўхтади. Кабина эшиги очилиб, қўлтиғига қора сумка қистирган кассир қиз – Фая сакраб тушди. Вагонча зинасига пилдираб чиқиб, бақирди:

– Йигитлар, келиғиз, зарплата олиғиз!

Бетончи Сафар ака айиқдек лапанглаб вагонча томонга биринчи бўлиб юрди. Кетидан пайвандчимиз Икром ака. Унинг кетидан Эркин деган такелажчи йигит...

Саратон офтоби аёвсиз қиздираётган, оёқ остида қум, бетон қоришмасининг куқунлари сочилиб ётган майдончадан ўтиб, вагонча соясига бордимуга туриб қолдим. Ҳозир дилсиёҳлик бўлишини билиб, юрагим гаш тортди.

Қурувчи халқи – нозик. Маошнинг баракаси учдими, дарров «Ўз ихтиёри билан» ариза беради-да, сметаси «еб битирилмаган» бошқа жойга ўтади-кетади. Тошкентда нима кўп – қурилиш кўп. Тўғри, бизнинг йигитлар унақа эмас: ўн уч киши зилзиладан буён бирга ишлаймиз: ўн икки йил бўлди. Ҳаммамиз ака-ука бўлиб кетганмиз. Олти йил аввал мени ўзлари бригадир қилиб «кўтаришган». Шу

кунгача нарядни ўртача ўн сўмдан кам ёпмасдим.
Бу сафар...

...Ҳаммасига ўша «А – 1» арматурали лаънати панель сабаб бўлди. Йўқ, гап панелда эмас, «Кобра»да! «Кобра» деганимиз бошқармамининг бошлиғи – Шавкат Қудратович. Шу одам ўз вақтида уй소злик комбинатидан «А – 1» эмас, «А – 2» арматурали панелни етказиб берганида олам гулистон эди. Тагин дўқ уришига ўлайми?! Уч кун аввал «Москвич»ида кеп қолди... Бригададаги йигитлар уни «Кобра» деганича бор. Ҳар «кўзи» пиёладек ойнак тақиб юради. Ўзининг юзи лагандек. Разм солиб қарсангиз, оппоқ чинни лаганнинг икки четига иккита пиёла тўнкариб қўйилганга ўхшайди. Аслида ким қанақа кўзойнак тақиши ўзининг ишику-я! Фақат Шавкат Қудратовичнинг феъли ғалати: ўтирган креслосини шунақанги яхши кўрадики, Сафар аканинг айтишича, орқасини ўша курсига камидан «беш юз» маркали цемент билан ёпиштириб олган: қимирласа териси шилиниб чиқади. Унга битта нарса керак: қай йўл билан бўлмасин, планни бажарса, кўчма қизил байроқ олса – бас. Кетидан ишқал чиқса, прорабними, бригадирними айбдор қилади-ю, ўзи бир чеккага чиқиб тураверади. Қабулига кирсангиз ўпишиб кўришади, чиқишингиз билан орқангиздан ёмонлайди...

Хуллас, уч кун аввал «Москвич»ида келиб қолди. Йигитлар учинчи қаватда домино ўйнаб ўтиришар, шақур-шуқур товушлар пастдан бемалола эшитилиб турарди.

Шавкат Қудратовичнинг ранги ўчиб кетди.

– Бу қанақа чемпионат? – деди юқорига имо қилиб.

Индамай туравердим. Кўриб қўйсин! Одамлар бекор ўтирибди. Керакли панель йўқ. Прорабга тусунтирдим, участка бошлиғига илтимос қилдим,

ўзининг қабулига кирдим. Елкамга қоқиб чиқариб юборди.

– Ким у? – Шавкат Қудратович кўзойнагини ялтиратиб чақчайди. – Фамилияси нима?

Айтдим нима-ю, айтмадим нима? Қурилиш ашёлари бўлмаганидан кейин...

Индамай туришимдан ҳаммасини тушунди.

– Ишбузуқликка ўзлари бош-қош бўптилар шекилли, ўртоқ Шомуродов? – деди лаби бурилиб. – Бригадирлик юки офирлик қилиб қолдими?

Яна индамадим. Охири унинг тоқати тоқ бўлди.

– Тил-забон борми ўзи! – деди тутақиб. – Квартал тугаяпти. Биринчи июлдан пардозчилар ишга тушиши керак. Тўртинчи қаватни ким монтаж қилади? Томни ким ёпади?

– Пардозчилар ҳали-вери ишга тушмайди, – дедим хотиржамлик билан.

Шавкат Қудратовичнинг ранги гезариб кетди.

– Ўҳ-ҳў! Жа осмондасиз-ку йигит!.. Гап бундай: уч кунда тўртинчи қаватни монтаж қилиб, томни ёпасиз.

Нима дей? Нима қилай? Зина майдончасининг панели лойиҳадагидан роппа-роса бир қарич калта бўлса, қандоқ монтаж қиламиз? Майли, арматураларни учма-уч қилиб уласаям бўлади. Лекин «А – 1» ингичка арматура.

– Эсингиздами, Шавкат ака, зилзилада биттаям панель уй йиқилмаган, аммо зинаси босиб қолган уйлар бўлган. Нормативдаги панелни беришмаса...

У «вой тентаг-ей», дегандек қўл силтади:

– Зилзила ўн икки йил аввал бўлган, йигит. Энди қайтмайди. «Ванночка» билан кавшарлаб юборсангиз, қилт этмайди.

Тушундим. «Ванночка» дегани шуки, пўлат қувур узунасига кесилади, плитанинг арматураси билан девор арматураси ўртасига қўйиб, «қуюқ»

пайванд қилиб юборилади. Кейин икки четда қолган «ёриқ»қа бетон қуйилади. Тамом – вассалом! Аммо яқинда «Қора-қамиш» даҳасидаги битта уйнинг зиналари ўзидан-ўзи босиб тушди. Ер қимирламади, ҳеч ким эшигидан чиқиб зинапояда сакрамади. Бир тонналик бетон плита шунчаки ўз офирлигини кўтаролмай чокидан узилиб кетди, бир эмас, уч қаватни босиб қолди. Яхшиямки, кечаси бўлган. Агар шу фалокат эрталаб, мактаб боласи ўқишга кетаётганида ёки кечқурун одамлар ишдан қайтаётганида рўй берса...

Дадам менга бир гапни кўп айтган. «Ўзингдан катта одам нотўғри гапирса ҳам кўрслик қилма, мулойимлик билан тушунтир».

Мен ҳам «мулойимлик» билан тушунтирдим.

– Шавкат Қудратович, ўзингиз биласиз. «Ванночка» фойда қилмайди...

Йўқ! Гапимни эшитгиси ҳам келмади.

– Сиз... сиз... – деди лаби титраб. – Майда одам-сиз! Давлат манфаатини ўйламайсиз! Мана шу уйга кўчиб киришни ўн йилдан бери кутяпган одамлар бор! Оналар, болалар. Уруш инвалидлари... Топшириқни бажаринг!

Индамасанг «сиёсий томон»дан олади!

– Яхши! – дедим. – Битта илтимос, «А – 1» арматурали панелни монтаж қилиш мумкин, деб ёзиб беринг... Ўз қўлингиз билан...

«Кобра» сесканиб кетди. Ҳатто икки лунжи шишиб кетгандек бўлди.

– Сиз... – деди вишиллаб. – Илғор бошқарма-мизнинг умум мақсадига атайлаб болта уряпсиз. Кўрамиз, монтажчиларингиз носвойчининг ҳақини олса, нима деб сайраб қоларкансиз... Умуман... сиздақа бригадирдан воз кечиш масаласини ўйлаб кўрамиз... Далилларимиз етарли...

«Москвич» жўнаб кетанидан кейин кўп гапларни айтолмай қолганим ўзимга нашга қилди. Ўз қўлинг билан ёзиб берганингда ҳам бегона плитани бари бир ишлатмасдим. Осмон қўлингда бўлса ташлаб юбор! Қачонгача қалбакилик қиламиз? Қачонгача ёлгон-яшиқ режа бажариб, байроқ оламиз? Шу уйда ўзинг яшармидинг, ноинсоф? Нега энди ўзингга раво кўрмаган нарсани ўзгаларга раво кўрасан! Ол, ўша дардисар бригадирлигингни!

Фақат... Бир жиҳатдан «Кобра»нинг гапи рост: бригададаги монтажчилар «носвой пули» олса, кўраман томошани! Мана, бугун... Ҳозир...

Ана, бетон қоришмаси сачрайвериб, шимининг почаси қатирмоч бўлиб кетган Сафар ака айиқдек лапанглаб келяпти.

– Нима бу? – деди чангалидаги уч сўмлик, беш сўмлик пулларни кўрсатиб.

Ҳазилга олдим.

– Пул шекилли, Сафар ака...

– Тўғри, пулга ўхшайди, аммо-лекин пулмас, ма, тўйингга ишлат! – У кўкимтир пулларни силтаб, улоқтириб юборди. Уч сўмлик, беш сўмликлар пирпираб, офтобда қизиб ётган қум аралаш тупроқ устига сочилиб кетди. – Қирқ уч сўм пулми? – деди юзини чир ўгириб. – Нима, мен сенга студентманми?

Гапни тагин ҳазилга бурдим.

– Ўн беш кундан олти кунини домино ўйнаб ўтказдик. Ўйнаб ўтирган кунимизгаям ҳақ тўладику, Сафар ака! Хурсанд бўлмаимизми?

– Мен сенга ўйнаб ўтираман дедимми?! – Сафар ака қўлини пахса қилди. – Ё бувимнинг чорвоғида ишладимми? Топиб бергин эди, қиладиган юмушимни!

Ана, Икром ака ҳам келяпти. Бунисиям ҳозир саннайди, деб турсам, йўқ, ерда сочилиб ётган

пулларни хотиржам йиғиштириб олди-да, Сафар аканинг чўнтагига тикди.

– «Кобра» матирял бермаса, Музаффарда нима гуноҳ? – деди тўнғиллаб. – Тудовой-судовой гапинг бўса бор, хўжайиннинг ўзига айт!

– Менинг хўжайиним «Кобра»мас, шу! – Сафар ака қовоғини уйиб менга имо қилди. Хўрсиниб қўйди. Бир нима эсига тушди шекилли, яна қўлини пахса қилди. – Олтита болам ейман, ичаман деб турибди. Тўрттаси мактабга боради. Онангни эмгурни болаларига биттадан папка оберишгаям етмайди-ку, бу қизиталоқ! – у жаҳл билан киссасига шапатилади. – У ёғини сўрасанг, кичик қайинсинглим бошқа вақт қуриб қолгандек туғиб берди яқинда! Уни бешик тўйисиям мени гарданимда! Қайси бирига етказай!

– Оббо! Жа, оласан-да, сенам. Хотин киши эрга текканидан кейин туғади-да. Сендан сўраб ўтирармиди, – Икром ака дўстининг елкасига шапатилади. – Қўй энди, тудовой-судовой гапларни. Калтаи-кўтоҳ плитани ямаб қўйсақ, Худо кўрсатмасин, эртага бир бечорани босиб қолса, хурсанд бўлармидинг?

– Босмайди! – Сафар ака асабийлик билан елкасидан Икром аканинг қўлини силтаб ташлади. – Шу кунгача босиб қолганини эшитганим йўқ. Ўзим бетон қуйиб, ямаб ташлардим...

Ўлганимнинг кунидан илжайдим.

– Бетон қуйган билан иш битмайди. Сафар ака, ахир шу уйдаям сиз билан менга ўхшаган одамлар...

– Э, бор-е! – у шиддат билан бурилди. – Ҳар куни ўн мартадан қулоғингни қоқиб қўлингга берадиган хотининг бўлмаса, йўлингга термулиб турган болаларинг бўлмаса, гапни ким қўйибди сенга!

– Ҳой хувори, – Икром ака лапанглаб кетаётган ўртоғининг кетидан югурди. Беш-олти қадам на-

рида етиб олиб, яна елкасига қўл ташлаган эди. Сафар ака тагин силтаб юборди.

Икром ака қайтиб келди.

– Кўнглингга олма, укам, – деди хижолатдан илжайиб. – Сафарни энди кўраётганинг йўқ-ку. Ҳозир тудовой-судовой дейди-да, бирпасдан кейин эсидан чиқади... У ёғини сўрасанг мендаям бештаси бор. Кўргансан-ку. Ҳаммаси чурвақа.

Индамадим. Лекин кўнглим хуфтон бўлди. Сафар ака тўғри айтади. Олтита боласи бўлса. Ҳаммаси ёш бўлса. Хотини ишламаса... Нима зарил эди менга у ёқда «Кобра»га, бу ёқда Сафар акага шумшук кўриниб? Биламан, «Кобра» орқамдан «материал» тўплайди энди. Ўзи бир чеккага чиқиб олади-да, ўринбосариними, бош инженерними ишга солади. Тупурдим ўша бригадирлигига! Ҳайдай қолсин. Аммо алдам-қалдам иш қилмайман.

Шуни ўйлаб, кечгача дилим ғаш бўлиб юрди.

Темир арматуралардан кавшарлаб ясалган дарвозадан кўчага чиққанимда қуёш ботиб борар, ҳаво дим эди. Қурилиш майдонидаги кран учуда саратон офтобининг сўнгги нурлари яллиғланади. Уфқни қизғиш туманлик қоплаган. Кун бўйи ёна-ёна толиққан осмон энди яхлит чўғга айланиб тинчигандек. Сафар аканинг гапи ҳалиям ҳаёлимдан кетмасди. Рост айтади. Орқа этагимда оғирлигим йўқ, хархаша қиладиган хотиним йўқ. Берсанг ейман, бермасанг ўламан, дейдиган болам йўқ... Ҳозир уйга бораман. Омоннинг хотини – келиним, «мулла ака, яхши келдингизми», деб қўлимга сув қуяди. (Агар ишга тушдан кейин борган бўлмаса.) Кейин дадам билан ойимнинг хонасига кираман. Салом бераман. «Мана, дада, ойлик теғувди», деб бугун эл қатори олган қирқ етти сўмни қўлига тутқазаман. Дадам пулни санайди-да, «баракасини берсин», деб ўзимга қайтаради. Пулни

ойимга узатаман. Ойим олмайдиам, санамайдиам. Кўзимга термилиб туриб, чуқур хўрсинади. Ана ўша хўрсиниши ёқмайди. Авваллари маош олган куним албатта «эски гап» кўзгалар эди.

«Уканг бир эмас иккита болали бўлди, ўғлим, кўчага чиқолмайдиган бўлиб қолдим-ку! Кимни кўрсам, Музаффарни қачон уйлантирасиз, дейди. Даданг иккаламизни боғлаб берганмас, болам...» Ойим гапини тугатмасдан дадам илиб кетади. «Қўй, Роби, овора бўлма, ўғлинг осмондаги ойни олади!»

Дадам билан ойим гапирaveraди. Мен эса Мунавварни эслайвераман. Ҳайрат билан тикилиб турган кўзларини, катта-катта, қоп-қора кўзларини... Кейин нимага институтдан кетганим, нега қурилишга келганимни ўйлайман. Улар азбаройи зилзила туфайли ўғлимиз ўқишни ташлаб кетди, деб ишонади. Мен бўлса... Зилзила нима бўпти! Ўқишни ташлаш нима бўпти! Мунаввар бўлмаганидан кейин... Ахир одам умрбод унутолмайдиган, умрбод ўзини кечиролмайдиган нарсалар ҳам бўлади-ку жаҳонда?!

«Осмондаги ой» эмиш... Ойни нима қиламан... Кимман ўзи? Нега одамларга азоб беришим керак? Нима ҳаққим бор? Мана, бугун ҳам бригадамиздаги ўн икки кишининг ҳаммасини хафа қилдим. Сафар акадан бошқа ҳеч ким гапирмади. Лекин ҳаммасининг оиласи бор, бола-чақаси бор... Ҳатто мендан тўққиз ёш кичик Эркиннинг ҳам. Хўш, нима қилай! Катта виждонсизликлар кичкина нопокликдан бошланишини билсам нима қилай ахир?

...Метро бекати ёнидаги дўкончада лимон сотишаётган экан. Кўриб кўнглимнинг чигили хиёл ёзилгандек бўлди. Яхши, ойимни хурсанд қилишга баҳона топилди. Эрталаб, «бошимнинг орқаси ачишиб оғрияпти, яна давлениям кўтарилганга ўх-

шайди», деб нолиган эди. Илгари ойимнинг буйраги оғрир эди. Биқинини чангаллаб икки букчайиб қоларди. Энди қон босими ҳам қўшилган. Дўхтирлар буям буйрак касали билан боғлиқ дермиш...

Навбатга туриб икки кило лимон олдим. Буни қарангки, ялпизли сақич ҳам бор экан. Укамнинг қизи– Нилуфар эшикдан киришим билан, «нима обкелдиз, катта ада», деб оёғимга ёпишади. (Омоннинг ўғли ҳали кичкина, энди эмакляпти. Аммо Нилуфар пишиқ қиз: бижир-бижир қилиб одамнинг бошини қотириб ташлайди, жиннивой!)

Кўчамизга етиб келганимда ҳали ёруғ эди. Биласиз, бунақа пайтда бола зоти боғлаб қўйсангиз ҳам уйда ўтирмайди. Ҳаммаси кўчада шаталоқ отади. Қий-чув тўполон... Кўчадан дам-бадам машина ўтиб турганига қарамай иккита тошдан «дарвоза» ясаб олган болалар копток тепяпти. Атлас лозим кийган қўшни келинчак резинка ичакнинг бир учини ҳовлидаги водопроводга улаб, дарвоза олдига сув сепяпти. Димоққа қизиган асфальт ҳиди урилади.

Арқондан сакраб ўйнаётган Нилуфарни узоқдан кўрдим. Боқчадан кела солиб ташқарига отилган шекилли, оёғидаги гольфигиниям ечмабди. Боши устидан арқон айлангириб дикир-дикир сакраяпти. Ўзидан тикроқ ўртоғи санаб турибди.

«Нилу!» дейишим билан ярқ этиб қаради-ю, арқоннинг бандидан судраганча мен томонга югурди.

– Сенга миннама обкелдим! – дедим бир қўлимда лимон ўралган газетани қучоқлаганча, иккинчи қўлимни чўнтагимга тиқиб.

– Нима, катта ада, нима? – деди Нилуфар ҳалослаб.

– Аввал битта ўпай, кейин бераман.

– Ҳо! – Нилуфар ўзини орқага ташлади. – Олдин беринг-да!

– Майли, яримта ўпаман.

Нилуфарнинг терлаб, кир бўлиб кетган юзидан ўпиб, сақични узатдим.

– Мана! Ўртоғинггаям бер...

– Урре! Катта адам жевачка обкелдила! – Нилуфар қўлимдан сақични юлқиб олди-ю, кутиб турган ўртоғи томонга югурди. Беш-олти қадам нарига бориб тўхтади-да, бир нима эсига тушгандек орқасига қайрилиб қаради. – Катта ада, бувим ўлдила... – деди кўзларини пирпиратиб.

– Нима? – Этим сесканиб кетди. – Нима дединг?

Нилуфар чопганча ўртоғининг олдига борди. Икковлашиб югуриб кетишди. Кўз олдим қоронғилашиб, чайқалиб кетдим. Алланима ерга дўпир-дўпир тушаётганини кейин пайқадим. Қарасам, лимонлар асфальт йўлкада ҳар ёққа думалаб кетяпти.

Ойимнинг эрталаб айтган гапи яна қулоғимда жаранглади.

«Бошимнинг орқаси ачишиб оғрияпти, ўғлим. Тагин давлениям ошганга ўхшайди».

Юрагим сирқираб уйга югурдим. Ҳовли кимсасиз, сув сепилмаган, ивирсиб ётарди. Этак томондаги уйнинг (Омоннинг уйи) деразалари очиб қўйилган, сарғиш дарпарда осилиб турар, аммо ичкарида ҳеч ким йўқлиги аниқ эди. Бундан чиқди... Бундан чиқди, ҳаммалари ойимнинг бошида ўтирибди. Демак, ойим... Айвонга қандай отилиб чиққанимни, ойим билан дадам турадиган уйга қандай кирганимни билмайман.

Энг аввал девор тагидаги темир каравотга қарадим. Йўқ, каравот бўш эди. Шундагина дераза ёнида, хонтахта олдидаги кўрпачада ўтирган ойимга кўзим тушди. Эшикка суянганча бўшашиб туриб қолдим. Ойим хонтахтага энгашганча гуруч тозалар, деразадан тушиб турган нурда юзи рангсиз, дардчил кўринар, ингичка, узун бармоқлари билан

шошилмай гуруч териб, ёнидаги сирли тоғорачага солар эди. Мени кўрди-ю, ярқ этиб қаради.

– Келдингми, ўғлим? – деди жилмайишга уриниб.

Одамзотнинг қонида ғалати адолатсизликлар бўлади. Бегоналардаги ўзгаришни дарров сезасизу яқин одамингизга эътибор бермайсиз. Худди ота-онангизни биров сизга боғлаб бериб қўйгандек. Гўё улар сиз учун абадий яшаши шартдек. Ойим кексайиб қолганини, сочлари оқариб кетганини, қовоқлари салқиб, юзи йиллаб тўшакка ёпишиб ётган одамдек сарғимтил-заҳил тусга кирганини энди пайқадим.

– Ойи... – дедим секин... – Тузукмисиз? Нилуфар... жинни... – у ёғини айтмадим. Кўнглимни қувонч илтиб ўтди. – Мен сизга лимон... Қарасам, газета «воронка»ни ҳалиям қўлтиғимга қистириб турибман. Тагида иккита лимон қолибди.

– Лимонни қўятур, Музаффар! – Ойим оғир қўзғалиб ўрнидан турди. Совуқ лаблари билан пешонамдан ўпди. – Ўтир, болам.

Ҳайрон бўлиб, кўзига қарадим. Ҳозиргина кўнглимни қувонтирган шодлик ўрнини хавотир эгаллади.

– Тинчликми, ойи?

Айвон томондан дадамнинг йўталгани эшитилди. Уйга аввал тамаки иси, кейин дадам кириб келди. Саломимга жавобан «валей...» деб қўйди-ю, оқсоқланиб келиб ўзининг жойига – хонтахтага тўрига ўтирди. «Беломор»ини сўриб хонтахта бурчагидаги пиёлага кулини чертди. Негадир хўрсиниб, юзини ўтирди. Нима гап ўзи? Ойимга юзландим. У чиллакдек ингичка, титроқ бармоқлари билан яна гуруч теришга тушди. Гўё ҳар битта гуручни санаётгандек, бир нуқтадан кўз узмас, лаблари титирди.

– Нима бўлди? – дедим бетоқатланиб.

Ойим «сиз гапиринг», дегандек дадамга қаради. Дадам бўғинларини шиқирлатиб ўрнидан турди. Оқсоқланиб токча олдига борди. Чойнак қопқоғига қистириб қўйилган алақандай қоғозни олиб, тепамга келди. Индамай узатди. Телеграмма экан. Тепаси кўк ҳошияли «Шошилинич телеграмма». «Онанг вафот этди. Жума куни чиқарамиз». Шу. Имзо ҳам йўқ, бошқаям.

Энди тушундим. Ҳали Нилуфар, «бувим, ўлдиди», деб бежиз айтмаган. Бундан чиқди... Қўқондаги ойим... Онам... Бечора онам! Томоғимга илиқ, аччиқ бир нима тиқилиб келди. Қачон кўрувдим охирги марта? Қачон борувдим Қўқонга? Неча йил бўлди? Ўн йилми, ўн беш йил? Билмадим, эсимда йўқ. Фақат қиш эди. Қаҳратон қиш... Тор кўча. Ўртасига қор уйиб қўйилган каталакдек ҳовли. Чақмоқ телпакли одам. Совуқ вокзал. Йўлдошхон ака. Тоғорадаги ош. Қон йиғлаб қолган онам.

...Бир маҳал ойимнинг пиқиллаб йиғлаётганини идрок этиб бошимни кўтардим. Уй ичи қоронғи бўлиб кетган, дадам босиб-босиб папирос чекар, ҳар тортганида папироснинг учи ловиллаб, мўйлови, ўйчан юзи, бир нуқтага қадалган кўзлари ёришиб кетар, ойим рўмолининг учини юзига босганча ҳиқ-ҳиқ йиғлар эди.

– Бу дунёга келиб нима кўрди бечора, – деди титроқ лабларини тишлаб. – Одамзоднинг ҳоли шу ю, қадри йўқ.

– Отланақол, Музаффар... – Дадам дағал бармоқлари билан папиросини пиёлага ботириб ўчирди. Секин ўрнидан туриб, чўлоқланиб борганча чироқ ёқди. – Самолётга ишониб бўлмайди, – деди ўзига ўзи гапирётгандек. – Поездга чиқасан. Ҳали-замон Омон келади. Ўзи обчиқиб қўяди.

Индамадим. Кўз ўнгимда яна ўша қор босган ҳовли, чақмоқ телпакли киши, музлаган перронда

сирғаниб-сирғаниб вагон кетидан югурган онам жонланди.

– Шўрликнинг сендан бўлак кими бор! – Ойим енгининг учини кўзига босди. – Жилла қурса совуқ дийдорини кўриб қол, болам...

– Автобусда кетаман. – Бу гап хаёлимга тўсатдан келди. Автостанция яқин. Автобуслар кечаси қатнайди...

– Маъқул! – Дадам ойимга имо қилди. – Қани, бўлақол, Робия!

Ойим сандиқ очди. Тугун тутди. Дадам кўлимга бир даста пул тутқазди. «Нима қиламан», десам бир огиз, «керак бўп қолади», деб қўя қолди. Тугундаги нарса тўн билан дўппи эканини билиб, юрагим эзилди.

...Автобус ичи дим. Бензин иси тер ҳидига аралашиб кетган. Деразадан ташқарига тикилганча ўй суриб кетяпман. Осмонда тўлин ой хомуш нур сочади. Автобус билан ёнма-ён учиб боради. Пахтазорлар, йўл четидаги дарахтлар лип-лип ўтади. Ҳаммаси оймоманинг юмшоқ беланчагида ором олиб тебранади.

Эҳтимол кеча онам ҳам шу оймомага термилиб, мени ўйлаб ётгандир. Кўргиси келгандир. «Ўғлим қани», деб сўрагандир. Анавига-ку бир нима дейишга ҳадди сизмайди. Насибага ялингандир: «Акангни чақиртир, кўриб қолай», дегандир...

Онам шўрлик.... Сўнгги ниятига ҳам етолмаган... Бу қандоқ бедодлик! Бу қандоқ адолатсизлик?! Ўзинг-чи? Нега йиғламайсан? Кўзингда онанг учун тўкадиган бир қатра ёшинг йўқми?..

Автобус ҳамон чайқалиб боради. Аммо энди иссиқни ҳам, моторнинг гуриллашини ҳам, чекка-чеккадан қулоққа чалинаётган хурракни ҳам сезмайман. Хаёл минг ёққа олиб кетади.

Ажаб, инсон хотираси – эшиги ёпиб қўйилган омборга ўхшаркан. Омбор олдидан ҳар куни ўтасиз. Ўтасизу ўз юмушингиз билан овора бўлиб, қайрилиб қарамайсиз. Вақти келиб тасодифий шамол омборнинг эшигини очиб юборади-ю, беихтиёр ичкарига мўралаб қарайсиз. Шунда қизиқ ҳолат рўй беради. Омбор ичида олтиндан азиз нарса ҳам, кўзингиз тушиши билан таъбингизни хира қиладиган қақир-қуқирлар ҳам қалашиб ётган бўлади. Алам қиладиган жойи шундаки, сиз улардан хоҳлаганингизни ажратиб ололмайсиз. Буниси керакли, бунисининг кераги йўқ, деб бирини олиб, иккинчисини улоқтириб ташлаш қўлингиздан келмайди. Ҳаммаси бараварига жонланиб, атрофингизни қуршаб олади.

БИРИНЧИ ҚИСМ

БИРИНЧИ БОБ

КИЧКИНТОЙ МУЗАФФАР ҲИКОЯСИ

1. Мен, дадам, алвасти кўприк

Бугун «Қора аммам»никига борамиз! Дадам кеча ваъда қилган. Шунинг учун эрталаб хархаша қилмай уйғондим. Бир бурда арпа нон, тўртта жийда билан чой ичиб бўлгунимча дадам кавшандозда ўтириб этигини кийди. Чап пойини дарров кийди-ю, ўнг пойида анча қийналди. Доим шунақа бўлади: дадамнинг ўнг оёғи қийшиқ. Урушда ўқ тегиб товонини учуриб кетган. Пайтавани уч марта қайтадан ўради. Алакимни сўқди. Кейин қаддини ростлаб жигарранг шимининг чўнтагидан тамаки халтасини олди. Халтачанинг боғичини бир тортган эди, оғзи ўзидан-ўзи очилиб кетди. Бошқа чўнтагидан буклоғлик газета чиқарди. Тирноқлари сарғайиб кетган йўғон бармоқларини халтачага суқиб, бир чимдим тамаки олди-да, қоғозга тўқди. Қоғозни бураб-бураб тили билан бир хўллаган эди, папирос тайёр бўлди-қолди. Папиросни мўйлови тагига тикиб, гугурт чизди. Дадам ҳар гал гугурт чизганида мўйлови ёниб кетмасайди деб қўрқаман. Мўйловиям йўғонда, ўзи. Худди «Қора аммам»нинг мушугини думига ўхшайди. Диккайиб туради, сарғайиб кетган. Хайрият, бу гал ҳам куймади.

– Қани, гирой, кетдикми? – деди оғзидан тутун чиқариб.

Отим гирой эмас, Музаффар. Чойхонадаги кишилар мени гирой-гирой дейвериб, дадамниям ўргатиб қўйишган. Отимни айтиб чақирмайди. Майли, гирой бўсам бўпман-да.

– Кетдик.

Ота-бола кўчага чиқдик. Эшигимиз олдида бир туп ёнғоқ бор.

Шунақанги баландки, учи осмонга тегиб туради. Кузда, ёнғоқ пишганда дадам узун таёқ кўтариб устига чиқади. Қарсиллатиб қоқади. Мен тегиб оламан. Аммо ҳозир – ёз. нғоқ ҳали пишмаган.

Шундай қилиб, «Қора аммам»никига йўл олдик. Олдинда дадам чўлоқланиб боряпти. Оёғида этик. Эгнида икки чўнтаги дўппайиб чиққан жигарранг шим. Эски кўйлак. Бошида дўппи. Ҳар қадам босганида ўнг томонга йиқилиб кетаётганга ўхшайди. Лекин йиқилмайди. Фақат тез юрганида ўнг оёғининг тагидан, айниқса, кўп чанг кўтарилади. Судраб босади-да.

«Қора аммам»ники роса узоқ. Нўғайқўрғон деган жойда. Юравериб-юравериб чарчаб кетасиз. Кўчадан кетаверсангиз энг аввал «Туя» амакининг уйи келади. «Туя» амаки – сартарош. Абдували деган ўғли бор. Бўйи мендан каттароғу ўзи сап-сарик. Абдували билан энди ўйнамайман. Анунда соққа қувар ўйнаган эдик, олтига ёнғоғимни ютиб қочиб кетди. Ўзининг эшиги олдида ёнғоқ йўқлигига алам қилган-да! Кетидан қулаб кирмоқчи эдим, Мавлуда опасидан қўрқдим..

Шундай қилиб, Абдувалиларнинг уйдан ўтиб гузарга чиқасиз. Йўқ, аввал «Туя» амакининг сартарошхонаси келади. Фанердан ясалган, томига қора қоғоз ёпилган. Деразаси синиқ. «Туя» амакини Абдувалидан ҳам ёмон кўраман. Сочни устарада олади. Аввал бошингизни роса ишқалайди. Кейин совун суради-да, «бошингни эг», деб тур-

таверади-туртаверади... Бўйнинг оғриб кетгани билан иши йўқ. Бўйнинг оғриганиям майли, бурнингни тортавериб чарчайсан. Нуқул бошингни эгаверганингдан кейин бурун оқади-да! «Туя» амаки бўлса, сўқади: «Нима бало, гирой, бурнингда булогинг борми, қайнаб чиқяптими?» дейди. Бирпас шунақа ўтирсин, ўзиники қайнаб чиқмасмикин?!

Яна озгина юрсангиз чойхонага чиқасиз. Чойхона ўзимизнинг уй ҳисоб. Икки туп тол тагида тўртта сўри бор. Толлар шунақанги йўғонки, бизнинг ёнғоқдан ҳам катта... Кечқурун, бекинмачоқ ўйнаганда қавагига кириб олсангиз ҳеч ким тополмайди. Сўриларга намат ташланган. Тўғри, чойхўрлар наматни қайириб, тагига носвой туфлайвериб, қатирмоч қилиб юборган. Аммо бари бир намат устида ўтириш – яхши. Тагингдан зах ўтмайди. Тол шохига илинган беданалар бир-бирига гал бермай сайраб ётади. Айниқса, битгаси зўр. Бир сайраганда тўхтовсиз етти марта «бит-билиқ», «бит-билиқ» дейди. Ўзим санаганман. Дадамнинг айтишига қараганда Илҳом чойхоначи шу беданани Хастимом бозоридан бир ғунажиннинг пулига сотиб олган экан. Кечалари тўрқовоғи билан бошига қўйиб ётармиш.

Қишда дадам мени ҳар куни чойхонага олиб чиқади. Тамаки тутуни, самовар буғи билан тўлган пастак чойхонада одам одамни танимайди. Шифтдаги узун сим – илгакка илиб қўйилган фонус ўзини ўзи аранг ёритади. Аммо бу ердаги ҳамма нарсани яхши биламан. Қориндор сариқ самовар бурчакда туради. Занглаб, чириб кетган тунука карнай учидан тутун кўтарилади. Деворда Сталиннинг сурати. Шифтнинг қамишлари осилиб қолган: кузда чакка ўтган.

Совуқ тушиши билан сўрилар ичкарига олиб кирилади. Бир бурчакда шапарак кўрпача билан

иккита кир ёстиқ дўмпайиб туради. Лекин кўрпача ёзилмайди. Одамлар кигизда чордана қуриб ўтиришади. Ҳаммаси дадамга ўхшаган кишилар (хотинлар йўқ). Бири чопон, бири эски шинель кийган. Бирининг бошида куя ялаган телпак, яна бири қийиқчаси билан қулоғини боғлаб олган. Дастурхон йўқ. Тўғридан-тўғри кигиз устига қўйилган, эскилигидан гули билинмай кетган патнисларда нон (баъзан арпа нон, баъзан зоғора нон), туршак, икки-уч чақмоқ қанд бўлади.

Чойхонадагиларнинг ҳаммаси мени танийди.

– Қани, гирой, қанддан олинг! – дейди «Туя» амаки илжайиб. – Булбулингиз ўсиб қолдими? Қачон тумшуғидан жичча кесиб сайратма қиламиз энди!

Нариги сўрида ўтирган силлиқ юзли, сийрак соқолли Комил бува патнисидан икки чақмоқ қанд олиб, аzza-баzza ёнимга келади:

– Мана, азамат йигит! Биззи қандданам еб кўринг.

Дадамнинг тиззасида ўтирган жойимда қандга қўл чўзаман. Дадам уришмайди. Бурчакка, самовар тутаб ётган томонга қараб қичқиради:

– Илҳом, самоварингни тагига тош боғлаганми-сан, нима бало?! Бермаснинг оши пишмас деб!

– Ҳозир-да, акам айланай! – Илҳом чойхоначи тунука карнайни кўтараман деб қўлини куйдириб олади, карнайни тарақлатиб ерга ташлайди-да, зўр бериб, дудбуронни пуфлайди. Йўтала-йўтала нари кетади. Аллақаердан бир пой эски маҳси топиб, қўнжини самовар дудбуронига кийгизади. Маҳсини ғайрат билан пастга босиб, шамол юборади. Самовар тагидан чўғ сачрайди.

– Ўтин ҳўл-да, ака! – дейди ўзини оқлаб. – Ёмғир-да қолган.

– Ёмғирдамас, дўлда! – дейди «Туя» амаки бақириб.

Қийқириқ, кулги қулоқни ёргудек бўлади. Чойхоначининг юзи чўтир. Шунни аския қилишади. Биров дўлда қолган таппи дейди, биров чакичланган патир...

Чойхоначи ҳам бўш келмайди.

– Ёзда шунча ялиндим, – дейди шанғиллаб, – жон ака, сиз чўлда кўп юрасиз, бир аравагина саксовул обкеб беринг, десам ноз қилдингиз. Мана энди аҳвол бу: сизга чой етказиб бўладими? Чўмичда суфоргандай...

Боягидан ҳам қаттиқроқ кулги портлайди. Чойхўрлар бири тиззасига шапатилаб, бири қорнини ушлаб хохолашади. Дадам тиззасига урмайди, тиззасида мен борман. Лекин кўз ёшини артиб мазза қилиб кулади. Фақат битта одам – Комил бува хохоламайди. Секин жилмайиб қўяди. Комил бува – табиб. Уни ҳамма иззат қилади. Чойхоначи ҳам унинг патнисига топ-тоза, бутун чойнак келтириб қўяди. Охири, тугун ҳиди анқиб турган чой бизга ҳам келади. Дадам тумшугига тунука уланган чойнақдан аввал менга чой қўяди. Кейин ўзига...

Чойхўрлар алақандай Қурия ҳақида гаплашишади. Бу йил қор кўп ёққанини, буғдой мўл бўлишини айтишади. Оқсоқол колхозга янги трактор олиб келганини, эртанги карамни вақтлироқ экайлик деганини айтишади. Одамларнинг гап-сўзидан шуни англайманки, Оқсоқол бува «гадавой» майлизда, «мен энди кексайиб қолдим, бўшатириллар», деган. Аммо колхозчилар, «ўзингиз бош бўласиз», деб туриб олишган. Кўзим ўзидан ўзи юмилиб кетаверади. Дадам чопонига ўраши билан елкасига бош қўяман. Чап елкасига. Шунга ўрганиб қолганман. Дадамнинг чап елкасида муштимни тиксам бемалол сиғадиган чуқурчаси бор. Қизғиш-кўкимтир чандиқ. Немис замбарак отганида ўйиб кетган экан. Доим ухлаш олдидан шу чуқурчани

ўйнашни яхши кўраман... Димоғимга таниш тамаки иси урилади. Дадамнинг диккайган мўйлови томоғимга тегиб қитиқлайди.

– Ухлайқол, – дейди шивирлаб. Чандиқни силаб-силаб, ухлаб қоламан... Эрталаб кўзимни очсам уйда – писиллаб қолган совуқ танча четида ётган бўламан... Кечқурун бўлса дадам мени кўтариб, яна чойхонага олиб чиқади.

Хуллас, чойхона – ўзимизнинг уй. Лекин ҳозир чой ичишга вақтимиз йўқ. «Қора аммам»никига тезроқ бориш керак. Ана, дадам тупроқ йўлда тўхтаб, жаҳл билан ўтирилди.

– Бўлсанг-чи! Ҳали-замон кун ёйилиб кетади. Далага чиқишим керак.

Юриб-юриб, ёнғоқзор ичига кириб қолдик. Бу ердан аввал ҳам ўтганмиз. Ёнғоқзор шунақанги қалинки, баҳорда бировнинг сигири адашиб қолса, кузда ўзи қайтиб чиқмагунча эгаси тополмасмиш. Мана, ҳозир ҳам нимқоронғи, зах чакалакзордан кетяпмиз. Юрагимни ваҳима босади: «Қора аммам» айтган: ёнғоқзорда ажина бўларкан. Одам адашиб қолса, оғзини қийшайтириб кетаркан. Комил буванинг уйи шу ёнғоқзорнинг ичида – Бўрижарнинг қоқ устида эмиш. Комил бува ажиналардан қўрқмас экан. Қайтага оғзи қийшайиб қолганларни дори бериб тузатаркан. Шунинг учун одамлар табиб бувани яхши кўрса керак-да!

Ҳаммасиям майли-ку, ҳали Алвасти кўприкдан ўтамыз. Шуниси, айниқса, ёмон. «Қора аммам»нинг айтишига қараганда уруш пайтида Алвасти кўприкда жин-ажиналар кўпайиб кетган экан. Бир марта Роби опамгаям даф қибди. Опам зўрға қочиб қутулган эмиш.

Ана, олисдан Алвасти кўприкнинг овози келяпти. Худди каттакон аждар, «келақол, сени ей-

ман», деб вишиллаётгандай. Дадам бўлса парво қилмайди. Беш-олти қадам олдинда оқсоқланиб кетяпти. Жонҳолатда кетидан югурдим.

– Дада, чарчадим.

Ҳечам чарчаганим йўқ-да! Қўрқяпман. Лекин дадамга «қўрқяпман» дейишдан қўрқаман. Бир марта Алвасти кўприкда ажина бормиш деганимда, дадам сўкиб берган. «Бекор гап, ҳеч қанақа ажина-пажина йўқ, алвасти чўпчакларда бўлади, ўғил боласан, унақа қўрқоқ бўлма», деган. Биладан, дадам ёлғон гапирмайди. Аммо, бари бир, Алвасти кўприкнинг овози келиши билан «чарчаб» қоламан.

Дадам тўхтади. Орқага бурилиб қовоғини солди.

– Сўлоқмондай бола... – деди тўнғиллаб. – Ёшинг бешга чиқди-ю, уялмайсанми?

Шундай бўлсаям бари бир опичиб олди. Сув борган сайин қаттиқ шовуллайди. Кўзимни юмиб олган бўлсам ҳам сезиб турибман. Иштоним устидан оёғимга тикан кирапти. Бундан чиқди, шундай Бўрижар ёқасидаги тор сўқмоқдан кетяпмиз. Бир томони наъматаклар ўсиб ётган чакалакзор, бир томони ўпқондек чуқур жарлик.

– Бўғиб ташладинг-ку, қўйвор! – Дадам жаҳл билан бошини чайқади.

Ўзим ҳам биладан, дадамни бўғиб қўйдим. Лекин нима қилай, қўрқаман-да! Алвасти кўприкка энди келдик. Ана, ҳеч нимани эшитиб бўлмай қолди. Бўрижар дод солиб вошиллаяпти.

Ниҳоят сувнинг шовуллаши орқа томондан эшитила бошлади. Дадамнинг оёғи тагида шағал шақир-шуқур қилаётганини билиб, секин кўзимни очдим. Дадам сирғана-сирғана темир йўл устига чиқиб боряпти. Қўрқа-писа орқага қарадим. Оппоқ кўпиклар қутуриб тор кўприк остига кириб кетаётган Бўрижарга кўзим тушиб дарров юзимни ўгирдим.

Дадам, ниҳоят, темир йўл устига чиқди. Димоғимга чучмал ис – қора мой ҳиди урилди. Олисда тоғлар ортидан қуёш чиқиб келар, дадам ҳамон чўлоқланганча шақир-шуқур шағал босиб, бир жуфт темир йўл орасида мени опичлаб борарди. Шундагина қип-қизил бўйни терлаб кетганини, кўйлаги ҳўл бўлиб, чап елкасидаги чуқурчасига ёпишиб қолганини кўрдим. Қўлимни секин бўшатдим-у, ўша заҳоти кўнглимга яна гулгула тушди: поезд келиб қолса-чи? Босиб кетади-ку! Хусан бувам билан Оқсоқол бувага худди шу ерда ажина даф қилганда. «Қора аммам» айтиб берган. Оқсоқол бува ҳам, Хусан бувам ҳам полвон бўлишган экан. Иккаласи йўлни тўсиб қўйган алвастини Бўрижарга улоқтириб юборишибди-ю, ўзлари поезд тагида қолишибди. Поезд ичида ўзимизнинг аскарларимиз бор экан-да! Алвастини темир йўлдан олиб ташлашмаса, поезд ағдарилиб кетаркан. Ўшанда Оқсоқол бува амаллаб тирик қопти-ю, Хусан бувам ўлибди. Айтмоқчи, ўшанда алвастини жарга ташлашда Роби опам билан табиб буванинг Олимжон деган ўғлиям ёрдам беришган экан. Роби опамдан шуни сўрасам, негадир айтмайди. «Қўйсангчи, ўша гапларни», деб қўя қолади.

Дадам ҳарсиллаб нафас олиб, нариги томонга – пастга тушди. Алвасти кўприк ҳамон шовуллаб турар, лекин энг қўрқинчли жой орқада қолган, бу томонда сув ёйилиб тинчгина оқар эди. Терак бўйи қамишлар ўсиб ётган чакалакзорга киргандан кейин дадам елкаси оша менга ўтирилиб қаради.

– Тушсинлар энди, гирой, иззатингиз битди.

Ерга тушишим билан калишим сувга тўлиб чиқди. Қамишзор орасидаги сўқмоқни илиқ, лойқа сув босган эди. Эрта сарғайган қамишлар оҳиста чайқалиб, шитирлаб турар, учидаги макка супургидек попилтириқлари секин-секин чайқаларди.

Бақаларни айтмайсизми? Бир-биридан қолса қулогини кесадигандек овози борича вақиллайди.

– Қамиш, – дедим ҳиқиллаб. – Варрагимга қамиш оберасиз.

– Ҳозир варрак учирадиган пайтмас! – Дадам қўлимдан тутди. – Юр, чивинга ем бўласан.

... Ана, Нўғайқўрғонгаям етдик. Олизда оқ уй кўриндими, Нўғайқўрғонга келганимиз шу! Оқ уй – колхознинг идораси. Биз у томонга юрмаймиз. Битта арава зўрға сиғадиган тор кўчага кирамиз. Икки томонда пастак уйлар. Баъзиларининг девори тагига сомон уйиб қўйилибди. Кузда томни сомон сувоқ қилишади. Уйлар орасида Оқсоқол буваники ажралиб турибди: болохонаси бор. Болохонадор уйга яқин келганда дадам яна қўлимни силтади:

– Тезроқ юр!

Оқсоқол буванинг дарвозаси олдидан тезлаб ўтиб, «Қора аммам»нинг эшигига келдик. «Қора аммам»никида дарвоза йўқ. Эшигиям шунақа кичкинаки, дадам энгашиб киради. Ана, эшикдан анча нарида, баҳорда каллакраниб, қайтадан шох отган тол тагида эшак арава турибди. Араванинг бир гилдираги синган. Шотиси лайлак қилиб қўйилибди. Бувам ўлганидан кейин эшаги ҳам хафа бўлиб ўлиб қолган экан. Аммо арава ҳалиям бор. Ҳар келганимда устига чиқиб ўйнайман.

Ҳозир ҳам арава томонга югурган эдим, дадам жаҳли чиқиб бақириб берди:

– Борма у ёққа!

Пастак эшикни гийқиллатиб очди-да, ичкарига мўралаб чақирди:

– Опа!

2. «Қора аммам»нинг мушуги

Ҳовлига киришим билан айвондан тушиб келаётган «Қора аммам»ни кўрдим. Аммам худди коп-токка ўхшайди. Кичкина, дум-думалоқ. Тағин ёздаям қора нимча кийиб юради.

– «Қора амма!» Бизлар келдик!

– Вой амманг айлансин! Вой амманг ўргилсин сендан! – У пилдираб келиб мени бағрига босди. Димоғимга қатиқ ҳиди уриди, юзимдан ўпаётганда оппоқ сочининг учига осиб олган сўлкавой чўпилари бир-бирига урилиб жиринглаб кетди.

– «Қора амма», тангангизни ўйнасам майлими?

– Вой танга сендан айлансин!

Дадам елкамга секин туртди.

– Неча марта айтганман: «Қора амма» эмас, амма дегин, тентак!

– Сени ишинг нима! – «Қора аммам» дадамга қараб илжайди. – Қорани қора дейди-да! Қораман! Тўғрими? Юр, болам!

Аммам кўлимдан тутиб, айвонга судраган эди, орқадан дадамнинг овози келди.

– Мен кетдим, опа. Кеч қоляпман.

– Ҳой, қаёққа? – Аммам мени қўйиб, дадам томонга талпинди: – Чой-пой ичмайсанми?

– Кечки картошкани чопиқ қиламиз. Оқсоқол кўрсалар хафа бўладилар. Кечқурун, келарман.

– Робия ҳам саҳарлаб чиқиб кетган. Бир пиёла чой ич ахир.

Дадам кўнмади. Шоша-пиша кетиб қолди. Аммам иккаламиз айвондан ўтиб, уйга кирдик. Аммамнинг уйи бизникига ўхшаган эмас. Ҳамма ёқ топ-тоза. Ҳатто деразаларда парда ҳам бор. Токчалардаги лаган-баркашлар ярақлайди. Еттинчи лампанинг шишаси ҳамиша ялтираб туради. Роби опам ҳар куни кул билан ювади. Ўзим кўрганман.

Деворда иккита сурат бор. Ёғоч ромга солиб қўйилган. Иккаласиям сарғайиб кетган. Биттаси Хусан бувамники. Бошига кичкинагина салла ўраган, чўққисоқол чол. Негадир доим қовоғини солиб туради. Биттаси ёш йигит. Бошида дўппи, эғнида тўн. Хиёл жилмайиб турибди. Худди, «бери кел, сенда гапим бор», деяётганга ўхшайди. Қошининг қалинлигими, қирра бурними – аллақаери дадамга ўхшаб кетади. Фақат мўйлови йўқ. Бу – «Қора аммам»нинг ўғли – Кимсан акам.

«Қора аммам» бир қўлида супра, бир қўлида элак билан кириб келди. Элакда анча-мунча туршак бор эди.

– Ма, болам, туршак еб тур, ҳозир сенга нон ёпиб бераман. Ўзингга ўхшаган ширингина кулча.

Туршак чайнаб «қора аммам»нинг рўпарасида ўтирибман. Аммам чўккалаб ўтирганча ун элаяпти. Элак тап-тап этади. Тагидан супрага ун ёғилади. Худди қордек. Аммамнинг қоп-қора билаклари бирпасда унга беланди. У бошини бир ёнга ташлаганча элакни тапиллатади. ўйж-ғиж нафас олади. Қизиқ, худди ичига митти одамчалар кириб олгану ҳадеб ҳуштак чалаётгандек. Баъзан «ҳуштак» шунақа кучайиб кетадики, ўзимнинг ҳам нафасим бўғилиб қолаётганга ўхшайди. Мана, ҳозир ҳам аммам «ғийқ-ғийқ» нафас оляпти.

– «Қора амма», ичингизда нима бор?

У ярқ этиб бошини кўтарди. Маъюс кулди.

– Дард бор, болам, акангни дарди бор...

Яна жимлик чўқди. Элак тапиллайди. Тагидан ун ёғилади. Аммамнинг ичидаги «одамчалар» ҳуштак чалади.

Туршагимни еб бўлдим. Энди данак чақиш учун ўрнимдан турмоқчи эдим, аммамнинг овози чиқиб қолди. Менга гапиряпти, десам, ашула айтаётган экан.

*Дукур-дукур от келди,
От бошида хат келди.
Хатини ўқиб кўрсам,
Вой-вой билан дод келди...*

Қизиқ, элак ҳам аммамнинг ашуласига мос тапилаётганга ўхшаб кетди. «Дукур-дукур от келди...»

Аммам яна жимиб қолди. Нафасининг гижиллаши кучайиб кетди. Деворга – Кимсан акамнинг суратига тезгина қараб қўйди-да, хўрсинди, яна мингиллаб ашула айта бошлади.

*Жон болам – жоним болам,
Оллога топширдим сани,
Оҳимга Олло етмади,
тупроққа топширдим сани.*

Бу гал элакнинг тапилаши ҳам сусайиб қолди. Энди у секинроқ, оғирроқ чайқала бошлади. Худди «жон бо-о-лам, жо-ним бо-о-лам» деяётгандай.

Аммам икки қўллаб элакни кўтариб ун ёпишган билаги билан кўзини артди.

– «Қора амма», йиғламанг... – дедим ялиниб.

– Йиғлаганим йўқ, болам! – Аммам бурнини тортиб жилмайди. – Нега йиғлай? Яқинда Кимсан аканг келади. Тўй қиламиз. Сен-чи, Кимсан аканг билан отга мингашиб тўйга айтасан... Бор, болам, данагингни чақиб егин. Тандир тагида-чи, теша бор. Ҳазир бўл, қўлингни чақиб олма тагин.

Қўлимда бир ҳовуч данак билан айвонга чиқдим. Айвон тоқчалари бўм-бўш. Иккита сопол лаган билан тўртта товоқдан бўлак нарса йўқ. Деворга қатор миҳ қоқилган. Биламан, куздами-қишдами келсангиз, шу миҳларга қатор қилиб беҳи илиб қўйилган бўлади. Айниқса, қишда ҳамма ёқни беҳи ҳиди тутиб кетади.

«Қора аммам»нинг ҳовлиси бизниқидан катта. Бизнинг ҳовлимизда икки туп олмадан бошқа дарахт йўқ. Аммамникида беҳиям бор, гилос ҳам. Бир ойми-икки ой аввал келганимда роса гилос еганман. Роби опам бостирма томига чиқиб узиб берган. Ҳозир гилос қолмаган. Нок бўлса – пишмаган. Тош нок. Бизнинг ҳовлимизни девори паст. Устига лўмбоз бостириб, қуриган янтоқлар қадаб қўйилган. Ўғри ошиб тушаман деса, қўлига тикан кириб, қочиб кетади. «Қора аммам»нинг девори баланд. Отга миниб тирмашсангиз ҳам бўйингиз етмайди. Бизнинг деворга таппи ёпилмайди. Аммамникига ёпилади. Ана, қунгай томондаги деворга қатор таппи ёпиб қўйилибди. Юқоридагилари қуриб қолган, пастдагилари ҳали хўл. Устида пашша айланяпти. Бизнинг ҳовлимизда пиёз йўқ. Аммамникида бор. Кўкпиёзлар уруғ бойлаб ётибди. Пуштасига кул сепилган. Ундан нарида гултожхўрозлар, райҳонлар...

Гувиллаб олов ёнаётган тандир тагидан тешани топиб, япасқи гишт устида данакларни чақиб едим. Охири учтами, тўртта данак қолган эди. Ўнбошимда бир нарса «миёв» дейди! Қарасам, «Қора аммам»нинг мушуги! Жуда ювош мушук-да, ўзи-ям! Дадамга ўхшайди! Дадамнинг мўйловини тортсам индамайди. Мушукни думидан тортсам ҳам жим туради. Севиниб кетдим.

– Ма, Мош, пиш-пиш!

Мош «миёв» деб оёғимга суйкалди. Бўйнидан ушлаб оғзига мағиз тикдим.

– Е, Мош, е!

Шунақа ширин мағизни емади! Оғзидан чиқариб ташлаб «пси» деб аксириб ҳам қўйди. Мушукни қучоқлаганча ҳовли этагига югурдим. Мушук шунақанги чаққон бўладики, аэропландан ташла-

сангиз ҳам ўлмайди. Оёғи билан тушади! Абдували айтган. Қани кўрайликчи!

Э, «Қора аммам»нинг бостирмаси баланд экан-ку! Нарвон сўрамоқчи бўлдим қўрқдим. Биламан, аммам, «мушукка озор берма», деб койийди.

Мушукни қучоқлаганча ҳовли бурчагига бориб қарасам, ҳожатхона томи билан бостирманики ту-ташиб кетган экан. Аввал ҳожатхонанинг томига чиқамиз, кейин бир осилсак, бостирмага чиқиб турибмиз-да!

Шундай қилдим. Тўнқарилиб ётган сават замбилга чиқиб ҳожатхона томига тирмашдим. Икки тирсагим деворга тегиб шилиниб кетса ҳам парво қилмадим. Кейин амаллаб бостирмага чиқиб олдим. Мушук шунда ҳам парво қилмади. Кўзини юмиб, хуриллаб ётибди. Бостирма томидаги ўтлар қовжираб қолган экан. Товонимга тегиб ғашимни келтирди. Нима қипти? Ҳозир том четига етиб оламиз!

Худди шу пайт «Қора аммам» сават кўтариб тандир томонга ўтиб қолди. Мош ҳам аммамни кўрди шекилли, типирчилаб миёвлади. Аммам овоз қаёқдан келганини билмай аланглади. Лекин ҳар эҳти-молга қарши огоҳлантирди:

– Мушукка озор берма, Музаффар! Пайғамбар орқасини силаган жонивор-а!

Ҳозир кўрамиз-да! Пайғамбар силаган бўлса орқаси билан тушармикин, оёғи биланми?

– Мош-Мош, бўлди... – деб силаб-сийпаладим-да, том лабига келдим. Аммамнинг тандирни ковлаши-ни пойлаб туриб, мушукнинг тўрттала оёғидан қи-сиб ушлаганча чалқанчасига ерга ташлаб юбордим. Мушук ўша заҳоти лип этиб ўнланди. Оёғи билан ерга юмшоққина тушди. Думи хурпайиб кетди. Яна бир марта «миёв» деб мен томонга жаҳл билан бир қаради-да, гултожихўрозлар орасига кириб гойиб бўлди. Қойил! Абдували тўғри айтган экан!

Томдан қайтиб тушиб, гултожихўрозлар орасини қарасам, мушук йўқ. Шунча қидирсам ҳам тополмадим. Зеркиб молхонага кирдим. Бурчакда турган сигир нимқоронғида кўзлари ялтираб пишқириб қўйди. Аммамнинг сигири ҳам ўзига ўхшаган қоп-қора. Сигир кавш қайтараркан, ювошгина «мў-ў» деди. Бора-бора қоронғиликка кўзим ўрганди. Ўртадаги устунга исириқ боғлаб қўйилган. Исириқ чанг босиб қорайиб кетган. Девордаги михларга қуриган гултожихўрозлар, шода-шода қизил гармдорилар илинган. Бир чеккада хаскаш, кетмон, паншаха...

Энди бостирмадан чиқиб кетаётсам, қатор-қатор хумларга кўзим тушди. Ҳар биттаси мендек келади! Аммам айтган. Бир вақтлар – урушдан олдин шу хумларда дон-дун, гўшт-ёғ тураркан. Хусан бувам ҳамма нарсани қоплаб, хумлаб оларкан. Ҳозир улар бўм-бўш. Чертсангиз, «гум-гум» қилади. Аввал битта хумни чертдим. «Гум» деди. Бундан чиқди ичида ҳеч бало йўқ. Кейин иккинчисини, учинчисини чертиб кўрдим. Ҳаммаси гумбиллайди. Охиргисининг ичида бир нима шатир-шутир қилди. Ие?! Чертишга тоқат қилмай муштим билан уриб кўрдим. Алланима хум ичини тимдалагандек бўлди. Бирдан Мош эсимга тушди. Томдан ташлаганимда аразлаб хумга кириб олган бўлса-чи?

– Мош! – Овозим борича бақирдим. – Мош, чиқ. Энди унақа қилмайман.

Ҳовли томондан «қора аммам»нинг товуши келди.

– Кулчанг пишди, Музаффар!

Хум ичида яна ўша шитирлаш эшитилди. Оёғим учида чўзилиб уввало уринсам ҳам, нима борлигини кўролмадим. Хумнинг оғзи пешонам билан баб-баравар!

«Қора аммам» тагин чақирди.

– Келақол, болам, совиб қолади!

Охурда ётган пачоқ челақни кўтариб келдим-да, тўнкариб устига чиқдим. Хумнинг бўйнидан чангаллаб ичига мўраладим. Ҳеч нарса кўринмайдию бари бир тагида бир нима типирчилаяпти. Ниҳоят хумнинг силлиқ деворига сапчиётган каттакон ола каламушни илғадим. Ҳатто бир марта «ғийқ» деб чийиллаганини ҳам эшитдим. Бўлди! Ҳаммаси аниқ! Бу каламуш амаллаб хумга ўрмалаб чиққан. Ичидаги донни еган! Еб бўлиб қанақа қилиб чиқиб кетишини билмаяпти. Ҳозир кўрасан! Мошни об-келаман, таъзирингни беради.

Тўнкарилган челақ устидан сакраб тушиб, ҳовлига отилдим.

– Мош! Пиш-пиш! – дедим ялиниб.

– Вой, Мошинг ўлсин! – «Қора аммам» тандирга шўнғиркан, сават бурчагида турган жажжи кулчага имо қилди. – Аввал ўзинг еб ол.

– Мош! Пиш-пиш! – Қўлим куйганга қарамай кулчани бурдаладим. Димоғимга нон иси урилиб оғзим сув очиб кетди. Бироқ ҳозир нон ейишдан кўра қизиқроқ ишим бор. Мушукни топсам бўлди!

– Ма, Мош! Мана нон!

Мушук нон ҳидини сезди.

Миёвлаб яқин келди. Тиззамга ўтқизиб бир бурда нон едирдим. «Қора аммам» иккинчи саватни ёпишга киришганини кўриб, мушукни секин кўтарганча бостирмага югурдим. Аввалига индамай келган мош қоронғи бостирмага кирганидан кейин думи ҳурпайиб, типирчилай бошлади.

– Мош, Мош! – деб орқасини силадим-да, каламуш қамалиб қолган хумга яқин келдим. – Мош!.. Мана... Ҳозир...

Мушукнинг кўзлари совуқ ёниб, жунлари типпа-тик бўлиб кетди.

– Мош... – Шундай деб мушукнинг бошини хум оғзига тикқанимни биламан. Ёввойи товушда

«мав!» дедию орқа оёғи билан қўлимни қаттиқ тимдалади. «Вой-вой»лаб қўйиб юбордим. У жонҳолатда сигир устига сапчиди. Сигир пишқириб ўзини четга ташлади. Думини хода қилиб мўраб юборди. Мушук кўзлари ёнганча эшикка отилди. Ўнг қўлимнинг кафтида аввал тўртта оппоқ, чуқур чизиқча пайдо бўлди, ўша заҳоти чизиқчалардан тирқираб қон оқа бошлади. Оғриқдан кўра қондан қўрқиб бақириб юбордим.

– Амма! «Қора амма!»

Ғиж-ғиж нафас олганча, қўрқувдан кўзлари олайиб кетган аммам югуриб кирди.

– Нима қилди? – деди нон ҳиди анқиб турган қўллари билан бошимни бағрига босиб. – Айт, нима бўлди?!

– Юмдалади! Мушук юмдалади! Вой қўлим!

– Хаҳ қилиқларинг ордона қолсин-а! Отангга нима дейман! – Аммам қўлимдан чангаллаган кўйи ҳовлига олиб чиқди. – Мушук билан ўйнама девдим-ку! – деди ёғоч қошиқда қозон тагидан қоракуя қиртишлаб оларкан.

У ярамга қоракуя босганида баттар ачишиб кетди.

– Каламуш! – дедим йиғлаб. – Хумда каламуш бор экан. Мош билан уриштирмоқчи эдим.

– Ўлсин! – Аммам нафаси ғижиллаб бошидан рўмолини юлқиб олди. Сочлари ёйилиб попук тангалари жиринглаб кетди. – Каламуш ўла қолсин! Хумни йиқитсанг-ку ўз йўлига кетарди. Отангга нима дейман. Эрка бола бўлсанг...

Ажаб, аммам қоракуя босиб рўмоли билан боғлаганидан кейин оғриқ дарров қолди. Аммам чой ичирди, ўзимнинг кулчамдан қолганини едирди. Жой солиб берди.

– Ухла! Отанг нима қилди, деса, йиқилиб тушдим дейқол. Укам бечоранинг топганиям, тутганиям сенсан...

Нега ухларканман! Тўғри, энди Мош билан ўйнамайман. Ёмон мушук экан. Аммамникида ўйин камми! Ана, Ҳусан бувамнинг аравасига чиқаман. Бир филдираги синган бўлса нима қипти? Аввал устига чиқаман. Кейин секин-секин шотисига осилсам «лайлак» бўлиб турган шоти ерга тушади. Шотини қўйиб юборсам, яна кўтарилиб кетади.

«Қора аммам» овқатга олов ёқишини пойлаб пастак эшикдан лип этиб ташқарига чиқдим. Эшак араванинг бутун филдирагига осилиб устига миниб олдим. Шоти бандига кўндаланг ўтириб, пастга боса бошладим.

Офтоб ботиб кетган. Нимқоронғилик чўккан, ҳа-вода жўхори кабоб ҳиди келарди. Қаёқдан келяпти бу ҳид? Оқсоқол буваникидан шекилли. Менам аммамга кўмма қиберинг десам бўларкан. Жўхори кўмма зўр! Думбул сўтанинг орқасига чўп тиқиб, чўғга суқсангиз, «порс-пурс» этган овоз чиқади. Қарабсизки, бирпасда жўхори кабоб тайёр!

Араванинг шотисини энди пастга туширган эдим, нимқоронғилик ичидан овоз келди.

– Музаффар!

Танидим! Роби опам!

– Роби опа! – аравани ҳам унутиб чошиб бордим. Роби опам бақувват қўллари билан ердан даст кўтариб қучоқлаб олди. Димоғимга лампамой ҳиди урилди.

– Арава ўйнама, болажон! – деди юзимдан ўпиб. – Юр, уйга! Яхшиси, эртага ўзимнинг отимга миндираман.

Роби опамнинг «отини» биламан. ўилдиракларининг тиши катта-катта, дудбуронидан тутун чиқиб турадиган трактор! Баҳорда келганимда Роби опам «оти»да учирган. Роби опамни яхши кўраман. Ўзиям яхши-да! Аммамга ўхшаган кичкинамас. Бўйи новча, юзи оппоқ, чиройли. Сочи узун, ерга тегади.

Роби опам бизникига ҳам бориб туради. Жомашовда менинг иштонларимни, дадамнинг кўйлак-шимларини ҳафсала билан ювади. Роби опам «Қора аммам»нинг рўмоли билан боғланган кўлимга кўзи тушди-ю, хавотирланиб сўради:

– Нима бўлди, болажон?

– Э, ҳеч нима! – дедим гиройлик қилиб.

Роби опам лампамой ҳиди анқиб турган қучоғидан бўшатмай мени ҳовлига олиб кирди. Ошхонада куйманаётган «Қора аммам» биз келганимизни дарров билди.

– Робия! – деди қозон кавлашда давом этиб. – Мошхўрда пишди. Чироқни обкириб, сигирни соға қол.

Овқатдан кейин айвонда, хонтахта атрофида ўтириб чой ичдик. Аммам ғиж-ғиж нафас олиб, дастурхонда қолган нон увоқларини йиғиштирди. Роби опам тиззасига қийиқча ташлаб гул сола бошлади. Бостирма томининг орқасидан ой чиқди. Олис-яқинда итлар акиллади. Алақаёқда мушук миёвлади. Қўлимни тимдалаган Мош... Одамни зериктирадиган жимжит оқшом.

Бирдан дадам эсимга тушиб қолди. Нимага ҳалигача келмади?

– «Қора амма!» Кетаман! – дедим йиғламсираб. – Дадамминан ухлагим келяпти!

– Ҳозир болам, даданг ҳали-замон кеп қолади! – аммам юпатиб, пешонамдан ўпди.

– Вой, болажон. – Робия опам тикиб ўтирган каштани ёнига қўйиб бошимни силади. – Ке, менинг ёнимда ўтир.

– Керакмас... – дедим йиғламсираб. – Дадам қачон келадила?

– Худойим-ей! – Аммам мени бағрига босди. – Сени отанг туққан ўзи! Келади! Келмай қаёққа борарди!

Бир томонимдан аммам, бир томонимдан Роби опам ўртага олиб ётишди. «Қора аммам»дан қатиқ

иси, Роби опамдан лампамай ҳиди анқийди. Мен бўлсам дадамнинг тамаки иси анқиб турган мўйловини, елкасидаги чуқур чандиқни ўйнаб ётишни кўмсайман...

3. Ёмон чумчуқ

Тамакининг таниш иси димоғимга кириши билан уйғониб кетдим. Кўзимни очсам, тепамда дадам чекиб ўтирибди.

– Турсинлар, гирой, – деди кулимсираб.

– Қачон келдиз?

– Ўзинг ухлаб қопсан-ку, қани ювин тезроқ.

Ростдан ҳам кечаси ёнимда дадам ётгани аниқ. Ёстиқдан папирос ҳиди келяпти. Ўрнимдан туришим билан дадам боғлоқлиқ кўлимга қараб сўради.

– Нима қилди?

– Э, йиқилиб тушдим.

Айвондан тушиб борарканман, дадам кетимдан гапириб қолди.

– Тинчимаган боласан-да, сув тегизма энди. Газак олади.

Гултожихўрозлар очилиб ётган ариқча бўйига чўнқайиб, чап қўллаб ювиндим. Қарасам, нарироқда Мош ҳам ювиняпти. Олди оёғининг учини оғзига тегизиб хўллайдида, юзига суртади. Ўзининг юзини юмдаламайди! Кесак билан тушириб қолгим келди-ю, дадамдан кўрқдим.

Аммам ошхонадан икки товоқ қаймоқ олиб чиқди. Роби опам алақачон далага кетган, вақтли бормаса, Башор хола деган бошлиғи уришади!

Дадам қаймоққа нон тўғраб, шоша-пиша еди.

– Бола қолаверсин! – «қора аммам» ҳарсиллаб нафас олганча дадамга юзланди. – Юраверади. Ҳали жўхори кабоб қилиб бераман.

– Ҳа! – дедим ирғишлаб. – Жўхори кабоб ейман!
– Йўқ! – Дадам менга қараб қовоғини солди. –
Тўполон қилиб, яна бир балони бошлайсан.

Аммам дадамнинг қўлига тугунча тутқазди. Биламан, тугунчада кеча ёпилган нон, туршак бор. Пастак эшик олдига келганда девор тагида турган каттакон кетмонга кўзим тушди. Дадамнинг кетмони! Банди шамдай силлиқ, юзиям баркашдек келади. Дадам кетмонни елкасига олиб, аммам берган тугунчани дастага илди.

–Тез-тез кептургин, болани обке! – деб қолди аммам кетимиздан.

Кўчага чиққандан кейин яна Алвасти кўприкдан ўтишни ўйлаб юрагим увишди.

– Алвасти кўприкка борамизми?– дедим ҳиқиллаб.

– Йўқ, саккизинчи бригадага!

Маза! Идора олдидан ўтарканмиз!

Идора – кеча ўзим узоқдан кўрган оппоқ уй. Олдида шапка кийган, мўйловли одамнинг ҳайкали. Берироқда ҳовуз. Ҳовуз четида толлар, бир туп ўрик. Сув юзида беш-олтита ўрик қалқиб турибди: сап-сарик. Қантак ўрикка ўхшайди. Ҳовуз олди гулзор. Ҳов ана, идора орқасида катта-катта деразали узун уй. Бу – «қулуп». Томида радио ашула айтяпти.

Ниҳоят картошка полизга етиб келдик. Дадам шошганча бор экан. Олисда, пайкал ичида эркак-хотинлар юрибди. Кетмонлар тонг офтобида ярақлайди. Бошига дакана танғиган аёллар, дўппи кийган эркаклар пайкалларга бўлиниб, картошка чопиқ қилишяпти.

Дадам шарқираб оқиб ётган ариқ бўйида, бир туп садақайрағоч тагида тўхтади. Оёқ учиди чўзилиб, тугунни қайрағочнинг пастки шохига илди. Белидаги қийиқчани ерга, сояга ёйди.

– Шўхлик қилмай, жим ўтир, хўпми? – деди ҳар доимги гапини қайтариб.

Дадам билан кўп жойга борганман. Ариқ тозалашга, арпа ўришга. Дадам далага кириб кетганда мен пойлаб ўтираман. Ўрганиб қолганман.

Пешингача «яхши бола» бўлиб ўтирсам бас: «Даранг-даранг, даранг-даранг», деб занг чалинади. Дадам даладан чиқиб келиб, мени шийпонга – обши қозонга олиб боради. Ошпаз хола мени танийди. Алоҳида товоқда овқат сузиб беради. Кўпинча ичида суягиям бўлади. Фақат Парча холани ёмон кўраман. Парча хола – девдай хотин. Мўйловиям бор. Нуқул, «суягингни менга бер, мен тозалаб берай!» дейди.

Суягимни бермай десам, кўрқаман, ўзимни еб кўяди!

Яхшиям бугун саккизинчи бригадага келдик. Парча хола кўпинча Нўғайқўрғонда ишлайди. «Яхши бола» бўлиб, қийиқча устига ўтириб олдим. Дадам бир хатлаб ариқдан ўтди-да, картошка пайкалга кириб кетди.

Дадамнинг кетмон уришини томоша қилишни яхши кўраман. Дастасидан кўтариши билан каттакон кетмони офтобда ярақлаб кетади. У кетмонини шу қадар зарб билан урадики, ер силкиниб кетгандай бўлади. Тагин ҳар гал кетмон ташлаганда «ҳаҳ-ҳаҳ» деб кўяди. Худди бировга зарда қилгандек! Биламан, ҳозир дадам терлай бошлайди. Аввал бўйни терлайди қип-қизариб, ялтираб кетади. Кейин оқ кўйлагининг гарданига ёпишган жойи ҳўл бўлади. Ундан кейин елкалари... Чап елкасидаги чуқурча ўрадек қорайиб қолади.

Қайрағочнинг гадир-будир танасига суяниб ўтирарканман, муттасил чирқиллаётган чумчуқлар қулоғимни батанг қилиб юборди. Бошимни кўтариб қарасам, садақайрағоч атрофида

ғуж-ғуж чумчуқ. Бири учади, бири қўнади. Вўй, инларининг кўплигини! Биттаси жудаям пастда экан. Дўппидек инда учта боласининг боши кўриняпти. Катта чумчуқ учиб келиши билан уччала боласи сап-сарик тумшуғини катта очиб, баравар чирқиллайди. Аммо дадаси ҳеч адашмайди. Ҳаммасига галма-галдан овқат беради. Ие, дадаси иккита экан-ку! Биттаси учиб кетиши билан, иккинчиси келяпти, болаларига навбат билан овқат улашишяпти. Бундан чиқди, биттаси – дадаси, иккинчиси – аммаси!

Болаларини олиб тушиб уйда боқсам-чи! Қайрағочга қандай тирмашганимни ўзим билмай қолдим. Бир-икки марта сирғаниб кетиб, тиззамнинг кўзи ачишди. Бари бир амаллаб қайрағочнинг шохига осилиб олдим. Чирана-чирана шохга чиқдим. У ёғи осон кетди. Шохлар қалин, худди нарвондек бир бирига яқин турарди. Энди чумчуқ ини ҳам, сап-сарик овзини очиб чирқилаётган қушлар ҳам, ҳатто ин ичидаги оқиш тезаклар, тухум пўчоқлариям аниқ кўрина бошлади. Шохларни ушлаб секин-секин ин томон сурилдим. Боядан бери чирқилаётган қушлар бирдан жимиб қолди. Ҳурпайиб, ин тагига ётиб олишди. Нима бўпти, яна озгина силжисам, чумчуқлар меники! Қўйнимга солиб обтушаман-да, уйга олиб кетаман. Аксига олиб, ин шохнинг қир учида, ингичка жойда экан. Қанча сурилсам, шох шунча қаттиқ лопиллайди. Бунинг устига чанг босган япроқлар юз-кўзимга урилади. Ҳамма ёғим қичишади, оёқларим титрайди...

Қўлим «ярадор»лиги паққос эсимдан чиқиб кетган экан. Тепадаги шохни қисиброқ чангаллаган эдим, ўнг қўлим қаттиқ ачишди. Аммам ўраган рўмол устидан шох-пох кириб кетдими, нима бало? Кўзимдан ёш чиқиб кетай деса ҳам чидадим. Инга яқинлашган сайин оёғимнинг қалтираши куча-

йиб кетди. Энди инга қўл чўзган эдим, бир чумчуқ овози борича чирқиллаб шундоқ тумшугим олди-дан учиб ўтди. Юзимга қаноти тегдиям. Қўрққан-нимдан тўхтаб қолдим. Шунда ғалати иш бўлди. Сон-саноқсиз чумчуқлар атрофимда чарх уриб айлана бошлади. Оламни бузгудек бўлиб чирқил-лаганча бири у ёққа бири бу ёққа учади. Кўзимни ўйиб олишга қасд қилгандек, юзимга қанотини те-гизиб, чиғир-чиғир қилади. Бошим айланиб кетди. Соғ қўлим билан шохни чангаллаганча «ярадор» қў-лимни силкитиб «кишт-киштлаб» ҳайдадим. Латга ечилиб кетди. Чумчуқлар бўлса тўда-тўда бўлиб, баттар ёпишади. Қўрққаннимдан овозим борича бақириб юбордим.

– Дада-а!

Оёғим сирғаниб кетди. Икки қўллаб шох-га ёпишган эдим, ярадор қўлим шунақа ачишиб офридики, шох қўлимдан чиқиб, бир зум лапанглаб турдим-да, пастга йиқилдим. Елкам қандайдир шохга қаттиқ урилганини, ерга учиб тушганимни элас-элас биламан...

Бир маҳал кўзимни очсам, дадам кўтариб кет-япти. Доим опичлаб юрарди, ҳозир қўлига кўтариб олибди. Авваллари чўлоқланиши ҳечам озор бермас-ди. Ҳозир ҳар оқсоқланганда жоним чиқиб кетай де-йди, қўлим сирқирайди. Дадамдан мутгасил анқиб турадиган тамаки ҳиди ҳеч қачон кўнглимни айнит-масди. Энди бўлса қусгим келиб, ўқчий бошладим.

– Дада! – дедим инграб.

Дадам юзимга ҳавотирланиб қаради.

– Ҳозир, ҳозир, – деди овози хириллаб. – Бирпас чидагин, йигитсан-ку, ўзинг, гиройсан-ку.

У баттароқ оқсоқланиб югуриб кетди. Кўз ўн-гимни сарғиш туман қоплади. Яна қусгим келди. Кейин нима бўлгани эсимда йўқ.

Даҳшатли оғриқдан ҳушимга келдим. Яна ўша сарғиш туман. Бора-бора туман тарқалиб аввал дадамнинг мўйловини, кейин ўзини кўрдим, қарасам, ёнида яна битта одам бор. Танидим: думалоқ дўпписини бостириб кийиб олган Комил бува мулойим кулиб турибди. Сийрак соқолини селкилла-тиб, бошимни силади.

– Қўлни синдириб обсиз-ку, азамат йигит!

Қизиқ, табиб бува ҳар доим одамга шунақа мулойим кулиб қарайди, ҳеч кимга қаттиқ гапирмайди.

Кўрқа-писа, дадамга қарадим. Табиб буванинг олдида уришгиси келмади шекилли, қовоғини солиб, юзини ўгирди.

– Зиёни йўқ, – деди табиб бува оғзига нос ташлаб. – Уч ҳафтада сан-кўр, ман кўр бўлиб кетдилар. Қани, қўлни кўтариб кўринг-чи, йигит. Унисинимас, чап қўлни.

Чап қўлим таёқдек қотириб боғлаб ташланган эди. Табиб бува тахтакачлаб қўйганини тушундим. Қўлимни кўтарган эдим, оғриди-ку, аммо боғидек кўнглим беҳузур бўлмади.

Шу пайт узун кўйлагининг этаги ерга тегай деб турган хотин уйга кирди. Аввал далада кўрганман. Табиб буванинг хотини – Лазакат хола. Бурни товукнинг тумшуғига ўхшайди.

– Шафтоли ейсанми? – У қўлидаги каттакон зарғалдоқ шафтолини узатди.

Олишга олдиму шафтолини қандай арчишни билмай қолдим. Ўнг қўлим «ярадор», чап қўлим синган.

Дадам қошини чимириб шафтолининг пўстини арчиб берди. Аммо егим келмади. Негадир кўнглим айнади.

Ҳовлига тушишимиз билан кўча эшикдан йўл-йўл қўйлак кийган, соч қўйган йигит кириб келди.

– Ие, гирой, қўлга нима қилди? – деди кулиб.

Танимасам ҳам «гирой»лигимни кўрсатиб қўйиш учун илжайдим:

– Ҳеч нима.

Табиб бува мулойим товушда йигитга тайинлади.

– Укангизни уйларига обориб қўйинг, Олимжон...

Бундан чиқди Алвасти кўприкда Ҳусан бувам билан Оқсоқол бувага ёрдам берган Олимжон ака шу эканда! Сўрагим келди-ю, дадам қовоғини солиб турганини кўриб индамай қўя қолдим.

Йигит қўлтигим тагидан авайлаб олиб, мени кўтарди.

– Йўқ, ўзим... – деди дадам ҳамон қовоғини солиб. – Овора бўлманг, Олимжон...

– Ие, овораси бор эканми, ўзимнинг укам-ку, – Олимжон ака қучоқлаб кўтараркан, кулимсиради. – Бу қўл ҳам ярадор бўлганми?

Қўрқа-писа яна дадамга мўраладим. Йўқ, бу гал ҳам индамади. Тамакисини тутатиб қаттиқ-қаттиқ тортди.

– Бир ҳафтадан кейин тагин обкеласиз, – деб қолди кетимиздан чиққан табиб бува, мулойим жилмайиб. – Қисилманг, Шомуроджон. Бола-да, бола!

Салқин, захкаш ёнғоқзор орасидан юриб кетдик. Олдинда дадам, орқароқда мени кўтариб олган Олимжон ака... Олимжон акам чўлоқланмас экан. Мени енгилгина кўтариб кетяпти. Сочи ёйлиб, пешонасига тушган. Олисда Алвасти кўприкнинг шовуллаши эшитилади. Ўша томонга қарамасликка ҳаракат қилдим.

– Кузда келсанг-чи, сенга анча ёнғоқ бераман, – деди у ваъдани катта қилиб.

– Ўзимизниям ёнғоғимиз бор! – дедим илжайиб.

– Ие зўр экан-ку! – Олимжон ака кулди. – Бўлмаса ўзингни ёнғоғингни олиб келсан. Ёнғоқ ўйнашни биласанми?

– Биламан, – дедим илжайиб. – Соққа қувар, ган қўяр...

– Бўпти, иккаламиз ўйнаймиз. Аммо ютиб олганни қайтиб бериш йўқ.

Ҳовлимизга киргандан кейин Олимжон акам мени айвонга ўтқизди. Негадир юзимга авайлаб шапатиладида, кўз қисиб қўйди. Дадам билан хайрлашиб, чиқиб кетди.

Ана энди дадам мени роса уришади! Қўлимга тагин оғриқ кирса ҳам тишимни-тишимга қўйиб ўтиравердим. Дадам уйга кириб сопол лаган олиб чиқди. Оқсоқланиб борди-да, ҳовлидаги холдастор олмани тепиб силкитди. Аллақанча олма дув этиб тўкилди. У олмаларни лаганга солиб, ювиб келди. Этигининг қўнжидан суяк сопли пичоғини чиқариб биттасини арчди. Икки паллага бўлдида, бир палласини пичоқ учига илиб узатди.

– Ма, е.

Шундагина дадамнинг кўзига юрак бетлаб қарадим. Унинг ранги ўчган, терлаб кетган юзини кафти билан артган бўлса керак, бармоқ изи қорайиб турар, мўйлови титрар эди.

Ўзимга қолса, олмани жон деб ердиму яна кўнгим беҳузур бўла бошлади. Қўлимнинг сирқираши кучайди.

– Оғрияпти, – дедим йиғламсираб.

Дадам кўзимга тикилиб туриб, уф тортди. Шимининг чўнтагини узоқ титкилаб, газета-қоғоз, тамаки халта олди-да, қўллари титраб папирос ясади. Гугурт излаб тополмади шекилли, токчалардаги баркаш-чойнакларни тарақ-туруқ қилиб анча тимирскиланиб юрди. Кейин «ҳозир» деб кўчага чиқиб кетди. Зум ўтмай бир қўлида хурмача, бир қўлида узун шиша билан қайтиб келди. Токчадан ёғоч қошиқ олиб, хурмачага ботирди. Бир қошиқ қатиқни тумшуғимга тиқиштирди.

– Ич, – деди бўғиқ овозда. – Ёғлиқ қатиқ экан. Сартарош амакинг берди.

Баттар кўнглим айниб, юзимни ўғирдим.

– Керакмас...

Тўсатдан дадамнинг кўзида ўт чақнади.

– Дарахтда пишириб қўйганмиди, бадбахт! – деди ҳайқириб.

Қўрққанимдан ғужанак бўлиб олдим. Бирпасда кўнглим айниши ҳам, оғриқ ҳам эсимдан чиқиб кетди. Дадам шахт билан ўрнидан турди-да, чўлоқланиб токча ёнига борди. Каттакон пиёлани юлқиб олиб, хонтахта устига тарақлатиб қўйди. Узун шишанинг тагига кафти билан уч-тўрт урган эди, сўрғичланган пўкак отилиб ҳамма ёқни қўланса, чучмал ҳид тутиб кетди. У важоҳат билан пиёлани тўлдириб қўйди-да, нафас олмай охиригача ичди. Кейин тагин тўлдириб қўйди, яна ичди. Бирпасда кўзлари қизариб, мўйлови осилиб қолди. Негадир ҳарсиллаб нафас олганча тагин пиёлани тўлдирди. Яна ичди. Пиёлани ҳовлига улоқтириб юборди. Пиёла ҳовли ўртасига, олма тагига бориб тушди. Аммо синмади, сакраб кетди. Дадамнинг кўзларида қўрқинчли олов чақнади.

– Ўлдираман! – деди бақариб. Оғзидан кўпик сачраб хонтахта устида ётган суяк сопли пичоғини боши устида баланд кўтарди: – Ўлдираман! Сўяман!

Даҳшат ичида чинқириб юбордим.

– Дада! Дада-а-а!

– Сўймасам отимни бошқа қўяман! – У бор кучи билан пичоқни бир урган эди, сопол лаган чил-чил бўлиб кетди. Лагандаги олмалар ҳар томонга сочилиб беш-олтитаси намаатга, иккитаси айвон лабидан думалаб ерга тушди. Пичоқ хонтахтага санчилиб қолди.

– Дада! – дедим титраб. – Дадажон! – ўрнимдан сакраб туриб кетдим.

– Сўяман! Ернинг тагида бўлсаям топиб, сўяман! – Дадам икки қўли билан бошини муштлай бошлади. – Қанжиқ! Ўлдираман! Ўлдираман!

У «ўлдираман» деган сайин икки қўллаб бошини муштлар, овози хириллаб қолган, оғзидан кўпик сачрар эди. Бирпасда пешонаси моматалоқ бўлиб кетди. Кейин ўзидан ўзи қўл-оёқлари силкина бошлади. Ранги гезариб, овози чиқмай қолди. Шилқиллаб ёнбошга ағдарилди. Даҳшат ичида ўзимни дадамнинг устига ташладим.

– Дада, унақа қилманг, дадажон.

Оғриқни ҳам унутиб, елкасидан силкитдим.

– Дада, тулинг! – дедим ёлвориб.

У қимир этмай ётар, қўзлари бақрайиб қолган, аммо мени кўрмас эди. Йиғлаб юбордим.

– Дадажон, тулинг. Иккинчи қилмайман, дарахтга чиқмайман. Дадажон...

«Қора аммам» қачон келганини билмай қолибман.

– Вой ўлай! Вой шўрим қурсин, – деганча қўлидаги тугунни айвонга улоқтирди. Тугун ечилиб, қўрга кўмилган жўхорилар ҳар томонга думалаб кетди.

– «Қора амма», дадамни уйғотинг, – дедим титраб. – Иккинчи қилмайман.

– Ҳой, Шомурод, сенга нима бўлди? – Аммам дадамнинг юзини силади. Туртиниб ошхонага югурди. Бир коса сув обкелиб, дадамнинг юзига сепди. Айланиб-ўргилиб пешанасини, қўлларини силай бошлади...

ИККИНЧИ БОБ

«ҚОРА АММА» ҲИКОЯСИ

1. Бечора чора истар

Пешиндан кейин нуқул ўнг қовоғим учаверди. Қуриб кетсин! Шу кўзим учса хафа бўламан. Ўзимни чалғитиш учун таппи қилдим, ҳовлини чалиб чиққан бўлдим. Дилим ўлгур ҳеч ёришмайди. Дардимни айтай десам, Робия ҳам ишда. Қизим бечорагаям қийин. Эрта кетади, кеч келади. Қиз бола боши билан трактор ҳайдайди. Башоратхон ўзи яхши жувон-ку, жаҳли тезроқ. Аччиғи чиқса, эриниям нари обориб-бери опкелади. Нима қилсам бригад-да! Қолаверса, Оқсоқолдек одам ярим кечагача даладан чиқмаганидан кейин ўзини у ёққа-бу ёққа ташлашга уялади-да киши...

Хаёлим бўлинармикин, деб томорқадаги жўхоризордан сигирга ўт юлаётганимда эрталаб Музаффар «жўхори кабоб ейман» дегани эсимга тушди. Укам ҳам жуда кажбаҳс-да! Болани ташлаб кетақол, десам кўнмаганини кўрмайсизми? Ёш бола кунбўйи далама-дала юради. Оғзига бир қошиқ оби-ёвфон тутадиган онаси бўлмаса! Пешинда обши қозондан шўрва ичади – шу!

Шомуроднинг феъли чолимга ўхшайди. Чолим ҳам ўз киндигини ўзи кесган хилидан эди. Калхоз бўлармиш деган гап чиққанида Орифхўжа бойнинг одамлари «калхозга кирсанг ичагингни бошингга салла қилиб кетамиз», деб қўрқитган. Чолимнинг жуссаси кичкина бўлсам, юраги отнинг калласидек эди. «Мен бечорахол бир одамман. Бир бошга бир ўлим, қўлингдан келганини қил», деб тураверган.

Бола нарса, севина қолсин деб жўхорининг сутлироғидан танлаб, қўрга кўмдим. Робиянинг кели-

шини кутишгаям сабрим чидамай йўлга тушдим. Алвасти кўприкдан ўтаётганимда юрагим яна ҳовлиқди. Ўлсин! Хосиятсиз жой! Уруш пайтида Робияга ҳам шу кўприкда ажина даф қилган...

Ўнфоқзордан ўтиб кетаётсам, олдимдан Олимжон чиқиб қолди. Комил табибнинг ўғли. Барака топпур хўпам яхши бола. Уруш пайтида Робиянинг тракторига сув ташиб юарди. Ҳозир Тошкентдаги катта ўқишда ўқийди. Оқсоқол билан чолим пойиз тагида қолганида қандоқ чирқиллаган эди, бола бечора... Умри узоқ экан, Оқсоқол тирик қолди. Аммо чолим...

– Шомурод акамникига кетяпсизми? – деди салом бериб. – Тезроқ бора қолинг.

Юрагим бир қалқиб тушди.

– Тинчликми?

– Тинчлик. Хавотир олманг... – дедию кетаверди.

Хавотир олмаганим қурсин. Эшикдан кириб келсам, бу ҳангома. Қовоғим бекорга учмаган экан-да...

Музаффар бечора қаттиқ қўрққан экан. Дада-сидан бир қарич жилмайдиган бола этагимга осилиб ялинди:

– Аммажон, кетманг, сизминан ётаман!

Қизиқ, соат неча бўлдикин? Ой пештоққа келиб қопти.

Чигиртка чириллайди... Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит. Болани бағримга босиб ўтирибман. Ичкарида Шомурод хўрсинади. Ўқтин-ўқтин, «бари бир ўлдираман!» деб алаҳлайди. Музаффар, қўли оғриётган бўлса керак, инграйди. Уйқусида чўчиб пинжимга киради. Ана, яна сесканиб тушди. Кўзини очиб, атрофга олазарақ қаради.

– Қўрқиб кетяпман...

– Қўрқма, болам, мен борман-ку. Ухла...

Жувонгина ўлгур ноинсоф! Боланинг уволи тутгур имонсиз! Эрингни бировдан кам жойи йўқ эди-

ку! Чўлоқ бўлса девор ошиб ўғрилиқ қилиб бўлма- гандир! Тўрт йил қон кечиб келди-ку! Эри урушда ўлган қанчадан-қанча гулдай жувонлар юрибди сабр қилиб. Ақалли болангни ўйласанг бўлмасми- ди, имонфуруш!

Ой ҳаволаб кетди. Айвон қоп-қоронғи бўлиб қолди. Уйқу қани? Хаёл минг кўчага олиб киради. Кимсаним... Олтитасини ерга қўйиб, биттагина тутган боламниям Худо кўп кўрди.

*Дукур-дукур от келди,
От бошида хат келди.
Хатини ўқиб кўрсам,
Вой-вой билан дод келди...*

Қаёқдасан, болам? Қайси юртларда юрибсан?! Жонинг соғми ўзи? Майли, оёқ-қўлсиз бўлсанг ҳам, биров замбилада кўтариб келсаям жон дердим! Кафтимда олиб юрардим! Отанг йўлингга терму- ла-турмула ўтди. Энди ақалли мени ўз қўлинг би- лан тупроққа қўйсанг-чи! Йўқ, йиғлаётганим йўқ, болам! Йиғламайман. Мабодо йиғласам ҳам... Йўқ, ўғлим. Мен йиғласам, сен безовта бўласан. Ро- бия куяди. Қизимнинг икки кўзи ҳалиям эшикда. Кутяпти. Сени кутяпти. Бошқа қиз бўлса, этаги- ни қоқардию бор-е, деб биттасига тегарди-кетар- ди. Не-не жойлардан совчи чиқмади. Туққандан- ми-туғишганданми, деб шуни айтади-да! Бир қиз бўлса шунчалик бўлар.

Шунақа дейману...

Вой, ўлмасам! Яна ўша шум хаёлга боряпман- ми? Кимсаним, жон болам, кечир, гуноҳкор онанг- ни! Биламан, Худо кўрсатмасин, шаҳид кетган бўлсанг, арвоҳинг чирқиллайди. Тирик бўлсанг, эр- тага келиб ёқамдан оласан. «Нима қилиб қўйдинг, шумкампир, сенам онамисан, имонсиз», дейсан!

Нима десанг ҳаққинг бор. Қайси она ўз юрагини ўзи суғуриб тупроққа ташлайди? Қайси она ўз бо-ласига ўзи хиёнат қилади?

Қандоқ қилай, жоним болам? Ўзинг ўйла, ахир. Робиям, сенинг Робиянг, қовжираган гулдек кў-зимнинг олдида сўлиб боряпти. Ёши ўттизга қараб кетяпти, ўғлим! Совчилар «қари қиз» деб қадамини узиб қўйганигаям анча бўлди.

Онангнинг гуноҳидан ўт, Кимсан! Бу ният хаё-лимга келганига анча бўлганди. Аммо бировга ай-тиш у ёқда турсин, ўйлашгаям қўрқиб юрувдим. Бугун тоғанникидаги мана бу «томошани» кўриб... Ақалли шу норасида гўдак ҳурмати, онангдан ўп-калама, болажоним!

Хўроз қичқирди. Салқин тушди. Тонг бўзариб, ёнғоқнинг учидаги шохлар силкина бошлади. Мен бўлсам Музаффарни қучоқлаганча мук тушиб, ҳа-лиям Кимсаним билан гаплашяпман. Билмадим савоб иш қиляпманми, гуноҳми? Билмадим...

* * *

Эргалаб Шомуродни ишга жўнатиб Музаффар-ни ўзим билан уйга олиб келгандим. Бола-да! Кў-лининг оғриғини унутиб чопқиллаб кетди. Кеча-си безовта бўлиб чиққани учун вақтликкина ётиб қолди. Робия ишдан келадиган пайт яқинлашган сайин кўнглим алғов-далғов бўла бошлади. Майли, Шомурод-ку, қайсарми, баломи, бир амаллаб кўн-дираман. Лекин Робияга қай юз билан айтаман бу гапни! Нима дейман? Тилгинам танглайимга ёпишса бўлмайдими?

...Робия кеч келди. Айвон бурчагида ухлаб ётган Музаффарни кўриб суюнди.

– Ие, яна нима қилди? – деди боланинг тахта-качланган қўлига кўзи тушиб.

– Йиқилиб, қўли синибди.

– Вой, бечора! – У Музаффарнинг пешонасидан ўпаётганда юрагим қалқиб кетди.

Кейин озроқ кир чайди. Ярим кеча бўлиб кетганига қарамай бошини ювди. Еттинчи лампани хонтахтага қўйиб кўк қийиқчага гул боса бошлади. Пилик чирсиллайди, ҳовлида қурбақалар қуриллайди. Робия қизил ипак қатини чаққон-чаққон тортиб кашта тикяпти. Узун киприклари оппоқ юзига тўкилиб турибди.

– Робия! – дедим секин. – Бола шўрлик қўлини ёмон синдирибди. Чумчуқ оламан деб садага чиққан экан.

У ачиниб Музаффар томонга қаради.

– Табиб кўрдими?

– Ҳа, Комил табиб тахтакачлаб қўйибди.

– Жони оғригандир.

– Бўлмаса-чи!

Яна жимлик чўкди. Робия афсусланиб бош чайқадида, ишини қилаверди.

– Робия... – дедим яна. – Шу болагаям жабр бўлиб кетди. Она бўлмаганидан кейин шу экан-да!

У қийиқчани тиззасига ёйганча бошини кўтарди.

– Аввалам айтувдим-ку, ойижон. Адамга тушунтиринг, Музаффар бизникида тураверсин.

«Адамга тушунтиринг!» Юрагим увишиб, бошим хам бўлиб қолди. Мен ноинсоф, мен юзи қаро қайси юз билан?.. Кимсаним, жон болам, кечир гуноҳкор онангни!

– Робия, – дедим йиғлагудек илжайиб, – совчи келди!

У менга қарамай кулимсиради.

– Муборак бўлсин!

Доим шунақа майнавозчилик қилади. Йиғлаб-сиқтаса, «уйингизга сигмай қолдимми», деб шовқин солсаям гўрга эди. Кулади.

– Унақа дема, қизим! – Овозим титраб кетди.
– Кимсан аканг тирик бўлса шу кунгача дараги чиқарди.

У ишини хонтахта устига қўйиб қўзимга таъна-ли қаради. Чиройли кўзларида «шу гапни сиз айт-япсизми?» деган маъно бор эди.

– Мен-чи, ойижон? – деди хотиржам оҳангда.

Тушунмадим.

– Нима сен? Сенга нима бўпти, қизим? Ҳали ўн гулингдан...

Робия «вой, содда ойим-а», дегандек кулимсира-ди.

– Мен борман-ку, – деди секин. – Мен тирик-ман-ку! Бундан чиқди Кимсан акам ҳам тириклар.
– У гап тамом, дегандек яна қатим тортишга тушди.

Дамим ичимга тушиб кетди.

– Совчи ким деб сўрамайсанам, қизим, – дедим ичимдан тошиб келаётган йиғини аранг босиб.

Робия энсаси қотиб кулди.

– Кавушини аямаса келаверсин... Сизга нима?

– Ўша совчи – менман!

Бу гап қандоқ оғзимдан чиқиб кетганини бил-майман, Робиянинг қўлидаги қийиқча сирғалиб ерга тушди. Ранги ўчиб, юзимга ҳайратланиб қаради.

– А?!

– Шомуродга...

– Нима?! – У чаён чаққандек сакраб ўрнидан турди. Этагининг шамоли тегиб лампа ўчиб қолди.

Жон ҳолатда оёғига ёпишиб, чангаллаб олдим.

Йўқ, мен йиғламайман, деб аҳд қилган эдим. Кимсаннинг мозорини топмагунимча, гўрнини ўз кўзим билан кўриб, тупроғини ўз қўлим билан қучоқламагунча бир томчи ҳам ёш тўкмайман деб қўйгандим. Ҳозир боламнинг азасига йиғиб юрган ўша ёшлар бирдан кўзимдан тирқираб чиқди.

– Болам! Жон болам, – дедим илтижо қилиб.
– Кимсанни сен кутсанг, мен кутмаяпманми! Ўз боламнинг кўзига ўзим чўп солгандан кўра ўлганим яхшимасми! Нима қилай, жон қизим, иложим қанча!

– Ахир... ахир... – У мадори қуригандай ёнимга чўккалаб қолди. Нами кетмаган сочлари юзимга ёйилиб тушди.

Бошимни кўтариб қарасам, кўзлари ҳайратдан катта-катта очилганча ҳамон чўккалаб ўтирибди. Юзи ой нурида янаям оқариб кетган, энтикиб нафас оляпти.

– Ойи... – деди пичирлаб. – Ахир у киши... адам-ку...

– Нима қилай, жон қизим... – Нами қуримаган сочларидан, оппоқ, текис юзларидан ўпа бошладим.

– Кимсан ака... – Унинг бўғзидан ожиз нидо отилиб чиқди. – Кимсан ака... Ойижон! Нима деяпсиз? Нима қилмоқчисиз?

ИККИНЧИ ҚИСМ

УЧИНЧИ БОБ

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

1. Дадамни йўқотиб қўйдим

Агар ойим «ҳозир сен ўласан» деса бунчалик ваҳимага тушмасдим. Бу қандоқ бедодлик? Шомурод тоғани кичкиналигимдан «ада» деб ўрганиб қолганман-ку. Уям мени «қизим» дейди-ку. Уйга бориб, кирини ювганимда, Музаффарни чўмилтирганимда, овқат пишириб берганимда... Ҳеч қачон менга унақа кўз билан қараган эмасди-ку.

Йўқ, бобом бўлса бунақа гап чиқмасди. «Овозингни ўчир, пакана!» деб бир мушт кўтарса, ойим пилдирпис бўп қоларди.

Нима деётганини ўзи биладими ойим? Ахир... Кимсан акам менинг қайлигим бўлса, ойимнинг ўғли-ку! Кимсан акам ҳаммадан кўра ойимга яқин-ку. Нима жин урди?

Биламан. Шомурод тоғамга осонмас. Музаффаргаям қийин. Лекин менга бегона одам эмас, келиб-келиб ўзимнинг ойим шу гапни айтса, қандоқ чидайман?! «Ойи» деб шу хотиннинг этагидан ушлагандим-ку ахир!

* * *

...Ўз онамни элас-элас хотирлайман. Пастак шифтли уйда, дераза тагида нуқул осмонга қараб ётар эди. Ранги сарғайиб, икки чакаги ич-ичидан

кириб кетган. Кўзлари қоп-қора, чиройли. Узун-узун киприклари қилт этмайди. Деразадан аллақандай мадрасанинг кунгурадор пештоқи кўри-ниб туради. Пештоқ чеккасида шерлар тасвирланган. Кийикни қувиб кетаётган даҳшатли шерлар... Онам бир нуқтадан кўз узмай ётади. Баъзан кўзи очиқлигича ухлаб қолганга ўхшайди. Аммо ухламайди. Отамнинг эшикдан кириб келишини кута-кута чарчайман. Дадам – ўқитувчи. Мен тенги қизлар дадамнинг мактабига қатнайди. Мен бормайман, онамга кўз-қулоқ бўлиб ўтираман. Дадам ишдан келиб, ойимга қарайди. Кейин патниснинг орқасига ҳарф ёзиб, мени ўқитади.

– Ўқи қизим, ўқи! – дейди тажанг бўлиб. – Ёшинг тўққизга чиқди. Сен тенги болалар яқинда учинчи синфга кўчади, ўқи!

Нима қилай? Кунбўйи онамга қарасам, қорним оч бўлса, нима қилай?

– Нон... – дейман, ялиниб. – Дадажон, нон!

Онам ётган жойида инграйди.

– Қийнаманг бачамни. Пайти келиб ўқиб олар. – Шу гапни айтгунча ҳам чарчаб қолади. Энтикиб-энтикиб нафас олади. – Мен-ку қилтомоқман. Ақалли, Робияжонга бир бурда нон топиб беринг...

Дадам ноиложликдан баттар тажанглашиб ҳовончада талқон туяди. Бир қошиғини онамга, бир қошиғини менга тутаяди. Онамдан талқон ўтмайди. Кўзи билан менга имо қилади.

– Бачамга беринг...

...Бир куни эрталаб уйимизга анча одам йиғилди. Олача тўн кийган кишилар, оппоқ кўйлак кийиб, бошига оқ рўмол ўраган хотинлар... Ҳамма чуввос солди. Дадам бошимни кўксига босганча хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади.

Кейин онамнинг тўшағи бўшаб қолди. Ёш бола эмасман-ку, онам ўлганига аллақачон ақдим етган

эди. Бир куни дадам қўлида катта жомадон кўтариб, мени вокзалга олиб чиқди. Ёштин бинога кириб келаверишда, зинада думалаб ётган хотинни кўриб, кўрқиб кетдим.

– Дада! Анави семиз хотин нимага зинада ухлаб ётибди?

Дадам бошимни силади.

– Семиз эмас, шишиб кетган. Қарама, Робияжон, Юр. Поездга миниб Тошкентга борамиз.

Поезднинг тарақа-туруқ овози, одамларнинг шовқин-суронидан бошим айланиб, ухлаб қолибман... Эрталаб пастга тушдик. Трамвайга ўтирдик. Трамвайнинг жиринг-жиринг қилиб юриши қизиқ туюлса ҳам, қорним очган, нон егим келарди.

– Дада нон... – дедим ялиниб.

– Шошма, бачам, шошма.

Дадам текис қилиб дазмолланган оппоқ итёқа кўйлак кийиб, чучваранусха бўйинбоғ боғлаб юрадиган одам эди. Пўрим кўйлак кияди-ю, нони йўқ...

Бир жойга келиб трамвайдан тушдик. Дадам қимирламай ўтир, деб мени жомадон устига ўтқизди-да, ўзи фиштин зиналардан кўтарилиб, ойнабанд эшик ичига кириб кетди. Анчадан кейин оппоқ, узун яктак кийган, кўкрак чўнтагида соат занжири ялтираб турган чол билан бошлашиб чиқди. Чолнинг соқол-мўйлови, кўзи устига қайрилиб тушган қоши, ҳатто қулоқларининг ичидан чиқиб турган туклар ҳам кўкимтир оппоқ эди. У гавдасини ғоз тутиб келаркан, йўл-йўлакай кўкрак чўнтагидан узун занжирли соатини чиқариб, шиқ этиб қопқоғини очди.

– Ўҳ-ҳў, вақт кетиб қопти-ку, маълим¹! – деди бош чайқаб.

Дадам яқин келиши билан ялиндим:

– Нон. Дада, но-о-он!

¹ Маълим – муаллим.

Бояги чол ярқ этиб менга қаради. Баркашдек каф-
тини дадамнинг ияги олдида пахса қилиб бақирди.

– Ўв, маълим! Кўчада қизим қолди, оч ўтирибди,
десанг ўласанми?

Чол дадамни уради, деб қўрқиб кетдим. Йўқ,
дадам чолдан чўчимади, маъюс жилмайди.

– Кўриб турибсиз, Оқсоқол. Замон шунақа: ол-
тин-кумуш кул бўлган, арпа-буғдой пул бўлган.

– Пул бўладими, кулми, падарига лаънат, локин
нораста болани оч қолдирма! – Чолнинг овози гум-
бурлаб чиқар, унга сайин кўнглим озиб, бошим айла-
нар эди. – Шошма, мен ҳозир! – Чол шундай деди-да,
қайгарма кўнжли этик кийган оёқларини катта-кат-
та ташлаб аллақаяёққа кетди. Дадам ёнимга, жома-
дон зихига чўкиб бошини қуйи солди. Жингалак со-
чини чангаллаб, менга қарамай узоқ ўтирди.

Бир маҳал орқа томондан гумбурлаган овоз келди:

– Ма, қизим, еб ол, буванг айлансин!

Қарасам, бояги чол седана сепилган оппоқ кул-
чани ушатыпти. Жонҳолатда қўлимни чўздим. Чол
кулчани иккига бўлиб, ярмини менга, ярмини да-
дамга берди.

– Бунданам оғир йилларни кўрганмиз, маълим!
– деди яна шанғиллаб. – Бу кунларам ўтади-кета-
ди. Бу йил ўттиз учинчи йилми? Эсингда бўлсин,
маълим, насиб этса, ўттиз тўрттинчи йилда, узоғи
билан ўттиз бешинчи йилга бориб ҳаммаси оп-
пон-соппон бўп кетади.

Нонимни бирпасда еб бўлдим. Қарасам, дадам
ҳали ярмисиниям емабди. Ҳар луқма томоғига
тиқилиб қолаётгандек зўрға ютинади.

– Нон! – дедим қўлимни чўзиб. – Дадажон...

Дадам қўлидаги ноннинг қолганини узатди. Чол
қараб турганини кўриб, нон бурдасини қўрқа-пи-
са қўлимга олдим.

– Майли! – Чолнинг соқоли титраб кетди. – Насиб этса, ҳаммаси яхши бўлади. Қани, маълим, кетдикми? Турақол, қизим! – У тагимдаги жомадонни юлқиб кўтарди. Нарироқда от-арава турган экан. Нафсим қониб энди сув ичгим келарди. Лекин дадамнинг жиддий кўзларига қараб, сув сўрашдан қўрқдим.

Дадам аравага ўтириб, мени бағрига оларкан, чолга қаради.

– Йўл олисми, Оқсоқол?

– Олис... Нўғайқўрғонга борамиз!

– Соат неча бўлди? – деди дадам қуёш ботиб бо-
раётган уфққа қараб.

– Соат? – Чол дадамга бир қараб қўйди-да, арава ичида ётган қамчини олди. – Соатни бошингга урасанми!

Қарасам, чолнинг кўкрак чўнтагида бояги ялтираб турган соат занжири кўринмаяпти.

Дадам унинг кўзига тикилиб, секин хўрсинди.

– Раҳмат... Тирик бўлсам, шу яхшилигингизни...

– Чу! – Чол қовурғаси саналиб қолган от устида қамчи айлангирди. – Чу, оғайни! – Кейин дадамга қараб кулимсиради. – Сани туппа-тузук маълим десам, фирт жинни экансан-ку! Чу!

Арава тош босилган йўлдан тарақлаб юриб кетди. Кап-катта қиз дадамга суянганча яна ухлаб қопман.

Гумбурлаган овоздан уйғониб кетдим.

– Ҳусанбой! Ҳо, Ҳусанбой!

Кўзимни очсам, ҳамон аравада, дадамга ён-бошлаб ўтирибман. Қандайдир қишлоққа келиб қолибмиз. Толзор тор кўча, томсувоқ қилинган уйлар... Бояги чол пастак эшикни тақиллатиб, бирровни чақиряпти.

Зум ўтмай эшик очилди. Коптоқдек юмалоқ, паст бўйли қоп-қора хотин чиқди. Тавозе билан икки қўлини кўксига қўйиб салом берди.

– Юмушингиз бормиди. Оқсоқол?

– Чақир Думани! – Бизни олиб келган чол қора хотинни жеркиб берди. – Эркакларнинг ишига аралашингга бало борми?

Қора хотин ҳовли ичкарасига пилдираб кириб кетди.

– Ўв, маълим! – Чол дадамга қўлини пахса қилди. – Тушмайсанми? Нима, сенга асобий таклиф керакми?!

Дадам жилмайиб, мени қучоғидан бўшатди. Ерга сакраб тушди.

– Кел, бачам! – деди пастдан қўлини чўзиб.

– Ўзим... – арава ёндорига осилиб ерга тушдим. Дадам аравага қайтиб чиқиб, жомадонни олиб тушди.

Бир чеккада ётсираб турар, уйимизга қайтиб кетгим келарди. Пастак эшик тагин очилди. Бояги қора хотинга ўхшаган паст бўйли, аммо бақувват, ихчам соқолли киши чиқиб келди. Қўли гўнгга беланган экан, бизни олиб келган чолга билагини тутди.

– Баҳай, Оқсоқол, тинчликми?

– Тинчлик! Гап бундоқ, Дума! – Оқсоқол дадамга имо қилди. – Самарқанддан меҳмон обкелдим.

– Баҳай! Меҳмон отангдан улуғ! – пакана киши пилдираб бориб дадамга тирсагини тутди. – Ҳуш кепсиз, меҳмон!

Дадам ийманиброқ сўрашаётган эди. Оқсоқолнинг азамат овози яна гулдиради:

– Ўртоқ Самадов – маълим. ЎзГУни битирган. Болаларимизни ўқитишга келган, уқдингми?

Чамаси, пакана киши ҳеч нимага тушунмаса ҳам, илжайди.

– Маъқул, Оқсоқол!

– Мулозаматингни йиғиштир, Дума! – Оқсоқол овозини баралла қўйиб, қўлини пахса қилди. – Ўртоқ Самадовнинг маълимлигини уқдингми?

– Уқдим! Меҳмон келса бош устига, дедим-ку!
– Э, меҳмон эмас, овсар! – Оқсоқол жаҳл билан қўл силтади. – Носингдан ол!

Пакана киши йўл четидаги отқулоқни юлиб олиб қўлини артди. Почаси қайрилган шимининг чўнтагини кавлаб, носқовоқ чиқарди. «Ма, чек заҳарингга», дегандек Оқсоқолга зарда билан узатди.

Оқсоқол кафтини тўлдириб нос отди.

– Меҳмон эмас, мезбон! – деди, носқовоқни эгасига қайтариб. – Кўриб турибсан: замон офир. Қаҳатчилик битиб, юрт қаддини кўтариб олгунча саникида туради. Кейин маълимга шунақанги уй собберайликки, кўрган одамнинг оғзи очилиб қолсин. Тушундингми?

Пакана киши «маъқул» дегандек бош ирғади. Бироқ бизни олиб келган чол унчалик қаноатланмади шекилли, тагин шанғиллади:

– Ўзимизникига оборадиму хабаринг бор – келинларимнинг чилласи чиққани йўқ. Қани, гапнинг пўскалласини айт: нима дейсан?!

Пакана киши сен чекканда мен қоламанми, дегандек носқовоқнинг тагига жаҳл билан уч-тўрт урди-да, Оқсоқолдан ҳам кўпроқ носни кафтига тўкиб оғзига отди.

– Турган битганинг ваҳима-я, Оқсоқол! – деди чийиллаб. – Шуни олдинроқ айтсанг ўласанми? Битта уйни бўшатиб қўярдим.

– Бўшатасан-а, бўшатасан! Кўчада бир тийин тушиб ётган бўлса, кетинг билан қисиб оласан-ку!

Пакана кишининг жаҳли ёмон экан. Аввал дадамга, кейин чолга ранги ўчиб қаради-да, чопиб бориб, Оқсоқолга хезланди.

– Ўв! – деди бўйнини хўроздек чўзиб. – Раисман, деб жа ўзингдан кетма! Хусан Думани энди кўряпсанми, аҳмоқ!

– Бўлди, дўстим, бўлди! – Оқсоқол рўпарасига туриб олиб ёқасига ёпишмоқчи бўлаётган пакана кишининг елкасига шапатаилади. – Ҳазилниям билмайсанми, нима бало, Дума! Маълим Нўғайқўрғонда мактаб очмоқчи. Катта мактаб. Ишонганимдан сеникига опкелдим-да, ўртоқ!

Пакана киши яна бирпас хезланиб турди-да, нари кетди. Пастак эшикни оёғи билан тепиб, ҳовли ичкарасига қараб ғазабнок чинқирди:

– Чаққон бўл. Ҳой! Катта уйни бўшат!

– Маълим! – Оқсоқол носини тупуриб кафтининг орқаси билан соқол-мўйловини артди. – Дума – мени қадрдоним. Мени айтди дерсиз: нариси билан бир йилда қулинг ўргилсин уй қуриб берамиз. Ўшангача шу хонадон сизники. Қани, пажалиста!

Оқсоқол «пажалиста» дейишга деди-ю, кўз қири билан пакана кишига хавотирланиб қараб қўйди.

Дадам жомадонни кўтараётган эди, пакана киши келиб қўлига ёпишди.

– Сиз кўтарсангиз уят бўлади, маълим...

Ҳовлига киришимиз билан бўйи мендан тикроқ, кир қўйлак кийган, қоп-қора каллахум бола чопиб келиб, бошимдаги дўппимни олиб қочди.

– Иби, бер! – дедим чинқириб.

– Ойи. Дўппи! Зар дўппи! – деди каллахум бола ҳовли этагига югуриб.

Айвондан бояги қора хотин чопиб тушди.

– Кимсан! Номусга ўлдирдинг-ку! Зар дўппи кийсанг қиз бола бўпқоласан!

– Дада, дўппим... дўппим! – дедим йиғламсираб.

– Берсин. Ўзимнинг дўппим...

Дадам негадир хотиржам кулди. Қора хотин чопиб келиб, мени бағрига босди.

– Беради, жон қизим. Бермасин-чи, нақ қулоғини кесиб оламан. Вой, бу қизнинг ширинлигини! Отинг нима?

У менинг жавобимни ҳам кутмай, шаталоқ отиб томорқа эшиги томонга қочиб кетаётган болага муштани дўлайтирди.

– Кимсан! Уялмайсанми, тойлоқдек бўлиб қиз болани йиғлатишга! Гўшингни бир бурдадан қилмасам, юрган эканман!

Дадам мени юпатди.

– Беради, еб қўймайди дўппингни.

Пакана киши бир дўқ қилган эди, каллахум бола дарров қайтиб келди. Дўппимни қўлимга тутқазди. Аввалига қора хотин «Кимсан» деганида каллахум боланинг кимлигини билмагани учун шунақа деяпти, деган хаёлга борган эдим. Йўқ, оти Кимсан экан. Қоронғи тушганида атала ичдик. Ҳеч қачон бунақа ширин овқат ичмагандим. Аталани ичишдан кўра ёғоч қошиқни ялаш маза бўларкан. Буниям каллахум бола ўргатди.

– Менга қара, эй! – деди. – Аввал қошиқнинг орқасини ялайсан. Кейин ичини, билдингми?

Эрталаб уйғонсам, қора хотиннинг қучоғида ётибман.

– Дада! – деб фингшиган эдим, қора хотин юзимдан ўпиб юпатди.

– Отанг ҳозир келади, қизим. Идорага кетди. Гап бундоқ, Робияхон. Энди сен менинг қизим бўлдинг. Мен – ойингман. Хусан буванг – буванг. Ёшинг тўққиздами? Акангни ёши ўн бирда. Бундан чиқди, Кимсан – аканг. Акангни «сиз» деб гапиргин, хўпми, қизим!

Қора хотин чойга зоғора тўғраб ичирди. Нима қилишимни билмай ҳовлига тушсам, пушталарда қип-қизил қалампирлар пишиб ётибди. Каллахум – Кимсан қалампирларни узиб олиб бемалол еб юрибди.

– Жинни! – дедим кулиб. – Қалампир еяпти.

– Ўзинг қалампир! – Кимсан қизил қалампирлардан яна иккитасини узиб оғзига солди. – Қулупнай-ку бу! Еб кўр!..

Кимсан узатган «қалампир»дан биттасини кўрқа-писа тишлаб кўрдим. Шунақа ширинки!

– Яна! – дедим ялиниб.

– Ўзинг узиб ейвер! – Кимсан илжайди. – Қулупнайни билмайди-ку!

Айвон томондан қора хотин овоз берди:

– Кимсан, синглингга қулупнай териб бер, ўғлим...

– Нима, ўзининг қўли йўқми? – Кимсан менга илжайиб қаради-ю, пуштадан чиқиб нари кетди.

* * *

Биз кўчиб келган ҳовли катта эди. Қатор қилиб солинган икки уй, бир айвон. Этак томонда бостирма, молхона. Ҳовли сатҳи кенг бўлгани билан кафтдек бўш жой йўқ. Ярмисига пиёз сепилган, ярми қулупнайзор. Ундан нарида гултожихўрозлар очилиб ётибди. Нок, гилос, беҳи дарахтлари тартиб билан экилган.

Бу хонадоннинг ғалати удумлари бор экан: тонг отгандан кун ботгунча қимирлаган жон борки, бекор турмайди. Бобом саҳарлаб эшак миниб далага чиқиб кетади. Ойим молга қарайди, нон ёпади, кир ювади, чўнқайиб ўтириб, ҳовлидаги пиёзларни ўтоқ қилади, қулупнай пушталарини чопади, терт қоради. Икки ҳафта ичида кўп нарсаларни билиб олдим. Бу хонадонда ҳеч нима бекор кетмас экан. Ойим (қора хотинни шунақа дейишга ўргандим) пиёз арчса «соқолини» ташлаб юбормайди. Ерга суқади: шунақа қилса яна пиёз ўсиб чиқаркан. Кимсан акам (ойим тайинлагани учун «ака» деб сизлайман) ўрик еса данагини ташламайди. Чақиб мағзини олиб қўяди. Тандирдан чиққан кул пиёз пуштасига сепи-

лади. ўунажиннинг тезаги таппи қилиб, деворга ёпилади. Ҳатто ҳожатхонадаги кесаклар ҳам бекорга кетмайди. Томорқадаги тоқларнинг таги кавланиб, илдизига солинаркан.

Кимсан акам мен ўйлагандек ёмон бола эмас экан. Баъзан раҳмим келади унга.

Эрталаб бобом далага ишга чиқиб кетаркан, супада ухлаб ётган Кимсан акамнинг тепасига келиб, устидан кўрпани улоқтириб ташлайди.

– Тур ўрнингдан! – дейди дағдага билан. – Мўйлови чиқиб қолган бола ялпайиб ётишингни қара? Бўл тез, гўнгни ташиб қўй.

Кимсан аканинг мўйлови бормикин деб қараб қўяман. Йўқ, кўринмайди. Бечора дик этиб ўрнидан туради-да, кўзини ишқалаб молхонага кириб кетади. Бирпасдан кейин замбилғалтакка гўнг ортиб, чираниб-чираниб филдиратганча томорқага олиб чиқади. Кечгача тиним билмайди. Ҳамма иш қўлидан келади. Томорқада ер чопади, молга қарайди, ўтин ёради.

Кечқурун энди овқатга ўтирамик, деб турганимизда узоқдан эшак ҳанграгани эшитилади.

– Турақол, Кимсанжон! – дейди ойим. – Даданг келяпти.

Кимсан акам дарров обдастада илиқ сув тайёрлайди. Кўчадан кириб келган бобомга сув қуйиб туради. Бобом раҳмат дейиш ўрнига жеркади:

– Эшакни суғормайсанми!

Эрталаб ҳаммаси қайтадан бошланади.... Бора-бора мен ҳам уй юмушларига киришиб кетдим. Ҳовли супураман, идиш-товоқ юваман, ойим кепак аралаш ундан хамир қилса сув иситаман.

Кузда – почтахона ёнида аллақандай эски бинога жойлашган мактабга қатнай бошладик. Мен – биринчи синфга, Кимсан акам тўртинчи синфга.

Болалар ичида энг каттаси – менман. Бир марта ўқитувчи опа дадамдан илтимос қилганини эшитиб қолдим. «Ўртоқ Самадов, Робияхоннинг саводи аллақачон чиққан экан, бемалол учинчида ўқий-верса бўлади», деган эди, дадам силтаб ташлади. «Ҳамма қатори қонуний ўқисин!» Шундай қилиб, кап-катта қиз укам тенги болалар билан дадам аллақачон ўргатган «Алифбе»ни, ҳисобни қайтадан ўрганишга тушдим.

...Узундан-узун қиш кечалари дадам билан бобом нариги уйга кириб қироатхонлик қиладиган одат чиқаришди. Лампа битта. Ойим, мен Кимсан акам бериги – қоронғи уйда сандал четида ўтирамыз.

Ойим норози бўлиб чирқиллайди:

– Лампамой анқонинг уруғи бўлмаса экан! Эртага нима қиламыз.

Аммо «зиқна» бобом лампамойни аямайди.

– Ўқинг, маълим, – дейди шанғиллаб. – Отабекни ўқинг.

Дадамнинг осойишта овозда китоб ўқишига қулоқ солиб ётамыз. Бериги уйга бемалол эшитилиб туради. Отабек... Кумушбиби... Ҳасанали...

Бир куни дадам китоб ўқишдан тўхтаб, бобомга гапириб қолди:

– Сўраганнинг айби йўқ, Ҳусан ака, нега сизни Дума дейишади?

Бобомнинг қулгани эшитилди.

– Э, маълим, ўзимам аниғини билмайман. Оқпошшо замони эди. Бир куни бутун Нўғайқўрғон даҳаси чойхонага йиғилиб майлис қилди. Нодирхўжа деган элликбоши бўларди. Инсофли одам эди, раҳматли. Қулоқ бўпкетди. Ўша ваъз айтди. «Орангларда ишбилармон бир одамни думага сайлама-саларинг бўлмайди. Оқпошшо ҳазрати олийларининг фармони шу», деди. Одамлар чувиллашиб

мени кўрсатишди. Сайласа сайлай қолсин, десам кетида бир арава галваси бор экан. Ўқтин-ўқтин шаҳарга тушиб, Думасига бориш керак бўларкан. Бу ёқда иш қолиб кетяпти... Дума дегани каттакон бир маҳкама экан. Деворига кўкраги очиқ хотинларнинг сурати осилиб қўйилган ҳайҳотдай хона. Лак-лак одам... Чувир-чувир қилиб алланималарни гаплашишди. Қўл кўтаринглар, деди. Қарасам, ҳамма қўл кўтаряпти. Менам кўтаравердим... Кейин бормай қўйдим. Орада инқилоб бўлди, Дума-пумасиям сувга уриб кетди.

Дадам кулди.

– Сиз Хусан ака, ҳақиқий деҳқонсиз. Ер илмини яхши биласиз. Аммо кечирасиз-ку, саводингиз... – дадам андиша қилди шекилли, тутилиб қолган эди, бобомнинг ўзи айтиб қўя қолди.

– Йўқ-да, маълим, бизда савод нима қилсин! Эсимизни танибмизки, ер кавлаб ётибмиз.

Тагин дадамнинг овози келди:

– Шуни айтаман-да! Ўшанда сизни сайлашга сайлашибди-ю, бу ёғини ўйлашмабди-да. Дума деган давлат масалаларини ҳал қилиши керак. Сиз...

– Оқпошшоям анойимас! – Бобом хи-хилаб кулди. – Менга ўхшаб, қўл кўтар деса оёғиниям қўшиб кўтарадиган соддаларни танлаган-да!.. Қўйинг бу гапларни! Яхшиси, Кумушбибини ўқинг. Жа қизиқ жойида тўхтаб қолдик.

* * *

Мен тўртинчи, Кимсан акам еттинчи синфга кўчганида бир вақтлар Оқсоқол бува бизни аравада Нўғайқўрғонга олиб келаётганида ваъда қилган тўкинчилик замон келди. Тўғри, бир йилда эмас, уч йилда... Энди байрамларда тонг-саҳардан ноғоралар така-тум қиладиган, дошқозон-

ларда ош дамланадиган бўлди. Кеч кузда бобом қўй сўйиб калла солади, қолган гўштни тузлаб хумга тикади...

Бир куни Оқсоқол дадамга гапириб қолди:

– Мана, маълим, ўлмаган қул, сен же-мен же кунларгаям етдик. Энди сизга ўн икки вассали уй қуриб берамиз. Одамларни ҳашарга айтиб қўйдим. Белида белбоғи бори келаверади.

Дадам хижолат чекиброқ бобомга қаради.

– Агар Хусан акани қисиб қўймаган бўлсак, ҳашарчиларни мактаб қуришга солсакмикин... Бизга-ку уй топилар, мактаб керак.

– Нега қисиларканман! – Бобом Оқсоқолга юзланиб чийиллади. – Маълим тўғри айтяптилар. Энг аввал мактаб керак. Раисман деб кериласану шунга ақлинг етмайди.

Шу гап гап бўлди. Эрта ёздан дадам «катта мактаб» қурилишига шўнғиб кетди. Колхозчилар у ёқда турсин, юқори синф ўқувчилари ҳам ҳашарга солинди. Бўйи чўзилиб, овози дўриллаб қолган Кимсан ака эрталабдан разъездга – мактаб қурилаётган жойга югуради.

Кечқурун қоронғи тушганида ойим қўлимга бир товоқ овқат, тўртта нон тутқзади.

– Борақол, қизим, ҳаммасининг ичи узилиб кетгандир...

Тугунни кўтариб разъезд томонга чопқиллайман.

Тумонат одам! Ҳарёқда машъала гуриллайди. Даладан тўппа-тўғри ҳашарга келган колхозчилар бири лой отиб, бири лўмбоз босиб, мактаб деворини кўтаради.

Кимсан акам ялангоёқ лой тепади. Ориф оқсоқол ишбоши бўлиб, у ёқдан бу ёққа югуради. Дадам пўрим шимининг почасини қайириб ҳандақ ичида пиддираб юради. Бобом деворга миниб олиб чийиллайди:

– Кучинг борми, ҳов! Отсанг-чи мундоқ!

Лой отишда Оқсоқолнинг икки норғул ўғли – Шокир ака билан Зокир аканинг олдига тушадигани йўқ... Ойимнинг айтишича, Шокир ака билан Зокир ака трактор ҳайдаркан. Тракторнинг омочи шунақа зўрмишки, бир йўла йигирмата қўшхўкизининг ўрнига ер ағдарармиш. Икковлари ҳашарниям боплайди. Пахса-куракка лойни тўлдириб бир отганда бобомнинг қўлига бориб тушади. Ҳеч ким чарчадим демайди. Аския, қийқириқ... Кузга бориб янги мактаб битди ҳисоб.

...Қумсувоққа тушишган куни ҳам ҳашарчилар олдига борган эдим. Бир коса қовурдоқ уч кишига нима бўларди! Дадам, бувам, Кимсан акам бир қошиқдан еса– еди, бўлмаса йўқ. Шундаям нолишмади. Пешинда Оқсоқол бува қўй сўйиб қайнатма қилиб берган экан. Ҳаммалари яна ишга шўнғиб кетишди. Оқсоқол буванинг Зухра келини билан уйга қайтдик...

...Тинч, тўкин замоннинг алақандай осойишта завқи бўлади. Ўшанда бу завқни тушунмаган эканман. Бошимизга кулфат ёғилганидан кейин қадрига етдим. Ўша кеча чарчаб барвақт ухлаб қопман. Бир маҳал ёнимда ётган ойим, «вой ўлмасам, тинчликми», деб сапчиб турганидан уйғониб кетдим. Ўша заҳоти кўча эшикнинг қаттиқ тақиллагани, кетидан:

– Дума, оч! – деган овоз келди.

Ойим «кимде-е» деб айвонга югурди.

Негадир юрагимга ваҳима ўрмалади. Нимқоронғи бурчакда бемалол хуррак отиб ётган Кимсан акамни илғаб, кўнглим жойига тушди.

Бундан чиқди, дадам билан бобом ҳам келишган.

Эшик яна тиқиллади.

– Дума!

...Оқсоқол буванинг овозини таниб, тинчландим. Иш билан келган.

Ойимдан олдин бобом бориб эшикни очди шекилли, ўша томонда эркакларнинг гўнфир-гўнфир гаплашгани қулоғимга чалинди. Бутунлай хотиржам бўлдим. Энди жойимга ётган эдим, дераза олдидан биров гурсиллаб ўтди.

Дадам ётган уй томонда бобомнинг чақиргани эшитилди:

– Маълим, тураркансиз.

Нариги уйда дадам йўталди.

– Тинчликми, Ҳусан ака?

– Сизни сўрашяпти... – Бобомнинг товушида хавотир борлигини қандайдир ички туйғу билан сездим у тагин ўрнимдан туриб кетдим.

– Ким? – деди дадам.

– Билмадим, раис билан яна икки киши.

Дадамнинг ҳовлига тушганини билдим. Шапшуп юриб эшик олдига борди-ю, ўша заҳоти қайтиб келди.

– Робия, – деди остонада тўхтаб.

Қоронғида овози титраб кетганини сездим.

– Дада! – Юрагим ёмон бир нарсани ҳис этиб, чопиб олдига бордим. – Дада!

– Мен эртага келаман, қизим. – Дадам шундай деди-да, илдам юриб нариги уйга кирди. Бир зумда кийиниб чиқди. Этигини тополмай каловлашиб турган эди, бобом ойимга ўшқириб берди:

– Чироқни ёқсанг-чи, пакана!..

Ойим шоша-пиша чироқ ёқиб, пилигини кўтарди. Дадам айвон бурчагида турган этигини, ниҳоят топди. Пайтава ўраётганида қўллари қалтираб кетганини кўрдим. Баттар кўрқиб кетдим.

– Дада, – дедим титраб. – Қаёққа кетяпсиз?

Дадам ранги қув ўчганча муздек лаби билан пешонамдан ўпди.

– Қўрқма, қизим, эртага келаман, – деди-ю, бобомга юзланди. – Тушунмовчилик бўлганга ўхшайди, Хусан ака. – Кейин негадир ойимга илтижоли термилди. – Мабодо бир ой, ярим ой келмай қолсам, Робияни сизга топширдим. Оналик қиласиз.

– Вой ўлмасам, маълим! – Ойим титраб мени қучоқлаб олди. – Нимага унақа дейсиз?

Дадам ҳовлига тушган жойида қайтиб айвонга чиқди. Икки юзимдан қаттиқ ўпди-да, сакраб пастга тушди. Қаддини фоз тутиб эшик томонга йўналди.

Дарвоза томонда гуриллаган машина овози эшитилгандан кейингина ҳушим ўзимга келди.

Ойимнинг қучоғидан чиқдиму чинқирганча ҳовлига отилдим.

– Дада! Дадажон!

Кўча эшик олдида турган бобомни туртиб ўтиб, тупроқ йўлдан югуриб кетдим. Ҳамма ёқни чанг-тўзон қоплаган, ҳаводан бензин ҳиди келар, олисда алақандай машинанинг қизил чироғи узоқлашиб борарди.

– Дада! – Яланг оёқ чопиб борарканман, энтикиб қичқирдим. – Дадажон!

Машина чироғи кўринмай кетди. Мен бўлсам ҳамон югуриб борардим. Нафасим қисилиб қолган, томоғим ачишар, аммо тўхтамасдим. Охири тошгами, кесакками қоқилиб юзтубан йиқилиб тушдим. Оғзимга турпоқ кириб йиғлаб юбордим. Бир маҳал кимдир елкамни силади.

– Тур, Робия, тургин. Уйга борайлик.

Кимсан акамнинг дўриллаган овози қулоғимга ёқимсиз эшитилди.

Ерни муштлаганча қичқирдим:

– Бормайман!

– Шунақа қилмаги-ин. Ўзинг яхшисан-ку, Роби, кетайлик.

– Бормайман! – Алам устида додлаб юбордим. – Бормайман! Дада! Дадажон!

Кимсан акам ёнимга чўнқайиб бошимни силади.

– Даданг келадилар. Нега йиғлайсан, келадилар. Мана мени айтди дерсан, юр, уйга кетамиз.

Дадамнинг қўллари қалтираганича пайтава ўраётгани, ойимга илтижоли термилгани, «Робияни эҳтиёт қилинг», дегани кўз олдимга келди, ёш болалардек чинқириб юбордим.

– Йўқол! Дадам! Дадамга бораман!

...Ойим «ҳали-замон даданг келади», деб ҳарчанд юпатгани билан анчагача ҳиқиллаб ётдим. Нариги уйда ҳамон чироқ ёниқ турар, бобом билан Оқсоқол бува алланимани маслаҳатлашишар эди. Тонг бўзарганда ухлаб қолибман. Ҳовли томондан келаётган қаттиқ-қаттиқ овоздан уйғониб кетдим...

– Тушунтирдингми ахир? Маълим – яхши одам, Самарқандда ўқиган, болаларимизга илм бeryпти, каттакон мактаб қурди, деддингми?

Бобомнинг овозини эшитиб, кечаси бўлган воқеа, дадамнинг «Робияни эҳтиёт қилинг», дегани яна эсимга тушди. Кўзимни ишқалаб айвонга чиқдим.

Вақт пешинга яқинлашиб қолган, беҳи тагида бобом билан Оқсоқол бува гаплашиб туришар, нарироқда Кимсан акам кетмон сопидан тутган кўйи талмовсираб туриб қолган, ошхона эшигининг остонасига ўтириб олган ойим иккала чолдан кўз узмас эди.

– Айтдим! – Оқсоқол бува бировга ўчакишгандек жаҳл билан қўлини пахса қилди. – Имонимни ўртага қўйиб, кафолат бераманки, битта-яримта мараз, маълимга туҳмат қилган, дедим!

– Хўш, нима дейишди?

Оқсоқол бува бобомга аразлагандек хўмрайиб қараб қўйди.

– Текширамиз, сиз аралашманг, – деди.

– Гуноҳи нима экан, демайсанми, овсар! – Бобом ҳаммасига Оқсоқол бува айбдордек, шанғиллади. – Менга Калинин Оқсоқол ўз қўли билан ордин берган, керак бўлса энг катта Оқсоқолнинг олдиғача бораман, демадингми?!

– Дедим! – Оқсоқол буванинг мўйлаби титраб кетгандек бўлди. – Айби шумишки, дарсни программа бўйича ўтмасмиш. Ҳисоб илмини Хоразмий яратган, деб миллатчилик қилганмиш. Болаларга Бобур пошшонинг шеърларини ўқитганмиш. – У қовоғини солиб хўрсинди. – Райондан берухсат мактаб қурганмиш...

– Ие? – деди бобом ҳайратдан овози ингичкалашиб. – Мактаб қурса ёмонми? Мактабни ҳашар билан солдик-ку!

– Замонни кўриб турибсан... – Оқсоқол бува овозини пасайтирди. – Менимча, бу ишда Хўжақуловнинг ҳам қўли бор.

– Ким у Хўжақулип?

Оқсоқол уф тортди. Анчағача жим қолди.

Ҳамон айвон устунига суяниб турардим. Бобом ҳам, Кимсан акам билан ойим ҳам Оқсоқол буванинг оғзига термилишар, ҳеч ким менга эътибор бермас эди.

– Маълим сенга гапирмаганмиди? – деди Оқсоқол бува бобомнинг кўзига қаттиқ тикилиб.

Бобом ингичка елкаларини учирди.

– Нимани?

– Менга бир айтгандек бўлувди, – деди Оқсоқол ўйчан оҳангда. – Маълим Самарқандда ишлаб юрганнида Хўжақулов деган терговчи билан қаттиқ тўқнашади. Темир йўлда катта ўғрилиқ очилади. Терговчи ишни ёпти-ёпти қилиб юбормоқчи бўлганида, станцияда ишлайдиган қўшниси маълимга чиқиб арз

қилади. Маълим аввал газетага, кейин обкомга хат ёзади. Гуноҳкор жазосини олади. Терговчи ариза бериб ишдан бўшайди. Фарғонагами, Қўқонгами кетади. Айланиб-айланиб Тошкентга келиб қолади. Ана ўша Хўжақулов ҳозир прокурор. – Оқсоқол бува узоқ тимирскиланиб нос отди. Бобом икковлари ерга тикилиб, ўй суриб қолишди. Назаримда, нима қилишига иккови ҳам ҳайрон эди.

– Туҳмат балосидан арасин! – деди ошхона остонасида ўтирган ойим ўкиниб. Кейин тўсатдан менга кўзи тушиб, илдам ўрнидан турди. – Вой, уйфондингми, қизим?

Оқсоқол бува ярқ этиб мен томонга юзланди.

– Сан, қизим, хапа бўлма! – деди салмоқлаб. – Маълимни айби йўқ. Ҳақ жойида қарор топмагунча қўймайман. Мени ким деб юрибди Хўжақуловлар!

Ойим айвонга чиқиб, елкамга қоқди. Кетмон сопидан тутиб турган Кимсан акам гоҳ Оқсоқолга, гоҳ менга қараб илжайди. Оқсоқол буванинг гапи «эртага дадангни обкеб бераман» дегандек туюлиб, ўзимнинг ҳам кўнглим ёришди. Аммо индинига ёмон иш бўлди. Ранги заҳил, қулоғининг орқасида данакдек сўтали бор бегона одам келиб, дадамнинг китоб-дафтарларини роса титкилади. Анча-мунча нарсаларни олиб кетди. Бобом ўртага тушмоқчи бўлган эди, «йўқол, унсур, уйингда тақиқланган адабиёт сақлагансан!» деб, кўзини ола-кула қилди... Бир ҳафтадан кейин мактабга борсам, ўқитувчи хотин ёмон гап айтди. Бир вақтлар дадамга «Робиянинг саводи аллақачон чиққан экан, бир йўла учинчи синфга бораверса бўлади», деган ўқитувчи хотин энди бутунлай бошқача гап қилди. «Отанг халқ душмани экан. Сен совет мактабида ўқишни хоҳламаганинг учун атайлаб ўқишга кечикиб киргансан!» Йиғлагим келди-ю,

йиғламадим. Ҳатто ойимга ҳам дардимни сездирмадим. Тўсатдан тушган ғам ёш болани бир кунда катта одамга айлантириб қўяркан.

2. Янги раис

Дадамни яна туш кўрдим. Вокзалмишми-ей, бозорми-ей. Хуллас, одам кўп эмиш. Дадам узоқда, оломон орасида туриб, нуқул қўли билан «бери кел», деб имлармиш. Оппоқ кўйлак кийиб, бўйинбоғ тақиб олганмиш. Олдига борай десам, йўлимни ранги заҳил, қулоғининг орқасида сўғали бор одам тўсиб турганмиш. Негадир улар учта бўлиб қолибди. Ҳаммаси бир-бирига ўхшармиш. Дадамни оломон ичида йўқотиб қўйибман. Нафасим тиқилиб, нуқул қичқирармишман:

«Дада! Дадажон!»

Ўзимнинг говушимдан ўзим уйғониб кетдим. Уй ичи ғира-шира қоронғи, ёнимда Кимсан акам ўтирарди.

– Нима қилди, Робия? – деди дўриллаб. – Сув ичасанми?

Тушим ҳамон кўз олдимдан кетмас, дадамни йўқотиб қўйганим алам қиларди.

– Э! – дедим жеркиб. – Сувни нима қиламан?! Кимсан акам бирпас қараб турди-да, индамай чиқиб кетди. Анчагача хомуш ўтирдим. Бора-бора ҳушим ўзимга келди. Кунбўйи ойимга қарашиб юриб, кечқурун овқат емай ётиб қолганим эсимга тушди.

Бугун Нўғайқўрғонда нохуш гап тарқалди. «Қулуп»да майлис бўлармиш, Ориф оқсоқолни олиб ташлаб, ўрнига бошқа раис сайлашармиш... Ойим билан бобом ҳам ўшаёққа кетганича ҳалиям қайтишмаган шекилли, айвонда чироқ ёқилмаган, ҳовли жимжит эди.

Эшик гийқиллаб очилиб, Кимсан акам мўралади.
– Роби, бизаям идорага бормаймизми?

...Дилгир куз оқшоми қишлоқни сукунат парда-
си билан ўраб олган, кунботар томонда ярим-ёрти
ой увада булутлар орасида тентирар, бутун Нўғай-
қўрғон ҳувиллаб қолгандек эди. Пастак деворлар
устидан тутун кўтарилмайди, деразаларда чироқ
кўринмайди, аллақерда эчки бўғилиб маърайди...

Чиндан ҳам бутун қишлоқ идорага кўчиб келган
экан. Катта-катта деразалардан нур тушиб турган
узун бино – «қулуп»га яқин бориб бўлмайди. Зина-
сигача одам тиқилиб кетган.

Кимсан акам қўлимдан судраб бино орқасига
олиб ўтди. Нур тушиб турган деразалар очиқ, ич-
каридан ғовур-ғувур эшитилди. Кимсан акам тар-
машиб деразага чиқди.

– Қўлингни бер! – деди қаттиқ шивирлаб. Энга-
шиб билагимдан ушлаганича бир тортган эди, қў-
лим узилиб кетай деди.

– Қўйворинг, – дедим типирчилаб.

– Жим! – У бақувват қўллари билан мени баланд
дераза токчасига тортиб чиқарди. (Аллақандай уч
ой ичида шунақа кучли бўлиб кетганига ўзим ҳай-
рон қолдим.) Лекин ҳозир буни ўйлайдиган ҳолатда
эмасдим. Токчага кўндаланг ўтириб, ичкарига қа-
расам – тумонат одам. Олдинги қатордагилар тўп-
па-тўғри ернинг ўзига чордана қуриб ўтиришибди.

Чекка-чеккадаги лампалар, фонуслар хира нур
сочади. Ҳамма ёқни лампамой ҳиди, тамаки иси
тутиб кетган. Биров деразага чиққанимизни кўр-
са уришиб беради, деб ўйлаган эдим. Йўқ, ҳеч ким
қайрилиб ҳам қарамади. Ҳамма ўзи билан ўзи ово-
ра эди.

Кимсан акам «у ёққа қара» дегандек биқинимга
туртиб имо қилди. Саҳна тўрида Сталиннинг мўй-

ловли каттакон сурати, қизил мато ёпилган узун стол орқасида олти киши ўтирибди. Энг аввал Оқсоқол бувага кўзим тушди. Эҳтимол, гавдаси ҳаммадан катта бўлгани учун биринчи бўлиб уни кўргандирман. Ёнида – бобом. Қора камзул кийиб олган. Бошида жияги титилиб кетган дўппи. Гавдаси янаям кичрайиб қолгандек, столга мук тушган. Ёнбошида новча бўйли озгин киши. Танийман. Оқсоқол бува билан бизникига кўп келган. Эргаш сельсовет дейишади. Ундан нарида ўтирган кишини танимадим. Йўл-йўл костюм кийган. Бўйнида бўйинбоғ. Сочини силаиқ тараган. Ингичка мўйловиям бор. У нуқул безовталанади. Чойнак-пиёла қўйилган минбарда ваъз қилаётган айвони катта шапкали кишига бўйнини чўзиб қараб-қараб қўяди.

Шапка кийган киши жон куйдириб гапиряпти.

– Ўртоқ колхозчилар! Тушунинг ахир! Ориф оқсоқолни ҳаммамиз ҳурмат қиламиз. Уч йил қурфоқчилик бўлгандаям колхозни чўктириб қўймади. Планни ошириб бажарди. Мана, энди колхоз бадавлат хўжаликка айланди.

Пастдан аллақандай эркак кишининг баланд овози янгради.

– Бўпти-да! Тагин нима дейсиз!

Шапкали киши ўнг қўлини баланд кўтарди.

– Илтимос, тинчлик сақлансин! Биламиз, «Қизил деҳқон» илғор колхоз. Мана бунақа клублар ҳамма хўжаликдаям бор деёлмаймиз. Каттакон мактаб қурдинлар. Ҳаммасига Оқсоқол бош бўлдилар. Ориф ака– тажрибали деҳқон. Лекин хўжаликни янги изга соладиган замон келди. Бунинг учун илми, агрономияни яхши биладиган раис керак. Ўртоқ Хўжаев...

– Керакмас! – Пастда ўтирганлар йўғон-ингичка овозда чувиллашди. – Бизга Оқсоқолнинг ўзиям бўлавуради.

Шапкали киши «уф» тортиб бош чайқади. Эргаш сельсоветнинг ёнбошида ўтирган ингичка мўйловли одам сапчиб ўрнидан турди. Бир нима демоқчи бўлди-ю, шашти пасайиб қайтиб ўтирди.

Пастдагилар баттар шовқин солишди:

– Оқсоқолнинг айби нима?

– Хажайипингиз шунчалик зўр бўлса, бошқа колхозга раислик қилақолсин!

Шапкали киши «ўзингиз тинчитинг» дегандек Оқсоқолга қаради. Оқсоқол шошилмай ўрнидан турди. Қаддини фоз тутиб, минбар олдига борди. Шапкали киши унинг елкасига дўстона шапатилаб қўйди.

– Ҳалойиқ! – деди Оқсоқол гулдираган товушда. Секин-секин тинчлик чўкди. – Калта ўйлама, халойиқ! Мана, оғир йиллардан ўтиб олдик. Тўкинчилик замон келди. Локин бундан кейин деҳқоннинг ишини кетмон эмас, мошина қилади. Украина томонларда буғдойни мошина ўряпти. Яқин орада олимлар ҳаводан ўғит олади.

Пастдан кимдир асабий луқма ташлади:

– Олса жа яхши-да, ўша ўғитни сиз билан биргалашиб далага соламиз, Оқсоқол!

– Ўв, Раҳимтой! – Оқсоқол рапидадек қўлини пахса қилди. – Бердисини айтгунча уриб ўлдирма-да, одамни! Ҳали шунақа кунлар келадики, сувни ҳовузга солиб қулфлаб қўйишади. Ана ундан кейин расамади билан тарқатишади. Қани, сувни қулфлаш қайси бирингни қўлингдан келади?

Одамлар жимиб қолишди. Чекка-чекадаги шишаси қорайиб кетган фонусларнинг чирсиллаши аниқ эшитила бошлади. Кимдир носини туфлади. Қоронғи бурчакда ўтирган аллақандай хотин йиғлаётган боласини жеркиб овутди:

– Э, қиз бўлмай ажалнинг олдида кет!

– Болани қарғама, Қумри! – деди Оқсоқол беозор танбеҳ бериб. Кейин яна ўша гулдираган оҳангда давом этди. – Қани, қайси биринг эплейсан ҳаводан ўғит олишни? Ана индамайсан! У ёғини сўрасанг, менам эплломайман. Хўш, шундоқ экан, нимага шовқин соласан? Бунақа ишлар, – у йўл-йўл костюмли кишига юзланди. – Ўртоқ Хажайипни қўлидан келади! Нега деганда, илми-ҳикматни билади. Райком ўртоқ Хажайипни раисликка лозим кўрибдими, бир нарсани билиб қилган. Гапни кўпайтиришнинг ҳожати йўқ. Ўртоқ Хажайипга мана мен биринчи бўлиб овоз бераман. Қайси биринг Оқсоқолни ҳурмат қилсанг, қўл кўтаравер!

Оқсоқолнинг ўзи биринчи бўлиб қўлини баланд кўтарди. Ўша заҳоти шапкали киши маъқуллаб овоз берди. Пастдагилар бирин-сирин қўлини осмонга чўза бошлади. Орқа томондан хотин кишининг ҳиқиллаб йиғлагани эшитилди. «Оқсоқолнинг ўзи яхшийди, овсин, одамнинг дардини тушунарди». Қараб турсам, бобом пашша кўригандек истар-истамас, қўлини силкиб қўйди.

– Демак бир овоздан! – Шапкали киши ўрнидан туриб Ориф оқсоқолнинг қўлини қисди. – Раҳмат, Оқсоқол! Сиз – бари бир колхознинг отаси бўлиб қоласиз. Партия сизга ишонади. Қани, ўртоқ Хўжаев, сўз – сизга.

Йўл-йўл костюмли киши илдам туриб, минбарга борди.

– Ўртоқ колхозчилар! – деди баланд, жарангдор овозда. – Ҳурматингиз учун раҳмат, ўртоқлар! Тўғри мени ҳам агрономлик дипломим йўқ. Лекин законний битта гапни айтиб қўяй: раз менга хўжаликни ишониб топширдиларингми, қаттиқ ишлаймиз. Ҳурматли райкомимиз олдида ваъда бериб айтаманки, келаси хўжалик йилида сабзавот ҳосилдорлигини икки ҳисса оширамиз!

Пастдан кимдир кинояли бақирди:

– Балки уч ҳисса оширармиз, раис!

– Ким? – янги раиснинг қоши чимирилиб кетди.

– Ким айтди шу гапни? Ўрнидан турсин-чи!

Совуқ сукунат чўқди. Гапирган одам бировнинг орқасига яширинди шекилли, ҳеч ким ўрнидан турмади.

– Доҳиймиз Сталин айтганидек, орамизда ёт ун-сурлар кўп! – Янги раис ҳар сўзини чертиб таъкидлади. – Билиб қўйинглари! Раз мен раис эканман, бунақа саботажчилар билан законний жойда гаплашиб қўйишни ўз вазифам деб биламан.

Пастда аввал шивир-шивир кейин ғовур-ғувур бошланди:

– Ким ўзи бу?

– Мунча баланд кетади?

– Тўқайда чивинга бир талансин, қаёққа қочаркин!

Ҳамма ёқ ари инидек ғувиллаб кетди. Янги раис эсанкираб қолди.

– Жим! – деди минбарни муштлаб. – Тише! Подага ўхшаган...

Пастдагилар тинчиш ўрнига баттар авжига чиқди.

– Биз пода бўлдикми энди?

– Э, ўргилдик сендақа подачидан!

Янги раис, ингичка мўйлови учиб, гоҳ шапкали кишига, гоҳ Оқсоқолга қарарди. Шапкали киши жаҳл билан қўл силтади, чамаси янги раисни койиди. Лекин бу билан шовқин босилмади. Шунда Ориф оқсоқол яна ўрнидан турди.

– Хажайип! – деди Оқсоқол титраб. – Закончимисиз, нима бало! Нуқул «закун-закун» дейсиз! «Қизил деҳқон»дагилар закунни сизчалик билмасаям, деҳқончиликка ақли етади. Шўх ер қанақа бўлишини мендан яхши билсангиз керак. Ҳаммаси

тош. Кетмон урсангиз; бетингизга тош сачрайди. Еримиз – шунақа. Яرمىси – тўқай. Ниятингиз яхши-ку, ҳолва деган билан оғиз чучимаиди-да, ўртоқ Хажайип!

Пастдагилар анча тинчиб қолган, лекин чекка-чеккадан ҳамон норози хитоблар эшитиларди:

– Кеча келди югуриб, бутун олар суғуриб...

– Туппа тузук мол эканмизу билмай юрганимизни қара!

– Ҳалойиқ! – Оқсоқол кафтини боши устида баланд кўтарди. – Бас! Ўртоқ Хажайип билмасдан гапирди-қўйди-да! Ёшлик қилди. Шунгаям ота гўри қозихонами! Ҳали кўрасизлар: раис билан апоқ-чапоқ бўпкетасан ҳамманг... Ундан кўра бўладиган гапни гаплашайлик. Колхозимизда гастиниса-пастиниса йўқ. Ўртоқ Хажайипни ўзимиз раис қилиб сайладик. Тўғрими? Энди бу ёғиниям ҳал қилиб қўяйлик. Раис одам шаҳардан қатнаб юрса ярашмас. Ўзимизнинг хўжаликнинг бошлиғига уй топиб бермасак, отимизга ор, итимизга номус! Қани, ўртоқ Хажайипга ким битта уйини бўшатиб беради? Доимгамас, вақтинча.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Оқсоқол бобомга юзланди.

– Дума!.. Гапирсанг-чи мундоқ!

Бобом ўтирган жойида бўйинини чўзиб чийиллади:

– Йўқ уйни туғиб бераманми сенга?

– Янги раис бобомга ижирғаниб қаради. «Уйинг билан қўшмозор бўл», дегандек лабини кинояли қимтиди. Оқсоқол ўйланиб қолди.

– Бу гапингам тўғри, – деди салмоқлаб. Кейин пастдагиларга қараб, ҳайқирди. – Ҳалойиқ! Битта илтимос, мана, даладаям иш қолмади ҳисоб. Шолғом билан турпни йиғиб олсак бўлди. Шу... совуқ тушмасдан ўртоқ Хажайипга битта уй со-

берсак. Аммо-локин шунақа уй бўлсаки, «Қизил деҳқон» колхозининг раиси қатта туради, деганда, мана деб кўрсатадиган бўлса. Энди... гапнинг пўсткаллеси шу: белимда белбоғим бор деганинг эрталаб ҳашарга келавер!

3. Рашид абзининг мўрчаси

Оқсоқол менинг дадам туфайли раисликдан тушганига ақдим етмаган экан. Эртасига бобом икковлари ҳашардан қайтиб, кечаси алла-паллагача ҳангомалашиб ўтиришди. Гап айланиб кечаси мажлисга тақалди.

– Санам қизиқсан-да, Оқсоқол, – деди бобом бўғилиб. – Ўз кўлинг билан амалингни бериб ўтирибсан.

– Амал нима?! – Оқсоқол бепарво қўл силтади. – Менга қолса, раислик у ёқда турсин, минг марта катта амалиям мисоли оёғингдаги этикдай гап. Сени амалга халқ кўтарадими, давлат ўтқазиб қўядими, бари бир «Мана шу этикни кийгин-да, керак бўлса сув кечиб, керак бўлса лой кечиб, юртнинг хизматини қилгин», дейди. Қиласанам!.. – Оқсоқол бир зум ўйлаб туриб, носини тупурди. – Тўғри, бир хиллар бор: зиғирдай амал тегдими, бўлди, Худо амал билан қўшиб ақл берди, деб ўйлайди. Бунақалар ёнида ўзидан ақллироқ одам ишлашини хоҳламайди. Назарида ақлли одам этигини ечиб олаётгандай бўлаверади. Бечорани гоҳ тирсаги билан туртади, гоҳ думбаси билан...

– Бўпти-да! – Бобом баттар тутоқди. – Шу Закончинг ақлли одамни бийлатармикин? Башараси айтиб турибди-ку, кимлигини. Халқ дод деб ёқлаб турса-ю, бу кишим ноз қилсалар! Ўргилдим олиф-тагарчилигингдан. Ё халқ бир қадримни билиб қўйсин, дедиларми?

Оқсоқол кўкимтир қошларини уйиб ерга қаранча узоқ жим ўтирди. Кейин қандайдир паст, ўзига ярашмаган ўйчан овозда гапирди.

– Раис ўзгаргани билан халқ жойида турибди-ку, Дума!.. Қолаверса одамлар минг дод десин, бари бир мени олиб ташлашарди. Халқ душманини Самарқанддан атайлаб обкелгансан деб...

– Маълимда гуноҳ йўқ! – Бобом Оқсоқолга чақчайиб чийиллади. – Гуноҳ йўқ! – деди аразлаган боладек юзини ўтириб. – Тагин ўша Закунчига уйимни бўшатиб берармишман! Маълим эртага қайтиб келса, қайси юз билан кўзига қарайман!

– Биламан! – Оқсоқол хўрсинди. – Ҳаммасини биламан! Аммо законни кўриб турисан-ку... – У бир зум ўйланиб турди-да, бобомнинг елкасига қоқди. – Балки янги раис ростдан ҳам ишнинг кўзини билар. Ёш, илми бор. Сен билан биз нима? Олма-ўрик бўлармидик энди!

Бобом энаси қотиб, қўл силтади.

– Илми бормиш.. Ўзи айтди-ку, қўлимда қоғозим йўқ деб...

– Қўйсанг-чи, гап қоғоздами? – деди Оқсоқол хўмрайиб.

– Қарайлик-чи, нима каромат кўрсатаркин ўша Закунчинг! – Бобом ўрнидан туриб кетди. – Бор, қизим, чойни янгилаб ке...

Янги раис кўп ўтмай чиндан ҳам «каромат» кўрсата бошлади. Ўша мажлисда «қаттиқ ишлаймиз» деганча бор экан. Тонг отмасдан эшик тақиллайди. Жўн тақиласаям майли-я, ҳамма ёқ қарсилаб кетади. Эшикни очишингиз билан пешонасига кўзмунчоқ аралаш кумуш маржон тақилган жийрон от, эгарда қийшиқ ўтирган, чақмоқ телпак кийган Закунчига кўзингиз тушади.

– Кун чиқай деб қолди, ётаверасанларми, наҳс босиб?! – дейди қамчисини таҳдидли ўйнатиб.

Шу гапни айтмасаям, колхозчилар тонг отмасдан далага чиқиш кераклигини билади. Оқсоқол раислиги пайтида бунақа дағдағалар йўқ эди. Зарил бўлиб қолганида Оқсоқол: «Халойиқ, шу иш шундоқ бўпқолди, белимда белбоғим бор деганинг, келавер», деса, одамлар ўтгаям-сувгаям уриб кетаверарди. Закунчининг дағдағаси халқнинг ихлосини қайтарди. Калтак еган ҳўкиз ётоғон бўлади, дегандек, баъзилар қайсарлик қила бошлади. «Қор ёғиб турибди-ю, далада пишириб қўйибдими», деб оёқ тирайдиганлар ҳам топилди. Аслини олганда бу гап тўғри. Ерга аллақачон яхоб бериб бўлишган. Қаҳратон совуқда шудгор қилиб бўлмаса, ариқ очиб бўлмаса. Лекин Закунчи бу томониниям ўйлаб қўйган экан. Қиш чилласида бир-биридан ваҳимали гаплар тарқалди.

«Шаҳарда Закунчининг суянган тоғи бор экан. Хўжақулип деган тоғаси «нозик жой»да ишлармиш. Қасдлашган одамни халқ душмани деб қамоққа тикармиш», «Дўмбрободдаги олтинчи бригадда Аҳмад полвон деган кетмончи хотини туғиб икки кун далага чиқмаган экан, Закунчи ўн йилга кестириб юборибди». «Буғалтир Соли сўпоқ Закунчининг хабаркаши бўпти. Кимнинг уйида нима гап бўлаётганини ёзиб юрармиш...» Йил ўтмай, раисдан ҳамма қўрқиб қолди. Хотинлар йиғлаётган боласини «жим бўл, Закунчи келяпти, ҳозир отига тепдириб ўлдиради!» деб овутадиган бўлишди.

Фақат Оқсоқол билан бобом бу гапларга парво қилишмас, бири кетмон кўтариб, бири эшак арвасини миниб саҳарлаб чиқиб кетишар эди. Лекин бир жиҳатдан раис айтганини қилди. Колхоз икки йил кетма-кет режани ошириб адо қилди. «Қизил деҳқон»нинг донғи Доғистонга етди... Балки За-

кунчининг қаттиққўллиги иш бергандир. Балки чиндан ҳам «илму-ҳикмат»ни яхши билар...

...Кимсан акам еттинчини битирганидан кейин шаҳарга бориб ўқимоқчи эди, бобом йўл қўймади: кетмонга солди. Бир куни Кимсан акам бобом билан ойимга айтолмаган дардини менга гапирди:

– Шаҳарда ўнни битириб, учувчи бўламан. Истрибителда душманни қираман.

– Қанақа душман?

– Фин уруши бўляпти-ку, жинни!

Юрагим увишиб кетди.

– Ўлдириб қўйса-чи?

– Ким ўлдиради?

– Душман-да!

Кимсан акамнинг жаҳли чиқиб кетди.

– Қанақасига ўлдиради. Бизнинг истрибителдан ўқ ўтмайди. Чкаловни эшитганмисан?!

...Унинг аҳди қатъий эди. Бир марта шаҳарга ҳам бориб келди. Кечқурун овқатдан кейин бобом Кимсан акамни сўроққа тутиб қолди:

– Учувчи бўламан, денг, бойвачча?

Кимсан акам иягидаги ҳуснбузарни тирноғи билан ситиб, ўшшайиб ўтираверди.

Бу унинг: «Ҳа, қўлингиздан келганини қилинг», дегани эди.

– Менга қаранг, бойвачча! – Бобом тажанглик билан бўйнини чўзди. – Кетмонингиз енгиллик қилиб қолганга ўхшайди. Молхонага киринг, ярим пудли кетмон турибди! Ана ўшани мининг-да, далага чиқиб айриплон қилиб учинг, хўпми?

Кимсан акам бобомга бир нима деёлмади-ю, мени бурчакка имлаб орзусини айтди.

– Бари бир! Учувчи бўлмасам, офицер бўламан. Армияга кетаман.

Йўқ, унинг бу орзуси ҳам рўёбга чиқмади. Армияга ҳамманиям олаверишмас экан. Ҳаёт эса давом этарди...

Ҳар байрамда дошқозонларда ош дамланган, стахановчиларни патефон, самовар, кийимлик атласлар билан сийлашган... Бир марта Кимсан акамни ҳам этик билан мукофотлашди.

Фақат менинг дилимдаги армон ечилмай қолаверди. Оқсоқол «эрта-индин» келади, деган дадам бедарак кетди. Тўғри, Оқсоқол билан бобом кўп елиб-югуришди. «Маълим душман эмас», деб тушунтиришга уринишди. Натижа чиқмади. Бора-бора дадам тушимгаям кирмай қўйди.

Баҳор оқшомларидан бирида синиқ пиёланинг орқасига ўсма эзиб, қошимга қўйиб ўтирсам, даладан қайтган ойим кўриб қолди.

– Майли, қизим, – деди кулимсираб. – Ёшинг ўн еттига кетяпти. Эрта-индин совчи келади. Ўзингга қараб юр...

Уялиб кетдим.

– Боринг-е! – деганча ошхонага қараб қочдим. Ойим совчини гапириши билан негадир Кимсан акам лоп этиб кўз олдимга келди. Кимсан акам тоғдек йигит бўлган. Бобомга иккита келади. Ҳайронман, кейинги пайтда мен билан кам гаплашадди. Ҳовлидами, молхонадами, дуч келиб қолсак, менга ғалати қараётганга ўхшайверади. Қўрқаман. Лекин ўша заҳоти ўзимни ўзим қарғайман: «Ўл жинни! Аканг-ку!»

...Биринчи Май байрами яқинлашиб қолган эди. Пешиндан кейин ойим қўлимга бир кийимлик атлас тутқазиб тайинлади:

– Бор, қизим! Холпош холангга обор. «Ойим айтдилар, менга кўкрак бурма кўйлак тикиб бераркансиз», дегин.

Ойимнинг одати шу: байрам яқин келиши билан типирчилаб қолади. «Шундоқ айём кунларида болаларим оҳорликсиз қолмасин», деб менга кўйлакми, лозимми тиктиради. «Кимсанга шим-пим

оберинг», деб бобомга ялинади. Бобом, «чиқимнинг бети қурсин», дейдиганлардан. Менга-ку, тишини суғургандек қилиб бўлсаям минг жойини кавлаб пул чиқаради. Кимсан акамга келганда пешонаси тиришиб кетади: «Янги шим киймасалар кимнинг кўнгли қопти, бойваччанинг! – дейди тўнғилаб. – Ҳали тўй ташвиши турибди». Бари бир, ойим қўймайди. «Катта йигит бўпқолди, – дейди. – Ишлаб топганини қўлингизга обкеб беряпти-ку, жўралари билан ўйнасин», дейди. Хуллас, бобомни кўндиради.

...Оқсоқолнинг каттакон, кунгираддор дарвозасидан кирсам, Зуҳра келин атиргуллар гунчалай бошлаган гулзор четидаги ариқ бўйида кир ювиб ўтирган экан. Кўпикли қўли билан елкамга қоқиб кўришди.

– Қаний! Битта кўрий! – деди қўлтиғимдаги атласга имо қилиб. Атлас қатини очган эдим, Зуҳра келиннинг сурма тортилган кўзлари ёниб кетди.

– Саккиз тепки экан! Зокир акамга айтаман, менгаям оберадилар.

Шундай деди-ю, тўсатдан маъюс тортгандек бўлди.

Озиб-тўзиб кетганини, кўйлагининг елкалари осилиб қолганини сездим.

Зуҳра келин – Зокир аканинг хотини. Холпош хола иккала келинини бирдек кўради. Тўйга борса бир ёнига Фотима келинини, бир ёнига Зуҳра келинини олиб чўғдай ясангириб оборади.

Бирга оборишга оборади-ю, кўпроқ Зуҳра келинини мақтайди.

– Айниқса, шу қизимни яхши кўраман. Потмамниям ёмон демайман-ку, сал лачапўшроқ. Кир юваман, деб сув қайнатса, тагига олдириб юборади!

Фотима келин хафа бўлмайди. Қайтага қаҳ-қаҳ уриб кулади.

– Унақа деманг, ойижон, кечаги қилган шилпилдоғимни мақтаб-мақтаб едингиз-ку!

– Вой, ордона! Шилпилдоқ қилишни санга ким қўйибди. Ёйган хамирингни кўрпа қилиб ётса бўлади-ку. Зўрани йўриғи бошқа. Лағмон кесса, кокил қилиб ташлайди. Ҳовли супурса, ерда аксинг кўринади. Ўзимга ўхшайди-да! Қайнона-келиннинг тупроғини бир жойдан олган!

Холпош хола тўй-ҳашамларда Зухра келинни оғзидан бол томиб мақтаса ҳам бизникига чиққанида ойимга ҳасрат қилади:

– Куйиб кетдим, овсинжон! Потмам бир эмас, иккита болали бўлди. Зўрам юкли бўлмаяпти.

– Фарзанд билан давлатнинг кечи йўқ, – дейди ойим юпатиб. – Одамлар ўн йил-йигирма йилда болали бўлади. Зўраҳонга нима қипти. Бор-йўғи етти йил ўтдими?

– Кўрсатмаган дўхтирим, боқтирмаган табибим қолмади. Қайси куни Комил табибга яна обордим. Келинингиз соппа-соғ дейди.

– Ана, айтмадимми? Шунгаям сиқиласизми?

Холпош хола дардли бош чайқайди.

– Шундоқ дейсизу Зокирим ўқтин-ўқтин ичадиган одат чиқарди. Отасининг феълени биласиз-ку, билиб қолса тикка сўяди! Зўрам ҳам чакказарброқ бўбқолди. Опасини кўриб сиқилади-да шўрлик.

Ҳозир Зухра келинни кўриб, ўша гаплар эсимга тушди. Чиндан ҳам ранги бир ҳолатда, сурма тортилган кўзлари киртайиб қолган.

– Киринг, – деди у юпқа лаблари бурилиброқ. – Ойим уйдалар!

Устунлари сирланган баланд айвон томон энди юрган эдим, ичкаридан гўдак йиғиси эшитилди. Эшик очилиб паҳлавондек сўлқилдоқ боласининг оғзига кўкрак тиқиштираётган Фотима келин айвонга чиқди.

– Вой, Робияхон! – деди зиналардан лўмбиллаб тушаркан. – Атласми? Бизларам бир кўрайлик!

Авваллари Фотима-Зуҳраларни доимо адаштириб юрардим. Ҳозир ҳам иккаласи бир-бирига ўхшайди. Попукдек қош-кўзи, кулча юзи... фақат Фотима келин семириб кетган. Зуҳра келин бўлса тасмадек.

Фотима келин атласнинг бир бурчини чимчилаб кўрди.

– Вой, мунча чиройли! – У ёнбош томондаги уйга қараб, ўктам овозда қичқирди. – Ойи, манавини кўринг! Шокир акамга айтинг, байрамга менгаям обертсинлар!

Ичкаридан ҳарсиллаб-гурсиллаб Холпош хола чиқиб келди. Нима қилсаям, Ориф оқсоқолнинг хотинида! Ёши олтмишга бориб қолган бўлсаям, келинлардек ясаниб олибди. Эгнида қора атлас кўйлак. Бўйнида – дур. Қулоғида олтин балдоқ, чиройли, қайрилма қошига билинар-билинемас ўсма кўйган.

Ориф оқсоқол билан дадам қанақа ўртоқ бўлса, Холпош хола билан ойим ҳам шунақа дугона. Оқсоқолнинг гавдаси бобомга иккита келса, Холпош хола ойимга учта келади. Оппоқ юзли, қоматдор хотин. Ойим дуч келган одам билан апоқ-чапоқ бўлиб кетаверади. Холпош хола ўз қадрини билади. Бутун Нўғайқўрғонда «осмондаги қушни бежайдиган чевар» номи бор. Аммо ҳаммагаям кўйлак тикавермайди. Жинига ёқмаган одамни, «кўзим ўтмай қолди, чеварликни ташлаганман, айланай», деб эшикдан қайтаради.

У мен билан айланиб-ўргилиб кўришаркан, бола эмизиб турган Фотима келинни беозор жерқди:

– Ордона! Сигирдай хотинга атлас кўйлакни ким кўйибди! Атлас етказиб бўладими сенга? – У ҳовлига юзланди. – Атласни Зуҳра кийса ярашади. Зўраҳон! Бу ёққа қара, қизим!

Зухра келин кўпикли қўлини сочиққа арта-арта зинадан айвонга чиқди.

– Лаббай, ойижон!

– Ўтир, мундоқ, сенам ўтир. – Холпош хола кейинги гапни менга айтдим, Фотима келингами, тушунмадим. Ҳар эҳтимолга қарши хонтахта атрофига учаламиз чўкдик: ҳамон бола эмизаётган Фотима келин, қўлидаги сочиқни асабий вижимлаётган Зухра келин, мен...

Хонтахтага қуроқ дастурхон ёзилган, ўртада писта, бодом, қанд-қурс тўла патнис турарди. (Оқсоқолникида патнис ҳамиша тайёр!) Айвон тоқча-сида эски «гардим» лаганлар. Даста-даста қалампирнусха косалар. Нариги бурчакда Холпош холанинг дунёга донғи кетган «Зингер» машинаси турибди. Берироқда – суянчиғи баланд курси. Курси орқасидаги тоқчада ёғоч бандли телефон. Бобомнинг айтишича, бир вақтлар бу телефонни Ориф оқсоқолга «обком» деган катта идорадан совға қилишган экан. Телефоннинг сими йўқ, аммо Ориф оқсоқол жудаям авайлайди уни...

Холпош хола бачкана маҳси кийган оёғини битта-битта босиб, ичкарига кириб кетди. Кўрпаларнинг гурс-гурс қилиб ерга тушгани эшитилди. Фотима келин боласини қучоқлаб ўрнидан турган эди, Зухра келин имлади.

– Кирма! Балога қоласан!

Анчадан кейин Холпош хола худди меникига ўхшаган саккиз тепки атласни семиз билагига ташлаб, чиқиб келди.

– Зўраҳон, қизим! – деди атласнинг қатини очиб. – Робия иккалангга бир хилда кўкрак бурма кўйлак тикиб бераман. Байрамда бир ўйнанглар!

– Раҳмат, ойижон! – Зухра келин пирпираб турган юпқа лабини тишлаб ерга қаради.

– Менга-чи?! – Фотима келин астойдил хафа бўлганидан лўппи юзи қизариб кетди. – Бисотингизда менга битта кўйлак топилмадимми?

– Сенам бормидинг? – Холпош хола ясама дашном билан қошини чимирди. – Қуруқ қолсанг ўласан-а. Майли, сенгаям топамиз. Бор, гапинг рост бўлса, ошхонадан қийматахтани обчиққин-да, исмалоқни майдала, сомса ёпамиз. Ҳа, айтмоқчи қизинг қани, Попук қани?

Фотима келин кўйлақдан қуруқ қолмаслигига кўзи етиб, мамнун илжайди:

– Ҳозир шўттайди. Юргандир.

– Ман сўроқдамасам, ўзингни эсинггайм келмайди-а! – Холпош хола бошини таъна билан чайқади. – Сендақа онани мушук есин!

Фотима келин ўғилчасини бағрига босганча дарвозага югурди.

– Ойпопуг-у! Қаёқдасан, ҳа сендақа дайди қизни мушук есин!

Холпош хола Зуҳра келин иккаламизни айвон бурчагига турғазиб қўйиб, гази билан галма-галдан бўй-бастимизни ўлчай бошлади.

– Қоматинг Зўрамдай бўпқопти, Роби! – деди кулиб. – Иккаланга бир қолипда тиксам бўлавераркан.

– Тап-тайёр келин-да! – Бир қўлида ўғилчасини кўтарганча, бир қўлида сақич чайнаётган беш яшар қизчасини етаклаган Фотима келин айвонга яқин келиб қаҳ-қаҳ уриб кулди. – Насиб этса яқинда Робияхоннинг ҳолвасини еймиз, ойи! Очилбой оҳ деса, ўпкасидан ой кўриниб юрибди.

«Нима? Очил?» – Сесканиб Фотима келинга қараган эдим, Холпош хола жеркиб берди:

– Э, ўл, айнамай! Нима қиласан қиз болани уялтириб?

– Нега уяларкан! Шокир акам айтдилар. Очилбой Робияхонга совчи қўймоқчимиш.

Аламимдан йиғлаб юборай дедим. «Ким у, Очилбой?» Бирдан эсимга тушди. Комил табибнинг ўғли. Мактабдаям кўзойнак тақиб юрарди. Қилтириқ! Кимсан акамдан олдинроқ ўқиган. Ойим бир-икки марта бобомга табибнинг ўғли хўп йигит бўпти. Тошкентдаги катта ўқишда ўқирмиш, маълим бўларкан, дегани қулоғимга чалинган эди. Шунини эслаб, қўрқиб кетдим. Негадир Кимсан акам кўз олдимга келди. Кўкрагимни газ билан ўлчаб турган Холпош холадан юлқиниб чиқиб, айвон зиналаридан сакраб тушдим.

– Қачон эсинг киради, жувон ўлгур! – Холпош хола газининг икки четидан чангаллаганча қўлини мушглаб Фотима келинга дағдаға қилди. – Ҳамма нарсани гап деб гапираверадими?!

Ҳовлининг ярмисига борганимда, Фотима келин ўғилчасини қучоқлаганча орқамдан етиб келди.

– Робияхон! Кўнглингизга келмасин. Эшитганимни айтдим-да!

– Э, қочинг! – Қулоғимгача қизариб кетганини сезиб, дарвоза томонга югурдим.

– Шошманг, Робияхон! – Фотима келин орқамдан лўкиллаб чопди. – Кечқурун Рашид абзининг мўрчасига борамиз. Зўра иккаламиз. Сизам юринг! Маза қилиб чўмилиб келамиз...

...Ҳовлимизга киришим билан қандайдир янгилик бўлганини сездим. Бобом тандир олдида Оқсоқол бува билан чақчақлашиб турар, иккаласининг ҳам чеҳраси очиқ эди.

– Қизим!– Бобом носини тупуриб илжайди. – Сигир муборак бўлсин демайсанми? Бор, онангга боқиш!

Молхона олдидаги гулини тўккан гилосга боғлаб қўйилган каттакон ола сигирга кўзим тушди. Аввалги ғунажинимиз бир эмас, уч йил қисир қолганидан кейин бобом сотиб юборган, ўшандан бери уйимизда уч-тўртта қўйдан бўлак мол йўқ

эди. Янги сигирни кўриб қувонганимдан чапак чалиб юборай дедим. Сигирнинг сутга тўлиб кетган елини ерга тегай деб тирсиллаб турарди. Ойим нуқул сигирнинг бўйнига чизимча боғлашга уринар, боғлоғлиқ бўлишига қарамай, нимага бўйнига қўшимча арқон солинаётганини тушунмаган сигир ҳадеб бошини силкитар, ойим «хўш, жонивор, хўш», деб қайта-қайта тармашар, аммо бўйи етмай қийналарди.

– Зотли сигирга ўхшайди, кўзикмасин, – у минг машаққат билан сигирнинг бўйнига чизимчани илди. Чизимчага яримта калиш осилган эди.

– Зотли бўлгандаям қанақа де? Галанска! – Оқсоқол тантана билан тушунтирди. – Бир кунда уч чирпит сут беради. Дума ўзи калта бўлсаям боши тошни ёради. Мол танлашни билади.

Бобом бозорга Оқсоқол билан борганини, икки ўртоқ бозорнинг энг олди молини харид қилишганини тушундим.

Ойим пидираб ошхонага кириб кетди. Қиррасига данакдек маска ёғ ёпиштирилган челақ олиб чиқди.

– Тувакдай челагинг нима бўлади, ҳой! – Оқсоқол қўлини пахса қилди. – Обчиқмайсанми каттароғидан! Ё пақиринг ҳам ўзларингга ўхшаган паканами?!

Ойим мулойим жилмайган кўйи сигирнинг тагига чўнқайди.

– Аввал битта челақка соғайлик-чи, а, жонивор! – деди сигирними, Оқсоқолними эркалаб. – Шукур, пақирдан сероби йўқ. Вой жонивор-ей! Тирсиллаб кетибсан-ку! – У энди елинга қўл чўзган эди, сигир думини силкитиб, орқа оёғини депситди.

– Қашлаб турсанг-чи! – Бобом менга гапираётганини тушундим. Илдам бориб, сигирнинг йўғон томирлари бўртиб турган бўйнидан силай бошладим.

– Хўш, жонивор, хўш...

Сигир катта-катта кўзларини олайтириб, бир қаради-да, пишқириб қўйди. Анча тинчланди. Ойим энди елинга қўл тегизган эди, яна сесканиб кетди.

– Ўв, саводсиз! – Оқсоқол астойдил жаҳл билан ўшқирди. – Айтдим-ку, бу сигир галанска деб. Ўрисдан олдик. Гапирсанг-чи, мундоқ, Дума! Тилинг борми?

– Тўғри, – бобом уч-тўрт қадам келиб, тушунтирди. – Оқсоқол тўғри айтяпти. Бу – галанска сигир. Ўрисча гапирмасанг сут бермайди.

Ойим челақни бутига қистирганча зириллаб турган елинга яна қўл чўзди.

– Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! – деди бор овозда. – Ўп пошамат, жонивор. Ўп пошамат. Ўзим айланай говмишимдан, иди чўрт.

Қизиқ, сигир тинчиб қолди. Челақка пов-пов сут туша бошлади.

– Ана, биларкансан-ку! Юр кетдик, Дума! Карамни экиб бўлишгандир.

Оқсоқол билан бобом узун-қисқа бўлиб кўча эшиқдан чиқиб кетишди.

Ойим ҳамон ғайрат билан елин чўзар, галанска сигир узун, оқиш киприкларини мулойим юмиб турарди.

– Робия қизим, ёп пошамат! Жон қизим, ёп пошамат! Ошхонада челақ турибди. Тезроқ чайиб ке, болам, иди чўрт!

Иккинчи челақ тўлгунча ойимнинг қўли елин чўзиб оғзи «ёп пошаматлаб» чарчаб кетди.

Бир маҳал қаҳ-қаҳ кулгидан сигир ҳам, мен ҳам сесканиб тушдик. Сигир узун, қийшиқ шоҳини силкитиб ёнбошига – кулгу янграган томонга қаради. Ойим сут тўла челақни обқочаман деб,

орқасига ўтириб қолди. Қарасам, беш-олти қадам нарида Шомурод тоғам тиззасига уриб, хохолаб куляпти. Бошдан-оёқ оппоқ кийинган. Олдига уқа тутилган шойи кўйлак, каламинка шим, оқ туфли. У эгилиб-эгилиб кулар, сочи чаккасига ёйилиб тушган, кўзидан ёш чиқиб кетган эди.

– Опа! – деди энтикиб. – Нима деяпсиз, опа?

– Нима? – Ойим, сигири чала софилганидан гаши келиб, тоғамга чақчайди. – Кўрмаяпсанми, сигир соғаяпман! Поччанг сигир опкелди. Галанска экан, оғзимиз оқариб қолди.

Шомурод тоғам кулгидан энтикиб менга қаради.

– Ойинг нима дедилар, ҳозир?

Индамай елкани қисдим.

– Айтаётган гапингиз – ёмон гап-ку! – Шомурод тоғам кула-кула кўзини артди. – Унақа деманг, опа!

– Э, қилигинг қурмасин! – Ойим сут тўла челақни авайлаб кўтариб ўрнидан турди. – Сигир жониворниям кўрқитвординг!

– Йўқ майли-ку!.. – Шомурод тоғам тагин кулди. – Унақа деманг-да, опа! Сигир бечорани сўкиб нима қиласиз?

– Қачон сўкдим? – Ойим ҳайрон бўлиб, гоҳ Шомурод тоғамга, гоҳ галанска сигирга қаради. – Билмасам, – деди бўшашиб. – Тошкентга тушганимда кўрганман, иккитаси бир-бирини шунақа деб чақираётган эди...

Шомурод тоғам ҳар келганида узоқ ўтирарди. Бу сафар ойим билан уйга кириб кетиб, чорак соатча бир нималарни гаплашди-да, йўлга отланиб қолди. Ойим ҳам «ўтир» деб қистамади.

Шу куни ойим оқликка қўни-қўшининг оғзи тегсин деб етти эшикка сут улашди. Кечки овқатга ҳам ширгуруч қилдик. Она-бола энди овқатга ўтирган эдик (Кимсан акам эрталабдан бери

кўринмас, бобом, Оқсоқол бува билан далага кетганча қайтмаганди), эшик тақилаб Фотима келин, Зуҳра келин кириб қолишди. Иккаласи бошига дакана рўмол танфиган, Фотима келин тугун кўтариб олган, Зуҳра келиннинг қўлида товоқ, исмалоқ сомса опчиқибди.

Ойим сутли овқатдан кейин кўксомса ема, деб чирқиллаганига қарамай иккитасини маза қилиб еб олдим. Ширин бўпти.

– Борасизми? – деди Фотима келин қистаб. – Опоқи, Робияхон билан Рашид абзининг мўрчасига бориб келайлик...

Ойим иккиланиб қолди.

– Рашид абзи ўлсин. Қачон қараса маст. Мўрчани ким иситади?

– Ўзимиз! – Зуҳра келиннинг қоп-қора кўзлари иштиёқ билан ёниб кетди. – Бир чўмилайлик!

Рашид абзининг уйи – Нўғайқўрғоннинг энг чеккасида. Парча опа деган думбул-тентак хотин билан қўшни туришади. Парча опа-ку, уйида деярли яшамайди. Эрта баҳордан кеч кузгача даладами, одамларнинг уйидами ётиб қолаверади. Аммо Рашид абзини қачон қараса, уйдан топасиз. Бошқа иложиям йўқ-да! Қишин-ёзин абзиникидан одам аримайди. Тахта деворнинг ғирасидан мўраласангиз, икки терак пастликда оқаётган Бўрижарни кўриб ваҳмингиз келади. Аммо Рашид абзи парво қилмайди. Дўппидеккина кулбасида бемалол яшайверади. Абзи – чўлоқ. Йигирма йил олдин бўлган урушда бир оёғидан айрилган. Ёғоч оёқ тақиб юради. Моххов² деган босқинчи бечоранинг чап оёғини қиличда ўз қўли билан чопиб ташлаган экан. Бобомнинг айтишича, абзи ўшандаям тишини-тишига қўйиб тураверибди. «Сен менинг оёғимни чопдинг, кун келади, мен сенинг бошинг-

² Махно демоқчи.

ни чопаман», дебди. Абзи Қозон деган шаҳарда даволаниб ётганида чиройли бир қиз уни яхши кўриб қопти. Оти Розия экан. Очарчилик йиллари нон излаб Тошкентга келишибди. Рашид абзи хотинини жонидан яхши кўраркан. Аммо Розия қорни нонга тўйганидан кейин ёмон иш қипти. Бир кечада поездга ўтирибди-ю, бегона йигит билан қочиб кетибди. Рашид абзи ўшандан бери сўққабош. Қозонда турадиган опасидан бўлак қариндош-уруғи йўқ. Почтачилик қилади. Иши кўпмас. Нўғайқўрғонда ким кимга хат ёзарди-ю, ким кимдан хат оларди.

Абзи ўзи яхши киши-ку, кўп ичади. Кузда одамлардан узум олиб, мусаллас солади. Аммо элдан ажрамайди. Қишлоқда тўй бўладими – маъраками, Абзи ҳаммадан олдин етиб келади, самовар қўяди.

Бутун Нўғайқўрғонда Рашид абзининг мўрчасидан ўтадиган ҳаммом йўқ. Катгадан-кичик ҳамма шу мўрчада чўмилади.

...Олдинда кетаётган Фотима келин хурсанд бўлиб шанғиллади:

– Ишимиз ўнгидан келадиган бўлди, Зўра, абзининг мўрчаси бўшга ўхшайди.

Ростдан ҳам Бўрижарнинг тик соҳилида қўққайиб турган мўрчанинг мўрисидан тутун чиқмас эди. Демак, мўрча бўш.

Рашид абзи сўққабош бўлгани билан уйини гулдек қилиб қўяди. Умуман, бутун Нўғайқўрғонда тўртта оқ уй бор. Биттаси – колхоз идораси, биттаси – «қулуп», яна биттаси – Ориф оқсоқолнинг далдаси билан колхозчилар ҳашар қилиб қуриб берган, Умар закунчининг ҳашамдор уйи, тўртинчиси – Рашид абзининг кулбаси. Тўғри, Абзининг уйи Умар закунчиникига ўхшаган салобатли эмас, Закунчининг томига қизил тунука ёпилган. Абзиникига қора қоғоз. Умар закунчи ҳам сўққабош, Абзи ҳам. Лекин закун-

чининг сирланган дарвозасига «полуторка» машина бемалол сифгани билан уникага Соли сўпоқдан бошқа одам йўламайди. «Апчарка» деган қопоғон ити бор. Абзининг эшиги туйнукдек ингичка бўлсаям, ҳамма келаверади, ити йўқ. Маша деган эчкиси Абзининг ўзидан ҳам ювош.

Рашид абзи худди ўша ювош эчкисининг арқонидан тортиб, тажанг бўлиб турган экан. Бир шохи синган, соқоли саргайиб кетган эчки олдинги икки оёғини тахта деворга тираганча нуқул дераза олдидаги олча шохини узиб емоқчи бўлади. Орқа оёқлаб тик тургани учунми бодрингдек елинлари диккайиб кетган. Абзи ёғоч оёғини ерга қадаб арқонни силтаб тортади.

– Паразит! Чучқа! – дейди хуноби ошиб. Бошида қизил бахмал дўши, эгнида нимча. Арқонни чираниб тортаверганидан ингичка бўйнининг томирлари бўртиб чиққан. Эчки ювош бўлгани билан ўзига етгунча қайсар экан. Эгасига бўй берай демайди.

– Менга беринг, амаки! – Фотима келин арқонни бир силтаган эди, эчки шўрлик ёнбоши билан ағдарилиб тушди. Ўрнидан туриб, Фотима келинга кўз қири билан адоватлироқ қараш қилди, норози оҳангда маъраб қўйди.

– Паразит! – Абзи эчкининг биқинига ёғоч оёғи билан ўхшатиб тепди. Эчки дикирлаб ҳовлига кириб кетди. – Муршағами! Киригиз! – деди абзи илжайиб.

Фотима келин мўрчага ўт қалаётганида Абзи кичкина фонус олиб келди.

– Киригиз! – деди яна.

Жонингни роҳати-да бу мўрча! Чўян бандли печкани ёқишингиз билан қозонда сув исийди. Печка ёнбошида тош териб қўйилган махсус жой ҳам бор. Ёғлоқда сув олиб сепсангиз, вош этиб буг кўтарилади...

...Мўрча дарров қизиди. Бурчакда фонус сарғайиб турган каталакдек ҳаммомда уч киши сиқилишиб қоларкан. Дамим қайтиб кетди. Фотима-Зуҳра келинлар парво қилмайди. Бир-бирининг устидан сув сепиб қийқиришарди.

Мўрча бурчагидаги лиқилдоқ курсида шамшод тароқ билан сочимни тараб ўтирсам, Зуҳра келин бошимга эгилди.

– «Вуй, – деди ерга тегиб турган ҳўл сочимни кафтига олиб, – ярмисини беринг, Робияхон.

– Ола қолинг! Ўзиям жонимга тегиб кетди, ювиш қийин.

– Ҳо, олақолингмиш! – Зуҳра келин қаҳ-қаҳ уриб кулди. – Йигитлар сочингизга ишқибоз-да, оповси айлансин. Орқангизни ишқалаб қўйийми! – У макка сочиққа совун суркаб, курагимни ишқалашга тушди. Қўли кичкина бўлсаям шунақанги чайир эканки, чинқириб юбордим.

– Оғрияпти.

– Вой, шунга шунчаликми? – Зуҳра келин мўрчани жаранглатиб кулди, – эрга тегсангиз...

– Э, боринг! – дедим уялиб.

Фотима келин иссиқда нафасим қайтиб қолганини кўриб, бурчакдаги ёғоч бочкадан совуқ сув олиб қуйди. Ҳовли томондан аввал гармон товуши, кетидан Рашид абзининг хирилдоқ овозда ашула айтгани эшитилди.

*Айда молай бозарга
Пирашкилар ошарга.
Пирашкилар кикирта
Қизлар қашин секирта...*

– Вой ўлсин! – Фотима келин қиқирлаб кулди. – Абзи яна ичиб олди шекилли, заҳарига.

Зум ўтмай Рашид абзи яна гармонини чўзиб қолди.

*Патийим, Патийим...
Бир қушақлаб ятийим...*

– Сени чақиряпти, Поти! – Зуҳра келин хандон отиб кулди. – Чиқ!

Фотима келин бўлиқ кўксини маккасочик билан ишқаларкан, илжайди.

– Э, Потийи билан қўшмозор бўлсин... Кўкрагим ийиб кетди. Тоҳир йиғлаётганга ўхшайди. Эмадиган вақти бўлди...

Учаламиз шафтолидек қизариб ҳовлига чиққанзимизда қоронғи қуюқлашиб қолган, ҳали ой чиқмаган, аммо осмонда фақат баҳор оқшомлари бўладиган нимтатир, майин ёруғлик бор эди. Рашид абзи курсида ёғоч оёғини соғ оёғи устига диккайтириб кўндаланг қўйганча, кўзларини ярим юмиб гармон чалар, ашула айтарди.

Ажаб, у хушчақчақ қўшиқ айтарди-ю, овози мунгли эди. Оқсоқолнинг келинлари «раҳмат» деганда ҳам кўзини очмади. Гармон нола қилаверди.. «Мини тошлаб қоя китти...» Рашид абзи яхши одам-ку, Розия нега унақа қилди! Нимага биров билан қочиб кетади? Хаёл суриб бораётган эканман, каллакланган тол тагидан ажралиб чиққан қоп-қора шарпани кўриб ўтакам ёрилаэзди.

– Ким у, опа? – дедим Фотима келиннинг пинжигига тиқилиб. Оқсоқолнинг келинлари ҳам тўхтаб қолишди. Бояги шарпа секин-секин яқин келди. Салом берди.

– Кечирасизлар, келинойи, – деди овози титраб. – Робияхонда бир оғиз...

Юрагим гурсиллаб урар, уй томонга югурай десам, оёғимда мадор йўқ эди. Чамаси Фотима ке-

лин ҳам эсанкираб қолган, нуқул, «ким у, Зўра, ҳой кимсиз?» дерди.

Зуҳра келин шаддод экан. Лип этиб, олдимни тўсдида, шарпага рўпара бўлди.

– Ҳа, сизмисиз, Очилбой! – деди кескин оҳангда.

– Мен... Келинойи.. – Шарпанинг овози яна титраб чиқди. Кечирасизлар...

– Нима гап, Очилбой! – Зуҳра келин унинг довдираб қолганидан дадилланиб дағдаға қилди. – Етти номус – бир ўлим! Бу нимаси ярим кечада, қиз боланинг йўлини тўсиб! Кўрганлар нима дейди?

– Узр, келинойи... – Очилбой талмовсираб қолди. Қўрқа-писа янаям яқин келди. Кўзойнаги йилтираб кетганини, ияги титраётганини кўрдим, – хафа бўлмайсизлар.. – У аввал Фотима-Зуҳра келинларга, кейин менга юзланиб қўлини кўксига қўйди. – Робияхон, шуни ўқиб кўрсангиз бўлди... Мен ёмон ниятдамас... – Шундай деб шимини чўнтагига қўл суқди-да, аллақандай қоғоз чиқарди. Хатни энди узатган эди, гурс-гурс қадам товуши эшитилди. Аллаким ҳаллослаб келганча Очилбойнинг қўлидаги хатга чанг солди. Бу шу қадар кутилмаганда бўлдики, анграйиб қолдим. Ўша заҳоти Кимсан акамнинг овози қоронғи осмонни зириллатди.

– Хўв, шапкўр! Пишириб қўйибдими сенга?! – У хатни бурда-бурда қилиб Очилбойнинг юзига улоқтирди. Бир парча қоғоз Очилбойнинг кўзойнагига илиниб қолди.

– Кимсанжон, укам... – Очилбой қўллари титраганча кўзойнагини ечди. – Синглингизга...

– Жон керак бўлса жўнаб қол!

Кимсан акам шундай важоҳат билан устига бостириб бордики, Очилбой беихтиёр орқага тисарилди.

– Укам... – деди қалтираб.

– Эшитдингми? – Кимсан акам ғазаб билан пишқирди. – Жон керак бўлса ту ёгингни шиқиллат!

– Укам...

– Мен сенинг укангмасман! – Кимсан акам тишларини гижирлатиб таъкидлади. – Тушундингми?

– Кимсанжон... – Очилбой шоша-пиша кўзойнагини қайтадан тақди. Қоронғида аянчли илжайди.

– Синглингизга...

– Синглиммас! – Кимсан акам ҳайқириб юборди.

– Синглингизга ёмонлигим...

– Яна гапиради-я! Кетасанми-йўқми? – Кимсан акам ҳовончадек муштини баланд кўтариб Очилбойга ташланган эди, Зухра келин биллагига осилди.

– Қўйинг. Уят бўлади!

– Узр. – Очилбой тисарила-тисарила зулмат қўйнига сингиб кетди.

– Ваҳмангиз қурсин, Кимсанжон! – Фотима келин энди тилга кирди. – Туф-туф... Яхшиям қорнимда болам йўқ, нақ Шокир акамдан балага қорлардингиз.

Кимсан акам, «бор-е, сенга нима керак», дегандек жаҳд билан қўл силтаган эди, опа-сингил келинлар шоша-пиша йўлга равона бўлишди.

– Қаёқда тентираб юрибсан ярим кечада?! – Кимсан акам юзимга чақчайиб қаради. Қоронғида кўзлари ёниб турарди. Вой-бў! Ювошгина Кимсан акамнинг жаҳди шунақа ёмонлигини билмаган эканман! Қизиқ, унинг дағдағаси ҳам ғашимга тегадигар, ҳам ёқар эди.

– Ўзим! – дедим бўш келмай. – Рашид абзининг мўрчасига боргандик. Ойимга айтганман.

– Э, ўша Рашид абзингни!.. – Кимсан акам ёш болани етаклагандек қўлимдан силтаб тортганча беш-олти қадам юрди-да, тўсатдан тўхтаб қолди.

– Робия! – деди кўзимга тикилиб, қўлимдан шунақа қаттиқ қисдики, додлаб юборай дедим. – Робия! Агар ўша шапкўр яна йўлингни тўсса...

– Қўйворинг! – дедим қўлимни силтаб. – Қочинг!
– Тилиб ташлайман! – Унинг овози титраб кетди. – Эшитиб қўй. Иккалангниям! – Бирдан қўллари бўшашиб бошини қуйи солди. – Робия! Тушунсанг-чи ахир, жинни! Менга кераксан! Билдингми, жудаям кераксан!

Юрагим гурсиллаб урганча уйга югуриб кетдим. Севинишням, хафа бўлишимниям билмасдим. Орқа томонда Кимсан акамнинг ҳайқириғи янгради:

– Робия!

Ҳовлига учиб кирдим. Яхшиям бобом йўқ, ойим молхонада сигирга қараётган экан. Анчагача ҳовлининг қоронғи бурчагига бориб ҳурпайиб турдим. Назаримда юрагимнинг уришини бутун дунё эштаётгандек эди. Ойим қўлида фонус билан молхонадан чиқди.

– Келдингми, қизим... Қаёқдасан? – деди аланглаб. – Сутли овқат устидан кўк сомса емагин дедим-ку.

Бирпасдан кейин Кимсан акам кириб келди. Айвон олдида рўпара бўлдик. Қип-қизариб терлаб кетибди.

– Овқат ейсизми? – дедим кўзига қарамай. – Ширгуруч қилувдик. Янги сигирнинг сутидан.

Кимсан акам галанска сигирни кўрган шекилли, энг катта янгиликка унча эътибор бермади. Ярқ этиб кўзимга қаради-да, илжайди:

– Обке, тош бўлсаям ейман!

– Суюнчи беринглар, болаларим! – деди ойим фонусни токчага қўя туриб. – Тофангни тўйи юришиб қолди. Насиб этса, майрам куни – никоҳ! – Азза-база хонтахта рўпарасига ўтириб қўл очди. – Илоё қўшгани билан қўша қарисин, ўзидан кўпайсин. Сенларгаям яхши жойлардан ато қилсин! Аввал синглингни тўйини қиламиз-да, ўғлим?

Зимдан разм солсам, Кимсан акам менга қараб ўтирибди.

– Таомилда қиз бола олдин узатилади, болам, – деди ойим билафонлик билан. – Синглингни тўйига сен бош бўласан, сенинг тўйингга Робия бош бўлади.

Кўнглим ғаш тортди. Лагани кўтариб ошхона томонга юраётганимда ойим мақтанди:

– Тоғанг бало экан, Кимсан. Келин бўлмиш Раънохон икки жаҳоннинг бири! Уч марта совчи бўлиб бордимү бари бир пишмайдиган савдо деб ўйлагандим. Шундоқ қиз Шомуродга тегишига ақлим етмовди. Йўқ, текстилда бирга ишлаб, юлдузи юлдузига тўғри келган экан. Қуда томон охири кўнди. Тўйга бормасаларинг бўлмайди, болаларим!

– Иккаласи бир-бирига кўнгил қўйган бўлса бўптида, – деди Кимсан акам катта одамлардек салмоқлаб. Зимдан менга қараб қўйди. – Ҳамма гап шунда, ойи!

...Ажаб, шу кеча дадам яна тушимга кирди. Кимсан акам иккаласи қулупнай териб юришганмиш... Дадам қулупнай териб нуқул Кимсан акамга узатармиш. Юзини аниқ кўрмасмишману яккаш кулармиш...

4. Тошкентдаги томоша

Шомурод тоғамнинг тўйига уч кун қолганда Кимсан акам ғалати гап топиб келди:

– Тоғамнинг тўйига бормаисан!

Ҳайрон қолдим.

– Вой нега? Хафа бўлмайдиларми?

– Жуда боргинг келса чалларга борасан. – Кимсан акам қувлик билан кўзини қисди. – Нима қилсанг қил, тўй куни бир баҳона топ. Бошим оғриятти, дейсанми, касалман, дейсанми, хуллас, у ёғини ўзинг келиштирасан.

– Сиз-чи? – дедим ўсмоқчилаб. Кимсан акам бир нима ўйлаб топганини кўнглим сезиб турарди.

– Мени қўявер! Бир кун олдин бориб, қозон қурар борми, базм борми ҳаммасини боплайман. Лекин сен никоҳга бормаيسان! Менам бормаيسان!

Ичимда Кимсан акамнинг гапига кўниб турсам ҳам, қайсарлик қилдим.

– Нега бормас эканман, бораман!

У буйруқ қилиб «ошириб юборганини» сездим.

– Робия... – деди ялиниб. – Хўп дегин, кейин хурсанд бўласан.

«Хўп» демадим бари бир айтганини қилдим. Эртага никоҳ деган куни даладан барвақт қайтдим. (Ҳамма қатори кетмончилик қилаётганимга уч йил бўлди. Аввал ойимга кўмаклашиб юрдим. Кейин ўзимга ҳам меҳнат куни ёзадиган бўлишди.) «Бошим оғриётганини» баҳона қилиб, аzza-баzza ётиб олдим.

Тўй ташвиши чиққанидан буён Кўтармага – Шомурод тоғамникига кунига уч мартадан қатнаётган ойим аҳволимни кўриб қўрқиб кетди.

– Вой, менгина ўлай, бу ташвиш ҳам бор эканми, – деб бошимда парвона бўлиб қолди. «Қизғалдоқ офтоб урган», деб қатиқ ичирди, «кўзиккансан», деб исириқ солди. Эрталабгача бари бир «тузалмадим».

Тонг отганда бобом билан ойим маслаҳат қилишди.

– Робия касал, ёлғиз ташлаб кетиб бўлмайди, – деди бобом. – Тўй нима, гат-фут этади, бир кунда ўтиб кетади. Қизингни соғлигини ўйла.

– Шўрим қурсин! Битгаю битта укамни тўйига бормасам, қандоқ бўлади?

– Биров сенга борма деяптими! – Бобом жаҳд билан тўнғиллади. – Ўтаканг ёрилмасин. Борамиз. Сенам, менам! Синглисидан Кимсан хабар олиб ту-

ради.Базмга борди – бўлди-да! Хотин-халаж ичида нима бор ҳўкиздай йигитга!

Бобом билан ойим ясаниб чиқиб кетган заҳоти Кимсан акам илжайиб кириб келди.

– Айтмадимми, зўр бўлади, деб. Тур, отлан!

– Қаёққа?

– Шаҳарга борамиз. Бугун байрам. Театрга тушамиз.

– Ойим келиб қолсалар-чи? – дедим хавотирланиб.

– Чалларни ўтказмагунча келмайдилар. Атлас кўйлагингни кий.

Шу бугун ўзимнинг ҳам роса «посон» бўлгим келарди. Холпош хола тикиб берган атлас кўйлагинни кийдим. Сочимни иккита қилиб ўриб, чамандагул дўппини бошимга илдим. Фақат ўсма кўйишга улгурмадим. Айвонда Кимсан акамнинг нуқул маъноли йўталаётганини эшитиб чиқсам, алақачон отланиб бўпти. Соқоли қиртишлаб олинган, эгнида оқ жужун кўйлак, оёғида хиром этик. Кўзлари мулойим кулиб турибди. Кўнглим бир қалқиб кетди. Кимсан акам шунчалик келишган йигитлигини энди пайқганимга ўзим ҳайрон қолдим.

– Робия... – деди у ялиниб... – Илтимос, сочингни чамбарак қилиб олгин.

– Вой, нимага? – Қайси куни Рашид абзининг ҳаммомида Зуҳра келин, «йигитлар сочи узун қизни яхши кўради», дегани эсимга тушди. Ерга тегай деб турган икки ўрим сочимга қарадим. – Ёмонми?

– Яхши-ку... Менга, чамбарак қилганинг ёқади...

Начора, айтганини қилдим.

...Тупроқ кўчалардан узоқ юрдик. Кимсан акамнинг хиром этиги, менинг фарчи «лодочкам» чанга беланди. Бироқ иккаламиз ҳам бунақа «майда-чуйда»ларга парво қиладиган аҳволда эмасдик. Осмонда баҳор қуёши эркаланиб жилмаяди. Кўча-

нинг икки бетидаги баргак чиқарган толлар ҳозиргина сочини ювиб, офтобда қуриётган қиздек таманно қилади. Қушлар ошиён қуриш ташвишида чуғурлайди. Йўл четида қип-қизил қизғалдоқлар гиламдек товланади. Кўклам шабадасида мастона бош чайқайди. Қизғалдоқлар орасида онда-сонда кўзга чалиниб қолаётган чучмомалар оламга мунис мўралаб қарайди. Ажаб, шу кўчалардан аввал ҳам ўтганмидим? Илгари ҳам кўклам бўлганмиди? Нимага шу гулларни аввал кўрмаган эканман? Бу дунё шунақа чиройлими? Офтоб шунақа майинми? Қизғалдоқлар шунақа кўпми?

Кимсан акам уч-тўрт қадам олдинда боряпти. Биламан, уям иккаламиз ёнма-ён юришимизни хоҳдаяптику, уялади. Одамлар ёмон-да! Дарров гап қилади. «Кап-катта ака-сингил қўл ушлашиб юрибди», дейди. «Ака-сингил?» Бир ҳафта аввал Кимсан акам Очил акага нима деди? Ўзиям капалаги учиб кетди Очил шўрликнинг! Кимсан акам ажаб қилди! Иккинчи йўлимни тўсмайдиган бўлди.

Ниҳоят трамвай айланадиган жойга келдик. Одам бирдан кўпайиб кетди. Хўрозқанд шимган болалар, газ-сув дўкони олдида навбат кутиб турган шляпали кишилар, писта чаққан олифта хотинлар.

Фиштин девор орқасида осмон бараваар мўридан тутун чиқиб ётибди.

– Текстил шу! – деди Кимсан акам тушунтириб.

– Эрталаб соат бешда гудок чаладиганми?

– Ҳа-а, топдинг! – Кимсан акам мўрига имо қилди. – Шомурод тоғам шу ерда ишлайди! Мастер!

Ҳайрон бўлдим.

– Вой-бў! Кўтармадан шу ёққа қатнайдиларми?

– Нима қипти! Дашни поездга ўтириб келаверади! Ие, ана трамвай! Чопдик! – Кимсан акам қўлимдан ушлаб, судраб кетди.

Трамвай тиқилинч эди. Ясан-тусан қилган йигитлар хохолаб кулади, қизларга гап отади. Кимсан акам қовоғини солиб, билагимдан ушлаб олди. Кафти қайноқ эди.

Жанггоҳ дегани ажабтовур боғ экан. Муסיқа тинимсиз гумбурлайди. Темир панжара тепасига «Яшасин Биринчи Май!» деган шиор, Сталиннинг сурати илинган.

Патта олиб, ичкарига кирдик. Йўлкаларга кизғиш қум сепилган. Карнай-сурнай, ноғора садолари қулоқни қоматга келтиради. Дорбозлар осмон-фалакда лангар чўпини саланглатиб ўйин кўрсатади. Полвонлар кураш тушади. Найзангул ўйнаётган лўттибозлар томошабинларни чорлайди. «Кеп қолинг! Томошанинг зўрига кеп қолинг!» Бир томонда дошқозон тўла ош. Бир томонда кабоб. Кимсан акам иккаламиз кабоб еб, «зилдирский» сув ичдик.

Театрга кирганимизда оқшом тушиб қолган эди. Эҳ-ҳе! Шунча духобани қаёқдан олишди экан. Оёқ остига чўғдек гилам ташлашган. Курсиларга қизил бахмал сирилган. Каттакон сахнани ҳам қип-қизил бахмал тўсиб турибди. Бўйи элик қулоч, эни қирқ қулоч келар.

Томошанинг охирида Офелия жинни бўлиб қолганини кўриб, қўрқиб кетдим. Икки қўллаб, Кимсан акамнинг билагидан чангаллаб олдим.

– Нега? – дедим титраб. – Бечоранинг айби йўқ-ку! Кимсан акам секин елкамдан қучди.

– Гамлетниям айби йўқ...

Театрдан йиғлаб чиқдим. Трамвайда текстилгача келдик. У ёғига пиёда кетдик. Кимсан акам тупроқ кўчада тап-тап қадам ташлаб олдинроқда боряпти. Эрталаб-ку, биров кўриб қолмасин деб қўрққан эди. Ҳозир қоронғи-ку! Нега ёнма-ён юрмайди! Қўрқоқ! Димоғимга олма гулининг ҳиди

урилади. Чигирткалар қўнғироқ чалади. Тўқай томонда бедана питпилдиқ отади. Кунботар уфқда тиллақошдек нозик ой ялтираб турибди. Янги ой... Ойим қизиқ: ҳар гал янги ой чиққанида ният қилади: «Илоё янаги шу кун, шу ойларга омон-эсон етайлик!» Келаси ой чиққунча нималар бўларкин? Биз ҳам омон-эсон етиб олайлик. Бобом, ойим, мен... Кимсан акам. Биргалашиб етайлик. Анави куни ойим нега унақа деди? «Аввал синглингни тўйини қиламиз, кейин сеникини...» Нимага энди? Ахир Кимсан акам ўша куни айтди-ку! «Сен менга кераксан, жинни», деди-ку!..

Баргак чиқарган тол панасига етганда Кимсан акам таққа тўхтаб қолди. Хаёл суриб келаётган эканман, тоғдек елкасига урилиб кетдим.

У шахт билан ўтирилди.

– Робия, – деди қўлимдан тутиб. Кафтининг қайноқ тафтидан билагим ёниб кетгандек бўлди. Қўлимни тортиб олмадим, тортиб олгим келмасди. Лекин дарров гапни бошқа ёққа бурдим.

– Нега унақа? Офелиянинг айби йўқ эди-ку.

– Офелиянгни қўя тур! – Кимсан акам кўзимга диққат билан тикилди. Унинг ёш бола эмас, катта, оғир-босиқ одам бўлиб қолганини яна бир марта ҳис этдим. – Анув куни ойим нима дегани эсингдами?

Ўзимни гўлликка солдим.

– Нима дедилар?

– Раъно опа билан Шомурод тоғамнинг юдузи юлдузига тўғри келган экан. Қуда томон рўйхушлик бермасаям бугун тўй бўляпти. Тўғрими?

Бундан чиқди, Кимса акам ҳам менинг хаёлимдагини ўйлаб келаётган экан! Қизиқ, ёнингдаги одам қўнглингдан ўтганини аниқ билса ғалати бўларкан. Кимсан акамнинг бақувват қўли билагимни қисиб туриши ёқар эди.

– Робия! – у билагимни баттар қисди. – Ростини айт. Очил ака нега хат берди сенга? Ё ўзинг ҳам...

Ҳа, гап бу ёқда экан-да! Мен нима дардда-ю, бу кишим. Алам қилиб кетди.

– Қўйворинг! – дедим юлқиниб. – Мен қаттан биламан!

– Робия! – Кимсан акам юзи юзимга теккудек яқин келди. Ҳам шиддат, ҳам ўтинч оҳангида сўради. – Тўғрисини гапир...

Тентак! Аҳмоқ! Кучим борича қўлимни силкитиб депсиндим.

– Қўйворинг! Тушини сувга айтсин ўша шапкўр! Керакмас! Ўзиям бошида қолсин, хатиям!

Кимсан акамнинг қўллари бўшашди.

– Рост-а, шу гапинг рост-а, Робия!

«Рост бўлмаса сен билан келармидим, ойимни алдаб «касал» бўлармидим!»

Ичимда шу хитоб янгради-ю, сиртимга чиқаришга юзим чидамади. Чопиб кетдим. Орқамдан Кимсан акамнинг югуриб келаётганини, ҳаллослаб нафас олишини сезиб турардим. Худди бир вақтлар дадамни олиб кетган машина кетидан югурганимда орқамдан чопгандек... Билмадим, эҳтимол ўшанда, заранг ерни муштлаб йиғлаганимда, «унақа қилмагин, Роби...» деб ялинганда суяниб қолгандирман унга... Тўғри, у пайтларда ёш бола эдик. Шундоқ бўлсаям...

Охири у менга етиб олди. Елкамга кафтини авайлаб босди.

– Робия! – деди ўтиниб. – Тушунгин ахир... Сен менга жудаям кераксан...

У ёғига секин кетдик. Янги ой нозик қошини чиририб маъноли жилмайиб турар, чигирткалар мастона нағма чалар, фақат олдинда Алвасти кўприк таҳдидди гувиллаб, кўнгилга гашлик солар эди.

Уйга келсак ҳеч ким йўқ. Ойим-ку, чалларни ўтказмай келмайди. Бобом ҳам тўйдан қайтмабди.

– Овқат қилайми? – дедим Кимсан акамнинг кўзига қарашга уялиб.

Кимсан акам жилмайди.

– Дам олсанг-чи, жиннивой.

У айвон ўртасида иккиланиб туриб қолди. Яна нимадир дейишини хоҳлардим. Айни пайтда гапиришидан қўрқар, андиша қилардим.

– Майли, бўлмаса... – У этигини ечиб уйга кириб кетди. Этигини четга олиб қўятуриб, пайтаваси терлаб кетганини билдим. Қарасам, айвон бурчагида қизил белбоғиям турибди.

Ошхонага кириб сув иситдим. Аввал қийиқчани, кейин пайтаваларни ювдим. Ҳаммасидан ёқимли бир ис – Кимсан акамнинг ҳиди келарди.

Кирларни дорга ила туриб хаёлимга ғалати ўй келди. Нимага бунақа бўлганини ўзим билмайман. Нами қуримаган қийиқчани юлқиб олдим уюгуриб уйга кирдим. Нариги хонадан Кимсан акамнинг хўрсингани эшитилди. Ҳозир кириб келадигандек эшигимни занжирлаб олдим. Еттинчи лампани токчага қўйиб, қутини титкилай-титкилай зангори ипак топдим. Тиззамга муздек уннаётган қийиқча бурчагига лотинча «К», «R» деган ҳарфларни тика бошладим. Мендан каштачи чиқмас экан. Ҳарфлар қинғир-қийшиқ бўлиб кетди. Шу арзимаган ишни битиргунча тонг бўзарди. Нам қийиқчани тиззамга қўйганча ухлаб қопман.

Эрталаб эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетдим.

– Робия! – деди Кимсан акам эшик орқасида туриб. – Мен кетдим.

Тентак! Деразадан келса-ку, очиқ турибди!

– Шошманг! – Қўлимда қийиқча билан учиб бориб эшикни очдим. – Чой ичмайсизми?

– Э, кеч қолдим. Далада ичарман.

– Тўхтанг бўлмаса! – Айвон бурчагида турган қутидан иккита нон олиб қийиқчага ўрай бошладим. Шошилгим келмас, Кимсан акам қийиқча четидаги ёзувни кўришини хоҳлардим. Ниҳоят у қизил қийиқча бурчагидаги зангори ҳарфларга кўзи тушиб яқин келди.

– Нима бу? – деди бошимга эгилиб.

– Қийиқчангиз! – ҳеч нимадан беҳабар одамдек тугунни узатдим. – Манг. Кир бўпкетган экан ювдим. Айтмоқчи, пайтавангиз дорда турибди. Қуригандир.

– Робия!.. – Кимсан акамнинг овози титраб кетди.

– Э, – қўлини елкадан олиб ташладим. – Қочинг. Сигир соғишим керак. Сутини тортиб қўйса, ойим уришадилар.

5. Уруш

Бизнинг томорқадаги чиллаки ҳамманикидан олдин чумак уради. Бошқаларники энди шўра чиқарганида бизники ранг олади. Бошқаларникига энди ранг кирганида бизники ғарқ пишади. Бу йил ҳам шунақа бўлди. Ойим Кимсан акам иккаламизга буюрди:

– Узумнинг пишган-пишганидан теринглар. Тоғанга олиб бораман. Келинимнинг оғзи тегсин.

Ойим «келиним-келиним» деганча бор. Чаллар куни Шомурод тоғамникига борганда Раъно келинойимни кўриб оғзим очилиб қолди. Оппоқ гижим рўмол ўраб, уч марта салом қилди-ю, шундоқ рўмолни очса... Тавба! Бунақа чиройли қизни умрим бино бўлиб кўрмаганман! Қаламда тортилгандек қошлари, ёниб турган қоп-қора хумор кўзлар, сутдай оппоқ юз, ингичка иягидаги митти холи, ан-

гишвонадек оғзи – ҳаммаси атайлаб чизиб қўйилган суратга ўхшайди. Ростини айтсам, қиз бола бўла туриб ўзимнинг ҳавасим келди. Раъно янгамни бир кўришда яхши кўриб қолдим. Шунинг учун ойим «келинимнинг оғзи тегсин» деганида Кимсан акам иккаламиз шоша-пиша томорқага югурдик. Энди узум узмоқчи бўлиб турган эдик, бобом билан Оқсоқол бува келиб қолишди. Оқсоқол узумларни кўриб бошини сарак-сарак қилди.

– Нима бало, Дума! Узумингни тагига кечаси билан олов ёқиб чиқасанми?

– Туф де, кўзинг тегади! – Бобом пакана гавдасини роз тутиб, кўксига муштлади. – Ким деб ўйла-япсан бизни! Йўлини билиш керак, йўлини.

– Билсанг айт мундоқ, пажалиста!

– Яна «пажалиста» дейди-я! – Бобом Оқсоқолнинг юзига сапчигудек чақчайди. – Минг марта айтганман шу гапингни ташла деб.

– Ие, кечирасан, Дума, оғзимдан чиқиб кетди, – деди Оқсоқол илжайиб.

– Э, оғзинг ўлсин!

Оқсоқол «пажалиста» деса бўлди, бобомнинг жини қўзийди.

Буни ўз тарихи бор: ойим айтиб берган.

Оқсоқол колхозга энди раис бўлган пайтлари бобом кечаси маккага сув тараб юриб, ухлаб қопти. Сув тошиб кетибди. Макканинг илдизидай мўрт нарса бўлмайди. Бирпасда алақанча макка таппа-таппа йиқилиб тушибди. Шу ишнинг устига Оқсоқол кепқопти-ю, бобомни сиқувга опти. «Нима бало, хотинингни қўйнига кириб кетдингми, ундоқ-бундоқ», дебди. Бобомнинг ҳам жаҳли ёмон эмасми, «оле сувчилигингни, шу ишни қилмасам очимдан ўламанми», дебди. «Сувчилик қилмасанг – пажалиста!» дебди Оқсоқол ўдағайлаб.

Бобом ўша кундан ишга чиқмай қўйибди. Орадан уч кун ўтибди, тўрт кун ўтибди. Бир ҳафтадан кейин Оқсоқол ялиниб кепти. «Ҳой, Дума, эсингни едингми, далада шунча иш турибди, чиллани хотиндай ялпайиб ётишга уялмайсанми», деса, бобом чийиллаб берибди: «Бор, ишингни қил, сен раис бўлган колхозда ишламайман!» Оқсоқол қараса иш чатоқ. Энг зўр деҳқон уйига кириб ётиб олган. Охири райкомни бошлаб кепти. Райком ҳам ялинибди. «Сиз энг тажрибали деҳқонсиз, Дума, – дебди. – Бунақа аразлаб ётиш сизга ярашмайди. Эртадан ишга чиқинг».

«Чиқмайман! – дебди бобом аламдан тутақиб, – хизматини қилиб-қилиб энди отим «пажалиста» бўлдимми?»

Райком негадир илжайиб қўйибди-да, Оқсоқолга сиёсат қила кетибди. «Ўзингиз пажалиста, Оқсоқол, ота-бувангиз пажалиста! Ака-укаларингиз пажалиста! Қўйинг, Дума, хафа бўлманг, сиз пажалистамассиз!» Бобом дарров ҳовридан тушибди. «Унақа деманг, ўртоқ райком, – дебди мурасага келиб. – Ота-бувасига тил тегизманг. Отаси, раҳматли яхши одам эди. Акасиям «пажалиста» бўлганмас.

«Майли, ўзим пажалистаман, – дебди Оқсоқол. – Бўлдимми, қутулдимми энди, овсар?» «Сенам пажалистамассан, ўша гапингни қайтиб олсанг бўлди». Бобом шундай дебди-да, кетмонни кўтариб далага чиқиб кетибди. Ўшандан бери Оқсоқол «пажалиста» деган гапни кам ишлатади. Айниқса, бобомга.

Ҳозир ҳам Оқсоқол бобомнинг жини тутиб кетганини билиб, дарров олдини олди.

– Билмасдан айтдим-да, ўртоқ, – деди илжайиб. – Аммо узуминг зўр бўпти. Баракасини берсин! Менгаям ўргат йўлини!

– Талаш деган нарсани биласанми? – Бобом Оқсоқолга ғолибона қаради. – Ҳар қандоқ мева

бўлмасин, ўрикми, узумми, нишона берганда но-
раста болаларга талаш қилдириш керак. Ўшалар
тўйганидан қолгани баракали бўлади. Менам бу
узумнинг биринчи ҳосилини болаларга талаш қил-
дирганман. Ўн саккиз йил бўлди, Кимсанам энди
туғилган эди.

– Сен-а? – Оқсоқол белкуракдай кафти билан
тиззасига уриб, маза қилиб кулди. – Томорқангни
устидан чуғурчуқ учиб ўтишга қўрқади-ку, зиқна.
Бошқа сиринг бор, айтавер!

– Айтайми! – Бобом Оқсоқолга қўлини чўзди. –
Носдан ол!

– Ўл-а! Нокас! – Оқсоқол инқилаб-синқилаб
шимининг чўнтагига қўл суқди. Нос тўла атир ши-
шани бобомга узатди. – Ма! Битта гапниям текин-
га айтмагин!

– Керакмас! Ўзимники бор! – Бобом узун кам-
зулининг чўнтагидан қизғиш носқовоғини чиқар-
ди. – Мендан тиланмагин деб атайлаб сўрадим. – У
кўзини қисиброқ илжайганча нос отди. – Ҳеч қа-
нақа сир-пир йўқ. – Бирпас ўйлаб турди-да, тўсат-
дан сўраб қолди: – Хонадонингда неча киши бор?
– Жавоб кутмай қалтабақай бармоқларини букиб
санаб кетди. – Сени ўзинг – бир. Чевар хотининг –
икки. Икки ўғил, икки келин, тўртта, ҳаммаси ол-
тита бўлдимми? Яна икки неваранг борми? Бўпти-
да! Ҳар биттаси ҳўкиздай келадиган Шокиринг
бор, Зокиринг бор, Потма-Зўра келининг бор. Қиш
чилласида ўшаларни ишга сол. Ҳожатхонанинг
кесагини ташитасан... Токнинг тагини одам бўйи
кавлайсан.

– Э, шунинг учун қачон қараса, кесак титкилаб
юраркансан-да. – Оқсоқол бир ғужум узумни оғзи-
га солиб кулимсиради. – Бўлди, тушундим!

– Сенга нима! Единг-ку, қалай маззаси ширин
эканми? – Бобом хихилаб кулди. – Кесакни қув-

вати жа зўр бўлади, Оқсоқол. Сенга ўргатавуриб ўзимга қолмади.

– Қўйсанг-чи! – Оқсоқол қўл силтади. – Бунақа ишларни ўзимам биламан. Локин ҳайронман, бу йил менинг узумимга кул тушди.

– Ҳовлининг деворини баланд, томорқаникини паст ол деган ҳикмат бор. Эшитганмисан? Эшитмагансан! – Бобом билағонлик билан томоғини тақиллатган эди, ичига нос кетди шекилли, кўзи ола-кула бўлиб ўқчиди. – Э, ўла, – деди тупуриб. – Ишқомингдан шамол ўтиб турсин, каллаварам. Бўлмаса кул тушаверади.

Икки ўртоқ ҳангамалашиб пастак эшикдан ҳовлига кириб кетишди.

– Юринг, – дедим Кимсан акамни қистаб. – Тезроқ узайлик. Ойим кеч қолмасинлар.

Ишқом оралаб кетдик. Қуёш қиздиради, ток япроқлари унсиз тебранади. Офтоб нуруни эмиб, қизарган узум бошлари солланиб турибди. Аллақарда ғуррак ғуриллайди.

Кимсан акам қорайган узум бошлари ғуж бўлиб турган ток оддига келиб тўхтади. Осилиб, бағазга чиқди. Залваридан ишқомнинг нариги бошигача лопиллаб кетди.

– Буюрсинлар! – деди бир оёқда бағазга осилиб. – Қайси бирини узай? Мана шуними? – У тузук-қуруқ қизармаган узум бошига қўл чўзди.

– Э, хом-ку, униси! Тепасидагисини узинг! – дедим саватни биқинимга тираганча яқин келиб.

– Буними? – Кимсан акам ундан ҳам хомроқ бошини кўрсатди. – Шунисиними?

– Йўқ, ана, тагида турибди-ку?

– Ҳа, мана буними? – У яна «жиннилик» қилишга тушди. – Ҳозир узамиз-да!

Кула-кула дашном бердим.

– Йўқ, ана-ку, пешонангизга тегиб турибди!

– Э, мана буними? – У бутунлай кўм-кўк узум бошига қўл чўзди. – Мана шуни-я!

– Ие, жиннимисиз! Унимас, қорайиб тургани бор-ку! Нима бало, хом узумни пишганидан ажратолмайсизми?

Кимсан акам ниҳоят фарқ пишган чиллакини «топди». Бир донасини узиб, оғзига солди.

– Оҳ-оҳ-оҳ, шунақанги ширинки, есанг лабинг лабингга ёпишиб қолади, Робия!

– Бўлинг! – Турган жойимда оёқ депсиб қистадим. – Ойим шошяптилар.

Кимсан акам тезроқ ишлаш ўрнига баттар тегажаклик қила бошлади:

– Вой-бў! Бунақа ширин узумни умримда емаганман. Асал-а, асал! Ишонмасанг ялаб кўр... Лабинг ёпишиб қолса, ўзим ажратиб оламан.

– Э-э! Ойим уришиб берадилар, инсон! Қоронғида Алвасти кўприқдан қандоқ ўтадилар? Ўзингиз обориб қўясизми?

– Сенам борсанг, обориб қўяман! – Кимсан акам илжайиб чиллакини узатди. – Қани, оч саватингни!

Сават яримлаб қолганида томорқанинг пастак эшиги ғийқиллади. Бобомнинг йўталгани эшитилди. Кимсан акам иккалаамиз дарров сипо бўлиб қолдик.

Секин қарасам, бобомга эргашиб ойим ҳам пилдираб келяпти. Бобом ишимизни бир зум томоша қилиб турдида, Кимсан акамга буюрди:

– Туш...

– Нега, бобожон? – дедим қўлимдаги саватга имо қилиб. – Ҳали тўлгани йўқ-ку!

Кимсан акам дорбозлардек бир оёқлаб бағазга осилган қўйи биз томонга юзланди. Ойим тескари қараб, кафти билан юзини тўсганча ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

– Уруш бошланибди! – деди бобом синиқ оҳангда. – Юртимизга немис бостириб кирибди.

Ҳиқиллаб йиғлаётган ойим тўсатдан овозини баралла қўйиб юборди.

– Вой шўре-ем! Бу бало қаёқда турган экан. Шўргинам қурсин!

– Саннама-э! – Бобом ўшқириб берди. – Ўчир!

Ҳайрон бўлиб ойимга қарадим. Нега йиғлайди? Уруш бошланса нима бўпти? Ўзи анчадан буён «уруш-уруш» деган гаплар юрарди-ку!

Кимсан акам ерга сакраб тушди. Қуриган кесакка қоқилиб, мункиб кетди. Ранги қув ўчиб, энтикиб нафас олаётганини сездим. У аввал менга, кейин ойим билан бобомга қаради. Юзига қон тепиб, бўғриқди. Кўйлагининг қайрилган энгини тушириб индамай кетаётган эди, ойим кўзлари олайиб йўлини тўсди.

– Қаёққа?

– Ойи! – Кимсан акам нажот кутгандек бобомга қаради. – Бормасам бўлмайди.

– Нима?! – Ойим қоп-қора, қалин лаблари титраб, Кимсан акамни қучоқлаб олди. – Бормайсан! Тилаб-тилаб олган боламни ажалнинг оғзига юбормайман! – Кейинги сўзлар унинг кўксидан нидо бўлиб чиқди.

Шундагина рўй берган воқеанинг даҳшатини бирдан ҳис этдимۇ эгим сесканиб кетди.

– Йўқ! Йў-ўқ! – Ойим чўккалаб қолди. Кимсан акамнинг оёғини қўшқўллаб чангаллади. – Кетмайсан!

– Дада! – Кимсан акам ойимнинг қўлларидан оёғини тортиб олишга уринаркан, бобомга қаради.

– Ўчирсанг-чи, аҳмоқ хотин! – Бобом олмадек муштини дўлайтириб дашном берди. – Биров болангни обориб тўпининг оғзига тиқяптими!

Ойим бари бир Кимсан акамни қўйиб юбормади.

– Йўқ! – деди ёш тўла кўзларида илтижо билан. – Борма, жон болам!

Бир чеккада карахт бўлиб турардим. Нимадир биқинимга қаттиқ ботаётганини энди сездим. Қарасам, ярим сават узум. Нима кераги бор? Кимсан акам кетса... Узум егандан кўра заҳар еганимиз яхшимасми? Беҳуш бир алпозда саватни ерга қўйдим.

Зор қақшаб йиғлашидан эриди шекилли, бобом Кимсан акамнинг оёғидан қучоқлаб мук тушиб ўтирган ойимнинг бошига эгилди.

– Онаси, – деди секин. – Юртга келган тўй... Ҳамма урушга борса-ю, Кимсан тошбақадек бошини ичига тортиб ўтирса ярашадими? Ўз қулоғим билан эшитдим-ку, уруш нари борса, бир-икки ойда битаркан. У ёғини сўрасанг, ҳеч ким ўғлингни олдига солиб обкетаман деётгани йўқ.

Кимсан акам ойимнинг қўлидан сирғалиб чиқди-да, эшик томон физиллади... Шу кетганича эртасига пешиндан кейин қайтди. Бобом далада, мен супа олдида ўтириб, кир юваётган эдим. Икки кўзи эшикка термилиб ўтирган ойим чопиб бориб, Кимсан акамни қучоқлади.

– Нима бўлди? – деди чирқиллаб. – Тезроқ гапирсанг-чи?

Кимсан акам негадир кўзини ойимдан олиб қочди.

– Керак бўлса ўзимиз чақирамиз дейишди.

– Вой Худога шукур-а! – Ойим палакати ариган одамдек юзи ёришиб кетди. – Майли, болам, шошма. Айтибди-ку, керак бўлса ўзлари чақиради. Ажабмас, унгача уруш битиб қолса...

Бир пиёла чойдан кейин ойим йўлга отланиб қолди. Кечаги саватга бошқатдан узум уздирди.

– Тоғангдан хабар олай энди, – деди куйманиб. – Ким билсин, ҳали уям урушга отланиб қолдимикин, гулдек хотинини қон қақшатиб...

Ҳовлида Кимсан акам икковимиз қолдик. Нуқул рўпарасида сўппайиб туришдан уялиб, кир ёйиш баҳонасида супа томонга кетаётган эдим, Кимсан акам қўли билан имо қилди:

– Ўтир, Робия... Гап бор.

Сўз оҳангиданоқ ҳаммасини тушундим. Юрагим шув этиб кетди. У мендан олдин айвон пешига бориб ўтирди. Кўзларида чуқур, ўйчан маъно бор эди. Офтобда қорайган юзига тер тепчиб чиққан, лаблари қимтилган. Бир кунда янаям улғайиб қолгандек...

– Нима бўлди? – дедим юрагим зирилаб.

У индамади. Негадир жилмайиб қўйди. Орага юракни сирқиратувчи сукунат чўкди. Аллақаерда қовоғари гўнғиллади. Молхонада галанска сигир хомуш пишқириб қўйди. Кунбўйи оламини қиздиравериб ўзи ҳам ҳансираб қолган қуёшнинг лоҳас нурлари этакдаги терак шохлари учида ловуллаб ўчди.

Кимсан акам илкис бош кўтариб, кўзимга қаттиқ тикилди.

– Кутасан-а! – Шундай деди-ю, ҳамиша ювош, ўйчан боқадиган кўзларида олов ярқ этди. – Сен кутсанг, мен тезроқ келаман. Жанг қилишим осон бўлади. Робия...

– Кетадиган бўлдингизми? – дедим овозим титраб.

– Йўқ, аввал сен айт. Кутасанми? Ростингни айт. Ўкраб йиғлаб юбордим.

– Нега кутмас эканман? Сиздан бошқа кимим бор!– дедим кафтим билан юзимни тўсиб. – Кимсан ака. Ахир мен... сиз...

Ўпкамни босиб ололмас, бир ёқларга қочиб кетгим келарди. Шу топда Кимсан акам мени эркалашини, юзларимни силашини хоҳлардим.

Бир маҳал у секин қўлимни силади. Кафтимни тушириб юзимни юзимга теккизгудек яқин келди. Ундан офтоб ҳиди, ер еси, кейин... одамнинг юрагини ўйнатиб юборадиган аллақандай ёқимли бўй таралар, кўзлари маънос кулиб турарди.

– Нима қилай, – дедим жиққа ёш тўла кўзларимни кўзига қадаб. – Онт ичайми! Нон урсин! Кутмасам, нон кўр қилсин, Кимсан ака!

У титраб кетди. Бошимни оҳиста силади. «Нега ўпмайсан, тентак! Ўпсанг-чи, бағрингга боссанг-чи!» Билмадим, қўрқдим, уялдими, қадоқ босган йўғон бошмалдоғи билан юзимга оқиб тушган ёшни артди.

– Онт ичма, Робия! – деди овози қалтираб. – Биламан-ку, сени! Бир оғиз гапинг кифоя.

У яна жимиб қолди. Мен бўлсам, Кимсан акамнинг бақувват, қадоқ босган қайноқ кафтига юзимни умрбод босиб ўтиришни, унинг тўхтовсиз гапиришини, аллақандай сирли нарсаларни айтишини хоҳлардим. Кўзимни юмиб олдим.

– Робия! – деди у бир маҳал. – Менга қийиқча тикиб қўясан-а?

Бошимни кўтариб қарасам, кулиб турибди.

– Ҳов анавиндагига ўхшаб, четига отимизни ёзиб қўясан-а! Иккаламининг отимизни...

Яна йиғлаб юбордим.

– Йиғлоқ! – деди у ёш болани овутгандек, бурнимни беозор чимчилаб. Шимининг чўнтагига қўл суқиб ярим варақ қоғозни хонтахтага, чала ейилган узум ғужумлари ёнига ташлади. – Бир ҳафтадан кейин жўнайдиган бўлдим. Военкоматдагилар ҳозирча Ўзбекистондан урушга олиш бошлангани йўқ, дейишди. Ойимга айтмай қўя қол. Ўзим тунтираман.

Кимсан акам ҳам қизиқ. Нимага шунча шошилинч? Керак пайтида ўзлари чақир шарди-ку!

Кимсан акам кўнглимдан ўтаётганини сезди.

– Робия! – деди менга эмас, пахсадевор тагида патирлашиб чўқишаётган мусичаларга қараб. – Шунақа қилиш керак, Робия! Уруш кетяпти.

Ойим қоронғи тушганда келди. Тоғам ҳам военкоматга югурмоқчи экан, Раъно янгам қўймабди. Ойим тоғамни узиб-узиб олибди. «Подадан олдин чанг кўтарма, ғунчадай хотинингни ташлаб уруш қилишни ким қўйибди сенга, – дебди. – Мана жиянинг ҳам ҳовлиқиб бориб, бўшашиб қайтди, керак пайтида ўзлари топиб олармиш», дебди.

Ойим гапиряпти-ю, менинг кўзларим Кимсан акамда...

Йиғлаганимни сездирмаслик учун молхонага кириб кетдим.

* * *

Якшанба куни ҳовлимиз одамга тўлди.

Унча-мунча колхозчи чарлаб чақирса бормайдиган, дўписи ерга тушиб кетса, бировга пул бериб олдирадиган Умар закунчи ҳам пешонасига мунчоқ тақилган жийрон отини гижинглатиб келди. Бобом қўй сўйди... Рашид абзи одатдаги юмштини қилиб, самовар қайнатишга тушди. Маҳалла қозонида ош дамланди...

Ойим дод солиб, оламни бузиб юборса керак, деб қўрққан эдим. Қизиқ, йиғламади ҳам, ақл-ҳуштини йўқотмадиям. Иккаламиз Кимсан акамга атаб патир ёпдик, бўғирсоқ пиширдик. Бошига янги дўппи, эгнига жужун қўйлак, шим кийиб олган Кимсан акам икки юзи қип-қизариб дам-бадам ёнимизга келади. (Ҳали улфатлари билан уйга кириб бобомдан бекитиқча Рашид абзининг мусалласидан ичаётганини кўрувдим.) Нуқул ҳазил қилади. «Ойи, тўй юборяписизми, нонингиз бунча

кўп? Ие, Робиянинг пазанда бўпкетганини қаранг, ойи! Шундоқ қизни қўлдан чиқариб бўладими?»

Ойим унинг қочирғини тушунмайди.

– Сенинг синглинг бўлади-ю, пазанда бўлмайди-ми? – дейди кулиб.

Ажаб, одам йиғлаб юборишдан қўрқиб кулса галати бўларкан. Хизмат қилиб юрибману нуқул Кимсан акамга термилиб қарайман. Ана, жўралари билан айвонда чордана қуриб ўтириб ош еяпти.

– Робия! – Шундоқ ёнбошимда дўриллаган овоздан чўчиб тушдим. Қарасам, ҳар елкасига иккитадан йигит ўтирса бемалол кўтарадиган, кесилган жигардек қалин лабида мўйлов ўсган Парча опа девор тагида ёўладек оёқларини чўзиб бир лаган ошни тиззасига қўйиб уряпти.

– Роби! Бир қошиқ сувминан ютадиган оканг бор-де! – деди ошни гуваладек думалоқлаб оғзига тикаркан. – Совчи қўйса тегардим!

«Вой кўнглингга қўтир жомашов. Кимсан акам ўзимгаям керак!..»

Энсам қотиб бурилиб кетаётсам, шолча ташланган супада буғалтир Соли сўпоқ билан ўтирган Умар закунчи ўрнидан туриб, қўлини баланд кўтарди.

– Ҳурматли колхозчилар! – деди жарангдор овозда. – Бир минут диққат...

Ҳовлида ғовур-ғовур қилаётганлар секин-аста тинчиб қолишди.

– Ўртоқлар! – «Қовун сўйса бўладиган» даражада силлиқ дазмолланган шим кийган Закунчи ўртага чиқди.

– Ўртоқ колхозчилар! Ватанимиз бошига оғир синов тушди. Қаҳрамон совет жангчилари немис-фашист босқинчиларига қарши шиддатли жанг олиб бормоқда! – У кўрсаткич бармоғи би-

лан ингичка, чиройли мўйловини силаб қўйди. Ҳажонланиб давом этди. – Фронтга добровольний отланганлар орасида бизнинг колхоз аъзоси, стахановчи кетмончимиз Кимсан Ҳусанов ҳам борлигидан фахрланамиз! Бу ёққа кел, укам!

Кимсан акам қўлини сочиққа артиб, айвондан тушди. Хижолатдан юзлари ловуллаб супа олдига келди.

– Раҳмат, укам! – Зақунчи унинг елкасига қоқди. – Душманга омонлик берма! – Охирги гапини, айниқса, жарангдор овозда айтди. – Фашист босқинчиларига ўлим! Яшасин ўртоқ Сталин!

Гардиши кенг шляпа, оқ кител кийган Соли сўпоқ дўмбоқ қўллари билан қарсак чалди. Чекка-чеккадан маъқулловчи хитоблар эшитилди.

Умар зақунчи жойига ўтиргандан кейин Кимсан акам нима қилишини билмай эсанкираб турди-да, одамлар орасидан ўтиб, айвонга йўналди. Шу пайт гулзор томондан Оқсоқолнинг йўғон овози эшитилди.

– Шошма, болам! – У катта-катта қадамлар билан яқин келиб Кимсан акамнинг елкасига кафтини қўйди. – Бир нарсани айтиб қўяй. Уруш деган палакат – ўйин эмас. Буни ҳеч ким билмаса ҳам Дума билан мен биламиз. Душманни аяма, аммо ўзингниям эҳтиёт қил. – Оқсоқол Кимсан акамнинг пешонасидан ўпди. – Баракалла, болам! Ҳақиқий ота ўғил экансан. Белида белбоғи бор йигит экансан! Қани халойиқ! – У одамларга юзланиб ҳайқирди. – Юртимизга қасд қилганлар паст бўлсин, ер билан яксон бўлсин! Кимсанбой ой бориб – омон келсин!

Ҳовлини тўлдирган одамлар баравар оёққа қалқди.

Кимсан акам бир йўла шунча мақтовни умрида энди эшитаётгани учунми, ўзини қаёққа қўйишини

билмас, шолғомдек қизариб, гоҳ ерга қарар, гоҳ да-
рахтларнинг учини томоша қилар, нуқул шимининг
чўнтагига қўлини суқиб атрофга аланлар, чамаси
бунақа «азоб»дан тезроқ қутулишни ўйлар эди.

– Ҳусанбой! – Оқсоқол кафтини оғзига карнай
қилиб бақирди. – Қаёқдасан, Дума?!

Одамлар тўдасидан бобом чиқиб келди.

– Обке! – деди Оқсоқол.

Аллақаёқдан ойим пайдо бўлди.

– Чоп, қизим! – деди шивирлаб. – Патирни об-
чиқ!

Оёғимни қўлга олиб бостирмага югурдим. Ҳали
тандирдан узаётганимизда ойим сингиб пишган,
юзига седана сепилган каттакон патирни қўлимга
тутқазиб, буюрган эди: «Тайинли жойга бекитиб
қўй, сўраганимда обкеласан!»

Бостирмага учиб кирдим у эски сандиқ усти-
даги дастурхонга ўралган патирни олдим. Па-
тир ҳали иссиқ эди... Дастурхон қатини очишим
билан димоғимга офтоб, буғдой, ер ҳиди урил-
ди. Худди Кимсан акамнинг юзидан анқиб ту-
радиган исга ўхшаш бўй... Одамлар орасидан
ўтиб келиб, нонни бобомга бердим. Бобом худди
чақалоқ болани авайлаб кўтаргандек икки қўл-
лаб кўксига босганча супа олдига олиб борди-да,
Оқсоқолга узатди.

Оқсоқол патирни боши устида баланд кўтарди.

– Халойиқ! – деди овози титраб. – Дунёда нондан
табаррук нарса йўқ! Нондан юз ўгирган имондан
юз ўгиради. Ке, ўғлим, тишла! – У патирнинг икки
четидан тутиб турди. Кимсан акам хиёл эгилиб бир
чеккасини тишлади. – Баракалла, – деди Оқсоқол.
– Туз-насибанг узилмасин! Илоҳи омин!

У бир чеккаси тишланган патирни бобомга узат-
ди, бобом ойимга, ойим менга... Мен шоша-пи-

ша уйга кирдим-да, патирни тахмондаги кўрпаклар орасига яширдим.

* * *

Тонг қоронғисида йўлга тушдик. Бобом Умар зақунчининг улов жўнатишини кутмасдан ўзининг эшак аравасини тахт қилди. Аравада Кимсан акамнинг қопи, қопнинг боғичидан ушлаб ойим ўтирибди. Араванинг бир томонида Оқсоқол, иккинчи томонида бобом тупроқ кечиб кетяпти. Кимсан акам иккаламиз орқароқда боряпмиз. Бобом халачўп билан эшакнинг биқинига нуқиб «хих-хих»лайди. Эшак дик-дик қадам босади. Саҳар салқинида совуган тупроқ ҳиди ёқади шекилли, «хирқ-хирқ» қилиб қўяди. ўилдираклар овозсиз шириллади. Чанг кўтарилади. Шом еган ой ғариб мўлтирайди. Гоҳ Кимсан акамга, гоҳ ойимга қарайман. Фира-ширада Кимсан акамнинг юзини аниқ кўрмайман. Лекин атрофни томоша қилиб бораётганини пайқайман. Назаримда у негадир жиламаяётганга ўхшайди. Ойим икки букилиб олган. Худди қоп-қора тошдан ясалган ҳайкалдек...

Алвасти кўприкдан ўтаётганимизда қоронғи ўпқонда илондек вишиллаётган сувга қараб, ваҳимим келди. Назаримда бутун дунёнинг фалокати шу ерга тўланиб «базм» қураётгандек, атиги бир ҳафта олдин ўйнаб-кулиб юрган одамлар бутун маъюс тортиб қолганидан шодланиб мазах қилаётгандек бўлиб кетди.

Оқсоқолнинг юраги сиқилди шекилли, Алвасти кўприк шовқинини босиб шанғиллади.

– Кеча Хирмонтета томонга ўтгандим. Буғдой жонивор бошоғини тўкаман деб турибди. Зақунчига айтсам ҳали вақт бор, раҳбарларнинг ишига аралашманг, деб сўкиб берди.

– Э, раҳбар бўлган отасини гўрига! – Бобом хуноб бўлиб ҳайқирди. – Бу йил ёз эрта келди, ўроққа тушмасак бўлмайди.

Боядан бери индамай кетаётган Кимсан акам бирдан жонланиб кетди.

– Тушаверинглар, дада! У-бу деб закунчилик қилса айтинглар, ҳеч ким уйига ортиб кетаётгани йўқ-ку, денглар. Ҳарна вақтлироқ йиғиштириб олганларинг.

Шу баҳона гап гапга уланди. Ҳосилни тезроқ йиғиб олиш, кечки маккани вақтида экиш... Хуллас, гангир-гунгур суҳбат бошланди.

Эшак қадамига қараб, манзилга етиб боргунимизча кун ёйилди.

Анча йил илгари дадам билан Тошкентга келганимизда кўрган вокзалим ғира-шира ёдимда эди. Ўша гиштин бино. Ўша зиналар. Аммо унда одам бунақа қалин эмасди. Ҳозир ҳамма ёқ бозорга ўхшаб кетибди. Қоп орқалаганлар, жомадон кўтарганлар, ёқасига белги тақилган ҳарбийлар... Одамдан от-улов кўп. Қоп-қора «эмка» машиналари, «полуторка»лар, от арава, эшак арава. Ҳатто оғзидан кўпиги осилиб, пастки жағини у ёқ бу ёққа қийшайтирганча кавш қайтараётган туягача бор.

Кимсан акам «мен ҳозир» деди-ю, қизғиш гиштин бино эшиги олдида турган одамларни туртиб-суртиб ичкари шўнғиди. Бир соатчадан кейин қайтиб чиқди.

Қоп орқалаган бобом, унинг кетидан тугунни маҳкам ушлаганча мен, билагимга ёпишган ойим. Энг охирида қаддини ғоз тутган Оқсоқол «пўшт-пўштлаб» перрон томон юрдик. Кимсан акам бу ерда ҳам «ҳозир келаман» деганча узоқ йўқ бўлиб кетди.

Ҳаво эргалабдан қизиб кетган. Вокзал биноси олдида поезд тўхтаб турибди. Аскарларни таший-

диган «қизил шалон» шу эканини тушундим. Тахта вагонлар дарвозадек кенг эшигини очиб турибди. Дереза йўқ. Ўрнида патнисдек туйнук. Музика янграйди, ора-чора «гум-гум», «вош-вош» деган товуш эшитилади. Аллақаждан гармон овози қулоққа чалинади. Узоқроқда чилдирма бака-банг қилади. Кимдир йиғлайди, кимдир кулади. Каттакон осма соатнинг миллари ўндан йигирма дақиқа ўтганини кўрсатиб турибди.

Шундоқ соат тагида сочи калта қирқилган, лабини қизилга бўяган рус аёл папирос чекаётган мўйловли кишини қайта-қайта ўпади.

– Саша, Сашенька, – дейди. Дам-бадам сумкачасини очиб рўмолча чиқаради, кўз ёшини артади.

Эркак негадир кулади.

– Жди, – дейди қизил бўёқ юққан юзини артиб. – До победў!

Бир маҳал Кимсан акам ҳаллослаб келиб қолди. Худди шу пайт «По-ваго-нам!» деган асабий қичқириқ янгради. Йиғи-сиғи, куй, кулги – ҳаммаси аралашиб кетди.

Кимсан акам аввал ойимни қучоқлади. Қизиқ, ойим шундаям йиғламади. Фақат энтикиб нафас олаётганини сездим.

– Болам, жон болам, ўзингни эҳтиёт қил... Хўпми, жон болам. Тушундинг-а! Оллога топширдим...

Кимсан акам унинг қучоғидан чиқишга уринар, аммо ойим қўйиб юборгиси келмас эди.

– Хавотир олманг, ойи! – деди у шоша-пиша. – Нариси билан уч ойда келаман. Мана кўрарсиз. Гирмонни бошини янчиб келамиз!

– Иссиқроқ кийиниб юр, болам! – Ойим Кимсан акамнинг у юзидан-бу юзидан ўпаркан тайинлади. – Қопда аччиқтош бор, томоғинг оғриси ғарғара қилгин, хўпми?

Қарасам, Кимсан акам ойимга юзини тутиб бер-
япти-ю икки кўзи менда. Кулмоқчи бўлади, аммо
лаблари аянчли титрайди. Амаллаб ойимнинг қу-
чоғидан чиқиши билан дадам икки елкасига осиб
пешонасидан ўпди.

– Ой бориб, омон кел, ўғлим! – деди бўғиқ овозда.

Яна ўша асабий ҳайқирик янгради.

– По ваго-о-о-нам!

Кимсан акам бобом билан хайрлашаётганида
ҳам икки кўзини мандан узмади, шу топда Оқ-
соқолниям ёмон кўриб кетдим. Кимсан акамни
қучоқлаб олди. Ҳадеганда бўшата қолмайди.

Асабий ҳайқирик бу сафар таҳдидли жаранглади.

– По ваго-о-о-нам!

Кимсан акам ниҳоят ёнимга келди. Терлаб кет-
ган, энтикиб нафас оляпти. Кўзи кулиб турибди-ю,
лаблари титрайди.

Беш-олти қадам нарида турган бобом билан
ойим томонга ўғринча қараб олди-да, қўлини чўз-
ди. Кафтимни маҳкам қисиб шивирлади:

– Қутасан-а?

– Кимсан ака... Кимсан ака! – Кўзимдан тирқи-
раб ёш чиқиб кетди.

Вагонлар шиддатли тарақлади. Бир маҳал
ўзимга келсам, Кимсан акам елкасида қоп, бир қў-
лида тугун билан поезд ёнида чопиб кетяпти. Ва-
гонлардан бирининг очиқ эшигидан беш-олти қўл
баравар чўзилиб Кимсан акамни қоп-мопи билан
ичкарига тортиб олди.

Ҳамма ёқ қий-чув бўлиб кетди.

– Худога топширдим, болам!

– Тезроқ келинг, дадаси.

– Хайр, адажон!

– Бегим, хат ёзинг, бегим!

– Тугсам отини нима қўяй?

– Худо паноҳида асрасин, ўғлим! Бошинг тошдан бўлсин!

Бу – бобомнинг хитоби эканини кейин пайқадим. Ниҳоят охирги вагон ҳам тарақ-туруқ қилиб ўтиб кетди. Сўнгги вагон, шапка кийган, найзали милтиқ кўтарган ҳарбий киши... Олислаб бораётган паровоз нола чеккандек чўзиб гудок чалди. Йиғи-сиғи бир авжигача чиқди-ю, кейин сукунат чўкди.

Муסיқа тинди. Чилдирманинг бака-банги ўчди. Гармон ҳам нола чекмай қўйди. Қизиган темир иси, машина мойининг ҳиди гупиллаб кетди. Қарасам соат тагида турган бояги рус хотин темир симёғочга беҳол суянганча ҳиқиллаб йиғлаяпти.

– Саша! Сашенька!

– Сув! Сув опке!

Бобомнинг хавотирли хитобидан сесканиб тушдим. Ойим шундоқ ерга ўтириб қолган, ранги қув ўчиб, рўмоли елкасига сирғалиб тушган, кўзи юмуқ эди. Икки чаккасидаги сочи оқариб кетганини энди сездим. Наҳотки, бир кечада?..

Бобом ойимнинг билагидан тутганча нуқул бир гапни қайтариб, ялинар эди.

– Кўзингни оч, онаси, кўзингни оч...

Оқсоқол белбоғини шоша-пиша ечиб, ойимни елпишга тушди. Менга қараб ўшқирди.

– Сув обкелсанг-чи, Робия!

Дуч келган томонга югурдим. ўадир-будур фишт қопланган майдондан ўтиб борарканман, қоқилиб ўмбалоқ ошиб кетдим. Чап тирсагим сирқираб, кўнглим беҳузур бўлди. Аммо сакраб туриб яна югурдим. Рўпарамдан чиқиб қолган қора шапкали одамдан сўрадим.

– Сув? Сув борми?

Шапкали киши қўли билан поезд кетган томонга имо қилди.

Эллик қадамча нарида тумшуғи эгик қувурдан шариллаб сув оқиб ётарди. Ҳовучимга сув тўлдириб, орқага қараб чопдим. Етиб келгунимча кафтларим орасидан оқиб, нарисидан билан икки қултум қолди. Бобом ҳамон типирчилар, ойим ранги бўздай оқарганча кўзи юмуқ, бошини бир томонга ташлаб ўтирар, бобом елкасидан тутиб турмаса, гурсиллаб йиқилиши аниқ эди.

Ҳовучимдаги сувни ойимнинг юзига сепдим.

Ойим бир сесканди, аммо кўзини очмади.

– Ўғли-м! – деди ожиз инграб. Кўзларидан икки томчи заҳардек аччиқ ёш сизиб чиқди-да, кўкариб кетган юзидан оқиб, лабининг четида туриб қолди. Кечадан буён бутун бардошини тўплаб, Кимсан акамнинг олдида йиғламагани ҳаққи ичида уммон бўлиб ётган алам энди шу икки томчига айланиб тошиб чиққанини ҳис этдимую юрагим санчиб кетди.

– Ойижон! – дедим бошига эгилиб.

Кимдир елкамга туртди.

Ўгирилиб қарасам, ҳозиргина симёғочга суяниб «Сашенька» деб йиғлаётган хотин. Лабининг бу ёғи суркалаиб кетган, оғзи қийшайиб қолганга ўхшарди.

– Аксакал... – У бобомни ҳам нари сурди.

Илдам ҳаракат билан сумкасини очди-да, қандайдир узунчоқ шишача чиқарди. Пўкагини очиши билан димоқни ёриб юборгудек ҳид анқиб кетди. Кўз ёшидан жиққа ҳўл бўлиб кетган рўмолчасига бояги доридан томизди. Рўмолча учини ойимнинг бурнига тутган эди, ойим юзини буриштириб, тескари қаради. Кўкимтир юзига билинар-билинемас қон югурди.

– Мама плоха, – дедим билганимча ўрисча гапириб. – Мама умер будит.

– Ничего! – Хотин маъюс жилмайди. – Я врач, помогу. Принеси пить.

Хотиннинг кейинги гапини тушунмадим.

– Сув, сув бар, кизимка? – деди хотин аччиқла-
ниб.

Оқсоқол ўрисчани яхши билиши энди эсига
тушгандек таржима қилди.

– Дўхтир маржа сув опке деяпти, нега тушун-
майсан? – У қозондек дўпписини бошидан ечиб
тутқазди. – Ма! Югур.

Дўппига сув тўлдириб қайтиб келсам, ойим кў-
зини очган, қийналиб, нафас олар, бобом билан
Оқсоқол тепасида туришар, ўрис хотин эса гўё
ойим тушунадигандек тасалли берар эди:

– Не горюй, апа! Твой мальчик придет героем...

Ойим дўппидаги сувдан озгина ичиб тагин инг-
ради.

– Жон болам, ёлғизим...

– Мен борман-ку, ойижон, – дедим йиғидан ла-
бим титраб. – Нима, мен сизнинг болангиз эмас-
манми?

Ўрис дўхтир ўзбекчани тушунаркан.

– Ну вот, апа! – деди бошини маъюс ирғаб. – У
тебя и кизимка есть. А у меня теперь – никого.

Гапини яхши тушунмасам ҳам ойимни юпата-
ётганини англадим.

Аёл секин-секин нари кетаётган эди, Оқсоқол
қуллуқ қилди.

– Испасиба, маржа! Гўст пайдўм.

Аёл мунгли кулимсираб қўйди.

– Раҳмат, – деди ўзбекчалаб, – раҳмат, аксакал.

Димоғимга машина мойининг чучмал иси, қу-
лоғимга вагонларнинг шарақ-шуруқ урилиши,
ғилдирак садолари, паровознинг видолашгандек
нолон гудок чалиши маҳкам ўрнашиб қолди.

Кейин ҳам ёз кечалари ойим билан айвонда ёт-
ганимда Алвасти кўприк томондан ғилдираклар
тарақлагани, паровознинг нола қилгандек чўзиб

гудок чалишини эшитиб қолсам, вокзалдаги ўша манзара кўз олдимга келар, юрагим орзиқиб-орзиқиб кетар эди.

* * *

...Майли, ўшанда-ку, ойимнинг ўз дарди ўзига етиб ортарди. Устига-устак Кимсан акам иккаламиз бир-биримизга кўнгил қўйганимизни билмас эди. Кейин... кейин билди-ку. Билиб ўзиям суюнди-ку, ахир!

Нимага энди бунақа деяпти?! Нимага мени «қизим» деб чақирадиган Шомурод тоғамга раво кўряпти? Тўғри, уруш битганига беш йилдан ошди. Аммо беш йил нима бўпти? Керак бўлса ўн йил, йигирма йил кутаман! Умрим борича кутаман! Мабо-до Кимсан акам йўқ бўлганида ҳам («ўлган» дейишга тилим бормайди) мен борман-ку. Бундан чиқди, Кимсан акам ҳам бор-да! Наҳотки ойим умидини узган бўлса! Наҳотки ўз ўғлига атаган қизни ўзгага раво кўрса?!

Ойим иккаламиз бир-биримизнинг бағримизга кириб ўтирар эканмиз, шуларни ўйлаб эзилардим. Аллақаерда ҳаққуш нола қилади, шамол беҳи баргларини шитирлатади. Ойим ҳаво етишмаётгандек хириллаб нафас олади... Айвон бурчагида Музаффар ётибди. Ора-чора инграйди. Синган қўли оғриётган бўлса керак...

– Жилла қурса шу болага раҳминг келса-чи, қизим. – Ойим бўғинлари шиқирлаб ўрнидан турди. Музаффарнинг тепасига бориб, кафтини пешонасига босди. – Менгаям осон тутма, жон болам! Сенга ёмонликни раво кўрсам, имонимдан жудо бўлай!

Бу гапни шунақа осойишта ишонч билан айтдики, ичимда бир нима узилиб кетгандек бўлди.

Авваллари ҳам шунга ўхшаган аҳволга тушганман. Ҳов, ўшанда Кимсан акамни кузатганимиздан кейин икки ойча ўтиб Очил акадан совчилар келганда. Йиғлаб-йиғлаб Кимсан акамга хат ёзганимда... Кимсан акамдан хат келмай қўйганида... Умар закунчи бутун уй ичимизни қора ер билан битта қилганида... Бобом ўлганида... Уруш битиб, уйга яна совчилар қатнаб қолганида... Ҳар гал ичимдаги ўша ип таранг тортилиб, чидаб бўлмас азоб берар, ўзимни қўйишга жой тополмай қолардим. Лекин ўша ипнинг борлиги яхши экан. Азоб берса ҳам, жонимни суғуриб олса ҳам...

Ҳозир... ип узилиб кетди. Узилди-ю, ажаб... оғриқ ҳам сезмадим, алам ҳам... Вужудим бўм-бўш бўлиб қолди. Бўм-бўш. Жимжит...

Одам қимматбаҳо нарсасини йўқотса ачинади. Тухматга қолса бошини тоғ-тошга уради. Қадрни ерга урилса, исён кўтаради. Яқин кишиларидан айрилса дод солади... Лекин умидингдан айрилсанг ғалати бўларкан. Ҳеч нимага, ҳеч кимга, ҳатто ўз қадрингга ҳам ачинмайсан. Дод солмайсан. Исён кўтармайсан... Гўё сен ўлгансан. Ўзинг ўлиб, қуруқ суратинг қолган...

УЧИНЧИ ҚИСМ

ТЎРТИНЧИ БОБ

КИЧКИНТОЙ МУЗАФФАР ҲИКОЯСИ

Тўй

Қўлим сингани баҳона, уч ҳафтача аммамникида қолиб кетдим. Аввалига дадам ҳар куни келиб турарди. Кейин тўсатдан биттаям келмай қўйди. Дадамни қўмсаб йиғлаган эдим, аммам юпатди:

– Шошма, болам! Дадангни иши кўпайиб кетди. Битсин, борасан. Роби опанг ҳам боради.

Дадамнинг иши билан нима ишим бор! Менга дадам керак! Нега келмайди? Майли, уришсаям, сўксаям. Бари бир дадам билан ётгим келяпти!

«Қора аммам» ҳар кеча қўлимга шўрпахта боғлайди. Шўрпахта яхши-ю, ҳидини ёмон кўраман. Тагин ўзимникини боғласа, майлийди, аммам пахтани ўзи «хўллайди». Дадам ўшандаям келмади. Соғиниб кетдим! Ўзим қочиб кетай, десам, Алвас-ти кўприқдан қўрқаман... Роби опам ҳам ўзгариб қолди. Авваллари ҳар куни қурутми, пистами олиб келарди, мени ўйнатарди. Энди ўйнатмай қўйди. Ҳеч ким билан гаплашмайди. Аммам йўғида бурчак-бурчакка бориб йиғлайди.

Ниҳоят, «Қора аммам» уйимга олиб борди. Дадам ҳам мени соғиниб қолган экан. Кўриб суюниб кетди. Оқсоқланиб келганча ердан даст кўтариб юзимдан ўпди. Қизиқ, дадамдан тамаки

эмас, оҳақ ҳиди келарди. Қарасам, уйимиз бошқа-ча бўлиб кетибди; деворлар оқланган, уйнинг синган деразасига янги кўз солинган. Ҳовли топ-тоза... Дадамнинг ўзиям ўзгариб қопти. Мўйлови текисланган, кўзлари ёниб турибди. Ёшариб кетганга ўхшайди.

Шу кеча дадамнинг елкасидаги чандифини силаб, мўйловидан анқиб турган тамаки исини ҳидлаб, маза қилиб ухладим.

Аммам бизникига серқатнов бўлиб қолди. Бир кун тугун кўтариб келади, бир кун сават... Ҳатто бир марта икки букилиб, ўзидан катта қопни орқалаб келиб қолди. Дадамга эргашиб арпа ўроққа борганимда чумолиларни томоша қилишни яхши кўрардим. Бир гал яримта бошоқни судраб кетаётган чумолини кўрганман. Аммамниям аллақаери ўша чумолига ўхшаб кетарди. Ўзи муштдай келадия орқасида тандирдек қоп. Эшигимиз кичкина эмасми, қоп сигмай қолди. Бостирма соясида жўхори уқалаб ўтирган дадам югуриб бормаса аммам бечора эшикка тиқилиб тураверган бўларди. Икковлашиб қопни тортқилаб ичкари олиб киришди. Пахта экан.

– Шунча жойдан кўтариб келдингизми, опа, нима зарил! – деди дадам ачиниб.

Аммам янаям қорайиб, тердан ялтираб кетган пешонасини рўмолининг учига артиб, тушунтирди.

– Янги кўрпа қавимаса бўларканми? Дўст бор, душман бор. – У ҳар сафаргидан қаттиқроқ ҳарсиллар, ичидаги «одамчалар» овози борича ҳуштак чалар эди.

Эртасидан офтобрўя айвонга ўтириб олиб, кўрпа қавишга тушди. Мен бўлсам ҳали битмаган кўрпа устида думалаб ўйнадим. Маза! Аммам уришмади-ю, сал дашном берди.

– Тур, барака топкур, пахтаси йиғилиб қолади...
Бир ойча туриб, Роби опамга ўрганиб қолган эканман.

– Амма, Роби опам қачон келадила?

– Келади, гиргиттон, келади, – деди аммам елкамга қоқиб. – Яқинда бутунлай келади.

– Менга қурут обкеладами?

– Қурут нима бўпти, ишкалат обкелади. Яхши кўрасанми, опангни?

– Жудаям.

Аммам жуводдиз тутган қўлини муаллақ кўтарганча узоқ жимиб қолди. Кейин негадир тескари қараб, рўмолининг учини кўзига босди...

Ўнроқ пишган кезлари уйимизда тўй бўлди. Абдувалининг дадаси – «Туя» сартарош бостирма панасида қўй сўйиб, оёғидан олма шохига осиб қўйди. Ҳовлининг ўртасидан чуқур қазиди. Беш-олтига эркак «ҳа-бўл, ҳа-бўл» қилганча эшикдан қиялатиб дошқозон олиб киришди. Бояги чуқурга ўрнатишди. Биз ҳам ясаниб олганмиз. Дадам атайлаб Тошкентга тушиб, менга янги костюм-шим, оёғимга ботинка олиб келган. Бошимда яп-янги бахмал дўппи. Чойхонада мени кўриб «қадрдон бўлиб қолган» эркаклар эшикдан кириши билан кўз қисишади.

– Муборак бўсин, гирой!

– Ия, посон бўпкетибсиз-ку! Дўппингизни бизга сотинг, гирой!

– Ҳо! Дадангиз оберсин!

Қоронғи тушар-тушмас тумонат одам тўпланди. Башанг кийинган эркаклар, ясан-тусан қилган хотинлар. Кўтармада шунча кўп бола борлигини билмаган эканман. Балки доим дадамга эргашиб юриб болаларга қўшилмаганим учун шу кунгача Абдувалидан бошқасини кўрмагандирман.

Томорқадаги жўхоризор ичида бекинмачоқ ўйнаб юрсак, кўча томонда шовқин-сурон эшитилди.

– Юр, – деди Абдували қўлимдан тутиб. – Куёв келяпти!

Ҳеч балога тушунмадим.

– Қанақа куёв?

– Вой, билмайсанми, даданг хотин оляпти-ку! Куёвда!

Пастак эшикдан ҳовлига чопиб кирдик. Қарасам ҳовли ўртасида ловиллаб гулхан ёняпти. Каттакон тўнкадан чарсиллаб олов сачраяпти. Дошқозон бошида куйманаётган сариқ хотин – Абдувалининг ойиси гулхан атрофида ирғишлаётган болаларга қўлидаги чўмични ўқталиб бақиряпти.

– Ёниб кетасан, тинмагур така! Ёниб кетасан!

Дадамни танимай қолибман. Вуй! Шу – ўзимнинг дадамми? Эгнида ҳаворанг костюм, бошида яп-янги чувт дўппи. Мўйлови текис тарашланган. Ие, дадамнинг шунча ордени бор эканми? Битта... Иккита... Учта...

Дадамнинг ёнида келаётган Илҳом чойхоначи қўлтиғига қистириб олган тўн қатини очди.

– Кийиб олинг, куёвбола!

Дадам илжайиб, қўлини орқасига қилиб турди. Беқасам тўнни кийгизишди-да, етаклаб гулхан ёнига олиб келишди. Дадам қаддини фоз тутиб боряпти. Чўлоқланишиям сезилмайди. Кўзи тушиб қолармикин, деган умидда яқин борган эдим, қандайдир нотаниш хотин елкамга туртди.

– Қоч, ўралашма!

Дадамни аланга атрофидан уч марта айлантиришди. Кимдир эски курси келтириб гулхан яқинига қўйди. Яна бир одам дўпписига укпар қадалган кичкина болани дадамнинг тиззасига ўтқизди. Ўша заҳоти қулоқни ёргудек бўлиб чилдирма ба-

ка-банглаб кетди. Кўйлагининг олдини ёқавайрон қилиб ечган доиракаш бир томонга кифт ташлаб гайрат билан чилдирмани савалай бошлади.

Меҳмонлар (деярли ҳаммаси эркаклар) ҳовлига тўрт бурчак қилиб ёйилган шолча, бўйралар устига қатор-қатор бўлиб чордана қуриб ўтиришди. Шундоқ ернинг ўзига ёйилган дастурхонларга нон, нишолда, туршак, жийда, попукқандлар қўйилди. Илҳом чойхоначи дадамнинг пинжига кириб, айвонга олиб чиқди. Мен танимайдиган яна уч-тўрт киши дадамнинг ёнига ўтириб олишди. Ўша заҳоти айвонга патнислар ташиб келишди. Патнисда қовурма чучвара, қатлама бор эди.

Меҳмонларга шўрва тортилгандан кейин Илҳом чойхоначи ўртага, гулхан ёнига чиқди. Юзлари қизариб, чўтири ҳам билинмай кетибди.

– Катта ашула! – деди ўзидан ўзи бақариб. Попукқанд солинган ликопчани юлқиб олди. Попукқанд дастурхонга сочилиб кетди.

У ликопчани оғзига рўпара келтириб чинқириқ овозда ашула бошлаб юборди.

– Боғ аро-о-о қўйсам қадам...

Юзи баттар қизариб бўйин томирлари ўқловдай бўртиб чиқди.

Гулхан шуъласидан узоқда, қоронғида ўтирган алаким, завқи тошиб кетди шекилли, овози бори-ча «дўст» тортди.

– Ҳа-дўў-ўст, барака топ! Ойдек юзингдан аканг! Сендан бошқа ўлмасин!

Мазза қилиб ашула эшитаётсам, биров елкамга туртди: қарасам, Абдувалининг ойиси. Қўлида чўмич.

– Юр! – деди имлаб. Бостирмага олиб кирди. Шифтига шишаси синиқ фонус осилган бостирмада сон-саноксиз тугун-терсақлар орасида «Қора

аммам» ўтирган экан. Негадир ўпкаси тўлиб юзимдан ўпди. Анчагача бағрига босиб турди.

– Шўрва ичдингми, болам?

– Қўйворинг, – дедим типирчилаб, – ашула эшитаман.

– Қўйинг, опа, бола ўйнасин.

Нимқоронғи бурчакда чўккалаб ўтирганча тугунларга нон, туршак солаётган, қарғашойи қўйлак кийган хотинни энди кўрдим.

– Тўй деган болаларники бўлади. – У биз томонга ярқ этиб қаради-да, ишини давом эттираркан, қўшиб қўйди. – Ўйнайвер, ўғлим.

Қизиқ, қарғашойи қўйлакли хотиннинг овози ҳам, ўзиям дағал эди. Лекин негадир олдига боргим келди. Нимага унақа бўлганини билмайман.

– Ўзидан тиниб-тинчиб кетса кошкийди, Башпоратхон! – деди «Қора аммам» бурчакка қараб. – Билмадим, савоб иш қилдимми, гуноҳми. Шу норапта деб... – У бирдан дами ичига тушиб, гижиллаб нафас ола бошлади.

– Ма, болам, ўртоқларинг билан е. Келсанг яна бераман! – Аммам тугунларни апил-тапил титкилаб, чўнтақларимни қовурма чучвара, попукқанд, яна алланималарга тўлдириб ташлади.

Ҳовлига отилиб чиқдим.

Ўйин-кулги ҳамон давом этарди. Чилдирма тараклайди. Илҳом чойхоначи ликопчани ютиб юборгудек оғзини катта очиб ашула айтади. Авжига чиққанда нуқул ликопчани ликилатади. Исиб кетганидан юзини елпияпти, бечора! Дадам айвонда беқасам кўрпачада ўтирибди. Олдида безатилган патнис. Икки ёнида ўртоқлари.

Сопол товоққа тўлатиб сут қуйишади-да, «олинг-олинг» деб бир-бирига узатишади. Ҳайронман, дадам сутни ёмон кўрарди-ку;

– Сутмас, бўза! – Абдували билагонлик билан тушунтирди. – Одамни маст қилади!

Бир маҳал Илҳом чойхоначи кучанавериб чарчади шекилли, ликопчани ерга ташлаб, кўйлагининг енгига пешонасини артди.

– Энди навбат ўзимизнинг Кўтармада ном чиқарган артис – «Туяга»! – деди тантана билан. – Қани битта духовой оркестр чалиб бер, хумпар!

Абдувалининг дадаси илжайганча лапанглаб гулхан олдига борди. Йўл-йўл кўйлагининг ёқа тугмаларини ечди. Ўнг қўлининг кафтига туфлади-да, чап қўлига тикиб, чап қўлини бир силтаган эди «ворт» этган товуш чиқди. «Туя» амаки ниҳоятда жиддий қиёфада теракдай гавдасини роз тутиб ҳовлидаги одамларга мурожаат қилди:

– Ҳурматли меҳмонлар! Укамиз Шомуроджоннинг базмида сизларга зўр муждика чалиб бераман! Эшитганлар бой бўлсин! – У чап қўлини таёқдай осилтириб тагин силтади. Яна «ворт» этган овоз чиқди. «Туя» амаки дўрдоқ лабларидан тупук сачратиб оғзи билан жўр бўлди. «Умпо-умпо! Умпо-умпо!» Ҳар гал «умпо-умпо» деганда қўлиги «ворт-ворт» қилади. «Муждика» шунақа тантанали жаранглайдикки, худди идора тепасидаги радиокарнайдек. «Умпо-умпо, ворт-ворт! Умпо-умпо, ворт-ворт!»

Биров қорнини ушлаб, биров бошини чангаллаб хохалайди. Қарасам, дадам ҳам тиззасига уриб куляпти.

Ниҳоят, «Туя» амаки «муждика» чалишдан чарчади. Халққа таъзим қилиб, сўлагини арта-арта нари кетди.

Худди шу пайт кимдир: «Оқсоқол келдилар», деб қолди. Тўйхонага бирдан жимлик чўкди. Қарасам, айвонда – жўралари орасида ўтирган дадам ҳам

сипо бўлиб қопти. Илҳом чойхоначи бўза қуйила-
ётган косани олиб, ими-жимиди уйга кириб кетди.
Дадам дик этиб ўрнидан турди.

Кўча эшикдан кириб келган табиб бувани дар-
ров танидим. Ясаниб олибди: бошидаги қозоннус-
ха дўпписи яп-янги. У четга чиқиб, икки қўлини
кўксига қўйди.

– Қадамларига ҳасанот, Оқсоқол...

Оқ яктак кийган Оқсоқол бува қаддини роз
тутиб, айвон томон юрди. «Қора аммам» айтган
Оқсоқол шу! Аввал ҳам кўрганман: далага, обши
қозонга борганимда. Аммо олдига яқин боришга
уялганман. Дадам у ёқда турсин, табиб бува ҳам
Оқсоқолни шунчалик иззат қилишадики, узоқдан
кўриши билан таъзим қилиб туришади. Ҳовлининг
тўрт тарафида чордана қуриб ўтирганлар гур этиб
ўрнидан турди. Дадам айвондан илдам тушди.
Оқсоқол буванинг кафтини қўшқўллаб қисди.

– Қани, марҳамат, – деди айвонга имо қилиб.

Оқсоқол дадамнинг елкасига қоқди.

– Кўшганинг билан қўша қари, болам, – дедию
тик турган одамларга ўгирилди. – Болаларим... –
деди салмоқлаб. Ҳовли ўртасидаги тўнка ёниб бў-
либ яхлит чўғга айланиб қолган, Оқсоқол буванинг
узун, қуюқ соқоли, қотма юзи, кўзларида қизғиш
нур шуълаланар эди. – Мана шу хонадондан қут-ба-
рака аримасин. Умид билан бир ёстиққа бош қўй-
ган икки ёш ували-жували бўлсин... – У бир зум
чўғга айланган тўнкага жим тикилиб қолди. – Ха-
лойиқ, – деди яна. – Шу хонадонда яна бир одам
бор: бола, норасти! Шомурод шу болани опичлаб
катта қияпти. Илоё шу йигитчаниям умри узоқ
бўлсин. Бахти безавол бўлсин!

Одамлар баравар фотиҳа тортишди. Кимдир
қўлтиғимдан олиб даст кўтарди. Бир зумда ўзим-

ни Олимжон акамнинг елкасида кўрдим. У посон кийинган, бошида ихчам айвонли шапка бор эди.

– Қалайсан? – деди шивирлаб.

Илжайдим.

– Яхши!

Оқсоқол буванинг гапи ҳали тугамаган экан.

– Биласизлар... – деди у чўғдан кўз узмай. – Шомуроднинг опасини танийсизлар. Шу муштипар хотиннинг умри боқий бўлсин. Кимсанжон эсон-омон келсин, яхши тўйлар қилиб, Думанинг руҳини шод этайлик.

Одамлар «Оми-и-н» деб гувиллади.

– Амманг яхшилар-а? – деди Олимжон ака ҳамон елкасида кўтариб тураркан жилмайиб.

– «Қора аммам»ми?

Олимжон акам кулиб юборди.

– Эртага-чи, келин келганда сочқи сочишади.

Сенам тергин, хўпми?..

...Бу сафар Абдувалининг ойиси шўрва эмас, мохора пиширди. Эркаклардан кўра хотинлар кўпроқ йиғилди.

Абдували сочқи сочиладиган пайтни яхши биларкан. Кўчадан сурнай товуши келиши билан бақирди.

– Чоп!

Эшикка ёпирилган хотинлар орасидан «калла» қилиб ўтиб, ташқари чиқдим. Анча нарида, қоронғи кўчада арава келяпти. Абдувалига эргашиб, югуриб бордим. Қўқон арава устида беш-олти хотин ўтирибди. Нимқоронғида қўқон аравада ўтирган Олимжон акамни пайқаб ўша томонга чопмоқчи эдим, Абдували қўлимдан тортди.

– Унисигамас, аптакашкага осиламиз!

Нарироқда яна битта арава келаётган экан. Қўшалоқ отли «аптакашка». Бунисида хотинлар

кўп. Болалар, қий-чув қилиб «апташка» орқасига осилдик. Отлар пишқирди, филдираклар тарақлаб, чанг-тўзон кўтарилди. Чилдирма кечагидан ҳам баландроқ бака-банглаб кетди. Сурнай чўзиб нафма қилди. Аравани тўлдириб ўтирган хотинлар ёр-ёр айтишди:

*Тогда тойчоқ кишнайди, от бўлдим деб ёр-ёр.
Уйда келин йиглайди, ёт бўлдим деб, ёр-ёр.
Йиглама қиз, йиглама, тўй сеники, ёр-ёр.
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр.*

Ҳовлимизга яқин қолганда беш-олти хотин олдинда бораётган қўқон аравага пешвоз чиқди. Иккинчи арава ҳам тўхтади. Хотинлар бир нимани гаплашишди. Парча холанинг дўриллаган овози кулоғимга чалинди.

– Ҳо-о! Қудапошша! Гулдай қизимизнинг баҳоси шу бўлдими? Чўзинг-да мундоқ бели синмаганидан!

Чилдирма баттар авжига чиқди. Сурнай энтикиб-энтикиб нола қилди. Келинни аравадан туширишган заҳоти ҳамма ёқ дўпир-дўпир бўлиб кетди. Бир тўда хотин палакнинг тўрт бурчидан ушлаганча келиннинг боши устида тутиб ҳовлимиз томон юрди. Бири ингичка, бири йўғон овозда тагин ёр-ёр айтишди:

*Дукур-дукур от келди-ю, от келди,
Чиқиб қаранг ким келди-ё, ким келди?
Салласи катта ёр келди-ё, ёр келди,
Шоп мўйловли эр келди-ю, эр келди...*

Хотинлар қийқириб кулди. Ўртароқда кетаётган Парча хола яна дўриллади.

– Кошкийди-я, мангаям салласи котта эрдан ато қилса!

Келинлар тўдаси ёр-ёр айтганча эшикка яқинлашди. Ҳовлидаги фонусларнинг нури ғира-шира ёритиб турган эшик олдида «қора аммам»ни кўриб қолдим. Қўлида боғичи ечилган қийиқча. Бошидан рўмоли сирғалиб елкасига тушган. Негадир титрайди. Оппоқ сочлари учидаги сўлкавой чўлпиларининг жириглаши чилдирма шовқини, сурнай овозида эшитилмаса ҳам бир-бирига урилиб кетаётганини сездим.

Бошига палак ёпинган келин яқин келиши билан аммам тўда устига сочқи сочди. Попукқандлар ерга тушиб сакраб кетди. Танга-чақалар жириглади. Ўзимни ерга отдим. Маҳси кийган семиз-орик оёқлар орасидан эмаклаб ўтиб, попуққандлар, тангаларга ёпишдим. Битта оқ танга ялтироқ амиркон маҳси-кавуш кийган хотиннинг оёғи орасига кириб кетганини аниқ кўрдим. Аксига олиб ялтироқ кавуш тангани босди-ю, тўхтади-қолди. Алам устида оёғига туширмоқчи бўлиб турган эдим, юзимга алланима тегиб ғашимни келтирди. Бошимни кўтариб қарасам – соч. Икки ўрим узун соч юзимга тегиб турибди. Мунча узун! Худди Роби опамникига ўхшайди.

Сурнай шўх-шўх куй чалди. Исирик ҳиди келди. Оёқлар орасида адашиб, димиқиб кетдим. Эмаклаб бир чеккага чиқиб олдим. Шимимнинг чангини қоқаётганимда ёнимга Абдували чопиб келди.

– Юрсанг-чи, тортишмачоқ кўрамиз!

Хотинлар келинни ўртага олганча бошига палак тутиб, уйга кириб кетишаётган экан. Иккалаамиз тўдага қўшилиб айвонга чиқдик. Тиқилишиб уйга кирдик.

Уй ичи ёп-ёруғ. Шифтга илинган ўттизинчи фонуснинг пилиги баландлатиб қўйилган, токчалар-

даги чойнак, пиёлалар, мис баркашлар ялтирайди. Тахмонда янги кўрпа-тўшаклар, бурчакда эскироқ палак осиглиқ...

Келинни ўраб келган хотинлар бир бурчакка ўтиб, пойлаб туришди. Ўша заҳоти уй ичи хотин-халажга тўлиб кетди.

– Қани, қудапошшалар! – Абдувалининг ойиси кураш тушадиган полвондек гердайиб ўртага чиқди. – Куёв томон билан беллашаман деганлар борми? – У каттакон чорси қийиқчанинг бир учидан тутиб силкитди. Беш-олти хотин Абдувалининг ойисидан кейин сафга тизилди. Худди поездга ўхшаб, бир-бирининг белидан қучоқлаб олишди.

Келин томондан кўкрак бурма кўйлак кийган гавдали хотин ўртага чиқди. Абдувалининг ойиси тутиб турган қийиқчанинг нариги четидан ушлади.

– Биз-да, ўша беллашадиган!

– Манга беринг, ўзим эплийман! – Парча холанинг дўриллаган овозидан токчадаги баркашлар зириллаб кетгандек бўлди. У лапанглаб келиб, кўкрак бурма кўйлакли хотиннинг қўлидаги қийиқчага талпинди. – Сиз нари туравурунг!

– Вой, Парча ўлгур! Сенга бас келиб бўладими, хўкиздай кучинг бор! – Абдувалининг ойиси қийиқчанинг бериги бурчагидан тортиб қўлтиғи тагига тикмоқчи эди, Парча хола, чит кўйлагининг енгини шимариб гурзидай билагини намоиш қилганча, қийиқчага чанг солди. Хотинлар қийичув қилиб сафга тизилишди.

Куёв тарафда Абдувалининг ойиси, яна бешта хотин. Келин тарафда Парча хола, Оқсоқол буванинг менга камзул тикиб берадиган келини Потима хола...

– Овора бўмайла! – Парча хола орқасида турган хотинларга елкаси оша қараб, хў-хў-лаб кулди, – ўзим боплийман ҳаммасини!

Рост айтган экан. Қийиқчанинг бурчагидан ушлаб сал тортган эди, Абдувалининг ойиси, унинг орқасида турган бешта хотин худди паровоз бир силтанганда тарақ-туруқ қилиб кетган поезддек барабар мункиб тушди. Чираниб ўзларини орқага ташлашди.

Айниқса, Абдувалининг ойисига жабр бўлди. Икки қўллаб қийиқчага ёпишганча, орқадаги хотинларга далда берди.

– Ҳа, эгачилар! Бўш келманглар!

«Эгачилар» минг урингани билан қани нафи тегса? Парча хола қийиқчани бир қўллаб ушлаб турибди. Тортаётганиям йўқ. Қоп-қора, қалин лабини осилтириб нуқул илжаяди.

– Парча ўлгур! – Абдувалининг ойиси астойдил ялинди. – Ён берсанг-чи, куёв томон деган номимиз бор.

Парча хола дўриллаб кулди.

– Куёвни ўқи ўзганми? Биззи келинни нимаси кам куёвиздан?

– Юрсанг-чи! – Абдували ойисининг терлаб кетганига раҳми келди шекилли, қаттиқ шивирлади. – Биз ҳам куёв томон-ку!

Чопқиллаб бориб ҳа-ҳалашаётган «куёв томонга» қўшилдик. Парча хола қилт этмайди.

Охири Парча холанинг орқасида турган кўкрак бурма кўйлакли хотин бир нима деб қулоғига пичирлаган эди, Парча хола инсофга келди.

– Шунақами, ҳа, майли, – деди-да, қийиқчани сал бўшатди. Бизлар роса чираниб орқага тортаётган эканмиз, остин-устин тоғора бўлиб наматга думалаб тушдик.

Ўша заҳоти хотинлар икки томонга тарқалиб, йўл очишди. Уй бурчагидаги эски палак лопиллади-да, дадам чиқиб келди. Юзлари қизарган, бо-

шидаги дўпписи қийшайibroқ қолган, оқ шойи куйлақда, оёғида хиром этик. У илжайган кўйи, оқсоқданмасликка ҳаракат қилиб, келин томон юрди. Яқин келиб, келиннинг бошидан паранжисини олди.

Вой, ўзимнинг Роби опам-ку! Боя «сочқи» тараётганимда юзимга теккан соч ростданам Роби опамники экан-да!

– Роби опа!

Нотаниш бир хотин қулоғимни оғритиб чимчилади.

– Жим!

Роби опам ярқ этиб менга қаради. Ўзгариб кетибди. Қошига ўсма тортилган. Кўзлари маъюс...

Ҳушимни тўплаб олғунимча дадам Роби опамни белидан кучоқлаб даст кўтарди. Роби опамнинг бошидагиғижим рўмол сирғалиб, елкасига тушди. Икки ўрим сочи тўлғониб кетди. Дадамнинг оқсоқланиши энди билинди. Хотинлардан бири тала-тўпда оёғини босди шекилли, дадам бир чайқалдию, аммо йиқилмади. Роби опамни кўтарганча палак орқасига ўтиб ғойиб бўлди.

Хотинлар уйнинг тўрт томонига тизилишиб ўтирди. Мохора келди. Абдували иккаламиз ҳовлига тушдик.

Хотинларнинг тўйида югур-югур, айниқса, кўп бўларкан. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Биров мохора ташийди. Биров «тўққиз-тўққиз»га қайси мевадан солиш кераклигини суриштиради. Тала-тўпда Абдувалини йўқотиб қўйдим. Балки қовурма чучварадан умид қилиб таванхонага киргандир? Мўралаб қарасам, у ердаям йўқ. Аксига олиб, «Қора аммам» ҳам кўринмайди.

Каловланиб қозон бошига бордим. Айвонга чиқдим. Уйқум келарди. Кечаям яхши ухламаган-

ман. Қайтиб, яна уйга кирдим. Хотинлар тўрт томонда тизилишиб ўтирар, ҳар ким ўзига теккан «тўққиз-тўққиз»ни тутиш билан овора эди. Бири севиниб илжаяди, бири «вой савил» деб лабини буради...

Кўкрак бурма кўйлакли хотин тугун боғлашдан тўхтаб, атрофга чимирилиб қаради. Бирдан афти буришиб кетди. Бир қўли билан бурнини чимчилаб, иккинчи қўли билан ёнида ўтирган Парча холанинг гумбаздай елкасига мушт туширди.

– Э, отинг ўчсин, Парча! Ичингда ит ўлганми, нима бало?

Парча хола елкаларини силкитиб «хў-хў»лаб кулди.

– Мохора егандан кейин шунақа бўлади-де, опа!

– Э, мохора емай нафсингга куйдирги чиқсин!

Бор, ҳовлига чиқ!

Уй ўртасида гарансиб туриб қолдим. Шу пайт гўшанга ичидан дадамнинг йўталгани эшитилди. Ўша томонга чопдим.

– Дада!

Кўкрак бурма кўйлакли хотин Парча холани ҳам унутиб, мени қучоқлаб олди.

– Қаёққа, Музаффар? Уят бўлади, ўғлим!

Нега энди унинг ўғли бўларканман, мен дадамнинг ўғлиман! Қучоғидан чиқиш учун юлқиниб турганимда аллақадан «Қора аммам» пайдо бўлди.

– Юр, жон болам, – деди қулоғимга шивирлаб, – чимилдиққа кириб бўлмайди, гиргиттон! Ўзинг яхши боласан-ку! Юр, қовоқ сомса бераман!

– Дадамминам ётаман! – дедим қайсарлигим тутиб. – Дадамни олдига бораман!

... Яна уч кун «Қора аммам»нинг ичидаги «одамчалар» чалаётган «хўштак»ни эшитиб ётишга мажбур бўлдим. Келинсалом, чаллар, бало-баттар... Уйимиздан одам аримайди. Дадам билан Роби

опам кундузи мени эркалашади-ю, кечаси олдига киргизишмайди.

Охири ҳамма ёқ тинчиб қолди. «Қора аммам» айвонда ўтириб тугунини йиғиштирди. Маҳсисини кийди. Роби опамнинг пешонасидан ўпди.

– Раҳмат, қизим! Юзимни ёруғ қилдинг, – деди овози титраб. – Қўша қаригин, ўзингдан кўпайгин, болам...

Кейин менинг пешонамдан ўпди.

– Мана, болам, Роби опанг кўчиб келди. Энди ҳечам кетмайди. Роби опангни яхши кўрасан-ку!

Аммамни эшиккача кузатиб борган Роби опам кўзлари қизариб қайтиб келди...

Кечқурун Роби опам шавла қилди. Гармдорини эзиб-эзиб шавла етган дадамга эркалик қилдим.

– Сиз билан ётаман!

Дадам Роби опамга бир қараб олди-да, елкамга қоқди.

– Хўп, ўғлим, мен сени ачом-ачом қилиб ётаман.

– Роби опам билан ётмайсиз, – дедим ҳиқиллаб.

Роби опам қулди.

– Дадангни нима қиламан, Музаффар, албатта сен билан ётадилар-да!

Негадир дадамнинг қоши чимирилди. Қўлини эски сочиққа артди-да, чўнтагини кавлаб, газета, тамаки халта чиқарди.

– Емайсизми? – деди Роби опам. – Толиқиб кетгандирсиз.

– Бўлдим! – дадам тўнғиллаб папирос тутатди.

Бари бир айтганимни қилдим. Роби опам уйнинг ўртасига катта ўрин солди. Ҳатто тўшак устига чойшаб ҳам ёзди. Дадамни қучоқлаб олдим у тамаки исини туйиб, елкасидаги чандиғини ўйнаганча ухлаб қолдим.

Эрталаб тамаки иси эмас, аллақандай атир ҳиди димоғимга урилиб, уйғониб кетдим. Дадам-

нинг елкасини тимирскиласам, қўлимга соч илашди. Қарасам, ёнимда Роби опам ётибди. Мен унинг сочини чангаллапман.

– Дада! – алам билан ўрнимдан туриб чўккалаб олдим. Кечаси дадамни қучоқлаб ётганим эсимда бор. Энди бўлса дадам у чеккада, мен бу чеккада, ўртада Роби опам ётибди. Тагин менга тескари қараб олган...

Роби опам дарров ўрнимдан турди. Шоша-пиша кийиниб, ташқарига чиқиб кетди. Дадам мени қучоғига олмоқчи эди, аразладим.

– Роби опам сизминан ётмасин! – дедим инжиқлик қилиб. – Мен билан ётасиз. Мен билан!

Дадам негадир хўрсинди.

– Ўғлим, Роби опангни Роби опа демагин, уят бўлади, – деди босиқлик билан. – Ҳамманинг ойиси бўлиши керак. Роби опанг – сенинг ойинг, билдингми? Яхши бола бўлиб юрмасанг, аразлаб кетиб қолади. Кейин нима қиламиз, ўғлим? Ойисиз туриш қийин. Яна мушук юмдалайди, дарахтдан йиқилиб қўлинг синади... Майлими?

Дадам чой ичиб чиқиб кетганидан кейин Роби опам дастурхонни йиғиштираркан, ғалати гап айтиб қолди.

– Энди сениям тўй қиламиз, чирманда чалинади, боламаст бўлади...

Дарров Абдувалининг «даданг хотин оляпти» дегани эсимга тушди. Бундан чиқди, яна дадамминан ётолмас эканман-да!

– Нима, менам хотин оламанми? – дедим ўшшайиб.

Роби опам шу қадар қаҳ-қаҳ уриб кулдики, сурма тортилган чиройли кўзларидан ёш чиқиб кетди.

– Жиннивой! – деди кулгидан энтикиб. – Сеники бошқача тўй бўлади.

У бир нима эсига тушгандек тахмон томонга юрди.

– Шошма, Музаффар! Қани, бисотимизни кўрайликчи, сенинг тўйингга аталган нималар бор экан?

У, «ҳозир бир нарса кўрсатаман» дегандек кўзини қисиб қўйди-да, туя сандиқ устига тахланган кўрпачаларни тушира бошлади. Ҳар бир кўрпачани кигиз устига ташлаш учун эгилганда сочи елкасидан ошиб тушади, учи ерга тегиб кетади. Хинадан сарғайган бармоғини лабига босиб сирли жилмаяди: «Ҳозир кўрамыз».

Ниҳоят ўринни ағдариб бўлгач, чўккалаб ўтириб, сандиқни очди. Қуриб сарғайиб кетган беш-олтита ёнғоқ баргини бир чеккага олиб қўйди. Кейин ҳар хил латта-путталар, бир жуфт калиш чиқди. Охири яп-янги амиркон этикчани сандиқдан олиб узатди.

– Мана! – деди кўз-кўз қилиб. – Қани, кийиб кўр-чи?

Кигиз устига ўтириб, этикчани кийсам, лоп-лоийқ келди. Шунақа чиройлики! Қўнжида қизил ишак билан тикилган гулиям бор!

– Юриб кўр-чи, оёғингни қисмаяптими?

Юмшоқ наमत устида юриб кўрган эдим, этикчам бўғиқ фирчиллади.

– Вой, Роби опа, фарчиям бор экан! – дедим севиниб.

– Шошма, ҳали унданам яхши нарсалар бор. – Роби опам сандиқни титкилаб, беқасам тўнча чиқарди.

– Бунияма кий-чи.

Тўн ҳам лойиқ келди.

– Мана энди тўй боланинг ўзи бўлдинг! – Роби опам ўтирган жойида мени қучоқлади.

Мазахўрак бўлиб қолдим.

– Қаранг, яна қаранг! – дедим ялиниб.

– Ҳозир-да! – Роби опам жилмайиб, тагин сандиққа қўл тикди. Бурчагига гул солинган қизил қийиқча илашиб чиқди. Роби опам қийиқчани тиззасига ёйиб узоқ қараб қолди. Қийиқчани секин-секин силади. Аввал ранги ўчди. Кейин лабла-ри пирпирай бошлади. Қийиқчани юзига босди-ю, елкалари титраб-титраб, бирдан ўзини наMAT тўшалган ерга отди.

– Ночорман! – деди ўкраб. – Шўрим қурсин!

Қаддини ростлаб, қийиқчани бағрига босганча яна мук тушди.

– Кечиринг мени! – деди қийиқчани юзига босиб. – Рози бўлинг!

Сурма аралаш кўз ёшидан қийиқча бир зумда қоп-қора бўлиб кетди. У қийиқчани лабига босганча бўғиқ овозда аянчли чинқирди.

– Бошимни қаёққа олиб кетай! – Икки қўлини қийиқча аралаш баланд кўтариб сочини чангаллади, – уруш қилмай, уйинг куйгурлар! Боланг ўлгурлар! – У илон чаққан одамдек бутун гавдаси билан бетоқат тўлғонар, сочи тўзғиб, кўзлари олайиб кетган эди.

Қўрқиб кетдим. Дадамнинг: «Яхши бола бўлмасанг, Роби опанг кетиб қолади», дегани эсимга тушди.

– Йиғламанг! – дедим қучоқлаб. – Роби опа, йиғламанг, ойи... Майли, дадамминам ётмайман, сизминан ётаман...

У ўтирган жойида мени бағрига босди. Кўз ёшидан жиққа хўл бўлиб кетган юзини юзимга босиб, ингради.

– Болажон! Шўргинам қурсин, болажо-о-он!

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

**1. Уйда келин йиғлайди,
ўт бўлдим деб, ўр-ўр...**

Одатда, ҳар қандай қиз ҳам ота-онасининг бағридан чиқиб кетаётганида йиғлайди. Лекин минг йиғлагани билан юрагининг туб-тубини ёритиб, илитиб турадиган нур бўлади. Янги ҳаёт, ҳали ўзи кўрмаган, аммо орзу қилган, бўйга етиши билан ғира-шира тасаввур қилиб юрган янги, сеҳрли олам келиннинг кўз ёшини ширин қилиб юборади... Меники унақа йиғи эмас...

Биз чиққан арава Нўғайқўрғондан Кўтармага етгунча қоронғи тушди. Ойим ирим қилиб арава-ни Алвасти кўприқдан юргизмади. Идора томондан айланиб келдик. Арава ичига қалин қилиб тўшалган кўрпачада паранжи ёпиниб ўтирибман. Бир томонда ойим, бир томонимда Фотима келин. Хотинлар тўхтовсиз ёр- ёр айтади:

*Тогда тойчоқ кишнайди, от бўлдим, деб ёр-ёр,
Уйда келин йиғлайди, ёт бўлдим деб, ёр-ёр...*

Арава пештахасига ўтириб олган Олимжон бақриб-чақриб отни ниқтайди. Дам ўтмай, «дррр» деб тўхтатади. Арқон тортиб йўлни кесиб чиққан йигит-яланглар шовқин солади.

– Кўрманани ташлаб кетмайсизми, хола?!

Ойим ҳарсиллаб нафас олганча қоронғида тугунчани титкилайди.

– Кўрманана сендан айлансин, болам! – деб бирига чорси, бирига одми дўппи улашади. Арава гий-

қиллаб яна йўлга тушади. Орқада келаётган «апта-кашка»даги хотинлар авжига чиқади:

*Осмонда юлдуз кўрдим: Олтин қозик, ёр-ёр.
Тушаётган келиннинг кўнгли нозик, ёр-ёр.*

Икки букилиб ўтирган кўйи унсиз йиғлайман. Ойим елкамдан қучоқлаб нафаси гижиллаганча қулоғимга шивирлайди.

– Ақалли шу бугун чиройингни очиб ўтиргин, жон болам. Куйдирмагин мени...

Арава бурчагида супадек жойни эгаллаб ўтирган Парча опа дўриллайди.

– Қўйвуринг, хола! Сўйинганидан йиғлаётти. Ҳали гўшангага кирганида кўрасиз, ҳиринглаб безор қилади. – У ўз гапи ўзига нашъа қилиб, ҳе-ҳе-лаб кулади. – Мангаям эр топсайиз-чи, хола!

Қулоғимда нуқул бир хил оҳанг жаранглайди.

«Уйда келин йиғлайди, ёт бўлдим деб, ёр-ёр...»

Чиндан ҳам ёт бўлдим! Кимсан акамга, орзу-умидларимга, ўзимга! Қизиқ, ўзимга ўзим ётман энди... Аравада чайқалиб-чайқалиб овоз чиқармай йиғлаб боряпману хаёлимга ғалати ўйлар келади. Шу хонадонга– Кимсан акамларнинг уйига келган кунларимиз, ошхонага кирсам, бир товоқ шакар турибди. Қаҳатчилик йиллари эмасмиди, кўриб ўзимни тутиб туролмадим. Кафтимга сиққанча олиб, оғзимга солдиму аламимдан йиғлаб юбордим. Шакар деб ўйлаганим – туз экан. Унда-ку, бола эдим: туз билан шакарни ажратолмасдим. Энди-чи! Ҳовучимни тўлатиб туз ейишим керак-да, шакар шимган одамдек илжайиб туришим керак. Нега? Нима учун?! Инсон боласига бундан ортиқ жазо борми?

...Хотинлар тортишмачоқ қилаётганда, Музаффарга кўзим тушиб қолди. Уям мени кўриб, «Роби

опа!» деб бақриб юборди. Карахт бўлиб турган одам бир сесканиб тушдим. Шу бола энди менинг ўғлим. Алла айтмасдан, бешик тебратмасдан туриб беш яшар болага она бўлиб қолдим. Ажаб, Музаффарнинг овозида ҳам ҳайрат, ҳам қувонч бор эди. Нимага шунақа бўлганини билмайман. Лекин кўнглимда аввал ўзим сезмаган меҳрми, илиқликми уйғонди.

... Ҳозир ҳам шу болани севинтирмоқчи эдим. Ойим Музаффарга қилган сарполарни кўрсатиб, боланинг қувонишини томоша қилсам, ўзимнинг ҳам кўнглим ёришармикин, дегандим... Қаёқдан билай! Қўлимга қийиқча илашиб чиқишини туш кўрибманми? Ахир бу– Кимсан акамга атаб тиккан гулларим-ку! Ахир бу қийиқчалар Шомурод акага эмас, Кимсан акамга насиб қилиши керак эди-ку! Ўша куни қиёмат-қойим бўлиб кетган вокзалда хайрлаша туриб, «кутасан-а, менга қийиқча тикиб қўясан-а», деган эди-ку! Кимсан акамга берган ваъдамни наҳот унутсам! Ана ўша қийиқчалар! Ярим сандиқ! Ҳаммасининг четига «К», «R», деган ҳарф босилган, Атиргулнинг расми солинган. Фақат бу гулларнинг эгаси йўқ энди. Эгаси бошқа...

2. Суймаганга суйкалма!

Бўйи етган қизнинг орзуси осмондаги юлдузга ўхшайди. Узоқдан ярақлаб кўринади-ю, на етасан, на тутасан. Юлдуз эса олисда сирли-сирли милтираб тураверади. Талпинасан, ҳеч кимга билдирмай хаёл сурасан. Юлдузинг ёнинга тушишини орзиқиб кутасан. Ким билсин, «юлдузи юлдузига тўғри кепти», деган гап балки шундан чиққандир. Менинг юлдузим – Кимсан акам эди. У олдимга

келди. Кафтимга кўнди. Рашид абзининг мўрчасидан Фотима-Зухра келин билан қайтаётганимизда, Кимсан акам Очил акани урмоқчи бўлганида, Шомурод тоғамнинг (энди менинг эрим бўлиб қолган Шомурод аканинг) никоҳ тўйи куни иккаламиз Тошкентга томошага борганимизда... юлдузим ёнимда эди. Қўлимдан юлиб олишди. Тўсатдан, ҳеч кимдан сўрамасдан...

... Уруш бошланганига анча бўлиб қолганига қарамай турмуш унча ўзгармаган эди. Фақат туз билан совун камайиб қолди. Нонни карточка билан оладиган қилиб қўйишди. Почтахонага чиқсам, нон дўкони олдида турнақатор навбат кутиб турган одамларни кўриб юрагим эзилади...

Урушгача мўрчасидан бўлак ҳеч вақоси билан танилмаган Рашид абзи тўсатдан энг машҳур одамга айланиб қолди. Ёғоч оёғини дикиллатиб келаётган абзини одамлар орзиқиб кутадиган, узоқдан кўриниши билан олдига чопиб борадиган бўлишди. Кун ора ё ойим, ё мен абзининг келишига сабр қилмай, почтахонага югурамыз.

Далада иш кўпайиб кетди. Буғдойни ўриб бўлдигу кетидан карам узишга тушдик. Бобом билан Оқсоқол тонг қоронғисида эшак аравага ўтириб жўнаб қолишади. Фотима-Зухра келинларга қўшилиб, мен ҳам далага чопаман. Фотима келин тушликкача амаллаб чидайди, бироқ кун оғиши билан бетоқат бўла бошлайди.

– Кўкрагим ёрилиб кетай деяпти, Зўра! Болам йиғлапти, Тоҳирим оч қолди.

– Э, жиннимисан! – Зухра келин опасини юпатади. – Жа ваҳманинг уясисан-да! Ойим борлар-ку!

Фотима келин йиғламоқдан бери бўлиб ҳасрат қилади.

– Шунақаям ота бўладими, Робияхон! Икки ўғлини ўз қўли билан урушга жўнатиб келса-я!

Фотима келин нолиганича бор. Кимсан акамни кузатганимиздан кейин икки ҳафта ўтмай Холпош хола ойимнинг олдига йиғлаб чиқиб қолди.

– Ўргилай, овсинжон! Чолим ўлгур ёмон иш қилди. Шокирим билан Зокирим урушга кетамиз, деган экан, ҳовлиқма деб йўлга солиш ўрнига ўзи етаклаб военкоматга оборибди. Ҳеч кимга айтмай жўнатиб келди. Болаларим билан рози-ризолик ҳам тилашолмай қолдим, овсинжон!

Ойим уни юпатишга уринди.

– Нафасингизни иссиқ қилинг, айланай. Юртга келган тўй. Мана, Кимсаним ҳам кетди-ку! Ўтирибман Яратганга топшириб...

– Сизники иззат-икром билан кетди. Бир кун бўлсаям дийдорига тўйиб қолдингиз. Менинг чолим ақалли хайрлашганиям қўймади! «Ўв қувдим, мунча ҳовлиқдингиз», десам, «мен белида белбоғи бор ўғил ўстирганман!» деб керилади.

... Чамаси, Фотима келин ҳам эрининг тўсатдан урушга жўнаганига чидолмайди. Зухра келин опасини юпатади.

– Ношукурчилик қилма, Потти. Хат келди-ку! Иккалови соғ-саломат экан. Танк ҳайдашни ўрганяпмиз, деб ёзибди-ку!

– Сенга нима? – Фотима келин синглисига адоват билан ўқрайди. – Икки орада менга жабр бўлди...

Сезаман. Фотима келин, «сени орқа этагингда оғирлигинг йўқ, бола туғиб азобини тортмагансан, меники иккита...» демоқчи бўлади. Зухра келин ҳам опасининг таънасини тушунади. Юпқа лаблари титраб нари кетади. Бари бир Зухра келин рост айтяпти. Булар ношукурчилик қилмаса бўлади. Шокир ака билан Зокир ака бир жойга тушибди. Жони соғ экан. Кимсан акамдан бўлса на хат бор, на хабар.

Ўша куни ҳам одатдагидек ярим кечада уйга қайтдим. Молхонада сигир мўърар, хира чироқ липиллаб турган ошхонада ивирсиб юрган ойимнинг қораси кўзга чалинарди.

Ҳовлига кирганимни қандайдир ички сезги билан ҳис қилди. Еттинчи лампани кўтариб зипиллаб айвонга чиқди. Қўлида тутиб келаётган чироқ ёғдусида юзи мамнун ёришиб кетганини, нуқул кулимсираётганини кўрдиму чопиб олди бордим.

– Келдими? – дедим юрагим ўйнаб.

– Суюнчи берсанг айтаман! – Ойим лампани хонтахтага қўйди-да, «суюнчи»ни ҳам унутиб, токча олди борди. Учбурчак хатни қўлимга тутқазди. – Абзи обкелди. Умридан барака топсин! Ўқи, қизим, овозингни чиқариб ўқи!

Хатни юлқиб олдим. Қўлларим титрар, қаламда ёзилган сўзлар чироқ шуъласида сакраб-сакраб кетаётганга ўхшар эди.

«Ушбу мактубим тезда етиб маълум бўлсинким, гўзал Тошкентнинг Нўғайқўрғон қишлоғида ўйнаб-кулиб юрган дадамга, ойимга, Робияга («Робияга» деган сўзнинг тагига чизиб қўйилганини кўриб юрагим гупиллаб кетди), Кимсанингиздан соғинчли салом. Мен соғ-саломатман. Чимкент яқинида машқ қиляпмиз. Қачон фронтга кетишимиз маълум эмас. Яна хат ёзаман...»

– Бўлдими? – деди ойим кўзимга қараб.

– Шу...

– Тўғри... – Ойим бош силкиб тасдиқлади. – Абзи ўқиганидаям шунақа эди. Адреси бор эканми?

Хатнинг орқасига қарасам, «Полевая почта» деб номерини ёзибди.

– Хат ёз, дарров ёз! – Ойим типирчилаб қолди. – Шошма, олдин қорнингни тўйғазиб ол... Шукур, болагинамнинг жони соғ экан.

...Чироқни уйга олиб кириб, энди хат ёзишга ўтирган эдим, молхонада тагин сигир мўради. Ўша томондан ойимнинг куюнчалик билан жаврагани эшитилди.

– Сутини тортиб қўйди. Куюкканга ўхшайди жонивор! Бобонг тушмагур ҳам думини тутқазмайди. Далада ётиб қолишга бало борми?.. Бу ёқда ўзимнинг мазам йўқ. Икки оёғимнинг қақшаб оғриганига чидолмайман. Комил табибдан бўрсиқ ёғи олиб сурсаммикин...

Қизиқ, шу пайтгача ойимнинг оёғи ҳеч оғримандику... Комил табибнинг номини эшитишим билан кўзойнагини ялтиратиб қоронғида қўлимга хат тутқазган Очилбой хаёлимга келди. Бутун Нўғайқўрғон ҳувиллаб қолди-ю, бу олифта юрибди кўзойнагини тақиб. Ҳеч бўлмаса далага чиқса ўладими? Жимитдек укаси Олимжон эртадан кечгача тиним билмайди. Катталар билан баравар ишлайди...

Зум ўтмай эшикдан ойим мўралади.

– Ёзяпсанми?! Ўзгин, урушга кирмаганингиз яхши бўпти дегин. Ҳаммамиз дуойи-жонингизни қилиб юрибмиз, сиз машқ қилиб бўлгунча уруш ҳам битиб қолармиш дегин. Ҳали тоғамни чақиришгани йўқ. Зоҳид қора ўғлини уйлантирди, келин шаҳарлик экан, Чақичмон маҳалласидан экан, деб ёзгин, хўпми? Битта қўчқорни боқиб ётибмиз, сиз келишингизга оёғингизнинг тагига сўймоқчимиз, дейиш эсингдан чиқмасин.

Ойим бидир-бидир қилиб, ҳамма гапни бир йўла айтди-да, яна ҳовлига тушиб кетди.

«Ушбу хатим...» деб энди ёза бошлаган эдим кўча томондан эшак қангради. Бобомнинг «ишш» деган овози келди. Ойим молхонада туриб бақирди.

– Суюнчи беринг, дадаси, хат келди! Умригинасидан барака топкур абзи ўз қўли билан обкеб берди.

– Ие, қани, Роби, ўқи! – деди бобом қоронғи айвонга турганиб чиқаркан.

Хатим яна чала қолди.

Бир қўлимда чироқ, бир қўлимда учбурчак хатни кўтариб, айвонга чиқишга мажбур бўлдим. Кимсан акамнинг хатини ўқиб бўлгунимча бобом дастурхондаги овқатга қўл урмади. Ҳаммасини эшитганидан кейин рўпарамда ўтирган ойимга юзланди.

– Айтмовдимми! Аввал ўқитади. Пашистни ер тишлатиш йўлини ўргатади. Кимсан қаёққа ташласа, олчиси билан тушадиган бола! Кўрасан. Бир ой-икки ой ўтсин, «Кимсан Ҳусанов гирой бўлди», деган хабар келади. Бугун Зақунчи айтди: доброволлар тез гирой бўларкан.

– Гирой бўлмасаям гўрга! Тезроқ келса бўлгани, – деди ойим орзумандлик билан.

Бобом: «Э, сен нимани тушунардинг», дегандек қўл силтади. Шошилмай шўрва ичаркан, менга қаради.

– Чироқ керакмас! Обкириб хатингни ёзавур.

Қайтиб уйга кирдим. Бобомнинг: «Яратган неъматингга шукр», деб кекиргани эшитилди.

– Эртадан Кўтармага борамиз. Сабзи кавлаймиз.

Кейин ойим икковлари негадир овозини пасайтириб, пичир-пичир қила бошлади. Аввалига хат ёзиш билан андармон бўлиб, парво қилмадиму, бобомнинг: «Ҳовлиқма, пакана, бу умр савдоси», дегани қулоғимга чалиниб, сергак тортдим.

– Нима қипти, гуддай йигит. – Бу ойимнинг овози эди. – Улар ҳам тўй кўриб қолсак, дейди-да! Унча-мунча одаммас, маълим бўлади-я!

– Бари бир хотинсан-да! – Бобом жаҳди чиқиб кетди шекилли, овозини баралла қўйиб, чийиллади. – Хотин кишининг сочи узун, ақди қисқа бўла-

ди. Сени бўйинг ҳам, сочинг ҳам, ақлинг ҳам калта! Хўш, маълим бўлса нима қипти! Шохи борми? Қизингни олдидан ўтдингми?

Ойим овозини пасайтириб бир нима деди. Тўсатдан кўнглимга гулгула тушди. Хатни чала ташлаб, чироқ кўтарганча айвонга чиқдим.

– Вой, ёзиб бўлдингми? – деди ойим хижолатомуз жилмайиб. – Барака топ, қизим битта чой дамлаб кел.

Чироқни хонтахтага қўйиб, ошхонага кетдим. Совиб қолган самоварга тараша ташлаб қайнатгунимча анча вақт ўтди. Чойнак кўтариб келсам, чол-кампир ҳалиям бир ниманинг маслаҳатини қилишяпти.

– Баракалла, қизим! – деди бобом узатган пиёламни олиб. – Илоё бахтинг очилсин!

Икковлари бир-бирига зимдан қараб олишди. Ташқарида эшак ҳангради, молхонада сигир мўради...

Ойим бемаврид илжайди.

– Бобожониси анави... табибнинг ўғли бор-ку, ҳаҳ оти нимаиди-я? Очилбой! Онаси бечора денг, эшигимизнинг турмини бузяпти. Олти марта тутун кўтариб келса-я! Қизим ҳали ёш, тўйга тайёргарлигимиз йўқ, десам қўймайди. Замон қалқиб турибди, тўй кўриб қолганимиз ганимат, дейди.

Ойимнинг оғзига қараб анграйиб қолдим.

– Нимага тайёргарлигимиз бўлмас экан. Биттаю битта қизимиздан, молимиз эмас, жонимизниям аямаймиз. Тақдир қўшган бўлса. – Бобом кўз қири билан менга қаради. – Албатта, Кимсан акаси бўлганда-ку, тўйга ўзи бош бўларди-я!

Кимсан акамнинг номини эшитишим билан сесканиб тушдим. Сакраб ўрнимдан турдим. Чойнак хонтахтага ағанаб, оёғимга тўкилди. Тиззам жа-

зилаб ачишди. Ўқдек учиб, қоронғи уйга кирди-му ўзимни ерга отдим. Ўша заҳоти бошимда ойим пайдо бўлди.

– Вой ўлмасам! Вой шўрим, – деди титраб. – Ёмон куйдингми? Қани, кўрсат!

Наматни муштлаганча чинқариб юбордим.

– Керакмас! Керакмас! Кетинг.

Ойим юзларимни силаб, бошимни тиззасига олди.

– Ёмон куйдими? Қаёқда турган экан бу палакат!

– Керакмас, – дедим яна. – Бошимга ураманми?

Ойим эсанкираб қолди.

– Унақа дема, қизим, – деди ёлвориб. – Нима қилай, болам! Қиз маъни борки бир кунмас бир кун бошига шу савдо тушади-да! Онанг бўлганимдан кейин бахтингни ўйлайман-да, жон болам.

Охирги гапи ҳукмномадек эшитилдию юлқиниб қучоғидан чиқдим.

– Боққанингизни таъна қиялмасизми? – дедим чақчайиб. – Бўпти, кетаман! Кетаман, уйингиздан!

Ойим ҳайрон бўлгандек кўзимга узоқ термилиб қолди. Қоронғида чуқур хўрсинди.

– Болам, – деди бош чайқаб. – Бу дунёга келиб топган бахтим Кимсан билан сен-ку! Менам тўйингни кўрсам дейман...

Тағин гапирари-я! Кафтларим билан юзимни тўсиб олдим.

– Қочинг! – дедим чинқариб. – Кўргани кўзим йўқ, ўшани!

Эшикдан бобомнинг асабий товуши келди.

– Падарингга минг лаънат сендақа паканани! Нима қиласан болани қийнаб!

Ойим мени қайтадан қучоқлади.

– Вой, ман оёқ-қўлидан боғлаётганим йўқ-ку, бобоси!

– Э, ўл! – Бобом яна ўшқирди. – Отанг Орифхўжабойнинг ўғлига унашаман деганида ўламан сатор тегмайман деб йиғлаганинг эсингдан чиқди-ми? Томорқанинг туйнуғидан эмаклаб чиқиб бўйнимга осилиб ялинган ким эди?

– Вой ўлай, мен нима қилдим? – деди ойим йиғламсираб. – Йўқ десанг сатқай сар!

– Комилни жавобини бериб юбор! – Бобом «гап шу» дегандек кескин бурилиб, эшикдан нари кетди.

...Анчадан кейин ҳамма ёқ тинчиб қолди. Фақат молхонада сугир мўърайди. Хонтахтада турган чироқ атрофида парвона унсиз чарх уради. Дераза олдига келдим. Осмонда кемтик ой муаллақ осилиб турар, хира нур сочар эди. Билмайман, негадир шу топда Кимсан акам ҳам яримта ойга термилиб, мени ўйлаётгандек бўлиб кетди. Худди ой – синиқ тошойнаю бир томонда у, бир томонда мен кўзгуга қараб бир-биримизга термилиб турибмиз.

Кимсан акам нимага унақа қилди? Нимага ойимга айтмади? Робияга кўнглим бор деса шунча гап-суз йўқ эди... Қайтага ойимниям хафа қилиб қўйдим...

Ўзаман, ҳаммасини ёзаман! Очил ака совчи юборганиниям, бобом ойимни сўкиб берганиниям...

3. «Яхши кўриш – айб эмас!»

Куз эрта тушди. Картошка кавлаш ёмғирга қолиб кетди. Эҳтимол куз ҳам, ёғингарчилик ҳам вақтида бошлангандиру колхозда эркак зоти қолмагани учун ўзимиз ишни чўзиб юборгандирмиз.

Уч кундан бери тинимсиз ёмғир ёғади. Дала ботқоққа айланиб кетган. Пайкалга кирсангиз, этикка лой чиппа ёпишиб, оёғингиз билан қўшиб суғуриб оламан, дейди. Бобом ишнинг кўзини би-

лади. Худди сариёғ кесгандек, кетмонни авайлаб ташлайди. Битгаям картошкага шикаст етказмайди. Картошкани кавлаш бир ҳисса азоб бўлса, териш ўн чандон азоб. Палакни тортсангиз картошка билан қўшилиб бир ботмон лой чиқади. Хайрият, ҳосил мўл. Аммо лойдан картошкани ажратиб олгунча қўлингиз акашак бўлиб қолади. Пахталик ёқасидан ёмғир ичингизга сизиб тушиб, гашингизни келтиради. Терлаб кетасиз. Пахталикни ечсангиз – совуқ, кийсангиз – иссиқ...

Кечга яқин пайкал бошида Умар закунчининг жийрони кўринди. Одамлар дарров ерга эгилди. Бурнидан буғ чиқиб турган от шўлт-шўлт лой босиб, яқин келди. Жийрон, этагига гард юқтирмасликка уринган таннозлардек нуқул думини гажак қилади. Аксига олиб ҳар қадам босганида думига лой сачрайди. Закунчи эрталабдан бери чоптириб юрган шекилли, жийроннинг човлари оппоқ кўпириб кетган. Аввалгидек гижингламайди. Закунчининг ўзи ҳам бурнидан тортса йиқилгудек алпозда, кўзлари киртайган. Бошидаги чақмоқ телпак ҳўл бўлиб, мушукнинг терисига ўхшаб қолган...

– Ҳорманглар-ов! – деди у отнинг жиловини тортиб. От оғзи кўпириб, пишқирди. Лойга ботган оёқларини ҳорғин депсиди.

Хотин-халаж чекка-чеккадан «саломат» деб ишини давом эттираверди.

– Бўш келманглар, азаматлар! Кўриб турасизлар, бизнинг картошка душман устига снаряд бўлиб ёғилади. – Умар закунчи от жиловини силтаб, бобом томонга юрди. Жийроннинг ҳам, ўзининг ҳам шашти аввалгидай баланд эмас. Шу бечорага-ям қийин. Хотини бўлмаса, бола-чақаси бўлмаса... Тўғри, авваллари мен ҳам Закунчини ёмон кўрардим. Одам ўзи қўрққан кишисини ҳеч қачон яхши

кўролмайдди. Қўрқдингми – ишонмайсан. Ишонмадингми, ёмон кўрасан.

Уруш бошланганидан бери Умар закунчи ўзгариб қолган. Тўғри, ҳалиям тонг бўзармасдан эшикни қамчи дастаси билан тақиллатиб келади. Аммо энди «...наҳс босиб ётибсан» демайди. «Ўртоқлар, уруш кетяпти ахир», деб тушунтиради. Қизиқ, битта гапни икки хил қилиб айтса, таъсири икки хил бўларкан. Ҳозир одамлар Закунчига анча кўникиб қолишди. Бўлмаса раис зуғум ўтказиб юрган кезлари не-не ғийбатлар тарқамаган эди. «Закунчи терговчи экан, пора олиб қамалай деб турганида қишлоққа қочиб кепти», «Хотини қиз чиқмагани учун алаmidан Қўқондаги ҳовли-жойини ташлаб келган экан».

Йўқ! Ориф оқсоқолнинг гапи тўғри чиқди. Закунчи ишнинг кўзини биларкан. Кейинги уч-тўрт ой ичида жуда ўзгариб кетди: одамларга анча меҳрибон бўлиб қолди.

Ҳозир ҳам ҳеч кимга дағдаға қилмади. Бобомнинг олдига бориб жийрондан сакраб тушди. Хиром этиги лойга ботиб кетди.

– Ҳорманг, Ҳусан ака! – деди қамчи тасмасини билагига илиб, бобом билан қўшқўллаб кўришаркан. – Кўз-қулоқ бўлиб туринг. Данакдек картошкани липпасига қистирган одамни трибуналга бераман.

– Хотиржам бўлинг! – Бобом лой ёпишавериб сирпанчиқ бўлиб қолган кетмон дастасини қайтадан чангаллади. – Одамларимиз унақа диёнатсиз эмас.

– Сиз шунақа дейсиз-да! – Умар закунчи шимининг чўнтагидан ялтироқ қути чиқарди. Қулоғини чимириб ҳадеб лой тепаётган отнинг жиловидан бир қўллаб тутганча, амаллаб гугурт чизди. – Ди-

ёнат нима қилади ҳозирги одамларда! Олтинчи бригадада бир хотин ярим қоп шолғом ўмариб кетаётганида ушлаб олдим. Нега ўғирладинг, десам сигирим оч, дейди. Фронгда йигитларимиз жон олиб, жон бериб ётибдию бу қанжиқ сигирини ўйлаб жони халак! – У жаҳл билан жийронга минди. – Эҳтиёт бўлинг.

Лойдан оғирлашиб кетган пақирдаги картошкани сават замбилга ағдардим. Замбил ёнида Олимжон дийдираб турибди. Эрталабдан буён лой чангаллаб музлаб кетди, бечора. Нуқул икки қўлини чопонининг қўлтиғига тиқиб, лойини артган бўлади. «Куҳ-куҳлаб» кафтини иситади. Бошидаги чамандагул дўпписидан юзига кир бўёқ сизиб тушяпти.

Нари борса, энди ўн ёшга чиққан бу боланинг чайирлигига ҳайрон қоламан. Катталар билан баравар ишлайди. Картошка теради. Зилдек замбилни чираниб кўтариб аравага ташийди. Иккита аравамиз бор. Биттаси колхознинг ризвон арава-си, биттаси бобомнинг эшак арава-си. Бири юк ортиб омборга кетса, иккинчиси келиб туради.

– Совуқ едингми, Олимжон? – дедим ачиниб. – Майли, ҳеч нима қилмайди.

– Совуқмас, опа! – Олимжон лой юқи кафти билан ёмғирдан ҳўл бўлган юзини артиб яқин келди. – Олдик!– деди қиз боланикига ўхшаган ингичка овозда. Лекин ўша заҳоти қувонч билан қичқириб юборди: – Ака!

Замбилнинг орқа бандини шошилиб кўтарган эканман, беш-олтита картошка ерга тўкилди. Жаҳл билан қаддимни ростлаб қарасам, Олимжоннинг ёнида Очил ака турибди. Бошида айвони кенг шапка, эғнида плаш. Оёғида брезент туфли. Лой кечиб келгани учун туфлисининг рангини

ажратиб бўлмайди. Лекин қачондир оқ бўлгани кўриниб турибди. Тринка шими тиззасигача лойга ботиб кетган.

– Ҳорманглар! – У бу гапни хушчақчақлик билан айтгиси келдию овози қандайдир ясама, ишончсиз чиқди. Ёмғирдан намланган кўзойнагини ечиб, плашининг ёқасига артди. Қулоғига илган эди, кўзойнаги ҳўл бўлиб баттар хиралашди шекилли, шоша-пиша яна ечдида, плашининг астарига арта бошлади. Митти кўзларини пирпиратиб илжайди.

– Чарчамаяпсизми?

– Раҳмат, сиз сўрагандан бери! – дедим ансам қотиб. Лойга тўкилган картошкаларни қўшқўлаб замбилга ташладим. – Кўтар, Олимжон!

Очил ҳовлиққанча кўзойнагини тақди.

– Йўқ, – деди бош чайқаб. – Менам қарашгани келдим, Робияхон, хўп денг, кўтаришай!

Олимжон қутулганига шуқр қилгандек илжайиб турар, кўзларида, «кўриб қўйинг, опа, бизнинг акамиз шунақа», деганга ўхшаш ифода бор эди. Совчи юбориб менга шунча азоб берганининг алами ҳалиям кўнглимда турган экан. Жаҳлим чиқиб кетди.

Мен Кимсан акамнинг хатини кутиб, кечалари тиканакка ағанаб чиқай-да, бу киши совчи юборсин?! Эркакман деганларнинг ҳаммаси урушда юрсин-да, бу киши тўй қилгилари келсин!

– Нима? – дедим кафтимни қулоғимга тутиб. – Кечирасиз, бир нима дедингизми?

У баттар хижолат чекиб илжайди. Ёмғирда кўзойнаги хира йилтираб кетди.

– Қарашгани келдим, – деди юпқа лаби титраб.

– Йўғ-е! Биз бечораларга ёрдам бермоқчи бўпсизда. Шошманг, ҳозир...

Шундай деганча эски пақирни кўтариб, пуштага қараб чопдим. Қўлларим музлаб қолганига парво қилмадим. Челақ тўлиши билан олиб келиб замбилга тўкдим. Ўша заҳоти яна пуштага югурдим. Олимжон ҳайрон. Нуқул чопонининг енгига бурнини артади. Акаси бўлса томошахонага кириб қолган одамдек анқайиб турибди. Замбил тўлиб кетди. Охирги пақирдаги картошка хирмондек уюлиб кетган замбилга сифмай тошиб тушди. Тўкилган картошкаларни битта-битталаб замбилга жойладим-да, орқа томондаги тутқични ушлаб буюрдим.

– Қани, олдик!

Забилни кўтаришим билан кўз олдим жимирашиб кетди. Белим қирс этди.

Бутун кучимни тўплаб, овозим борича ҳайқирдим.

– Кетдик!

Аравагача бир юз ўттиз қадам! Аниқ биламан. Нариги пуштадан бир юз ўн қадам эди. У пушта билан бунисининг ораси йигирма қадам бўлса, бундан чиқди, бир юз ўттиз қадам! Бу – Олимжоннинг қадами билан. Ҳозир тезроқ юрсак юз қадамда етамиз! Э, Худо, шарманда қилма! Ўзинг қувват бер! Кимсан акамнинг этиги катта, тўпиқларимни уриб, яра қилиб юборган. Майли, чидайман! Фақат йиқилиб тушмасам бўлдим! Қўлларим узилиб кетай деяпти. Нима қилдим, замбилга олти пуд юк ордим шекилли? Зарилмиди. Майли! Ажаб қилдим. Мен чидайман, ўлсам ҳам чидайман. Уям чида-син! Жонидан суйган одами қон кечиб юрган қизга совчи юбориш қанақа бўлишини билиб қўйсин.

Ўзимга қойилман! Очил ака гандираклаган сайин кучимга куч қўшиляпти. Кўриб турибман. Айвони кенг шапкасининг орқасидан сув сизиб гарданидан оқиб тушяпти. Ана, чиллақдек қўллари

қалтирай бошлади. Плашининг елкалари жиққа хўл бўлиб кетди. Оёқлари чалишиб кетяпти!

Бир маҳал у тўхтаб қолди. Ўзим оёқда зўрға турибману зарда билан замбилни итардим.

– Қани?! Ҳа!

У елкаси оша орқага ўгирилиб қаради, хижолатли жилмайди.

– Туфлим... – деди секин. – Тушиб қолди.

Қарасам, ростдан ҳам чап оёғида туфли йўқ, пайпоғи лойга ботиб боряпти.

– Этигингиз йўқмиди? – дедим юк залворидан чираниб. – Майли, янаги сафар этик кийиб келасиз.

Олимжон лойга ботиб қолган бир пой туфлини кўтариб, замбил ёнига келган эди, Очил ака жеркиб берди:

– Бор, ишингни қил!

Ниҳоят, ёмғирда мудраб турган ҳўкизлар, ярмигача картошка билан тўлган аравага етдик.

Замбилни ерга қўйишимиз билан енгил тортиб, қаддимни ростладим. Шунда ҳам бўш келишни хоҳламасдим.

– Афдармайсизми, замбилни?... Ергамас, аравага!

– Ҳозир! – У замбил тўла картошка устига таппа ўтириб қолди! Ҳансираб нафас олди. Рангида ранг қолмаган, оғзини балиқдек каппа-каппа очар, гунноҳ иш қилиб қўйиб, дакки эшитишдан чўчиган боладек аянчли илжаяр эди. Олимжон келтириб берган бир пой туфлини у қўлидан бу қўлига олганча мен томон бурилди.

– Робияхон, – деди ҳансираб, – совчиларни қайтарибсиз?..

– Нима? – ҳеч балогоа тушунмагандек қараб турдимда, хохолаб кулдим. – Э, совчими? Кимсан акам нима деганди сизга? Эсингиздами? Баҳорда.. хат берганингизда.

– Робияхон... – У кўзойнаги ортидан кўзимга илтижол мўлтираб қараган эди, бақириб бердим:

– Э, тулинг-э! Картишкани одамлар ейди!

У сапчиб ўрнидан турди. Шу билан тоза бўлиб қоладигандек, замбилдаги картошкаларни силаб қўйди.

– Кечирасиз, Робияхон, – деди. Кўзойнагини чўнтагига солди. Ёмғир тагида шумшайиб турганича, шапкасини ечди. Бошидан буғ кўтариларди. Киприкларини пирпиратганича, митти кўзларини юзимга тикди.

– Робия, – деди секин, – мени кечиринг. Менам маълимга ўхшаб адабиётчи бўлмоқчи эдим. Мен... маълимни яхши кўрардим... Бизниям ўқитганлар...

«Қанақа маълим? Кимни айтяпти? Ҳа-а! Дадам!»

Юрагим бир қалқиб тушди. Дадам! Қаёқда экан ҳозир?! Балки жангга киргандир? Қанийди, шунақа бўлса!..

Қанийди дадам ҳам Кимсан акамдек «добровол» бўлсаю одамлар олдида бошимни баланд кўтариб юрсам! Ўша прокурор Хўжақуловга, анави сўгалли, сўхтаси совуқларга, мактабда менга таъна қилган ўқитувчи хотинга айтсам: «Сенлар туфайли бегуноҳ дадам қамалди. Сенлар туфайли мактабдан кетиб қолган эдим, ана, кўриб қўй, отам душман эмас экан-ку, қаҳрамон бўпти-ку», десам...

Очил ака, кўзи яхши кўрмаса ҳам, мунгайиб қолганимни сезди.

– Робия, – деди илтижо билан... – Мен... мен...
– деди юпқа лаби титраб. – Сизни севаман... Анчадан бери...

Мен нима дарддаю бу нима дейди! Индамай юзимни ўгирдим.

– Йўқ, мен рост айтяпман, Робияхон! – У кетиб қолишимдан кўрққандек, шоша-пиша давом этди.
– Яхши кўриш айб эмас-ку, тўғрими?

Тўнчасига ўралиб, дийдираб турган Олимжон ҳеч нимага тушунмай гоҳ акасига, гоҳ менга қараб, илжайиб қўйди. Бурнини тортди.

– Мендан рози бўлинг! – деди Очил ака тўсатдан. Овозида вазмин хотиржамлик бор эди. – Эртага жўнаяпман, – шундай деди-да, кўзойнагини тақиб, юзимга бир қараб қўйди. Оҳиста бурилиб, укасининг елкасига қўл ташлаганча, бир оёғида туфли, бир оёғида пайпоқ билан сирғаниб-сирғаниб, оқшом қоронғилигига сингиб кетди.

Анграйиб қолдим. Ҳамон симиллаб ёмғир ёғар, белим сирқиллаб, икки кафтим ачишар, аллақачон кун ботганига қарамай таҳдидли қизариб турган осмондан қор иси келар эди.

4. «Ё маниям олиб кетинг, ё ўлдилинг»

Кўнглим бўм-бўш бўлиб қолди. Ҳеч кимни кўргим келмас, биров савалаб ташлагандек, аъзойи баданим сирқираб оғрирди. Уйга келсам, аксига ҳовли зимистон. Ойим Холпош холаникига чиққанга ўхшайди.

Токчадаги лампани ёқиб, кўрпачага чўкканча бир зум ўтириб қолдим. Пилиги сўхта чироқ чирс-чирс қилади, ташқарида ёмғир шитирлайди. Баданим увишиб кетяпти. Бутун олам, ҳатто ичим ҳам зах босиб кетгандек. Ҳеч нимани ўйлагим келмас, лойга қорилган сон-саноксиз картошкалар, қилтиллаб замбил кўтариб бораётган Очил ака, бурнини тортиб турган Олимжон кўз ўнгимдан бирма-бир ўтарди. Кейин Кимсан акам пайдо бўлди: кулиб турибди. Хат ёзганимга икки ойдан ошди. Қизиқ, қаердайкин ҳозир? Балки худди шунақа зах босган ерда, лойга беланиб ётиб, милтиқ отаётгандир? Балки у томонларда аллақачон қор

туш-гандир. Лойдан қор яхши. Совуқ бўлсаям бари бир, балчиққа ботмайди...

Эртага картошкани қазиб бўлсак, индиндан кечки карамга тушамиз. Армияда карам шўрва беради, дейишади. Балки худди ўша мен узган карамдан Кимсан акамга шўрва пиширишар.

Овқатни ўйлашим билан қорним очгани ёдимга тушди. Ҳали пешинда картошка қайнатиб еган эдик... Энди тушликка бир вақтлардагидек қўй сўйиб шўрва солишлар, ош дамлашлар йўқ. Майли, устимиз юпун бўлсаям, чалақурсоқ юрсак ҳам гўрга! Ишқилиб, уруш тезроқ битсин. Кимсан акам тезроқ келсин!

Ҳали Парча опа ҳовлиқиб, гапириб қолди: «Дўм-бирободлик Раҳим сассиқнинг ўғлидан «қорахат» кепти. Сассиқ бечора шумхабар олиб борган Абзини роса дуоибад қипти. Кейин биттаю битта бола-сига аза очибди...»

«Қорахат...» Кейинги пайтда шу совуқ сўз кўпайиб қолди. Қизиқ, Кимсан акамдан нега хабар йўқ? Хат келган бўлса Рашид абзи мастликда тушириб қолдирдимикин? Йўқ, бобом айтди-ку, уруш бошлангандан бери ичмай қўйганмиш. Ўлибдими, хат бўлса ўзи олиб келарди.

Белимга бир бало бўлдимиди? Нима зарил эди, Очил акага аччиқ қилиб, шунча юк кўтариб... Нима деди?

«Рози бўлинг эртага жўнайман», дедими? Ўзим ҳам ўлгудай заҳарман-да! Бечорани бекордан-бекорга шунча калака қилдим. Тўғри айтди, яхши кўриш айб эмас-ку! Яна нима деди? Дадамни гапирди, чин юракдан гапирди... Дадам ҳам урушга кирган бўлса... Кимсан акам билан кўришиб қолишса... Бир-бирини танишармикин? Ҳайронман, ойимдан нимага дарак йўқ? Даладан қайт-

мадимикин? Йўғ-е, тўқайдаги бригадага кетишганди-ку. Ораси яқин. Аллақачон келган. Холпош холаникига чиққан. Овсинларнинг шунақа одати бор: иккаласи бир-бирига далда бериб гаплашиб ўтиришади. Туриш керак. Ҳозир кўзим илинса – тамом! Қотиб ухлаб қоламан... Мунча совуқ? Қор ёғади, шекилли... Танча очсакми?.. Шошма, сигир софилдимикин?

Йўқ, турмасам бўлмайди! Ҳализамон бобом келади. Овқат иситмасам жаҳди чиқади.

Сирқираб кетаётган белимни аранг кўтариб, ўрнимдан турдим. Айвон тоқчаларидаги хурмачаларни қарасам, иккаласи ҳам сутга тўла. Бундан чиқди, ойим сигирни соғибди. Қизиқ, нега мўърамайди? Арқонга ўралашиб бўғилиб-нетиб қолмаганмикин?

Чироқ шишасини рўмолим билан пана қилиб ҳовлига тушдим. Ёмғир ҳамон эзмаланиб ёғар, қор иси кучайган эди. Молхона бурчагида ётган сигир чироқни кўриб пишиллаб ўрнидан турди. Кўзлари ялтираб шу томонга қаради. Белига лой чаплаб қўйилибди...

Чироқни авайлаб тутганча ошхонага кирдим. Туюқни очсам, қозон бўм-бўш. Ие, ҳар қуни бобом иккаламизнинг насибамиз қозонда турарди-ку! Ўчоққа олов ёқилмаганини энди кўрдим. Кўнглимга гулгула тушди. Бир гап бўлган! Ойим жилақурса, бир қошиқ обиёвфон пиширарди. Овқат қилмаган, чироқ ёқмаган, ўзиям йўқ! Ё Кимсан акамдан...

Хаёлимга келган даҳшатли фикрдан эгим увушиб кетди. Чироқни ўчоқ бошига қўйдиму ҳовлига отидим. Тезроқ Оқсоқол буваникига чиқиш керак. Юрагим қинидан чиққудек бўлиб, кўча эшик томонга югурдим. Сочларим жиққа сув бўлиб кетган, нимчам елкамга ёпишиб қолган, оёғимдаги

кавуш лойга ботиб, шалоплаб гашимни келтирар, лекин хаёлимда фақат битта фикр бор эди. «Ишқилиб тинчлик бўлсин!»

Лой кўчадан сирғаниб бораётсам бошига қора гушпи – чопон ёпиниб келаётган одам кўринди. Эрками-хотинми билиб бўлмайди. Бўйи бир қарич, қоп-қора шарпа. Худди тўнтариб қўйилган хумчага ўхшайди. Ўн қадамча қолганда шарпа тўхтади.

– Йобияпа! – деди ингичка овозда.

Товушидан таниб, кўнглимга илиқлик ёйилди. Фотима келиннинг қизи.

– Сенмисан, Попук? – дедим яқин бориб. – Ойим сизларникига чиқмадиларми?

– Чиқдила, – деди қизалоқ, чопон ёқасидан мўралаб. – Бувимла этгилаки, овсинлайи укалайиникига кетибдила. Укалайи уюшга кетайкан. Бувамла Кўтаймага бойайканла.

Қизалоқ айтган янгиликни идрок этгунимча хийла вақт ўтди. Бундан чиқди Шомурод тоғам урушга жўнаяпти. Ойим Кўтармага кетган.

Эсимни йиғиб олгунимча қизалоқ узоқлаб кетди.

– Тўхта, Ойпопук! – дедим қичқариб. – Уйингга обориб қўяман. Қоронғида қўрқиб юрмагин.

Қизалоқ тўхтади. Тескари тўнкариб қўйилган хумчадек гавдасини ўгириб бурилди.

– Қўйиқмийман, ҳайий, Йобияпа! – деди ингичка овозда.

Ёмғир остида бир зум туриб қолдим. Юрагим анча таскин топди. Нимага шунақа бўлганини кейин англадим. Демак, тинчлик экан. Кимсан акамдан ёмон хабар келмабди. Лекин ўша заҳоти Раъно келинойим кўз ўнгимда пайдо бўлди. Ўзимни ёмон кўриб кетдим. Раъно янгам! Олти ярим ойлик келин... Ҳоли нима кечади энди? Ёлғиз ўзи нима қилади?

Ҳовлига кириб, талмовсираб турсам, кўчадан эшак ҳанграгани эшитилди. Бобомнинг эшаги илгари бошқача эди. Кўча бошига етиши билан, «эшитиб қўйинглар, биз келяпмиз» дегандек, овозини баралла қўйиб ҳангилларди. Ҳозир унақа эмас. Нола чеккандек қисқагина ҳанграйдию овози ўчади.

Чопони ҳўл бўлиб кетган бобомнинг қўлига сув қуярканман, у менга қарамасдан суриштирди:

– Ойинг қани?

Ҳозир Ойпопукдан эшитган гапимни айтган эдим, бобом хўрсинди.

– Битта ўзинг қўрқмайсанми? Оқсоқол буванг-никига чиқиб ётақол.

Бу – «мен кетдим», дегани эди.

Шундоқ мушкул пайтда Раъно янгамнинг ёнида бўлгим келарди. Қон йиғлаб ўтиргандир шўрлик!

– Менам борай, – дедим бобомга ялиниб. – Эрта-лаб ўшанақаси далага чиқа қоламан.

Икковлашиб йўлга тушдик.

Бобом бўйи калта бўлганига зарда қилгандек катта-катта қадам ташлаб лой кечиб кетяпти. Жуссаси кичкина бўлса ҳам бақувват, чайир. Худди ерга чуқур қоқилган қозиққа ўхшайди. Одатда, узун қозиқни у ёқ бу ёққа ликиллашиб бир тортсангиз суғурилиб чиқади. Лекин калта қозиқ ерга бир ёпишдими, силжимайди.

Бобом ҳам шунақа. Қоронғида пишиллаб тез юриб боряпти, сирпанмайдиям. Алвасти кўприкдан ўтиб олсак бўлди. У ёғи узоқмас. Фақат кўприкдан ўтишга тоқатим йўқ. Яқин келишимиз билан тубсиз чуқурликда, зулмат қўйнида қулоқни қоматга келтириб вошиллаб ётган жарга қарамаслик учун қадамимни тезлатдим. Бобомнинг товонини босиб олишимга оз қолди.

Бобом ёмғирдан тайганоқ бўлиб кетган шағаллардан сирғаниб темир йўл устига чиқаркан, норозилик билан тўнғиллади.

– Оббо! Шу етмай турувди! Қор ёғяпти. Мунча эрта ёғмаса бу! Ерда қанча нарса ётибди ҳали.

Алвасти кўприк ваҳимаси билан сезмаган эканман.

Юзимга совуқ учқунлар урилаётганини энди пайқадим. Темир йўл излари хира йилтираб ётар, олисда разъезд чироқлари қизғиш липиллаб турарди. Чироққа қараган эдим, қор учқунлари қуюқлашиб бораётганини кўрдим. Пастда эса Бўрижар ҳамон шариллайди...

Сирли шивирлаб турган ёнғоқзор орасидан чиқиб, Кўтармага етгунимизча ер билинар-билинемас оқарди. Кўча четидаги дарахтлар табиатнинг аёвсиз қаҳри олдида таслим бўлгандек хомуш бош эгди. Сомонсувоқ қилинган томларни қировдек юпқа қор босди. Ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.

Кўтармадаги ҳовлилар бизнинг қишлоқдагига ўхшаган зич эмас. Бири бу ерда, бошқаси у ерда. Шомурод тоғамники энг чеккада. Икки пахса пастак девор билан ўралган ҳовли. Ташқари томонда дераза йўқлиги учун уй ҳам ҳовли девори билан туташиб кетган. Фақат баландроқ – уч пахса. Сомон сувоқ қилинган томнинг у ер-бу ерида ёғоч тарновлар диккайиб турибди.

Ота-бола пастак эшикка яқинлашган эдик, ёнғоққа боғлаб қўйилган от пишқириб, сувлиғини шақирлатди. Умар закунчининг оти. Демак, тоғамни кузатишга уям кепти. Шомурод тоғам текистилда ишласа ҳам бари бир шу колхознинг кишиси-да! Яхши, раис одамгарчилик қипти! Бобом билан олдинма-кетин ҳовлига кирдик. Ошхонанинг очиқ эшигидан ланғиллаб ёнаётган олов

кўринади. Ўчоқ бошида куйманаётган ойимнинг қорасини узоқдан танидим. Ёғоч чўмичда ҳадеб қозон кавлаяпти.

Бобом эркакларнинг гўнғир-гўнғир овози келаятган уйга йўналди. Мен ошхонага киришим билан қурум босган устунга суяниб, юпқа лаблари титраганча йиғлаётган Раъно келинойимга кўзим тушди. Оппоқ қўйлак устидан кийган бахмал нимчаси кўксига чиппа ёпишиб, қоматини кўз-кўз қилаётгандек. Жун рўмол тагидан чиқиб турган паришон сочларида қор учқунлари йилтирайди.

– Унақа қилманг, келинпошша! – Ойим чўмични айлантларар экан, юпатди. – Ирими ёмон бўлади, Раънохон! Юртга келган тўй...

– Керакмас бунақа тўй, керакмас! – Раъно келинойим кўзи тўла ёш билан ойимга юзланди. – Мен нима қиламан?! Бир ўзим нима қиламан бу ҳовлида!

Ойим чўмични қозон қулоғига илиб, Раъно келинойимни қучоқлади:

– Ношукрлик қилманг, жон болам. Эл бор, юрт бор. Мана бизлар бормиз.

Ойим бирдан менга кўзи тушиб, қувониб кетди.

– Ие, ана синглингиз! – деди шу билан Раъно келинойимнинг дарди енгиллашиб қоладигандек дадилланиб. – Мана, Робия бор! Келиб туради. Ҳар куни келасан-а, қизим!

Келинойим менга ўтирилди. Ўчоқдан олов шуъласи тушиб турар, янгамнинг йиғидан қизарган юзи янаям чиройли бўлиб кетганга ўхшарди.

– Йиғламанг, – дедим қучоқлаб. Димоғимга ғалати, ширин атир иси урилди.

– Пешонам қурсин! – деди у лаблари титраб.

– Қўйинг, келинойи! Кўрасиз, ҳадемай уруш битади. Ой бориб – омон келадилар.

Ойим ошхона эшигидан айвонга мўралади.

– Бўлди, болам, бўлди, – деди овозини пасайтириб. – Эрингиз кўрса кўнгли бузилади. Ана ўзи!

Айвон томондан Шомурод тоғамнинг йўталгани эшитилди. Аввал ойим, кетидан мен ўша томонга юрдик. Тоғам тоқчасида фонус ёниб турган айвон ўртасида тўхтаб, шу томонга қаради. У елкасига кувелигидан кийган беқасам тўнини ташлаб олган, негадир жилмайиб турар эди. Яқин боришим билан айвон пештоқига келди-да, эгилиб пешонамдан ўпди.

– Вой-бў! Катта қиз бўпқопсан-ку, – деди кулиб. – Асли тўйингни ўтказиб кетсам бўларкан-да!

Бўза ичган шекилли, димоғимга ачимсиқроқ ҳид урилди. Уялиб тескари қарадим.

– Тўйингни менсиз ўтказиб қўймагин тагин! – у кулиб туриб бармоғи билан пўписи қилди. – Келиб ўзим узатаман, хўпми?

– Сенсиз тўй қилармидик, ука! – Ойим пилдираб айвонга чиқди-да, тоқчада турган аллақандай тугунчани тоғамга узатди. – Ма, қопингга солиб қўй. Тайинли жойга қўй, эсингдан чиқмасин.

– Нима бу? – Тоғам ҳамон кулимсираб ойимга қаради.

– Қурут! – деди ойим тантана билан. – Галанска сигирнинг қатигидан. Ярмини ўзинг е, ярмини Кимсанга бер, хўпми? Кимсаним қурутни яхши кўрарди. Соғиниб қолгандир.

– Хўп, опа, Кимсаннинг улушини албатта олиб бераман! – Тоғам ойимни юпатди. – Хавотир олманг. Ўз қўлига топшираман.

У ойимга ҳам, менга ҳам эмас, ошхона томонга қараб турганини пайқадим. Кўча эшикда тугун кўтарган хотинлар кўринди. Ойим, қоронғида кимлигини танимаса ҳам йўл-йўлакай гапириб, ўша ёққа югурди:

– Вой, айланайлар! Келинлар, овора бўпсизларда...

Нима қилишимни билмай ошхонага қайтиб кирдим. Раъно келинойимга далда бергим, бир нималар деб овутгим келарди. Йўқ, келинойим ошхонада кўринмасди. Каттакон қозон қайнаб кўпириб кетибди. Шўрванинг кўпигини сидириб, энди ҳовлига чиқмоқчи бўлиб турган эдим, ташқарида, ошхона деворининг нариги томонида Раъно келинойимнинг овози эшитилди.

– Ўзингиз хоҳлагансиз. Биламан. Урушга боргингиз келиб қолган.

– Қўй энди, йиғламагин, жоним. Нима қилай, ҳажикизга ўхшаб, одамларга шумшук кўриниб юрайми! Эркакларнинг ҳаммаси урушда, тушундингми, урушда...

Раъно келинойимнинг ҳиқиллаб йиғлагани қулоғимга чалинди.

– Нима, бу ерда керакмасмисиз? Ҳеч кимга керак бўлмасангиз менга кераксиз, билдингизми?

– Биламан, Раъно, биламан! Билганим учун шунақа қиялман-да. Уруш қанча тез битса, шунча яхши. Сенгаям яхши, менгаям.

Сукунат чўкди. Уларни чўчитиб юборишдан кўрқар, чўмични чангаллаганча ўчоқ бошида чўнқайиб қилт этмай ўтирардим.

– Менга қара, Раъно, – деди Шомурод тоғам овозини пасайтириб. – Ростини айт, мабодо кўнглинг аччиқ нарса тусаётгани йўқми?

– Э, боринг!

– Йўқ, ростини айт. Агар шунақа бўлса, – тоғам овозини тагин ҳам пасайтирди. – Ўғил бўлса отини Музаффар қўйгин, хўпми, Музаффар нима дегани, биласанми? ўолиб дегани. ғалаба дегани, тушундингми?

Яна жимиб қолишди. Қозон қаттиқроқ биқирлай бошлади. Тоғам билан келинойимнинг овози эшитилаётган девор туйнугидан қор учқунлари ошхонага учиб кириб, ўчоқ тафтида ерга тушмай эриб кетди.

– Э, қочинг! Доим шунақа ёқмай турганида шилқимлик қиласиз. – Энди Раъно келинойимнинг овозида алам эмас, эркалик бор эди.

– Ростдан ҳам кўнглинг...

– Йўқ! – Раъно келинойим овозини баланд қўйиб юборди. – Йўқ, дедим-ку!

Нимадир шапир-шупур қилди, тоғам энтикди.

– Раъно!

– Ёпишманг... Шилқим!

Зум ўтмай Раъно келинойимнинг ўксиб-ўксиб йиғлагани эшитилади.

– Чидолмайман, эшитяпсизми, чидолмайман, сизсиз! – У дод солиб юбормаслик учун ўз кафти билан оғзини тўсди шекилли, дами қайтиб ингради.

Шомурод тоғам тагин уф тортди.

– Раъно, – деди секин, – жоним!

– Обкетинг! – Раъно келинойимнинг бўғзидан бўғиқ нидо отилиб чиқди. – Обкетинг! Аскарларнинг кир-чирини юваман. Овқат пишираман! Ярасини боғлайман! Обкетинг. Жон Шомурод ака! Обкетинг!

– Раъно! – Асабийлашганидан тоғамнинг овози баланд, кескин чиқди. – Қўйсанг-чи энди.

– Обкети-нг! – Раъно келинойим ялиниб илтижо қилди.

– Раъно, жиннимисан? Турсанг-чи! Ана, ҳамма ёғинг шаллабо бўлди.

– Бўла қолсин! – Раъно келинойимнинг овози таҳдидли янгради. – Обкетинг! Обкетинг. Ё обкетасиз, ё ўлдириб кетасиз!

Айвонда биров томоқ қирди. Умар закунчининг янгроқ овози жаранглади.

– Қаёққа кетди бизнинг солдат?

– Тур, Раъно, тургин, жоним! Мени чақириш-япти.

Туйнук орқасида Раъно келинойим паст, аммо газаб тўла оҳангда пичирлади.

– Башаранг қурсин! Қаёқдан келди бу сўхтаси совуқ! Шу куниям холи қўйишмайди.

Тоғам ошхона эшиги олдидан ўтиб айвонга чиқди. Яна жимлик чўкди. Ўчоқдаги олов паса-йиб қолди. Ўтин ташлай десам, ўрнимдан туриш-га қўрқаман. Бир маҳал эркаклар ўтирган уй томондан қийқириқ кулги келди. Чамаси Шомурод тоғам қайтиб кириши билан Умар закунчи аския қилди шекилли, тоғамнинг фабрикада ишлайди-ган ҳамкасблари баравар қаҳқаҳа отишди. Раъно келинойим бир даста косани биқинига тираб, ошхонага кирди. Чехраси маъюс, рўмол тагидан чиқиб турган сочига, нимчасининг елкасига қор қўнган, оппоқ кўйлагининг этагига қор аралаш лой ёпишиб қолган эди. Паришон тарзда косаларини ўчоқ бошига қўйиб тўнка устига ўтирди. Бир нуқтага тикилиб қолди. Шу ўтиришда фариштага, оппоқ фариштага ўхшар эди...

Ойим тоғамникида ётиб қолди. Тонготарга яқин бобом иккаламиз йўлга тушдик. Сомон сувоқ қилинган томлар устини бир қарич қор босган, ёришиб келаётган осмонда учқунлар ғужғон ўйнар эди. Негадир биринчи қор ёғишини узоқ касал бўлиб ётган одамнинг жон таслим қилишига ўхшатаман. Бемор тўшагига ёпишиб инқиллаб ёта-ёта охири омонатини топширади-ю, бу дунёнинг азобларидан қутулганига шукр қилгандек тинчиб чехраси ёришади.

Бир ҳафтадан бери ёмғир азобидан эзилиб кетган ер, ниҳоят оппоқ кафанга ўралиб, тинчиди. Ҳамма ёқ жимжит. Фақт Бўрижар яқинида ёнғоқзор устида қарғалар шодон қағиллайди. Қиличичи қайраб келаётган қишга пешвоз чиқиб, қаҳратон совуқ бошланишидан дарак беради, тантана қилади.

...Қузғунларнинг омади чопиб қолди.

ОЛТИНЧИ БОБ

«ҚОРА АММА» ҲИКОЯСИ

Юлдузи юлдузига тўғри кепти...

Раънохон келиним Шомуродга ялакат данакдек ёпишиб қолган экан. Вокзалга борганда бўйнига чирмашиб олди. Қани қўйиб юборса. Яккаш «мениям обкетинг», деб чирқиллайди. Ўзим-ку, Кимсанам билан худди шу ерда хайрлашганим эсимга тушиб юрагим соб бўляпти. Иложим қанча? Келинимни юпатдим.

– Сафарга кетаётган эрингизни йиғлаб кузатманг, ёмон бўлади, – дедим. Кошки кўнса!

Эрта куздан бери истиқо бўлиб, оёқ-қўли шишиб ётган қудам ҳам куёвимни кўриб қолай деб вокзалга чиқибди. Касал хотин трамвайга ўтириб, шундан шунга кепти. Икки ўртада уям юракни сиқади.

– Шомуроджон, ўғлим, яхши-ёмон гапирган бўлсам рози бўлинг, ўзим сезиб турибман, сиз келгунингизча йўқман... – дейди.

Яхшиям Умар закунчи бор экан. Саҳар-мардонлаб арава чақиртирган ҳам ўзи, бош бўлиб вокзалга олиб чиққан ҳам шу бўлди. Қудам ҳадеб нолийверган эди, жаҳли чиқиб кетди.

– Совет жангчисининг қайнонаси бунақа бўлмайди, – деб уришиб берди.

Раънохон бўлса ҳеч ким билан иши йўқ. Эридан ажралгиси келмайди. Этни тирноқдан ажратмай тўнғиз қўшгур, гирмон бўлмаса, шу азоблар йўқ эди!

Поезд жўнай деб турганида оломон орасида Комил табиб билан хотинига кўзим тушиб қолди. Лазакат бечора йиғлайвериби шишиб кетибди. Очилбойни жўнатишяпти экан. Ўз ташвишим билан бўлиб беҳабар қолибман. Совчиликдан қайтарганимга аразлаган бўлса керак, деган эдим. Йўқ, Лазакат мени қучоқлаб йиғлади.

– Болагинам яқиндаги нарсани яхши кўрмасди! Ҳоли нима кечади энди!

– Унақа деманг, онаси, – Комил табиб хотинини юпатди. – Очилбой – пок бола. Пок одам хор бўлмайди, адолат деган нарса бор. Худо бор.

Лазакат шўрлик баттар чирқиллади:

– Уруш адолатни биладими?

– Бари бир. Ҳақ деган нарса бор, онаси...

Поезд кетганидан кейин разм солсам, Раънохон адойи тамом бўпти.

– Уч-тўрт кун онангизни бағрида тура қолинг, – дедим.

Тўғри-да, ҳарна кўнгли ёзилгани! Қолаверса, касал онасига мадад бўлади. Раис ҳам Раънохоннинг аҳволини сизди шекилли, ҳайтовур, йўқ демади. Она-болани аравага ўтқизиби қудамникига – Янги маҳаллага олиб кетди.

Комил табиб, Лазакат – учовлашиб, қор кечиби йўлга тушдик.

Лазакат ўқтин-ўқтин, «боламнинг кўзи яхши кўрмасди-ку, энди нима бўлади», деб нолир, Комил табиб эса вазминлик билан индамай борар, қор ёғиб турган осмонга қараб-қараб қўяр эди.

Нўғайқўрғонга етиб келгунимизча кун оғди.

Эргалаб «җа-бўл, җа-бўл» билан маҳсимни пайтавасиз кийган эканман, зах ўтиб оёғим акашак бўлиб қолди.

Уйга келсам ҳеч ким йўқ. Чолим билан Робия далага чиқиб кетган шекилли, сигир мў-мўлай-вериб молхонани бошига кўтаряпти. Ҳовлиқиб томорқага чиқдим. Узумзор этагидаги жўхориларнинг сўтасини териб олган бўлсак ҳам, поясини йиғишга қўлимиз тегмаган эди. Қорга ботиб икки қучоқ жўхориюя юлиб чиқдим. Сигирга, қўйга бердим.

Бир кўнглим нон ёпгим келди-ю, ўша заҳоти ниятимдан қайтдим. Наридан борса, бир қопча унимиз, уч хум жўхори қолган. Чолим қаттиқ тайинлаган: «Унни эҳтиёт қилмасанг бўлмайди, ҳали бундан ҳам оғир кунлар келади», деган.

Тўғри, қора кунга асраб қўйган буғдойимиз ҳам, жўхори ҳам кўп эди. Эргаш сельсовет билан Умар закунчи «урушга ёрдам керак», деб келганида чолим икки қоп буғдой, бир қоп жўхори, бир қоп туршак, ёнғоқ аралаш қуруқ мевани эшак аравага ортиб идорага обчиқиб берди. Уруш бўлаётган жойларга совуқ эрта тушаркан шекилли, бисотимиздаги ҳамма иссиқ кийимларни топширдик. Кимсаннинг этиги, телпаги, чолимнинг оҳорли пахталик чопони – ҳаммасини...

«Урушга ёрдам» деган гапни эшитса, ўзини орқага ташлайдиган одам йўқ. Аммо заёмдан қочадиган, налогчи келса бекинадиганлар ҳам бор. Шунда сельсовет билан Закунчи қилолмаган ишни Ориф оқсоқол эплади. Ҳаммининг уйига бирма-бир кириб чиқди.

– Ҳой, белингда белбоғинг борми ўзи, йигитларимиз у ёқда қорга ботиб юрибди. Сен бу ерда кетингни танчага тиқиб ётибсан, энди бир жуфт этикниям аяйдиган бўлдингми, нодон, – деб бир

бақирган эди, ўшанақа қилғилиқ қилганлар ҳам топган-тутганини олиб чиқди.

Оқсоқол бўлса оёғига кийиб юрган этигини ҳам ечиб берди.

– Мен ялангоёқ юрсам ҳам ўлмайман! Тошканни қиши совуқмас!

Шунақа дейишга деди-ю, ёмғирда уч кун калиш кийиб картошка қазиган эди, эски дарди қўзиб белининг боди тутиб қолди. Чолим ҳар куни кечаси чиқиб ўртоғидан хабар олади...

Шундай қилиб, нон ёпгим келди-ю, чолимнинг гапи эсимга тушиб шаштимдан қайтдим. Яхшиси, гўжа пишираман! Ярим ўғир жўхори туйсам бир қозон овқат бўлади!

Ошхонага кириб, жўхори янчаётган эдим, кўча эшик тақиллагандек бўлди. Чопиб чиқдим. Йўқ, ҳеч ким кўринмайди... Қорда тангадек изни кўриб юрагим бир қалқиб тушди. Ёғоч оёқнинг изи! Рашид абзининг оёғи-ку! Ҳовлиқиб кўча бошига югурдим. Ҳеч ким йўқ...

Бундан чиқди абзи эшигимизга келган. Бундан чиқди Кимсандан хабар бор! Қачон келдикин! Ҳозирми? Олдинроқми? Агар Рашид абзи энди келган бўлса, нимага уйдан чиқишимга сабр қилмай кетиб қолди? Тўсатдан хаёлимга ёмон ўй келди. Авваллари Рашид абзини кўрса, югуриб борадиган одамлар энди ундан кўрқиб қолган. Абзи тақиллатган икки эшикнинг биттасида байрам бўлса, биттасида аза очилади. Одамлар уни орқаваротдан «шумқадам» дейди.

Йўқ! Бораман! Ҳозир почтага бораман!

Қор кечиб югуриб кетдим.

Рашид абзининг почтаси – разизда – сельсоветнинг ёнбошида. Халлослаб борсам, почтахона кулф. Ўзимизнинг дарвоза тагидагига ўхшаган тангадек из почтахона зинасига ҳам тушиб қолиб-

ди. Бундан чиқди, абзи ҳали қайтмаган. Хат улашиб юрибди. Кутаман! Келгунча кутиб ўтираман!

Зинанинг қорини кавушим билан сидириб ташлаб омонат чўнқайганча атрофга разм солдим. Қор тинган, аммо ҳавода ҳалиям заҳардек аччиқ учқунлар учиб юрарди.

Кўчанинг нариги бетидаги нон дўкони олдида аллақанча одам турнақатор тизилишиб дўкон дарчасига талпиняпти. Рўмол ўраган хотинлар, шапка кийган разиз рабочийлари, оёғидаги йиртиқ этиги қорга ботган ёш-ёш болалар. Ҳаммаси рангпар, бадқовоқ...

Қийин! Шу бечораларга жудаям қийин. Бизлар-ку ўлмаган қул, тирикчилигимизни ўтказиб турибмиз. Бир кафт бўлса ҳам унимиз бор, жўхори бор. Жилла қурса лавлаги қайнатиб есак ҳам очдан ўлмаймиз. Булар-чи! Заборний карточкасидан бўлак нимаси бор? Дон-дуни бўлмаса, сигири бўлмаса! Ҳа, айтмоқчи, сигирни қочириб олганимиз яхши бўлди. Майли сут налут, жун налут, ёғ налут – ҳаммасини тўласак ҳам гўрга! Ишқилиб, шу жониворнинг думига осилиб қишдан омон-эсон чиқиб олсак бўлди.

Хаёл суриб ўтирган эканман, нон дўкони олдида навбат кутиб турганлар орасида тўсатдан қиёмат қўпгандек бўлди.

Аллаким овози борича айюҳаннос солди.

– Ушла! Ушла ўғрини!

Ўша заҳоти хотин кишининг дунёни бузгудек чинқириқ товуши оламни тутди.

– Войдод! Ноним! Нонимни обқочди!

Қўрқиб кетдим. Қарасам, тўққиз-ўн ёшлардаги бола оломон орасидан отилиб чиқиб, шу томонга югуриб келяпти. Қўлида ярим буханка нон. Бошидаги йиртиқ телпаги қийшайиб кетган. Сарпойчан ботинка кийган оёғи совуқдан қип-қизил гўшга ай-

ланган. Жони боричча чопяптию икки қўлаб нонни оғзига тикади. Пахталик кийган рангпар хотин боланинг кетидан етиб келиб, елкасига чанг солди.

– Ноним! Етимларимнинг насибасини ўғирлади!
– деди чинқириб.

Боланинг елкасидан тортиб, қулоқ-чаккасига тарсаки туширган эди, бола букчайиб қолди. Хотин жонҳолатда нонга чанг солди. Бола нонни қўйиб юбормади. Чала-чулпа чайнаб очкўзлик билан юта бошлади. Беш-олти киши ёрдамга етиб келди. Гавдалироқ эркак бир мушт туширган эди, боланинг телпаги бошидан учиб қорга тушди. Болапақирни бирпасда оломон қилиб юборишди. Шунча одам савалаб ётибдию бола парво қилмайди. Қорга мук тушганича нон кавшайди. Қарасам, ўлдириб қўйишадиган. Дод солиб оломонга отилдим.

– Ҳой, инсофинглар борми, ўлдириб қўясанлар-ку, бечорани!

Рангпар хотин бола у ёқда қолиб, менинг ёқамга ёпишди.

– Бойвачча бўлсанг уйнингга обориб боқ, жодугар кампир! – деди чирқиллаб. – Иккита етимчамга нимани едираман? Эримдан қорахат келган!

Хотинни силтаб ташлаб, оломон ичига кирдим. Бола курагига тушаётган тепки зарбидан мункиб-мункиб кетяпти, аммо нонни икки қўлаб чангаллаган қўйи ютоқиб оғзига тикади. Нон бурнидан оққан қондан қизариб кетган. Шўрликни пана қилмоқчи эдим, елкамга тушган мушт зарбидан сирганиб йиқилдим оғзимга қор кириб кетди.

Ҳуштак чуриллади. Исмоил мелисанинг овози эшитилди.

– Тарқал! Ҳамманг тарқал!

Ҳуштак тагин бир марта чуриллаган эди, ғабдан эс-ҳушини йўқотган оломон секин-секин

нари кета бошлади. Бола охирги луқма нонни еб бўлиб бошини кўтарди. Юзидан қон аралаш кўз ёши оқиб тушар, нарироқда йиртиқ телпаги қорга кўмилиб ётар эди. Каловланиб ўрнимдан турдим.

– Етимларнинг насибаси эди-ку! – деди рангпар хотин чирқиллаб. – Энди нима қиламан? Болаларимга нима бераман?

Шопмўйловли Исмоил мелиса чанг солиб, боланинг елкасидан кўтарди.

– Тур! Кимнинг ўғлисан?

Бола кафтининг орқаси билан қонаган бурнини артди. Яна калтак тушишидан қўрқиб, кўзини пирпиратди. Аммо жавоб бермади.

– Урманг! – дедим мелисанинг қўлига ёпишиб. – Барака топинг, урманг. Мени танийсиз-а, Ҳусан думанинг оиласи бўламан. Гуноҳидан ўта қолинг!

Исмоил мелиса қовоғини солиб менга бир қараб қўйди. Аммо болани қўйиб юбормади.

– Э, опа, бунақалар кўпайиб кетган, – деди хўмрайиб. Овозида жаҳдан кўра афсус-надомат кўп эди. – Ота-онанг борми? – деб сўради боланинг елкасидан силтаб. Бола юлқинмади. Аммо жавоб ҳам бермади.

– Менга қара, вей! – Исмоил мелиса унинг қулоғидан чангалаб қаттиқ буради. Боланинг юзи оғриқдан буришиб кетди. Бари бир индамай тураверди. – Кармисан! – Мелиса унинг боши устида мушт дўлайтирди.

– Жон укам! – дедим ялиниб. – Урманг! Мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин! Оч қолган... Бўлма-са шу ишни қилармиди!

Хаёлимга ярқ этиб бир ўй келди. «Шу норастани уйга олиб кетсам-чи? Кимсаним урушда! Битта ўғлим иккита бўлар! Робияга ука бўлиб юрар... Оч бўлсак оч, тўқ бўлсак тўқ юраверади». Аммо ўша заҳоти бошқа бир андишани ўйлаб қолдим. Ўзи-

миз-ку қоққанда қозиқ, осганда хурмачасиз ўтирибмиз. Чолимга нима дейман? Эрта-индин боланинг ота-онаси дараклаб келиб, ўғлимни нега эгаллаб олдинг, деса нима қиламан?

– Қани, юр-чи бу ёққа!

Назаримда Исмоил мелиса бола бечорани ҳозир обориб қамаб қўядигандек бўлди, тагин ялиндим.

– Унақа қилманг. Жон укам...

Исмоил мелиса тўхтаб орқасига ўтирилди-да, тушунтирди:

– Қўрқманг, опа, урмайман. Ҳеч кими йўқ бўлса нима қилардик, детдом-петдомга жойлаймиз-да!

Рангпар хотин мелисанинг кетидан югурди.

– Мен-чи, мен нима қиламан? Ноним нима бўлади энди?!

– Дард бўлади! Бало бўлади! – Исмоил мелиса бир қўллаб болани ушлаб турганча, иккинчи қўлини пахса қилди. – Кўзингга қарасанг ўласанми, хўкиздай хотин!..

...Бўрижар бўйидаги ёлғизоёқ йўлдан қор кечиб келарканман, бурнининг қони тегиб қизарган нонни чала чайнаб ютаётган бола кўз олдимдан кетмас эди. Илоё уруш очганининг уйи куйсин! Боланинг уволи тутсин!

Ўчоққа олов ёққан эдимки, кўча эшиги тагин тақиллаб қолди. Кетма-кет овоз келди.

– Хусан абзи! Ай, Хусан абзи!

Рашид абзининг овози! У ҳамманинг отига «абзи» қўшиб гапиради. Балки шунинг учун ўзиниям «абзи» деб чақиришар. Чўмични ўчоқ бошига ташлаб югурдим. Абзи эшикни ланг очиб, илжайиб турибди.

Бошида қизил нўғай дўппи, ёнбошида тақири чиқиб кетган сумка. Ўғоч оёғининг почасини шимариб олган, соғ оёғидаги этик қорга беланган...

– Суюнши бериғиз, опай! – деди илжайиб. Ингичка, сариқ мўйловини учириб қўйди.

– Вой, овозингиздан айланай! – Абзининг музлаб кетган озғин юзидан ўпиб олдим. – Кимсандан хат борми?

– Вот, куриб қуйиғиз! – У учбурчак хатни боши устида баланд кўтарди.

Хатни қўлидан қандай юлқиб олганимни билмайман. У ёғини айлантираман, бу ёғини айлантираман. Қани саводим бўлса-ю, шариллатиб ўқий қолсам. Бир маҳал ўзимга келсам, абзи ёғоч оёғини қорга чуқур-чуқур ботириб кетиб қоляпти. Чопиб бориб қўлидан ушладим.

– Шошманг, суюнчи олмайсизми? – Шунақа дедиму нима суюнчи беришни ўзим билмасдим.

– Юқ, киракми!

Ҳол-жонига қўймай ҳовлига судрадим, Рашид абзи айвон олдида тик турганича бир пиёла чой ичди.

– Ўқиб берсангиз-чи, барака топгур! – дедим ялиниб. – Саводингиз бор-ку, ахир.

Рашид абзи негадир хатни овоз чиқармай ўқиди.

– Ўғлиғиз молодец! – деди бош бармоғини мих қилиб. – Тулада суғишга қирған. Пехотада. Лично Жуков ўғлиғизни хвалить қилған, – у негадир илжайди. – Охо! Туй була тигиш.

– Ҳой, мундоқ овоз чиқариб ўқисангиз-чи, ўр-гилай, – дедим ичим куриб. – Нима дебди? Қанақа Жукип? Қанақа тўй?..

– Килин курасиз, опай, килин!

Рашид абзи хатни ўқигани билан Кимсаннинг гапларини тузук-қуруқ тушунмади.

Хатни чангаллаб Оқсоқолникига югурдим. Овсиним танча четида ётган чолининг белига Комил табиб тайёрлаб берган «туркана» дорини сураётган

экан. Айвонда кутиб турдим. Ниҳоят ичкаридан овсиним чақиргани эшитилди. Киришим билан Оқсоқол инқилаб, ёстиққа суяниб ўтирди.

– Кимсанданми? – деди қўлини чўзиб. – Қани бер-чи!

Шоша-пиша хатни қўшқўллаб узатдим.

– Овозингизни чиқариб ўқинг, барака топкур.

Оқсоқол хатга диққат билан тикилиб қолди. Қўзига қайрилиб тушган қуюқ кўкимтир қошлари чимирилди. Сандал устидаги патнисда ётган жийда-туршакларга тикилганча, Кимсаннинг хатини эшитишга шайланиб, ҳали ўтирибман, ҳали ўтирибман. Оқсоқолдан садо чиқмайди.

– Нима дебди Кимсанжон? – Овсинимнинг ҳам тоқати тоқ бўлди шекилли, чолига қаради. – Соғ-саломат юрган эканми?

– Соғ бўлмаса хат ёзармиди! – Оқсоқол жеркиб берди. – Хати майда экан, кўзим ўтмаяпти.

Шу пайт қув-қув йўталаётган ўғилчасини кўтариб Потма келин кириб қолди.

– Вой айланай, яхшиям уйда экансиз, ўқинг, сиз ўқинг! – дедим суюниб.

Потма келин, ўғилчасини қайнонасига узатаркан, Оқсоқолга қараб кулиб юборди.

– Вой отажон, хатни тескари ўқияпсиз-ку, албатта кўзингиз ўтмайди-да.

– Ўзинг тескари! – Оқсоқол мўйловини бураб, хатни узатди. – Арабча имлода хат ўнгдан чапга ўқилади, ҳозирги имлода чапдан ўнгга! Сендан яхши биламан.

Потма келин хатни қўлига олиб, яна кулди:

– Тўғри-ку, ўтган куни Шокир акамнинг хатига-ям кўзингиз ўтмовди.

– Гапинг рост бўлса ўқи! – деди Оқсоқол тўнғилаб. – Кимсанбой нима деб ёзибдидейкин?

Болагинам доно-да! Дадаси билан мендан ташқари Оқсоқолга, Холпош холасига, Потма-Зўра келинойиларига номма-ном дуойи салом айтибди. Шокир акам, Зокир акамдан хабар борми, деб сўрабди. Хужумга ўтишгани, душманга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолганини, ўзи хизмат қилаётган жойга Жуков деган катта командир келганини ёзибди. Шундоқ катта одам Кимсаннинг қўлини қисиб «маладес» деганмиш...

– Ана! Нима дегандим, сенга! – Оқсоқол хат ўқиётган Потма келиннинг гапини кесиб менга қаради. – Ўғлинг герой бўлади десам ишонмагандинг. Жуковни биласанми ўзи? Олий Бош Қўмондоннинг ўнг қўли! Шундоқ одам, Кимсанни «маладес» дебди-ми, бундан чиқди ўғлингни белида белбоғи бор экан. Кўрасан, Шокирим билан Зокирим ҳам герой бўлади. Ака-ука битта танкда, пашистни қурвақадек эзфилаётган эмиш! Немис Масковни олишига кўзи етмай думини қисиб қолди энди. Гитлер ўудрэн³ деган генералига «қор тушгунча Масковни оламан дегандинг, ололмадингми, энди онангни учқўрғондан кўрасан», дебди. Баттар бўлсин! Эртамас, индин ўзиям қия бўб кетади. Ўқи, болам, ўқийвур!

Потма келин ўқияпти-ю, Кимсаним шундоқ ёнимда ўтириб гапираётгандек. Ўзим ўргилай, ақлли ўғлимдан! «Дадажон», «ойижон» деган тилларингдан онанг айлансин!

– «Дадажон, ойижон... – Потма келин шошилмасдан хатнинг давомини ўқий бошлади. – Эшитишимга қараганда Робияга совчилар келаётганмиш. Ўшанда бир гапни айтишга уялгандим. Энди айтиб қўяй: Робияни узатиб юборманглар. Агар шундай қилсанглар Тошкентнинг суви менга ҳаром. Қизингиз билан аҳду паймон қилиб қўй-

³ Гудериан демоқчи.

ганмиз. Мени ўғлим десангиз Робиянинг бошини боғлаб қўйинглар, борган куним тўй қиламиз...»

Анграйиб қолдим. Мен Оқсоқолга қарайман. Оқсоқол – овсинимга, овсиним – менга.

Боядан бери хатни булбулигўёдек ўқиётган Потма келин ҳам тўхтаб қолди.

– Нима? – дедим гарангсиб.

Қарасам Потма келин хатнинг ўша жойини пичираб қайтадан ўқияпти.

– Вой ўлай... – дедим бўшашиб. – Ахир, Кимсан... Робия...

Оқсоқол кўрпа тагини очиб носини сандалга туплади.

– Хўш, нима бўпти? – деди қўлини пахса қилиб.

– Икки ёшнинг юлдузи юлдузига тўғри келган бўлса, сен нимага обидийда қиласан, аҳмоқ хотин? Ўқи, ўша жойини яна ўқи, қизим!

Потма келин ўша гапларни қайтадан ўқиди.

– Ана! – Оқсоқол шахт билан қаддини ростлаган эди, белининг боди тутиб қолди, шекилли, оҳ чекиб ёстиққа ёнбошлади. Бирпасда пешонаси терлаб кетди. – Падарингга лаънат, қаёқдан ёпишди бу дард! – деди инграб. Белининг оғришига мен айбдордек ёнбошлаб ётган жойида ўдағайлади.

– Ўғлинг Робияни яхши кўради. Энди тушундингми? Ё ҳалиям ақлинг етмаяптими? Робия суқсурдек қиз бўлса, синашта бўлса, тагин нима дейсан, хумгазак? Бу ёққа бер! – Оқсоқол хатни Потма келинни қўлидан юлиб олди-да, буклаб-буклаб ёстигининг тагига тиқди. – Ўртоқ Жуковдек одам ўғлининг қўлини қиссаю бу ноз қилиб ўтирса! – У бирдан овсинимга қараб дағдаға қилди. – Нега мулла минган эшакдек анграясан. Тур ўрнингдан!

Муттасил йўталаётган неварасининг бурнини пайдарпай этагига артаётган овсиним талмовсираб чолига қаради.

– Нима дейсиз?

– Нима дердим! Умрингда тўй кўрмаганмисан? Пайшанба куни маълум оши қиламиз, уқдингми? Нон ёп, балобаттар қил! Кимсанбойга мен вакил ота бўламан. Эртага икковимиз совчи бўлиб Дума-никига чиқамиз.

Овсиним чолидан эшитган дўқнинг аламини келинидан олди.

– Туғишни билган, бола боқишним эплагин-да, сигирдек хотин! – деди неварасини Потма келинга узатиб. – Ма, гултожихўроз дамлаб ичир! Томоғига тепки кепти!

Потма келин йиғлаётган ўғилчасини кўтариб, чиқиб кетди. Боядан бери хаёлимда ўралашаётган гап энди тилимга келди:

– Менга қаранг, Оқсоқол... Эл-юрт нима дейди? Булар келин туширишнинг харажатидан қочиб, асраб олган қизини ўғлига сув текин олиб беряпти, демайдими?

– Э, яна гапиради-я! – Оқсоқол бели оғриганига қарамай, қаддини ростлади. Афти буришиб кетди. Сандал устига ёзилган қуроқ дастурхонни жаҳл билан муштлади. Туршак-жийдалар ҳар ёққа сачраб кетди. – Икки ёш бир-бирига кўнгил қўйганми, ахир! Оғзига кучи етмаганлар билан нима ишинг бор? Айтдим-ку, қизингга мен совчи бўп чиқаман. Анови мумсик чолингга айтиб қўй: шу пайтгача Ориф оқсоқол совчи бўлиб борган хонадонда қилчи синиб қайтганмас. Гап шу: қиз – Думаники, ўғил маники. Тушундингми?

Оқсоқол ҳалиям ўзимга келолмай ўтирганимни англади. Кўзимга бирпас қараб турди-да, анча паст тушиб насиҳат қилди.

– Сен, келин, эсли-хушли хотинсан. Хайрли ишни кечиктириб бўлмайди.

Минг хаёл билан чиқиб кетаётган эдим, ўтирган жойида ўқрайиб қаради.

– Дума келса, дарров бу ёққа гириллат!

Калишимни кияётганимда яна бир гап эсига тушиб қолди шекилли, қўли билан имлаб чақирди.

– Шошма, ўв! Робияни олдиданам ўтиб қўй. Нима қилсаям кўнгли ярим. Аммо Кимсаннинг хатидан билиниб турибди, қизинг жон-жон деб рози бўлади!

ЕТТИНЧИ БОБ

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

Оппоқ тонг

Қор тушгани билан ҳали ер музламаган эди. Картошканинг қолганини шу бугун қазиб олмасак – тамом. Кечаси ер яхлайди-ю, шунча нарса нобуд бўлади. Ҳалиям қор учқунлаб турар, аммо ҳаво илиқ эди. Бобом кафти билан қорни суриб ташлаб палакни топадида, кетмон уради. Хотин-халаж шоша-пиша картошкани териб, замбилга юклайди. Олимжон иккаламиз пайкал четида турган ҳўкиз аравага ташиймиз. Нимадир деб кўнглини кўтаргим келади.

– Аканг кетдиларми?

– Бугун кузатиб келишди! – Бола оғзидан буф чиқариб энтикиб-энтикиб нафас олади. – Акам яхшилар-а, опа?

– Яхшилар! Кўрасан, яқинда орден тақиб келадилар.

Кўзойнагини йилтиратиб, «яхши кўриш айб эмас-ку», деб илтижо қилган Очил ака, тоғамнинг бўйнига осилиб, «мениям обкетинг», деб ялинган

Раъно келинойим, оппоқ қор босган дала, қўлга олсангиз чаёндек чақаётган муздек картошкалар – ҳаммаси аралаш- қуралаш бўлиб кўз ўнгимдан ўтади, бошим айланади...

Хайрият, кун ботмасидан охирги эгатдаги картошкани ҳам териб олдик. Қорга ботиб қолган хўкиз аравани ҳай-ҳайлаб катта йўлга олиб чиққунча терлаб кетдик.

Бобом, қуруқ аравани тортишга ҳам мадори қолмаган эшагини «хих-хих»лаб йўлга тушди. Уйга етгунимизча қоронғи қуюқлашиб кетди.

Ойимнинг овқати ҳалиям пишмабди.

Бобомнинг жаҳли чиқиб кетди.

– Падарингга лаънат, пакана! – деди тўнғиллаб.
– Бир қошиқ обиёвғонни пишириб қўёлмасанг!

Ойимга ачиниб энди ошхонага югурмоқчи эдим, бобом жеркиб берди.

– Баққа ке, сени бошқа ишинг бор. Жўхориюя ташийсан.

Ойим хафа бўлмади, дастурхонга бир чойнак чой тўртта туршак қўяр экан, негадир жилмайди.

– Сабр қилинг, дадажониси! Ҳозир пишади, бирам ширин гўжа қайнатиб қўйдимки, оғзингизда эриб кетади.

– Э, гўжангням... – Бобом пиёлага чой тўлдириб жаҳл билан бир кўтарган эди, оғзи куйиб, кўзидан ёш чиқиб кетди. Чойни тупуриб ташлаб, чийилади. – Қайноқ десанг ўласанми, пакана?! Ёши олтмишга чиқибди-ю, чой қайнатишни билмайди!

Ойим бу сафар ҳам хафа бўлмади.

– Эҳтиёт бўлинг-да, дадажониси, – негадир яна илжайди. – Шомуродни кузатгунимча кеч бўлиб кетди-да... Айтганча, Комил табиб ҳам ўғлини жўнатди.

Бобом ҳадеганда жаҳлидан тушадиганга ўхшамасди. Дастурхондаги туршакларни кафтининг орқаси билан туртиб менга имо қилди:

– Юр!

Энди ўрнимиздан турган эдик, ойим бобомга ялинчоқлик билан қаради.

– Дадаси-и-и! – деди чўзиб. (Зарил гапи бўлса шунақа қилади.) – Оқсоқол тайинлаб-тайинлаб айтувдилар. Келиши билан чиқсин дегандилар.

Бобом баттар тутақди.

– Нима қилай, белини силаб қўяйми? – деди чийиллаб. – Хотинига силатсин! – У менга қараб тўнғиллади. – Юр анқаймасдан!

Ота-бола ҳовлига тушдик. Қоронғи қуюқлашиб кетган бўлса ҳам ҳовли сатҳини қорнинг кўкимтир нури ёритар, гултожихўрозлар кўчада қолган етим боладек қор остида бошини ўксик эгиб турарди. Токзор этагидаги жўхоризор орасига киришимиз билан устимга шувиллаб қор ёғила бошлади.

Бобом тўғри қияпти. Жўхориюяларни шу бугун ўриб олмасак бўлмайди. Ҳозирча ер юмшоқ. Эртага музлаб қолса, иш янаям оғирлашади. Бобом зич ўсган пояларнинг беш-олтитасини кафтига жуфтлаб бир тортса, илдиз-пилдизи билан суғрилиб чиқади. Лекин ташиш бориб турган азоб. Қор тагида қолган поялар зил-замбил бўлиб кетган. Ҳар биттасининг илдизига қор аралаш бир ботмон лой илашиб чиқади. Аввал илдизга илинган лойни оёғим билан сидириб тозалайман. Кейин бир қучоқ қилиб кўтараман. Ҳўл бўлиб кетган япроқлар юзимга тегиб, ғашимни келтиради. Бостирмага ташиб киргандан кейин ҳаммасини алоҳида-алоҳида ёйиб қўйиш керак. Жўхориюяни устма-уст ташласа бўлмайди. Моғор босиб, чириб кетади. Кўкламда, илик узилди кунларида мол

емсиз қолади. Бостирма туйнутидан кирган совуқ шамол тинимсиз изиллайди.

Ойим томорқа эшигидан киришимни пойлаб туради. Қўлимдаги жўхориюяларга ёпишиб, бостирмага ташишга кўмаклашади. Кўриб турибман, бобомнинг олдига боришга қўрқяпти. Кўзига кўринса, сўкиш эшитади.

Қиш – мисоли ёмон касал. Келиши осон, кетиши қийин. Биз биринчи қор ёғиши билан шунчалик қийналиб қолдик. Кимсан акам нима қиялпти экан?.. У ёқлар туф деса, туфук яхлармиш...

Ниҳоят ҳамма жўхориюяни ташиб бўлдик. Ҳаво совуқлигига қарамай, терлаб, бўкиб кетган бобом, очикқан экан шекилли, қошиқ солишга сабри чидамай, олдигаги гўжани косаси билан кўтариб, хўриллатиб ичиб қўя қолди.

– Яна сузиб келайми? – деди ойим унинг кўзига тикилиб.

– Эрталабга қолсин! – Бобом товоқ тагини яларкан, тушунтирди, – гўжанинг совуғи жа ичишли бўлади.

– Чиқасизми?

Чарчоқдан кўзлари юмилиб кетаётган бобом норози гўлдиради.

– Қаёққа?

– Оқсоқолникига? Зарил иши бор экан.

– Оббо! – Баданига энди иссиқ ўтган бобом роҳати бузилганидан гаши келиб ижирғанди. – Шу Оқсоқолам ғирт аҳмоқ одам-да! Нима иши бор экан, ярим кечада! – Шундай дедию бари бир сандалдан суғурилиб чиқди.

– Идишларни ювақол, болам! – деди ойим менга қарамай.

Чиқиб кетаётганимда чол-кампир пичир-пичир қилаётганини сездим. Бобомнинг «а?» дегани қулоғимга чалинди.

Тагин нима гап? Мендан яширадиган нима сир-лари чиқиб қолди яна?

Хаёл билан нимқоронғи ошхонага кирганимни биламан, сарпойчан оёғимга аллақандай нам, қитқловчи жунли нарса урилди. Ўтакам ёрилиб, қўлимдаги товоқларни ташлаб юборай дедим.

– Пиш-те! – Оёғимга суйкалган мушук лип этиб ҳовлига чиқиб кетди. Зум ўтмай ўша томондан бобомнинг товуши келди:

– Қани, маслаҳатлашиб кўрайлик-чи!

Яна қанақа маслаҳат! Кўнглим хижил тортиб, лип-лип чироқ ёғдусида товоқларни шоша-пиша ювдим, уйга кирдим. Бурчакдаги сандиқни очиб атрофига Кимсан акамнинг яккаю ягона оҳорлик тўни, дўппилари, латта-путталарни уйиб ташлаган ойим, ўтирган жойида елкаси оша қаради. Еттинчи лампа ёруғида юзи шодон қизариб кетган эди...

– Сенам ўзингга етгунча пишиқсан, – деди негадир кулиб. – Қиз бола шайтон бўлади дегани шу-да! Ҳайрон бўлдим.

– Нега унақа дейсиз?

Ойим ўрнидан дик этиб турди.

– Вой-вой-вой, содда муғомбир-ей! – Икки қўллаб юзимдан ушлаб кўзларимга тикилди. Қўзларида қувноқ табассум аралаш меҳр бор эди. – Шунинг учун совчи келса бир сапчиб тушаётган экансан-да!

Бундан чиқди Кимсан акамдан хат келган! Бундан чиқди у хатимни олган! Бундан чиқди... «Ростданми?» деб юборишдан ўзимни аранг тутиб қолдим.

Икки юзим ловуллаб ёниб кетаётганини сезиб турар, кўзимни қаёққа яширишни билмасдим.

– Шу гапни ўзимга айтсанг бўлмасмиди, шайтон қиз?! – деди ойим эркалаб.

Бари бир тилимни шунча тишласам ҳам юрагимни ёриштирган савол оғзимдан чиқиб кетди.

– Улардан хат келдими? (Қизик, ойим бобомнинг кетидан «улар» деб гапирарди. Ҳозир ўзим ҳам шунақа деб юборганимни билиб баттар уялиб кетдим.)

– Келди-келди! – Ойим тагин кулди. – Сен ўқийдиган хатмас. Қиз болага уят бўлади.

Бутун вужудимда ширин бир титроқ турди. Беихтиёр ойимнинг қўлидан юлқиниб чиқиб бериги уйга кирдим. Деразанинг буғланиб қолган ойнасини артиб ҳовлига қарадим. Вақт ярим кечадан ошган бўлса ҳам ташқари ёруғ эди. Боягина етимчалардек дийдираб турган гултожикўрозлар ҳам, молхонанинг қор босган томи ҳам кўзимга оламжаҳон бўлиб кўринар, қор деган нарса шунақа покиза бўлишини, қиш деган нарса шунақа иссиқ бўлишини биринчи марта кўриб турганимга ўзим ҳайрон эдим. Оёғимга суйкалган мушукнинг ҳўл елкасини силадим. Мунча юмшоқ! Қор мунча тиниқ! Ана, ҳамма ёқ ёп-ёруғ! Шунақанги ёруғки, кашта тикса бўлади! Хаёлимга шу ўй илиниши билан тахмондаги қутини титкилашга тушдим. Мана, қийиқча! Кимсан акамники! Йўқ, бунисимас. Бунисига гул тикиб бўлганман. Ҳов ўшанда! Иккаламиз Тошкентга томошага борган кунимиз, ойимдан бекитиб! Яна аллақанча қийиқчани гамлаб қўйганман. Мана! Шунисига тикаман!

Нинадан ип ўтказишга анча қийналдиму парво қилмадим. Зарари йўқ. Ипак қалин бўлади-да, ўзи. Ана, бўлди! Дераза ёруғ! Чироқ керакмас. Қорнинг ўзи ёритиб турибди.

Дераза тагига ўтирганча зангори қийиқчага қизил ипак билан «К», «R» деган ҳарфларни босишга киришдим. Ойим, мени ухлаб қолди деб ўйлади-ми, уялтиргиси келмадими, ҳайтовур бу ёққа кирмади. Сезиб турибман: нариги уйда чироқ ёниқ.

Ойим бобомни кутяпти. Нимқоронғида каштам қинғир-қийшиқ чиқди. Нима бўпти? Кимсан акам келса айтаман. «Қор ёруғида тикканман», дейман. Кимсан акам ҳайрон қолади.

Ниҳоят ҳовли томондан қорнинг фирчиллагани, бобомнинг айвонга чиқиб гурсиллатиб ер тепгани эшитилди.

– Онаси! Пайшанбага хабар қилавер!

Ҳозир ойим кириб келишини билиб, қийиқчани қутига яширдим-да совиб қолган сандалга оёғимни тикқанча ўзимни ухлаганга солиб ётиб олдим. Ташқарида, дераза ортида оппоқ, тип-тиниқ тонг отиб келар эди.

САККИЗИНЧИ БОБ

«ҚОРА АММА» ҲИКОЯСИ

Қизимга она, ўғлимга қайнонаман

Робияни тонг отмасдан ишга жўнатдим. Ўлар энди, қиз бола ўзининг «маълум оши»да ўзи ўралашиб юрса. Қўни-қўшни «учиб-қўниб» турган экан, демайдими?

Кимсанимни кузатган ўша саратон кунидан бери бунақа чиройли патир ёпмаган эдим. Қопда қолган бугдой уннинг ҳаммасини қордим. Чолимининг ўзи айтди. Эрталаб отамдан қолган энг катта бисотим – пат гиламни эшак аравага ортиб бозорга олиб кетаркан, тайинлади:

– Ёғ солиб патир ёп, онаси! Ҳаммаси рисоладагидек бўлсин!

Нонни узяпману нуқул Кимсан билан гаплашаман. Мана, болам, ҳаммаси таомилдагидек бўляпти. Вой, бола-я, кўпайгур-а! Кўнглингда-ку шу ният бор экан, кетаётганингда бир оғиз айт-

майсанми? «Шунақа, шунақа, ойи, мени кўнглим Робияда», демайсанми? Аллақачон бошини боғлаб қўймаймизми? Робияям қизиқ. Бегона эмас-ку! «Ойижон, Кимсан акам билан аҳду паймонимиз бор», деса-ку, олам гулистон!

Пешинга яқин Оқсоқолникидан тўй келди. Ярим қоп гуруч, бир чирпит ёғ, бир қоп ун. Седана сепилган ҳолва, майиз, каллақанд... Гилам пулига келган ёғ билан гуручни Оқсоқолникига чолимни ўзи олиб бориб берувди. Ҳолва, майизлар қаёқдан пайдо бўлди? Оқсоқол билан овсинимнинг иши-да!

Чолим Кимсан келса оёғига сўймоқчи бўлиб юрган қўчқорни бўғизлади. Ўз қўли билан ош дамлади. Бирпасда анча одам тўпланди. Байрамларда киядиган мовут камзули устидан овсинимнинг иссиқ рўмолини белига боғлаб олган Оқсоқол айвонда ўтириб ҳаммага буйруқ берапти.

– Мағизни мўдроқ солавер, пакана! Эринга ўхшаб қурумсоқлик қилма. Ҳолвадан ташла, ҳолвадан!

– Нега анграясан, абзи? Самоварингни суви қуриб кетди-ку. Эритиб қўйсанг, нақд ўзингни тутантириқ қилиб ташлайман!

Патнисларга ҳолва ташлаётиб, разм солиб қарасам, абзи галатиноқ кўрингандек бўлди кўзимга, Оқсоқол ҳазиллашиб дашном берса, нуқул таъзим қилади. Сарик киприкларини пирпиратиб, илжаймоқчи бўладию лаби титрайди. Ичиб олганми...

Оқсоқол патнис ташиб юрган Ҳолпош овсинимга тегишади.

– Ҳой семиз, кўзингга қара! Йиқилиб-нетиб юрма тагин. Сени кўтариб олишнинг ўзи бўладими?

Лўмбиллаб хизмат қилиб юрган овсиним шарақлаб кулади.

– Ҳамма қўтармасаям сиз борсиз-ку, чол! Менга жонингиз куймасин-да, ўзингизга қаранг. Белингизга шамол тегмасин!

– Ишинг бўлмасин, тегса меникига тегади, сеникигамас!

Ҳазил-ҳузул билан меҳмонларга патнис тарқатилди. Ошхонада сопол лаганларни ювиб ўтирсам айвон томондан Оқсоқолнинг суюниб ҳайқиргани эшитилди.

– Ие, ана келин болаям кеп қолди.

Йўғ-е! Наҳотки Робия одамларни кўзига кўринса? Ҳайрон бўлиб ҳовлига чиқдим Раънохонни кўриб қувониб кетдим. Келиним ҳалиям онасининг уйида бўлса керак деб ўйлагандим. Қаранг, ўзи кепти! Бундан чиқди Кўтармага қайтибди-да.

Югуриб бориб икки юзидан ўпдим.

– Билгандек келганингизни қаранг! Шомуроддан хат-хабар борми?

Келиним чиройли қундуз ёқали палто кийиб олган, кўҳли кўзлари маъюс кулиб турарди. Ўпаётганимда димоғимга гунафша ҳиди урилди.

– Ҳозирча йўқ, – деди секин. – Тўйнинг устидан чиқиб қопман шекилли!

Ичимдан зил кетиб тушунтирдим.

– Жон келин, шошиб қолдик. Укангиз хат ёзибди. Робиянинг бошини боғлаб қўйинглар, дебди. Оқсоқолнинг маслаҳати билан шу ишни бугун қила қолдик. Хабар бермоқчи эдик, поччангиз бозорга кетди. Қайси куни Робия Кўтармага борса йўқ экансиз. Қудам тузукмилар?

– Шукр... – Раънохон майин жилмайди. – Кеча қайтдим.

Жуда дилбар-да, келиним. Аразлаб ҳам ўтирмади. Қундуз ёқали пальтосини ечиб ташлаб дарров лаган ювишга тушиб кетди.

– Менга табелчилик қиласиз дейишяпти, – деди лаганни қуруқ сочиққа арта туриб: – Майлими?

Қарасам кўзлари жавдираб, жавоб кутяпти.

– Ким айтди?

– Раис, Умар ака...

– Яхши-да! – дедим чин дилдан суюниб. – Лойга беланиб кетмон чопгандан кўра табелчи бўлсангиз ёмонми, Раънохон! Саводингиз бор, ҳисоб-китобни биласиз...

Ош энди дамланган эди, поча-пўстин кийган Умар закунчи ҳам келиб қолди. Ёнида Соли сўпоқ... Буғалтир сўпоқ бўлсаям, яхши, бечора! Кетмончигами, сувчигами ҳақ тегмай қолса, нимага тегмаганини эринмасдан тушунтиради. Колхоз МТСдан қарздор бўлиб қолганини, тракторга керосин етмаганини, ҳосил яхши унмаганини... Хуллас, инсофли одам. Икковлари олдинма-кейин кириб келишлари билан одамлар яна-ям жонланиб кетди.

– Тўйлар муборак бўлсин! – деди Закунчи чехраси ёришиб. Бошидан чақмоқ телпагини олган эди, қопқора сочлари чаккасига ёйилиб тушди. – Таб-риклаймиз! – У аввал айвонда ўтирган Оқсоқол билан, кейин чолим билан қўл олишиб кўришди. – Ака! – деди қор босган беҳи тагида турган Комил табибга қамчи билан имо қилиб. – Ташқарига чиқинг, гап бор!

Комил табиб эшикка йўл олди. Бир оздан кейин икки букчайиб қоп орқалаб кираётган эди. Оқсоқолнинг кўзи тушиб, зардаси қайнаб кетди.

– Ҳой сўпоқ! – деди қўлини пахса қилиб. – Аканг тенги одамга қоп орқалатгани уялмайсанми? Ҳирсдай кучинг бор. Ол ўзинг!

Оқсоқол Комил табибни қаттиқ иззат қилади. Луқмони ҳақимнинг нафаси теккан дейди. Бутун Нўғайқўрғонда фақат шу одамни сизлаб гапирди. Табибнинг ўзиям чақалоқ болагача «сизлайди». Чолимнинг айтишича, табиб сигирини ҳам сизлаб чақираркан. «Чу» демай, «чуинг» деркан...

Соли сўпоқ «хўп бўлади» деб ўша томонга пилдиради. Пак-пакана, семиз гавдасини лапанглатиб табибнинг ёнига борди. Қўярда-қўймай елкасидан қопни олди.

– Мана бу бошқа гап! – Оқсоқол хижолат чекироқ туриб қолган табибни чақирди. – Баққа келинг, Комилбой. Жойингизни билиб ўтиринг.

Шляпаси қийшайиб кетган Соли сўпоқ қопни айвон тагига тираб қўйди-да, терлаб-пишиб яна бир қоп нарсаси орқалаб кирди.

– Совет жангчисининг тўйига колхоздан совға! – деди Умар закунчи тантана билан. – Ватанимиз учун жон фидо қилаётган аскардан биз ҳам ҳеч нима аямаймиз. – У чолимга қараб кулиб қўйди. – Бир қоп ун, бир қоп гуруч! Правление номидан.

Чолим шошиб қолди.

– Ўтиринг, раис, ўтиринг, – деди икки қўлини кўксига қўйиб. – Ҳозир ош сузамиз.

Умар закунчи Оқсоқол билан Комил табибнинг ёнига айвонга чиқди. Қозон очилиши билан ҳовлини ош иси тутиб кетди. Чолим яхлит гўштларни капгир учига илиб олиб, тоғорага солаётган эди. Оқсоқол ўтирган жойидан мўйловини бураб қўйди.

– Бугун қўшалоқ байрам, Дума! Эшитдингми, аскарларимиз немисни Волга – Масков каналининг нариги бетига улоқтириб ташлашибди.

Умар закунчи Оқсоқолнинг елкасига қўл ташлади.

– Оқсоқол – маладес! Ҳамма нарсадан хабардорсиз-а!

Оқсоқол унга қарамай, чолимга буюрди.

– Ошнинг олдини тоғорага бос! Сергўштроқ бўлсин. Устига патир қўй. Ҳолва билан магиздан тугунга ўрагин-да, омборда пиёз тозалаётганларга юбор!

Чолим тоғорага ош босди. Патир, ҳолваларни алоҳида тугунларга ўраб, қўлига бердим. Эшак

арава қорда чуқур-чуқур из қолдириб йўлга тушганидан кейин ҳовлига кирсам, Комил табиб ланганларга ош сузиб тарқатяпти.

Кўп ўтмай Оқсоқолнинг асабий овози гулдиради.

– Чой! Ухлаб қолдингми, абзи! Меҳмонларга чой бермайсанми?

Раънохон ошхонадан чиқиб, югуриб олдимга келди.

– Оқсоқол чой сўраяптилар.

– Вой ўлсин, абзи қаёққа кетди?

Беҳи тагида қайнаб турган самовар олдига борсам Рашид абзи йўқ. Каттакон мис самовар устида олтига чойнак тумшуғини тумшуғига тираб, тегириб қўйилибди. Жўмракни бураган эдим, сув жилдираб тушди. Шоша-пиша чойнакларни хонтахта устига қўйиб, самовар қопқоғини очсам, тагида икки қултум сув қолибди. Яхшиям эриб кетмагани! Абзининг бунақа одати йўқ эди-ку! Ичиб йиқилиб қолдим, нима бало!

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

«Шумқадам» абзи

Из тушмаган қордан юришнинг гашти ғалати бўлади. Ҳамма ёқ жимжит. Йўл четидаги қор босган толлар турмушнинг баланд-пастини кўравериш, ҳар қандай мушкулотни хотиржамлик билан кутиб олишга ўрганиб кетган қариялардек оппоқ бошини қуйи солганча ўйга чўмган. Хўроз қичқирмайди, қушлар чирқилламайди. Фақат идора яқинидаги МТС томонидан якка тракторнинг ўқтин-ўқтин гупиллагани эшитилади.

Пастак девор ортидаги тандирдан зоғора нон ҳиди анқийди.

Бугун бизникида зоғора эмас, патир ёпиляпти... Бирпасдан кейин уйимизга одамлар йиғилади. Ойим айтгандек, «ирим-сирими»ни қилишади-да, бутун қишлоққа хабар тарқалади: «Робиянинг боши боғланди». Қизиқ, «боши боғланди...» ўалати гап-а!

Қанийди ҳозир Кимсан акам ҳам, дадам ҳам ёнимда бўлса! Дадам роса суюнарди. (Биламан, дадам Кимсан акамни яхши кўрарди, доим ўғлим дерди.)... Кейин Кимсан акам иккаламиз ҳаммаларининг кўзини шамғалат қилиб, шаҳарга бориб, суратга тушиб келардик. Зўр келса қуда холани – Раъно келинойимнинг онасини кўргани бордик, деб баҳона қилардик. Айтмоқчи, Раъно келинойим қайтганмикин, шаҳардан! Душанба куни Кўтармага ўтганимда уйига борган эдим, эшиги тақатақ берк, келмаган экан. Бугунги маросимда Раъно янгам ҳам қатнашса яхши бўларди...

Омборга етиб келганимда кун ҳали ёришмаган, аммо олисдаги тоғлар қирраси ҳаво очиқ бўлишидан дарак бериб гунафшаранг тусда товланиб кўринарди. Колхоз омбори – томи сомон сувоқ қилинган пастак, узун бостирма. Қамиш босилган том ҳар йили қайта-қайта сувалаверганидан қалин тортиб кетган: ярим газ келади. Бунинг устига қор ёғиб, томни янаям қалин қилиб юборган. Биров пахсадеворга ҳазиллашиб туртиб юборса, азза-базза босиб қоладигандек. Арава сиғадиган дарвозаси бор. Дераза ўрнига қинғир-қийшиқ тахталар қоқиб қўйилган. Нарироқда тунука томли идора. Идора рўпарасида чойхона. Ҳовуз атрофидаги қор босган толлар устида қарғалар чарх уриб қағиллайди. Ундан нарида Умар закунчининг

тунука томли уйи. Берироқда атрофи пахса-девор билан ўралган МТС ҳовлиси. Бояги трактор йўтал тутган одамдек ора-чора гуп-гуп қилиб қўяди, аммо муттасил тарилламайди. Ўша томондан осмонга ўқтин-ўқтин кўкимтир тутун кўтарилади. Омбор дарвозаси юзига ёпиб қўйилган экан. Топ ташлаб қолган дарвозанинг бир тавақасини очгунча ҳарсиллаб кетдим. Тагини қор босиб қолибди. Энди ичкари кирмоқчи эдим, идора пештоқидаги тўртбурчак қора карнай қитир-қитир қилди. Ҳаммага таниш бўлиб қолган йўфон, салобатли овоз эшитилади. Совет Информбюросининг қирқ биринчи йил йигирма тўққизинчи ноябрь ахбороти эълон қилинди. Демак, кечаги ахборот. Диктор душман танк қисмлари Яхрома деган жойдан Волга-Москва канали кўпригидан ўтишгани, аммо бизнинг қўшинларимиз фашистларни каналнинг нариги бетига улоқтириб ташлаб, қарши ҳужум бошлашганини айтди. Негадир найзали милтиқ кўтариб, қор босган далада душманларни қувиб кетаётган Кимсан акам кўз ўнгимга келди. Бизникилар ҳужумга ўтган бўлса, бундан чиқди бир-икки ойда, узоғи билан баҳорда уруш битади. Кимсан акам келади-да, кейин...

Юрагим ширин орзиқиб кетди. Майли, ойим уялтирсаям майли, бугун Кимсан акамнинг хатини бари бир сўраб оламан. Адресини биламан-да, яна хат ёзаман.

Совуқ, зах омборга киришим билан пиёз иси димоғимга урилди. Омбор ичи нимқоронғи. Рўпарадаги дераза ўрнига қоқилган тахталар орасидан тарам-тарам ингичка нур тушиб турар, аммо омборни ёритишга ожизлик қиларди.

Бир муддат туриб қолдим, кўзим қоронғиликка ўргангандан кейин омборнинг бир бурчагида

тоғдек уюлиб ётган пиёз, нариги бурчагидаги карамларни илғадим. Пиёз тўдаси ёнида қанор қоплар тахлаб қўйилган эди. Бугун пиёз саралаймиз. Йиригини қопга солиб тайёрлаб қўямиз, фронтга жўнатишади, данакдек майдаларини уруғликка ажратамиз.

Қоплардан бирини тагимга ёзиб энди пиёз саралай бошлаган эдим, дарвозадан тушиб турган нур хиралашди.

– Қайси бирингсан, ҳой? – деган кескин товуш эшитилди.

Танидим. Башор опа! Дарвоза олдида қўлини белига тираб турибди.

– Мен! – дедим ўзимни танитиб.

– Қолганлар қани? Эрини туш кўриб ётибдими?

У чапанича катта-катта қадам ташлаб, тепамга келди. Димоғимга лампамой ҳиди урилди.

– Ўлсин, мотор ўт олмаяпти! – деди ёнимга чўнқайиб. – МТСда ўзимдан бошқа ҳеч зоғ қолмади. Нима бало, булар мени эркак деб ўйлайди, шекилли!

У қорамой босган қўлини этигининг қўнжига артиб тозалади-да, бекор ўтиргандан, бекор ишла қабилида тўдадаги пиёзларнинг думини юлиб, қанорга ташлашга тушди.

Башор опа – шаддод хотин. Унча-мунча эркакни бир чўқишда қочиради. Нўғайқўрғонда биринчи бўлиб трактор ҳайдаган аёл ҳам, Йўлдош отанинг қўлидан мақтов қоғоз олган ҳам шу.

Ойимнинг айтишига қараганда, у ёши ўттизни қоралаб қолгунча ҳам эрга тегмабди. Бир марта совчиларни олдига солиб қувлагандан кейин қайнонасини токчага чиқариб қўядиган бунақа келинни ҳеч ким ҳавас қилмай қўйибди. Сўфинамо отаси, мусичадек беозор онаси, «қиз кўргандан туз

кўрсам бўларкан», деб куёвдан умидини узганида Башор опа Тошкентга серқатнов бўлиб қолибди. Бир куни қош-кўзи қоп-қора, суқсурдай йигитни бошлаб кепти.

– Шу йигит сизнинг куёвингиз бўлади. Кўнсангиз узатинг, кўнмасангиз ҳозир куёвингиз билан қочиб кетаман, – дебди. Сўфинамо ота «эл-юрт ўртасида шарманда қилдинг», деб соқолини юлибди. Она бечора, «оқ сутимни оққа, кўк сутимни кўкка совурдим», деб йиғлабди. Башор опа пинагини бузмай сабзи тўғраётганмиш (Куёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган. Ош дамлаш керак-да, ахир.) Ота-она тақдирга тан бериб, раисни маслаҳатга чақирибди. (Ўшанда Оқсоқол раис экан.) Оқсоқол индамай чиқиб кетибди-да, жума куни фалончиникига тўй деб ҳаммага хабар қилибди.

Башор опа урушгача Почча билан иноқ яшар эди. (Ичкуёвнинг отини ҳеч ким билмас, каттаю кичик ҳамма Почча деб чақирарди.) Поччани мен ҳам кўрганман. Колхозда дуч келган ишни қилиб кетаверар, уятчан, ювош киши эди. Башор опа ювош бўлмаганига қўярмиди! Ойим айтган: бир куни Башор опа шовлани қайнатиб ўзи тракторга андармон бўлиб кетибди. Хуллас, эрининг олди-га бир лаган қирмоч обкеб қўйибди. Эркак бари бир эркак-да! Поччанинг аччиғи чиқиб бўралаб сўкинибди. Шунда Башор опа сенмисан онамни сўкадиган деб, шавлани лаган-пагани билан Поччанинг юзига отибди. Почча шўрлик икки юзи шилиниб тушиб, бир ойгача одамларнинг кўзига кўринолмай юрибди... Ҳар кимнинг ўзига яраша ташвиши бор. Башор опа ўн йил турмуш қуриб бола кўрмаган. Икки ойча бурун Почча ҳам урушга кетди. Одамларнинг гапига қараганда, Башор опа эрини вагонга чиқара туриб тайинлаганмиш:

– Гитлерни ўзини ўлдириб хотинини банди қилиб обкемасангиз, сиздақа эрни уч талоқ қўйдим. Гитлернинг хотинини чўри қилиб ишлатмасам, хумордан чиқмайман! – деганмиш.

Омбор энди сал ёришганда Фотима-Зухра келинлар бошлашиб келиб қолишди. Фотима келин елкамга қоқиб кўришаркан, сирли жилмайди.

– Моро бўлсин, пошша қиз!

Зухра келин қоп-қора кўзини қисиб қўйди.

Уялиб Башор опага қарадим. Ҳозир аския қилади. Зухра келин «гапирма» деб опасига имлади шекилли, Фотима келин жиддий тортиб ёнимга чўкди.

– Трактор юрмай қолдими? – деди Башор опага юзланиб.

– Сенлар қарашмаганинга юрмаяпти!

– Вой-вой-вой! – Фотима келин ҳуркиб орқага ташланди. – Мен тракторнинг ёнига бора оларканманми?

– Ўлмайсан! Эринг ҳайдаган тракторни сен ҳайдолмайсанми? Сен Шокир аканг минган тракторни оласан, сен... – у Зухра келинга юзланди. – Зокир акангникини. Ҳарна иккита ёрдамчи бўлади.

– Йўғ-е, – деди Зухра келин бош чайқаб. – Тракторчилик эркакларнинг иши.

Дарвозанинг очиқ тавақасида тагин бир соя пайдо бўлди. Гап узилиб қолди. Ўша томондан Парча опанинг дўриллаган овози келди:

– Ассалом алайкум! Ҳормайла!

– Қоч, хира қилма! – Башор опа чаққонлик билан пиёз думини юларкан, дашном берди. – Сенга неча марта айтаман, ҳой Парча ўлгур, эрингни қўйнида ялпайи-иб ётмасдан, тезроқ қимилла. Қачон қараса итнинг кейинги оёғи бўлиб юрасан.

Парча ёйилиб кулди. Кулиши ғалати. Эркакча овозда «хў-хў-хў» дейди. Дўнгдек елкалари силкиниб, оғзидан туфук сачраб кетади.

– Эрим йўқ-ку, опа! – деди дўриллаб. – Бўса топиб беринг!

– Вой, ҳалиям тегмадингми? – Башор опа чи-накамига ҳайрон бўлгандек, Парчага қаради. – Шундоқ қиз эрсиз юрса, бу қандоқ ноинсофлик-а, нима дединглар, қизлар?

Фотима-Зухра келин қаҳ-қаҳ уриб кулишди. Парча ҳам уларга қўшилишиб дўриллади. Ростми-ёлғонми, билмадиму бир вақтлар Парчани эрга беришган дейишади. Куёв чимилдиққа кириб, шундоқ Парчанинг юзини очибди-ю, дод солиб қочиб чиқиб кетибди. Ўша-ўша бу юртлардан бош олиб кетганмиш.

– Ўтир! – Башор опа унга бурчакроқдан жой кўрсатди. – Вой, жонингни қадрини билмай ўл! Ерга ўтирсанг ҳам ҳеч бало қилмайди. Ёғинг кўп сани!

Ҳазил-ҳузул билан бирпасда аллақанча пиёзни қанорларга жойладик. Иш қийин эмас, аммо омбор зах, бунинг устига ачиган карам, пиёз иси димоқни ёради. Ҳаво илиқ бўлсаям, бари бир қорнинг захри бор. Қимирламай ўтирганимиз учун тиззаларимиз увишиб қолган... Охири ҳаммамиз жимиб қолдик. Чамаси ҳар ким ўзича хаёл сураб, ҳар ким олисларда юрган ўзининг одамани ўйлар эди.

Башор опанинг юраги сиқилиб кетди шекилли, атайлаб шанғиллади:

– Тўйни қачон қиламиз энди, Парча?

– Кимни тўйини этвоссиз, опа?

– Вой, ўзингни соддаликка солмай... – Башор опа муғамбирона кулимсиради. – Рашид абзи совчи қўйибди-ку, сенга!

Парча астойдил ажабланди. Кейин қўлидаги муштдек пиёзни қопга ташлаб қўл силтади.

– Э, бўмийди опа!

– Нимаси бўлмас экан! Туппа-тузук эркак. Инсофли, диёнатли. Уйи ҳам яқин. Шундоқ девор ошасану келин бўлиб тушасан. Ҳар куни мўрчасида мазза қилиб чўмиласан.

– Бўмийди! – Парча юзини ўгирди. – Мино ичади. Мино ичиб, гармон чалади.

Бир зум сукутдан кейин Башор опа янги таклифни айтди:

– Унақа бўлса, Закунчига айтаман, эртага совчи юборади.

– Ким? – деди Парча бақрайиб.

– Колхозда нечта Закунчи бор! – Башор опа шуниям билмайсанми, дегандек чимирилиб қаради.

– Раисни айтяпман! Умар закунчини!

– Э, уям бўмийди! – Парча пиёз думини шахт билан юлиб, четга отди. – Қўрқаман, кўзи ёмон!

Башор опа астойдил жаҳли чиққандай хитоб қилди.

– Вой, қўнглингни кўчасидан ўргилдим! Шундоқ раисга обераман десам, сиз ноз қиласизми?

Ажаб, ҳеч аразламайдиган Парча опа бирдан тўрсайиб олди.

– Керакмас! – деди йиғламсираб. – Кўзи ёмон!

Гап яна узилди, пиёзнинг шитир-шитири авжига чиқди. Ачиган карам иси димоққа уриди. Ташқарида кун ёйилиб кетганига қарамай, совуқ забтига олиб, оёғимга сўзак кира бошлади.

– Адасини туш кўрибман, – деди бир маҳал Фотима келин. Овози негадир ғамгин эди.

Башор опа гапга мавзу топилганидан севиниб шодон қулди.

– Тўғрисини айт: нима қилаётганмиш эринг?

Фотима келин ерга қаради. Лўппи юзи қизарди.

– Сизга шунақа гап бўлса!

Башор опа қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Рост-да, эрини соғинган хотиннинг тушига нима кирарди!

– Йўқ, – деди Фотима келин маҳзун товушда. Тушимда Ойпопукни бешикка белаётганмишман. Вой, кап-катта болани бешикка белаб эсимни едимми деб мундоқ қарасам, бешикда ётган қизим эмас, Шокир акам эмиш.

Ўртага этни жунжитувчи хатарли сукунат чўкди. Хотин кишининг тушига бешик кирса, ўнгида тобут кўради, деган гап қулоғимга чалинган эди. Ҳозир шу эсимга тушиб, ичим сесканиб кетди. Секин бошимни кўтариб қарасам, Фотима келин ўртачароқ пиёзни чангаллаб, бир нуқтага термилиб ўтирибди. Яхшиям, Башор опанинг шаддодлиги бор экан.

– Вой, оғзингга шакар! – деди суюнчи оладиган алпозда қувониб. – Унақа бўлса яна туғаркансан. Ҳеч нимани сезмаяпсанми?

Фотима келин баттар қизарди.

– Қизиқмисиз, – деди секин. – Кетганларига ярим йил бўляпти-ку.

Башор опа эсанкираб қолди, дами ичига тушиб кетди. Аммо Фотима келиннинг кўнглини кўтаргиси келди шекилли, Зуҳра келинга тегишди.

– Сен-чи, қўшалоқ келиннинг кичкинаси! Сенинг тушинг бузилмадими?

– Бузилди, – деди Зуҳра келин бижир-бижир қилиб. – Поччани туш кўрибман. У киши дод солиб қочиб кетаётган эмишлар, сиз шавла юқи капкир кўтариб қувиб юрганмишсиз.

Омборнинг қамишлар осилиб ётган шифтини кўтариб юборгудай кулги янгради. Боядан бери анграйиб турган Парча йўғон тиззаларини муштраб шунақанги дўриллаб кулдики, қулоқни тешиб

юборай деди. Мунгайиб ўтирган Фотима келин ҳам хандон отди. Башор опа кула-кула кўзларини артди-да, тўсатдан жиддий тортиб қолди.

– Қанийди-я, поччанг ёнимда бўлса, – деди хўрсиниб. – Ҳар куни ўн марта деса, ўн марта, юз марта, деса юз марта шавла қилиб берардим. Ўз қўлим билан едириб қўярдим. Сув иситиб, оёқларини ювардим. – У бошини ҳам қилиб уҳ тортди. – Қанийди олдимда бўлса...

Ташқарида от кишнади. Дарвозадан Умар закунчи кириб келди. Бошида чақмоқ телпак, эгнида ихчам почча-пўстин, қўлида қамчи.

– Ҳорманглар-ов! – деди тетик оҳангда. – Настираена зўр-ку! Демак иш беш!

Раиснинг ҳурмати учун ўрнимиздан турдик. Парча, Башор опанинг бояги нияти эсидан чиқмаган экан шекилли, қайлиғидан уялган келинчақдек омбор бурчагига лапанглаб қочди. Башор опа ўрнидан турмаса ҳам бир қўзғалиб қўйди.

– Ие, сиз ҳам ҳашарга келдингизми? – деди Закунчи унга қараб, – МТС нима қилади сизсиз?

– Мен-ку, ҳашарга доим келаман! – Башор опа унинг кўзига тик қараб таъкидлади. – Сизлар ҳам ҳашар қилмасанглар бўлмайди. Менга иккита ёрдамчи керак.

– Билмадим! – Умар закунчи юзини ўгирди. – Закун бўйича МТС мустақил ташкилот.

– Мустақил бўлгани билан трактор колхознинг ерини ҳайдайдими? – деди Башор опа кескинлик билан.

– Билмадим! – Закунчи тез-тез юриб нари кетди. – Тезроқ қимирланглар! – деди дарвоза олдида тўхтаб. – Эртага фронтга бир вагон пиёз жўнатамиз.

Ташқарида от ту ёқларининг қорга бўғиқ урилиб дукиллаши эшитилди.

– Э, ўл, закун-пакунинг билан! – деди Башор опа энсаси қотиб. – Тракторни томорқамга обориб ишлатяпманми, олифта-қуруқ!

Қизиқ, Закунчи келиб кетиши билан орага гашлик тушди. Башор опа Парча опага ҳазил қилиб, бир-икки гап отди-ю, суҳбат илимади.

Анчадан кейин дарвоза томондан овоз келди.

– Ҳой ким бор!

Бобомнинг товушини таниб, бир сапчиб тушдим. Фотима-Зухра келинлар менга ярқ этиб қарашди. Башор опа ўрнидан тургунча дарвозада эски қулоқчин кийган бобом кўринди. Қўлтиғида каттагина тоғора. Бир қўлида тугун.

Димоққа ош иси урилди. Башор опа сўрамаса ҳам бобом тушунтирди.

– Тўй, Башоратхон, тўйни бошлаб қўйдик! Роби-яга тўй келди, Кимсанга унаштирдик.

Нима қилишимни билмай қолдим. Ташқарига қочиб чиқай десам, дарвоза олдида бобом турибди. Боя Парча қочиб борган бурчакка ўзимни урдим. Башор опа бир зумда шундай ернинг ўзига дастурхон ёзди. Бобом кетиб бўлганини билиб, энди қочиб қолмоқчи эдим, Башор опа қўлимдан маҳкам тутди.

– Эрга тегишга уялмаган, ошини ейишга ноз қиласанми, қиз тушмагур, ўтир бундоқ!

Лаган тўла зарчавали сап-сарик ошга Парча шоша-пиша қўл чўзган эди. Башор опа билагига қарсиллатиб туширди.

– Шошма, нафсинг қургур, аввал патирдан е, ҳолвадан оғзингга сол. Кейин ҳамма ош сеники!

Қорним очиб кетган бўлсаям, ошдан бир-икки чўқиб қўлимни артдим.

Башор опа пиёз ҳиди анқиб турган лаблари билан икки юзимдан қаттиқ ўпди.

– Бахтли бўл, жон синглим. Қайлиғинг омон-эсон келсин!

Қоронғи тушиб, одам одамни ажратолмайдиган бўлиб қолгунча пиёз тозалаб, қанор қопларга жойладик. Чамамда ҳаммамизнинг кайфимиз чоғ эди. Башор опа увишиб қолган оёқларини уқалаб ўрнидан тураётганда Парчага дашном берди:

– Ноз қилмасдан Зақунчига тега қолсанг-ку, сениям ошингни ердик.

Парча қоронғида дўрилади:

– Ош емасамам майли, қўзи хунук!

Бўшаган тоғорани дастурхонга ўраб кўтараётган эдим, Фотима келин қўймади.

– Ўзим, келинпошша, – деди кулиб. – Сизни аяш керак. Нима қилсаям келинсиз.

Учаламиз тизилишиб йўлга тушдик. Кечки изғирин турган, совуқ эди. Қор дарров музлабди. Оёқ ости ғичир-ғичир қилади. Осмон тип-тиниқ, йирик-йирик юдузлар совуқдан титраб йилтирайди. Қишлоқ жимжит. Олисда – разъезд томонда поезднинг тарақа-туруқ овози келади. Қани ўша поездга осилиб олсаму Кимсан акамнинг олдига обориб қўйса. «Айтганингиз бўлди, Кимсан ака, кўнглингизни тинч қилинг, энди менга совчи келмайди», десам.

Қоронғи бўлса ҳам Оқсоқолнинг қўшқанот дарвозаси олдида турган отни узоқдан танидим: Умар закунчининг оти! Парво қилмадим. Нима қипти. Умар закунчи Оқсоқолникига келгандир-да!

Аммо Фотима келин тоғорани биқинига босганча негадир хавотирланиб синглисидан сўради:

– Тинчликмикан, Зўра?

– Билмасам, – деди Зуҳра келин ҳам овози титраб. – Бунақа пайтда келадиган одати йўқ эди-ку!

Музлаган қорни ғарч-ғурч босганча қадамимизни тезлаштирдик. Дарвозага яқин келишим билан

дилни ўртаб юборадиган фарёд қулоғимга ўқдек кирди.

– Вой, боле-ем! Қўшмозор бўлган болам!

Фотима келин тоғорани қорга улоқтириб ичкарига отилди. Кетидан Зуҳра келин, ундан кейин мен ҳовлига чопиб кирдим. Айвон тоқчасида фонус хира ёниб турарди. Холпош хола сочларини ёйганча, айвонда оёғини узатиб ўтирар, тиззасига муштлаб додлар эди.

– Қўшмозор бўлган бол-е-ем!

Бир томондан Фотима келин, бир томондан Зуҳра келин қайнонасини қучоқлаб олишди.

– Ойижон, нима бўлди?! – деди иккаласи баравар.

Холпош хола гоҳ у келинига, гоҳ бу келинига талмовсираб қаради. Аммо иккаласини ҳам танимади шекилли, яна тиззасига шапатилади.

– Уйинг куйгур Рашид абзи! Боланг ўлгур Рашид абзи!

Фотима келин «а!» деб қисқа хитоб қилди-да, шилқ этиб айвон тагига, қори куралган ерга йиқилди. Зуҳра келин қайнонасини ёқасига ёпишиб, кучи борича силкита бошлади.

– Нима бўлди, айтинг! – деди чинқириб. – Нима қилди?

Бусиз ҳам чайқалиб ўтирган Холпош хола кўзи олайиб, ёнбошига ағдарилди.

– Қандоқ чидайман! – деди энтикиб.

Зум ўтмай хириллаб нафас ола бошлади, Зуҳра келин тўсатдан бошидаги рўмолини юлқиб ташлади. Икки қўллаб сочини юлганча ёввойи овозда чинқириб юборди.

– Зокир ака-а!

Ҳушим жойига келганда Фотима келиннинг бошида «ойи, туринг, ойижон», деб чирқиллаётган Ойпопукка кўзим тушди. Энди йўлга кирган

Тоҳир эса иштончан, айвон бурчагида совуқдан дийдираб турарди.

Ерпарчин бўлиб ётган Фотима келинни кўтаришга кучим етмади. Юзига қор ишқалаган эдим, амаллаб кўзини очди.

– Туш кўрмай, мен ўлай, – деди инграб. – Бешик кўрмай мен ўлай!

Қор обкелиб аввал Холпош холага, кейин Зухра келинга сурдим. Холпош хола ингради:

– Шокир! Зокир! Болажонларим!

Нариги уйдан аввал ёқавайрон Ориф оқсоқол, кетидан ранги ўчган табиб билан Умар закунчи чиқиб келишди.

– Подадан бурун чанг кўтарма! – Оқсоқол хотинига дағдаға қилди. – Аниқлаймиз! Ҳаммасини аниқлаймиз! Керак бўлса Калининнинг ўзигача бораман! – У сўзини тасдиқлатиб олмоқчи бўлгандек табибга қаради. – Абзи хато қилган. Адашиб бошқа хатни олиб келган. Мени ўғилларим бекорга ўлиб кетадиган болалармас.

Холпош хола тагин фарёд чекди:

– Бир эмас, иккитасидан баравар айрилсам-а!

Иккала келин икки ёқда дод солишар, Ойпопук Фотима келинни қучоқлаб, «ойи, дадамга нима қилди?» деб чинқирар, даҳшатдан ўзини йўқотиб қўйган кичкинтой Тоҳир эса совуқдан дийдираб анграйиб турар эди.

Нима қилишимни, кимни овутишимниям билмасдим. Аллақаердан ойим пайдо бўлди. Югуриб келиб Холпош холани қучоқлади.

– Ўзингизни босинг, овсинжон! – деди ўзиям йиғлаб. – Адашган, овсин, почтачи адашган.

«Почтачи» деган сўз қулоғига чалиниши билан Холпош хола баттар чинқирди.

– Уйда йўғимизда Попукка ташлаб кетибди. Сизникида юрганимда ташлаб кетибди!.. Ҳалигина қандоқ хурсанд эдим-а!

Овсиним тўй кўрди, деб қандоқ суйинган эдим-а, овсинжон! Қўш боламдан айрилиб қолавераманми?

Фонус ёниб турган токчадаги ярим варақ кулранг қоғозга энди кўзим тушди. Худди қўлимни чақиб оладигандек, қоғозни кўрқа-писа ушлаб, фонусга тутдим. Қизиқ, русчани яхши билмасам ҳам мазмунини дарров тушундим.

Ёш қўйилиб келаётган кўзларимни артиб-артиб босма ҳарфда ёзган хатни ўқидим... «Танк механиги сержант Зокир Орипов Москва остоналарида «Мединск» районида бўлган шиддатли жангларда ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ватан қаҳрамон жангчи Орипов хизматларини унутмайди. Капитан Максимов».

Хатнинг ҳаммаси босма ҳарфда, фақат Зокир Орипов деган сўзлар қўлда ёзилган эди.

Бундан чиқди Зокир ака ҳалок бўлган. Бундан чиқди Шокир ака тирик. Хайрият...

Энди шуни айтиб, Холпош холани «суюнтирмоқчи» эдим, токчада ётган худди шунақа иккинчи қоғозни кўрдим.

Қўлларим титраганча иккинчи хатни ҳам ўқиб чиқдим. Бунисиям худди биринчисига ўхшаган. Бунисига ҳам капитан Максимов қўл қўйган, фақат «танк механиги сержант Зокир Орипов» деган сўзлар ўрнига «стрелок», оддий солдат Шокир Орипов» деб ёзилган эди.

Ориф оқсоқол, «бизнинг азаматлар битта танкда хизмат қилади», деб гапириб юргани эсимга тушди-ю, ҳаммасини англадим.

Бундан чиқди...

Айвоннинг бир томонида Фотима келин, Шокир ака деб дод солар, иккинчи томонида Зухра келин, Зокир ака деб оҳ чекар, Холпош хола эса ойимнинг кучоғида тебранганча ҳамон нола қилар эди.

– Уйгинанг куйгур, Рашид абзи! Шумқадам абзи!

– Абзида нима гуноҳ! – Оқсоқол шундай ҳайқирдики, токчадаги фонуснинг пилиги липиллаб кетди. Доим Оқсоқолдан зириллаб турадиган Холпош хола ҳам, келинлари ҳам бу сафар эътибор беришмади. Ҳар ким ўз дарди билан овора эди.

Биринчи бўлиб Умар закунчи ҳушига келди. Йўқ, у ҳушини йўқотмаган, аммо бир йўла шунча одамнинг ғам-андуҳи олдида нима дейишини билмай тургани учун гапирмаган бўлса керак. Энди ўзини ўнглаб олди. Фонуснинг пилигини кўтарган эди, айвон ёришиб кетди.

– Яхшимас, ўртоқлар... – деди юпатувчи оҳангда... – Бунақа дод-фарёд қилиш яхшимас. – У бир зум жимиб қолди-да, бошидан чақмоқ телпагини олди. – Начора, бу – ҳаёт-мамот жанги. Ундан кўра Шокиржон билан Зокиржоннинг хотирасини...

Бирдан Оқсоқолнинг кўзида ўт чақнади. Назаримда мўйлови ҳам диккайиб кетгандек бўлди. Токчадаги телефон тутқичини юлқиб Закунчига ўқтади.

– Йўқол, хотира-потиранг билан! – деди хириллаб. – Йўқол!

Умар закунчи, «мана бу овсарни қаранглар», дегандек елка қисиб чақмоқ телпагини бошига кийди. Айвон зинасидан тушиб кетаётганда Оқсоқол унинг кетидан газаб билан ҳайқирди:

– Мени ўғилларим ўлмайди! Ориф Оқсоқолнинг ўладиган боласи йўқ!

Оқсоқолнинг овози ҳам – қўллари ҳам, соқоли ҳам муттасил титрарди.

Унинг «йўқол» дегани оғир ботди шекилли, Умар закунчи ҳовлига тушиб бурилиб қаради.

– Нима қилайлик, Оқсоқол, – деди лабини буриб-роқ, – уруш қурбонсиз бўлмайди, – чирт этиб тупурди-ю, дарвоза томон кетди.

Бобом бутун вужуди қалтираётган Оқсоқолни қучоқлади.

– Қўй, ўртоқ! – деди ялиниб. – Хатолик ўтган. Мени айтди дейсан, командири билмасдан ёзган.

Оқсоқол оғзини каппа-каппа очиб ҳансираб турди-да, кесилган дарахтдек шилқ этиб ерга ўтириб қолди. Табиб тиз чўкканча унинг қўлини уқалай бошлади.

Бу қандай гап! Бу қандай адолатсизлик! Ҳалигина бизникида «маълум оши» бериб қувонган одамлар уйга кириши билан бошига тоғдек кулфат тушса! Ҳамиша ўзгаларнинг кўз ёшини артиб юрган Оқсоқол бугун ўзининг дардига даво тополмас! Қандай бедодлик!

* * *

Ҳали бошимга бундан оғир кунлар тушишини, бундан баттар бедодликлар кўришимни, Кимсан акам иккаламининг ўртамизда синдирилган нон увол кетиб, ушатилаган ҳолва бекор бўлишини билмаган эканман.

Шу топда биров: Беҳуда овора бўляпсан, суйганинг қайтиб келмайди, бир йил эмас, беш йил эмас, ўн йил кутасан-да, охири Кимсан аканг у ёқда қолиб, яхши кўрган янганг – Раъно келиноининг эрига хотин бўласан, севасанми-севмайсанми, вақт-соати етиб шу одамдан ўғил туғасан, деса ўша заҳоти юрагим ёрилиб, ўлган бўлардим.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

ЎНИНЧИ БОБ

КИЧКИНТОЙ МУЗАФФАР ҲИКОЯСИ

1. Суюнчи беринг! Ойим ўғил туғдилар!

Ойим икки ойдан бери касал эди. Қорни ўзидан-ўзи катта бўлиб кетаверди. Кир ювса, ҳовли супурса, дарров бели оғрийди. Эсимда, жийда гуллаган кунлари дадам унга қаттиқ тайинлади. «Энди ишга чиқма. Шу аҳволда трактор ҳайдашни ким қўйибди сенга!»

Ойим ишга чиқмагани менга маза бўлди. Кун бўйи ёнида ўралашиб юраман. Абдували иккаламиз ҳовлида роса тўполон қилиб ўйнаймиз. «Қора аммам» бизникига деярли ҳар куни келади. «Шовқин солманглар, ойингни қулоғига ёқмайди», деб чирқиллайди.

Кечқурунлари айвонда ўтириб олиб, жажжи кўрпачалар тикади.

– Кимга? – десам, гиж-гиж нафас олиб, кулади.

– Укангга! Насиб этса яқинда укалик бўласан, болам. Ўғил укани яхши кўрасанми, қиз уканими?

– Ўғил, – дейман илжайиб. Албатта-да! Абдувалининг ўғил укаси борлиги учун мақтанади. Менгаям ўғил ука керак. Қиз бўлса, кўтармайман!

Бугун ойим жуда қийналди. Ҳовлида бостирма соясида ўрик еб ўтирган эдим, уйдан ойимнинг чинқиргани эшитилди. Қўрқиб кетдим. Чопиб

уйга кирсам, «Қора аммам» ойимни қучоқлаб олибди. Ойим кўрпачада ўтирган ерида бутун гавдаси билан тебраниб ўзини у ёқдан бу ёққа ташлаяпти. Кўзлари юмуқ, лабини тишлаб инграйди, пешонаси терлаб кетган... Чопиб бориб бўйнига осадим. Пешонаси муздек эди.

– Ойи! – дедим қўрқиб. – Ойи, нима қилди?

Ойим кўзларини ярим очиб илтижоли термилди.

– Жон болам, чиқиб кет! – деди ялиниб. – Жон болам, оҳ! Ойижон!

«Қора аммам» мени ойимдан нари сурди.

– Бор! – деди нафаси баттар гижиллаб. – Дадангни чақир. Айт, Лазакат холангни топиб келсин. Дарров!

Уй ўртасида гангиб турган эдим, аммамнинг жаҳди чиқиб кетди.

– Борсанг-чи, тезроқ! Табиб бувангни хотинини айтиб келсин!

Қўрқув ичида кўчага отилдим. Дадамни қаёқдан топаман! Нима кўп, дала кўп. Қайси бирига бораман? Бирдан эсимга чойхоначи тушди, Илҳом амаки ҳамма нарсани билади. Ўшанга бораман. Дадамни топиб берсин! Ойим касал бўпқолдилар, йиғлаяптилар, дейман.

Ҳаллослаб чопганча чойхонага яқинлашиб қолган эдим, биров отимни айтиб чақирди. Қарасам – дадам! Елкасида кетмон, кўчанинг нариги бетида келаётган экан! Жонҳолатда бақириб юбордим:

– Дада! Ойим касал бўп қолдилар! Лазакат холанни чақираркансиз!

– Нима? – Дадам қаттиқ оқсоқланганча яқин келди. Ранги қув ўчиб кетди.

– Ма, – деди кетмонни менга узатиб. – Чоп уйга!

Кескин бурилди-да, йиқилиб кетгудек оқсоқланганча катта йўлга югурди.

– Ҳой! – деди анча нарига борганда тўхтаб, – ойинг касал бўлганини биров билмасин.

Ҳеч балога тушунмадим. Кетмонни елкамга олмақчи эдим, кучим етмади, зил-замбил экан. Инграб ётган ойим кўз ўнгимга келди. Кетмон бандидан икки қўллаб чангаллаганча судраб кетдим. Югурай десам, кетмоннинг ярақлаб ётган ўткир юзи оёғимни кесиб кетади, деб қўрқаман. Югурмай десам, ойимнинг олдига тезроқ боргим келади.

Ҳовлимизнинг эшигига етгунча терлаб кетдим. Ўша заҳоти орқа томондан дадамнинг ялинган овозда гапиргани эшитилди:

– Жон опа, барака топинг, тезроқ!

Қарасам, дадам оқсоқланганча шу томонга чоп-япти. Ўн қадамча нарида дока рўмоли елкасига тушиб кетган Лазакат хола келяпти. Дадам, қўйиб берса Лазакат холани қўлидан судраб чоптириб кетадигандек важоҳатда.

– Тезроқ! – деди ҳам жеркиб, ҳам ялиниб.

– Вой укам, ваҳима қилманг. Бу савдо ҳар хотиннинг бошида бор.

Биламан. Лазакат хола яхши хотин. Олимжон акамнинг ойиси-да! Табиб буванинг хотини, ўзига ўхшаган юмшоққина...

У пилдираб эшикдан кириб бораркан, дадамга тайинлади:

– Кирманглар! Эркакни кўрса тўлғоқ қочади.

Дадам эшик олдида серрайиб туриб қолди. Ҳансираб нафас олар, кўзлари бежо, аммо ҳовлига киришга журъат этолмасди.

– Лазакат хола ойимни тузатади-а? – дедим дадамнинг кўзига тикилиб. – Ойим йиғлаяптилар.

Дадам жавоб бермади. Кетмонни қўлимдан олиб ерга типпа-тик қилиб қўйди. Тринка шимининг чўнтагига қўл суқиб тамаки халтасини олди. Титроқ қўллари билан тамаки ўради. Лабига қис-тирди-да, у чўнтагига, бу чўнтагига қўл тикди.

– Минг лаънат! – деди аччиғланиб. – Бор, гугурт обчиқ!

Югуриб кетаётган эдим, кетимдан бақирди:

– Музаффар, уйга кирма! Ошхонада гугурт бор!

Ошхонага чошиб бораётганимда ойимнинг чинқирган товушини эшитдим.

«Қора аммам» билан Лазакат хола бир нима деб юпатишди шекилли, ойим жимиб қолди. Нимқоронғи ўчоқбошида ётган гугуртни пайпаслаб топдим. Ҳовлига отилиб чиқишим билан ойимнинг чинқирғи қулоғимни тешиб юборай деди.

– Ойижон! Рози бўлинг!

Йиғлагим келди-ю, йиғлай олмадим. Даҳшат ичида ташқарига югурдим. Чиқсам, дадам ёнғоқ тагида ўтирибди. Кетмонни тик қилиб, бандини икки сони орасига қисиб олган. Ёнғоқ остидаги харсангтошга кетмонни қўйиб, қўлидаги яна битта тош билан кетмон юзини тарақлатиб уряпти.

Ичкаридан ойимнинг чинқиргани эшитилди. Дадам кетмонни баттароқ ура бошлади.

– Мана! – дедим гугуртни узатиб. Аммо у қайрилиб қарамади.

Янаям яқин бордим.

– Манг!

Дадам парво қилмади. Тош билан кучи борича кетмонни ураверди.

Кетмон юзи бирпасда чўтир бўлиб кетди. Ичкарида ойим чинқирган сайин дадам кетмонни қаттиқроқ савалайди. «Жанг-жанг», «жанг-жанг» деган товуш қулоқни тешиб юборгудек бўлади.

– Дада, мана! – дедим елкасига туртиб.

Бари бир эшитмади. Тош билан кетмонни қарсиллатаверди.

Бир маҳал ичкаридан «инга-инга» деган ингичка, ожиз овоз келди. Қизиқ, дадам ҳеч нимани сезма-

япти, ҳеч нимани эшитмаяпти, деб ўйлаган эдим. Йўқ, ҳаммасини билиб турган экан. Бирдан қўлидан тош тушиб кетди. Кетмонни улоқтириб, қаддини ростлади. Терлаб кетган, мўйлови титраб турарди.

– Югур! – деди бақриб. – Э, тўхта!

Шимининг чўнтагига қўл солиб, шалвираб кетган ҳамёнини олди, титроқ қўллари билан кўкиш қоғоз пул чиқарди.

– Ма! Доя холангга бер!

– Кимга? – дедим анграйиб.

– Лазакат холангга, ўғлим, – у боядан бери биринчи марта жилмайди. Пулни олиб ҳовлига югурган эдим, эшик олдида аммамга урилиб кетдим.

– Ўғил! – деди «қора аммам» мени нари суриб, дадам томонга югураркан. – Битга ўғлинг иккита бўлди, укам! Муборак бўлсин!

Дадам шу томонга талпинган эди, оёғи панд берди шекилли, қалқиб кетди. Аммам муштдеккина бўлса ҳам бақувват экан, дадамни ушлаб қолди.

– Шукр! Эсон-омон қутулди, – деди ҳансираб. – Паҳлавондек ўғил туғди!

Дадам негадир кафти билан юзини тўсди.

– Отини Омон қўямиз! – деди овози титраб. – Омон бўлсин, опа. Умри узоқ бўлсин.

2. «Паҳлавон»нинг бешиги

«Қора аммам»нинг маслаҳати билан ўша заҳоти кўчага югурдим.

– Суюнчи беринглар! Ойим ўғил туғдилар!

Энг аввал Абдувалиларникига кирдим. Билиб қўйсин, энди бизнинг ҳам укамиз бор. Ўғил укамиз! Отини Омон қўямиз!

Абдувалининг ўзига ўхшаган сариқ ойиси дўппимга ўрик тўлдириб берди.

– Хайрият-ей! – деди суюниб. – Омон-эсон қутулибди, бечора!

Ўрик тўла дўппимни маҳкам ушлаганча чойхона томонга чошиб кетаётсам, кетимдан Абдували ҳам етиб олди. Унинг ойиси туғмагану бари бир суюнчига шерик бўлмоқчи. Майли, шу қилганига дадасининг сартарошхонасига кириб, суюнчи сўрайман.

«Туя» амаки иккаламизга биттадан йигирма тийинлик берди. Илҳом чойхоначи бўлса жудаям сахийлик қилиб юборди.

– Ие, гирой, сиз укалик бўласизу бизни суюнчидан қочирасизми? – деб менга кўк, Абдувалига сариқ қоғоз пул тутқазди.

Укалик бўлиш яхши экан! Бирпасда анча-мунча нарсалик бўпқолдим. Чақа пул, танга пул, қоғоз пул... Қўйним туршак билан ёнғоққа тўлиб кетди.

Буниси яхши-ку, уканг бўлишининг ёмон томониям бор экан.

Ўмонлиги шуки, кечаси ухлаб ётганимда чақалоқ «инга-инга» деб уйғотиб юборади. Ойим кўкрак тутмагунча овунмайди. Бундан ташқари, кундуз кунлариям ойим ҳовлида юмуш қилиб юрганида йиғлаб қолади.

– Укангга қара! – дейди ойим қўлини ювиш учун ошхонага югургилаб.

Укамга қараганим шу бўладики, бешикни тебратаман. Бари бир минг тебратганим билан укам овунмайди. Оқариб кетган эски гаврапўшни кўтариб юзини очаман.

Ўша куни «қора аммам» чақалоқни «паҳлавондек» деб мақтаганида укам камида дадамдек бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, кичкинагина. Ўзи кичкинаю овози баланд. Биттаям қоши йўқ. Гаврапўшни кўтаришим билан, митти кўзлари-

ни очиб, мени кўради-ю, овуниш ўрнига баттар йиғлайди. Оғзида тишиям йўқ. Ойим келиши билан овуниб қолади. Кичкина бўлиб ойимни танигани-чи!

Ойим бешикни секин-секин тебратади. Бешик муттасил фирчиллайди.

Ойимнинг айтишига қараганда бу – менинг бешигим экан. Эски бўлгани учун фирчиллармиш. Бугун «қора аммам» укамга янги бешик олиб келаркан.

Янги бешикни олиб келиш қизиқ бўларкан. «Қора аммам», Парча хола, яна уч-тўрт хотин безатилган бешикни кўтариб, эшикдан алла айтиб киришди.

*Алла, болам, алла-ё алла!
Ширин қўзим, алла-ё алла!
Бағримдаги тойчоғим, алла!
Бешикдаги мунчоғим, алла!*

Ўзиям, бешикмисан, бешик! Устига чўғдек қизил гаврапўш ёпилган, гаврапўш четларига чақалоқнинг кўйлакчалари, иштончалари, уқпар қадалган дўпписи чатиб кўйилган... Хотинлар алла айтиб, уйга йўл олишди. Абдували иккимиз эргашиб кирдик. Бирпасда меҳмондорчилик бошланди.

Ҳамма-ҳамма билан Парча хола шиннига нон ботириб ураяпти. Тахмон олдида Лазакат хола янги бешикка бошқатдан жой сола бошлади.

Аввал тувак-сумақларни қўйди. Кейин шилдир-шилдир қилаётган қовусни (биламан, чақалоқнинг тўшакчаси, ичида тариқ пўсти бор) ёзди. Устидан оппоқ йўрғак ташлади.

Аммам хокандозда тутаб турган исириқ кўтариб кирди. Ҳарсиллаб нафас олганча алланималар деб пичирлади, бешик атрофида хокандозни айлангирди. Лазакат хола пиёланнинг оғзича келадиган қулчани бешик бошига қўйди-да, устига ёстиқча ташлади.

– Ҳой, Робияхон-у?! – деди айвон томонга қараб.
– Опкелинг!

Қарғашойи кўйлак кийиб, ясаниб олган ойим йўргакланган укамни кўтариб кирди.

Аммам укамни ойимнинг қўлидан олиб ўша томонга ўтаётган эди, Парча хола ўтирган жойида қўлини чўзди.

– Манга беринг! – деди дўриллаб. – Узатвораман!

– Йўқ-йўқ, худо хайрингни берсин! – деди Лазакат хола шоша-пиша қўл силтаб. – Чақалоқ бечора кўрқиб, шайтонлаб-нетиб юрмасин! Шиннингни ейвер!

Бир уй хотин кулиб юборишди. Айниқса, Парча холанинг ўзи кулганда уй ичи гулдираб кетгандек бўлди.

– Бу гапизам тўғри, опа! – деди каттакон кафти билан қалин лабига ёпишган шинни юқини артиб.

– Мани қоронғида кўрса, котта одам кўрқади-ку!

Тағин қаҳқаҳа янгради. Аммам укамни Лазакат холага авайлаб узатди. Лазакат хола чақалоқни кўрпачага ётқизиб, йўргагини ечди. Укамнинг чап оёғини авайлаб букиб, тиззасини ўнг қўлининг учига тегизди.

– Етдими? – деган эди, уй тўла хотинлар қий-чув қилиб юборишди.

– Етди! Етди!

Лазакат хола энди укамнинг ўнг оёғини букиб, чап қўлининг учига тегизди.

– Етдими?

– Етди! Етди!

Боядан бери индамай ётган укамга бунақа қилиқ ёқмади шекилли, йиғлаб юборди. Аммо хотинлар бемалол кулишар, остонада турган ойим ҳам мамнун жилмаяр эди.

– Вой, манов болани ширинлигини! – Парча хола дўриллаб, хитоб қилди. – Вой, жужуқларингдан айновний!

Тагин кулги кўтарилди.

– Туф де, кўзинг тегади!– Лазакат хола укамни аста кўтариб, негадир бешикка кўндаланг ётқизмоқчи бўлди.

– Қаёққа ётқизай! – деб сўради баланд овозда. – Шу ёққами?

Хотинлар чувиллашиб кетишди.

– Йўқ! Йўқ!

Лазакат хола энди укамнинг оёғини ёстиқ томонга айлантириб ётқизмоқчи бўлди.

– Бу ёққами!

Хотинлар кула-кула баттар чувиллашди.

– Йўқ! Йўқ!

Ие, Лазакат хола қанақа ўзи! Ёстиқ қаёқдалигини билмайдими? Укам йиғлаб ётибди-ку, булар кулади-я! Энди жаҳлим чиқиб турган эди, Лазакат хола ниҳоят чақалоқни қанақа ётқизиш кераклигини «тушунди». Укамни тўғри ётқизди.

– Бу ёққами?

– Ҳа! Ҳа! – Хотинлар қий-чув билан тасдиқлашди. – Шу ёққа!

Лазакат хола оёқ-қўлларини питирлатиб йиғлаётган укамни чаққонлик билан бешикка боғлади-да, дуо қилди.

– Илоё умринг узоқ бўлсин. Бахтли бўлгин! Инсофли-товфиқли бўл. Меҳнаткаш бўл.

Қизиқ, укам бирпасда овуниб қолди.

– Ҳой, ким бор? – деди Лазакат хола ёнбошида турган тугунни ечиб.

Абдували шуни кутиб турган эканми, ўша томонга биринчи бўлиб отилди. Лазакат холанинг тугунидан қип-қизил, чиройли патир чиқди. Абдували патирни тишлаганча ташқарига қочди.

– Ушла! Ушланглар! – хотинлар кула-кула Абдувалини тутиб олмақчи бўлгандек қўл узатди. Нима

қилишимни билмай Абдувалининг кетидан мен ҳам ҳовлига отилдим.

Олма тагида тамаки тутатиб ўтирган дадам Абдували иккаламизни имлаб чақирди.

– Ўртоқларинг билан бўлашиб енгла! – деди тайинлаб. – Омон ҳам сенларга ўхшаб чопқиллаб юрсин.

...Патирни ўртоқларимиз билан бўлашиб егандан кейин ўйинга берилиб кетибмиз. Кунботар паллада уйга кирсам, хотинлар тарқаб бўпти. Бурчакда чўғдек гаврапўш ёпилган янги бешик олдида чўккалаган ойим укамга кўкрак тутяпти. Аммам кавшандозда ўтириб маҳсисини кийяпти.

«Қора аммам»нинг одатини биламан. Маҳси кийдими, бўлди, уйига кетади.

– Кетманг! – дедим ялиниб. – «Қора амма», кетманг.

Ойим ярқ этиб биз томонга қаради. Аммамнинг йўлга отланиб қолгани унга ҳам ёқмаган шекилли, зардалироқ оҳангда гапирди:

– Ҳеч бўлмаса шу бугун қолинг, ойи! Борасиз-да, ўша уйингизга.

– Қўй, жон болам! – Аммам ойимга қараб гапираркан, ўтирган жойида чўзилиб, менинг елкамга қоқди. – Бир ойдан бери шу ёққа қатнайвериб, чолимниям чироғини ўчириб қўйдим.

Ойим аразлаб юзини ўгирди. Қаддини ростламоқчи эди, укам ҳали эмиб бўлмаган экан шекилли, гингшиб йиғлади. Аммам шоша-пиша яқин борди.

– Қимирлама! – деди ойимнинг елкасига қоқиб.

– Шу бугун қолинг ахир, – ойим астойдил ялинди.

Аммам хўрсинди:

– Биласанми, – деди маънос оҳангда. – Шу кеча Кимсанни туш кўрибман. Безовта бўлиб юрибди. Бора қолай.

Негадир ойим сесканиб кетгандек бўлди. Укам чирллаб йиғлаётганига қарамай, гаврапўш усти-ни ёпиб, дик этиб ўрнидан турди.

– Йўқ-йўқ! – деди аммам бош чайқаб. – Ўтира-вер, болани эмиз.

Ойим қулоқ солмади. «Қора аммам»нинг тугуни-ни кўтариб эшикка йўналди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

«ҚОРА АММА» ҲИКОЯСИ

Энг бегуноҳ одам

Биламан, шу ишни яхши қилмадим. Нима бўл-гандаям бугун қизимнинг олдида ётиб қолишим керак эди. Ёшим олтмишдан ошиб, неварали бўл-дим, бешик тўй кўрдим. Шукр қилсам бўлмайди-ми? Бу кунларга ким етдию ким етмади!

Биламан, Робиянинг дили офриди. Музаффар-ни айтмайсизми? Бола бечора «амма, кетманг» деб оёғимга ёпишди. Яхшиям Шомурод йўқ экан. Дуч келиб қолса, қўлимдан судраб уйга обкирар-ди-ю, қайтиб чиқармасди. Ҳаммасиям майли-ку, бир ишим нотўғри бўлди. Кимсанни гапирмасам бўларди. Қизим шўрлик Кимсан акасининг оти-ни эшитиши билан ғалати бўлиб кетди: боласиям кўзига кўринмай қолди. Мен – эсини еган кампир нима қилардим, бечоранинг ярасини янгилаб.

Нима қилай ахир! Ростдан ҳам туш кўрдим-да! Кеча кечаси бир чимдим ухладимми-йўқми, бил-майман. Бешик тайёрлаш, сарпа-суруғни жой-лаш билан тонготар овора бўлдим. Охири, ёстиққа шундай ёнбошлабману кўзим илинибди. Кимса-нимни аниқ-таниқ кўрдим. Кетмон дастасидан ушлаб турибди. Бошидаги дўпписига лой сачра-

ганмиш. «Болам, дўшпингни қоқиб ташла, лой тегибди», десам қовоғини солиб турганмиш. Бирдан урушга кетгани эсимга тушиб, йиғлаб юборибман.

«Вой, болам, келдингми! Урушдан келдингми!» десам аразлаб, юзини ўгирибди. «Нега хат ёзмадинглар, жа бўлмаса, Робия ёзса бўларди-ку», дебди-да, кетмонни елкасига олиб бурилиб кетибди... «Шошма», деганча йиғлаб қолавердим.

...Бешик тўйи ҳам татимади. Нуқул дўшписига лой ёпишган ўғлим кўз олдидан кетмайди. Қанийди, Кимсаним урушдан омон қайтганда, шу бола ўғлимники бўларди. Бешик тўйи ўзимизнинг уйимизда ўтарди...

Қизиқ... Нега хат ёзмайсизлар дедими? Ахир ўшанда, Робиянинг бошини боғлаган кунимиз қизим ўз қўли билан хат ёзган эди-ку, Кимсанга! Йўқ, у кунимас, эртасими-индиними?! Ўша куни Оқсоқолнинг уйида қиёмат-қойим бўлиб, Робия хат ёзадиган аҳволда эмасди. Аммо кейин ёзди. Аниқ биламан, ёзди. Фақат... Почтачисиз қолганимиз ёмон бўлди. Ким билади, балки кейинроқ ростдан ҳам Кимсандан хат келгандиру қўлимизга тегмагандир...

* * *

Ҳеч банданинг бошига фарзанд доғини солмасин экан. Юрса ер титрайдиган шундай Холпош овсиним уч кунда шилиниб тушди. Оппоқ лўппи юзини, кўзига сурма тортиб юришини кўрган одам невара кўрган хотин демасди. Келинлардек ясаниб, кўчага чиқса, ҳамма ёқни атир иси тутиб кетарди. Уч кунда адойи тамом бўлди. «Болам»лаб йиғлайвериб, кўзида ёш, танида мадор қолмади. Қўшалоқ ўғлининг етиси куни бутунлай овози чиқмай қолди. Сочини юлиб йиғлаганиям баҳарнов экан. Сандалга тиқилиб оладида, бир бурчак-

ка термилиб ўтираверади, ўтираверади. Биров чақирса, анграяди. Потма-Зўра келинлар эргалаб туриб, уввос тортганиниям эшитмайди.

Дунёнинг ишларини қарангки, ўша куниёқ Оқсоқол оёққа туриб кетди. Белининг оғриғи ҳам қолди. Аввал сельсоветга чиқиб келди. Кейин тиззадан қор кечиб Тошкентга – военкоматга жўнади. Икки гапнинг бирида: «Йўқ, Ориф оқсоқолнинг ўғиллари бекорга ўлиб кетадиган болаалармас», дейди.

Янги йил қандай кирганини билмайман. Кетма-кет қор ёғиб, қаҳратон совуқ тушди. Маҳалланинг ҳовузида сув пасайиб кетган, Робия шўрлик ҳар куни елкасига обкаш илиб, Бўрижардан сув ташийди. Ёлғиз ўзимизгамас, Оқсоқолларгаям. Бошига тоғдек ғам тушиб турган Потма-Зўра келинларга шунақа пайтда ёрдам бермаса, қачон беради!

«Дард устига чипқон» дегандек, Кимсандан на хат бор, на хабар.

Оқсоқолнинг қўшалоқ ўғлидан «қорахат» келган кундан бошлаб, Рашид абзи ҳеч кимнинг эшигини тақиллатмай қўйган. Ҳар куни гоҳ Робия, гоҳ мен почтага қатнаймиз... Қайси куни чолим почтага чиқса, абзи ичиб, разиздаги қор босган ўриндиқда ёнбошлаб ўтирган экан. Чолим, «унақа қилманг, совуқда қотиб қоласиз», деса, кўнмабди. «Ўз ҳолимга қўйинг, Ҳусан абзи», деб йиғлабди.

...Лавлаги қайнатган эдим. Ўчоқдаги чўғни танчага солиб, энди лавлагини сузиб келсам Оқсоқол билан овсиним бошлашиб чиқиб қолишди. Оқсоқол қулоғини қийиқча билан танғиб олган. Овсиним қалин рўмол ўраган. Нуқул ҳарсиллайди. Ранги бир ҳолатда.

Айниқса, овсиним чиққанига хурсанд бўлдим. Ҳарна дарди бўлинади. Сандал тўрига чолим билан Оқсоқол, берироққа овсиним, мен, Робия ўтирдик.

Шунча қистасам ҳам овсиним туз тотмади. Мушук ўлгур токчада юрган сичқонни қуваман деб, лампанинг шишасини синдириб қўйганидан бери лип-лип чироққа кунимиз қолган. Лип-лип чироқ сасиб, юракни сиқиб юборади.

Оқсоқол хуноб бўлиб кетди шекилли, рапидадек қўли билан каттакон лавлаги бўлагини чангаллаб пуфларкан, тирсаги билан чолимни туртди.

– Зиқна бўлмай ўл! Битта лампашиша сотиб олсанг, давлатинг камайиб қоладими?

Чолим лавлаги чайнаб туриб, тўнғилади:

– Бойвачча бўлсанг, бер битта фонусингни!

– Хўп! – Оқсоқол лавлагини оғзига тикди. – Қизинг чиқсин-да, кўнгли тусаган фонусни обкелсин. Локин кўрсичқонга ўхшаб ўтирма! – У гоҳ кампирига, гоҳ менга қараб, хўрсинди.

– Овсининг қирқ қиламан деяпти.

Овсиним дастурхон попутини ўйнаганча жим ўтирарди.

– Дуримни сотиб келдим, – деди хаста, бўғиқ оҳангда. – Икки болага икки жонлиқ сўймасак бўлмайди. – Унинг томоғини йиғи бўғиб келди-ю, йиғлашга кучи етмади. Лаблари титраб, кафти билан юзини яширди.

Оқсоқол қўлидаги лавлаги бўлагини дастурхонга қўйди.

– Дума! – деди чолимга юзланиб. – Майли, маърака қилгиси келса, қилсин-у, локин... – Унинг гап оҳанги ўзгариб, овози дадиллашди... – Қайси кун Тошканга борсам, военкоматда қизиқ гап айтишди. «Қорахат» ёзишда адашувлар бўлиб тураркан. Гулистон маҳаллалик бир лейтенантдан ҳам «қорахат» келган экан. Военкоматдагилар почтага жўнатибди, почтадагилар йигитнинг уйига обориб берибди. У бечораларам нима қилсин, вазифа-

си-да! Йигитнинг ота-онаси аза очибди. Боланинг қирқи ўтган куни нима бўпти де?– Оқсоқол аввал чолимга, кейин овсинимга қараб жилмайди. Овози тантанали тус олди, – лейтенантдан хат кепқопти! Госпиталдан!

Ичимда чироқ ёнгандек бўлди. Ярқ этиб овсинимга қарасам, ҳалиям дастурхон попугини ўйнаб ўтирибди. Чолидан бу гапни илгариям эшитган бўлса керак, парво қилмади.

Оқсоқол овозини янаям баланд қўйиб, шанғиллади.

– Бомба тушганда лейтенант қорга кўмилиб қолган экан. Ўртоқлари ўлди, деб командирга хабар берибди. Командир ҳовлиқиб хат ёзибди. Йигит бўлса бир жойиям тирналмай қор тагида ётган экан. Ҳушига келиб, қорни кавлаб чиқибди. Кантуз бўлган экан! – Оқсоқол ўзининг гапидан ўзи енгил тортиб, кулимсиради. Бармоғини бигиз қилиб тушунтирди. – Эшитдингми, онаси! Сен бўлсанг қирқ қиламан, деб ётибсан.

Овсиним индамай юзини ўгирди. Чолим лавлагини қўлида муаллақ тутганча сўради:

– Кантуз? Нима у?

– Кантузми? – Оқсоқол «шуниям билмайсанми, саводсиз», дегандек аччиғи чиқиброқ тушунтирди. – Кантуз дегани шуки, яъни масалан, биров қулоғингни тагида варанглатиб милтиқ отди. Гаранг бўлиб қоласанми? Ана ўшанақа-да! Менинг ўғилларим ҳам жа нари борса, кантуз бўлган.

– Хайрият-эй! – дедим енгил тортиб. – Илоё Шокиржон билан Зокиржон кантуз бўлгани рост бўлсин!

– Кўрасан! Кантуз бўлган! – Оқсоқол ишонч билан гапини қайтарди. – Кантуз бўлган! Бугун Зокир тушимга кирибди. Карамга сув боғлаб юрганмиш. Аканг қани, десам, биласиз-ку, акам Кўтар-

мада буғдой ўряпти, дейди. Сув ёруғлик, буғдой – насиба. Бундан чиқди, иккаласиниям насибаси узилмаган.

Овсиним суюниш ўрнига алам билан хўрсинди.

– Мен турай... – деди титраб кетаётган лабини тишлаб.

«Ўтиринг», деб қисташимга қарамай, оғир қўзғалиб ўрнидан турди.

– Қизим, бор, холангни кузатиб ке! – Оқсоқол Робияга буюрди. Битта фонус обчиқ. – У эшик олдида борган овсинимга тайинлади... – Зўрага айтсанг, ошхонадаги фонусни беради.

Овсиним ҳовли эшигида совуқдан дийдираб хайрлашаркан, елкамга қоқди.

– Индинга вақтлуроқ чиқинг, қирқ – хотинларнинг маъракаси.

Уйга қайтиб кирсам, Оқсоқол чолимнинг қулогига эгилиб бир нимаарни гапиряпти.

– Баққа ке! – деб бармоғи билан мени ҳам имлади. – Ҳаммасини аниқладим, – деди пичирлаб. – Танк ёниб кетибди! Иккаласиям... – Унинг соқоли титраб кетди. – Овсинингга айт! Оқсоқол билиб кептилар, кантуз бўлган экан де! Бир йилда иккаласиям оёққа туриб кетармиш де! Уқдингми! – У лип-лип чироққа узоқ тикилиб қолди. Чироқнинг ожиз нурида кўзлари ўйчан, гамгин кўринарди. Йиғлаб юбормаслик учун тескари қарадим. Совуқ, дилгир жимжитликда чолимнинг хўрсингани эшитилди. Ҳеч биримиздан садо чиқмас эди. Шу алпозда қанча ўтирганимизни билмайман. Бир маҳал кимдир дераза олдидан гурсиллаб югуриб ўтди. Ўша заҳоти эшик очилиб, аллакимнинг каттакон гавдаси кўринди. Аввалига танимабман: қарасам – Парча! Бошидаги йиртиқ рўмоли, гунгурсдек елкалари қорга беланган. У тап этиб осто-нага ўтириб қолди.

– Шўрим қуриб қолди, Хусан тоға! – деди-ю, хўнграб йиғлаб юборди. Ҳаммамиз сапчиб ўрни-миздан туриб кетдик.

– Нима гап? – Чолим билан Оқсоқол барабар сўрашди.

Парча Оқсоқолни энди кўрди шекилли, бошидан рўмолини юлқиб олиб, юзини артди.

– Вой, яхшиям шўтта экансиз, Оқсоқол, – деди дўриллаб. – Шўргинам қуриб қолди!

– Тушунтириб гапирсанг-чи, мундоқ! – Оқсоқол жаҳл билан қўлини дўлғади.

– Уйимни ўғри босди! – Парча рўмолини юзига босиб баттар хўнгиллаб йиғлашга тушди.

Оқсоқол билан чолим шоша-пиша тўн кийишди.

– Қачон? Қанақа ўғри!

– Вой, ман қатган биламан? – Парча алам билан дўриллади.

– Нимангни опти? – деди чолим ҳовлиқиб кали-шини кияркан.

– Оса гўргайди-я! Битимни оладими? – Парча йиртиқ рўмолининг учига пўнғиллатиб бурнини қоқди. – Ташаб кетибди.

– Нимани? – Оқсоқол билан чолим барабар ҳай-қиришди.

– Мангина ўлий! – деди Парча дўриллаб. – Пе-шинда табибникига борувдим. Атала қилишган экан, икки косагина ичдим... Ундан Башор опам-никига ўтдим... Ошқовоқ сувига қориб зоғора ёпа-ётган экан.... Тўрттагина едим... ўира-ширада уйимга кесам, айвонимда бир нарса турибди. Инс-ми-жинсми, деб яқинроқ борсам, эчки! Нақ туядек келади!

– Нима! – Оқсоқол тажангланиб ўшқирди. – Қа-нақа эчки?

– Вой ман қатган биламан! – Парча мунғайиб қовоғини солди. – Олдига боришга кўрқдим.

– Э, ўла! – Чолим энсаси қотиб чийилади. – Бировнинг эчкиси адашиб кириб қолган...

– Адашиб кирса, бойлоқ турадими? – Парча яна ҳиқиллаб йиғлашга тушди. – Айвонимни устунига бойлаб қўйибди-ку.

– Қани юр-чи... – Чолим билан Оқсоқол Парчани олдига солиб чиқиб кетишди.

Хаҳ ғалваларинг қурсин-а! Битта эчки деб шунча ваҳима кўтарасанми, эси паст! Алла-паллагача дилим ўйнаб, ўзимга келолмасам-а!..

Робия фонус олиб чиққанидан кейин кўп ўтмай чолим билан Оқсоқол қайтиб келишди.

– Нима бўпти? – деб сўраган эдим, Оқсоқол кафтидаги гижимланиб кетган қоғозни Робияга узатди.

– Ўқиб кўр-чи, – деди қоғозини солиб. – Абзиникидан топдик, эшигига қистириб қўйган экан.

Робия қоғозни фонус ёруғига тутиб, ҳижжалаброқ ўқиди.

– «Мини шумқадам димағиз. Мин шумқадам имасман... – Робия бирпас тутилиб қолди-да, давом этди. – Почтада, столда икки похоронка ёта. Бириси – Дўмбирободға – Сулаймон абзига... Бириси Хирмонтепаға – Хадича отинға. Мин Қазанға китам. Ни булса була! Миндан рози булиғиз. Хайрингиз...»

Робия хатни ўқиб бўлиб, Оқсоқолга узатди. Аммо Оқсоқол қайрилиб ҳам қарамади. Ҳаммамиз карахт бўлиб қолган эдик. Жимлик чўкди.

– Бўлса камбағалга бўлсин дебди-да, – деди чолим ўйчан алпозда. – Эчкисини Парчага ташлаб кетибди... Бир одамда диёнат бўлса шунчалик бўлар-да, ўртоқ!

– Қайтариш керак! – Оқсоқол Робиянинг қўлидан хатни олди.

– Тўғри! – деди чолим. – Қишли-қировли кунда Қозонга қандоқ етиб боради. Ўзи яримта одам бўл-

са... Бир ғарибни сарсон қилиб қўямизми? Сельсоветга айтсак, Исмоил мелиса...

– Э! – Оқсоқол аччиқланиб унинг гапини кесди.
– Нима, абзи дезертирми, мелисанинг олдига тушиб келадиган! Ўзимиз борамиз.

Иккала ўртоқ иссиқроқ кийиниб, тагин чиқиб кетишди.

...Чолим кун ёйилганида бурнидан тортса йиқилгудек бўлиб қайтиб келди. Робия икковимиз «нима бўлди», деб баравар қараган эдик, чолим музлаб кетган қўлини танчага тикиб, офир бош чайқади.

– Йўқ, – деди соқоли титраб. – Тошканнынг вокзалига бориб келдик. Паттани олдиндан обқўйган шекилли. – У бир нуқтага тикилиб узоқ ўтирди-да, оҳиста қўшиб қўйди. – Диёнатли одам эди. Оқсоқол жуда хафа. Кела-келгунча овсинингни сўкиб келди. «Қарғамай тилинг кесилгур, ҳаммасини шу қилди», дейди.

– Овсинимда нима айб? – дедим секин.

Чолим носқовоқни силаб яна анча жим қолди.

– Тўғри, – деди ўйланиб. – Аммо абзи имонли одам эди. Қаерга борсаям, жони соғ бўлсин...

...Рашид абзи кетди-ю, Кимсанимдан хат келмай қўйди...

ЎН ИККИНЧИ БОБ

МЕҲР БИЛАН ҚАҲР – ОРАСИ БИР ҚАДАМ

**Оддий аскар Кимсан Ҳусановнинг
Робияга ёзмоқчи бўлган, аммо ёза
олмаган хати**

«Ушбу хатим гўзал Тошкентнинг Нўғайқўрғон қишлоғида соғ-саломат ўйнаб-кулиб юрган дадам-

ларга, ойимларга, Робияхонга тезда етиб, маълум бўлсинки, ўғлингиз Кимсандан деб билурсиз. Дада, ойи, соғ-саломат юрибсизларми? Оқсоқол, Холпош холам, Фотима-Зухра келинойиларим, у ёқда Раъно келинойим, ҳаммангиз соғ-саломатмисизлар!

Робия! Биратўла тўртта хатингни олдим. «Маълум оши» қилишганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Билиб қўй, сен энди боши боғлиқ қизсан. Ўзимникисан! Олдинда бўлганимда қулоғингга айтадиган гапларим бор эди. Майли, кўпи кетиб ози қолди. Шу кетишимиз бўлса, баҳорда фрицларни қувиб жойига обориб қўямиз, шекилли. Ҳозир душманнинг шашти пасайиб қолган.

Робия, ростини айтсам, Оқсоқол, уруш – ўйин эмас, деганида билиб гапирган экан. Мен урушни ўйинчоқ деб ўйлабман. Қўлингга автомат оласану дуч келган душманни отиб ташлайверасан. Ўқинг ҳечам адо бўлмайди. Йўқ, ажалга рўпара келганингда жонинг кўзингга ширин кўриниб кетаркан. Осмонда учиб кетаётган «Фокке-Вульф»нинг қорнидан ажралиб чиқиб уввос солиб тушаётган қўша-қўша бомбаларни аниқ кўриб турасан. Ўша бомба бошқа ҳеч кимнинг эмас, худди сенинг бошингга тушаётгандек бўлаверади. Қор босган далада мўри малаҳдек ўрмалаб келаётган танклар худди сен турган окопга бостириб келаётганга ўхшайди. Ўзингни қаёққа уришни билмай қоласан. Нима қилайлик, биз кетмондан бўлак ниманиям кўрибмиз! Эсимда бор: биринчи кунлари немис бизга ўхшаган соддаларни тутдек тўқди. Фарғоналик Эргашали ака деган ҳазилкаш киши бор эди. Афанди айтиб ҳаммани кулдириб юрарди. Бир куни траншеядан бошини чиқариши билан қарс этган овоз эшитилди-ю, бечора шилқ этиб йиқилди-қолди. Фашист снайпери пойлаб турган экан. Эргаша-

ли ака йиқилиши билан ўн чоғли ҳамюртлари «вой жигарим»лаб ўша томонга отилишди. Мен ҳам чопиб бораётган эдим, Маша деган санинструктор қиз кўлимдан тортиб қолди. Машанинг ҳайҳайлашига қарамай, Эргашали аканинг бошига тўдалашиб борган дўстлари устига гумбурлаб мина тушди-ю, ўн кишини парча-парча қилиб ташлади.

Йўқ, Робия! Энди биз ҳам жанг қилишни ўрганиб олдик. Мўйлови худди Оқсоқолникига ўхшаб осилиб тушган «дядя Вася» деган сержантимиз бор. Оғзидан мохорка тушмайди. Мен ўз улушимга тушган тамакини унга бераман, у ўз улушига тушган қандни менга беради. Дядя Вася ўн тўртинчи йилда ҳам Германияга қарши урушган экан. Уруш нималигини мана шу киши ўргатди.

Дядя Вася қайси бомба қаерга тушишини олдиндан билади. Бир чақирим нарида учиб келаётган «Фокке-Вульф»нинг қорнидан ажралиб чиққан бомбаларни кўриб, бошимни ичимга тортсам, елкамга шапатилайди.

– Это не наш!

Чиндан ҳам бомбалар уч юз-тўрт юз қадам олдинга тушиб ёрилади. Немис аэроплани шундоқ бошимиз устидан варанглаб ўтиб, бомба ташлаганида, ерга ёпишиб олсам дядя Вася тагин елкамга қоқади.

– Не бойся, это тоже не наш!

Чиндан ҳам бомба анча орқага – ўрмонзорга бориб тушади. Немис самолёти уч юз-тўрт юз қадамча жойга келганида бомба ташласа, дядя Вася ҳайқиради.

– Берегись, – это наш! – дейди-ю, мени окоп остига босади. Чиндан ҳам зум ўтмай ҳамма ёқни зулмат босиб, гумбур-гумбурдан қулоғим чиппа битиб қолади.

Нимага бу киши ҳадеб мени авайлашига ҳайрон қоламан. Бир куни сўрасам, мўйловини бураб, кулди:

– Сен ёшсан! Мен старик. Уруш битса уйингга оборасан. Тўйингда барашкадан шашлик қилиб берасан!

Уруш битса дядя Васяни албатта уйга олиб бораман. Дадамнинг узумига бир тўйдирай.

Робия! Уруш бошланган куни иккаламиз токзорда чиллаки узганимиз эсингдами? Қани ҳозир ўша замонлар қайтиб келса. Қани, иккаламиз ишкомга кириб узум узсақда, дядя Васяни меҳмон қилсак! Эсингдами, мени кузатишдан бир кун олдин уйимизга меҳмонлар тўпланди. Дадам қўй сўйди. Олма тагидан кетмон билан чуқурча қазиди-да, қўйни етаклаб келиб ётқизди. Учта оёғини жуфтлаб боғлади. Пичоқни қинидан суғуриши билан қўй жонивор илтижоли маъраб юборди. Бошини даст кўтариб ўрnidан туришга талпинди. Назаримда кўзимга ялиниб қарагандек бўлди. Дадам пичоқ тортганида яна маъради. Бўғзидан тизиллаб қон отилиб кетди. Кўзимни чирт юмиб томорқага чиқиб кетдим.

Қўй сўйилганида шунчалик сесканган одам, бировни ўлдиришга қурбим етармиди! Ахир одам – инсон боласику! Фашистми, баломи, бари бир уям одам-ку! Уни туққан она ҳам ўғлим бировнинг қўлида қўйдек сўйилсин, демагандир! Худди ўзингга ўхшаган тирик одамни, уйда онаси, отаси, сенга ўхшаган суйгани кутиб ўтирган одам боласини ўлдиришга қандай қўлинг боради?

Робия! Мен аввалига шунақа деб ўйлардим. Аммо урушнинг бир куни бир йилга татир экан. Ҳар қадамда ўлим билан рўпара бўлавергандан кейин дийданг қотиб кетаркан. Робия, мен энди

аввалги раҳмдил Кимсан эмасман. Жангга кирганимга юз элик кун бўлди. Юз элик йил яшадим десам ёлгон бўлмайди. Урушнинг ўз қоидалари бўларкан. Бунақа пайтда меҳр билан қаҳрнинг ораси бир қадам бўлиб қоларкан. Ё сен ўлдирасан, ё сени ўлдиришади. Бошқа йўли йўқ. Яқин килиларингга, юртингга меҳринг борми, душманга шафқат қилма! Тамом!

Бу қоидани фарғоналик Эргашали аканинг устига дод солиб борган ўн нафар юртдошим битта фашист миноси билан қийма-қийма бўлганида тушунган эдим. Янги йил арафасида дядя Васядан айрилиб қолганимда бу гапга тагин бир марта имон келтирдим. Мени шунча ўлимдан асраб қолган одам шундоқ кўз ўнгимда оламдан ўтди. Бирпасда, бир лаҳзада...

Ўша кунни траншеяда карам шўрва ичиб ўтирган эдик. Тип-тиниқ осмонда офтоб чарақлаб турар, аммо ҳаво шунақанги совуқ эдики, офзингдан чиққан ҳовур ҳам яхлаб қолаётгандек. Телпагининг қулоқчинини тушириб олган, соқол-мўйловини қиров босган дядя Вася котелокни тиззасига қўйганча траншеянинг муз босган деворига суяниб ўтириб, карам шўрва ичар, ора-чора менга дашном берар эди.

– Менга бари бир-ку, чўчқа ёғини ейишни ўрганмасанг ўзингга жабр бўлади. Совуқ кунда чўчқа ёғидан яхшиси борми! Жоннинг роҳати-ку!

Кайфимиз чоғ эди. Чоғ бўлмай-чи! Михайлов районидаги аскарларимиз ўн кун ичида немисни қувиб Сухиничи деган жойга тириқтириб борганини билардик. Энди биз ҳужум қилишга шайланиб тургандик. Орқа томонда кўкимтир қор босган арчалар қилт этмай турар, ҳамма ёқ жимжит эди. Худди ҳеч қанақа уруш бўлмаётгандек.

Худди дядя Вася билан ўрмон сайлига чиқиб, дам олиб ўтиргандек.

Шу пайт осмонда самолётлар гўнғилади. Немис самолётларининг овозини биламан. Қайси бири «Мессершмидт», қайсиниси «Фокке-Вульф»... Тип-ти-ниқ осмонда бомбардимончи «Фокке-Вульф» кўринди. Найзадек саф тортиб, учта-учта бўлиб келяпти.

Энди улардан қўрқмайдиган бўлиб қолганман. Хотиржам санаб чиқдим. Тўққизта экан. Олдинги қаторда келаётган самолётлардан бомбалар ажраб чиқа бошлади.

– Охо! Наш! – дядя Вася котелокни чангаллаганича осмонга қаради. – Берегись! – деди бақириб. Кейин нима бўлганини билмайман. Бомба увилагани, лой аралаш қор осмонга сачраб кетганини гира-шира кўрдим. Қулоқни қоматга келтирган порташдан гаранг бўлиб мукка тушдим. Кейин ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.

Қачон ҳушимга келганим эсимда йўқ. Оғзимга лой аралаш қор тўлиб кетибди. Ўрнимдан турай десам, устимда дядя Вася ётибди. Авваллари атроф тинчиши билан фрицни бўралаб сўкиб, туриб кетарди. Бу гал ҳадеганда қимирламади. Амаллаб ўнгарилиб олдим. Осмон қонталаш тус олган, офтоб кўринмасди.

Белимда кўндаланг бўлиб ётган дядя Васянинг этикли оёғини нари сурдим.

– Дядя Вася!

Қаддимни ростлаб қарасам, унинг оёғи устимда-ю, гавдаси қорга кўмилиб қопти. Фақат қор орасидан котелок тутган қўли чиқиб турибди. Котелокдаги шўрва тўкилиб, ичига кир қор тўлиб қолибди.

Котелокни ушлаб тордим.

– Дядя Вася! Живой?!

Қизиқ, у котелокни маҳкам чангаллаб олган, қўйиб юборгиси келмасди. Котелокни қаттиқроқ тортган эдим, қор орасида кўмилиб ётган қўли узилиб чиқди. Ваҳимага тушиб, бақириб юбордим.

– Дядя Вася!

Қўл тирсакдан узилиб кетган, қони қорайиб қотиб қолган, сарғиш гўшт орасидан оппоқ суяк туртиб чиқиб турарди. Ажаб, одамнинг гўшти сарғимтир бўларкан.

Эсим оғиб, жинни бўлиб қолмаганимга ўзим ҳайронман. Палахса-палахса қорга қўшилган лой бўлакларини оёқ-қўлларим билан баравар тирмалар эканман, бўғзимга йиғи тиқилиб қичқирардим.

– Дядя Вася! Дядя Вася!

Робия! Қорни ёрилиб, ичак-чавағи лойга аралашиб кетган одамни кўриш жуда даҳшатли бўларкан! Яқин одамингни шу алпозда кўргандан кўра ўлимингга минг марта рози бўлиб кетаркансан, Робия! Қадрдон бўлиб қолган кишинг ичак-чавағи исқирт қорга аралашиб, чўзилиб ётса, шуни кўриб туриб ёрдам бериш қўлингдан келмаса, бундан ортиқ азоб бўлмас экан!

Ўзинг айт-чи, шундоқ нарсани кўрган одам душманни аяйдими? Дядя Вася Германияга нима ёмонлик қилди! Гитлернинг нима қасди бор эди унда! Фарғоналик Эргашали ака-чи? Ҳамюртлари-чи? Гуноҳи нима уларнинг?

Янги йил кечаси – немислар маст-аласт бўлиб рождество байрами қилаётганида ҳужумга ўтдик! Робия! Мен ишонаман, бу дунёда адолат деган нарсаси бор! Бор! Нуқул бостириб келиб бизни кўрқитадиган фашистнинг чийиллаб қочишини кўрадиган кун ҳам келаркан! Ёлғон гапириб нима қилдим! Қор уриб турган зим-зиё кечада милтиқдан отган ўқим жилла қурса битта душманни йиқит-

дими-йўқми, билмайман. Лекин ақалли битта фашистни ер тишлатишни, қорга думалаб дод солиб чинқираётган, ҳов ўшанда олма тагида дадам сўйган қўйдек хириллаб жон таслим қилаётган битта немисни ўз кўзим билан кўришни, билиб қўй, сени мен ўлдирдим деб бошида кулиб туришни жудаям хоҳлар эдим.

Қочмас экансан-а! Чекиниш азоби қанақа бўлишини сенларам бир кўриб қўй!

Еру кўк гумбур-гумбурга тўлган, пулемётлардан отилаётган ўқларнинг оловли тасмаси кўкимтир ловуллаб кўринар, душман аскарлари окоплардан чиқиб, тўрт томонга зир югурар эди. Йўқ, биронта фрицни ўз қўлим билан ёқасидан бўғиб афт-башарасини аниқ кўрмадим, лекин жони борича қочиб, айюҳаннос солаётганини эшитиб турардим!

Сен билмайсан, Робия! Қопқонга тушган бўридек ўзини қай тешикка уришни билмай қолган душманни олдингга солиб қувишнинг завқи қанақа бўлишини билмайсан! Битта юртдоши шаҳид кетганида устида ўнтаси «вой жигарим»лаб йиғлаётганида, бир мина билан ҳаммасини қиймалаб ташлаган, «аҳмоқ осиелик»ларнинг соддалигидан ҳузур қилиб кулган «ақлли европалик» тозақон фашистни тирқиратиб ҳайдаш қанчалик лаззатли бўлишини билмайсан! Бомба тагида парчаланиб кетган одамнинг ичак-чавағини қор орасидан йиғиштириб олганида, шу бомбани ташлаган душмандан қасос олишга қасд қилган киши учун фрицни додлатиб қувиш қанчалик завқли бўлишини билмайсан!

Робия! Жоним! Бизда ғалати удумлар бор. Чақалоқ туғилганида танглайини кўтаришади. Шунда доя хола нима дейишини биласанми?! «Инсофли бўл, мўмин-қобил бўл!» дейди. Энди тушунсам, инсофли

бўлиш дегани мўмин-қобил бўлиш дегани эмас экан. «Мўмин-қобил» бўлиш нима ўзи? Биров ўнг юзингга урса, чап юзингни тутиб бер, деганими?! Душман битта мина отиб, ўн битта ўзбекни қийма-қийма қилсин, бомба ташлаб, дядя Васянинг ичагини бошига салла қилиб қўйсинда, мен қўйдек ювош, мусичадек беозор бўлиб тураверайми! Йўқ! Қонга – қон! Жонга – жон! Инсоф дегани шу!

Кеча яна бир воқеа бўлди. Тонготар пайти Красногорск деган қишлоққа кириб бордик. Ўрисчасига «Қизил тоғ» дегани экан. Бу ерда тоғнинг ўзи йўқ. Тепаликни тоғ дейишади. Красногорск ҳам пастаккина тепалик экан. Ўзимизнинг Хирмонтепадек келади.

Ҳали тонг отмаган бўлса ҳам, атроф бир зумда ёришиб кетди. Шохлари қор залворидан эгилиб кетган арчазор орасидан чиқиб «ур-хо-ур!» билан олдинга югурдик. Қишлоқ нега тўсатдан ёришиб кетганини кейин билдим. Кўчанинг икки томонидаги уйлар гуриллаб ёнапти.

Робия, сен кўрмагансан. Бу ердаги уйлар бизникига ўхшамайди. Девори пахса, томи лойсувоқ эмас. Нуқул харилардан девор тиклаб, устига похол ёпилади. Битта ўт кетса, тамом лоп этиб ёнади-ю, кулга айланади.

Душманнинг зондер командаси қишлоқдан чиқаётиб уйларга ўт қўйган экан. Фашистнинг огнемёт деган қуроли бор. Узун резинка ичакдан бензин сепатида, уйларни ёқиб юборади.

Чопиб кетяпману кўриб турибман. Олисда, яхлит гулханга айланган қишлоқ кўчасининг бошида немиснинг охирги юк машинаси қорда судралиб, сирганиб борарди. Ўрмон яланглигидан бизнинг танк чиқиб келди-да, ёнбошидан туриб, замбаригидан бир ўқ узган эди, машина парча-парча бў-

либ, устидаги немислар қорга тариқдек сочилиб кетди. Қувонганимдан бақирганча ўша томонга чопдим.

Шу пайт ловуллаб ёнаётган уй деразасидан биров сакраб кўчага тушди. Қорда гандираклаб кетди, аммо йиқилмади. Беш-олти қадам югуриб борди-ю, ўзидан ўзи гугурт чўпидек лоп этиб ёна бошлади. Кийимига бензин теккан экан шекилли... У ваҳима ичида қулоқчинини қорга улоқтириб, икки қўллаб бошини таталашга тушди. Аммо оғриқдан эсини йўқотиб кучи борича югура кетди. Қанча тез чопса, шунча қаттиқ ёнар, гоҳ юзига, гоҳ бошига шапатилаб чинқирар эди.

– А-а-а-а!

Кетидан югурдим.

Яқин борганимда унинг аъзойи бадани алангага айланиб кетган эди. Беш-олти қадам қолганида гандираклаб қорга йиқилди. Устига ўзимни ташлаб, қорда думалата бошладим. Димоғимга куйган гўшт иси урилди: одам гўштининг ҳиди.

Охири қўлларим куя-куя тирик гулханни қорга босиб ўчирдим. Қишлоқ ҳамон ловуллаб ёнарди. Разм солиб қарасам, жажжигина бола экан. Узоғи билан етти-саккиз ёшларда, эгнига қўпол пахталик кийиб олгани учун кўзимга катта одамдек кўринган экан. Эгнидан тугаб турган пахталигини ечиб олмоқчи эдим, эплолмадим, алақачон қоракуяга айланиб баданига ёпишиб қолибди.

Боланинг юзидан силасам, бармоғимга юмшоқ, иссиқ нарса унади. Жонҳолатда қўлимни тортдим. Аммо бармоқларимга резинкадек нарса ёпишиб қолган эди. Қўлимни тортган сайин боланинг юзи чўзилиб кетяпти. Ваҳима ичида қўлимни силтаб ажратиб олдим. Чўнқайиб ўтирганча болага термилдим.

Ловуллаб ёнаётган уйлар гулханида болакайнинг азобдан қийшайиб кетган чехраси аниқ кўринарди. Икки юзи, қош-киприклари куйиб, қорайиб кетган, кўзлари ваҳима билан бир нуқтага бақрайиб қотиб қолган, фақат лаблари, жажжи лаблари ярим очиқ; ҳамон «а-а-а» деб чинқираётганга ўхшар, кемшик тишлари орасидан ғарчча тишлаб олган тилининг учи чиқиб турарди...

Сен хатингда ёзибсан, Робия! Бизни унаштиришди, «маълум оши бўлди», дебсан. Энди ўзинг ўйлаб кўр. Вақти келиб, тўйлар қилсак-да, душман бостириб келиб, бизнинг болаларни ёндириб юборса! Қанақа бўлади! Тириклайин кабоб бўлган мана шу бегуноҳ болани кўрган одам душмандан қасос олмаса гуноҳга ботмайдими? Шу болани кўрган одам душманга шафқат қиладими? Билмадим, балки шафқатсиз одам – диёнатсиз бўлар. Лекин диёнатли бўлиш учун ҳам шафқатсиз бўлиш керак. Мен шунга ишондим. Уруш мени шунга мажбур қилди, Робия!

Робия! Кўнглим сезиб турибди. Яқинда катта ҳужумга ўтамин. Энди мени қанақа жанг қилишни биламан.

Робия! Менга атаб кашта тикаётганингни ўқиб жуда суюндим. Энди иккита бўлдимми? Ярим йилда иккитадан тикиб турсанг, нарисин билан каштанг тўртта бўлгунча бораман. Кўпи кетиб, ози қолди.

Мендан Оқсоқолга, Холпош холага, Раъно келинойимга, Фотима-Зухра келинойимларга кўпдан-кўп соғинчли салом айт. Ҳа, айтгандек, ойим Шомурод тоғангдан қурут бериб юбордим деганларини ўқиб роса қуддим. Тоғамни кўрганим йўқ. Мендан дадамга, ойимга салом айт. Соғинчли салом билан сени жонидан яхши кўрадиган Кимсан аканг.

1942 йил... Январь»

«ҚОРА АММА» ҲИКОЯСИ

Яхши келса – қут, ёмон келса – ют

Икки ҳафта бўлдики, бўғот орқасида мов мушук кечаси билан миёвлаб чиқади. Аввалига ўлмаган қул, ҳут келган бўлса, баҳорга ҳам омон-эсон чиқдик, деб суюнган эдим. Қаёқда! Том қамишидан сариқ сумалак осилиб, энди эрувгарчилик бошланади, деб турганимизда, совуқ авжига чиқиб қиш қайтиб келди.

Ўтин-чўпнинг тайини йўқ. Эрталаб деразаларни қиров босиб қолади. Робия иккаламиз писиллаган сандалга тиқилиб кечаси билан совқотиб чиқамиз. Чолим билан Оқсоқол қиш сурилиб кетаётганидан тажанг. Гўнгни-ку, қаҳратон қиш демай далага олиб чиқишган. Аммо ҳали қанча юмуш бор! Ариқ тозалаш, ер ҳайдаш. Эҳ-ҳе!

Овсиним ётиқли касал бўлиб қолганидан бери Оқсоқол уйига сифмайди. Каллаи саҳарлаб чолимнинг олдига чиқади. Бутун ҳам тонг отмасидан чопонига ўралиб кириб келди. Робия молхонада сигирга қарар, мен энди чой дамлаб келган эдим.

– Падарига лаънат! – Оқсоқол сандал тўрида ўтириб, чой ҳўпларкан бўралаб сўкинди. – Кеча кечқурун янги ой чиқди. Қарасам, ўроғи яна бемалол ёнбошлаб ётибди. Ой ўзига тинч бўлса, ер нотинч бўлади. Ҳаливери қишнинг кети кўринмайди, шекилли.

– Кузги буғдой чириб кетмаса гўрғайди, – деди чолим бош чайқаб. – Ҳайронман, ҳавонинг бу кетиши бўлса...

Кўча эшик зардали тақиллади-ю оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди.

Учовлашиб, олдинма-кейин дарвозага чиқсак. Умар закунчи отини гижинглаиб турибди. Бошида чақмоқ телпак, эгнида поча-пўстин, қўлида қамчи.

– Йилинг уйқу, мучалинг ёстиқми? – деди ту ёғи билан қор титкилаётган отининг жиловини силтаб.

Оқсоқолни кўрди-ю, Закунчининг кўзлари қисилиб кетди.

– Сен нима қиялпсан бу ерда? – деди ингичка мўйлови титраб. – Иккита келинингни сўқимга боқиб қўйибсанми?!

Ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Шу гапни Оқсоқолга айтяптими? Бутун Нўғайқўрғонда чолимдан бўлак биронта одам шу пайтгача сансирамаган Оқсоқолга-я?!

Ҳозир катта жанжал чиқишини сезиб, юрагим увишиб кетди. Қўрқув ичида бурилиб қарасам, Оқсоқол қовоғини уйиб, Закунчига чақчайиб турибди. Энтикиб нафас олаётгани учунми, ҳаво совуқдигиданми, оппоқ мўйлови тагидан қуюқ ҳовур кўтариляпти.

Оқсоқол бир ҳатлаб, яқин борди.

– Менга қара, – деди жиловга қўл чўзиб. От ҳуркиб, бошини кўтарди. Сувлиғи шиқирлаб кетди. – Бешигимни тебратганмисан?!

Закунчи лабининг бир бурчи билан илжайди, лекин ўша заҳоти жиддий тортди.

– Чиқиш керак-да, далага! – деди мурасага чақирган оҳангда. – Сизгаям қойилмасман, Дума! – У чолимга юзланди. – Шунча иш турибди-ю. Ҳайронман, икковларингни гапинг ҳеч адо бўлмайди.

– Йўқ, шошма, бешигимни тебратганмисан?! – Оқсоқол от жиловига қайтадан чанг солаётган эди, чолим олдини тўсди.

– Нима иш қилайлик, раис? – деди от билан Оқсоқолнинг ўртасига туриб. – Ариқ қазиб бўлмаса,

ер чопиб бўлмаса... Ўзимизниям патагимизга қурт тушиб турибди...

– Чиқаверинглар-чи, иш топилади! – Закунчи от жilовини бурди.

– Йўқ, шошма! – Оқсоқол қорда сирганиб ўша томонга отилди. Бу сафар бир талпиниб жilовдан ушлаб қолди. – Агар яна бир марта сансирасанг...

Оқсоқол у ёғини айтмади. Аммо Закунчининг ранги гезариб кетганини пайқадим.

– Қўйворинг! – деди жilовини тортиб. – Тўғри гап туққанингга ёқмайди.

Чолим амаллаб Оқсоқолнинг қўлидан от жilовини айирди. Жийрон кескин бурилган эди, ту ёғидан отилган қор Оқсоқолнинг юзига сачради.

– Гап шу! – Закунчи отини қичаб нарироққа бордида, эгар устида бурилиб қаради. – Ҳозирча колхознинг хўжайини менман. ўинг деганни рабочий батальонга жўнатиб, уй ичини кўчирма қилиб юбораман!

От думини гажак қилганча қор сачратиб чопиб кетди. Ҳаммамиз орқасидан қараб қолдик. Оқсоқол ҳамон ўзига келолмас, соқоли титраб, пишқириб нафас оларди.

– Қўй, ўртоқ... – Чолим уни юпатди. – Шу аҳмоққа тенг келиб ўтирасанми? – Бирпас ўйлаб туриб, елкасини қисди. – Туппа-тузук одам сиёҳига кириб қолувди-ку, бу хотинталоқ. Нимага яна закунчиликка ўтди?

– Гап закунчиликдамас! – Оқсоқол ижирганиб юзини ўгирди. – «Қорахат» келган куни сўкканимининг аламини оляпти.

– Вой аблаҳ-эй! – Чолим дўстининг елкасига қоқди. – Қўявер, ит акиллади қўйди-да...

– Мараз!.. – Оқсоқол муштини тугди. – Болалари ўлди, энди қўлидан ҳеч нима келмайди демоқчи.

– У овози титраб алам билан бош чайқади. – Одам-зод ҳам шунчалик палид бўладими!

– Юр, борсак борайлик, далага! – Чолим ўртоғини судради. – Қани кўрайлик-чи, нима юмуш бор экан.

...Робия иккаламиз энди бир пиёла чой ичган эдик, дарвоза тагин тақиллади. Бўйинг лаҳатда чиригур Закунчи яна келди, шекилли!

Робия дик этиб танчадан турган эди, эшик ғий-қиллаб очилди. Уйга аввал лампамоё ҳиди, кетидан енглари доғ-дуғ бўлиб кетган пахталик кийган, қалин жун рўмол ўраган Башорат кириб келди. Кесакига суянганча тик туриб қор босган этигини ечди, салом берди. Кўнглим ёришди.

– Вой, сизмидингиз, мен анави гўрсўхта деб...

Башорат шоша-пиша сандал четига ўтирди. Мой юққан, совуқдан торс-торс ёрилган кўлини танчага суқди.

– Ўлсин, мунча совуқ! – деди ҳансираб. – Их, танчангизданам муз чиқяпти-ку, хола.

Робия чойнак кўтариб, чиқиб кетаётган эди, имо билан тўхтатди.

– Ўтир! Чойга бало борми, совуқ кунда... Одам қатнайвериб безор бўлади.

Робия ийманиброқ сандал четига қайтиб ўтирди. Башорат бекордан-бекорга уйма-уй санқимайди. Гапи бор. Шуни билиб, юзига термилдим. Жимлик чўкди. Ташқарида мушук миёвлади. Башорат кулимсираб қўйди.

– Мушугингизни эрга берсангиз бўлмайдами, хола. Зора-мора кунлар исиб кетармиди!

Робия уялиб, юзини ўгирди. Жуда шаддод-да, Башорат тушмагур! Олдимда қиз бола ўтирибди-ям демайди.

– Қишнинг бир куни қолсаям қўрқ дегани, шуда. Ҳали аямажиз бор, ахмон-дахмон...

– Қирилиб кетсин ахмониям, дахмониям!.. – Башпорат жаҳд билан сўзимни кесди. Бошидаги рўмолини юлқиб олиб ёнига ташлади. – Иш қолиб кетяпти, хола!

Юзига қараб туриб, раҳмим келди. Совуқдан қорайиб кетган, ёши қирқнинг нари-берисидаю чакка сочлари оқарибди.

– Поччадан хат борми? – дедим секин. (Гапим қурсин! Укам тенги одамни «почча» десам! Нима қилай, Нўғайқўрғоннинг ҳаммаси Башпоратнинг эрини «почча» деб ўрганган).

– Келди! – У жўн гап айтгандек хотиржам бош силкиди. – Пулемётчи экан.

Боядан бери жим ўтирган Робия хўрсинди.

– Кимсан акамдан анчадан бери хабар йўқ.

– Ҳеч нима қилмайди! – Башпорат аввал Робияга, кейин менга юпатувчан алпозда қараб қўйди. – Урушда юрган одам ҳар куни хат ёзолмайди.

Яна жимлик чўқди. Ташқарида тағин мушук миёвлади.

– Хола! – Башпорат илкис бош кўтариб, кўзимга қаттиқ тикилди. – Робияни менга берасиз!

Томдан тараша тушгандек гапириши ғалати эшитилди.

– Вой, бу нима деганингиз?!

У ўктамлик билан кулиб юборди.

– Қўрқманг, қизингизни обқочиб кетмайман, холажон! Келин қилиб оберадиган укам йўқ.

Қарасам, Робия ҳам ҳайрон қолиб, аланг-жанланг бўляпти.

– Шогирдликка берасиз! – Башпорат Робияга юзланди. – Менга шогирд бўласан, трактор ҳайдайсан!

Робияни билмадимۇ мен бир сапчиб тушдим.

– Қанақасига? Урушдан олдин Кимсан трактор ҳайдайман деганида бунақа ишни механиклар қилади, дейишганди.

– У бошқа замон эди, хола! – деди Башорат ялиниб эмас, жаҳди чиқиб. – Ҳозир уруш...

– Қиз бола боши билан... – Сен ҳам гапирсанг-чи, дегандек Робияга қарадим.

– Рост, опа, – деди Робия сочининг учини ўйнаб.
– Қанақа бўларкин!

– Нима, мен эркакманми? – Башоратнинг овози қатъий жаранглаб кетди. – Ё сендан ортиқ ерим борми?!

– Ахир у ерда эркаклар ишлашса... – деган эдим, Башорат баттар аччиқланди.

– МТСда битта эркак бор. Ўша эркак – менман! – деди алам билан. – Кўчага чиқсам эркакман, уйга кирсам хотинман. Нима қилайлик! Қиш сурилиб кетяпти. Эртага йилт этиб офтоб чиқса, шунча жойни ким ҳайдайди?

– Тўғри-ку, лекин Робия... Бобоси...

– Хотиржам бўлинг! – Башорат яна оғзимга урди. – Чолингиз билан алақачон гапни пишитиб қўйганман.

– Шунақа-ку, у ёқдан Кимсан бор...

– Тўғри, – деди Робия жонланиб. – Кимсан акамдан берухсат...

– Дард! – Башорат совуқдан торс-торс ёрилган қўлини сандалга муштлади. – Трактор ҳайдаш – аэроплан учуриш эмас! Кимсан акангга ўзим хат ёзаман. Қаллифинг трактор ҳайдаяпти, десам хурсанд бўлади. Сен трактор ҳайдашни қанча тез ўргансанг, Кимсан аканг шунча тез келади.

Робия гоҳ менга, гоҳ Башоратга қараб талмовсираб турган эди, Башорат бақариб берди:

– Ўтаканг ёрилмасин! Оқсоқолнинг қўшалоқ келинлариям боради. Ҳеч бўлмаса биттаси эрининг ўрнига трактор ҳайдайди. Қани отлан! Сочингни чамбарак қилиб ол! Келинкўрарга кетаётганинг йўқ!

Шундоқ деди-ю, Робиянинг қўлидан судрагудек бўлиб етаклаб чиқди-кетди. Ҳай-ҳайлаганимча қолавердим.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

1. От ўрнини той босар

Башорат опа рост айтган экан. Трактор ҳайдаш – аэроплан миниш эмас. Тўғри, аввалига трактор филдирагининг ҳар биттаси омовдек келадиган тишларини кўриб, қўрқдим. Дудбуронидан кўкимтир тутун чиқиб патиллаётганида босиб кетмасайди, деб юрагимга ваҳима тушди, лампамоёй исидан неча кунгача кўнглим айниб юрди. Аммо одам қилган ишни одам қила олар экан.

Бугун эгарга биринчи марта ўтирдим. Башорат опа билан эмас, бир ўзим. Мотор гуриллади. Дудбурондан тутун кўтарилди. Пўстак ташланган темир эгарга миниб олиб, МТСнинг қор босган ҳовлисида трактор ҳайдаб кетяпман. Девдек машина у ёққа бурсам, у ёққа бурилади, бу ёққа бурсам – бу ёққа! Худди дostonдаги тулпор минган Барчинойдек! Кўклам нафаси сезилиб қолган тип-тиниқ осмон, эрта-индин эриб битишини билиб, мулоим тортган қор, МТС девори орқасида куртак чиқаришга шайланиб турган толлар, қиш уйқусидан уйғониб, хўрсиниб-хўрсиниб нафас олаётган ер – ҳаммаси менга ҳайрон бўлиб қараяпти. Қанийди, ҳозир Кимсан акам шу ерда бўлса! Қаранг, Кимсан ака! Кўряпсизми, мен трактор ҳайдаяпман! Энди менинг қўлимдан ҳамма иш келади. Кўряпсизми, трактор менинг измимга бўйсуниб, хоҳлаган томо-

нимга юряпти. Эшитяпсизми, Кимсан ака, тракторимнинг овозини эшитяпсизми?

Ие, анавилар ким? Оқсоқол-ку! Ёнида Зуҳра келин. МТС дарвозасидан кириб келишяпти. Оқсоқолнинг келинлари тракторчи бўлишни хоҳламаган эди-ку! Энди Оқсоқолнинг ўзи бошлаб келяпти Зуҳра келинни?! Ўзим яхши кўрадиган Зуҳра келинни!

Бир маҳал қарасам, тракторни тўппа-тўғри ўша томонга ҳайдаб боряпман. Зуҳра келин кўрқиб кетганидан Оқсоқолнинг орқасига беркиниб олди. Вой, келинойим тушмагур-ей! Мана, ҳозир, тўхта-таман! Трактор ҳайдаш – аэроплан миниш эмас! Бир маҳал Башор опа бостирмадан югуриб чиқди. Эриган қорда сирғана-сирғана чопиб келиб, трактор олдини тўсди.

– Ўчир-е! – деди бақириб.

Юмшоқ қор устига сакраб тушдим. Зуҳра келин Оқсоқолнинг орқасидан секин мўралади. Эгнида униққан бахмал камзул, оёғида эски этик, юпқа лаблари титраганча жилмайиб турибди.

– Кўрдингми? – деди Оқсоқол унга ўгирилиб. – Буям омоч ҳайдашдек бир гап.

– Босиб кетса-чи!! – деди Зуҳра келин чиройли кўзларини пирпиратиб.

– Босиб кетмайди! – Башор опа мени кўрсатиб жилмайди. – Ана, Робия туппа-тузук ўрганиб олди-ку!

– Шуни айтгин! – Оқсоқол мўйловини бураб шанғиллади. – Қиз болачалик йўқмисан!

Ҳалиям ҳуркиб турган Зуҳра келинни қучоқлаб олдим.

– Қўрқманг, ўзим ўргатаман, – дедим кулиб.

– Ана! Ўзи ўргатади, – Оқсоқол узун тўнининг барини қайириб, шимининг чўнтагидан носшишасини чиқарди. Нос отиб, атрофга қаради. – Кўклам

кириб қолди, – деди ҳавони искаб, – сезяпсанми, Башор, тупроқ ҳиди келяпти. Ер уйғонди!

У каттакон кафти билан ёшланган кўзларини артди.

– Башор! – деди тўсатдан. – Зокиримнинг трактору қайси?

– Ремонт қиялпмиз, – Башор опа МТС бостирма-сига имо қилди. – Тузатиш керак.

– Тузатасан! Зўра қарашади, – Оқсоқол келинига юзланди. – Ўшани сен минасан, уқдингми!

Зухра келин индамай бош ирғади.

– Буниси Шокиримникими? – Оқсоқол мен минган трактор филдирагининг қор юқиб, ялтираб турган тишини силади. – Майли, бунисини сенга бердим. Сенам ўзимнинг қизимсан-да.

– Қўнглингиз тўқ бўлсин, Оқсоқол! – Башор опа Зухра келиннинг қўлидан тутди. – Ўглингизнинг тракторини уч кунда отдек қилиб бераман!

– Шошма, ўв! – Оқсоқол Зухра келинни бостирмага етаклаб кетаётган Башор опани тўхтатди. – Баққа ке, – деди бармоғини илгак қилиб.

Башор опа кулимсираб қайтиб келди.

– Келинларингиздан ақалли биттаси тракторчи бўлсин деган сенсан, тўғрими? Зўрани обкеган менман, ростми?

Башор опа «тўғри» дегандек бош силкиди.

– Шу гапим қулоғингда бўлсин! – Оқсоқол носини қорга тупуриб этиги билан эзфилади. – Агар Зўра айтганингни қилмаса, терисига сомон тиқаман.

– Йўқ, Оқсоқол, Зухраҳон унақа жувонмас-ку...

– Шошма! – Оқсоқол Башор опанинг гапини кесди. – Агар Зўра эрининг ўрнини босолмаса, нима қилишни ўзим биламан. Лекин Зўранинг бошидан бир тола соч ҳаддорат тўкилса, сени сўяман! Уқдингми!

– Хўп, Оқсоқол, хўп! – Башор опа, «вой чоли тушмагур-ей», дегандек кула-кула Зухра келинни бостирмага етаклади.

– Юр, эрингни тракторини кўрсатаман.

Ҳаво илиб қолган бўлса ҳам МТС омбори зах, нимқоронғи эди. Қиши билан қимирламай туриб, занглаб кетган тракторнинг қаерига қўл тегизсангиз, муздек темир кафтингизни жизиллатиб куйдиргандек бўлади. Зухра келин аввалига трактордан ҳуркиб турди-ю, бирпасда ўзиям қизиқиб кетди. Гоҳ Башор опадан, гоҳ мендан «манави нима, буниси-чи?» деб суриштиришга тушди.

Пешинга яқин бостирмага Умар закунчи кириб келди. Қизиқ, Закунчи қаерга борса, аввал отининг кишнаши эшитиларди. Йўқ, бу сафар пиёда келди. Аммо қўлида қамчи бор эди. Бундан чиқди, отини МТС дарвозасида қолдирган.

– Баракалла, азаматлар! – деди хушчақчақ овозда. Кўзларида табассум порлаб жилмайди. – Яшанглар!

Қизиқ, бу одамнинг қанақалигини ҳеч билиб бўлмайди. Бир қарасанг юзидан заҳар томади. Қўйиб берса, ҳаммани қамчи билан савалагудек бўлади. Бир қарасанг – бундан меҳрибон одам йўқ.

– Ким? – Трактор тагида ётиб, филдирак ўқини болға билан ураётган Башор опа зарда билан сўради. – Яна нима гап?

– Менман! – Закунчи ерга чўнқайиб, трактор тагига мўралади. – Ишни тезлаштириб юборибсиз-ку. – У елкаси оша менга имо қилди. – Шогирдингиз уқувли чиқиб қолди, шекилли?

Башор опа мой аралаш занг юққан қўлини кир латтага арта-арта трактор тагидан чиқди.

– Уқувсиз шогирдни бошимга ураманми! – деди кафтининг орқаси билан сочини тузатиб. – Эрта-индин унисиям бинойидек ўрганиб олади.

Закунчи трактор орқасида турган Зухра келини энди кўрди.

– Ие, яна битта колхозчимизни тортиб олдингизми? – деди ўрнидан илдам туриб.

– Ёмонми! – Башор опа қошини чимиди. – Битта тракторчи йигирмата одамнинг ишини қилади, ўртоқ Хўжаев!

Закунчи лабини қимтиганча ердан кўз узмай турган Зухра келинга тезгина қараб олди.

– Майли, – деди рози бўлиб. – Ишни тезлатсанглар бўлди. – Қамчиси билан қор юққан этигининг қўнжига қарсиллатиб урди. – Илтимос, – деди ярим расмий, ярим тантанали оҳангда. – Бир соатдан кейин клубга чиқинглар.

У кескин бурилиб, бостирма эшигига юрган эди, Башор опа сўради:

– Тинчликми, ишқилиб?

Закунчи тўхтаб, бурилди:

– Тинчлик! Яхши гап бор!

2. Осмон юлдузсиз эмас

Уруш бошланганидан бери клуб эшигига шунча одам тўпланмаган эди. Ҳаво илиқ, оёқ остида аталадек сарғимтил қор пилчиллар, юпун кийинган болалар у ёқ бу ёққа югурар, чоллар, хотин-халаж – ҳаманинг кўзида қандайдир сирли ҳаяжон бор эди.

Чойхона ёнидаги ҳовуз бўйида бобомнинг эшак аравасиям турибди. Эшак ҳорғин кўзлари билан атрофга бефарқ қараб қўяди, кўкимтир кулранг лабини чўччайтириб, ҳавони искайди.

Клуб зинасида турган Оқсоқол тўй эгасидек ҳаммани ичкарига таклиф қиляпти.

– Киринглар, пажалиста, ичкари кираверинглар!

Одамлар ҳайрон, худди ёнида турган киши ҳаммасидан хабардору ўзи эшитмай қолгандек шеригидан сўрайди:

– Нима гап ўзи? Нима бўпти?

Хаёлимга ярқ этиб ғалати ўй келди: уруш битган бўлса-я? Ҳар куни радиода бизникилар қарши ҳужумга ўтиб, кўп қишлоқларни озод қилишаётганини гапиради-ку. Тўғри, ҳали душман Москвадан узоқда эмас. Лекин бизникилар нуқул босиб бораверганидан кейин немис таслим бўлса, ажабмас! Ҳали Зақунчиям яхши гап бор, деди-ку! Оқсоқолнинг ҳам чеҳраси очиқ. Кошкийди, уруш тутаган бўлса!

Пахтали чопонидан, жун рўмолидан зах аралаш, тер ҳиди анқиб турган хотин-халажни тирсагим билан нари-бери суриб Оқсоқолга яқинроқ боришга уриндим.

Ориф оқсоқол вақти чоғ пайтида мўйловини икки қўлаб силайдиган одати бор. Ҳозир ҳам ҳўл бўлиб кетган мўйловини бураб, оломонга жилмайиб қараяпти.

– Ичкари кирсаларинг-чи, барака топкурлар!

Менинг хаёлимга келган ўй бошқаланиям миясида айланаётган экан. Тўда орасидан аёл кишининг ҳаяжонли ҳитоби эшитилди.

– Уруш тамом бўптими?!

Бирпасда ҳамма ёқ қий-чув бўлиб кетди. Ҳассага суянган чоллар, кўзида умид ёнган хотинлар Оқсоқолнинг атрофини ҳалқадек ўраб олишди.

Сийрак соқоли чол чувалган салласини қайта ўрар экан, хаста овозда сўради:

– Тушунтириб гапирсангиз-чи, Оқсоқол, Гитлер тўнғиз қўпиптими?!

– Бердисини айтгунча уриб ўлдирасанларми, барака топкурлар! – Оқсоқол яна ҳайқирди. – Ичкари кирсаларинг-чи!

Оломон орасидан бояги аёлнинг асабийроқ товуши келди:

– Ҳеч ким йўқ-ку, у ёқда. Ўзингиз айтиб қўя қолинг, уруш тамом бўптими, ишқилиб! Болаларим отасини соғиниб кетди-ку!

Ўша томонда Башор опанинг ўктам овози янгради:

– Болаларни баҳона қилмай, ўзим соғиндим деб қўя қол!

Гурра кулги кўтарилди. Оқсоқол ҳам илжайди.

– Башор тўғри айтади, Қумри! Жалол махсумни соғинган бўлсанг, тез-тез хат ёзиб тур. Эрта-индин ўзиям кепқолади. Душман беш юз минг аскаридан айрилиб, Масковдан юз чақирим нарига қочди. Эшитдингми! Қани, кираверинглар.

У клубнинг очиқ турган қўш тавақали эшигидан ичкари кириб кетди. Ўша заҳоти ҳамма ур-сур билан зинага ёпирилди. Ўртага тушиб қолган эканми, оломоннинг ўзи оёғимни ерга тегизмай клубга обкириб қўйди. Ҳамма қий-чув солиб, дуч келган жойга ўтирди. Олдинги қаторни болалар эгаллаб олишди. Улар орасида жияги ситилиб кетган дўппи кийган Олимжонни кўриб қолдим. Залда эркаклар йўқ ҳисоб, деярли ҳаммаси хотинлар, чоллар эди. Ҳамма ғовур-ғувур қилар, умид билан саҳнага тикилар, лекин саҳнадаги қизил мовут ёпилган стол бўш эди. Стол орқасида беш-олтита суянчиғи баланд курси қатор тизиб қўйилибди. Тўрда Сталиннинг сурати...

Клубга яқин орада одам кирмагани учун зах босиб кетган, катта-катта деразаларнинг синиқ ойнасидан шамол ғуриллайди. Кузда чакка ўтган шекилли, бир вақтлар гул солинган деворлар нам босиб, бўёғи кўчиб тушибди. Урушдан илгари саҳна тепасида «Меҳнатдан келса бойлик – турмушинг

ҳам чиройлик!» деган шиор бўларди. Ҳозир «Ҳамма нарса фронт учун!» деган ёзув илиб қўйилибди.

Саҳнага энг аввал Умар зақунчи кириб келди. У кулранг костюм-шим кийган, бўйнига бўйинбоғ тақиб, ясаниб олган эди. Тўрт-беш қадам юриб тўхтади-да, саҳна бурчагига қараб чапак чала бошлади. Пастдагилар индамай ўтирганидан гаши келди шекилли, «сенлар ҳам чал» дегандек ғайрат билан қарсак ура кетди. Залда ўтирганлар нима гаплигини билмаса ҳам жўр бўлди. Саҳна бурчагидан бошланг, сочига оқ оралаган, тўла гавдали киши чиқиб келди. Мовут костюмининг ўнг енги шалвираб ётар, оғир-оғир қадам босар эди. Меҳмон яқин келган заҳоти Зақунчи баланд суянчиқли курсилардан бирини чаққонлик билан суриб рўпара қилди. Шоша-пиша чўнтагидан рўмолча чиқариб, курсини артди-да, меҳмонни авайлаб ўтқизди. Янаям қаттиқроқ қарсак чала бошлади.

Пастдагилар унга баравар жўр бўлишди. Охири «бешқарсак»га айланиб кетган сурондан клуб томи кўчиб тушгудек бўлганида меҳмон ягона чап қўлини силкитиб, «бўлди бас» дегандек, имо қилди.

Умар зақунчи эса турган жойида мулозим жилмайиб ҳамон қарсак чалар, колхозчиларни ҳам шунга ундаётгандек бўлар эди. Меҳмоннинг вақти тигиз эканми, ё шовқин-сурондан қулоғи битди-ми, ўрнидан туриб кетди.

– Ўртоқлар! – деди бақириб. – Ўртоқ колхозчилар... Илтимос...

Умар зақунчи жилмайган кўйи тинчий бошлаган залдан кўз узмай, меҳмоннинг қулоғига бир нимани шивирлади. Меҳмон жойига қайтиб ўтирганидан кейин жарангдор овозда, дона-дона қилиб гап бошлади:

– Ҳурматли колхозчилар! Бугун бизнинг колхозда қўшалоқ байрам! Биринчи, энг муҳим байрам шуки, сизлар билан гаплашиб олиш учун райкомнинг биринчи секретари – янги котиби, ҳаммамиз учун ҳурматли ўртоқ Абдураҳмонов ташриф буюрдилар!

Умар закунчи охири сўзларини тантана билан эълон қилиб, шу қадар қаттиқ чапак чалдики, зал тагин жунбишга келди.

– Ҳурматли ўртоқ Абдураҳмонов! – Умар закунчининг жарангдор овози шовқинни босиб кетди. – Бизнинг хўжалик аъзолари сизни – уруш қаҳрамони, жонажон ватанимиз учун қон кечган жасоратли жангчини, районимизнинг отасини чин юракдан табриклайдилар. Хуш келибсиз колхозимизга, ўртоқ Абдураҳмонов!

Оломон қайтадан ғайратга тушиб қарсақ чала бошлади.

Шунда кутилмаган иш бўлди. Абдураҳмонов оғир гавдасига ярашмаган чаққонлик билан ўрnidан сапчиб турди. Негадир салқиган қовоқлари учиб-учиб, шишинқираган юзлари қизариб кетди. Ягона қўлини чўзиб, ҳамон ғайрат билан қарсақ ураётган Закунчининг билагидан ушлаб, шахд билан тортди.

Залга қараб, бир нима деган эди, шовқиндан ҳеч нарса эшитилмади. Аммо зум ўтмай чапак тинди, одамлар харракларни фирчиллатиб, жойига ўтиришди.

– Ўртоқлар! – деди у титроқ, хаста овозда. Ёнида жилмайиб турган Закунчини зўрлагудек бўлиб жойига ўтқизди. – Дўстлар! Юртимизнинг бошига оғир кун тушганида кечани кеча, кундузни кундуз демай ҳалол меҳнат қилаётганингиз учун ҳаммангизга минг раҳмат! Райком ҳаммасини билади.

«Қизил деҳқон»чилар фронтга пландан ташқари беш тонна қуруқ мева юборганини, юз минг сўмлик заём олганини, жангчиларимизга иссиқ кийим жўнатганини – ҳаммасини биламиз. Душман Москва остоналарида енгилди. Шармандаси чиқиб қочяпти. Бунда сизларнинг ҳам улушинглар бор.

Энди Закунчи ундамаса ҳам одамларнинг ўзи гувиллаб қарсак ура бошлади. Абдурахмонов ягона қўлини кўтариб шовқинни тўхтатди.

– Мен районда янги одамман! – деди толиққан овозда. – Фронтдан яқинда қайтдим... Аммо бу колхозга урушдан аввал ҳам келганман. Тўғрими, Оқсоқол!

Залнинг ўртароғидан Ориф оқсоқолнинг баланд овози эшитилди.

– Баракалла! Келгансиз.

– Дума қаёқдалар, Дума?

Ҳамма аланг-жаланг бўлиб қолди.

Бобом охирги қаторда ўтирган экан. Ўрнидан тургани билан биров кўриб, биров кўрмади.

– Бу ёқдаман! – деди чийиллаб. – Гапираверинг, эшитяпман.

– Бу жой, – меҳмон бўш курсиларга имо қилди, – сизларники. Колхозни йўрғақлаб, бешигини тебратганларники. Қани, марҳамат, жойларингни билиб ўтиринглар.

Умар закунчи дик этиб ўрнидан турди.

– Шуларга асраб қўйибмиз-да жойни! Қани, Оқсоқол, Ҳусан ака, президиумга марҳамат.

Оқсоқол билан бобом саҳна бурчагидаги зинадан узун-қисқа бўлиб чиқиб боришаётганида тагин қарсакбозлик бўлиб кетди.

– Мен бугун жуда хурсандман! – Меҳмон залга қараб жилмайди. – «Қизил деҳқон»дан чиққан қахрамон жангчини қутлашга келдим. – У ягона

қўлини мовут костюмининг чўнтагига суқиб газета чиқади.

– Раънохон, чиқинг! – деди Умар закунчи ўрта-роқдаги қаторга имо қилиб.

Сочини чамбарак қилиб ўраган, қундуз ёқали пальто кийган Раъно келинойим одамлар орасидан ўтиб, саҳнага чиқди. Қарасам, икки юзи қизариб, чиройли кўзлари ёниб турибди.

– Ўқинг! – Закунчи меҳмоннинг қўлидан газетани олиб, Раъно келинойимга узатди.

Раъно келинойим газета қатини ёзаётганда, «Қизил Ўзбекистон» эканини пайқадим. У гоҳ саҳнада ўтирганларга, гоҳ пастдагиларга қараб ширин жилмайган кўйи шариллатиб ўқиб кетди.

«Тошкентлик паҳлавон. Марказий фронтнинг оддий аскарлари, артиллериячи Очил Комилов урушдан аввал энг тинч касб – ўқитувчиликни орзу қилганди, Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтида ўқир эди. Унинг мақсади ёш авлодни тарбиялаш эди. Немис-фашист босқинчилари юртимизга бостириб киргач, қўлига қурол олди...»

Зал яна сув қўйгандек жимжит бўлиб қолган, ҳатто биринчи қаторга ўтириб олган болалар ҳам чурқ этмас, ора-чора одамларнинг йўталгани, тарновдан эриб тушаётган қорнинг шилдираши эшитилиб турарди.

Бир маҳал эшикка яқинроқ жойда хотин киши хиқиллади:

– Очилим, болагинам...

Башор опанинг зардали товуши жимжит залда қаттиқ янгради.

– Ўғлингиз иш кўрсатганига суюниш ўрнига обидийда қиласиз-а, Лазакат хола!

Раъно келинойим ҳамон газета ўқир, овози тиниқ, ҳаяжонли жаранглар эди.

Келинойимнинг бунчалик равон, бунчалик дона-дона ўқишини энди билишим. Ўзини тутиши ҳам, овозиям, мулойим жилмайиб туришиям – ҳамма-ҳаммаси одамларни сеҳрлаб қўйган эди. Ростини айтсам ойим кунора, «келинойингдан хабар ол, битта ўзи қон бўпкетади», деб чирқиллашига қарамай анчадан бери уйига боролмаганимдан уялиб кетдим. Ўша заҳоти бир замбил картошкани кўтаролмай, қўллари қалтираб турган Очил ака кўз ўнгимга келди.

Наҳотки ўша Очил ака шунчалик иш кўрсатган бўлса! Бундан чиқди юрагида ўт бор экан-да! Мен бўлсам, бечорани калака қилиб юрибман.

Раъно келинойим тўпчи Очил Комиловнинг Вязма деган жойда бир жангда ўн битта немис танкини пачақлагани, Олий Бош қўмондоннинг буйруғига биноан Жанговар Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганини ўқиётганида овози тантанали тус олди.

Газетани ўқиб бўлиб меҳмонга узатган эди, Умар зақунчи чаққонлик қилиб тортиб олди. Келинойимга бир нима деди-ю, қайтадан янграган қарсақлар овозидан эшитиб бўлмади, Раъно келинойим мамнун жилмайиб зинадан тушиб кетди.

Умар зақунчи пастга қараб қичқирди:

– Комил ака! Ўртоқ Комил ака!

Комил амаки дераза олдида ўтирган экан. Шошилмай ўрнидан турди. Бошида эскироқ юмалоқ дўппи, эгнида чопон. Сийрак соқоли ҳар доимгидек текис тарошланган. Янги котиб Комил амакини танир экан.

– Ие, ўзимизни табиб-ку! – деди кулимсираб.

– Шу-да! – Зақунчи дарров гапни илиб кетди.

– Табиб бўлгани билан кетмонни ҳаммадан яхши уради. Стахановчи. Аммо қўлиям енгил. Любой касални уч кунда тузатади.

– Қани, чиқаверинг, Комилбой! – Ориф оқсоқол мўйловини ҳафсала билан буради. – Геройни отасиям герой бўлади-да.

Табиб одамлар орасидан секин-секин ўтиб, бурчакдаги зинадан саҳнага чиқди. Абдурахмонов ўрнидан оғир қўзғалиб, Комил амакининг рўпарасига борди. Табиб унинг узатган чап қўлини қўшқўллаб қисди.

Умар закунчи саҳна бурчагига бир имо қилган эди, буғалтир Соли сўпоқ пилдираб чиқиб келди. Чамаси боядан бери кутиб турган бўлса керак, қўлида тугун бор эди.

– Ўртоқ Комил ака! – деди Закунчи тантана билан. – Шундоқ қаҳрамон ўғилни ўстириб тарбиялаганингиз учун минг раҳмат сизга. Мана бу – колхоз правлениеси номидан совға!

Шундай дедию тугунни ечди. Ичидан яп-янги беқасам тўн чиқди. Табиб хижолат чекиб турар, гоҳ саҳнадагиларга, гоҳ залга қарар, чамаси нима қилишини билмасди.

Соли сўпоқ тугун орасидаги буклоғлиқ дўппини столга ташлади-да, шоша-пиша Комил амакининг эғнидаги чопонни ечиб олди. Закунчи янги чопонни ўз қўли билан кийгизди. Қизил қийиқчани чаққон айлантириб, табибнинг белига боғлади.

Соли сўпоқ дўппининг қатини очиб, кафтига қарсиллатиб ураётган эди. Оқсоқол илдам ўридан турди.

– Бу ёққа ол! – деди қўл чўзиб. – Калинг юқиб қолади. Шу қўлинг билан бошингни қашигансан, биламан.

Қийқирик, кулги бўлиб кетди. Оқсоқол табибнинг бошидаги юмалоқ дўппини авайлаб ечиб, қўлига тутқаздида, янгисини кийгазди.

– Баракалла, Комилбой! – деди табибнинг пешонасидан ўпиб. – Белида белбоғи бор ўғил ўстирибсиз.

Оқсоқол жойига бориб ўтираётганида тагин қарсакбозлик бошланди.

Қизиқ, ҳали ўзининг шаънига қарсак чалинганда гаши келган Абдураҳмонов энди қувониб кетди. Бир қўллаб чапак чалолмагани учунми, нуқул чап қўлини «баракалла» дегандек ҳавода силкитар, кўзларида қувонч порлар эди.

Умар закунчи табибга юзланиб, тантанавор оҳангда сўради:

– Сўз берайликми?

Табиб елкасини қисди.

– Мен нима дейман... – Залга қараб олди-да, паст вазмин товушда қўшиб қўйди. – Уруш тезроқ битсин. Жумла мўмин қатори Очилим ҳам эсон-омон келсин! Яхши тўйлар қилайлик!

Комил амаки саҳнадан тушиб кетаётганида Закунчи тагин миннатдорчилик билдирди.

– Раҳмат сизга! Қишлоғимиздан чиққан қаҳрамон Очил Комиловнинг укаси Олимжон Комиловни биласизлар-а?

Орқа томондан Парча опанинг дўриллагани эшитилди.

– Биловуз! Яхши бола!

– Олимжон, чиқ бу ёққа! – деди Закунчи залга аланглаб.

Биринчи қаторда ўтирган Олимжон саҳна томонга югурди.

– Маладес йигит! – Умар закунчи Олимжоннинг қўлини қисди. – Законний бола! – деди райком котибига қараб. – Дарсдан бўш пайтида колхозга ёрдам беради.

Саҳна бурчагидан яна Соли сўпоқ чиқиб келди. Умар закунчи патнусҳа ёғоч ручка билан қоғозга ўралган алланимани Олимжонга тутқазди.

– Мана бу ойингга! – деди қоғозга ўроғлиқ насага имо қилиб. – Рўмол. Буниси сенга. Ручка би-

лан «московский» перо! Яхши ўқи, хўпми? Ҳозир нечанчи классдасан?

Олимжон нимадир деган эди, эшитилмади.

– Нима? – деди Зақунчи қулоғини Олимжоннинг оғзига тутиб. – Қаттиқроқ гапир! Одамлар эшитсин.

– Тўртинчи! – Олимжон бир қўлида ручка, бир қўлида қоғозга ўроғлиқ рўмолни чангаллаб жилмайди.

– Маладес! – Зақунчи унинг елкасига қоқди. – Билиб қўй, сенинг вазифанг – ўқиш. Келажакда олим бўлмасанг, ҳисобмас. Доҳиймиз Сталин шундоқ қийин пайтдаям сизларни ўқитяпти. Бошқаларга йўқ нонни мактабга беряпти. Шундоқ экан, сенлар олим бўлишинг шарт, тўғрими?

...Бобомнинг эшак аравасида уйга қайтарканмиз, бугунги тантаналар кўз ўнгимдан кетмас, нам босган кўзойнак ортидан термилиб турган Очил аканинг митти кўзлари хаёлимда жонланар, «яхши кўриш айб эмас-ку» деган, ялинган овози қулоғимда жаранглар эди. Билмадим, негадир ўша заҳоти хаёлимга Кимсан акам келди. Қанийди Кимсан акам ҳам орден олса! Клубда шунақа мажлис бўлса! Ҳамма Кимсан акамни мақтаса!

Бобом қулоқчини қийшайиб кетган телпагини бостирганича эшак жиловидан тутиб борар, арава филдираги остида кечки совуқда қайтадан музлаган қор қисирлар, ҳаво очилиб кетган, қоп-қора, чуқур осмонда бодрокдек юлдузлар порлар эди.

3. «Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётгонинг қани!»

Ер селгир-селгимас, тракторни далага солдик. Кутиб ўтиришга вақт йўқ. Башор опа ёнига Зухра келинни олиб, Бўрижар этагидаги биринчи брига-

дани шудгор қилишга тушиб кетди. Менинг зим-мамга Кўтармадаги олтинчи бригада тушган. Ёр-дамчим – Олимжон.

Эрта баҳорда тупроқ ҳиди бошқача бўлади. Қиш бўйи қор остида ухлаб ётган ер кўкламининг илиқ-иссиқ офтобидан уйғонади-ю, ҳузур қилиб керишаётганга ўхшайди. Ҳали селгиб улгурмаган тупроқдан нам аралаш қуёш ҳиди анқийди. Трактор оламини бузгудек тариллайди. Тутун иси керосин ҳидига қўшилиб кетади. Аммо бу ислар ернинг ёқимли бўйи олдида унча сезилмайди ҳам. Трактор омочи палахса-палахса қилиб ағдарган жой қоп-қорайиб қолади. Совуқ жойларга қайтиб кетишга улгурмаган қарғалар трактор устида ғужғон ўйнаб, пастга, қазилган ерга шўнғийди. Аммо қарғаларнинг чағ-чуғ қилиши энди ғашга тегмайди. Бари бир эрта-индин беҳи гулласа – тамом! Қузғунлар учиб кетади.

Олимжон хурсанд. Идорада бўлган ўша мажлис. Умар зақунчи ўз қўли билан ручка совға қилгани болани жудаям севинтириб юборган. Биламан, мактабга ёлчитиб бормаяпти. Тушлик бўлмасидан жилдини кўтариб келиб қолади. «Иккита ўқидик, учта ўқидик», деб баҳона қилади. Сув ташийди, ёнимга ўтириб олиб трактор ҳайдагиси келади. Қўли рулга аранг етади-ю, катталардек жиддий бўлиб, бултурги марзалар дўппайиб турган даладан кўз узмай боради...

Бугун ҳам шунақа бўлди. Пайкал четидаги бир туп жийда тагида тушлик қилиб ўтирардим. Офтоб мулойим жилмайиб, елкани қизитади. Осмонда эринчоқ булутлар вазмин сузиб боради. Ариқ бўйидаги майсалар орасида очилган жимитдек зангори гуллар устида бойқиси сарғиш қанотини пирпиратиб учади.

Энди бир бурда зогора еган эдим, дала бошида Олимжон кўринди. Жилдини боши устида пирпирак қилиб айлантириб чоғиб келди.

– Сув опкелайми? – деди жилдини жийда шоҳига илиб. Ҳансираб нафас олар, терлаб кетган эди.

– Шошма, аввал қорнингни тўйгазиб ол.

Битта зогорани бўлашиб едик. Зоғора яхши-ку, дарров тиқилиши ёмон. Чой йўқ.

Олимжон зогорани чала-чулпа чайнаган кўйи пачоқ челақни кўтариб, пайкалнинг нариги бошига югуриб кетди. Тол тагида булоқ бор. Суви тоза, муздек.

Керосин ҳиди анқиб турган челақдан сув ичиб тушлиқни тугатдик.

– Акам яхшилар-а? – Олимжон бурнининг учида илиниб турган сув томчисини артиб мамнун жилмайди.

Кулдим.

– Айтмовмидим, аканг орден оладилар, деб.

– Сизам яхшисиз! – Олимжон ёйилиб илжайди. – Тракторга сув оборайми?

– Майли, кетдик.

Олимжон челақни кўтарганча ҳайдалган шудгордан тиззасигача тупроқ кечиб трактор томонга югурди. Мендан олдин етиб бориб, моторга сув қуя бошлади.

Ҳар қандай ишнинг ҳам охири қийин бўлади. Пайкални қўлдан чиқариб қўя қолайлик, деб харчанд уринсам ҳам, бир парча ҳайдалмаган ер қолди. Даланинг у бошидан бу бошига икки марта бориб келсак, тамом. Кечаси тракторни бешинчи бригадага олиб ўтамиз-да, эрталабдан янги жойда иш бошлаймиз.

Иккаламиз ҳам чарчаган эдик. Олисда, хўмрайган тўда-тўда булутлар орасида қуёш қонталаш

нур сачратиб бир зум осилиб турдию уфқ ортига думалаб кетди. Шамол кучайди. Кун бўйи эринчоқ кезиб юрган булутлар офтоб ботганидан кейин қахрли тус олди. Шиддат билан бостириб кела бошлади. Трактор устида безовта чарх ураётган қарғаларнинг чағ-чуғи кучайди. Кўнглимга гашлик чўкди. Ёмғир ёғмаса гўрга эди. Бу ёқда қоронғи тушиб кетяпти.

Бир маҳал трактор тумшуғидан буғ кўтарилиб, ҳеч нима кўринмай қолди.

– Ҳозир сув обкеламан! – Ёнимда ўтирган Олимжон сакраб, ерга тушди. Имиллаб бораётган трактор биқинидаги пақирни юлқиб олди-да, қоронғилик чўка бошлаган шудгордан югуриб кетди.

– Қўрқмайсанми? – дедим бақириб.

Олимжон трактор шовқинидан гапимни эшитмади шекилли, қайрилиб қарамади. Бирпасда нимқоронғи зулматга сингиб кетди. Тракторни тўхтатишим билан мотор ўчиб қолди. Э, ўла! Энг ёмони мана шу – ўчиб қолиши! Моторни қайтадан ўт олдириш осон бўлса экан.

Ерга тушишим билан этик қўнжидан лой аралаш тупроқ оёғимга тўкилди. Трактор тумшуғида осилиб ётган каттакон темир тутқични бурай бошладим. Уввало уринаман, қани айланса! Пастга боссам, қўлимни юқорига итариб ташлайди, юқорига кўтарсам, ўчакишгандек пастга силтайди. Бир зумда терлаб кетдим. Шамол кучайган, кунботар томонда чақмоқ ялтирар, зулмат қоплаган осмонда қарғалар шамол арғимчоғида учиб, бор овозда шовқин солар эди.

Олимжон кетган томонга қараб қўлимни карнай қилганча чақирдим.

– Олим-жо-он!

Шамол овозимни тескари ёққа олиб кетди. Ўзимнинг ожизлигим ўзимга алам қилди. Олимжон

нима қилиб берарди! Мен буролмаган тутқични айлантиришга ёш боланинг кучи етармиди! Башор опа бўлса бошқа гап! Бунақа қайсар тракторнинг «эсини жойига киргизиб» қўйишни билади.

Башор опани ўйлашим билан ярқ этиб хаёлимга келди: бир сафар МТС ҳовлисида тракторнинг тутқичини айлантиролмай хуноб бўлиб турганимда Башор опа осонгина юргизиб берганди. Тутқични қияроқ солиб, бутун гавдаси билан бир босганида мотор пат-пат қилиб ишлаб кетган.

Мен ҳам шундай қилдим. Тутқични суғуриб олиб, бошқатдан, ёнбошлатиброқ тикдим-да, бандидан қўш-қўллаб ушлаганча биқинимга тираб, бутун гавдам билан босдим. Тутқич зўриқиб айланди. Трактор «поп» этди. «Овозинг чиқаркану ер ютгур!» Тутқични суғуриб қайтадан солдим. Бу сафар мотор икки марта потиллади. Дудбурондан тутун аралаш чиққан чўғ қоронғида аниқ кўринди. Ҳаққиси уч гап! Энди юриб кетади. Бу сафар бутун гавдам билан ёнбошлаб бир силтаган эдим, тутқич банди сал пастлади-ю, шунақанги кучли зарб билан биқинимга урилдики, кўзимдан олов чиқиб кетди. Ўнг биқинимда чидаб бўлмас оғриқ сездиму нафасим чиқмай қолди. Кейин нима бўлганини билмайман. Қоронғида соядек сўппайиб турган трактор, муттасил чағ-чуғ қилаётган қарғалар, осмонда зангори қиличдек ялт-юлт қилиб ўчаётган чақмоқ – ҳаммаси ғойиб бўлди.

Юзимга сачраган ёмғирдан ҳушимга келдим. Охири ёғибди-да, деган ўй гира-шира миямга урилди. Ҳали кўзимни очмасимданоқ биқиним увишиб қолганини, увишган бўлсаям жонимни суғуриб олгудек ачишиб, оғриётганини идрок этдим.

– Опа, туринг, опа?

Юзимга яна ёмғир сачради. Қизиқ, ёмғирдан керосин ҳиди келяпти.

Кўзимни очиб, қоп-қора, думалоқ нарсани кўрдим.
Олимжоннинг йиғламсираган овози қулоғимга кирди.

– Туринг, опа, туринг...

Синчиклаб қарасам, бояги думалоқ нарса – челақ экан.

Олимжон кўзимни очганимни кўриб севиниб кетди шекилли, челақдаги сувни яна бошимдан қуйди.

Керосин ҳиди анқиб турган сув оғзимга кириб, кўнглим ағдарилиб кетди.

– Керакмас! – дедим қўл силтаб. – Бўлди.

Олимжон челақни ерга қўйиб, ёнимга ўтирди. Кичкина, аммо дағал қўли билан юзимни силади. Ҳўл, муздай қўли юзимга тегиши билан тагин лампамой ҳиди келди. Энтикиб, юзимни, ўтирган эдим, бола кўрқа-писа қўлини тортиб олди.

– Тепдими? – деди бошимга эгилиб. Энди йиғламас, аммо овозида ваҳима бор эди.

Трактор тутқичи тепганини энди эсладим.

– Ҳеч нима қилмайди!

Болани тинчитиш учун қаддимни ростламоқчи эдим, биров биқинимга пичоқ санчгандек ловуллаб ачишди. Ҳарчанд ўзимни тутай десам ҳам бўлмади. Ўнг ёнбошимни чангаллаганча йиқилиб тушдим. Юзим нам тупроққа урилди. Димоғимга ер иси кирди. Қизиқ, гувиллаб турган шамол шовқинига қарамай тупроқнинг ожиз шивирлашини аниқ эшитгандек бўлдим. Ичим ёниб борарди. Инграб юбордим:

– Сув!

Олимжон бошимга эгилади.

– Мана, – деди жиякларидан чакиллаб сув томаётган дўппини кўшқўллаб тутиб. – Яхши сув, опа. Ўзимам ичдим.

Бошимни кўтариб уч-тўрт қултум ичдим. Дўппи елими, керосин ҳиди анқиб турган сув муздеккина эди. Тағин кўнглим ағдарилди. Юзимни ўгирдим. Олимжон шундай қилса мен дарров тузалиб қоладигандек, дўппидаги сувнинг ҳаммасини ичиб битирди.

– Қаранг, топ-тоза! – деди овози титраб. – Юринг, кетайлик, опа! Тура қолинг.

Анча ўзимга келдим. Амаллаб қаддимни ростладим. Рўпарамда қоп-қора соядек трактор сўппайиб турар, тумшуғидаги темир тутқич қоранғида хира йилтирар, бошимиз устидаги қарғалар сийраклашиб қолган, аммо чақмоқ борган сайин кўпроқ ялтирар, осмондан қисқа-қисқа бўғиқ гумбирлаган садо эшитиларди.

– Туринг, опажон! – деди Олимжон кўлимдан тортиб. – Кетамиз, ҳозир жала қуяди.

Ўрнимдан тураётганимда биқиним яна ловуллаб ёнди. Томоғим қуриб борар, сув ичгим келар, лекин кўнглим айнарди.

Олимжон ўрнимдан турганимга қувониб кетди. Дадилланиб елкасини тутди.

– Бизаникига борамиз-а? – деди мени суяб юришга уриниб. – Дадамларда-чи, кийик ўти бор. Уч марта ичсангиз тузалиб кетасиз!

Ҳар қадам қўйганимда биқинимга янгидан пичоқ санчилар, кўз ўнгим қоронғилашиб, аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетаётганини ўзим сезиб турардим. Ўнг кўлим ҳам сирқиллаб оғриётганини энди билдим. Бундан чиқди, тутқич тепганида биқиним аралаш кўлимга ҳам урилгану қизиқ устида сезмаганман.

– Акам келсалар сиз билан трактор ҳайдаганимни айтаман! – Олимжон кўлтиғимга кириб ҳарсиллаб бораркан, тўхтовсиз гапирарди. – Акамга

айтаман, Робия опам ҳам сизга ўхшаган қаҳрамонлар, дейман. Менга трактор ҳайдашни ўргатдилар, трактор тепсаям йиғламадилар, дейман.

У оёғим тагида ўралашган сайин юришга қийналар, тишимни тишимга қўйиб борардим. Олимжон терлаб кетган, қўлтиғимга тегиб турган ингичка елкаси жиққа ҳўл бўлиб, баттар гашимни келтирар, меними – ўзиними юпатиб, тўхтовсиз гапириб борарди.

– Дадамларда-чи, опа, мўмиё бор. Бир марта ичсангиз бўлди!

Пайкал четига амаллаб чиқдигу у ёғига қадам босишга мадорим қолмади.

– Шошма, Олимжон... – Болани қўрқитмаслик учун дадилроқ гапиришга шунча уринсам ҳам овозим инграб чиқди. – Дам олайлик.

Ҳали иккаламиз зоғора еб тушлик қилган жийда тагига ўтириб қолдим. Олимжон рўпарамга чўккалаб кўзимга тикилди.

– Ёмон оғрияптими?

– Йўқ. Ҳозир босилиб қолади.

Шундоқ бошимиз устида чақмоқ чақди. Бу сафар шу қадар шиддатли ялтирадики, осмонни икки бўлакка тилимлаб ташлагандек бўлди. Кўкимтир нурда Олимжоннинг қўрқувдан дум-думалоқ бўлиб кетган кўзларини, жийда шохида илиниб турган жилдини кўрдим. Ўша заҳоти еру кўкни титратиб, момақалди роқ гумбуради. Юзимга илиқ, йирик томчи тушди. Ўтирган жойимда қўл чўзиб, Олимжоннинг бошини силадим.

– Дўппинг қани? – дедим оғриб кетаётган биқинимни чангаллаб.

– Э, қўйвуринг! – Олимжон қўл силтади. – Челак ичида қопкетибди. Эртага оламан. Юринг, – у тагин қўл чўзди, – бизникига борамиз. Дадамга айтсам...

– Йўқ, – дедим унинг гапини кесиб. – Сен кетавер, хўпми! Эрталаб мактабга боришинг керак. Бор, жилдингни ол. Дафтаринг хўл бўлиб қолади.

– Опа! – Олимжон мени қучоқлаб олди. Елкалари силкиниб ўксиб-ўксиб йиғлаб юборди. – Кетмайман!– деди бақриб. – Кетмайман! Керакмас мактаби, опа!

Ёмғир кучайиб кетди. Болани бағримга босиб ёмғирдан хўл бўлиб кетган юзидан ўпдим.

– Хўп, Олимжон, бўпти, – дедим кўз ёшимни аранг ютиб.

– Юринг! – У лойда сирганиб ўрнидан турди. Қўлини чўзди. – Юринг, опа!

Ўрнимдан қўзғалишим билан биқиним тагин санчиб кетди.

– Яхши, – гандираклаб оёққа қалқдим. – Кетамиз. Лекин сизларникигамас. Етиб боргунимизча тонг отади. Биласанми... – Иложи борича дадиароқ қадам босишга уриниб, елкасидан ушладим. – Мен Кўтармада қоламан, Раъно келинойимникида. Хўпми? Трактор далада қолганини айтмасам бўлмайди.

Тагин чақмоқ чарсилади. Уст-боши жиққа сув бўлиб кетган Олимжоннинг йиғидан титраб турган лабларини аниқ кўрдим. Момақалди роқ сурон солди.

– Юр! – дедим йўл бошлаб.

...Кўча четидаги куртак чиқарган толлар шамол қаҳридан титраб ора-чора чақмоқ чаққанида сесканиб кетар, ҳамма ёқни ер ютиб юборгандек, ваҳимали жимлик чўкканди.

Вақти-вақти билан момақалди роқ гумбурлаб, сукунатни портлатар, аммо ўша заҳоти ҳамма ёқни аввалгидан ҳам чуқур сукунат босар, ёмғирнинг шовуллаши бу хатарли жимжитликни янаям чуқурлаштириб юбораётгандек бўлар эди.

Раъно келинойимнинг эшиги орқасидан там-баланган экан. Тирқишидан мўраласам, ҳовли ёнбошдаги уйда хира нур кўринди. Хайрият! Бошим ғувиллаганча эшик кесакисига суяниб, темир ҳалқани қоқдим. Кўнглим беҳузур бўлиб борар, ҳозир йиқилиб тушишимни ҳис қилиб турардим. Ҳалқани дурустроқ тақиллатишга мадорим етмади.

– Менга беринг, опа! – Олимжон ҳалқани қўшқўлаб ушлади-да, кучи борича эшикка ура бошлади.

– Кеннойи! – деди бақриб. – Очинг!

Уй томондан қандайдир шарпа кўрингандек бўлди. Олимжон ҳалқани янаям қаттиқроқ урди. Тагин момақалдироқ гумбурлади. Бир маҳал кўзимни очсам ичкарида чироқ йўқ. Ҳозир ёниб турувди-ку.

Олимжонга ялиндим.

– Қаттиқроқ тақиллат. Момақалдироқда эшит-маяптилар.

Олимжон икки қўлаб эшикни мушглашга тушди.

– Кеннойи! Раъно кеннойи!

Йўқ! Келинойим эшитмади. Бундан чиқди, чарчаган. Эртароқ ётиб, дам олгиси келган. Ёмғир кучайиб кетди. Эшик кесакисидан сомон сувоқ иси анқиб, кўнглим баттар беҳузур бўлди.

Бир маҳал ҳушимни тўплаб қарасам, Олимжон пастак деворга тирмашяпти. Зум ўтмай, деворга миниб олди.

– Их, тикан бор экан! – деди ғижиниб.

Кейинги лаҳзада унинг ҳовли томонга гуп этиб тушгани, шап-шуп лой босиб уй томонга боргани, «кеннойи» деб чақиргани эшитилди. Уй эшиги ғийқилаб очилди. Дарвозанинг тирқишидан яна мўралаб, қоронғида ҳеч нимани кўролмадим. Бола тушмагур келинойимни қўрқитиб юбормасайди!

Шу пайт аллақандай эркак кишининг «...борми сенга ҳароми!» – деб сўкингани, Олимжоннинг «қўйворинг» деб ялингани эшитилди.

Эшикни кучим борича муштладим.

– Очинг, кеннойи, менман! – дедим бақириб.

Кимдир оғир, шахдам қадамлар билан эшикка яқинлашди.

– Қўйворинг! – Бу сафар Олимжоннинг овози бўғилиб чиқди.

Тамба сурилди. Эшикнинг бир тавақаси очилди-да, кимдир Олимжонни ёқасидан мушук боладек чангалаб улоқтириб юборди. У гандираклаб келганча куч билан менга урилди. Биқиним баттар санчиб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Олимжон, менга озор берганини билиб типирчилаб қаддини ростлади. Шу пайт чақмоқ ярқ этдию рўпарамда важоҳат билан турган бошяланг Умар закунчини кўрдим.

– Ие, ойимқиз, сизам шу ердасиз? – деди газабдан кўзлари ёниб. – Бемаҳалда пишириб қўйибдими бировникида!

– Бировмас, ўзимни янгам, – оғзимга келган гап шу бўлди.

– Тракторни катта холангникига ташлаб келдингми?

Умар закунчи кўзимга шунчалик дағдаға билан чақчайдики, тилим айланмай қолди.

У бошини эгиб эшикдан чиқиб бораркан, нафрат билан сўкинди.

– Падарингга лаънат. Ҳаммангни қамоқда чиритиш керак! Саботажчи ички душманлар!

Ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай турган эдим, Олимжон ҳансираб нафас олаётганини, ўқтин-ўқтин бўйнини силаётганини кўриб қўрқиб кетдим.

– Нима қилди? – дедим ўзимнинг дардимни ҳам унутиб. – Нима бўлди?

– Ҳеч нима... Олимжон йиғламсираб бурнини тортди. – Ёқамдан бўғди. Юринг, опа, кетамиз...

Айвон томонда Раъно келинойимнинг шарпаси кўринди, чақмоқ чақди. Келинойим айвондан сакраб тушиб шу томонга югурди. Бошида оппоқ шоҳи рўмол, эгнида бахмал нимча, оппоқ шоҳи кўйлак.

– Вой, Робияхон, сизмисиз! Ўтакамни ўн бўлиб юбординглар-а! – У мени қучоқлаб олди. Юзимдан ўпаётганида димоғимга гунафша ҳиди урилди. – Ким бу? – деди Олимжонга қараб.

Келинойим билан кўришарканман, ҳеч нимага тушунолмасдим. Олимжон эса ҳамон томоғини силаб-силаб қўяр, ёмғирда бўкиб кетган муштдек кина гавдасини букчайтириб чуқур-чуқур нафас оларди. Раъно келинойим меҳрибонлик билан боланинг елкасига қоқди.

– Раис амакинг танимай қолибдилар-да, – деди юпатиб. – Сени ўғри деб гумон қилганлар. Ҳозир ёмон кўп. Қани, ичкарига киринглар.

Айвонга чиқиб бораркан, ўгирилиб қаради.

– Қайси шамол учирди, Робияхон? Уй ичларингиз тинчми, Кимсанбойдан хат борми?

Беихтиёр кетидан эргашдим. Олимжонни силаб-сийпаб оувтдим:

– Билмаган-да, бўғиб қўймадимми ишқилиб?

– Йўқ... Бўйним оғрияпти...

Негадир Раъно келинойим тинимсиз гапирарди.

– Умар акам билан шудгор қилинган гектарларнинг ҳисоб-китобини ёзаётувдик. Лампамой ўлгур тамом бўпқолди. Кимсанбойдан хат-хабар борми ахир? Дума поччам, эгачимлар яхши юришибдимиз? Турмуш ҳам ўлсин, вақт топиб хабар ололмайман.

Олимжоннинг елкасидан қучганча уй остонасига энди қадам қўйган эдим, тагин момақалдироқ

гумбурлади. Бу сафар шунақанги қаттиқ сурон солдики, назаримда осмон чил-чил бўлиб кетди. Кетма-кет чақмоқ чақиб, пастак деразалардан, эшикдан отилиб кирган нур уй ичини сутдек ёритиб юборди. Ерга ёзилгану нари-бери юмалоқястик қилиб қўйилган тўшак, иккита ёстиқ, бурчакдаги хонтахта устида турган яримлаган вино шиша, по-пукқандлар, хонтахта бурчагида дўппайиб турган Умар закунчининг чақмоқ телпаги кўринди.

Бирдан оёқ-қўлимдан мадор кетиб, Олимжонга суяниб қолдим.

– Опа! – Олимжон бағримга кириб ҳиқиллади. – Кетамиз, опа!

Раъно келинойим хавотирланиб, ёнимга келди.

– Робияхон! Киришлар...

Ажаб, бир зумда боядан бери азоб бераётган оғриқ унутилди. Бошимнинг айланиши тиниб қолди. Яна чақмоқ чақиб, уй ичини ёритди. Келинойимнинг оппоқ рўмолини, оппоқ қўйлагини тагин бир марта кўрдим. Биринчи қор ёғиб турган ўша кечада, келинойим ошхона орқасига ўтиб «сизсиз ўлиб қоламан», деб Шомурод тоғамнинг бўйнига осилганида ҳам шу кийимда эди. Фақат бошига жун рўмол ўраб олганди.

– Юр, Олимжон!

Биров ёқамдан бўғиб олаётгандай, Олимжонни судраб ҳовлига отилдим. Ўша заҳоти Раъно келинойим йўлимни тўсди.

– Бу нимаси, озиб-ёзиб бир келганда... Шундоқ ёмғирда қаёққа борасизлар! – У Олимжоннинг елкасига қўл чўзган эди, болани силтаб тортдим.

– Тегманг! Нораства болани ҳаром қилманг.

Қоронғи бўлса ҳам Раъно келинойим бир сесканиб тушганини пайқадим.

– Вой, бу нима деганингиз?

– Кетдик! – Олимжонни кўчага судрадим.

Раъно келинойим югуриб келиб кўндаланг бўлди.

– Йўқ, Робияхон! – деди асабий титраб. – Очиқроқ гапиринг. Нима демоқчисиз?

У билагимдан тутмоқчи эди қўлимга илон чир-машаётгандек этим сесканиб кетди. Ўзимни орқага ташладим. Олимжонни етаклаганча кўчага отилдим. Ҳовли томондан Раъно келинойимнинг ўкраб йиғлагани эшитилди.

– Қандоқ кунларга қолдим!

Ёмғирда ваҳимали шовуллаб турган ёнғоқзор ичига киргандагина ўзимга келдим. Ора-чора чақмоқ чақар, аммо қалин дарахтлар орасини аввалгидек ёритолмас, момақалдиروқ эса янаям ваҳималироқ гулдирад эди.

– Опа, бизникига борайлик! – деди Олимжон ялиниб. – У ўқтин-ўқтин бўйнини силар, лекин энди ҳиқилламасди. Биқинимнинг оғриғи зўрайиб, нафас олсам санчиб оғрир, бутунлай ҳолдан тойган эдим.

– Йўқ, Олимжон, – дедим инграб. – Сен уйга боравер. Қўрқмайсанми? Уйинглар яқин-ку. Мени қўявер, ўзим кетаман.

Қизиқ, Олимжон катталардек хотиржам бош чайқади.

– Обориб қўяман.

Бир томонида наъматаклар ўсиб ётган, бир томонида тубсиз жарлик шовуллаётган тор сўқмоқдан ўтгунча адои тамом бўлдим. Ожиз майсалар ниш чиқарган, лой бўлиб кетган дўнгликка ўтириб қолдим. Тагимдан шовуллаб ёмғир суви оқиб ўтар, вужудим музлаб бораётганини сезиб турардим. Ҳали пайқамаган эканман. Таги кўчган этигимдан сув сизиб кириб, пайтавам ҳўл бўлиб кетганини энди билдим. Олимжон ёмғир-

да дийдираб, тепамда турар, ора-чора бўйнини
силаб қўяр эди.

– Алвасти кўприк... – деди секин.

Индамадим. Хаёлимда бошқа ўйлар чарх урар
эди. Қизиқ, бултур байрам арафасида Холпош хо-
лага кўкрак бурма кўйлак тиктирганим эсимга
тушди. Ўшанда Рашид абзи мўрчасида чўмилиб
келган кунимнинг эртасига Оқсоқолникига яна
чиқсам, Холпош хола «Зингер» машинасида чок
босиб галати ашула айтяпти:

*Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётгонинг қани,
Мен ёмондан айрилиб, яхшни топгонинг қани?*

Эшитиб, ҳайрон бўлгандим: илонниям ашула
қилиб айтадими одам? Йўқ, ўшанда бу ашулани
тушунмаган эканман. Инсон боласи илонга айла-
ниб қолиши ҳеч гап эмас экан.

Наҳотки? Шундай кўҳли, шундай доно Раъно
келинойим наҳотки илон бўлса? Шомурод тоғам-
ни урушга кузатаётган куни ошхона деворининг
орқасида ўксиб-ўксиб йиғлаганини ўзим эшитган-
дим-ку! Эрининг оёғига тиз чўкиб илтижо қилга-
нида оппоқ кўйлагининг этаги лой бўлиб кетгани-
ни ўзим кўрган эдим-ку! Ўшанда кўзимга оппоқ
фаришта бўлиб кўринган Раъно янгам шу эмасми-
ди! Бугун худди ўша кўйлагини кийиб олиб, Умар
закунчи билан... Фариштанинг илонга айланиши
шунчалик осон экан-да! Ахир тоғам ўлгани йўқ-ку!
Кеча унинг оёғига тиз чўкиб «сенсиз ўлиб қоламан»
деса-да, бугун... Тоғам у ёқда қон кечиб юрса-ю,
келинойим бу ёқда... Одамлар мунча ёмон! Мунча
ноинсоф?! Балки, Кимсан акам мени ҳам, шунақа
деб ўйлар?.. Йўқ! Бу кунидан кўра ўлгани яхши
одамнинг!

Шошма! Раъно келинойим нима деди? «Умар акам билан ҳайдалган гектарларни ҳисоблаб ўтиргандик, чироқ ўчиб қолди», дедими? Нимага раис демайди? Умар ака демайди? Умар акам дейди? Икки туғиб бир қолганими?

Майли, чироқ ўчса ўчгандир. Закунчи Олимжонни ўғри гумон қилса қилгандир. Аммо чала-чулпа йиғиштирилган тўшак-чи? Хонтахтадаги вино шишаси-чи! Раъно янгамнинг довдириб қолгани, эшикка чиққанимизда «қандай кунларга қолдим», деб йиғлагани-чи! Шўрлик тоғам!.. Ақалли тоғам олиб берган кўйлакни, эрининг оёғига тиз чўкиб ёлборганида кийган кўйлагини ҳаром қилишга уялмайдами! Садоқат билан хиёнатнинг ораси шунчалик яқинми?

– Опа, поезд!

Олимжоннинг товушидан ҳушимга келдим.

– Қаранг, поезд, – деди у темир йўл томонга қўли билан имо қилиб.

Чиндан ҳам Алвасти кўприк шиддатли тарақлар, ўтиб бораётган юк поезди бўлса керак, чироқлари кўринмас, бироқ шовуллаб турган ёмғирни ҳам, момақалдироқ овозини ҳам босиб кетгудек шодон шовқин солар, олдинга – уруш бўлаётган томонларга елар эди.

– Акамга пушка олиб кетяпти! – Олимжон бўйнини силаб қоронғида жилмайди.

– Оғрияптими? – дедим хўрсиниб.

– Йўқ, – Олимжон тагин бўйнини силади, – қизиб кетяпти.

Уятсизлар! Сенларнинг ҳароминг учун бола айбдор эмас-ку, имонсиз! Нега болани урасан, виждонсиз! Бу кунлар ҳам ўтар-кетар! Эртага тоғам килиб елса, кўзига қайси юз билан қарайсан, беномус! Ҳеч нима бўлмагандек яна тиз чўкиб йиғлайсанми!

– Юр, Олимжон. Юр, укам! – Чидаб бўлмас оғриққа қарамай ўрнимдан турдим. Лойда сирганиб-сирганиб юриб кетдик.

Кўприкка яқинлашганда тўхтаб қолдик.

– Олимжон, – дедим ялиниб, – раис амакини Раъно келинойингникида кўрганингни ҳеч кимга айтмай қўя қол. Сени танимабди-да. Келинойинг айтди-ку...

Бу гап хаёлимга тўсатдан келди. Раъно янгам-ку, майли... Ҳар кимнинг гуноҳ-савоби ўзига. Урушда юрган тоғамда нима гуноҳ! Нима кераги бор маломатга қолдириб.

Олимжон, Алвасти кўприк ваҳимасини ўйлаб турган бўлса керак, дарров кўнди.

– Айтмайман, опа. Ҳозир кўприкдан ўтамиз-а?

– Ўтамиз, Олимжон, ўтамиз, кўрқма.

Қизиқ, бу сафар Алвасти кўприкдан ўтаётганимда заррача чўчимадим.

Қайтага Олимжонни юпатиб елкасига қоқдим.

– Яхшиям шу кўприк бор экан! Кўрдингни, поезд Очил аканга замбарак олиб кетди. Аканг яна орден оладилар.

Менинг дадиллигим Олимжонга таъсир қилди. Темир йўл кўтармасидан чиқиб бораётганимизда қўлтиғимга кириб кўмаклашди. Ҳозиргина ўтиб кетган поезднинг орқасидаги бир жуфт чироқ олисда иккита қизғиш нуқтадек узоқлашиб борар, ёмғир анча сийраклашган эди.

– Опа! – деди Олимжон мени суяб нарига томонга олиб тушаркан. – Катта бўлсам, менам урушга бораман-а?

Бир қўлим билан ловуллаётган биқинимни чангаллаган кўйи, иккинчи қўлим билан унинг ёмғирда бўкиб кетган сочларини силадим.

– Йўқ, Олимжон! Сен катта бўлгунингча уруш битади. Кейин ҳечам уруш бўлмайди. Ҳечам!

Қамишзор ботқоққа айланиб кетган экан. Ўзимизнинг ҳовли эшигига етгунча алламаҳал бўлди. Ёмғир тиниб қолган, фақат ҳолдан тойган сўнгги томчилар охирги аламини олгиси келгандек, яккам-дуккам томиб турар, шамол қоп-қора булутларни тоғ томонга суриб кетган эди. Ўша ёқларда момақалди роқ бўғиқ гумбурайди, чақмоқ оловли қамчисини энди бошқаларнинг бошида ўйнатади. Қоқ тепамизда ярим палла ой кўринди. Ўз қилмишидан ўзи уялгандек, пайтавадек уада, исқирт булутлар орқасига яширинди.

Олимжон кўча эшикни очиб, ҳовлига отилди. Силлам қуриб, зах остонага ўтириб қолдим. Зум ўтмай бобом тепамга келди.

– Ие, нима бўлди, қизим? Буни, қара, ойнинг овсинининг олдига чиқувди.

Бир қўлтиғимга бобом, бир қўлтиғимга Олимжон кириб, уйга судрашди.

– Бобожон, – дедим инграб. – Башор опага айтинг: трактор далада қолди.

– Айтаман, жон қизим, ташвиш қилма. – Бобом билан Олимжон тоқчада чироқ хира нур таратиб турган уйга суяб олиб киришди. Чакка ўтган шекилли кавшандозда, тахмон олдида жом, эски тоғорача турар, иккаласида ҳам сарғиш, кир сув яримлаб қолган эди.

Бобом шоша-пиша этигимни суғурди. Хўл бўлиб кетган пайтавамни ечиб олди. Сандал четига мук тушибману устимга кўрпа тортганча, ҳамон «пичоқ санчилаётган» биқинимни чангаллаб ётиб қолибман.

Бир маҳал ойимнинг хавотирли хитобидан кўзимни очдим.

– Вой ўлмасам! Нима қилди? Нима бўлди, жон болам?!

Токчадаги чироқ ҳамон ожиз липиллар, тепамда ойим, бобом, Комил табиб энгашиб туришарди.

– Трактор тепди. Ёмон тепди! – Олимжоннинг овозини танидим. Ўтган жойимда бошимни буриб, остонада мўлтираб турган болани кўрдим. Минг азоб билан жилмайдим.

– Зиёни йўқ, ўтиб кетади.

– Дада! – Олимжон тепамда турган Комил амакининг олдига югуриб келди. Дада! – деди ялиниб, – опамни тузатинг. Дори беринг.

– Ваҳима қилманг, ўғлим! – Комил амаки кўлининг орқаси билан унинг кўкрагидан оҳиста итарди. – Бу дунёда бедаво дард йўқ! – Шундай деди-да, сийрак соқолини селкиллатиб кулди. – Опангизни шунчалик яхши кўрасизми? Қани, қизим... – Табибнинг ингичка бармоқлари биқинимга тегиши билан сапчиб кетдим. Негадир, «яхши кўриш айб эмас-ку», деб илтижо қилиб турган Очил ака кўз ўнгимга келди.

– Аҳмоқ! – Бобом шу қадар важоҳат билан чийилладики, кўрққанимдан оғриқни ҳам унутиб ётиб қолдим. – Табиб отанг-ку, ахир! – деди бобом дашном оҳангида.

– Қўй, жон болам! – Ойим пешонамни силади. – Бунақада оёққа туриб кетолмайсан, қизим!

Комил амаки дарров кўлини тортди.

– Бахтингиз бор экан, қизим, – деди жилмайиб. – Жигарга шикаст етмабди, – ўрнидан илдам туриб бобомга юзланди: – Худо хоҳласа, икки-уч ҳафтада ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетадилар.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

РАЪНО ҲИКОЯСИ

Оқиш бурчаги

Дунёда ҳадиксираб яшашдан ортиқ азоб йўқ экан. Гўё бошингда биров қилич кўтариб тургандек, сен бўлсанг ҳар лаҳзада ўша қилич бўйнингга тушишини кутаётгандек. Бора-бора шунақанги жонингдан тўйиб кетасанки, қилич танингни бошингдан тезроқ жудо қилишига орзуманд бўлиб қоласан. Нима бўлгандаям ҳадик азобидан қутулсам, бир чўқиб, атрофга минг аланглаган қаргадек аянчли аҳволдан халос бўлсам дейсан.

Эрталаб Шомурод акамдан хат келди. Тўғрироғи, хат келди эмас, хатни олиб келди: ўша Умар ака. Ҳайронман, одамлар, «эримдан хат йўқ, ўғлимдан хабар йўқ», деб чирқиллайди. Шомурод акамдан бўлса ойига камида иккитадан хат келади.

Энди чой ичиб бўлган эдим, эшик тақиллаб қолди. Умар аканинг тақиллатишини танийман. Бошқаларнинг дарвозасини қамчи дастаси билан саваласа, менинг эшигимни авайлаб уч марта секин-секин қоқади. Югуриб чиқсам, эгарда жилмайиб ўтирибди. Қамчи дастаси билан чақмоқ телпагини сал кўтарди-да, чўнтагидан учбурчак хат чиқариб индамай узатди. Турган жойимда шоша-пиша ўқиб чиқдим. Хат қисқа эди. Салом-алиқдан кейин ҳалиям сапёрлар ротасида хизмат қилаётганини айтибди. Охирида: «Раъно, негадир кўнглим ғаш, ўзингни эҳтиёт қил, биласан-ку, сени жонимдан яхши кўраман», дебди.

Ўғрилиқ устида қўлга тушган одамдек этим жи-мирлашиб кетди.

– Нима дебди, бизнинг ўртоқ?

Умар ака ҳалиям кетмаганини энди билдим, ярқ этиб қарасам, эгарда қийшиқ ўтирганча, кўзларини қувлик билан қисиб кулимсираяпти. Назаримда, Шомурод акамни ҳам, мени ҳам масхара қилаётганга ўхшаб кетди. Хўрлигим келди.

– Вой-бў, жаҳлингиз бурнингизнинг учида туради-я! – У от жиловини тортиб, узр оҳангида қўшиб қўйди. – Мен Дўмбирободга бораман. Сиз биринчи бригадага ўтмасангиз бўлмайди. Шудгор чўзилиб кетяпти. Тепасида турмасанг, қимирламайди, ҳўкизга ўхшаганлар! – Шундай деди-ю, отини чоптириб кетди.

Тўқайда ер ҳайдаётганлар олдига боряпману Шомурод акамнинг хатидаги охирги гап хаёлимдан кетмайди. «Кўнглим ғаш, ўзингни эҳтиёт қил...» Хотин кишининг кўнгли сезгир бўлади, дейишарди. Бундан чиқди, эркакларнинг юрагиям ёмон нарсани дарров сезарканда!

«Ўмон нарса!» Ўша ёмон нарсага ким айбдор? Бу азоблардан қутулишнинг иложи борми! Бор бўлса нима ўша чоранинг оти? Чарчаб кетдим, ахир! Янги йил кечасидан буён уч ой ўтган бўлса, шу кунлар ичида ич-этимни еб ўзимни абгор қилдим-ку! Иккита одам овозини пасайтириброк гаплашса, мени ғийбат қилмаяптими, деб ичимдан қиринди ўтади...

...Биринчи бригадада иш секин кетарди. Тўқайга трактор кирса ботиб қолади. Ер заҳқаш. Ориф оқсоқол ҳўкизда, хотин-халаж кетмонда ер чопиб ётибди. Яхшиям Дума поччам кўринмади. Умуман, кейинги пайтларда эгачимни, Робияни, Дума поччани кўрсам тиззам қалтирайдиган бўлиб қолган...

Тушликка атала қилишган экан. Ориф оқсоқол каттакон сопол товоқни кўтариб, сарғиш навда-

лари япроқ ёзган самбиттол тагига, қишдан аранг чиқиб олган, баҳорнинг эринчоқ офтобида мудраб турган қўшқўкиз ёнига кетди. Хотин-халаж қоқи-гуллар очилиб ётган ўтлоқ майдончага ўтириб атала ичаётганимизда Парча опа дўриллаб қолди:

– Вуй, Раънохонни очилиб кетганини қарайла! Эри урушда юрган хотингаям ўхшамилла-я!

Биров юзимга тарсакилаб юборгандек бўлди. Илкис бош кўтариб қарасам, Парча опа торс-торс ёрилиб кетган бармоғи билан товоқдаги атала юқини ялаб илжайиб турибди. Қўлларим титраб кетаётганини сездирмаслик учун товоқни ўт устига қўйдим.

– Бу нима деганингиз? – дедим қалтираб, рангим ўчиб кетганини ўзим сезиб турар, ҳамма хотинлар мени мазах қилаётгандек, кўзимни қаёққа яшаришни билмас эдим.

Косани тиззасига қўйиб ўтирган Лазакат хола Парча опани жеркиб берди.

– Э, ўл одам бўлмай! Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деб шуни айтади-да! Ўзингни-ку, чалпакка ўраб ташласа ит искамайди! Раънохоннинг хуснига ғайирлигинг келдими!

– Вой, нимага ғайирлик қилий, опа? – Парча атрофга ҳайрон аланглади. – Очилиб кетибсиз дивсамам ёмонми?!

Лазакат хола ўғлининг орден олганига бағишланган мажлисда колхоз правлениеси совға қилган қалампирнусха шоҳи рўмолни ечиб, қайта боғлади. Ўша куни Умар аканинг маслаҳати билан шу рўмолни кооператив дўкондан мен олиб келгандим.

– Очилиб кетса, кетгуйлиги сенга тушдими? Нима қиласан, кўнглини ўкситиб!

– Вой, ман нима дидим? – Парча опа косани ерга ташлаб ўрнидан турди. Лапанглаб тепамга

келди. – Мангинани ер ютсин, Раънохон, кўнглингизга олманг!– У атала юқи ёпишган лаблари билан ўпмоқчи эди, димоғимга ачимсиқ тер ҳиди урилди. Ижирганиб, юзимни ўгирдим.

От пишқирди. Бошқа хотинлар алақачон ўрnidан туриб кетганини энди кўрдим. Уч қадамча нарида Умар ака жийронни жиловидан тутиб турарди. Қачон келиб, қачон отдан тушганини билмай қолибман. Унинг қоши чимирилиб кетган, ингичка, чиройли мўйлови учиб, лабини тишлаганча Парчага ўқдек қадалиб турар, ранги ўчиб кетган эди.

– Нега провакация қиляпсан? – деди таҳдид билан.

Парча опа унга анграйиб қаради.

– Қанақа пира... пира... – У ёғига тили келишмади. – Мана қивотганим йўқ, – деди лаби осилиб.

Умар ака бир зум иккаламизга қараб турди-ю, жаҳдидан тушди.

– Эшакдек кучинг бор! Гап сотгандан кўра омон тортсанг-ку, ҳўкиз жониворлар озгина дам олади.

– Тортсам тортавураман! – Парча опа «тўғрими» дегандек атрофдаги хотинларга аланглади.

– Оқсоқол! – Умар ака тол тагида ҳўкизларнинг бўйинчасини текшираётган Ориф оқсоқолга қараб ҳайқирди. – Ҳўкизларам абед қилдими?

Оқсоқол шошилмасдан чўнтагидан носпишасини чиқарди. Тагига кафти билан уч-тўрт қоқди. Имиллаб нос отди. Носпишани қайтиб чўнтагига суқди.

– Қилди, – деди тўнглик билан, – олдига похол ташловдим, талашиб еди! Ишонмасангиз ўзидан сўранг!

Шу Оқсоқол ҳам яхши одам-ку, ўлгудай кўрс-да! Нима қилади, колхозчилар олдида Умар аканинг обрўсини тўкиб! Шошма! Олдига похол ташладим, дедими? Нимага шама қиляпти бу?

Умар аканинг ранги бир ўзгарди-ю, Оқсоқолга жавоб қилишни лозим топмади шекилли, аламини мендан олди:

– Баракалла, ўртоқ табелчи! Ўзим бош бўлиб, икки соат абед қилдик, денг. Қани, марш, ҳамманг – далага!

Хотинлар пилдир-пис бўлиб, кетмонини елкасига ташлаганча шудгорга йўрғалади. Ориф оқсоқол омовни қўлтиқлаб тол хивичи билан ҳўкизларнинг қоқсуяк гарданига беозор ура-ура дала томон йўл олди. Энди ўшаёққа юрмоқчи эдим, Умар ака чаққон сакраб эгарга минди.

– Раъно, – деди овозини пасайтириб. – Уйингга эртароқ бор, тушундингми! – Қамчини секин силтаган эди, жийрон сапчиб кетди. Дала томон йўналган хотинлар чекка-чеккага чиқиб йўл бўша-тишди. Умар ака жиловни куч билан тортиб орқасига ўтирилди: – Билиб қўйинг ўртоқ табелчи! – У ҳаммага эшиттириб қичқирди, – ҳайдалган майдонни чорак сотих ошириб ёзсангиз ҳам, закун олдида жавоб берасиз!

Ту ёқлар умид билан энди кўз очиб, кўклам куёшига талпинган чечакларни осонгина янчганча ғолибона гурсиллади. Жийрон бир зумда узоқлаб кетди. Мен бўлсам, омовни қўлтиқлаганча қўшҳўкизни олдига солиб ҳайдаб кетаётган Ориф оқсоқол, елкасидаги кетмони офтобда ярақлаётган хотинларга қараб узоқ туриб қолдим.

Қизиқ, мен кимман ўзи? Умар закунчи – Умар ака ким деб санайди мени! Одамлар олдида «ўртоқ табелчи», иш юзасидан гаплашганда «Раънохон», ўзининг «иши тушиб», меҳри товланиб кетганида – «Раъно» Гоҳ отимга «ўроқ» қўшиб, гоҳ қўшмай «сизлай»ди. Ёлғиз қолганда «сен»лайди... Ёмон одамнинг номи «икки юзламачи», бўлгувчи эди.

Мен-чи? Мен қанақаман? Икки эмас, уч юзлама-чиманми?!

...Одам боласининг феъли қизиқ. Аввало, умид билан қурган иморатинг оғмасин экан. Бир оғди-ми бўлди, бари бир йиқиларкан. Тўсиб қоламан десанг, босиб тушиб ўзингни ҳам парча-парча қилиб ташлашидан қўрқар экансан. Негаки, ўша иморатнинг пойдевори қўпорилишига бир чек-каси ўзинг ҳам сабабчи эканлигингни биларкансан. Бўлмаса Шомурод акам билан не умидларда бир ёстиққа бош қўйгандик. Текстиль комбина-тида эркаклар оз эмасди. Орқамдан елиб-югур-ганлар ҳам кўп эди. Мен Шомурод акани тан-ладим. Бировни яхши кўрган одам нимасини яхши кўрасан, деган сўроққа жавоб беролмайди. Яхши кўради, тамом-вассалом! Мен ҳам Шому-род акамнинг аллақайси жиҳатини эмас, ўзини яхши кўрардим. Онам қанча ёлборди. Бошингда отанг бўлмаса, от тепкиси отга ўтмайди, тоған-гнинг ўғлига узатаман, деб уввало ялинди, кўн-мадим. Шомурод акамдан ажралсам ўлиб қола-ман, деб ўйлардим. Эримни урушга кузатаётган-нимда ҳам бари бир чидолмайман, адоий-тамом бўламан деб ишонган эдим. Шомурод акамсиз қанақа яшаётганимга ҳалиям ақлим бовар қил-майди. Лекин...

...Ҳайронман, Закунчининг домига қандай илин-дим? Тўғриси, биринчи кўрганда ундан қўрққан эдим... Юрагим увишиб кетганди. Кейин билсам юрагим увишмаган, жиз этган экан. Қўрққанам ҳам шундан экан. Бу одамга рўпара келсам нима қилишимни билмай қолишимни сезган эканман. Эҳтимол, Шомурод акам ёнимда бўлганида Закун-чидан қўрққан чоғдаям яқинимга йўлатмасдим... Ким билсин тагин... Билмадим, дунёда шунақа

нарсалар бўладики, бировга тушунтириш у ёқда турсан, ўзинг ҳам тушунмайсан...

Бегона кўчага кириб қолган одам қўрқиб кетади. Қўрқади-ю, ўша заҳоти қайтиб кета қолмайди. Нимага шунақа қилганини ўзи билмайди. Эҳтимол, маъносини тушуниб етмаган сирли бир нарса – нотаниш манзаралар, ғалати манзиллар алдаб-сулдаб уни ичкарига олиб кириб кетар. Бўлмаса, Шомурод акамни кузатаётган куним тиз чўкиб ялинганимда чин дилдан йиғлаганим рост эди. Аскарларнинг овқатини пиширишга, кирини ювишга рози бўлганим рост эди. Ишқилиб севган кишимнинг ёнида бўлсам, дердим. Бунақа савдон бошига тушган одам билади. Ким нима деса десин, аммо ҳалиям Шомурод ака хаёлимдан кетмайди. Шомурод акамни ўйлаган сайин ўзимнинг теримни ўзим шилиб ташлагим келади.

Эркак киши бегона аёлнинг кўнглини овлаётганида ўзининг яқин одамлари хаёлидан кўтариладими-йўқми унисини билмайману, лекин аёл киши бегона одам билан... (Қандай шармандалик!..) Аёл киши бунақа пайтда ҳамма нарсани унутади! Ёнидаги одамдан бўлак ҳеч кимни ўйламайди. Аммо ҳуши ўзига келганидан кейин шунақанги афсус чекадики...

Мен аҳмоқ, мен уятсиз нима қилиб қўйдим ўзи? Ҳамма қўрқадиган, бир қарашда ҳаммани зир титратиб юборадиган Умар закунчи менга шунчалик меҳрибонлигини, лозим бўлса, оёғимга тиз чўкиб ялинишини кўриб қўйинглар, дегим келдим! Сенлар закунчини кўрганда титрайсан. Закунчи эса менинг олдимда қалтираб қолади, демоқчи бўлдимми! Билмадим! Балки мен ҳалиям ёш боладирман. Онаси қўлига урган сайин ширинликка батарроқ талпинадиган гўдакдан фарқим йўқ-

дир. Бироқ биламан, бу ширинлик – ҳаром! Ичида заҳар бор! Шунақанги аччиқ заҳарки, Умар ака билан мени ўлдирса майли, икки орада Шомурод акани ҳам жувонмарг қилади. Энг аввал энг бегуноҳ одамни ўлдиради – Шомурод акамни!

Одамлар эридан хат олса бир ҳафта байрам қилади, кейинги хати келгунча кўксига босиб, қайта-қайта ўқиб юради. Битта хатига ўнта жавоб ёзади. Мен бўлсам... Эримдан хат келса, бурчак жиннисидек ҳаммадан бекитиб ўқийман! Жавоб ёзсам, биров тепамга келиб, «ие, муборак бўлсин, эрингиз эсингиздан чиқмаган экан-ку», деётгандек бўлаверади.

Наҳотки мен шунчалик беномус бўлсам! Ана, Ориф оқсоқолнинг навжувон келинлариям юрибди-ку! Иккаласиям эридан «қорахат» келганига қарамай сабр қилиб ўтирибди. Чилласи чиқмай куёвидан жудо бўлган қанчадан-қанча ёш-ёш келинчаклар бор. Боши туйнукдан чиқиб кетаётгани йўқ-ку! Мен шунчалик ёмонманми! Қандай кириб қолдим боши берк бу кўчага? Зақунчи етакласа, индамай кириб кетавердимми? Нимага? Билмайман. Ўзим билмайман!

Ўша – биринчи қор тушган кеча, Шомурод акамнинг улфатлари тўпланган паллада Умар зақунчини ҳаммадан кўра мен ёмон кўрган эдим. Ошхона орқасига ўтиб эр-хотин хайрлашаётганимизда ҳам бир лаҳза холи қўймади. Айвонга чиқиб Шомурод акамни чақирди. Эрталаб нима учун атайлаб арава чақиргани-ю, нимага Шомурод акамни ўзи бош бўлиб вокзалга олиб чиққанини ҳам тушунмадим. Бунақа нарсаларни ўйлаб ўтиришга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йўқ эди.

Поезд тез жўнади. Шомурод акам билан тузук-қуруқ хайрлашолмадик. Фақат у мени бағрига босиб шивирлагани эсимда қолди.

– Ўзингни эҳтиёт қил, Раъно. Хат ёзаман.

Ҳушимга келсам, поезд аллақачон кетиб бўлган, қор босган вокзал ҳувиллаб қолган, ойим эгачимга суянганча унсиз йиғлар эди.

– Кетдикми? – деди Умар закунчи қор юққан пиймасининг қўнжига қамчи уриб. – Иш кўп. Ҳали аллақанча картошка қазилмай ётибди.

Ойим гоҳ эгачимга, гоҳ Закунчига қараб ялинди:

– Илоё умрларингдан барака топинглар. Қизим бағримда уч-тўрт кун турсин. Ҳарна дардини унутади.

Эгачим дарров рози бўлди-ю, Умар закунчи иккиланиб қолди.

– Иш кўп-да, хола, – деди қошини чимириб. Лекин ҳар томонни ўйлаб, инсофга келди шекилли, пиймаси билан ғарч-ғурч қор босиб, вокзал эшиги томон юрди. – Бўпти! – деди қатъият билан. – Ўзим обориб қўяман.

Комил табиб билан Лазакат хола ҳам ўғлини кузатишга келган экан. Энди кўрдим. Эгачим, адашиб қоладигандек табибнинг қўлидан тутган Лазакат хола бизга эргашган эди, Закунчи жеркиб берди:

– Сизлар бораверинглар!

Арава юмшоқ қорда чуқур из қолдириб юриб кетди. Онамнинг пинжига тиқилиб ўтирарканман, совуқни ҳам, ёғиб турган қорни ҳам сезмасдим. Бир маҳал арава ҳайдаб кетаётган Закунчи папирос чекди. Бурилиб орқасига қаради.

– Ташвиш қилманг, хола! – деди юпатиб. – Колхоз Раънохонга оталик қилади.

Совуқда дийдираб ўтирган ойим бирдан жонланди.

– Укам! Шу... Раънохон текстилда ишлайверса. Ўзининг ўрганган жойи. – У режасини аввалдан пишитиб қўйган шекилли, овози тетиклашди. –

Ҳайҳотдек ҳовлида битта ўзи нима қилади? Ўнида қайнота-қайнонаси бўлмаса...

Закунчи индамади. Отга қамчи урди. Арава қор қоплаган тош йўлда иддам юриб кетди.

– Барака топинг, укам! – деди ойим Закунчининг индамаганидан дадилланиб. – Ҳарна ёнимда бўлади-ку!

Закунчи қордан оқариб кетган чақмоқ телпагини кафти билан юқори кўтариб орқага ўтирилди.

– Ўйланг, хола! – деди вазминлик билан. – Бирламчи гап шуки, Раънохоннинг қайнона-қайнотаси йўқ дейиш инсофдан эмас. Дума – яхши одам. Иккаламчи, маҳалла кўй нима дейди? Фалончи, куёви урушга кетишини кутиб турган экан, қизини чиқариб кебди, деб ғийбат қилмайдими? – У ойимнинг кўзига тикилиб, таъкидлади. – Қолаверса, қизингиз қаровсиз қолмайди.

Шуурсиз бир тарзда ўтирар, у ёғи менга бари бир эди. Текстилда ишлайманми – колхоздами, ойимнинг олдида тураманми – Кўтармадами, нима фарқи бор?! Шомурод акам ёнимда бўлмагандан кейин ҳаммаси бир гўр эмасми?

– Биздаям ҳар битта одам ҳисоблиқ! – деди Закунчи қатъий оҳангда. – Тем более Раънохондек саводли одам!

Ғалати бир янгиликни уйимга боргандан кейин билдим. Қизик, ойим шу пайтгача айтмаганига ҳайрон қолдим. Ростов деган шаҳардан кўчирилган рангсиз, кўм-кўк кўзлари катта-катта ўрис хотин бизникига жойлашган экан.

– Маржахон опанг (ойим унга шунақа от қўйиб олибди), жа меҳрибон чиқиб қолди, қизим, – деди ойим мени тинчлантириб. – Иссиқ-совуғимдан хабар олиб турибди, буям ўзимнинг қизим-да!

«Маржа опа» (аслида оти Маруся экан) ойимнинг гапига анча тушунадиган бўлиб қолган экан. Катта-катта маънос кўзлари билан жилмайди.

– Якши апа! – деди кулимсираб.

Текстидда ўрис хотинлар билан тиллашганим учун русчани бинойидек билиб олгандим. Ярим кечагача «Маржа опа» – Маруся билан дардлашиб ўтирдим. Мен уни ойим тенги кампир деб ўйлаган эдим. Сочлари оқара бошлаган, кўзининг икки бурчини ажин босган... Йўқ, ўтгиз учга чиққан экан. Эри офицер экан. ўарбий чегарада хизмат қиларкан. Ўлик-тиригини ўзи ҳам билмасмиш. Ўзи «Ростсельмаш» заводида ишларкан. Ростовга душман яқин келганида ҳаммани кўчирма қилишибди. Маржа опа тўрт яшар Вова деган ўғли билан поездга ўтириб энди йўлга чиққанида немис олдин поездни ўққа тутибди. Кейин бомба ташлаб, ёндириб юборибди. Маржа опа ловуллаб турган вагондан ўғлини кўтариб омон-эсон олиб чиқибди. Аммо элик қадамча наридаги ўрмонга етиб борганидан кейин «Вовочкани» (у худди шунақа «Вовочка» деди) ерга қўйса, шилқ этиб йиқилибди. Қизиқ, боланинг ҳеч жойидан қон оқмас эмиш. Маржа опа ҳайрон бўпти. Қараса, боланинг чаккасида нўхотдек жойи қорайиб турган эмиш. Вагон томини тешиб ўтган ўқ Вовочканинг чаккасига теккан экан.

Маржа опа ўз қўли билан гўр кавлаб, ўғлини қайин тагига қўмганини айтиб бераётганида юм-юм йиғлади. Тошкентда қурилаётган янги заводда ишлаётганини, ойимни яхши кўриб қолганини айтди... Ачиндим, юпатдим, «уйимизнинг тўри сизники, насиб этса, эрингиз сизни топиб олади», деб далда бердим.

...Бир ҳафтадан кейин ярим кечада Янги маҳалладаги тор кўчамизга Умар закунчининг ўзи арава ҳайдаб келганида, «ташвиш чекманг, хола, қизин-

гизга ўзим оталик қиламан, Раънохонни табелчи қилиб тайинладим», деганида ойим ноилож рози бўлди. Устига-устак Маржа опа ҳам далда берди:

– Боравер, Раъно! Сенинг онанг – менинг онам. Хавотирланма.

...Онамнинг бағридан олиб чиққунча мулойим илжайиб турган Зақунчи Кўтармага келиши билан ўзгарди-қолди. Ҳар куни идорага чақириб, дағдаға қилади.

– Савод борми ўзи? Ҳисобни биласизми? Ким айтади сизни рабочий классдан чиққан деб, ўртоқ табелчи?

Кунбўйи гоҳ далага, гоҳ омборга югураман. Қанча картошка, қанча шолғом кавлангани, қанча пиёз тозаланиб, ҳимоя фондига ажратилгани, омборга қанча жўхори топширилгани – ҳаммасини ҳисоб-китоб қилишга вақтим ҳам, ақлим ҳам етмайди. Унга сайин, Зақунчининг кулранг кўзларида совуқ ўт чақнайди.

– Вей, қанақа одамсиз ўзи? Зақунни биласизми? Бунақа чалакам-чатти ҳисоблашда ўн йилни шилқ этиб бўйнингизга илиб қўйишади-ку!

Дўқ қиладию хатоим нимадалигини айтмайди. Ўзимдан ўзим қўрқаман. Балки ростдан ҳам ҳисобда адашаётгандирман. Шундан кўра қор чангаллаб қарам узганим, сассиқ омборга кириб, пиёз тозалаганим минг марта яхшимасми! Охири бўлмади. Эгачим хабар олгани келганида ҳаммасини айтиб бердим.

– Вой, ўлсин! – деди эгачим лабини буриб. –

Юрт нима бўлса сизам шусиз-да, келин! Чолимга айтаман, эртага Зақунчига тушунтиради.

Дума поччам «тушунтирди» шекилли, индинига идорага кирсам Умар зақунчи бутунлай бошқа одамга айланиб қопти.

– Раънохон! – деди астойдил куюниб. – Нега тушунмайсиз? Ахир сиз колхознинг раҳбар составига кирасиз. Раҳбарларнинг ўзаро гапи бўлади. Уйдаги сирни кўчага обчиқишнинг нима кераги бор? Саводсиз поччангиз нимани тушунарди?

«Табелчилик қилмайман», деб оёқ тираб олган эдим, азза-базза ялинди:

– Раънохон! Жон синглим! Сиздан бошқа ким эплайди бу ишни! Мен колхознинг отасиман, тўғрими! Бундан чиқди сизнинг ҳам отангизман! Ота деган шунақа бўлади-да! Боласини яхши кўрганда эркалайди, жаҳли чиққанда койийди. Шунгаям хафа бўласизми? Боринг! Эртага омборда кабрам тозалайдиганларга кўзқулоқ бўлиб туринг...

Энди чиқиб кетаётсам, яна тўхтатди.

– Ҳа, айтгандай, бизнинг солдатдан хат келяптими? Маладес! Хат ёзсангиз мендан салом айтинг...

* * *

Янги йилни ойимнинг олдида кутиб олгим келарди. Онам касалманд бўлса... Совуқ тушиши билан оёқ-қўли шишиб кетади. Нонгаям чиқолмаётгандир. Қачондан бери хабар ололмадим...

Биламан, Маржа опа онамни қаровсиз қолдирмайди. Лекин нима қилсин! Униг ҳам ташвиши бошидан ошиб ётибди. Заводда ишлаш осонми? Аввалги сафар борганимда айтган эди. Завод снаряд чиқараётган эмишу ҳали иморати битиб, томи ёпилмаганмиш. Одамлар ёниб турган печка тафтида ишларкан. Кун бўйи станок олдида турган одамга кечқурун келиб еттиёт бегона хотиннинг бошида парвона бўлиш ёқадими? Отам ҳам истиқодан ўлган эди. Рост, унда жуда кичкина эдим. Лекин оёқ-қўллари шишиб кетган отамга ойим тувак тутгани эсимда. Энди, касал-

манд онамга мен туриб, Маржа опа тувак тутадими? Уят эмасми? Бораман! Керак бўлса, хоҳлаганча ёнида ўтираман!

Аксига юриб худди ўша куни тонг отмасдан Умар закунчи эшикни зарда билан савалаб уйғотди.

– Марш омборга! Бугун бир вагон картошка жўнатамиз. Фронтга янги йил совғамиз шу бўлади!

Изғирин физиллаб ётган омборда кечгача ўтириб, адойи тамом бўлдим. Шунча одам ишлаб турганида тепасида ҳар битта картишкани санаб гўдайиб туриш инсофдан эмас. Мен ҳам хотин-халажга қўшилиб картишка сараладим... Онамдан хабар олгим келар, лекин энди кеч бўлганини, бир ўзим етиб боришим қийинлигини ҳам билардим.

Уйимга келганимда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Танчани кул босиб, тагида тўрттагина чўғ қопти. Қоронғи ошхонадан кўмир олиб чиқиб, солдим. Ақалли Робия ҳам келмаганидан кўнглим ўксиди. Ёлғизлигимни-ку билади, жилла қурса шунақа кунда хабар олишса бўлмайдими? Шомурод акам борлигида эгачим тез-тез келиб турарди. Кейинги пайтларда камқатнов бўлиб қолишди. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ экан-да! Биламан, уларгаям қийин. Ҳаммаси тонг бўзармасидан ишга чиқиб кетади. Қоронғи тушганида оёғини аранг судраб қайтади. Шунақа-ку, бари бир-да! Одамзод ўлимдан қанақа қўрқса, аёл киши ёлғиз қолишдан шунақа қўрқади. Кечалари бир ўзи қоп-қоронғи, совуқ шифтга тикилиб ётиш азобини ҳеч бир хотиннинг бошига солмасин.

Бир ўзимга қозон осгим келмади. Чой дамладим. Иккита зоғора билан тўртта туршакни дастурхонга қўйиб тамадди қилган бўлдим.

Қор ёғаяпти. Ҳамма ёқ жимжит. Хонтахта устидаги лампа поп-поп қилади. Керосинга сув аралашганми, нима бало? Ўтирган жойимда кўзим

илинибди. Бир маҳал кўча эшик тақиллагандек бўлди. Чўчиб кўзимни очдим. Бу сафар аниқ эшитдим. Биров эшикни секин-секин тақиллатяпти.

Юрагим дукиллаганча ҳовлига тушдим кўнглим ёришиб кетди. Робия келган! Байрамда келиннинг ёлғиз қолмасин деб, юборишган. Шоша-пиша эшикка яқин бордим.

– Робияхон!

– Мен! – Эркак овозини эшитиб, қўрқиб кетдим.

– Кимсиз? – дедим титраб.

– Нега қўрқасиз, Раънохон! Байрам билан табриклагани келдим. Мумкинми, бир минутга?

Умар закунчининг овозини эшитиб, беихтиёр занжирни туширдим.

У қўлида каттагина тугун билан лип этиб ичкари кирди.

– Тишш! – деди бармоғини лабига босиб. – Бир минутга кирдим. Эшикни беркитинг! Бу замоннинг одамларини биласиз-ку, оғзи билан юради.

Таклиф қилмасам ҳам, айвондан ўтиб, уйга кирди. Кавшандозда туриб тугунни узатди.

– Олсангиз-чи, қўлим узилиб кетди!

Нима қилишимни билмай тугунни олдим. Чиндан ҳам зил-замбил экан.

– Эҳтиёт бўлинг, – деди кулимсираб, – ёғи оқиб кетади.

Закунчи кавшандозга чўнқайиб этигини еча бошлаганидан кейингина ҳушим ўзимга келди.

– Нима бу? – дедим тугунига имо қилиб.

– Мунча совуқ! – У калта пўстинини ечиб бир чеккага ташлади. Бошидан қор босган чақмоқ телпагини олган эди, сочи ёйилиб пешонасига тушди.

– Меҳмонниям шунақа кутади, Раънохон? – деди таънаомуз бош чайқаб. – Бугун байрам. Одамлар бир-бирини йўқлайдиган кун... – Таклиф кутиб

ўтирмай сандал четига чўкди. Қўлини танчага тикди. – Эҳтиёт бўлинг, кўмирнинг ҳиди бор экан.

Кўзлари мулоийм сузилиб турганини кўриб, кўнглимга шубҳа ўрмалади. Кайфи бор шекилли?

Уй ўртасида серрайиб туриб қолгандим. Юрагим гурсиллаб урганча, оёқ-қўлим бўшашиб кетаётганини сезиб турар, нима дейишни, нима қилишни билмасдим.

– Нима ўзи? – Хаёлимга биринчи келган гап шу бўлди. Эҳтимол, «нима қилиб юрибсан бу ерда?» демоқчи бўлгандирман, қўрққанымдан айтолмагандирман. – Нима бу? – дедим қўлимдаги тугунни силкитиб.

– Қўйинг мундоқ! – Умар закунчи тугунни сандал устига қўйишга имо қилди. – Ўтиринг аввал, – деди жилмайиб.

Кулиб қараши ғашимни келтирди. Нега кўйдирган каладек ишшаяди! Нияти нима ўзи? Рангим ўчиб кетган бўлса керак, важоҳатимни кўриб, бирдан жиддий тортди.

– Ўтирсангиз-чи! – деди қовоғини солиб. – Янги йилда колхозчиларни табриклаш вазифамга кирадими ахир! Мунча қовоқ-димоғ қиласиз, ўртоқ табелчи?!

Энди у расмана раисга – Умар закунчига айланган эди. Кўнглим жойига тушди, тугунни сандалга қўйиб, танчанинг этак томонига ўтирдим. У қўлини илитиб олди, тугунни ечди. Устига иккита жиззали патир босилган бир лаган палов кўринди. Ўша заҳоти уйни ош иси тутиб кетди. Чинакам қовурма палов! Шомурод акамни урушга жўнатган кунимиздан бери ош емаган эдим. Беихтиёр тескари қарадим.

– Шаҳардан меҳмонлар келишганди, – деди у тушунтириб. – Сизга илиндим.

Ош босилган лаган ёнбошига бир шиша ароқ, бир шиша шампан қўшиб тугилганини энди кўрдим. Юрагимга яна гулгула тушди. У ароқ шишасининг орқасига кафти билан уч-тўрт урган эди, пўкак отилиб кетди. Ароқ томчилари сачраб, лампанинг шишаси чирсиллаб дарз еди. Боядан бери сеҳрланиб қолгандек жим ўтирган одам, ҳушимни тўплаб, дик этиб ўрнимдан турдим. Хаёлимга келган баҳонадан ўзим суюниб кетдим.

– Дума поччамникига боришим керак. Ҳозир Робияхон келиб кетди. Бормасам бўлмайди.

– Борасиз! – Умар закунчи кўзимга хотиржам тикилди. – Мениям ишим бошимдан ошиб ётибди. Ўтиринг! – У гап орасида шампан шишасининг зарини кўчира бошлади. – Ўтирсангиз-чи! – деди жеркиброқ. – Урушдан аламзада бўлган қанча оила бор! Ҳаммасига кириб чиқмасам бўлмайди! Бир минут ўтириш мумкинми ахир? – У кўзимга жиддият билан тикилди. – Вақтим зиқ деяпман-ку!

Бу гапни шунчалик самимий айтдики, беихтиёр сандал четига чўкдим.

– Ушланг! – деди шампан тўла пиёлани узатиб. – Биладан, ичмагансиз. Аммо бугун бошқача кун... Бугун ичса бўлади. Шунинг учун ичайликки, кириб келаётган янги йил – қирқ иккинчи йил урушнинг охирги йили бўлсин! Жангчиларимиз Берлингача бориб фашистларни янчиб ташласин! Урушга кетганлар соғ-саломат, қаҳрамон бўлиб қайтишсин! Энг муҳими... – У жилмайиб таъкидлади. – Эрингиз омон-эсон келсин.

Беихтиёр пиёлани лабимга олиб бордиму вишиллаб турган нотаниш исдан ижирғаниб, дастурхонга қўйдим. Ростини айтсам, ош егим келарди.

– Мени хафа қиляпсиз, Раънохон! – деди Умар закунчи ҳамон ароқ тўла пиёлани қўлида тутиб ту-

раркан. – Онангизга берган ваъдамни шу кунгача бажаролмадим. Раз мен колхознинг отаси эканманми, сиздан хабар олиб туришим керак. Фақат ишда эмас, мана бунақа улуг айём кунларида ҳам. Илтимос, сазамни ўлдирманг.

Ярим пиёла шампан ичимга олов бўлиб кирди. Бошим айланиб кетди.

Уч-тўрт чўқим ош олишим билан у тагин пиёламни тўлдирди.

– Йўқ! – дедим қатъий бош чайқаб. – Бўлди.

– Шунақа тилак айтаманки, ичмасангиз бўлмайди! – Закунчи пиёласини пиёламга чўқиштирди. Кўкиш кўзларида яна ўша самимий олов порлади. – Шомурод укамиз тезроқ келсину янаги йил, шу кунларда уйингизда чақалоқ йиғиси эшитилсин!

Уялиб кетдим. Пиёлани дастурхонга қўймоқчи эдим, у қўлимга ёпишди.

– И-и-и! Нима, қаршимисиз шу ниятга? Шомурод акангиздан шунчалик безганмисиз?.. Агар у кишини чинданам яхши кўрсангиз, оппоқ қилиб оласиз!

Ичим ловуллаб кетаётганига қарамай қасдма-қасдликка ичиб юбордим. Лекин хато қилганимни, бемаъни иш қилганимни тушуниб етганимда кўз ўнгим жимирашиб борар, хонтахта устидаги лампа хиралашиб қолганга ўхшар, негадир ўзимдан-ўзим кулгим қистар эди. Қизиқ, ҳамма кўрқадиган, ҳамма ёмон кўрадиган Умар закунчи шуми? Тавба! Туппа-тузук одамгарчилиги бор экан-ку!

У қачон ёнимга ўтиб олгани эсимда йўқ. Бир маҳал елкамга қўл ташлагани, «Раъно, жоним!» деб энтиккани, юзимга қайноқ нафаси урилганини элас-элас пайқадиму кўрқиб кетдим.

– Кетинг, – дедим юлқиниб. – Кетинг! Додлайман! Ҳозир додлайман! Қоч!..

– Раъно! – у янаям қаттиқроқ тармашди. – Тушунсанг-чи, тентак!

– Керакмас! – Бўғзимдан йиғи аралаш илтижо отилиб чиқди. – Шомурод ака!

Гандираклаб ўрнимдан турдим. Кўчага отилмоқчи эдим, у тиз чўкиб оёғимдан ушлаб олди. Сочлари ёйилиб кетган кўзларида йиғлагудек ялинч ифода бор эди.

– Раъно! – деди ёлбориб. – Тушунсанг-чи! Кетимдан эргашиб юрганлар сон-мингта! Қизлар... жувонлар...

– Боравер ўшаларга! – Қанчалик қаттиқ типирчиласам у оёғимга шунчалик қаттиқ ёпишарди.

– Яхши кўраман, тентак! – деди юпқа лаблари, ингича мўйлови титраб. – Бошимга ураманми уларни! Сен кераксан менга! Биламан, сенга муносиб эмасман! Нима қилай, севаман сени! Биринчи кўрган кунимдан бери оромим йўқ, Раъно!

– Керакмас, қочинг! Шомурод ака! – Кучим борича силтанган эдим, ерга ўтириб қолдим.

– Раъно! Жоним! Гўзалим! Нима қилай? Ҳеч кимнинг олдида эгилмаган бошим... – Тўсатдан унинг кўзларида ёш кўринди. – Ўлдириб қўя қол мени... Сен... сен... бошқачасан. Қанақалигингни ўзинг билмайсан, Раъно!

Биринчи марта кўрганимда юрагим сесканиб кетгани, ваҳимага тушганим лоп этиб хаёлимга келди.

– Илтимос, – дедим ялиниб. – Керакмас... Умар ака...

...Билмадим, эҳтимол, хотин кишини шону шуҳрат ҳам, илму амал ҳам, эркакнинг кучи ҳам забт этолмас. Аммо ширин сўз олдида, мақтов олдида эримайдиган аёл йўқ. Балки мен шунақадирман...

Ўша куни тонг отгунча йиғлаб чиқдим. Беномус! Шарманда! Ким деган одам бўлдинг! Сенам инсон-

мисан!.. Ўзимни ўлдиргим келарди. Гўё эртага кўчага чиқишим билан сирим оламга ошкор бўлагандек! Ҳамма менга кўлини бигиз қилиб, «мана, эрининг кўзига чўп солган бузуқ мана шу!» дейдигандек! Ундан кўра ўла қолганим яхшимасми!

Қизиқ, ҳеч нима бўлмади! Ҳеч нима! Ҳеч ким менга шубҳаланиб қарамади. Биров таънаям қилмади. Шундаям, аввалига ҳар кимга бир термилиб, ҳуркиб юрдим. Кейин ғалати аҳволга тушдим. Ҳар қадамида мингта қиз кўз тикиб турганига қарамай мени, ёлғиз мени яхши кўрган Умар ака, ҳаммани зир қақшатадиган Умар закунчи ўша кунни шунчалик ялингани, оёғимга йиқилгудек илтижо қилгани учун севинишга ўхшаш ҳис пайдо бўлди. Ажаб, бу одамни биринчи кўрганимдаёқ юрагим жиз этгани бежиз эмас экан-да, бундан чиқди, уям мени яхши кўраркан-да!

Шуни ўйлашим билан лоп этиб Шомурод акам эсимга тушарди. Шунда ўзимни ўзим оқлашга уринаётганимни, хато қилганимни, ифлос одамга айланиб қолганимни ўйлардим у ўша заҳоти тагин ўзимга юпанч топардим. «Бўлди! Иккинчи бунақа нобакорлик қилмайман. Закунчи бўлмоқ тугул авлиё бўлмайдими! Эндиям эшигимдан кириб келсин-чи, косов олиб ҳайдайман!»

Ажаб! Иккинчи марта тагин ярим кечада эшик тақиллатганида ҳайдаш у ёқда турсин, оёқ-қўлим бўшашиб эшикни ўзим очдим. Бўлмаса, ўша куниям, Шомурод акамдан хат келган эди... Ҳамон тушунолмаيمان. Нима бу? Мен кимман ўзи!

Бора-бора Умар акамни уч кун кўрмасам соғинадиган бўлиб қолдим. Йўқ, унақа... келиши учунмас. Узоқдан бўлсаям кўрсам бас. Соғиниб-соғиниб Умар ака билан кўришганимиздан кейин эса Шомурод акам лоп этиб яна хаёлимга келади. Ке-

часи билан юм-юм йиғлаб чиқаман. Гўё мен икки-та Раъноман. Биттаси – Шомурод акамники, биттаси – Умар аканики!

Энди фақат бир нарсадан – одамларнинг маломатидан қўрқадиган бўлиб қолдим. Бир кунмас-бир кун сир очилади-ю, эл ўртасида расвои жаҳон бўламан.

Салкам уч ойдан бери бошимда осилиб турган қилич шу эди. Мана бугун ўша қилич бўйнимга тушди.

Умар акам ҳали тушлик қилаётганимизда далага бориб, аввал одамлар кўзи учун «ўртоқ табелчи» деб дағ-даға қилиб, кейин «уйингга эртароқ бор», деб шивирлаганида дастлаб ғашим келган эди. Эрталаб эримдан келган хатни ўз қўли билан обкелсаю кечқурун... Йўқ! Чучварани хом санабсан! Шу қилганинг учун атайлаб Дума поччамникига бораман! Робия билан гаплашиб ётаман. Нима, қўғирчоқманми сенга! Хоҳласанг – келасан, хоҳласанг – кетасан! Бир қараса дўқ урасан, бир қараса – ялинасан! Ердан чиққан қўзиқоринманми? Эрим бор! Оилам бор!

Кечгача шу ўйда юрдим. Ориф оқсоқол билан Нўғайқўрғонга боришга аҳд қилиб қўйдим. Лекин кеч кирган сайин уйга қайтгим келаверди. Нега-лигини билмайман, ўлай агар, билмайман! Умар акамнинг «уйингга эртароқ қайт» дегани қулоғим остида сирли жаранглайверди. Асли Нўғайқўрғонга кетаверсам бўларкан. Шундай жалада, ярим кечада Робия келишини туш кўрибманми?

Эшик тақиллаганида туз-пуз сўраб чиққан қўшни бўлса керак, деб чироқни ўчирдим. Умар акам ишни пухта қилади. Шу кунгача бу ерга қатнашини ҳеч ким билмайди. Атайлаб отини колхоз молхонасига ташлаб, пиёда келади. Қўшни бўл-

са тақиллатиб-тақиллатиб қайтиб кетар деб умид қилиб турсам, айвон тагида биров «кеннойи» деб бақирдию юрагим қинидан чиқиб кетай деди. Умар акамнинг жаҳли ёмон. «Чиқманг», деб қўлига ёпишганимга қарамай айвонга отилди. Девордан ошиб тушган «ўғри»ни бир нима қилди шекилли, ёш боланинг «қўйворинг» деб ялинганини эшитиб тахта бўлиб қолдим. Бола – Комил табибнинг ўғли эканини кейин билдим. Хайрият. Бола экан, алдаб-сулдаб жўнатса бўлади. Лекин эшик орқасида Робия пойлаб турганини ким билибди! Шунчалик жонкуяр экансан Дума буванг билан қора таппи ойинг шунчалик меҳрибон экан, Янги йил кечасида, Умар закунчи уйимга бостириб кирганида қаёқда эдиларинг! Ўшанда шу муштипар ёлғиз қолди-ку, ҳоли нима кечдийкин, деб хабар олишга ярамадиларинг-ку! Эримнинг уруғи тезагимнинг қуруғи, деб шунга айтади-да! Энди уйимга бостириб келдингми! Нима ҳаққинг бор? Умар ака чиқишга чиқиб кетдию Робиянинг олдида сир бериб қўйдим. Нима деганимни, қандай баҳона рўкач қилганимни билмайман. Фақат Робиянинг ҳар сўзидан заҳар томиб, айтган гапи қулоғимга ўқдек кирди. «Болани ҳаром қилманг!» Худди шунақа деди.

Билди! Ҳаммасини билди! Робия аҳмоқ эмас! Умар акамдаям айб бор. Кўриб турибдики, девордан ошиб тушган ўғри эмас. Нима қиларди, болани ёқасидан бўғиб, кўчага улоқтириб! Яхши гап билан Робияни уйга бошлаб кирса, кунлик ишнинг ҳисоб-китобини қилиб ўтирувдик, деса-ку, олам гулистон эди. Йўқ, ҳамма айб анави Робияда!

Нақдлаб қўйибдими ярим кечада? Пойлаб келган! Атайлаб пойлаб келиб, табибнинг ўғлини девордан ошириб туширган! Вой илон-ей! Тағин сенинг фотиҳа тўйингда хизмат қилиб юрибман-а,

ниятингга етмагур! Шунчалик душманмидинг?
Нима ёмонлик қилдим сенга!

Шошма! Қўлидан нима келарди? Мен – табелчи-
ман! Умар акам – раис! Кундалик ҳисоботни кўриб
ўтирган эдик, лампамоё тугаб, чироқ ўчиб қолди.
Робия шпиондек пайт пойлаб эшик тақиллатди.
Тамом-вассалом! Фақат битта хато қилдим. Робия
болани етаклаб чиқиб кетаётганда ўзимни тутол-
май қолдим. «Қандоқ кунларга қолдим», дедимми?
Яхши! Қандай туҳматларга қолдим деганим шу-да!
Робия туҳмат қилиб кўрсинчи, кунини кўрсата-
ман. Умар акам бор, ҳеч кимдан кўрқмайман!

Ўзимга ўзим таскин бериб, уйга кирдим. Ора-чо-
ра чақмоқ чақиб, уй ичи ёришиб кетарди. Ярим-
лаган вино шишаси, Умар акам унутиб қолдир-
ган телпаги, ярим-ёрти йиғиштирилган тўшакка
кўзим тушди-ю, бўшашиб ўтириб қолдим! Тамом!
Ҳаммаси тамом бўлди! Робия кўрди. Ҳаммаси-
ни кўрди. Вино шишаси, Умар акамнинг телпа-
ги, қўшалоқ ёстиқли тўшак... ҳаммасини! Шўрим
курсин! Ҳозироқ бориб оқизмай-томизмай Дума
чолга, қора мўнди онасига чақиб беради. Эртага
узун-қисқа бўлиб бошимга келишади. Шарманда
бўлдим! Урушда жон олиб-жон бериб юрган Шому-
роднинг хотини бузуқ экан, раис билан тутиб оли-
шибди, ундоқ-бундоқ, деган гап Нўғайқўрғондан
тортиб Кўтармагача тарқалади. Онамнинг қулоғи-
га етса нима дейди? Эл-юрт, маҳалла-қўй ўртаси-
да қандай бош кўтариб юради, бечора!

Қизиқ, зум ўтмай, хаёлимга бутунлай бошқа ўй-
лар келди. Хўп, шу билан нима бўпти! Умар ака
мени яхши кўрадими? Кўради! Уйланадими? Уй-
ланади! Кимнинг нима иши бор? Гапирганлар бир
ой гапирар, икки ой гапирар... Боринги, бир йил
вайсар!.. Шомурод акам ҳам тақдирга тан берар...

Ахир бу – кўнгил иши-ку! Бировнинг кўнглига биров буйруқ бероладими? Худога шукр, биз феодализм жамиятида яшаётганимиз йўқ! Қайтага яхши бўлди. Уч ойдан бери бошимда осилиб турган қилич бўйнимга тушди. Энди ҳадиксираб яшашдан қутуламан. Бўлар иш бўлди, бўёғи синди! Энди қўрқадиган жойим йўқ!

Шу хаёл далда берди-ю, Умар акамнинг телпагини қўлтиғимга қистириб йўлга тушдим. Кўчалар кимсасиз, ҳамон жала қуяр эди. Чақмоқ чақиб, йўлдаги ҳалқобларни ойнадек ёритади. Момақалди роқ енгил тортиб гулдирайди.

Чойхона берк, клубда чироқ йўқ. Фақат Умар акамнинг тунука томли уйидаги темир панжарали баланд деразасидан хира нур тушиб турарди. Хайрият, ухламаган экан. Эшикни муштим билан тақиллатган эдим, очилиб кетди, занжири илинмаган экан. Ҳовли этагида ётган бузоқдек овчарка ваҳшатли акилаб дарвозага югурди.

– Қоплон! – дедим итнинг ёмғирдан ҳўл бўлиб кетган бошини силаб. – Танимадингми?

Ит таниди: думини ликиллашиб фингшиб қўйди. Ойнабанд айвон зинасидан елкасига тўн ташлаган Умар акам тушиб келди.

– Ким? – деди бақириб.

Итнинг бошини силаганча яқин бордим.

– Ие, Раънохон! – Умар акам имо қилди. – Марҳамат!

Ўнинчи лампа ёритиб турган уйга кетма-кет кирдик. Бу хонадонда ҳамма нарса менга таниш. Кавшандоздаги Умар акамнинг пиймаси билан қайтарма кўнжли этигидан тортиб, ердаги қип-қизил гиламгача, бурчакдаги сим каравотдан тортиб, каравот тепасида, девордаги миҳга илиб қўйиладиган қамчигача, тахмондаги кўрпалару улар орасига қистирилган чойшабларгача...

– Қадамларига ҳасанот! – деди у тўнини каравот устига ташлаб. – Хуш кепсиз!

Яна ўша мулозамат!

Одати шу. Иши битгунча «сен»лайди-да, кейин расмий одамга айланиб, «сиз»лашга ўтади.

– Келдим! – дедим иложи борича хотиржам гапиришга уриниб. – Ярашмабдими? Ўз уйимга келдим. Энди ҳеч қаёққа кетмайман!

Кўзига қараб турибман. Нияти яхши бўлса, севинади, нияти бузуқ бўлса, қўрқади.

Суюнмадиям, қўрқмадиям! Дераза тоқчасида ётган қутидан папирос олиб тутатди.

– Раъно, – деди секин, хотиржам оҳангда. – Болани қўрқитганим чатоқ бўлди.

– Тўғри, болада нима гуноҳ? – дедим мен ҳам ўша алпозда. – Комил табибнинг ўғли экан.

– Э! – У жаҳл билан қўл силтади. – Табиб ким бўпти ўзи! Гап бундамас. – У бир зум жимиб қолди-да, кафти билан папирос тутунини ҳайдади. – Қаёқдан биламан! Ўғри деб ўйладим! Ярим кечада бировникида пишириб қўйибдими! Тўғрими?

Унинг жон куйдириб ўзини ҳимоя қилишга уриниши гашимни келтирди.

– Ёш бола ўғрилиқ қилмайди, – дедим секин.

– Бўлмаса нега девордан ошиб тушади? – Унинг кўзи ғазабдан қисилиб кетди. Деразани шарақлатиб очиб, ёмғир шовуллаб турган ҳовлига папиросни улоқтирди. – Анави-чи, анави нимага кепти? Тушунтирдингми? Ҳисоб-китоб қилиб ўтиргандик, дедингми?

– Айтсам-айтмасам ўзи тушунди. – Қўлтиғимда турган чақмоқ телпакни узатдим. – Ҳаммасини кўрди.

– А? – Умар акамнинг ранги қув ўчиб кетди. Ташқарида чақмоқ чақиб, юзи янаям оқариб кет-

гандек бўлди. – Нимани тушунади? Нима деди?! Гапирмадингми ахир. Биз иш билан...

У шу қадар эсанкираб қолган, шу қадар бидир-бидир қилиб гапирардики, қўнглимдаги умид чироғи ўчиб қолаётгандек тиз чўкиб, яланг оёқларини қучоқлаганча йиғлаб юбордим.

– Умар ака! Жон Умар ака! Мени никоҳингизга олинг! – дедим ёлбориб. – Жонимдан тўйиб кетдим. Ажалидан беш кун бурун ўлмасин десангиз, никоҳингизга олинг! Қийналиб кетдим, Умар ака!

Ташқарида кетма-кет чақмоқ чақар, лампанинг нури яшин ёлқинида хиралашгандек, уй ичи оппоқ ёришиб кетар, мен бўлсам, ҳамон унинг сарпойчан оёғини қўйиб юбормасдим.

– Олинг мени, Умар ака, ҳалоллаб олинг! Ахир яхши кўрасиз-ку, мени, ўзингиз айтгансиз-ку!

Бир маҳал у титроқ қўллари билан бошимни силади.

– Жоним! – деди овози қалтираб. – Биласан, сен менинг хотинимсан. Тўғрими? – у чўккалаб ўтирганча юзимдан ўпди. Негадир лаблари совуқ эди. – Сен меникисан! – деди кўзимга тикилиб. – Ақл билан иш қилайлик. Сен ақли хотинсан-ку, Раъно!

У қўлтиғимдан кўтариб, ёнига ўтқазди. Елкамдан қучоқлаганча узоқ жим ўтирди-да, ўксик хўрсинди.

– Ўзинг ўйла, Раъно. Ўртамизда бир коса сув қўйиб, никоҳ ўқитиш ҳеч гапмас. Хоҳласанг эртагаёқ шу ишни қиламиз.

– Худо хайрингизни берсин! – дедим ҳиқиллаб. – Жонимдан тўйиб кетдим!

– Шошма! – у яна бошимни силади. – Хўп, сен айтгандек бўлди дейлик... Кейин нима бўлишини биласанми? Бу ёғини ўйладингми ҳеч?

У ёғи билан нима ишим бор? Нар и борса одамлар ғийбат қилар. Қилса қилавермайдими? Қайрилиб қараган эдим, ёшли кўзимдан ўпди.

– Тентак! – деди жилмайиб. – Агар шу иш овоза бўлса совет жангчисининг хотинига кўз олайтирган раҳбар сифатида мени нима қилишларини биласанми?

У ўрнидан сапчиб турди. Дераза токчасида ётган кумуш портсигардан папирос олиб, чекди.

– Эртага сенга уйланаман, индинга штрафной батальонга жўнатишади: Абдурахмонов отишга ўқ тополмай юрибди ўзи. – У тепамга келиб, ҳар сўзини таъкидлаб ҳайқирди: – Оёқ-қўлимни боғлаб штрафной батальонга жўнатади. Тушундингми? Олдинги линияга, душманнинг ўқиға! Розимисан! Ўн кундан кейин мендан «қорахат» келса хурсанд бўласанми?

Тағин йиғлаб юбордим.

– Нима қилай ахир, Умар ака! Нима қилай! Эл-юрт ўртасида қай юз билан бош кўтариб юрман! Шўрим қурсин!

– Хотиржам бўлинг! – Умар ака тағин сизлашга ўтди. Тишларини ғижирлатиб, қатъий овозда таъкидлади. – Сизнинг обрўйингизга путур етмайди, ўртоқ табелчи! Комилнинг ўғлини тинчитиш осон. Анави... Робиянгиизга келсак, ўша унсурваччаниям тилини қисик қилиб қўйиш қўлимиздан келади. – У тағин ёнимга ўтириб елкамдан қучди. – Асалим, бари бир сен меникисан-ку, жоним. Менга ишонмайсанми? Бўлди! Йиғлаганингда-чи, янаям чиройли бўлиб кетасан!

УМАР ЗАКУНЧИ ҲИКОЯСИ

**Тагингда отинг борми, узанги
узилгунча суриб қол!**

Ўмон иш бўлди! Қўймижоз Комил табибнинг мишиқи боласини сариқ чақага олмайман. Қўрқадиган жойим йўқ! Ҳамма гап табибнинг урушда юрган тўпчи ўғлида. Ҳайронман, кўзойнак тақмаса овқат ейишга оғзини тополмайдиган бу шапкўр, қандоқ қилиб шундоқ орденни олдийкин! Жанговар Қизил Байроқ ордени-я! Салкам Қаҳрамонлик унвонидай гап. Райком секретари ўртоқ Абдураҳмоновнинг шахсан ўзи колхозга келиб мажлис ўтказган бўлмасаям майлийди. Камбағални иззат қилсанг, чориғи билан тўрга чиқади! Ўша мажлисдан кейин тилини бир қарич қилиб, калтак еган боласини етаклаб, райкомга борса нима бўлади? Аввалги раҳбарлар билан орамиз яхши эди. Буниси, янги одам, ўлгудек нонемас кўринади. Ўша куниям Сўпоқ дамлаб қўйган ошга турмай кетди-қолди. Бунисиям майли. Анави иккала чолни президиумга чақиргани-чи?» Колхозни опичлаб катта қилгансизлар», дедими? Комил табибни кўриб, «ие, сизмисиз», деб қувониб кетдими? Бундан чиқди, ҳаммасини танийди. Ҳаммасининг тили бир. Эртага райкомга бориб арз қилса... Ўша кун Абдураҳмонов кета туриб нима деди? «Қарсақбозликка ўчроқ кўринасизми, раис!» Қарсақ чалсам сенинг ҳурматингга чалдим-ку, ношукур банда! Хурсанд бўлиш ўрнига... Ана, доҳиймизнинг ўзига соатлаб қарсақ чалишади-ку! Индамайди-ку! Сен ким бўлсан?!

Йўқ, энг аввал табибни тинчитиш керак. Кўнади! Кўнмай қаёққа борарди. Боринги, боламини қўрқитибсан, деб зақун талашган чоғидаям ўзига жабр қилади. Қўлидан нима келарди? Мен табелчи билан кундалик ҳисоботни кўраётган эдим. Биров девордан таппа ошиб тушди. Колхоз раҳбариманми, ахир! Ҳозир яхшидан ёмон кўп, қоронғида қаёқдан биламан, табибнинг ўғлими, урушдан қочган дезертirmi! Тутиб олмоқчи бўлдим, вассалом!

Боринги, ўртоқ Абдураҳмонов сўраб қолди: от-чётларни нега идорада эмас, эри фронтда юрган аёлнинг уйида кўрасиз, деди. Нима қипти! Табелчи идорага келмади. Бетоб бўлиб, уйига эртароқ қайтган экан. Бугунги ҳисоб-китоб эртага қолиб кетмасин деб ўзим бордим. Раис дегани хўжаликнинг отаси бўладими ахир! Нима, ота ўз қизининг уйига боришга ҳаққи йўқми! Шундан гап чиқаришнинг ўзи уят эмасми!

Ана шунақа, ўртоқ Абдураҳмонов! Фронт орқасида жон олиб-жон бериб ётган бир заҳматкашга туҳмат қилиш, большевикка ярашмайдиган иш деб ўйлайман! Айниқса, фронтовикнинг хотинини чалпишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Боринги, табиб райкомга бормади. Бормайди-ям бу қўймижоз! Лекин чопқиллаб бориб, Оқсоқолга маслаҳат солади. Ўзи колхозда иккита ғаламис бор. Биттаси Оқсоқол, биттаси – Дума! Элни шулар бузиб юради. Аммо иккаласиям, алақачон ўйиндан чиққан! Ҳаёт ҳам қарта ўйиндек гап. Тузми, кузурми – бари бир – ўйиндан чиқдими, тамом. Сарик чақалик қиммати қолмайди. Бир чеккада қалашиб ётаверади. Оқсоқол билан Ҳусан дума ҳам шунақа – ўйиндан чиққан қарталар! Бири раисликдан, бири бригадирликдан тушганига олти йил бўляпти. Биламан, иккаласиям аламзада. Ле-

кин олти йилдан бери ҳеч балони эплолмаган чолларнинг қўлидан энди нима келарди! Шунақа-ку, аммо ўша охирги мажлисда Абдурахмонов буларни нега мунча лаганга солди? Нияти нима?!

Қизиқ, янги келган куним колхоз аъзолари мени раис қилиб сайлашга қарши бўлганида Ориф оқсоқол нимага ёнимни олди? Нега биринчи бўлиб ўзи овоз берди? Буям етмагандек, ҳашар бошлаб, мана шу уйни қуриб беришга нима учун бош-қош бўлди? Қўрққанидан қилдими? Йўқ, Оқсоқол илонинг ёғини ялаган одам! Қани, кўрайлик-чи, қаёққача бораркин бу бола, деб ўйлади. Чучварани хом санабсан, Оқсоқол! Сен шохиди юрсанг, мен баргида юраман! Сен ўйлагандан кўра узоққа, жуда узоққа кетаман ҳали! Мана, олтинчи йил кетяптики, «Қизил деҳқон» районда энг илғор хўжалик. Буни Абдурахмоновнинг ўзи ҳам тан олди. Хўш, шу ишларни саводсиз Оқсоқол қилдими, менми? Тўғри, Оқсоқол отдан тушсаям эгардан тушгиси келмайди. Болаларидан «қорахат» келган куни мени ҳақорат қилди. Биламан, буям аламидан. Ким ўзи у? Мен кимману, у ким? Филга акиллаган лайчадек гап! Саводи бўлмаса, илми бўлмаса, авваллари бир эмас, икки ўғлим танкист деб кўкрагига уриб юрарди, энди улар ҳам йўқ. Узатган қўли қаёққа етарди! Ўзиям кейинги пайтда калтакланган итдай думини қисиб қолди-ку!

Дума-чи? Дума ким бўпти?! Хоҳласам, эртагаёқ рабочий батальонга жўнатаман! Ёши олтмишга етмаган, атайлаб паспортини ўзгартириб олган дейман, тамом! Қўлимда шунақа далил борки, хоҳласам Думанинг хонумонини куйдириб юбораман. Уйида анави халқ душманини сақлаганми – сақлаган! У ёғини сўраганда Дума илондан қол-

ган илонваччани – Робияни боқиб катта қилдими – қилди! Тоғам – тажрибали юрист. Самадовнинг, бир вақтлар тоғамга тиш қайраган, советларга қарши ташвиқот олиб борган ўша Самадовнинг халқ душмани эканини билади. Оқсоқол билан Дума ўша жиноятчи домлага ҳамтовоқ бўлганми – бўлган. Ким билсин, балки иккала чол маслаҳатни бир ерга қўйиб қизини атайлабдан изимдан юборгандир! Жуда яхши-да! Изимдан юриш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! Аслида бу ҳам совет давлатига қарши қўпоровчилик!

Чарчадим. Ўлай агар чарчадим. Минг лаънат урушигаям, раислигигаям! Билмаганлар амалдор одамга осон тутади. Егани олдида, емагани кетида, нима деса оғзининг ели деб ўйлайди! Бўлмаган гап! Амал курсисига миндингми, бошингга темир қалпоқ, оёғингга темир пайпоқ кийиб олишинг керак. Ана шундагина ўзингдан юқорироқда турганлар бошингга тепса, жонинг ҳузур қилгандай илжаясан. Йўқ, фақат илжайишнинг ўзи камлик қилади. Оёғини ялайсан. Қанча қаттиқ тепса, шунча иштаҳа билан ялайсан. Яламай кўр-чи! Бир тепади, икки тепади... Учинчисида чиққан жойингга тиқиб юборади! Шунақа! Амалдорликниям чидаганга чиқарган, азобига чидайсан. Лекин амалдор бўлишнинг яхши томониям бор-да! Ўзингдан пастроқ турганларни темир пайпоқ кийган оёғинг билан тепасан! Ўшанда жонинг ҳақиқатданам роҳат қилади. Одамлар сендан кўрқса, кўзингга қараб мўлтираб турса, бундан ортиқ роҳат борми? Бўлмаса, уям одам. Боши думалоқ, чоти айри. Лекин тўғри гапирасанми, нотўғримми, бари бир таъзим қилиб туради! Қандоқ яхши! Раҳмдил одамдан раҳбар чиқмайди. Халқ нима? Подадай гап! Сава-

лаб турсанг йўлингга юради. Бўлмаса ҳар битта аҳмоқ демократия деб айюҳаннос солишдан тоймайди... Ўртоқ Сталин тўғри айтади: раҳбар қаҳрли бўлиши керак. Йўқ, раислик курсисини осонликча топширадиган аҳмоқ йўқ! Мен сенларга Ориф оқсоқол эмасман...

Тонг ёришиб қолди. Ташқарида жала тинди шекилли, тунука томнинг бўғиқ гувиллаши тўхтади. Ёнимда Раъно ётибди. Сочлари паришон ёйилган, таранг кўкраги очиқ, ғира-шира тонг нурида оппоқ юзи янаям тиниқроқ кўринади. Иягидаги жимитдек холи қоп-қора, ўпгиси келади одамнинг! Думба еган чақалоқдек ширин тамшаниб ухлашини-чи?!

Нимагаям илакишиб қолдим шу хотинга? Қурмагур ўзиям бошқача-да! Қойилман! Бировнинг қўйнида ётган суюкли хотинини юлиб олиш осонми? Бунақа ишни қарчиғайдек чаққон, шердек довюрак одам эплайди. Ҳали оёғимга йиқилиб йиғладими! Вой тентаг-ей! Дунёнинг ишлари шу экан-да! Аввал сен унинг оёғига йиқиласан, кейин у сеникига йиқилади. Асли ҳаётнинг турган-битгани олди-берди экан-да!

Қўқонда уйланганим, хотинимга кўнглим илимай ажрашганимни биладими бу – йўқми? Билади! Одамлар қўйга ўхшайди! Сурувда битта қўй маъраса ҳаммаси жўр бўлгандай, битта одам «финг» этиб гап чиқардими, бас! Бошқалари қўшилишиб вайсайверади. Раис бўлган кунимданоқ колхозчилар менинг ўтмишимни титкилагани аниқ. Хўш, нима бўпти? Қўрқадиган жойим борми! Ҳаммасини законний қилганман. Ўшанда акам норози бўлиб уйдан ҳайдашгача борган эди. Аҳмоқ! Ўзинг кимсан! Наридан борса битта бўзфурушсан-да! Хотинимни сен эмас, мен қучоқлаб ётаман-ку, овсар!

Мен билан нима ишинг бор? Тўғри, акам оби-дий-да қилганича бор. Нима бўлганида ҳам хотинининг олдида юзи шувит: қайинсинглиси қўнглимга ўтиришмай қолди. Совуқми-ей, нима бало? Яқинига борсам атир ўрнига ачимсиқ тер ҳиди келади.

Яхшиям тоғам Тошкентга ишга келган экан. Жонимга ора кирди. Чор-атрофда юрист тоғамнинг номини эшитганда тиззаси қалтирамайдиган одам йўқ эди. Шу киши бўлмаса юридик техникумни битирган ўрта мутахассис сифатида биронта гадой топмас адвокатурада юрардим-да, ивирсиб. Қолаверса, аввалги райком – Алихон ака тоғамнинг қил ўтмас ўртоғи эди. Хўп замонлар экан-да, ўшанда! Раисликка сайлашаётганида агрономияни яхши билади деб мақташгани-чи! Нима, нотўғрими? Районда сабзаёт планини биринчи бўлиб бажариб келаётган ким? Хўжаев! Фронтга энг кўп маҳсулот юбораётган ким? Хўжаев! Мудофаа фондига энг кўп маблағ ажратаётган ким? Хўжаев! Битта раис бўлса менчалик бўлади-да! Мана, колхозни ипидан-игнасигача билиб олдим. Деҳқон боласи ер илмини билмайдими? У ёғини сўраса – юристман! ўиринг деган ношукур билан зақун тилида гаплашиб қўйиш қўлимиздан келади...

...Нега чўчийди бу? Тушига эри кирдим, нима бало?! Қуриб кетмагур, офатижон-да, ўзиям. Оловда, олов! Биринчи марта кўрганимдаёқ юрагим жиз этгани бежиз эмас экан. Аслида-ку, Шомуродни колхоздан кўчириб юбориш ниятим бор эди. Текстилда ишлайди. Ўзи колхоз ерида турса, томорқаси бўлса-ю, далага чиқиб, кетмон чопмаса! Борсин ўша фабрикасига!

Тўйи бўлган куни кимхоб паранжи ёпинган келинни узоқдан кўрганимда унчалик эътибор бер-

маган эдим. Раз колхознинг отаси эканман, ҳам-масининг тўйига боришим керак. Аммо бир ҳафтадан кейин Шомуроднинг уйи олдидан ўтиб кета туриб, келинни кўрдиму... Тонг-саҳарда колхозчиларнинг эшигини тақиллатиб юрган эдим. Қишлоқ одамлари муғамбир бўлади. Кун чиқмасдан хотини уйғонади-ю, далага бориш ўрнига сигир соғади, нон ёпади. Эрлари ялпайиб ётади. Ўзининг томорқасида балодай ишлайди, колхозга бели қайишгиси келмайди. Қамчилаб турмасанг колхознинг иши ўлда-жўлда қолиб кетаверади.

Раз Шомурод колхозда яшайдими, томорқаси борми, хўжалиқдан ҳеч бўлмаса бир киши далага чиқсин! Аввал бўйдоқ эди, энди хотини бор. Ўсма-сурма қилиб ўтирмай кетмон чопсин!

Шуни айтиб қўйиш учун отни ниқтаб, эшигига борсам... ёнғоқ тагида атлас кўйлак-лозим кийган келин ер супурыпти. Қирққокил сочининг ярмиси елкасидан ошиб ерга тегай-тегай деб турибди. Юзини аниқ кўрмасам ҳам юрагим гупиллаб кетди. Болдирини сиққан жиякли лозим, кўйлагини туртиб чиққан кўкси, хипча бели шунақанги офатижонки...

Жиловдан тортишим билан от кишнаб юборди. Келинчак хаёл суриб турган эканми, ҳуркович кийикдек сапчиб тушди. «Вой» дедию бир қўллаб юзини яширди. Қўлидан супургиси тушиб кетди.

– Қўрқманг, келин, – дедиму овозим титраб кетганини сездим.

Келин елкаси оша ёйилиб тушган сочини орқасига олиб ташлади. Салом бериб, кафтини юзидан олган эди, томоғим қуруқшаб кетди. Нуқул ютингим келади. Ё, тавба, шунақаям гўзал қиз бўларкан жаҳонда! Ҳозир йиғлаб юборишга тайёрдек

пирпираб турган узун киприклари, ҳам ҳайрат, ҳам ҳадиксираш билан боқувчи қоп-қора кўзлари, ўсма қўйилган қайрилма қошию хина сурилган қўллари, билагузук таққан оппоқ билаклари...

– Куёв ишга кетдиларми? – дедим бошқа гап тополмай.

– Ҳа... – Келин чўчиб тушганидан хижолат чекди шекилли, жилмайди. Оппоқ юзи қизариб, ёришиб кетгандай бўлди. – Бугун биринчи сменадалар, – деди секин. Ноз қилгандек чиройли қошини чимириб кулимсиради. Шу туришида, «кўрдингизми, ноинсоф куёвни, мендек парини ташлаб, ишига кетиб қолди», деганга ўхшаш маъно бор эди. Билмадим, балки мен шунақа деб ўйлагандирман.

Ўзимни босиб, жиловни тортдим.

– Келин, – дедим иложи борича совуққон оҳангда. – Мен Шомуродни яхши биламан. Ўзимизнинг йигит. Майли, хоҳлаган сменада ишлайверсин. Аммо колхозда яшагандан кейин ҳеч бўлмаса биттангиз дала юмушларига қарашиб турганингиз маъқулмикин?..

– Вой! – Келин кўзимга ҳайрат аралаш истигно билан қаради. – Менам фабрикада ишлайман-ку!

Бу гапни шунақа ширин ишонч билан айтдики, тагин эсанкираб қолдим.

– Майли, чиллангиз чиқсин, кейин бир гап бўлар, – дедим-да, отимга қамчи уриб чоптириб кетдим. Ўзимни шунча зўрласам ҳам, кучим етмади: элик қадамча боргандан кейин орқага бурилиб қарадим. Келин бир қўлида супурги билан ним табассум қилиб қараб турганини кўрдиму юрагимга ўт тушгандай бўлди. Ажаб, юрсам ҳам, турсам ҳам кўз ўнгимдан кетмайдиган бўлиб қолди. Эрталаблари атайлаб эшигининг олдидан ўтаман.

Баъзан ёнғоқ тагида шакароб қилиб сув сепаетган бўлади, баъзан сочи елкасига ёйилиб кўча супураётганининг устига келиб қоламан. «Ҳорманг, келин», дейману тўхташга қўрқиб, ўтиб кетаман.

Уруш бошланиб, ҳамманинг ташвиши кўпайди. Менинг-ку, броним бор. Шомурод нимага кетмайди? Колхозчи бўлса-ку, военкомат билан гаплашиб, зинфиллатиб урушга жўнатардим! Текстилга кучим етмайди-да! Хайрият, униям гали келди. Ҳеч кимни кузатишга бормасам ҳам Шомуродникига бордим. Юрагим лахча чўғдек ёниб кетяпти-ю, Раънога қайрилиб қарамайман.

Рости, ўша куни Раънонинг кекса онасига раҳим келди. Раис сифатида унга оталик қиламан, деган гапниям чин юракдан айтдим. Ўлай агар, Раънони колхозга олиб келиб, табелчи қилиб тайинлаганимда ҳам шайтонга ҳайф бериб юрардим. Аммо Янги йил кечасида Сўпоқнинг уйида ўтириш қилганимизда, тоғам ҳамиятимга тегадиган оғир гап қилди.

– Сениям оёғингни тўртта қилайлик, мундоқ, нима бало ё мижозинг сустми? – Бу гапни кулиб айтди. Дастурхон атрофидаги юрист ўртоқлари ҳазилга олиб, кулгига қўшилган бўлишди. Аммо менинг юрагим шифиллаб кетди. Мастлик – ростлик! Тоғам шу гапни Сўпоқнинг олдида айтиб чатоқ қилди. Ҳозир-ку, Сўпоқ эгасининг суяк ташлашини кутган итдай думини ликиллатиб юрибди. Аммо бир куни орадан гап қочсаю душманга айланиб қолса, ҳар нима кутиш мумкин ундан.

– Ҳайронман, ока, – деди Сўпоқ тоғамга қараб. – Ҳозир дарахтни бир тепсанг мингта қиз ёғилади. Раис ёлғондан оғиз солсалар, ростдан остоналарига келиб ётиб оладиганлар сон-мингта! Мундоқ кўз остига ол-

ганларини айтсинлар, ўзимиз совчи бўлайлик. Биз ҳам тўйнинг ошини ейлик бундоқ, а лаббай?! У ёғини сўрасангиз, шундоқ кўёвга ўзимиз ҳам...

Сўпоқ илжайиб кўзимга қарадио ғазабдан титраб кетганимни кўриб овози ўчди. «Аҳмоқ! Ҳозир ўз ҳузурини ўйлайдиган замонми! Уруш кетяпти, хунаса!» Ва жоҳатимни кўриб, итдай думини қисиб қолди. Чойни янгилаш баҳонасида уйдан чиқиб кетди.

Гап бошқа ёққа айландию хаёлимга лоп этиб Раъно келди. Қўлидан супурги тушганча, ҳуркович табассум билан жилмайиб турган Раъно! Эр кўрган хотин эркакни қўмсамайдими? Кечалари ёстиқ қучоқлаб ётиш жонига теккандир ахир... Шунақа-ку, мен жўн одам эмас, раҳбарман. Раисман! Каттакон хўжаликнинг отасиман. Қайси ота ўз қизига... Э, оталикка бало борми! Наридан борса эридан уч-тўрт ёш каттадирман. Нима қипти? Ун-гаям яхши, менгаям! Шунақа-ку, дунёда бундан нозик масала йўқ. Агар ўзи жон деб турган бўлса ҳеч кимга чурқ этиб, оғиз очмайди-я! Бордию эшикдан киришим билан дод солиб, оламни бошига кўтарса-чи! Ана, шармандалик! Ҳамма ёққа дўмбира қиладиганлар озми?

Тугун кўтариб, Раънонинг остонасига борганимда оёғим қалтираб турарди. Эшикни қарс этиб, юзимга ёпади, деб ўйлагандим. Йўқ, ёпмади. Тўғри, аввалига кўрқиб кетди, аммо ҳайдамади. Ўзи уйига киргизганидан кейин, бирга ўтириб, бирга ичганидан кейин... Бўлди-да. Тўғри! Ҳаммаси тўғри! Лекин ўшанда иш бунчалик чуқурлашиб кетишини билмаган эканман. Бу номаъқулчиликни бир марта қилдим, иккинчи қилмайман, деб онт ичдим. Қаёқда? Уч кун кўрмасам соғиниб қоламан. Ярим кечада борсам, ухламай кутиб ўтирган бўлади.

Тоғам, донишманд тоғам бир гапни кўп қайтарарди. «Бу дунёнинг жаннати ҳам хотин, дўзах ҳам. Хотин кишига жиловингни бериб қўйдингми, тамом! Жаннатда юрибман деб, дўзахга тушиб қолганингни ўзинг билмайсан». Тўғри айтган экан. Мана, дўзахга тушдим. Бугун дўзахнинг нақд ўзига тушдим-қолдим!

Қайрилма киприкларини пирпиратиб бемалол ухлашини қаранг! Эрининг уйида ётгандек! Эртага мени урушга юборишадими, передовойда немис ўқидан ўлиб кетаманми, бунга нима? Эри урушдан келган куни унинг тўшагидаям шунақа – ойдек бўлиб ётаверади-да! Кечаси нимага ҳайдаб юбормадим?!

– Туринг! Тонг ёришиб кетди-ку!

Сесканиб уйғонишига ўлайми! Худди қаерда ётганини билмайдигандек. Худди бу ерга биринчи марта келиб, биринчи марта ётиб қолгандек! Қайрилма киприкларини пирпиратиб, ширин жилмаяди тагин! Ўргилдим ширин керишишингдан!

– Шунақа ухлабманки!

– Қолганини уйингизда ухлайсиз!

Дарров сергак тортасан-а! Сочини ёйилиб кетгани-чи!

– Чой қўяйми?

Хотин киши товуқ мия бўлади-да! Шу топда чой ўтадим томоқдан! Начора, алдаб-сулдаб йўлга солмасам, яна гапни айлантиради.

– Бўла қолинг энди! Тонг отиб кетди-ку.

Шу-да, мушук-да, булар! Асабинг қўзиб турганда суйкалади. Худди атайлаб қилгандек.

– Энди нима бўлади?

Илтижолни термулишини қара!

– Кечаси нима дедим сизга? Ишингизга борсангиз-чи!

Ана, қўйиб берсанг йиғлаб оламни бузади. Кипригида ёш илиниб турибди. Бир йиғлашга тушди-ми, тамом, камида ярим соат чўзади, бу.

– Илтимос, Раъно! Сен боравергин. Бу ёғини ўзим тўғрилайман. Хавотир олма. Хўпми, жоним!

«Жоним» эмиш! Муроди ҳосил бўлган эркакка бориб турган ҳурилиқо ҳам алвасти бўлиб кўринади. Қизифи шундаки, софинганингда алвасти тағин ҳурилиқога айланади. Яна «жоним» дейсан, «азизим» дейсан. Минг лаънат бу ёлғончи дунёга!

Бўлди-бўлди, ёш боладек мунғайиб нима қила-сан? Кет дегандан кейин кетиш керак-да. Ҳа, маладес! Сендан бошқа гам-ташвишим йўқми!

Хайрият-ей, қутулдим!

Кечаси нима деди? Никоҳимга олармишман? Қўйиб берсанг ҳеч қаёққа чиқмайман, деб ўтириб олишдан ҳам тоймайди. Бу кишим эрлик тўкис бўлиб олсинларда, азобини мен тортай! Хотин кишининг мушукдан фарқи йўқ, дедим-ку! Орқасини силасанг бас, дарров тиззангга чиқади. Эси бор эркак ўша заҳоти силашни бас қилади. Яна силадингми, томом, ўрмалаб елкангга минади. Юзингни ялаб-ялаб бошингга чиқиб олганини ўзинг билмай қоласан. Бошингга чиқдими, тамом! Икки дунёда қайтиб тушмайди. Хоҳласа ёнғоқ чақади, хоҳласа – тош. Бу кишиям мулойим бўлиб бошимга чиқмоқчи! Чучварани хом санабсан! Тиззамда ўтириш ёқадими, марҳамат, ўтиравер, аммо бошимга чиқармайман. Ёқмаса – пишт! Тўрт томонинг қибла!

...Гунг отбоқар жийронимга ем бериб турган экан. Дарров эгарлаб, жиловини қўлимга тутқазди. Олисдаги тоғлар қизғиштоб тусда товланиб кўринар, ҳали қуёш чиқмаган, аммо кун ёришиб кетган эди. Чойхона олдидан ўтаётганда от ҳовузга талпинди, чанқабди. Падарингга қусур соқов!

Жониворни суғоришгаям эринган! Колхозда нари-
си билан олтита от қолган ўзи. Олтита отни парва-
риш қилганига бир иш кунни ёзиладию шу арзимас
юмушнияма ёлчитмайди. Ҳали шунақанги савалай-
ки, жони офриганидан тили чиқиб кетсин!

Отнинг жиловини бўш қўйган эдим, илдамлаб,
ҳовуз бўйига борди.

Гулсафсарлар ниш чиқариб ётган юмшоқ
соҳилга авайлаб ту ёқ босганча сувга тумшуқ
солди. Лойқа сув четида ҳалқоб бўлиб тўдаланиб
қолган ўрик гуллари пароканда қалқиб кетди. Ие,
ўрик гуллабди-да! Қизиқ, кеча гули очилмаган
эди шекилли. Билмадим, эсимда йўқ. Ҳарқалай
ҳовузнинг тўрт томонида зич саф тортиб турган,
ҳар йили каллакланавериш танаси йўғонлашиб
кетган толлар орасида бир туп ўрик чаман бўлиб
гуллабди. Кечаги шамол аралаш ёмғирда тўкил-
ган нимпушти гуллар ҳовуз юзини қоплаб олиб-
ди. Ана, от тумшуғини тикқанда қалқиб кетган
гулбарглар секин-секин сузиб бориб, ҳовуз ўрта-
сига тўпланиб қолди.

Қизиқ, анавиёқларда – уруш бўлаётган жой-
ларда ҳалиям қор белга урса керак! Бу ерда
баҳор, у ёқларда қаҳратон қиш. Эртага лоп этиб
Абдураҳмонов чақириб: «Ўртоқ Хўжаев, раис-
ликни топширасиз, маънавий бузуқ экансиз»,
деб қолса-я! Абдураҳмонов, анойимас. Хоҳла-
са биттаю битта қўли билан гирибонимдан ола-
ди-да, улоқтириб юборади. Дўзахнинг кундасига
– передовойга бориб тушаман. Законний туша-
ман! Тоғам ҳам жонимга ора киролмайди. Энди
у прокурормас, мабодо, прокурор бўлгандаям
нима қила оларди. Ўзининг ҳузурини ўйлайди!
Шу хотинга илакишиб нима қилардим. Тинчгина
юрсам ўлармидим!

Йўқ, бир хонимча деб, бегона юртларда ўлиб кетадиган аҳмоқ йўқ! Тезроқ, тезроқ бориш керак. Табибнинг тилини боғлаш керак!

Кеча анови итваччасини ёқасидан бўғганимда хириллаб қолувди. Ўлиб-нетиб қолмадимикин ишқилиб? Йўғ-е, анави жинқарчанинг оёғига урилиб қаддини ростлаганини ўзим кўрдим-ку. Бари бир-да, одам холис... Ҳарқалай орденли қаҳрамоннинг укаси...

Мунча тихирлик қилади бу! Ичига ўт тушганми? Чу-е! Ҳаром ўлгур!

Қуруқдан-қуруқ боравераманми? Ақалли ўша итваччага... Шошма, уйда Қўқондан янгам бериб юборган уч-тўрт дўппи бор эди шекилли. Орасида кичикроғиям топилиб қолар... Шу-да, бу тескари дунёнинг ишлари! Пайти келса эшакни тоға дейсан! Майли, овози ўчса бўлди. Чу, жонивор!

...Мунча бефайз бу табибнинг уйи! Ёнғоқзор орасигаям жой соладими одам! Тағин шундоқ жар бўйида!

Пилдираб чиқмас экансан-а! Эшигингни раис қоққанини биласан-да! Ие, хотини-ку! Табиб қай гўрда қолдийкин?

– Кун ёйилиб кетди-ку!

– Кечирасиз, раис, дадаси ҳозир... шафтоли гулидан...

Узр сўрамай ўл!

– Қанақа шафтоли гули?

– Дадаси шафтоли гулидан дори тайёрлаётган эдилар. Робияхон бечора ердек ётганмиш...

Нега ётади?.. Э, менга деса ўлиб кетмайдими, ўша айғоқчи Робияси.

– Устига устак қўй жонивор туғиб қолса денг, раис...

Яхши! Демак, уйдан ҳеч ким ҳеч ёққа чиқмаган. Табиб анави Робияга шафтоли гулидан дори тай-

ёрлаяпти. Хотини янги туққан қўйи билан андармон! Ҳаммаси жойида!

– Ие, муборак бўлсин! Нечта туғди?

– Иккита, раис, иккита.

– Уни қаранг. Қўзичоқларни семиртираверинг. Ўғлингиз келганида сўясиз. Кўрасиз, Очилбой албатта қаҳрамон бўлади!

– Айтганингиз келсин, раис! Мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин!

– Чақиринг бир минутга хўжайинни!

Ана, келяпти, салмоқлаб. Қўлида ҳовонча, кийими топ-тоза. Қари бўлсаям икки юзи чийқондек! Ўргилдим олифтагарчилигингдан! Табиблик қилгунча даладаги ишни эпла, Луқмони ҳақим!

– Ҳорманг, Комил ака! А, бу кун ёйилиб кетди-ку!

– Ҳозир, укам... Ҳусан думанинг қизини трактор тепиб, буйраги шикастланибди. Шунга... озгина... Қани, уйга, укам... Бир пиёла чойимиз бор.

Вой қуруғ-эй! Келиб-келиб сенга ука бўлиб қолдимми! Чойинг билан қўшмозор бўл! Орден олган шапқўр ўғлинг бўлмаса-ку... Нима деди? Ҳусан думанинг қизини трактор тепибди дейдими? Демак, кеча шунинг учун... Майли, аниқлаймиз... Анави шайтонбаччаси қаёқдайкин?

– Раҳмат, ака. Бошқа сафар... Анави мажлисда... кичик ўғлингизга аталган дўппи қолиб кетган экан. Олимжонмиди? Ўшанга...

Нега илжаяди бу? «Шартмас» эмиш... Камтарлик қиялпими, туллакликми?

– Чақиринг-да, ака, кичкина қаҳрамонни!

...Балоям урмабди-ку, итваччасига. Ана келяпти! Бўз қўйлагининг енгини шимариб олибди. Қўллари тезак юқи... Мен бўлсам, қўрққан олдин мушт кўтарар деб...

– Салом қани, ўғлим! Ўзидан катта одамга салом бериш фарз!

Вой интеллигент-ей! Мишиқи болангни саломига зорманми? Начора, келишга келдим, бу ёғига...

– Қўйинг туғдими, Олимжон?

– Ҳм...

Қовоғини солишини қаранг. Вой хумпар-ей! Бўрига ўхшаб қарайди одамга.

– Эркакми, ургочи?

– Иккита. Биттаси эркак, биттаси...

– Маладес! Ма, кийиб ол!

Сочининг ўсиб кетганини қаранг. Қулоғининг кириничи! Хайф сенга дўппи. Аммо наилож?!

– Киявер, сеники шу!

– Мен... Ҳозир, укам... Онаси, сизам бўла қолинг. Раис тўғри айтяптилар. Далада иш кўп...

Ана, табиб ҳовончани кўтариб уйга, хотини этагини липпасига қистириб, молхонага зипилади.

– Менга қара, Олимжон. Сен катта йигитсан-а?

Ҳалиям қовоғини очмайди. Ўргилдим димоқ-фи роғингдан.

– Кеча сени билмасдан хафа қилиб қўйдим. Ўғри деб ўйлабман. Бундан кейин бировнинг деворидан ошиб тушмагин, хўпми?

– Ўғрилиқ қилганим йўқ... Мен...

Тилини бермайди, тирранча!

– Бўпти! Гапни кўпайтирма! Яна бир марта шунақа қилсанг, сениям, дадангниям қаматиб юбораман...

...Йўли осон экан-ку! Мусичага озор бермайди-ган мана шу табиб устингдан шикоят қилади деб қўрқиб юрибсанми?! Ким айтади сени Закунчи деб. Йўлбарсдек важоҳатинг билан шулардан чўчидингми? Шулардан-а?! Хайф-е, сендек раисга!

Энди анави – Робия қолдими? Қўрқадиган жойим йўқ! Шунақанги тилини қисиқ қилиб қўяманки, кетимдан ўзи эргашиб юрадиган бўлади, унсурвачча. Чу, жонивор! Мунча учасан? Қамчи еб

ўрганмагансан-да! Ҳаво мунча тиниқ! Олам мунча чиройли. Мунча тез учади бу? Қаноти борми? Қаёққа кетяпман ўзи? Бари бир эмасми? Олам ям-яшил бўлса, остингда арғумоқ бўлса, учасан-да! Янги йил кечасидаги ўтиришда Соли сўпоқ талинка чертиб, нима деб хиргойи қилганди?

*Арғумоқ остингдадир, тоғларни кез, боғларни кез,
Ногаҳон бу арғумоқ остингда бўлгай-бўлмагай!*

Хотинталоқ Сўпоғ-ей! Билиб айтган экан! Остингда отинг борми, узанги узилгунча суриб қол. Эртага отингни бошқа одам минмайди деб ким кафолат бера олади? Бекор гап! Остимдаги арғумоқни бировга бериб қўядиган анойи эмасман!

Чарчадингми, Қорақўз? Вой-бў! Терлаб кетибсан-ку! Бўлди, биродар, бўлди. Қайтамиз. Шошма, секин... Ҳа, баракалла, иш бошимиздан ошиб ётибди. Биласан-ку, одамларни. Сенга-ку, бир қамчи ҳам ортиқча... Аммо одамлар арғумоқ эмасда, қайсар эшакдан фарқи йўқ. Юки енгиллашдим, ётиб олади.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

БИРИНЧИ СИНФ ЎҚУВЧИСИ МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

Абдувалидан зўр чиқдим!

Укамни кўтариб келяпман. Ҳали ўзи юролмайдиди-да! Юролмайдикун, ҳечам бир жойда ўтирмайдиди. Ўтқазиб қўйсангиз орқаси билан сурилиб, бирпасда анча ерга бориб қолади. Ойимнинг айтишига қараганда эрта-индин чопқиллаб йўлга кириб кетармиш. Ўшанда «Қора аммам» укамнинг оёғи орасидан кулча юмалатаркан, ўзи айтган. Жуда ширин бола-да, Омон! Ҳозиргина йиғлаётган эди, дарров овуниб қолди. Кўтариб боряпману нуқул қулоғимни чўзгилаб ўйнайди. Шу дейман, чап қулоғим осилиб, шалпангқулоқ бўп қоламан-ов! Қўлимга олдим дегунча шу қулоғимга ёпишади. Ҳайронман, нимасини яхши кўради? Қайси кунни ойнага қарасам, чап қулоғим ўнг қулоғимдан каттароқ кўринди. Ана, яна чўзгилаяпти.

– Қўйворсанг-чи!

Қўйиб бўпти! Яккам-дуккам тишини кўрсатиб, кулади тагин!

Шундай қилиб, бугун Абдувалидан зўр чиқдим. Бурнини мўлжаллаб туриб бир урган эдим, «ойи», деб йиғлаб юборди. Қарасам, бурни қонаяпти. Ўзим, муштимни тугаётганимда ўрта бармоғимни

чиқариброқ урдим-да. Вой, қўлим! Ўрта бармоғим сирқиллаб оғрияпти. Абдувалининг тишига тегди-микин? Нега ўзи фирромлик қилади. Буям майли, укамни йиғлатгани, айниқса, алам қилиб кетди. Бўлмаса урмасдим.

Эртага мактабга борганда бари бир Абдували билан битта партада ўтираман-да. Яна уришамиз шекилли... Маъсуда опанинг жаҳли ёмон. Уриш-сак, иккаламизниям дарсдан ҳайдаб юборади... Бошида шу Абдували билан битта партага ўтириб қолганим чатоқ бўлган-да! Нима қилай, Маъсуда опа ўтқазиб қўйган-да! Ойим ҳам биринчи кун мактабга бораётганимда тайинлаган. «Абдували билан бирга бориб, бирга келгин, битта партада ўтиргин», деган. Ўшанда дадам менга яп-янги қўйлак-шим олиб берган. Ойим атайлабдан жилд тиккан. Жилдим Абдувалиникидан яхши. Янги-да! Абдувалиники эски: Мавлуда опасидан қолган жилди. Банди уч жойида ямалган, сиёҳ тўкилган... Опаси Кўтармадаги мактабда – саккизинчида ўқийди. Бизнинг мактабимиз етти йиллик. Саккизинчи синфга ўтганлар Кўтармага қатнайди, ўн йиллик мактаб бор.

Анави куни Мавлуда опа нима дейди, денг? «Жилдингни ўртоғингга бера қол, ойинг сенга бошқасини тикиб беради», дейди. Индамадим. Мавлуда опа бақироқ қиз. Сариқ-да! Бир нима десанг дарров жаҳли чиқиб кетади. Гапини қаранг. Ойим атайлабдан тикиб берган жилдни у кишининг укасига берармишман. Бериб бўпман!

Ойимнинг одати қизиқ: ҳар куни жилдимга битта нон солиб қўяди. «Ўртоғинг билан бўлашиб егин», дейди. «Қора аммам» келса, жилдимга жийда, майиз тўлдириб ташлайди. Жилдим эшакнинг хуржунига ўхшаб қолади. «Алифбе» билан даф-

тар солишгаям жой етмайди. «Керакмас», десам, жаҳли чиқади. «Ўқиб шаҳар обераармидинг, бир кун кечроқ олим бўлсанг бўларсан, қорнингни тўйғазиб юр», дейди. Нима кўп – «қора аммам»-нинг келиши кўп! Нима кўп – мактабга жилдимни қаппайтириб боришим кўп! Орқадаги партада ўтирганимиз учун Маъсуда опа Абдували иккаламизни кўрмайди. Дарсда ёнғоқ еб ўтирамиз. Фақат омон-эсон чақиб олсак бўлди. Ёнғоқни чақсангиз овози чиқади-да! Доскага дарс ёзаётган Маъсуда опа эшитмайди дейсизми? Жудаям эшитади-да! Бир-икки марта дакки еганимиздан кейин Абдували билан буниям йўлини топдик. Танаффусда ёнғоқни чақиб оладиган бўлдик. ўалвирак ёнғоқнинг иккитасини партага устма-уст қўйиб бир урсангиз, иккаласиям чақилиб кетади. Тошёнғоқни чақишниям иложи бор. ўишт қидириб ўтирмаймиз. Ҳамма танаффусга чиқиб кетганида мен синф эшигининг ошиқ-мошиғи ёнига ёнғоқни қистириб тураман. Абдували эшикни секин ёпади. Тамом! Чақилган ёнғоқ чўнтакда турибди-да!

Бир куни ёмон бўлди. Танаффусда чақиб, ғамлаб олинган ёнғоқларни еб ўтирган эдик, Маъсуда опа бирдан:

– Шомуродов? – деб чақириб қолди.

Ўрнимдан сакраб туриб:

– Мен! – деган эдим, оғзим тўла ёнғоқ мағзининг ярмиси отилиб кетди.

Болалар хохолаб кулиб юборишди. Қарасам, Абдувалиям икки қўли билан оғзини тўсиб маза қилиб куляпти.

Парта остидан оёғига яхшилаб тепган эдим, кулгиси тўхтаб, афти буришиб кетди.

Фақат ўқитувчи опамиз кулмади.

– Нима бало, Музаффар! Еттита қорнинг борми, қачон қараса жағинг қимирлайди-я?! – деди.

Танаффусда иккинчи синф болалари бизни масхара қилишади. Ҳаммаси барабар қарсак ча-либ ашула айтади:

*Биринчи чол, отга беда сол,
Отинг емаса, чайнаб сол.*

Аввалига алам қилиб юрдию Маъсуда опа бизни юпатди:

– Ўзлариям бултур биринчи чол эди, қўяверинглар!

Ўшандан буён танаффусда иккинчилар билан ўйнамаймиз. Ўзимизнинг ўйинимиз бор. «Мушук – сичқон» – қизларнинг ўйини. Биз «Қушим боши...», «Ким урганини топ...» ўйнаймиз.

«Ким урганини топ...» – зўр ўйин. Сиз йўлак бурчагига борасиз-да, ўнг қўлингиз билан қулоғингизни бекитиб, чап қўлингизнинг кафтини ўнг қўлтигингизга тиқиб, очиб турасиз. Болалардан биттаси қўлтигингиз тагидаги кафтингизга шапатилайди. Қайрилиб қарасангиз, камида ўнта бола бош бармоғини диккайтириб турган бўлади. Урган болани топиб, бармоғини ушласангиз, ўрнингизга ўзи туриб, калтак ейди. Тополмасангиз, ўзингиздан кўринг!

Абдували кўпинча ғирромлик қилади. Тўғри топсангиз ҳам, «мен урмадим», деб тураверади. Болалар ундан кўрқади. Биринчидан, ҳаммамиздан каттароқ. Иккинчидан, «туя» амакининг дўкони яқин! Бир нима десангиз, дадамга айтиб берман, сочингни оғритиб олади, деб кўрқитади.

... Бугун ҳам ғирромлик қилган эди, боладим. Ҳеч кимдан кўрқмайдиган Абдувалини мен йиғлатдим.

Мактабдан келиб, чой ичишим билан ойим ялинди.

– Музаффар, жон болам, қорнинг тўйган бўлса укангни ўйнатиб кел. Биқиним оғриб кетяпти. Бирпас чўзилай...

Ойимнинг биқини тез-тез оғриб туради. Ўшанақа пайтда кўзига ҳеч нима кўринмайди, икки букчайиб қолади. «Қора аммам»нинг айтишига қараганда, уруш пайтида ойимни Алвасти кўприк тагида ажина чалган экан. Ўшандан бери ўқтин-ўқтин биқини оғрийдиган бўлиб қолган. Ажина чалганига ўн йилдан ошиб кетган бўлсаям ҳалигача асорати қолганмиш.

Ойим, укангни ўйнат, дейдию мен йўқ дермидим? Жон дейман-да! Омонни ўйнатиш дегани ўзимнинг ўйнаганим эмасми? Кўчага қочишга баҳона тополмай турибман-ку!

Ҳужрага югуриб кириб, эски сандал орқасига яшириб қўйган ланкамни топдим. Куз охирлаб, салқин тушгандан бери ланка тепиш ўйин бўлган. Биламан. Абдувалидаям ланка бор. Бир эмас – учта. Аммо уники эчки пўстагидан. Эчкининг ланкаси яхши учмайди, жуни қийшиқ. Меники қўйнинг терисидан. Ҳов ўшанда Омоннинг бешик тўйига сўйилган қўйнинг пўстагидан ойимга билдирмай қирқиб олиб, ланка ясаганман. Жуни узун. Тагига бир эмас, иккита уч тийинлик чақани сақич эритиб ёпиштирганман.

Укамни кўтариб, Абдувалиларникига бордим. Чўнтакда – ланка! Абдувалиям жон деб турган экан. Долонида роса ланка тепдик. Омон яхши бола-да! Йўлак бурчагига, эски намаат устига ўтқизиб қўйган эдим, йиғламадиям. Фақат битта айби борда! Орқаси билан секин-секин сурилиб девор тагига боради-ю, кесак ушатиб дарров оғзига тикади.

Билинтирмасдан еб олади. Лаби лой бўлганидан сезиб қоламан. Бугун ҳам икки марта кўлидан да-накдек-данадек кесакни олиб ташладим. Шунда-ям йиғламади. Лой босган тилини чиқариб, кем-шик тишларини кўрсатиб илжайиб қўйди.

Ўйин айна қизиганда, Абдували яна фирромлик қилди. «Малай» бўлиб ланкани ташлаб бораётган эди. Ланкани қийшайтириброқ отганди, таги кўч-ган этигим билан тепдим. Ланка узоқ кетмади.

– Тегмади! – деди Абдували чапак чалиб. – Тег-мади, галинг ўтди!

– Тегди-ку! – Аламимдан чийиллаб юбордим. – Ана, нарига тушди-ку!

– Тегмади. Галинг ўтди. Бошқатдан ўйнаймиз! Алам қилиб кетди.

– Тегди-ку! – дедим бақариб. – Тегди-ку!

– Тегмади! Тегмади! – Абдували энгашиб ланка-ни олмоқчи эди, елкасидан итариб юбордим.

– ўирром! Сарикмашак!

Абдувалининг сап-сариқ сочлари ҳурпайиб кет-ди. Ланкани юлқиб олиб, бир отган эди, йўлак бур-чагида ўйнаб ўтирган Омоннинг бошига тегди. Укам чириллаб йиғлаб юборди.

– Укамни нега урасан? – дедим бақариб. – Нега урдинг?

– Етти қорин! Етти қорин! Ажаб қилдим! Баттар бўлсин!

Аламимга чидолмай қолдим. Чирқиллаб йиғла-ётган укамга раҳмим келиб кетди. Абдувалининг юзига мушт туширдим. Ўрта бармоғим шунақан-ги сирқиллаб оғридики, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Аммо Абдували юзини икки кўллаб чангал-лаганча «Ойи!» деб чинқариб юборганини кўрган заҳоти кўлимнинг оғриғини унутдим.

– Ойи! – деди Абдували инграб. Бурни қонаб кетди.

Ҳовли томондан ойисининг жаҳддор овози келди.

– Отасининг молини талашадими булар-а? Қараб кўр, Мавлу!

Қўрқиб кетдим. Ланкани ҳам ташлаб, йиғлаб ўтирган укамни кўтараётган эдим, Абдувалининг Мавлуда опаси чошиб келди.

– Нега урасан, укамни, башаранг қургур! – деди сариқ юзи қип-қизариб.

Йиғлаётган Омонни кўтариб оларканман, баланд келдим.

– Нега ўзи укамни уради?

– Шу сенинг укангми, оғзингдан қонинг келгур!

– Мавлуда дағдаға билан устимга бостириб келди.

– Ўғай укангга жонинг шунчалик ачидими, етимча – етти кулча! Тур йўқол!

Омонни кўтарганча кўчага югурдим. Мавлуда бурнидан қон оқиб йиғлаётган Абдувалининг бошига борди.

– Шу шумқадамдан бошқа ўртоқ қуриб қолганми, жувонмарг! – деб укасининг бошига муштлаганини узоқдан кўриб қолдим.

Уйга келгунимча Омон овуниб қолди. Қулоғимни чўзфилаганча оғзидан сўлак сачратиб «дзз» деб ўзича «ашула» айтишга тушди. Мени от, қулоғимни жилов деб ўйласа керак-да.

Мавлуда опа мени нимага «етимча» деди? Э, гапиравермайдими? Укасини урганим алам қилган-да? Яхши бўлди. Абдували энди фирромлик қилмайди. Фақат ланкам қолиб кетгани чатоқ бўлди-да. Қўлим ачишиб оғрияпти. Бари бир, ойимга айтмайман. Уришганимни эшитса хафа бўлади.

Уйга кирсам, ойим аzza-баzza кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Авваллари биқини оғриганида бир-икки кун инқиллаб юрарди-ю, бунақа ўралиб ётмасди.

Қўрқиб кетдим. Ёнига Омонни қўйишим билан ойимга тармашди.

– Жим, – дедим қўлидан тортиб. – Уйғотиб юборасан!

Омон гапга тушунармиди? Йиғлаб юборди.

Ойим дарров кўзини очди. Терлаб кетибди. Кўрпадан қўлини чиқариб, Омонни бағрига босди. Бир қўли билан бошимни силаган эди, пешонамга чўғ теккандек бўлди.

– Нима қилди? – дедим юрагим увишиб.

– Ҳеч нима қилмайди, болам! – У жилмайишга уринди. – Буйрагим оғрияпти. Ҳозир... – деди-да, қаддини ростламоқчи эди, оғриқдан юзи буришиб кетди. – Майли, – деди инграб. – Ҳозир ўтиб кетади.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

Алвасти

Жуда меҳрибон-да, шу болам! Омон-ку, ҳали кичкина. Энди йўлга кирай деяпти, ниманиям биларди. Музаффарим бошқача! Их десам бошимдан кетмай, ўтириб олади. Мана, ҳозир ҳам йиғлаб юборай деяпти. Нима қиламан, болани кўрқитиб? Ойим келиб қолса яхши бўларди. Ҳайронман, анчадан бери дараги йўқ. Ҳали дадаси келса Нўғай-қўрғонга жўнатмасам бўлмайди, шекилли. Туриш керак. Чўзилиб ётгандан нима фойда? Энди оғриётгани йўқ-ку, буйрагим! Эски дард. Қанча бўлди ўзи? Ўн йилдан ошдими? Тузалиб кетган эди-ку, нима бало! Омон туғилганидан бери қайтадан ёпишди. Ўшанда трактор тутқичи тепгани баҳона шунақа оғир касалга чалиниб қолишимни билмаган эдим. Бўлмаса Комил табиб қанча уринди.

Жала қуйиб турган, Раъно келинойимнинг уйдан Олимжон иккаламиз чиқиб кетган ўша кечада Комил табиб «зиёни йўқ, икки-уч ҳафтада сан кўрман кўр бўлиб кетадилар», деганида адашган экан. Икки ҳафта эмас, бир ойдан ортиқ ётиб қолдим.

Кунлар илиб, далада иш қизиб кетган, уйда ётишга ийманардим. Башор опа беш-олти марта келиб хабар олди. «Обдан тузалмагунча ёта тур, иш бўлса, ўзимиздан ортмас», деб тайинлади.

Қизиқ, сўфи азон айтмасдан одамларнинг эшигини қамчи билан савалайдиган Умар закунчи бизнинг дарвозага келмай қўйди. Буни, ҳатто ойим ҳам сезди.

– Нечук Закунчининг қадами узилди, Худо юзини тескари қилгани рост бўлсин.

Айби бўйнида бўлганидан кейин келмайди-да! Ойим Закунчини гапириши билан Раъно келинойим кўз ўнгимга келди. Қандоқ яхши кўрардим. Келинойимга ўхшашни қандай ҳавас қилардим. Наҳотки шундоқ жувон... Қандай шармандалик! Закунчиям, янгам ҳам Робия гийбат қилади, деб чўчиб юргани аниқ! Сатқай гапим кетсин! Олимжонга қойилман. Комил табиб дори-дармон олиб шунча марта келганида бир офиз гап очмади. Бундан чиқди, Олимжон ҳеч нима демаган!

Биқинимни чангаллаб бир ой тўшакда ётганимда иккита воқеа бўлди. Биттаси қувончли, биттаси қайғули.

Қувончлисиди шу бўлдики, бир куни Холпош хола товоқда сумалак кўтариб чиқиб қолди. Бобом билан ойим далада эди. Қиш бўйи ердек ётган холанинг ранги жойига келиб қолганини кўриб, севиhib кетдим. Ойим икки гапнинг бирида «овсиним-

нинг аҳволи оғир, болаларининг гамида адои та-
мом бўлди», деб юрганидан хавотирда эдим. Йўқ,
бинойидек тузалиб қопти.

– Ўз қўлим билан қилдим, қизим! – деди сума-
лакни ёстигим олдига қўйиб. – Азбаройи шифо,
деб еб ол! Даво бўлади.

У сумалак ялашимни бирпас томоша қилиб
ўтирдида, кўзларида умид ёниб, хўрсинди.

– Оғача фолбинга борувдим «йўл кўрдим», дей-
ди. Қайси бирилигини билмайману, аммо битта ўф-
лингиз тирик, эрта-индин ё ўзи келади, ё хабари
дейди. – У бир зум жимиб қолди-да, қўшиб қўйди.
– Шунисигаям шукур. Зора чолим айтгандай кан-
туз бўлгани рост бўлса.

– Иккалалариям тирик, – дедим юпатиб. – Шо-
кир акам ҳам, Зокир акам ҳам...

– Биттаси келсаям майлийди...

Холпош хола гапиряпти-ю, Кимсан акамни ўй-
лайман.

Уч ойдан ошди. На хат бор, на хабар.

Касал бўлган кунимнинг учинчи ҳафталари ше-
килли... Пешинда ойим эшикдан қути ўчиб кириб
келди.

– Қуда холанг омонатини топширибди, – деди
йиғламсираб. – Келиним бечорага жабр бўлди.

Ростини айтсам, Раъно келинойимга юрагим ачи-
ди. Ҳоли нима кечади энди? Баттар қийналмайди-
ми? Балки янгамда айб йўқдир. Балки анави Закун-
чи қўрқитиб шу йўлга солгандир. Бунақа одамдан
ҳар нарсани кутса бўлади. Шўрлик келинойим!

... Эрталаб бобом ишга кетаётиб, тайинлади.

– Кечқурун табибникига бор. Янги дори тайёр-
лаб қўйганмиш. Ё ойинг оборсинми?

Йўғе, ўлар энди, ойимниям овора қилсам. Туп-
па-тузук юрадиган бўлиб қолдим-ку! Битта-битта
юриб, ўзим боравераман.

Кўчага биринчи чиқишим эди. Ажаб, бир ой ичида ҳамма ёқ шунчалик ўзгариб кетибди!

Кўчанинг икки четидаги мирзатераклар ям-яшил япроқ чиқарибди. Ўтиб қолмасимдан илгари у ер-бу ерда битта-яримта ўриклар энди гунчалаган эди. Ҳозир бўлса пастак деворлар ортидан мўра-лаб турган олмалар қийғос гулга кирибди. Бири оқ, бири напармон рўмол ёпинган келинчақлар-дек шодумон сузилади. Ҳатто Бўрижар бўйидаги кўҳна қамишзор ҳам кўкламнинг яшил бўёғидан бенасиб қолмабди.

Алвасти кўприкка яқин келганимда чарчаганим билинди. Ўнг биқинимда яна санчиқ туриб, терлаб кетдим. Нимчамни ечиб қўлимга олганча, битта-битта юриб, кўприк устига чиқдим. Темир йўл қуёшнинг сўнгги нурларида ялтираб ётар, олисда, Кўтарма томонда молларнинг маъраши эшитилар, ёнғоқзор ортидан нимтатир тутун кўтарилар эди.

Тағин жар бўйига тушдиму ёлғизоёқ сўқмоқдан юриб кетдим. Тоққа жала қуйган бўлса керак. Бўрижар лойқаланиб аввалгидан ҳам даҳшатлироқ гувиллар, тор кўприк остига кириб кетар эди.

Ажаб! Авваллари Алвасти кўприкдан ўтиш деса юрагим безилларди. Ҳозир қўрқиш хаёлимга ҳам келмади. Ўша кун Раъно янгамникида кўрган даҳшат олдида Алвасти кўприк нима бўпти? Бўлди! Энди мен ёш бола эмасман. Дунёда шунақа ваҳималар борки, қаршисида мингта алвасти ип эшолмайди! Ке, қўй! Ҳар ким қилса ўзига қилади. Бари бир, қийин бўлгандан Раъно келинойимга жабр бўлди. У ёқда онаси ўлган бўлса, бу ёқда анави Зақунчи тинч қўймаса! Булар-ку майли, Шомурод тоғамда нима гуноҳ? Эшитса ажалидан беш кун бурун ўлмайдими?

Ана, наъматак ҳам гуллабди. Сўқмоқ четида, шундоқ жар бўйида сувга мўралаб турган очпушти гуллар орасида бултурдан қолган йирик-йирик наъматак донлари кўзга чалинади. Ҳеч ким териб олмагани учун кўплари ерга тўкилган, шода сақланиб қолганлари эса қиш бўйи қор остида ётгани учун қорайиб жигарранг тусга кирган. Лекин бултурги мевасидан кўра бу йилги гул кўпроқ.

Ўша куни Олимжон билан ўтириб дам олган дўнгликка етгунча нафасим оғзимга тикилиб қолди. Ичимда тагин олов ёна бошлади.

Дўнгликка тикилиб узоқ туриб қолдим. Ўшанда бу ерда яккам-дуккам майсалардан бўлак нарса йўқ эди. Ҳозирчи? Дўнгликни тизза бўйи ўт қоплабди. Ёввойи саримсоқлар бош чиқарибди. Атрофда қизғалдоқлар ловуллаб ётибди. Худди биров ёқут парчаларини сочиб ташлагандек. Бир ойда шунча ўзгариш! Бу – қадим дунёнинг одамлар билан нима иши бор! Баҳор келаверади, қизғалдоқлар очилаверади, Бўрижар шовуллайверади. Одамлар эса келадю кетади. Дунё ўткинчи деймиз. Йўқ, дунё эмас, биз ўткинчимиз. Баҳор бир айланиб келгунча биров туғилади, биров ўлади. Биров-бировни яхши кўради. Биров-бировнинг кўзига чўп солади...

Эрталаб ойим далага чиқиб кетаётганида тайинлаган эди:

– Жон болам, табибникига борсанг, Кўтармага ўтиб, Раъно келинойингдан хабар олиб кел. Қон йиғлаб ўтиргандир келиним бечора. Сўраб кўр, тоғангдан хат бормикин? Ўзим борай десам, даладан бери келмайман.

Шўрлик ойим! Укасининг бошига не кунлар тушганини билса эди! Мабодо тоғам урушдан тўрт мучаси соғ қайтганида ҳам турмуши турмуш бўладими энди?

Бормайман янгамникига! Онангиз қазо қилиб, бошингизга кулфат тушибди, кечирасиз, ўша кунги гапимни қайтиб олдим, дейманми! Қайтиб оламанми-йўқми, тоғамга нима дахли бор? Бари бир, кўнглим қолган одамнинг олдида илжайиб туриш қўлимдан келмайди!

Комил амакиникига кириб борганимда намозшом бўлиб қолган эди. Дўппидек тор ҳовли, бир уй, бир айвон. Бурчакда яна бир пастак ҳужра. Каталак деразаларининг синган кўзига хитой қоғоз ёпиштириб қўйилибди. Ҳовли ўртасида, гулини тўка бошлаган бир туп гилосга ўралашиб кетган аймақчи ток остида тахталари лопиллаб турган эски сўри. Сўри ёнида темирлари занглаган сим каравот. Каравот устига эчки пўстаги ёзиб қўйилибди.

Қушбурун Лазакат хола айланиб-ўргилиб кўришди. Уйга судраган эди, кўнмадим. У сўри устидаги қирқ-ямоқ бўлиб кетган, аммо озода кўрпачани шоша-пиша қоқиб, ўгирди-да, тескарисини ёзди.

Қўй маъради. Қарасам иккита кўзичоқ молхонанинг пастак эшигидан ҳовлига мўралаб турибди.

– Бизниям ярлақайдиган кун бор экан, Робияхон! – деди Лазакат хола дастурхонга бир чойнак чой, зоғора келтириб қўяркан. – Совлиқ жонивор иккита тугди! Ҳов ўша сиз касал бўлиб қолган кечангиз... Дадаси айтдилар. Кўчқорни семиртириб турадиган бўлдик. Очилбой яна битта орден олса, командири отпуска бераркан. Келиши билан тўй қиламиз. Силани сигир ҳам эрта-индин...

– Қайдам, – дедим кийик ўт солинган чойдан ҳўплаб. – Ҳали бор шекилли.

– Ажабмас, оғзинглар оқариб қолса. – У ёнимга чўккалади. – Олинг, айланай, зоғорадан олинг. Эрталаб ёпувдим. Кимсанбойдан хабар борми?

Индамай бош чайқадим.

– Кимсанбой келиши билан тўйни бошлаб юбораверинглар. Бизлар ҳам унашиб қўйдик. Қаъни томонда яхши қиз бор экан. Очилбой отпусмага келса дарров тўй қиламиз. Бир ҳафта турсаям майли. Ҳарна тўй кўриб қолганимиз, ўргилай.

Наҳотки у бизникига совчиликка бориб, қуруқ қайтганини унутган бўлса? Ахир шундоқ қаҳрамон ўғлининг «шоҳини синдирган» мен эдим-ку! Нимага бу хотин шунчалик юрагини очиб гапиряпти? Ў, «кўриб қўй, сен бўлмасанг бошқалар бор, қиз зотининг уруғига қирон келганмас», демоқчими?

Йўқ, унинг гап оҳангида истеҳзо йўқ эди.

– Олимжон қани? – дедим гапни буриб.

– Вой, у даладан бери келармиди! Зўраҳонга қарашяпти. Кечаси билан қолиб кетади. Зўраҳон туппа-тузук трактирчи бўп қолди, айланай. Аммо Олимжон сизни жуда соғинган. Қайси куни бир кеча ётиб кетди. Нуқул дадасига хархаша қилади. «Опамни тезроқ тузатинг, опам билан ишлагим келяпти», дейди.

– Менам соғиндим!

– Шукур, мана, оёққа туриб кетибсиз-ку. Ие, ана дадаси келдилар, – Лазакат хола шошилиб сўридан тушди. Эшикдан кириб келаётган табиб томонга югурди. Худди бир ой кўришмагандек, эри билан қуюқ сўрашди.

– Ассалому алайкум, дадаси, яхши келдингизми? Чарчамадингизми?

Табиб Лазакат хола сув қуяётган обдастага қўл тутаркан, менинг саломимга алик олди. Шошилмасдан юз-қўлини, қулоқларининг орқасини ишқалаб ювди. Ҳафсала билан артинди.

– Тузукмисиз, қизим? – деди кўзимга тикилиб. – Қани, юринг-чи. Чироқ обкелинг, онаси!

Кетма-кет юриб нимқоронғи хужрага кирдик. Лазакат хола зум ўтмай муштдеккина бешинчи лампани ёқиб келди, дераза токчасига қўйди. Хужра вассажуфтларига гултожихўрозу исириқ, шода-шода гармдори, жўхори сўталари, сариқ «бошоғриғи» ўтлар, яна аллақандай мен билмайдиган қовжираб қолган кўкатлар илиб қўйилган, хона ичи зах, ҳавоси оғир, ерга эски, аммо тоза намат ташланган эди.

Табиб хитой қоғоз ёпиштирилган дераза олдида узоқ туриб қолди. У нимқоронғи ҳовлидан кўзи билан бир нима излагандек қилт этмас, чамаси, бу ерга нима учун кирганини унутиб қўйганга ўхшар эди. Чироқнинг хира ёғдусида сийрак соқолли юзи ўйчан, хомуш кўринарди.

Тураверишимни ҳам, чиқиб кетишни ҳам билмай, секин йўталиб қўйдим. Табиб чўчиб уйғонган одамдек ярқ этиб менга қаради.

– А? – деди паришонлик билан. – Тузукмисиз энди, қизим? – Ерга чўккалаганча оғзи бўғиқ халталарни бир-бир ушлаб чиқди. – Оғриқ қолдими? – деди менга қарамай.

– Раҳмат, дорингиз яхши экан.

– Буйрак сал шикастланган. Жигарни шишгани беэён – насиб этса ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасиз. – У халтачаларни очиб, турли-туман дорилардан бир чимдим-бир чимдим чимчилаб олди-да, сарғайиб кетган қоғозларга алоҳида-алоҳида ўради. – Шулардан кунига уч маҳал ичиб турсиз. Тагин бир ҳафта, – деди ерга қараб. – Билман, уйингизда товуқ йўқ, иложи бўлса, Оқсоқолдан битта товуқ олиб, шўрвасини ичинг. Нимада олиб кетасиз буни?

Дориларни олиб кетишга ҳеч нима обкелмаганим эсимга тушиб, хижолат бўлдим.

– Зиёни йўқ! – У кашнич уруғига ўхшаш аллақандай сарғиш доналарни қоғозга тўкиб, халтачасини бўшатди-да, қоғозга ўроғлиқ дориларни ўша халтачага солди.

– Мана! – деди кўзимга қарамай.

Хужра эшиги ғийқилиб очилди.

– Лавлаги совуб қолади. – деди Лазакат хола куйманиб. – Иссиғида еб ола қолинглар.

– Одамни ўз ҳолига қўясанми-йўқми, а?

Умрида ҳеч кимни сенсирарамаган табибнинг шу қадар жаҳл билан ҳайқаришидан чўчиб тушдим. Чамаси Лазакат хола ҳам чолидан ҳеч қачон бундай муомала эшитмаган бўлса керак, ҳайратдан оғзи очилиб қолди.

– Вой, сизга нима бўлди? – деди овози титраб.

Табиб «чиқиб кет» дегандек юзини ўгирди. Эшик ғийқиллаб ёпилиши билан халтачани менга узатди.

– Боғичини билагингиздан ўтказиб олсангиз, тўкилмайди.

Беихтиёр табиб айтганини қилдим. Боғични билагимга илишим билан халтачанинг оғзи қисилиб, ёпилиб қолди. Эшик бандига энди қўл чўзган эдим, хўрсинди.

– Шошманг, – деди юзимга қарамай.

Турган жойимда тўхтаб қолдим.

– Очилбойни танирдингиз-а? – деди у тўсатдан.

Индамадим. Нима дей? Ҳа, танирдим. Совчи юборган. Йўқ, деганман. Шу билан нима бўпти! Шошма! Нимага «танийсиз» эмас, «танирдингиз» деяпти?!

– Қизим! – У ўтирган жойида секин бошини кўтарди. Сийрак соқоли титраб, хира чироқ нурида жиққа ёшга тўлган кўзлари ялтирарди. – Жон қизим, – деди инграб. – Ўғлимни сизга кўнгли бор

эди... Айрилиб қолдим! – У ўкириб юбормаслик учун кафти билан оғзини тўсди. – Беш кун бўлди, – деди йиғидан нафаси қайтиб. – Сельсоветга чиқиб «қоракхат»ини олиб келдим. Онаси бўлса ўғлим отпусмага келаркан, деб хурсанд бўлиб юрибди. Келса тўй қиламан дейди. – У титроқ қўллари билан кўз ёшини артди. Каловланиб ўрнидан турди. – Онаси эшитмасин! – деди овозини пасайтириб. – Эрта-индин ётиғи билан ўзим тушунтираман. – Шундай деди-ю, ич-ичидан яна йиғи бўғиб келди шекилли, кафти билан юзини чангаллади. – Олимжон, акам келса орденини тақаман деб суюниб юрибди.

Ҳамон эшик олдида ҳайкалдек қотиб турар, нима қилишни, нима дейишни билмасдим.

– Қизим! – У титраб кетаётган бармоқлари билан ўзининг оғзини тўсди. – Шундоқ доно боламдан жудо бўлдим, қизим!

У гандираклаб, ҳужра бурчагига, чакка сизиб узун-узун из қолдирган девор тагидаги эски қути олдига бориб чўккалади. Қутининг қулфи йўқ, аммо темир илгаги занглаб ёпишиб қолган экан. Табиб ингичка бармоқларини илгак остига тикиб, чираниб силтаган эди, ҳалқа тарақлаб очилди. У қути қопқоғини кўтардида, узоқ тимирскиланди. Охири излаган нарсасини топди шекилли, қопқоқни ёпди. Чўккалаб ўтирганча бурилиб қаради. Энди у йиғламас, лекин синиқиб кетган юзида икки томчи ёш милтираб турарди.

– Мана, – деди мактаб болаларининг кўкиштоб муқовали дафтарини узатиб. – Олаверинг! Шу – сизники! Ўғлим айтгандики, – у овози титраб, юзини ўтирди, – айтгандики, агар ўлсам, шуни Робияга бериб қўясиз, деганди. Нима ёзилганини билмайман. Боламнинг тўйини кўрмадим. Ақалли, васиятини бажо келтирай...

Табибнинг титраб турган қўлидан дафтарни қандай олганим, қандай қилиб ташқарига отилганим эсимда йўқ.

* * *

Бир қўлимда мактаб болаларининг дафтари, бир қўлимнинг билагига илинган дори халтача билан ёнғоқзор орасига кирганимда қоронғи қуюқлашиб кетган, ҳамма ёқ жимжит эди. Фақат пастда Бўрижар бўғиқ шовуллайди, Кўтарма томонда итлар акиллагани қулоққа чалинади.

Табибнинг кўз ёшини шоша-пиша артганича айтган гапи қулоғимдан кетмасди. «Ўғлим сизни яхши кўрарди... Тўйини кўрмадим, ақалли васиятини бажо келтирай!»

Нима бу? Хатми? Бултур Рашид абзининг мўрчасидан қайтаётганимизда қўлимга тутқазган хатнинг давомими?

Кучала чиқарган ёнғоқлар орасидан хира ой мўраллади. Яйдоқроқ жойда тўхтаб, дафтарни очиб кўрдим. Ойнинг ўлимтик ёғдусида ҳеч нимани ўқий олмадим. Фақат билдимки, бу хат эмас, шеър экан! Текис, чиройли ҳуснихат билан ёзилган шеърлар! Биринчи варақдаги йирик-йирик ҳарфлар билан ёзилган сарлавҳа ойнинг хира ёруғида ҳам аниқ кўриниб турарди: «Робияга».

Дафтарни ёпиб ёнғоқзор оралаб секин-секин юриб кетдим. Ёмғир остида кўзойнагини йилтиратганча, «яхши кўриш айб эмас-ку», деб аянчли жилмаяётган Очил ака тагин кўз ўнгимга келиб туриб олди. Тўғри, яхши кўриш айб эмас. Аммо менда нима гуноҳ?! Мен бошқа одамни яхши кўраман-ку! Дунё нимага шунақа? Биров сенга зор, сен бошқасига...

Хаёл билан кетаётган эканман, Алвасти кўприк томондан ғалати, ёввойи товуш эшитилди. Ҳали –

табибникига кетаётганимда Алвасти кўприкдан қилча ҳам кўрқмаганимга ўзим севинган эдим. Рост-да, нимасидан кўрқай! Жин-ажина, бало-баттарлар ҳаммаси уйдирма гап! Ўзимни қўлга олиб, дафтарни қаттиқроқ чангаллаганча уч-тўрт қадам юрган эдим, бояги мудҳиш товуш яна қайтарилди. Бу сафар аниқ эшитдим. Кўприк тагида биров инграяпти! Турган жойимда карахт бўлиб қолдим. Гарданим қотиб, тилим музлаб кетгандай бўлди. Кўприк тагига кириб кетаётган сувнинг муттасил шовуллаши орасида алакимнинг қисқа аммо қаттиқ инграгани яна бир марта қулоғимга кирди.

Чинқириб юборганимни бутун дунё эшитди, деб ўйлаган эдим. Йўқ, овозим чиқмаган экан. Тор сўқмоқдан орқага – ёнғоқзор томонга қочмоқчи эдим, оёғим чалишиб йиқилиб тушдим. Икки тирсагим заранг ерга қаттиқ урилди, лекин оғриқ сезмадим. Бир оёғим жарга тушиб кетаётганини пайқадиму жонҳолатда сўқмоқ четидаги наъматакка ёпишдим. Кафтгимга тикан кириб жизиллатгани, биқинимда тагин санчиқ пайдо бўлганини элас-элас ҳис этиб, сўқмоққа чиқиб олдим. Билагимга чизимча билан илиб олган дори халта ҳамон қўлимда турар, Очил аканинг дафтари эса анча нарига – ўтлар устига отилиб кетган, варақлари очилиб, хира ойдинда оқариб кўринарди. Дафтарни шоша-пиша юлқиб олаётганимда бояги овоз яна такрорланди. Бироқ бу сафар «доглаётган» нарса одам эмас, от эканини тушундим. Кўнглимга илиқлик югурди. От кишнаяпти-ку! Бундан чиқди шу атрофда қандайдир от ўтлаб юрибди. Ваҳимам курсин! Шунақа-ку, товуши нега кўприк остидан келади? Кўприк тагида от нима қилади?

Қаддимни ростлаб, синчиклаб қараган эдим, тик соҳилдан пишқириб-пишқириб чиқиб келаётган отнинг қулоғи, кейин боши кўринди.

– Чу, ҳаром ўлгур! – деган овоз эшитилди.

Овоз танишдек эди. Зум ўтмай нўхтадан чангаллаган кўйи жар бўйидан сўқмоққа чиқиб келаётган одам ғира-шира кўринди. Энди орқага югурмоқчи бўлиб турганимда чақмоқ телпагидан таниб қолдим. Умар закунчи-ку! Қизиқ, кун исиб кетган-ку, ҳалиям чақмоқ телпагини бошидан ечмайди. Шуям мансаб бўптию! Майли, нима бўлгандаям бегона эмас-ку! От менинг шарпамни узоқдан сезиб таққа тўхтади. Бошини силкитиб, нолали кишнаб юборди.

– Э, ўла! – Закунчи жиловни силтаб тортди. Сувлиқ шиқирлаб кетди. Ўша заҳоти менга кўзи тушди-да, таҳдидли оҳангда бақирди.

– Ким у бемаҳалда юрган?!

– Мен, – дедим овозимдаги титроқни босишга уриниб. – Табибникидан келяпман.

Закунчи от жиловини тутганча яқин келди. От ҳамон безовталаниб бошини силкитар, ер тепинар эди. Йўлим тўсилгани учун рўпарада туриб қолдим.

– Ҳа-а, сизми? – Закунчи қоронғида яна бир марта синчиклаб кўриб олмоқчидай, бошдан-оёқ қараб чиқди. – Далада кўринмай қолдингиз, ўртоқ тракторчи?

– Касал эдим, – деди дори халтани кўрсатиб. – Табибникидан дори олиб келяпман.

– Шундоқ денг... Қани, юринг-чи, – отини етаклаганча устимга бостириб келаётган Закунчидан четланай десам йўл тор, чап томон жар, ўнг томонда қалин наъматаклар чакалак бўлиб ётибди. Беихтиёр орқага тисарилар эканман, қўрқа-писа сўрадим:

– Қаёққа?

– Тик оёқда туриб гаплашмайди-ку, одам. Шундан бошқа жой қуриб кетганми? – У отнинг жило-

вини жаҳд билан силтади. – Юр-е, падарингга лаънат! Суғорса сув ичмайди, юрса тихирлик қилади. Нима жин теккан бунга!

Олдинма-кейин ортга қайтиб, дўнгликка етдик. Дўнглик орқасидаги сайҳон майдончада ҳали ўзим кўрган қизғалдоқлар ойнинг нимтатир нурида қорайиб қолганга ўхшарди.

– Шошманг, – деди у от жиловини наъматак шохига боғлар экан. Қўлига тикан кирди шекилли, «иҳ» деб бармоғини оғзига тикди. – Падарингга қусур... – Худди жони оғригани учун мен айбдордек ўдағайлади. – Ўтирсангиз-чи! Нимага қаққайиб турибсиз!

Қизиқ, нимага энди ўтиришим керак экан?

– Зақунни биласизми, ўртоқ тракторчи! – У қамчисини саланглатиб яқин келди. – Ўттиз бир кундан бери далага чиқмаяпсиз! Ҳарбий замон қонунига биноан ишга ўн бир минут кеч қолган одам қамалишини биласизми?

Юрагим шувиллаб кетди. Қаматса қаматадиям. Раис, зақунчи... Қўлидан келади!

– Нима қилай? – дедим эсанкираб. – Трактор тегиб юборди. Бугун... энди кўчага чиқдим, ўзим...

– Справка қани? – У шундай шиддат билан бошини силкитдики, ўткир кўзлари қоронғида ёниб кетгандай бўлди. – Қоғоз борми?!

– Қанақа қоғоз? Мен табибга кўрсатдим.

– Табиб эмиш... – У майсалар устига чордана қуриб ўтирди. Қамчинни ерга ташлади. – Табибингиз Комилми? Дўхтирмас, афирист у.

Баттар довдираб қолдим. Бир вақтлар Оқсоқолнинг бувамга айтган гапи эсимга тушди. «Шу... Комилбойнинг қўли дард кўрмасин-да... Нақд праписир Слонимнинг ўзи тан берган, қўлига ҳужжат бериб қўйибди...» Шунга айтгим келди-ю, ансам қотди.

– Ўтиринг, – деди у ёнидан жой кўрсатиб.

Гапингиз бўлса айтаверинг, дегандек анча берида тик туравердим.

– Замон оғир, синглим, – тўсатдан овози маинлашди. Шимининг чўнтагига қўл суқиб, оппоқ, ялтироқ папирос қутисини олди. Папиросни бармоқлари билан эзғиларкан, қутини қирс этиб ёпди-да, ўтлар устига ташлади. Гугурт чертган эди, ҳорғин юзи, тартибли тарашланган мўйлови ярқ этиб кетди.

– Ўтиринг, гап бор, – деди менга қарамай.

Тўрт-беш қадам берига, ўтлар устига омонат чўккаладим. Ўша куни Раъно келинойимникида кўрганларим лоп этиб хаёлимга келди-ю, бирдан дадил тортдим. Қўрққан олдин мушт кўтарар қиляпти бу Зақунчи! Шошма! Нимага кўрқишим керак ундан?! Нимага қалтирашим керак?! Зақунчи бўлса ўзига! Раис бўлса ўзига! Аввал ўзини тийиб олсин!

– Ўша куни... – дедим атайлаб овозимни баланд қўйиб. – Ўша куни трактор тепганида юролмай қолганим учун тоғамникига борувдим. – «Тоғамникига» деган сўзниям жўрттага таъкидлаб айтдим. – Тоғамникида ётиб қолмоқчийдим. Сиз борлигингизни билмабман. Билсам кирмасдим.

Зақунчи ҳозир ярқ этиб қарайди, кўрқиб кетади, деб ўйлаган эдим. Қарамадиям, кўрқмадиям.

– Замон оғир... – деди ҳорғинлик билан. Папирос тутунини пуфлаб осмонга, хира ойга тикилиб қолди. – Қаҳрамонлик фақат урушда бўлмайди. Сиз билан менга ўхшаган колхозчиларнинг ҳар кунги меҳнатиям қаҳрамонлик. – У кўз қири билан мен томонга қараб қўйди. – Шунчалик касал бўпсиз, бир оғиз айтиш керак эди. Тошкентдан доктор чақирардик. Ҳар ким ўзини қуруққа обқочаверса, галабага қачон етамиз!

Наъматакка бойланган от ер тепиниб пишқирди. Зақунчи ярқ этиб ўша томонга қаради-да, тагин папиросни сўрди. Юзи, мўйлови ёришиб кетди.

Нимадир деб узиб олгим, Раъно келинойимни эслатиб, писанд қилгим келарди!

– Кеча тоғамдан хат олдик! – дедим ёлғон гапириб.

– Раъно яхши юрибдими деб сўрабдилар. Кеннойим тоғамни жудаям яхши кўради. Тоғам урушга кетаётганида оёғига осилиб йиғлаган. Ўзим кўрганман.

Қизиқ, бу гап ҳам таъсир қилмади. Бир зум жим ўтирди-да, шошилмай ўрнидан туриб, от олдига борди. «Тек, жонивор тек», деб эркалаб, ёлини силаб қўйди-да, қайтиб келди. Хотиржамлик билан ёнимга ўтирди. Дик этиб туриб кетаётган эдим, билагимдан тутди. Сесканиб кетдим.

– Қўйворинг! – дедим қўлимни тортиб.

– Қўрқманг, еб қўймайман. – У жойимга ўтқиздию ўша заҳоти қўлини тортди. Папиросни ютоқиб сўрди, ўйчан кўзлари, чимирилган қоши, мўйлови яна ёришиб кетди.

– Гап бундай! – деди бўғиқ овозда. – Сиз менга ҳадеб ўша янгангизни гапираверманг. Янгангиз менга ҳеч киммас. Иш билан боргандим. – Учида қип-қизил чўғ илиниб турган папирос қолдиргани ўт устига чертиб юборди, кескин ўгирилди. – Сенга уйланаман! – деди тўсатдан. – Эртага совчи юбораман. Дума чол жон-жон дейди. Ҳамма гап сенда қолган! Тушундингми?

«Нима? Нима деяпти бу алвасти?!»

Юрагим гурсиллаб урганча, ўрнимдан сапчиб турганимни биламан, ўша ондаёқ қўлимдан шундай куч билан силтаб тортдики, ўнг биқинимга найза санчилгандек инграган кўйи ёнбошимга ағдарилиб тушдим. Димоғимга қўланса ҳид урилди. Папирос аралаш ароқ ҳиди. Негадир Раъно

келинойимнинг хонтахтасида турган ичкилик шишаси, Закунчининг чақмоқ телпаги, бўйнини силаганча икки букилиб чирқиллаётган Олимжон кўз ўнгимга келди.

Тикандек мўйлови юзимга санчилиши билан биқинимнинг оғриғи ҳам, қўрқув ҳам аллақаяққа гойиб бўлди.

– Қоч! – дедим чинқириб. – Йўқол, ифлос!

– Робия! – У ҳансираб юз-кўзимдан ўпа бошладди. – Ҳар қадамимда мингга қиз! Сенга харидор бўлганимга суюнмайсанми, тентак!

Жирканиб кетдим. Димоғидан келаётган тамаки аралаш ичкилик ҳиди ҳам, ҳансираши ҳам, мўйлови ҳам газабимни келтирар, бутун вужудим қалтирар эди. Дафтар тутган қўлим билан юзига тарсакиладим. Бошидан чақмоқ телпаги учиб кетди. Аммо у қўйиб юбормас, кучли қўллари билан маҳкам қучоқлаб олган эди.

– Вой овсар! – деди энтикиб. – Мен сени зарга белаб қўяман, билдингми?! Кимсан, раиснинг эрка хотини бўласан, гўнг чангаллаб юрмайсан, тентак! Керак бўлса медаль олиб бераман, пошшонинг хотинидай малика бўлиб юрасан, тентак!

Ҳа! Раъно келинойим бекорга табелчи бўлмаган эканда! Эрининг кўзига чўп солиш эвазига! Ўзини сотиш эвазига!

Вокзалда юзимга термилганча «кутасан-а, менга кашта тикиб қўясан-а», деган Кимсан акам ярқ этиб кўз ўнгимга келдию... шунча куч қаёқдан пайдо бўлганини билмайман. Тиззамни букиб, дуч келган жойига тепдим. У бирдан бўшашиб ёнбошлаб қолди.

– Қанжиқ! – деди инграб. – Падарингга лаънат! Нега бунча осмондасан?

Югуриб борарканман, ҳамон билагимда дори халтача, бир қўлимда дафтар борлигини ҳис этиб

турардим. От боғланган наъматак ёнидан сўқмоққа отилдим. Ҳансираб нафас олар, биқиним санчар эди. Оғриқ шу қадар кучайиб кетдики, жар бўйида чўккалаганча ёнбошимни чангаллаб қолдим. Ўша сонияда бошим устида тағин ҳансираш эшитилди.

– Ё меники бўласан, ё жарга тепиб юбораман!

Тағин димоғимга қўланса ҳид урилди, юзимга тикандек мўйлови қадалди.

– Бахтинг очилганига хурсанд бўлсанг-чи! – деди у ҳарсиллаб.

Дафтар аралаш тарсакиламоқчи эдим, у қўлимни қайирди-да, дафтарни юлқиб, жарга улоқтирди.

– Бўлдими, – деди қоронғида хунук ишшайиб. – Келишдикми, энди... Овсар-ей!

Биқинимнинг оғриғи яна ғойиб бўлди.

Қўлимни қўйиб юборганидан фойдаланиб, сапчиб турдим-да, Алвасти кўприк томонга чопдим. Энди Раъно келинойиму тоғамни ҳам, ҳатто Кимсан акамни ҳам ўйламас, шу касофатдан қутулсам бўлди, деган нафратли хаёл олдинга – темир йўл томонга ундар эди. Кўприкка чиқиб олсам бас. Жуда бўлмаса разъездга қочиб бораман. Чироқ бор. Одамлар бор... Биқинимнинг санчишига ҳам, нафасим қайтиб кетаётганига ҳам парво қилмасдим.

Темир йўлнинг шағал кўтармасига етганда бутунлай силлам қуриди. Эмаклаб чиқиб боряпман, шағаллар шовуллаб пастга тўкилади. Худди тушида юролмай қолган одамга ўхшаб, ўрнимдан силжишга қийналаман.

Бир маҳал яна ўша омбирдек қўллар иккала оёғимдан маҳкам қисди. Ўгирилиб қарасам чўккалаб олганча оёғимдан чангаллаб ҳансираб турибди. Хира, иркит ой нурида қўзлари ваҳшат билан ёнар, тишлари гижирлар, мўйлови қийшайиб кетганга ўхшарди.

– Гап шу! – деди хириллаб. – Тарозига солма ўзингни! Ё менга хотин бўласан, ё ўласан!

Қўлимга қаёқдан тош илинганини билмайман. Пиёладек думалоқ тош!

– Қоч! – дедим титраб. – Қўйвор!

У қилт этмади. Негадир ҳиқиллаб кулди.

– Чертиб кўр-чи, душманнинг илонваччаси! Уруғаймоғинг билан қуритиб юбораман!

Лоп этиб дадам кўз ўнгимга келди. Қўй оғзидан чўп олмаган, одамларга маърифат тарқатишни ўйлаган, ҳамиша озода кийиниб юрадиган, майиздеккина мулойим дадам... Ўша кечаси сўхта-си совуқ кимсалар сўроқлаб келганида ҳам ўзини хотиржам тутган, «ўзингни асра, қизим», деган дадам... Тупроқди кўча, узоқлаб кетаётган машина чироқлари, бошимга эгилиб елкамни силаган Кимсан акам... Дадамни шулар қаматди! Шунинг тоғаси қаматди! Анави сўгалли рўдаполар қаматди! Овозим борича чинқирдим:

– Қўйвор! Ўлдираман!

– Авлод-аждодинг билан турмада чиритаман, унсурнинг боласи! – деди у вишиллаб. – Мен кимману сен кимсан?

Кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. Кейин нима қилганимни билмай қолдим. Шуниси эсимдаки, қўлимдаги тошни кучим борича отдим. Ўша заҳоти қулоғимга даҳшатли чинқириқ кирди.

– Единг, илон! Оҳҳ!

Оёғимни омбирдек қисган қўллар бир зумда бўшашди. Кейинги лаҳзада Зақунчиннинг пешонасини чангаллаган кўйи оҳ чекиб ёнбошига йиқилганини кўрдиму даҳшатдан додлаб юбордим.

Шағал устида ўтирган кўйи оёқ-қўлимни тирлатиб орқага-юқорига талпинардим. Ҳарчанд уринмай ўрнимдан силжий олмасдим. Шағаллар

шовуллаб пастга тўкилар, бошини чангаллаганча гужанак бўлиб тўлганиб ётган Закунчи устига ёғилар эди.

Охири эмаклаб кетдим. Ниҳоят қўлларим аввал шпалларга, кейин темир изларга ёпишди. Қизиқ, негадир темир йўлнинг илиқ излари титраб турар эди. Билмадим, балки ўзим титраганим учун шунақа туюлгандир. Бир маҳал кўзимга ёрқин чиरोқ урилди. Паровоз гупиллагани, чинқироқ гудок эшитилди. Яқинлашиб қолган поездни энди кўрдим. Паровоз фарёд солиб яна гудок чалди. Изларни чангаллаб олган қўлимни тортиб, ўзимни пастга ташлаган заҳотим гилдираклар кўприкка урилиб қаттиқ гулдиради. Димоғимга самовар дудининг ҳиди урилди. Анчагача қулоқни қоматга келтирадиган тақа-туқ, тақа-туқ садолари эшитилиб турди-да, ниҳоят ҳамма ёқ тинчиб қолди. Бўрижарнинг шовуллаши аниқроқ эшитила бошлади.

Қўрқа-писа кўзимни очиб қарасам, Закунчи ҳамон бошини чангаллаб гужанак бўлиб ётибди. Қи-мир этмайди.

Одам ўлдирдим! Мен одам ўлдирдим! Шу хаёл миямга михдай қоқилдию дод солганча темир йўл изларидан қоқилиб-суқилиб ўтиб, бериги томонга, хира ойдинда шовуллаб турган, қурбақалар тинимсиз вақиллаётган қамишзорга ўзимни урдим. Шўрхок сув билчиллаб ётган тўқай ичидан югуриб борарканман, чап оёғим ерга муздай тегаётганини пайқадим. Шундагина бир пой калишим тушиб қолгани хаёлимга келди. Аммо қачон, қаерда тушириб қолдирганимни билмасдим. Биқинимнинг оғриғи сезилмас, лекин негадир чап қўлим борган сайин оғирлашиб кетаётгандек бўларди. Кейин билсам, боғичи билан билагимга илиб қўйилган дори халта ҳалиям осилиб турган экан.

...Уйга қандай етиб келганим эсимда йўқ. Деразада хира чироқ ёғдуси кўринар, қия эшикдан айвонга бир парча сарғиш нур сочилиб турарди.

Кавшандозда бир пой калишимни ечаётганимда мункиб кетдим. Эски намат устига гурсиллаб йиқилдим. Икки қўллаб юзимни чангаллаганча ўкраб юбордим. Негадир кўнглим ағдарилар, ҳушим учиб бораётганини ғира-шира сезардим.

Ойимнинг даҳшат тўла овози узоқдан эшитилгандек бўлди.

– Ҳой, тезроқ келинг! Кўзингни оч, қизим.

Юзимга муздай сув сачраб, сескандим. Обдаста тутиб турган бобом ҳовлиқиб сўради:

– Нима бўлди? Гапирсанг-чи!

– Одам... – дедим қалтираб, у ёғини айтолмадим.

– Нима? – Бобом билан ойим баравар бошимга эгилишди.

– Одам ўлдирдим... – Ҳиқиллаб йиғлаб юбордим. – Кўрқиб кетяпман... ойи! Мен одам ўлдирдим! Алвасти кўприкда!

– Ким? Қанақа одам! – Бобом мени алаҳдаяпти деб ўйлади чоғи, обдастадан кафтига сув қуйиб яна юзимга сепди. – Қачон? Қанақа одам? – Шундай деди-ю жавобимни кутмай обдастани улоқтирганча кўчага отилди.

– Нима деяпсан, жон болам, куйган онангни кўрқитиб нима қиласан? – Ойим бошидан рўмолини ечиб, ҳўл бўлиб кетган юзимни артди. Бағрига босди. – Ким? Танидингми ўзи?

Тўсатдан ҳушим жойига келгандек бўлди, нима қиламан айтиб? Нима кераги бор?

– Билмадим, – дедим бош чайқаб. – Танайман.

– Кўзингга кўрингандир, болам? – Ойим енгил тортиб бошимни силади. – Инс-жинслар дап қилгандир. Ажаб қипсан, энди ёпишмайдиган бўлади.

Майли, пешонамда борини кўрдим! Нима бўлса бўлар! Шу хаёлга боришим билан бошини чангаллаб ғужанак бўлиб ётган Закунчи яна кўз олдимга келди. Ичимда титроқ турди. «Одам ўлдирдим! Мен-а? Энди нима бўлади?»

...Бобом ҳарсиллаб эшикдан кириб келди. Ранги ўчиб терлаб кетганди.

– Ҳеч ким йўқ-ку, қизим! – деди энтикиб. – Ваҳиманг қурсин, Кўтармагача бориб кепман-а? – У ойим томонга қараб қўйди. – Шу Алвасти кўприк хосиятсизда ўзи!

– Биларкансиз-ку! – Ойим жаҳл билан шанғиллади. – Робия кеч қоп кетди, йўл-юзда болага алвасти дап қилиб юрмасин, десам, ўтирдиз, ялпайиб! Бора қолсангиз бутингиз бичилиб қолармиди!

– Қўй, қизим! – Бобом пешонамни силади. – Ётиб, дамингни ол.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

УМАР ЗАКУНЧИ ҲИКОЯСИ

Жар ёқасидаги гул

Менга нима бўлди? Қаерда ётибман ўзи? Нимага ҳамма ёқ зимистон? Бошим сирқиллаяптими? Пешонамдан тер оқаяптими? Ҳаво салқин шекилли! Ие, қон ҳиди-ку! Қон! Бошим қонаяпти-ку!

Э-ҳа! Бўлди! Анави илонвачча урди. Тош билан урди. Мана, мана шу еримга! Оҳҳ! Ана, қон оқаяпти... Мени урдими? Мени-я?! Эсини таниб ўз отасидан бир тарсаки емаган одамни-я! Келиб-келиб аллақандай жинқарчадан келтак едимми? Мен-а? Ҳамма кўрса бир чақирим наридан қоладиган одамни урдими? Отининг кишнашини эшитса салом бериб чиқадиган Умар Хўжаевни-я!

Шошма, отим қани? Қоракўз қани?

– Қоракўз!

Оббо! Анча йўл-ку! Наъматакка боғловдим-а? Ана, ер тепиниб кишнаяпти.

Раҳмат, биродар! Ҳозир, ҳозир бораман олдинга! Оёғим мунча чалишади. Шунақа ёмон урди-ми-а? Вой мегажин-ей! Шошмай тур ҳали! Уй ичинг билан йўқ қилиб юбормасам, отамнинг боласимасман!

Қанча ётдим ўзи! Биров кўрмадимикин! Ҳех! Кимсан Умар Хўжаев қонга беланиб ётса! Тағин нимага денг?.. Дўстдан кўп душман. Ҳеч ким кўрмадимикин? Йўқ! Бу гадойтопмас жойда ким ҳам юрарди бемаҳалда? Ҳеч қанча вақт ўтмабди-ку! Боя ҳам ой тепада эди. Мунча хунук бу? Куйдирган калладек иршайишини қара! Худди масхара қилаётгандек. Ой ҳам шунақа совуқ бўладими?

– Бўлди, Қоракўз, тек, биродар, тек! Ҳа, қон ҳиди келяптими? Зиёни йўқ, оғайни, ҳозир уйга борамиз. Ҳаммаси яхши бўлади. Бир шунақа бўпқолди-да, биродар...

Э, минг лаънат! Мунча тикани кўп бунинг! От боғлашга бошқа дарахт қуриб кетганмиди. Нимага ҳовлиқдим? Ана, нарида ёнғоқ ҳам бор экан-ку, ўшанга боғласам ўлармидим... Мана, бўлди, биродар, бўлди. Жим, бирпас тинч тургин, Қоракўз! Ҳозир... йўлни ўзинг биласан-ку, оғайни, Шошма! Қамчи қани? Ие, телпак ҳам йўқ-ку. Э, бўлди. Боя анави илонвачча типирчилаганда тушиб кетувди, чоғи. Ҳозир... Қани, озгина юрайлик-чи! Тишш, секин, секин, ўзингни бос, Қоракўз! Мана, ётган экан-ку, ие, ана, қамчийам топилади. Ҳа, иш деган бундоқ бўпти! О! Қанийди ҳозир ёнимда бўлса, итдай вангиллатиб қамчилардим! Қовурғаларини мажақлаб ташлардим. Қўрқма, оғайни, сени ай-

таётганим йўқ. Анави унсурни! Оббо, ҳамма ёқ пайҳон бўп кетибди-ку! Худди иккита полвон бир кун эринмай кураш тушгандек! Вой ифлос-ей! Ўзи читтақдай бўлсам хирсдай кучли эканми?

Ҳали нима дедим! «Уйланаман» дедимми? Шунга-я! Халқ душманининг қизига-я! Биографиямга доғ туширадиган анойи эканман-да!

– Шошма, Қоракўз, шошма... Дрр! Хоп!

Ана бўлди. Кетдик.

– Чу, биродар.

Хунук иш бўлди. Ҳозир анави жинқарча уйига бориб дод устига дод солади. Дума пакана Оқсоқолни бошлаб уйимга келади. Шу етмай турувди ўзи!

– Чу, жонивор, тезроқ!

Нимага келдим ўзи? Нима палакат ҳайдади? Негаям чиқиб қолди оёғим остидан? Ўзим-ку, анави, қўймижоз табибнинг итваччасини амаллаб тинчитган эдим. Бунисига ёпишиб бало бормиди! Юрувди-ку, бир ойдан бери думини қисиб! Нима қилай? Қўймади-ку, анави Раъно? Кун ора эшигимга келади. «Уйланинг», дейди, йиғлайди-сиқтайди. Охири, нияти амалга ошмаслигига ақди етганидан кейин бошқача ашула айтишга тушди. Онаси ўлишидан уч кун аввал ҳам ўша гапни айтди. «Недурки Робияхон, оғир ётганмиш, ўша кунни трактор тепиб юборгани учун уйига етолмай уникага борганмиш. Энди мен бориб, ҳолидан хабар олишим керакмиш». Ким билсин, бу гапни пакана Дума ўргатганми, қора мўнди эгачисими? Нима деб бораман? Ялинаманми? Биратўла тилини қисиқ қилиб қўйсам Раънонинг машмашасидан ҳам қутуларман, девдим-да! Йўқ, бу гап аввал хаёлимда йўқ эди. Ўзи оёғим тагидан чиқиб қолганидан кейин тўсатдан... Бу илонвачча шунчалик заҳар солишини туш кўрибманми? Бўлмаса,

орқамда эргашиб юрган келинчаклар қанча! Қизлар-чи? Соли сўпоқ очиқ айтмаса ҳам тўнғичини менга атаганини неча марта имо-ишора қилди. Ўн олти яшар ўша қиздан ҳам яхши бўптими Думанинг асрандиси!

Ҳаммасига Сўпоқ сабабчи. Шуникига кирмасам, ичмасдим. Ичмасам... Бугун яна ўша гапни бошлади-ку! «Бу дунёда одам ўзиниям ўйлаши керак, улуғ одамсиз, ўйнаб-кулиб қолинг... Пас десангиз ҳаммаси товукдек ётиб беради...» Падарингга қусур, Сўпоқ! «Бўрижарда сув кўпайиб кетибди», деган гапниям шу айтди. Сув кўтарилса, иш пачава! Тўқайдаги карамни ювиб кетади. Ош дам егунча бориб кела қолай дегандим. Рўпарамдан чиқиб қолганини кўрмайсизми! Негаям ичдим? Эркак киши бунақа пайтда итмижоз бўлиб кетади, ўзи. Қўқондан кетаётганимда акам ҳам шунақа деган эди. «Мучалинг – ит, ўзинг ҳам итга ўхшайсан...» Ўргилдим сендан! Сиз одам бўлдингизу биз ит бўлдикми энди! Нимага шу топда эсимга тушди! Минг йил кўрмасам кўнглим бирдек-ку!

Нима, ит бўлиб, дуч келганга илиқдимми? Шунча имкониятимга қарамай жим юрувдим-ку! Қайси шайтон йўлдан урди? Аҳмоқман! ўирт аҳмоқман! Тоғам донишманд дейман-ку. Айтарди-я! «Одамнинг нафси иккита бўлади. У нафсга берилган ҳам охир-оқибат хор бўлади, бу нафсга берилган ҳам...» Рост экан. Мен-ку, нафсга берилмадим. Нима, бошқалардан ортиқ еб-ичяпманми? Раис номим бору турмушим ит ётиш мирза туриш. Тонг отмасидан бир пиёла чойсиз далага югураман. Оилам бўлмаса, қўша-қўша гиламим, атлас-адрас кўрпа-тўшагим бўлмаса! Битта уйимниям колхозчилар қуриб берган! Эртага раисликдан тушсам, кетимга битгани тепиб, уйданам ҳайдашади. Бу қа-

нақа турмуш! Балки ҳали анавинга «уйланаман» деганимда ўзим ҳам билмай, юрагимнинг бир бурчида ётган гапни айтиб юборгандирман. Балки мен ҳам оилам, бола-чақам бўлишини хоҳлаётгандирман.

Ўруғ дунёга келиб, нима рўшнолик кўрдим ўзи? Кўнгилсиз хотиннинг гиди-бидилари-ю, ўзинг юрист бўла туриб, қонунни бузаяпсан, деб айюҳаннос солишимми! Сил акамнинг бемаъни насиҳатлари-ю янгамнинг инсофга чақиришларими? Қочоқ одамдек поездда осилиб келганиму адвокатуранинг каталакдек ҳужрасида бировларнинг жонга тегадиган йиғи-сифисига қулоқ солганимми! Тоғамнинг елиб-югуришлари-ю раис бўлганимдан кейин суткасига уч соат ухлаб, жон-жаҳдим билан ишга киришганимми?

Ҳа, айтмоқчи, Раъно бор-ку! Шу билан озми-қўпми хушнуд дамларни бошимдан кечирдим-ку. Хушнуд дамлар эмиш! Тфу, падарига лаънат! Нимаси хушнуд! Тошкентга – беш-олти марта ресторанга боргандаям ўғри ҳаққадек аланг-жалаңг бўлиб ўтирганим, ишқилиб таниш одам учраб қолмасин, деб юрагим така-пука бўлганими? Шуми, менинг бахтиёр кунларим? Райком сезиб қолмасин, тоғам билиб қолмасин деб, тезагини бекитган мушукдек пусиб юрганимми? Шуми бошимдан кечирган қувончли соатлар?!

Асли ҳаммасига шу хотин сабабчи! Йўқ, айб ўзимда! Тоғам айтган нафснинг биттасини тийдиму иккинчисини тиёлмадим.

Хўш, нима бўпти? Менам эркакман, ахир! Мен фақат биттасини биламан. Мени тергайдиганлар аввал ўзини эплаб олсин. Ҳар бирининг ўнтадан ўйнаши бор. Қолаверса, ғунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди. Мана, илонваччами – баломи, ўзини сақлаб қолиш қўлидан келди-ку! Анави

киши бўлса, янги ҳунар чиқардилар! Бошлари айланаётганмиш. Кўнгиллари гилвата тусаб қопти. Қусаётган эмишлар. Менга деса қон қусмайсанми! Хамиртуруиш ичасанми, бало қиласанми, нима бўлгандаям ўзинг эпла! Жудаям тихирлик қилаверса, Тошкентга – дўхтирга жўнатаман. Шундоқ қилмоқчи бўлиб турганимда онаси ўлиб қолди. Ким билсин, ҳали яна нима гап топиб келаркин! Биламан, у қилиб бу қилиб, тегиб олмоқчи! Аҳмофинг ҳаммомга кетган! Сенга уйланаманми? Сенга-я! Бировнинг қўйнида ётган жувонга-я!

– Чу, Қорақўз, яқин қолдик! Тезроқ биродар, тезроқ!

Аввал-ку, ҳаммаси хамирдан қил суғургандек осон кўчган эди. Бу сафар чатоқ бўлади. Абдураҳмонов тиш қайраб юрибди ўзи! Шу гап қулоғига етиши билан штрафной батальонга жўнатади. Йў-ўқ! Кечирасиз! Хотин деб ўлиб кетадиган анойи йўқ! Мендан яхши раис тополмайсиз! Планни ошириб бажариш ўз йўлига. Сут солиғими, гўшт, жун, дон солиғими – ошириб бажарган ким? Заёмни ҳаммадан кўп сотиб олган колхоз қайси? Яқинда ҳимоя фондига ёрдам керак, сизлар тўплаган маблағга замбарак ясалади, деган гап чиққанида ҳаммадан кўп тиллаю кумуш тўплаб берган хўжалик раиси ким? Хўжаев эмасми?

Бу нокаслар жонини берса берадики, молини кўзи қиймайди. Эргаш сельсовет билан Исмоил мелисани ёнимга олиб, уйма-уй юрганим бир пул бўлди. Битга-яримта валломатдан бошқа ҳаммаси «ҳеч вақомиз қолмади», деб безрайиб тураверди. Ўшанда орага Оқсоқол тушмаса райком олдида расво бўлардим. Оқсоқол одамларни клубга тўплаб, ваъзхонлик қилди. Қизиқ, чол қўлини пахса

қилиб, шунақанги гаплар айтдики, ҳаммаси қулоғимга михланиб қолди.

«Биламан, ўлдим деганда ҳар бирингда сандиқ бурчагига бекитиб қўйган битта билагузук, бир жуфт зирак бор. Яхши ният билан бирини қизингга, бирини келинингга атаб қўйибсан. Аммо ўнг қулоқ, чап қулоғинг билан эшитиб қўй. Бугун ўша савил қолгур тилла тақинчоғингни олиб чиқмасанг, эртага қизингни узатолмайсан. Нега деганда қизингни унашиб қўйган қайлиғи немис танкининг тагида қолади. Келин туширолмайсан. Нега деганда ўғлинг душманнинг ўқига учади. Ана, унда кўрасан, томошани! Танангга ўйлаб кўр, халойиқ. Ҳарна битта ортиқча замбарак ясаб душманни қирганинг фойдамасми... Жон омон бўлса мол топилади. Боланг соғ-саломат келса тўйни тақинчоқсиз ҳам қилаверасан. Омади гап шу: белимда белбоғим бор деганинг обчиқавер лаш-лушингни!»

Ажаб, ўша куни кечқурун идорадаги чоғроқ қути олтин-кумуш тақинчоқларга тўлиб кетди.

Биламан. Оқсоқол, бу ишни азбаройи менга ёрдам бериш учун қилмайди. Райком олдида ўзини кўрсатгиси келди. Ҳалиям раис бўлишдан умидини узмаган. Айниқса, Абдурахмонов секретарь бўлганидан бери ғимиллаб қолди. Ажаб қилдим: олтин тўла қутини Дом-деҳқонга ўз қўлим билан обориб топширдим. Санаб, битта-битталаб! Раисликни сенга қўшқўллаб топшириб қўядиган аҳмоқ бор экан-да, сассиқ чол! Амал-асов отдек гап. Қўлингдан бир чиқардингми, икки дунёдаям етолмайсан. От-ку, охир-оқибат эгасига қайтиб келса-келар. Лекин амал қайтмайди. Уни алақачон бошқаси эгарлаб миниб олган бўлади. Мабо-до сени амал отидан туширганлар бир эмас, минг

марта ноҳақ бўлганида ҳам қайтиб ўша отни ми-
нишингга йўл қўймайди. Ўзи отдан тушишини ўй-
лаб қўрқади. Шунақа, ўртоқ, Оқсоқол! Чиранавер!
Қайтага район олдида менинг обрўйимни яна бир
қарич кўтардинг! Маладес! Аммо бугунги иш...
Аҳмоқман! Бориб турган аҳмоқ! Тоғамнинг гапи
рост. «Косага ўн ҳовуч сув солсанг индамай тура-
ди-ю, бир томчи ортиқ томса тошиб кетади!» Тўғри
айтган экан. Шу бугунги томчи ортиқча бўлмаса
эди. Бошим тагин сирқилаяпти. Яна қонадим,
нима бало? Йўқ, ҳаммаси жойида.

– Чу, Қорақўз, ана, идорага етдик.

Ким у тол панасида арвоҳдек сўрайиб турган?

– Кимсан, ҳой?

Ие, отангни гўрига!.. Соқов-ку! Икки букилиб
таъзим қилишига ўлайми! Жиловга нега ёпишади?

– Қўйвор! Отхонагамас! Қорақўзни уйга обкета-
ман! Нима? Падарингга қусур, сениям, Сўпоқниям!

Ош еяётгандек қўлини оғзига олиб бориб имо
қилишини қара!

– Йўқол, ош-пошинг билан! Менга қара, ҳей!
Сўпоққа айтиб қўй. Тугун кўтариб уйимга борса,
бутини йириб ташлайман! Тушундингми? Айтма-
санг гунг тилингни суғуриб оламан.

Нимага илжаяди бу соқов? Ё бир нимани сезди-
ми? Юзим қонмикин! Қоронғи-ку! Кўриб ўтириб-
дими?

– Қоч-е, итдан тарқаган!

Ҳа, қўрқмас эканман-а! Бир қамчилик ҳолинг
бор экан-ку. Зипиллаб чопишини қара! Соқов бўл-
саям балога ақли етади. Ҳозир боради-да, ҳамма
гапни тили бир қарич одамдан яхшироқ тушунти-
ради Сўпоққа.

– Дрр! Мана, келдик, Қорақўз! Шошма, дарвоза-
ни очайлик. Бўлдими? Чанқадингми? Қара, Қоп-
лон ҳам чанқабди. Ҳозир... Чироқни ёқайлик.

Ў-ў-ў! Минг лаънат! Юзим қоп-қора қон-ку! Ихх! Қанжиқ! Яна қонаяптими? Ювмасам бўлмасди-да! Йўқ, яра чуқурмас. Аксига олиб докаям йўқ. Майли, қийиқча билан боғлаймиз. Қайтага яхши бўлади. Қон юқи билинмайди. Мана, бўлди. Ҳаммаси законний!

Минг лаънат шунақа турмушга! Бир бурда қотган нон ҳам қолмабди! Ўзим оч, от оч, ит оч! Қанақа ҳаёт бу! Ким айтади сени раис деб? Ҳар раислар борки, кун ора базми жамшид қилади. Замон офир, уруш кетяпти, аммо маишатни ўрнига қўяди. Мушугини пишт дейдиган одам йўқ. Ишним эплайди, маишатниям. Сен бўлсанг ичган юз грамм ароғингга шунча машмаша ортгирдинг! Йўқ, сен маишатни эплотмайсан. Ишдан бошинг чиқмайди. Сўфи таҳорат қилмасдан эшикмаэшик югур, чопиқни текшир, сувни текшир, омборга чоп... Баттар бўл! Шунга туғилгансан ўзи!..

Дарвоза тақиллаяптими? Ана, ит, акилади! Отангни гўрига... Дума келган! Демак анави итвачча сочини юлиб, пакана Думага арзи дод қилган! Биламан, Дума бир ўзи келишга ҳадди сифмайди. Оқсоқолни бошлаб келган. Яхши! Гаплашиб қўямиз! Қайтага яхши бўлади. Анави илонвачча уруш даври қонунини бузди. Арзимаган нарсани баҳона қилиб, тракторни далага ташлаб кетди. Ишга ўн бир минут кеч қолганлар кесилиб кетаётган бир пайтда роппа-роса ўттиз бир кун далага чиқмади. Қўлида ҳужжати йўқ. Демак, МТСни алдади, колхозни алдади, давлатнинг кўзига чўп солди. Бугун йўлда кўриб қолиб, нега ишга чиқмаяпсан, десам, тош отиб, бошимни ёрди! Хизмат бурчини бажараётган раиснинг ҳаётига суиқасд қилди. Тамом, Исмоил мелисага хабар қиламан, ҳозироқ оёғини ерга тегизмай районга олиб кетади. Жуда соз-да!

Бир йўла Оқсоқол билан Думаниям жойи ростонига тиқиб юбораман! Раҳбар шахсга туҳмат қилгани учун! Жиноят кодексида статья бор...

– Ким у?

Оббо? Сен етмай турувдинг ўзи! Кеча онасининг йигирмасига кетувди-ку. Колхоз ҳисобидан бир қоп ун, бир пуд гуруч ажратиб берувдим-ку. Дарров қайтибди-да.

– Яхши ўтказиб олдингларми, Раъно? Қўлингдани нима? Ош? Маъраканинг ошими! Қорним тата-лаб кетаётганди. Қаёқдан билдинг? А? Э, ҳеч гап йўқ. Йиқилиб тушдим.

Оббо аблаҳ! Ҳалиям келган экан-да! Биров кўрган бўлса...

– Неча марта айтдим, Раъно! Биламан, меҳрибонсан, ақлисан. Аммо тушунсанг-чи. Одамлар оёғи биланмас, оғзи билан юради ҳозир! Нима кераги бор эди?! Қани, юр эшикни ил... Яна сўрайсан-а? Ҳеч нима бўлгани йўқ. Кўтармага борувдим. Карамни экиб бўлишгунча тепасида турдим. Кеч қопкетдим. Ёнғоқзордан ўтаётганимда... Анави табибнинг кўрғони ёнидаги ёнғоқзор бор-ку, ўшандан ўтаётганимда от ҳуркиб кетди. Бошим шохга урилиб, йиқилиб тушдим. Яхшиям оёғимни узангидан чиқариб олганим. Бўлмаса суягимгача қийма-қийма бўлиб кетарди... Нега йиғлайсан, жоним? Қўрқма, тентак. Оёқ-қўлим бус-бутун! Нима? Вой, тентак-ей! Бели синган одам соғ қоладими, овсар! Мана, қара, мана! Кўнглинг жойига тушдими энди! Худо сени бахтингга Умар акангни бир қайтиб берди, Раъно! Оҳ-оҳ-оҳ! Бунақа мазали ошни умримда емаганман! Йўқ, тегма! Қони тўхтаб қолди. Оғриётгани йўқ деяпман-ку! Хавотир олмагин... Бўпти, кўйлагимни ечиб бераман, ҳали ювиб кўясан. Жиндай қон теккан. Нима қипти! Ҳа, яна

бошландими?! Арт-э! Кўзингни ёшини оқизавера-санми? Ўз гамим ўзимга етмайдами? Нима? Минг лаънат! Иштаҳаниям расво қилдинг. Ўзим эрта пешиндан буён туз тотмагандим. Менга қара, вей! Қўйнимга кираётганинда туғиб бераман деган-мидинг?! Бўпти-да! Нима қиласан гапни айлан-тириб!.. Бўлди, жоним, бўлди. Жонингдан аканг, бас қил. Бўлди? Маладес! Раъно! Тушунсанг-чи, ахир. Ўзинг шарманда бўласан – бир! Мени шарманда қиласан – икки! Ростини айт: мени шунчалик ёмон кўрасанми? Передовойга юбориб ўлдириб қутулмоқчимисан?! Унақа бўлса майли, туға-вер! Ана, тагин бошланди. Йиғламагинда, тентак. Йигирмани яхши ўтказиб олдингларми ишқилиб? Тўғри, боришим керак эди. Нима қилай? Иш кўп-лигини биласан-ку! Аммо ажойиб хотин эдилар-да, ўзи. Оббо, тагинми? Қўй энди, шуям проблема бўптими? Сўпоқнинг хотинига бир оғиз шипшит-санг... Дунёнинг тагига ўт қўядиган хотин. Аммо зинҳор мени айта кўрма... Ие, секин! Бўлди-е! Биров деразадан қулоқ солиб турган бўлса нима қиламиз! Э, ўчир! Ўргилдим оби-дийдангдан! Бўлди, Раъно, бўлди. Хўп, сен нима десанг шу. Бўпти, шаҳарга обораман, таниш дўхтир бор. Кўнглинг жойига тушдими? Жоним! Ёш болага ўхшай-сан-а! Шунга шунчаликми? Йўқ, шошма, кўйлак-ни ювиш қочмас. Чироқни ўчир. Бирпас олдимда ўтир. Соғиниб кетдим, жоним!..

...Ё тавба! Хотин зоти ғирт лақма бўлади-да! Ана, ошхонада тараша ёряпти. Самоварда сув иситади, кўйлак-шимимни ювади... Ҳалиям бошим сирқиллаяпти. Ифлос-ей! Шундан калтак едимми-а? Ҳеч кимга гапирмагани аниқ. Оғзидан гулласа Оқсоқол билан Дума аллақачон узун-қисқа бўлиб кириб келарди. Аммо иккаласиниям тузлар-

дим! Майли, қораси ўчсин! Ҳарқалай уйда Раъно бор. Бари бир, ўша унсурваччадан қасдимни олмай қўймайман. Раисга, мендак одамга қўл кўтариш қанақа бўлишини кўриб қўйсин! Шунақанги додини берайки, онасидан туғилганига минг арава пушаймон есин!

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

«ҚОРА АММА» ҲИКОЯСИ

1. Дума чол, Дума чол...

Кўча эшик томонда арава ғийқиллади. Қулоғимга шумтака болаларнинг қий-чуви киргандек бўлди:

*Дума чол, Дума чол,
Лавлагига «шарбат» сол...*

Йўқ, болалар ҳозир унақа демайди. Чолимнинг бир эмас, тўртта ёғоч бочка ортилган эшак аравасига эргашиб ирғишлашмайди. Ориф Оқсоқол бунақа адабсиз «така»ларни тарбиялаган ота-онаси билан гаплашиб, шунақанги танобини тортиб қўйганки, энди ашула айтишмайди. Лекин айтишган... Бир вақтлар...

Аслида ҳаммаси ўшанда – Робия «одам ўлдирдим», деб эшикдан додлаб келганида бошланган эди.

Қизим бояқиш ёмон қўрққан экан. Кўзига алвасти кўринади-ю, қўрқмайдими! Лабига учуқ тошиб икки кун алаҳлаб ётди. Нуқул «қўйвор» дейди, дод солади. «Бобо» дейди, «ойижон» дейди. Зақунчининг отини айтадими-ей... Робия билан андармон бўлиб, Комил табибникига ҳам боролмадим.

Бечоранинг ўғлидан «қорахат» келган экан. Очил раҳматлик яхши бола эди. Робияга совчи юборгани эсимга тушиб, юрагим туздек ачиди. Нима қилай, Кимсаним билан Робия бир-бирига кўнгиладан кўнгиладан экан, иложимиз қанча! Ишқилиб, Кимсаним омон-эсон келсин...

Ўша кунгача шу ниятда ўзимни ўзим юпатиб юрган эдим. Бир кунда ҳамма орзуларим чиппакка чиқди-кетди. Шамолга совурилган сомондек...

Эрталаб тонг отмасидан сигирдан хабар олдим. «Тикилган қозон қайнамас» деганларидек, галанска сигирнинг думига термиламан, туғишидан дарак йўқ. Яхшиямки, бахтимизга баҳор серёмғир келди: чолим тонг қоронғисида туртиниб томорқада ўт ўраётган эди.

Бир маҳал эшик қарсиллаб қолди. Юрагим шиф этди: Закунчи! Анчадан бери қадами узилганди. Охири бахайр бўлсин, деб юрагимни ҳовучлаганча дарвозага югурдим. Закунчи отини гижинглатиб турибди. Қўлида қамчи. Кунлар исиб кетгани учун бошига чақмоқ телпак ўрнига дўппи кийиб, пешонасини қийиқча билан танғиб олибди.

Салом берганимни биламан, тўсатдан дағдаға билан сўради:

– Қизинг қани?

Қўрққанымдан тилим калимага келмай қопти. Яхшиям кетимдан чолим чиққан экан.

– Робия касал, – деди тушунтириб. – Чол-кампир иккаламиз ҳозир етиб борамиз.

Энди ўзимга келдим.

– Қизимга жин-ажиналар даф қипти, ўргилай! – дедим ялиниб. – Ўзининг дарди етмагандай, Алвасти кўприқда кўзига ажина кўринибди. Бир ҳолатда ётибди, айланай!

– Ўзларинг ажинасан! – Закунчининг юзи қаҳрли қийшайиб кетди. – Қизингга айт! Шунақа ял-

пайиб ётаверса сочидан судраб чиқаман. Қамоққа тушгиси келмаса ишга чиқсин! Бугун, ҳозир!

– Хўп, – деди чолим ерга қараб. – Чиқади. Қўрқи-тишнинг ҳожати йўқ.

Ҳайронман, чолимнинг гапи Закунчига оғир ботди. Эгар устида ўтирган жойида илон чаққан-дек сапчиб кетди.

– Ие, ҳали ҳеч нимадан қўрқмайдиган бўлиб қолдингизми, Дума! – деди ғазабдан мўйлови учиб. – Ҳаммангни қатор қўйиб, биттама-битта пешонангдан отиш керак! Ҳаммангни! Авлод-аждодинг билан! Хоинлар!

Чолим ярқ этиб Закунчининг кўзига қаради. Қаддини ростлади. Бақриб-чақирмади. Аммо овозидаги бояги мутелик йўқолди.

– Ҳақорат қилманг, раис, – деди секин, дона-дона қилиб. – Шукур, авлодимиздан хоин чиққанмас. Ўғлим жон олиб-жон бериб юрибди.

– Сенинг ўғлинг-а?! Жон олиб-жон беряптими?– Закунчи киноя билан шундай мазза қилиб илжайдики, мўйлови қийшайиб кетди. – Ҳусанов Кимсан сенинг ўғлингми ахир?! – деди ижирганиб. Эгарда ўтирганча бир томонга ёнбошлаб, шимининг чўнтагига қўл суқди-да, аллақандай қоғоз чиқарди. – Ҳақиқий жангчи сўнгги томчи қони қолгунча уришади! Олий Бош Қўмондоннинг 270-буйруғига биноан бунақалар хоин саналади! – Бояги қоғозни нафрат билан ғижимлаб, чолимнинг юзига улоқтирди. Қоғоз чолимнинг елкасига тегиб, ерга тушди.

«Қорахат! Кимсанимдан қорахат кепти!» Миямга шу хаёл урилди-ю, эс-ҳушимни йўқотдим. Бир маҳал кўзимни очсам, қаро тупроққа беланиб ўтирибман. Йиғлай десам овозим чиқмайди. Турай десам мадорим йўқ. От ҳам, Закунчи ҳам кўринмайди. Чолим ҳам ерга тиззалаб қолган. ўи-

жимланиб кетган қоғознинг у ёғини айлантиради, бу ёғини айлантиради. Чўққи, соқоли, қоқшол қўллари титрайди. Бошидан тушиб кетган дўпписи тупроқда тўнқарилиб ётибди.

– Роби-и! – деди ингичкаланиб кетган овозда чинқариб. – Роби-и!

«Бўлди! Боламдан айрилиб қолдим. Ёлғизимдан жудо бўлдим!»

– Болам! Жоним болам! – Тупроққа мук тушиб инграб юбордим.

– Ойи! Бобожон? Нима бўлди?

Робиянинг хавотирли ҳайқириғидан ғира-шира хушимга келдим. Олазарақ қарасам, чолим бояги қоғозни биқинини чангаллаган кўйи тепасида турган Робияга узатяпти.

– Ўқи! – деди тутқаноқ тутган одамдек оёқ-қўли баравар титраб.

Робия хатга шоша-пиша кўз югуртирди, ранги ўчиб кетди.

– Овозингни чиқариб ўқи-и! – деди чолим илтижо қилиб.

Робия лаблари пирпираганча, хатни қайта ўқиди.

– «Пиёда қўшинларининг оддий аскарлари Кимсан Хусанов Калуга остоналарида бўлган жангда бедарак йўқолди».

– Нега? – Чолим соқоли титраганча илкис бош кўтариб Робияга чақчайди. – Қанақасига?! – Ич-ичига тушиб кетган кўзлари жиққа ёшга тўлди. – Нега?! – деди инграб. – Ўзидан ўзи йўқолаверадими?

Карахт бўлиб қолгандим. Қулоғим шанғиллар, нима учундир нафасим бўғилиб, томоғим ғижиллар, қўнглимда шамолда липиллаб турган шамдек ожиз бир илинж уйғонган эди. «Хайрият! «Қорахат» эмас экан!»

– Бу қанақа ўтириш, ўв!

Шундоқ бошим тепасида гулдираган овоздан чўчиб тушдим. Аввал таг чарми кўчиб кетган бир жуфт каттакон этик, тиззасига ямоқ тушган шим, кейин Ориф оқсоқолнинг барваста гавдасини кўрдим.

– Нима бўлди? – деди у гулдираб.

Чолим каловланиб ўрнидан турди.

– Кимсан... – деди овози қалтираб.

Оқсоқол ҳам бир сесканиб кетгандек бўлди. Гоҳ чолимга, гоҳ Робияга аланг-жалаң қаради.

– Нима «Кимсан?»

Робиянинг қўлидаги хатга кўзи тушиб, буюрди:

– Ўқи-чи, қани?

Робия хатни яна бир марта ўқиди.

– Қанақасига? – Чолим энтикиб Оқсоқолга яқин келди. – Нимага йўқолади?

– Э, ўле! – Оқсоқол жеркиб берди. – Одамнинг капалагини учуриб юбординг, пакана! – деди енгил тортиб. – Ўзимам сезувдим, қорахат бунақа бўлмайти... Носингдан ол.

Чолим орқага тисарилиб, бошини сарак-сарак қилди.

– Йўқ! – деди ҳансираб. – Зақунчи бошқа гап айтди. Ўғлинг хоин деди, билдингми? – Унинг кўзларига яна ёш тўлди. – Мен... – деди кичкина, чайир муштини тугиб. – Мен... хоиннинг отасиманми? Шунча йил хоинни боқдимми?

– Саннама-е хотинга ўхшаган! – Оқсоқол шундай ғазаб билан ҳайқирдики, чолим сийрак киприкларини пирпиратиб анграйиб қолди. Робия нажот кутиб, Оқсоқолнинг кўзига термилди. Мен ҳам оёғимга қувват киргандек амаллаб ўрнимдан турдим. Лекин нафасим баттар қисар, алаким томоғимни шошилмасдан, ҳафсала билан бўғаётганча ўхшарди.

– Ўша Зақунчинг-чи... – Оқсоқол уят гап айтиб юборди, чолимнинг устига бостириб борди. –

Эшитдингми? Ким айтади, бедарак йўқолганлар хоин бўлади деб? Балки партизанларга қўшилиб кетгандир! Шунақасиям бўлади-ку тўғрими? – Қизиқ, у охирги гапни анча шаштидан тушиб, икки-ланиброқ гапиргандек бўлди. – Носдан олсанг-чи, – деди қовоғини солиб. – Ана, қаънилик Холмат аравакашнинг ўғлидан ҳам шунақа хабар келган. Нима, қипти? Ўғлингдан қорахат келмаганига суюнмайсанми, эси паст!

Чолим анча дадилланди. Бироқ Закунчининг бояги қилиғи яна эсига тушди шекилли, Оқсоқолга носқовоғини узатаркан, овозида шубҳа билан сўради:

– Нимага бўлмаса анави?..

– Яна гапиради-я! – Оқсоқол «садқаи одам кет» дегандек қуюқ қошини чимирди. – Кимсанни биламанку! – деди бақириб. – Белида белбоғи бор бола! Партизанларга қўшилиб кетган. Радио эшитасанми ўзи? Желан деган жойда бизнинг партизанлар немиснинг қанча поездини аспаласопилинга жўнатганидан хабаринг борми? – У носқовоқни чолимга қайтариб бераркан, тўнғиллади. – Ўзи ҳеч балони билмайди-да, тагин хотинга ўхшаб чийиллайди. Кўрасан, эрта-индин хат келади.

Ҳушим энди ўзимга келди. Қарасам, Робия биқинини чангаллаган кўйи кўчага йўл оляпти.

– Ҳой, қизим? – деган эдим, қўл силтади.

– Кетдим! Тракторга бораман!

– Юр, ўртоқ! – деди Оқсоқол носини тупуриб. Ёш болани етаклагандек, чолимнинг қўлидан тутиб, юриб кетди.

* * *

Пиёз ўтоқ қилиш – хотинларнинг иши. Нима бўпти! Ариққа ўтириб оласизу пуштадаги пиёзни

бўғиб қўйган ўтни юлиб ташлайверасиз. Баҳор серёмфир келгани мол-ҳолга яхши бўлди-ю, экинларга жабр қилди. Пиёздан кўп – ўт!

Бўрижар бўйи – эски тўқайзор эмасми, битта пиёз четидан ўнта ўт ўсиб чиқади. Қамишни-ку, турган-битгани азоб. Бугун юлсангиз, эртага салом бериб бош кўтараверади. ўумай бор, сариқ печак бор. Бошқа жойда бир марта ўтоқ қилсангиз бу ерда беш марта қилиш керак. Ер зах. Битта пиёзнинг ўтини юлиб олиш учун кам деганда бир пиёла чой ичгулик вақт кетади. Чўнқайиб ўтираве-риб оёқ жонивор увишиб қолади. Аллақачон, олма гуллаб, кунлар исиб кетган. Елкангиз қизийди-ю, оёғингиздан муз ўтиб, қақшатиб юборади.

Бир соат ишламасимдан пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Баданим қизиб боряпти-ю, ўзим қалтирайман. Зақунчининг эрталаб айтган гапи қулоғимдан кетмайди. «Хоинлар! Ҳаммангни пешонангдан отиш керак!» Наҳот менинг ўғлим, яккаю ёлғиз Кимсаним хоин бўлса! Ишонмайман! Майли, пешонамдан ота қолсин. Ишонмайман, юрагим сезиб турибди. Ўғлим хоинмас, ўлган ҳам эмас. Оқсоқол рост айтади, соғ-саломат. Анави... оти нимаиди, партизанларга қўшилиб кетган... Унақа бўлса Зақунчи нимага бунақа деди? Уям ахир зақунни билади, Оқсоқолдан яхшироқ билади. Худо кўрсатмасин, ростдан ҳам...

Тушликка занг чалинганида бўларимча бўлган эдим. Ўрнимдан тураман деб йиқилиб тушдим. Икки қўлим лойга ботди. Этагимга йиғилган ўтлар пиёз пуштасига сочилиб кетди. Жонҳолатда лой аралаш ўтларни тагин этагимга солдим-да, пушта четига бора туриб, нафасим ғалати чиқаётганини яна сездим. Ҳали Зақунчи Кимсандан келган хабарни улоқтириб кетганида ҳам нафасим қисган

эди. Лекин бунчалик бўлмаганди. Тавба! Худди ичимга биров кириб олиб, нуқул ҳуштак чалаётганга ўхшайди. Нима бало! Қишда – Холпош овсиним Шокир-Зокир ўғилларига қирқ қилган куни шамоллаб қолганимда ҳам шунақа бўлувди. Робия орқамга ёғ суркаб, беҳини қўрга кўмиб едириб амаллаб тузатганди. Унда-ку, иситма чиққан, йўтал бор эди. Ҳозир туппа-тузукман. Йўтал йўқ. Аммо нафасим муттасил гижиллаяпти. Шунақа қилсам ўтиб кетар, деган умидда атайлаб, уч-тўрт марта йўталиб ҳам кўрдим. Қаёқда! Баттар бўлди. Ўпкам, темирчининг босқонидай вишиллаб, нафас ололмай қолдим. Тавба, нима бўлди менга?

Тушликка, ҳар кунгидай атала қилишган экан. Авваллари бир коса аталани кўрдим демасдим. Баъзан ўзимнинг ваҳмим келарди. «Нима бало, қаҳатчилик одамни очкўз қилиб қўяди шекилли», деб ўзимдан ўзим ичимда кулардим. Бу сафар тўрт қошиқ атала ичишим билан нафасим қайтиб кетди. Томоғим янги маҳсига ўхшаб гижир-гижир қилади. Ёнимда ўтирган хотинлардан уяламан... Косани ерга қўйдим-да, оёғим увишиб қолганидан чўлоқлана-чўлоқлана пайкал бошига – ариқ бўйига кетдим. Муздай сувга юзимни чайсам зора тузалса! Қизгалдоқлар очилиб ётган ариқдан энди сув ҳовучлаётсам, офтоб чарақлаб турган даладан тўппа-тўғри шу томонга келаётган жувонга кўзим тушди. Ким бўлди бу! Вой, менгина ўлай! Раънохон-ку! Ўзимнинг келиним-ку. Унниққанроқ холхол кўйлак кийибди, сочини чамбарак қилиб олган. Қўлида дафтари. Уруш ҳам ўлсин! Одамларни бир-бирига шунчалик беқадр қилиб қўйдими-а! Қудам бечоранинг йигирмаси ўтганидан бери келинимдан хабар ҳам ололмадим. Раънохон ҳам айтса керак, жигар-жигар, дигар-дигар экан-да!

Нима қилгандаям эримнинг онасимас, опасисан-да, қайнонам бўлса, шундоқ кунда ёнимда турарди, деб. Нима қилай, эртаю кеч даладан бери келмасам, бу ёқда қизим шунча дард чеккан бўлса?

Нафасим қисганига қарамай, югуриб бориб, қучоқлаб кўришдим. Гулдек қиз эди, бечора! Сўлиб қопти. Қорайибди, юзини доғ босибди...

У юзидан-бу юзидан ўпиб кўришдим.

– Шомуроддан хат борми? – десам, негадир қизаргандай бўлди. Бари бир ёш-да! Уялади.

– Ҳа, – деди ийманиб. – Яхши эканлар, сизларга салом айтибдилар.

Хайрият, укам соғ-саломат экан. Шуни ўйлашим билан, бугунги ҳангома яна эсимга тушди. Раиснинг «хойинсанлар» дегани тагин қулоғим тагида эшитилгандай бўлди-ю, ич-ичимдан зил кетиб, тушунтирдим.

– Робия касал эди, келинпошша, сизниям ҳолингиздан хабар ололмадик.

Раънохон, ўтоқчи хотинлар ғуж бўлиб овқатланиб ўтирган тол томонга қараб, юзи ёришгандек бўлди.

– Умар ака келдилар... – деди секин.

Тол тагида жийронни жиловидан тутиб турган Зақунчини кўриб, юрагим зил кетди.

– Юринг, опа! – Раънохон қошини чимирди. – Жаҳллари чиқиб юрмасин!

Шундай деди-да, ўқариқ четидан югургудек бўлиб, илдам юриб кетди. Келинимга етиб юролсам экан! Нафасим қисиб кетяпти. Оёғим чалишади. Юрагим гурсиллаб уради. Яна бир қадам боссам йиқилиб тушадигандек гандираклаб боряпман...

Амаллаб етиб келдиму аталадан бўшаган косаларини олдига қўйиб, давра қуриб ўтирган хотинлар ёнидан ўтганча толга суяниб чўнқайиб қолдим. Қулоғимга Умар зақунчининг овози кирди:

– Колхозчи ўртоқлар... Замон оғир. Аммо ғалаба яқин. Душман чекиняпти...

Қовоғимга тош осилганми? Кўзимни очолмайман. Ҳадеб нафасим қайтади. Пешонамга кафтимни боссам, ўт бўлиб ёняпти! Нима бало, яна оғриб қолдим шекилли.

Закунчининг гапи қулоғимга элас-элас чалинади.

– Душман чекиняпти, – деди у қайтариб. Мен-симади демасин деган ўйда амаллаб кўзимни очиб қарасам, менга тикилиб турибди. Бошида ўша дўппи. Пешонаси қийиқча билан танғилган. Кўзида эрталабдагига ўхшаган заҳарли киноя. – Душман чекиняпти-ю, аммо... – У менга бир қараб, ҳазар қилгандек юзини чир ўгирди. – Бизнинг орамизда ҳам жангсиз, курашсиз чекинаётганлар йўқ эмас. Бирининг у ери оғрийди, бирининг бу ери... Бирини «ажина чалади»...

Аталага тўймагани учун туршак чайнаб ўтирган Парча ҳў-ҳўлаб кулди.

– Ўша ажинани кўрсамийди, обши қозонга босиб, қайнатма шўрва қилардим!

Хотинлар кулиб юборишди.

Закунчи ҳам мўйловини қийшайтириб мийиғида кулди.

– Маладес! Сиз-ку, шунақа дейсиз. Лекин арпа унини баҳона қиладиганлар ҳам бор-да! Нима дедингиз!

Ғувиллаб кетаётган бошимни кўтариб қарасам, Закунчи менга тикандек қадалиб турибди. Кўкиш кўзларидан совуқ учқун сачраб кетаётгандек.

– Бу уруш – ҳаёт-мамот жанги, – тишларини гижирлатиб таъкидлади у. – Одам нина эмаски, шудгорга тушиб йўқолиб қолса. Лекин айрим жангчилар йўқолиб қолаётганмиш. – Закунчи кинояли кулди. – Қизиқ, бутун бошли жангчи йўқолиб қолса! Ватан ишониб топширган қурол-яроғи

билан. Балки ҳозир, немиснинг товонини ялаб юргандир? А, лаббай? – Зақунчи «жавоб бер!» дегандек кўзимга қаттиқ тикилди.

Хотин халаж ҳайрон бўлиб қолган, ҳамма бунақа хунук гапни биринчи марта эшитаётгани учун сеҳрланиб қолгандек ундан кўз узмас, Раънохон бошини қуйи солганча, қўлидаги дафтарга қалам билан алланимани чизиб турарди.

Юрагим қинидан чиқиб кетгудек ура бошлади. Нафасим бўғзимга тиқилиб қолаётганини, кўз ўнгим хиралашиб кетаётганини сезиб турардим.

Зақунчи чўнтагини узоқ титкилади. Охири папирос олиб, тутатди.

– Гапиринг! – деди бошини маломат билан чайқаб. – Гапга устасиз-ку, авлод-аждодингиз билан!

– Ёлғон! – дедим чинқариб... Умрим бино бўлиб бўғзимдан шунчалик даҳшатли, аламли ҳайқариқ отилиб чиқмаган бўлса керак. – Ёлғон! Туҳмат қилган туҳмат балосига учрасин! Учрамаса у дунёю бу дунё розимасман!

– Тағин шаллақилик қилади! – Зақунчи папиросини ғазаб билан чертиб юборди.

– Бу қандоқ бедодлик! – дедим икки қўлим билан тиззамни муштлаб. – Бу қандоқ туҳмат!

Одам эсдан оғиши ҳеч гап эмас экан. Жиннилардек чинқирганча Зақунчига талпиндим. Аммо икки қадам юрмасимдан еру кўк чирпирак бўлиб айланди-ю, юзтубан йиқилиб тушдим. Кўзимни очсам, атрофимни хотинлар ўраб турибди. Парча пиёз ўтайвериб кўкариб кетган каттакон, дағал кафти билан юзимни силаяпти.

– Қўйинг, опажон! – деди дўриллаб. – Ит акиллади қўйди-де!

– Кўзингизни очинг! – Раънохон пешонамни силади. – Хафа бўлманг. Биласиз-ку. Умар акагаям осонмас...

Уйга қандай етиб келганимни билмайман. Шуниси эсимдаки, Раънохон қўлтигимга кириб, анча жойгача олиб келди. Йўл-йўлакай юпатди. «Раисдан хафа бўлманг, унгаям қийин», деди. Негадир ҳовлига киргиси келмади. «Олтинчи бригадага боришим керак», деб кўча бошида хайрлашди. Бу ёғига маст одамдек гандираклаб келдим. Бошим ёрилиб кетгудек лорсиллар, нафасим қисар, оёқларим чалишиб-чалишиб кетар эди. Кўча эшик олдида турган эшак аравани кўриб ҳайрон бўлдим. Ҳали кун ботгани йўқ-ку! Чолим нимага эрта қайтибди? Бу ўйлар хаёлимдан лип ўтди-ю, ўша заҳоти унутдим. Ҳеч нимани ўйлагим келмас, ҳеч кимни кўришга тоқатим йўқ эди.

Ҳовлига киришим билан беҳи тагида ёқа бўғишиб турган Оқсоқол билан чолимни кўриб, аранг хушимни тўпладим.

– Жинни! – Оқсоқол узун камзул кийган чолимнинг ёқасидан чангалаб силкитарди. – Ўшанинг гапига учасанми, пакана!

– Қўйвор! – Чолим қўшқўллаб Оқсоқолнинг ўғир дастасидек йўғон билагига ёпишти. – Оқ қилдим! – деди чийиллаб. – Бунақа ўғлим йўқ! Оқ қилдим!

– Ўв аҳмоқ! – Оқсоқол камзул ёқасидан ғижимлаб даст кўтарган эди, чолимнинг оёғи ердан узилиб типирчилаб қолди. Нафас ололмай кўзлари олайиб кетди. Ўз дардимни унутиб, дод солганча Оқсоқолга ёпишдим.

– Бу нимаси?.. Уялмайсизларми?

– Кўрмайсанми, паканангни! – Оқсоқол ҳарсиллаган кўйи чолимнинг ёқасини бўшатган эди, чолим шилқ этиб ерга ўтириб қолди. Оқсоқол ўзининг қилиғидан ўзи кўрқиб кетди. Чўккалаб ўтирганча чолимнинг юзига авайлаб шапатаилади. – Ўв! Жиннимисан, кўзингни оч, ўртоқ!

Чолим ола-кула бўлиб кетган кўзлари билан атрофга аланглади.

– Айтди-ку! – деди инграб. – Ҳаммага айтиб чиқди-ку! Думанинг ўғли хоин деди-ку! 270-буйруқ...

– Э, туққанингни! – Оқсоқол жаҳл билан ўзининг тиззасига муштлади. – Ишонма, дедим-ку. Ишонма, ўша лўттивознинг гапига! Қайтиб ол, аҳмоқ! Гапингни қайтиб ол! Гуноҳга ботасан, тентак! Хоҳласанг эртага Тошкентга тушиб военкомат билан гаплашаман, овсар!

Ҳамон гарангсиб турардим. Бундан чиқди Закунчи Кимсан бедарак йўқолганини ҳаммага гапириб чиққан. Худди боягидек ҳамманинг ўртасида гапирган. Чолим иснодга чидолмаяпти. «Оқ қилдим!» дедими?

Каловланиб бориб чолимнинг оёғига ўзимни ташладим.

– Дадаси! Қайтиб олинг гапингизни! Кимсан унақамас!

Ёш тўла кўзларим билан қарасам чолим киприкларини пирпиратиб ҳайрон бўлиб турибди.

– Унақа бўлса мениям талоқ қўйинг! Менам ҳаромман! – дедим томоғимни қисиб келган йиғидан бўғилиб.

– Ана! Эшитдингми, эшшак! – Оқсоқол чолимга дағдаға қилди. – Қайтиб ол гапингни!

– Бўпти! – Чолим бошимга эгилиб, сочимни силади. – Оллоҳнинг ўзи кечирсин!

Оқсоқол баттар ўшқирди.

– Айт! Ўғлим, адашдим, кечир мени, де!

Чолим титроқ қўллари билан юзини чангаллади.

– Ўғлим! – деди йиғламсираб. – Кечир мени. Кимсаним! Биламан, сен мард боласан! Ё Худо, дўст-душман олдида юзимни ёруғ қил, Худойим!

– Мана бу бошқа гап! – Оқсоқол енгил тортиб, чолимнинг кўзига тикилди. – Тур, ўртоқ! – У дўс-

тини суяб ўрнидан турғазди. Мен ҳам эмаклагу-дек бўлиб, турдим. Бошим баттар гувиллар, нафас олишга қийналардим. Энди айвон томон юрган эдим, чолим тўсатдан яна «айниб» қолди.

– Обчиқ! – деди чийиллаб. – Обчиқ, боягини!

Қарасам, чолим Оқсоқолнинг қорнига калла қўйишни мўлжаллаган сузонғич эчкидек бошини қуйи солганча, кўзини олайтириб турибди.

– Бочкани нима қиласан, аҳмоқ? – Оқсоқол хуноб бўлиб икки қўлини силкитди. Мадад кутгандек менга юзланди... – Бунингни қара, келин, боядан бери бочка сўрайди Нияти нима ўзи?

– Обчиқасанми-йўқми? – Чолим алам билан шундай чинқирдики, Оқсоқол беихтиёр орқасига тисарилди. – Обчиқ! – деди чолим ҳансираб. – Биламан, уйингда тўрттаси турибди.

Оқсоқол эсан оғиб қолган дўстини инсофга келтирмоқчи бўлди шекилли, секин-секин тисарилиб, юпатди.

– Тўрттамас, учта. Қишда, ўтин йўғида биттасини синдириб ёққанман.

– Учта бўлса – учта! Обчиқ! – Чолим яна хезланиб келган эди, Оқсоқол кўча эшик томонга лапанглаб қочди.

– Хўп, дедим-ку!

Оқсоқол чиқиб кетиши билан чолим молхона ён-бошидаги ҳужрага йўл олди. Қорайиб кетган эски бочкани дақир-дуқир қилиб думалатиб ҳовли ўртасига олиб келди. Бочкани тик қилиб қўйди-да, ошхонага кириб, теша топиб чиқди. Бочканинг темир ҳалқаларини даранглатиб ура бошлади. Бир вақтлар, урушдан олдин шу бочкага бодринг тузлардик. (Кимсан қишда тузланган бодринг ейишни яхши кўрарди).

Чолим бочкага эмас, менинг бошимга ураётганга ўхшар, теша ҳар гал темир ҳалқага урилганида қулоғим шанғиллар, кўнглим беҳузур бўлиб, нафасим қисилар, беҳи шохини қўйиб юборсам, йиқилиб тушишимни сезиб турардим. Робия қаёқда қолди? Нима қилмоқчи бу қайсар чол!

Амаллаб айвонга чиқдим, у ёғига юришга мадорим етмади. Айвон пешига ўтириб қолдим.

Оқсоқол айтганини қилди. Битта бочкани думалатиб ҳовлига олиб кирди. «Ма, жинни, билганингни қил», дегандек бочкани жаҳл билан тепиб юборди. Бочка думалаб супа олдига борганида чолим чаққонлик билан тиклаб, темир ҳалқаларини даранглатиб теша билан уришга тушди.

Бирпасдан кейин Оқсоқол иккинчи бочкани ҳам думалатиб кирди.

– Кўнглинг тўлдими! – деди ҳарсиллаб. – Бўлдими! Ана, иккаласиям сенга! Ичига тушиб ётавер!

– Зиқналик қилма! – Чолим Оқсоқолга ўқрайди. – Обчиқ унисиниям!

– Оббо! – Оқсоқол тўнғиллаб чиқиб кетди. Анчадан кейин у яна битта бочкани елкасига ортмоқлаб кириб келди. Буниси кичкинароқ эди.

– Бўлдими? – деди жаҳл билан бочкани чолимнинг оёғи остига ташлаб. – Қутулдимми, бочка жинниси!

Оқсоқол супага чордана қуриб ўтирганча чолимнинг ишини кузата бошлади.

Чолим бочкаларни тартибга солиб бўлгач, энг каттасини думалатиб, ҳожатхона эшигига борди.

Орадан анча ўтди. Бир маҳал супада ўтирган Оқсоқол илдам туриб кўча эшикка йўналди.

– Э, қилигинг қурсин! – деди эшикдан чиқиб кетаркан, тўнғиллаб. – Жинни, пакана!

Аммо ғира-шира қоронғи тушганида яна қайтиб келди. Ҳамон ҳовли бурчагида куйманаётган чолимнинг олдига борди.

– Нима зарил сенга, Дума! Шундан бошқа иш қуриб қолдими? – деган эди, чолимнинг овози титраб, ҳайқиргани эшитилди.

– Ўз ҳолимга қўясанми-йўқми?

Ўша заҳоти йиғи аралаш ингради!

– Юрагим ёниб кетяпти, ўртоқ! Мана бу ерим куйиб кетяпти, жон ўртоқ!

Иккаласи ғўнғир-ғўнғир қилиб алланималарнинг маслаҳатини қилишди.

Қоронғи уйга кирдим у шапарак кўрпачага ўзимни ташладим. Шу кўйи уч ҳафта ётдим...

Гоҳ ҳуд, гоҳ беҳудман. Иситма аралаш Кимсаним тушимга киради. Бировдан уялгандек жилмайиб турганини кўраман. Ҳушим жойимга келганида нафасим қисилиб, ичимда биров ҳуштак чалаётгандек бўлаверади. ўашим келади. Чолим ишда, Робия ишда.

...Қизим озиб-тўзиб кетди. Аллақандай одамови, камгап бўлиб қолди. Кўпинча кечалари ҳам далада қолиб кетади. Сўрасам бир оғиз, «тракторни бекор қўйгим келмади», деб қўя қолади. Уйга келганда ҳам индамай айвон пешига ўтиради-ю, ойдин кечалари қийиқчага гул босади. «Кимга?» десам, «Кимга бўларди, Кимсан акамгада», дейди жилмайиб. Жилмаяди-ю, лаби титраб кетади.

Яхшиям бахтимга Холпош овсиним бор экан. Икки ҳафтагача уззукун бошимда ўтирди. Комил табибнинг «туркана» дориларидан ичиради. Оғзимга бир қошиқ иссиқ тутади. Икки гапнинг бирида Робияни дуо қилади.

– Робияхон умридан барака топсин! Ажабам трактор ҳайдашни ўргатган экан. Зўрам анча овуниб қолди, овсинжон!

Бир куни чолимниям мақтаб қолди.

– Эрингизни ақли тошни ёради, овсинжон! Лавлагига «шарбат» оқизяпти. Экинга жа қувват бўларканда, бу ордона қолгур!

2. Ёмоннинг кучи – япалоққа...

Куз эрта тушди. Қовун палаги қуримасидан ҳавода мезон учди. Кечалари осмонда турналарнинг ҳорғин ноласи эшитилди. Бу йил қиш қаттиқ келадиганга ўхшайди. Тераклар баргини эрта тўқди.

Лавлагига кавлашга тушганимизга бир ҳафтадан ошди. Чолим, ростдан ҳам ҳамма ёқни «шарбат»га тўлдириб юборган экан. Қайси пайкалга кирманг, ўқариқ бошидаги «тиллахона»га кўзингиз тушади. Узунлиги беш қулоч, эни икки қулоч чуқурга чолим ҳовлима-ҳовли юриб, бочкага ортиб келиб «маданий» тўлдирган. Ўз бўйи сувга қўшиб «шарбат» қилиб оқизган.

«Шарбат»нинг ўзи ёмон бўлгани билан «ҳикмати» зўр экан. Лавлагига шунақанги «қутуриб» кетганки, ҳар биттаси самовардек келади.

Кеча Раънохон лавлагига қазийётган жойимизга келиб, атайлаб одамларни тўплади. Газетада Умар закунчининг камида бир пуд келадиган лавлагини кўтариб турган сурати чиққан экан. Сурат тагидаги ёзувни ҳаммага эшиттириб ўқиди:

«Стахановчи Умар Хўжаев раислик қилаётган «Қизил деҳқон» колхозининг азаматлари ҳар гектардан олтиш тоннадан лавлагига олишга аҳд қилганлар. Бу – қаҳрамон колхозчиларнинг қаҳрамон жангчиларга муносиб совғаси бўлади...»

...Қизиқ... Ориф оқсоқол ўшанда тўғри айтган экан. Бедарак йўқолди, дегани хоин дегани эмас экан. Нўғайқўрғонга яна икки одамдан шунақа хабар келди. Бунақа хат олганлар хафа бўлиш ўрнига қайтага қувонишди. Бундан чиқди, ўғли тирик. Ким билсин, балки госпиталга тушгандир, балки партизанларга қўшилиб кетгандир... Чолим ҳам ўлгудек ҳовлиқма-да! Закунчининг бир оғиз совуқ гапига аччиқ қилиб, эрта-индин туғай деб турган галанска сигирни сотиб келди. Ўрнига ўрин тиррақи бузоқ опкепти. Бу жонивор қачон сигир бўладию қачон сутга киради... «Қолган пулни нима қилдиз», десам, «ишинг бўлмасин», деб жеркиб берди. Кейин Оқсоқолдан эшитдим. Чолим «Ўзбекистон» танк колоннасига ҳаммадан кўп пул топширганмиш. Закунчи мажлисда чолимни роса мақтаганмиш. Мақтамай тилинг кесилгур! Нима қилардинг туҳмат қилиб! Нима қилардинг эл ўртасида бизни маломатга қолдириб! Шуни айтсам, Оқсоқол сўкиб берди: «Ёш бола тушунадиган нарсага ақлинг етмайди-я, келин! Закунчи сенинг паканангни азбаройи яхши кўрганидан мақтабдими? Чолинг обрў оберяпти Закунчига, тушундингми! Ҳеч ким қилмаган оғир ишни зиммасига олиб «шарбат» ташияпти. Раисга шундан бошқа нарса керакмас!» Менинг ақлим етмаган нарсани чолим жуда яхши биларкан. Бугун Закунчи ёнига суйкалиб келган эди, жанжал чиқаришига бир баҳя қолди. Начора, ёмон гап одамнинг кўнглидан кетмас экан. Бугун галати кун бўлди ўзи. Кулишингниям билмайсан, хафа бўлишингниям...

...Чолим билан Парча лавлаги қазир, бизлар сават замбилга ортиб, пайкал бошида турган ҳўкиз аравага ташиётган эдик. Айтдим-ку, лавлаги жонивор шунақанги бўлиб берганки, каттароқ кетмон билан

қазимасангиз, бўлмайди: кесилиб, ярми ерда қолади. Чолим-ку, эркак. Парчани айтмайсизми! Кетмони баркашдек келади. Ҳар кетмон солганда ер зирилаб кетади. Билакларини шимариб олиб, ғайрат билан ишлаб ётибди. Лазакат иккаламизга битта замбил теккан. Ўнта хотин чолим билан Парча қазиб бераётган лавлагини ташиб етказолмаймиз. Сават замбил беш-олтита лавлаги билан тўлиб қолади. Арава ўлгур битта. Бултур картишка қазиганимизда чолимнинг эшак араваси ҳам коримизга яраб турувди. Энди унга лавлаги ортиб бўлмайди, ҳазар қилишади. Ҳўкиз арава омборга бориб-келгунча лавлагини хирмон қилиб уйиб ташлаймиз.

Иш айна қизиганида Закунчи келиб қолди. Кайфи чоғ. Салқин тушиб қолгани учун бўлса керак, яна ўша чақмоқ телпагини кийиб олган, оёғида қайтарма қўнжли этик, қўлида қамчи... У отдан чаққон сакраб тушди. Жиловдан тутган кўйи кулимсиради.

– Ҳорманглар-ов! – деди тетик овозда. – Бир минут вақтингларни оламан.

Ҳамма бирин-сирин яқин келди. Фақат Парча ўқариқ бошида, яримлаб қолган, устига тупроқ сеппилган «тиллахона» ёнида кетмонига суянганча тураверди. Закунчи тоғдек уюлиб ётган, ҳар биттаси дўнгдек келадиган қанд лавлаги хирмонига кўз ташлаб, қамчили қўли билан ингичка мўйловини силади.

– Ўртоқлар! – деди тантанали, жарангдор оҳангда. – Бугундан бошлаб Янгийўлда қанд заводининг янги цехи ишга тушди. Бизнинг лавлаги билан ишлайдиган цех! Биласизларми, бу – нима дегани! – У мамнун жилмайиб, ҳаммага бирма-бир қараб чиқди. – Бу дегани шуки, бизнинг лавлаги эртага тонна-тонна қанд бўлиб жангчиларга жўна-

тилади. Бу законний ишга сиз ҳам ҳисса қўшдингиз, Ҳусан ака! – У от жиловидан тутганча чолимга яқин борди. – Маладес, бобой! – деди қамчили қўли билан чолимнинг елкасига қоқиб. – Маладес!

Қизиқ! Чолимнинг ранги гезариб кетди. Зақунчининг қўлини елкасидан силтаб ташлади. Зақунчининг авзойи ўзгарди.

– Ҳа! – деди мўйлови учиб. – Арпангизни хом ўрдикми?

Чолим хўмрайиб турганини кўриб, мийиғида кулди.

– Яхшилик ёқмаган банда! Иззат қилсанг тўрға чиқиб... – У кителининг чўнтагидан папирос олди. Шунда чолим ғалати иш қилди. Шимининг чўнтагига қўл суққан эди, ялтироқ папирос қутиси чиқди. Эсини еганми чолим! Папирос чекмасди-ку, қаёқдан келди бунақа қути!

У индамасдан қутини Зақунчига узатди. Зақунчи негадир эсанкираб қолди. Гоҳ чолимга, гоҳ қўлидаги ялтироқ папирос қутисига қараганча орқага чекинди. Боши от тумшуғига тегиб, чақмоқ телпаги қийшайиб кетди.

– Тек, падарингга лаънат! – деди жийронга қамчи ўқталиб. От қулоғини чимириб, бош силкиди. Сувлиқ шақирлади. Чолим бир зум Зақунчига тикилиб турдида, папирос қутисини ерга улоқтирди. Қути пушта устига тушиб, дириллаб сакраб кетди. Ичидаги папирослар ҳар ёққа сочилди. Чолим кетмонини елкасига ташлаб, индамай кетаверди. Орага таранг сукунат чўкди.

Боядан бери кетмон дастасидан ушлаб турган Парча раис олдида ўзини кўрсатиб қўйгиси келди шекилли, икки кафтига мўлгина туфлади-да, кетмонни боши устида баланд кўтарганча «хах» деб лавлаги пуштасига урди. Мўлжаллаган лавлагиси

«тиллахона» яқинида ўсгани учунми, росаям битиб кетган экан! Кетмонни ҳарчанд чуқур солмасин, қоқ ярмидан кесилиб отилиб кетди. Силлиқ кесилган лавлагининг ерда қолган палласи лагандек оппоқ кўриниб қолди. Бирдан Зақунчининг кўзлари қисилиб, кўкимтир ўт чақнади.

– Сволич! – деди ҳайқириб. – Нима қилдинг, аблаҳ! – От жиловидан тутганча, қамчи ўйнатиб Парчанинг тепасига борди. – Мана шу лавлаги бир жангчининг ҳаётини сақлаб қолишини биласанми! – У пушта устида ётган лавлаги палласини этиги билан тепди. Лавлаги яримта бўлса ҳам ўртачароқ пақирдек келарди. Тепки зарбидан учиб кетмади. Бир томонга думалади, холос.

Парчанинг қалин лаби осилиб кетди. Қўрқиб, кипригини пирпиратди, аммо чекинмади, анграйиб тураверди.

– Ман билмадим-де! – деди дўриллаб. – Котта экан!

– Билмадинг?! – Зақунчининг овози таҳдидли жангладди. – Сен очофат ҳаммасини биласан! Лавлагининг ярмисини ерда қолдириб, уйинга обкетмоқчисан! Аждаҳо нафсинга қайнатиб емоқчисан.

Парча атрофдаги хотинларга ҳайрон аланглади.

– Манов кишини қарайла! Жинними бу?

– Мана жинни! – Ҳавода қамчи визиллади. Парчанинг чаккасидан иягигача ингичка кўндаланг из тушиб қолди. Из аввал қизғиштоб бўлиб турди-да, ўша заҳоти арқондек бўртиб чиқди. Бурнидан тирқираб қон оқа бошлади.

– Қочсанг-чи! – деди Лазакат чирқиллаб. – Қоч!

Шу пайт кетмонини боши устида баланд кўтариб югуриб келаётган чолимга кўзим тушди.

– Борманг! – Қўшқўллаб кетмон дастасига осилдим. – Аралашманг, қаматади!

– Нарн тур! – Чолнм кетмоннн силтаб тортдн. Кучнм борнча дастага ёпншнб олднм. Иккаламнз пуштага чўккалаб қолднк.

Орқа томонда яна қамчн визнлладн. Қўрқув нчнда бурунлнб қараднм. Парчанннг юзнда арқон-дек нккннчн чнзнқ бўртнб чнқдн. Парча бу гал ҳам қочмадн. Лекн нлондек тўлғанаётган қамчн-нн маҳкам чангаллаб олдн. Чолнмнннг қўлндагн кетмон дастаснга ҳамон ёпншганча қарасам, За-кунчн қамчн дастасннн силтаб тортятн.

– Қўйвор! – дедн газабдан хнрнллаб.

Бурнн қонаётган Парча қамчннн бўшатмадн. Чолнм кетмоннн ташлаб, ўша томонга югураётган эдн, оёғнга оснлнб олднм.

– Борманг!

– Қўйвор, нт эмган! – Зақунчн тншннн рнжнрла-тнб, қамчн дастасннн яна силтадн. Парча қнмнр этмас, ҳуркнб кетган от нуқул ер тепнннб бошннн силкнтар эдн.

Зақунчн от жнловннн қўннб юбордн. От думннн гажак қнлнб шаталоқ отдн.

– Қўй-ворр! – Зақунчн қамчн дастасннн қўшқўл-лаб чангаллаган қўнн кучн борнча орқага силтаган эдн, Парча кафтннн ёзнб юбордн. Зақунчн орқа-снга тнсарнлнб кетдн. Уч-тўрт қадам ганднраклаб бордн-ю, ўқарнқ пуштаснга қоқнлнб «тнллахонага» чалқанча йнқнлдн.

Бу – шунақангн кутилмаганда бўлднкн, ҳамма анграйнб қолдн. Ҳатто боядан берн ўша томонга талпннаётган чолнм ҳам пуштага чўккалаганча офнр-офнр кнпрнк қоқдн.

Зақунчннннг қайтарма қўнжлн этнгн ҳадеб тнпнр-чнлар, аммо ўзн кўрннмасдн. Ннҳоят этнклар ҳам бнр зум кўздан ғойнб бўлдн-да, кейнн «тнллахона» қнрғоғн-да бнр жуфт қўл кўрнндн. У қнрғоқдагн кесакларнн

таталаганча эмаклаб юқорига чиқа бошлади. Бошидаги чақмоқ телпак тушиб қолган, аммо нажасга беланган қамчисини ҳалиям қўлидан қўймаган, юз-қўзини қўриб бўлмас, оғзини каппа-каппа очиб нафас оларди. Ҳамма ёқни бадбўй ис тутиб кетди. У юзини артмоқчи бўлган эди, баттар ифлос қилди. Этигининг қўнжидан шўлтиллашиб «шарбат» сачратганча дуч келган томонга югуриб кетди.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

Ориф оқсоқолнинг қарори

Урушнинг иккинчи баҳори ҳам қаҳрли келди. Энди ўрик гуллаганда қора совуқ бўлиб, ҳамма ёқни қақшатиб кетди. Умар зақунчи ўшанда хат олиб келганида Кимсан акамнинг дом-дараксиз кетишини жудаям хоҳлаган эканми, билмайман. Бир йилдан бери на хат бор, на хабар. Ойимнинг айтишича, одам ухлаганида жони танидан чиқармиш-да, қанотли от бўлиб осмонга учиб кетармиш. Учиб юриб, яқин кишиларининг жони билан учрашармиш. Шу гап рост бўлса менинг жоним Кимсан акамники билан тез-тез учрашиб туради. Гоҳ икковлашиб ишкомда узум узамиз, гоҳ аллақандай нотаниш кўчаларда юрган бўламиз. Бундан чиқди, Кимсан акам тирик. Унинг жони ҳам мени излаб юрибди. Шунақа пайтларда уйғониб кетсам, қўзимни қайтадан юмиб оламан, тушимнинг давомини кўргим келади. Кечалари сандал четида ўтириб, қийиқчага Кимсан акамнинг номини ёзиб, кашта тикаман...

Кўклам сурилиб кетгани учун тракторларни кечаси ҳам ишлатадиган бўлдик. Яхшиям Зуҳра

келинни трактор ҳайдашга ўргатганимиз. Башор опа иккаламизнинг қўлимиздан нимаям келарди. Зуҳра келин ёрдамчиси Олимжон билан бинойидек ишляпти. Кузда ҳам анча жойни шудгор қилган эди. Аввалига Олимжон, «опа, сиз билан ишлайман», деб кўп хархаша қилди. Болани алдаб-сулдаб йўлга солдим. Менга балоям урмайди. Ёрдамчи керакмас. Сув ташиш бўлса ўзимдан ортмас. Ҳарна Зуҳра келинга ёрдам бергани. Нима бўлгандаям кўнгли ярим.

Тонготар уйқуси қанчалик ширин бўлишини кечаси билан миужжа қоқмаган одам билади. Ҳаммасига чидайсизу олисда – тоғлар ортида осмон бўзара бошлаганда шунақанги уйқу босадики, дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, захкаш тупроққа таппа ташлаб ётиб олгингиз келади. Билмаган одам тракторнинг тариллаши уйқуни бузади, деб ўйлайди. Унақамас, аксинча, тракторнинг овози аллалайди: бултурдан қолган марзалар устидан силкина-силкина ўрмалаётган трактор бешикдек тебранади. Ўтирган жойингизда мудраб кетганингизни ўзингиз билмай қоласиз.

Зуҳра келин уйқучироқ! Кўпинча тонг-саҳарда тракторни дала ўртасида тўхтатади-да, рул чамбарагига бошини қўйганича ухлаб қолади. Бу сафар ҳам шунақа бўлди. Марза этагига борганда тракторни бураётсам нариги пайкал ўртасида бир кўз-ли чироғи ёниб турган тракторни кўрдим. Зуҳра келин яна ухлаб қопти. Трактор бир жойда қимирламай турибди.

Моторни ўчириб, тупроқ кечганча ўша томонга юрдим. Биламан, Зуҳра опамга қийин. Оқсоқолникиям катта даргоҳ. Фотима опа бола-чақадан ортмайди. Уйдаги кўп юмушлар Зуҳра келиннинг зиммасида. На уйда тиним бор, на далада. Аммо

трактор тўхтаб турганини Башор опа кўрса хафа бўлади. У кишиниям жони ўнтамас, юрибди-ку, кеча-кундуз тиним билмай. Буям майли, Умар закунчининг тонг отар-отмас дала айланадиган ода-ти бор. Шу ишнинг устига келиб қолса, Зуҳра келиннинг дилини сиёҳ қилади...

Қизиқ, Олимжон қаёққа кетдийкин? Уям ухлаб ётгандир-да. Бола-ку ахир.

– Зуҳрапа! – дедим йўл-йўлакай бақириб.

Яқин келсам Зуҳра келиннинг трактори тари-лаб турибди.

– Зуҳрапа! Туринг! Тонг отяпти.

Гаранг одам бўлсаям эшитарди. Қаттиқ ухлаб қолган шекилли. Тракторнинг темир зинасига оёқ қўйиб, ичкарига мўраладиму ҳайрон бўлдим. Трактор ишлаб турибди, чироғи ёниқ, аммо усти-да ҳеч ким йўқ.

Бирдан юрагимга ғулғула тушди. Бултур трактор тепиб, бир ой азоб чекканим ёдимга келди. Мотор ўчиб қолган бўлса, юргазаман деб уния-м тутқич тепкиси уриб юборган бўлса-чи.

Йўқ, унақа десам мотор ишлаб турибди-ку! Хаёлимга ундан ҳам ваҳимали ўй келди-ю, вужудим музлаб кетгандек бўлди. Трактор ҳайдаб кетаётиб ухлаб қолган бўлсачи! Уйқусираб йиқилиб тушиб, филдирак тагида қолган бўлса. Мажақланиб ўлиб ётган бўлса... Жонҳолатда орқага, трактор қазиб ўтган қоп-қора шудгорга югурдим.

– Зуҳра-па-а-а! – дедим ваҳима билан чинқириб.

Олиса хира ойдинда мудраб ётган қирлар ор-тидан «а-а-а» деган садо келди.

Олимжон-чи? Олимжон қаёқда? Ҳали пачоқ че-лакда сув кўтариб, Зуҳра келиннинг трактори то-монга кетаётганига кўзим тушувди.

– Олимжон-он?! – дедим бақириб. – Олимжон-о-он!

Пайкал этагида ўрмалаб келаётган Башор опанинг трактори ҳам тўхтаганини кўрдим.

– Олимжон! Зухрапа! – Қўрққанымдан кафтимни карнай қилиб овозим борича бақирдим. – Олимжон-он!

Пайкалнинг юқори томонидан – тутзор орасидан бир қора ажралиб чиқди-да, шу томонга югурди. Яқинроқ келганда илғадим – Олимжон! Эғнида эски чопон, бошида дўппи. Қўлида челақ.

– Зухра опанг қани? – дедим титраб.

Олимжон рўпарамга келиб челақни ерга ташлади. Бўш челақ даранглади.

– Сув керакми? – деди мушти билан кўзини ишқалаб. – Ухлаб қопман, опа!

– Зухра опанг қани, деяпман! – Гўё Зухра келини Олимжон бир ерга яшириб қўйгандек жаҳд билан сўрадим. – Қаёққа кетди?

Бола ерда ағдарилиб ётган челақнинг бандидан ушлаганча орқасига чекинди.

– Билмадим, опа... Ҳали сув опкелганимда бор эдилар.

Орқа томонда этикнинг юмшоқ ерга урилаётгани эшитилди. Башор опа ҳарсиллаб яқин келди.

– Нима гап? – деди гоҳ менга, гоҳ Олимжонга қараб.

– Зухра опа йўқ. Ҳали Олимжон кўрган экан.

Башор опа темир зинадан чиқиб, Зухра келинини тракторини ўчирди.

– Бирон жойда ухлаб ётгандир, – деди юпатиб. – Қарайлик-чи. Сен қаердайдинг?

– Менми? – Олимжон айбдор қиёфада бурнини тортди. – Тутзорда... Ухлаб қопман.

– Бор, ўша тутзорни қара.

Олимжон тупроққа бота-бота пайкал этагида қорайиб турган тутзорга югурди.

– Опа, – дедим ваҳимам ошиб. – Трактор юриб кетаётганда уйқусираб йиқилиб тушган бўлса-я.

– Йўғ-е, ёш боламас-ку... – Башор опа шунақа деди-ю, ўзининг ҳам юрагига ғулғула тушди шекилли, орқа томонга, Зуҳра келиннинг трактори ўтган шудгорга чопди. – Юр-чи...

Бутун шудгорни, пайкал четларини айланиб чиқдик. Олимжон ҳам ҳаллослаб келиб бир оғиз сўз айтди:

– Йўқлар!

Ой умидсиз, қизғиш нур сочиб ботиб борар, шудгор қилинган дала янаям қорайиб кўринар, атрофга сирли, ваҳимали сукунат чўккан эди. Ҳаммамиз ҳар ёққа зир югуриб чақира бошладик:

– Зўра-ю-ю?!

– Зуҳра опа а-а!

– Кеннойи-и!

Ҳолдан тойиб, терлаб кетдим.

Тонг ёришиб, тоғ томон қизариб келар, кунботар томондан, қирлар ортидан ўзимизнинг ҳайқириғимиз акс садо бўлиб қайтар эди: «Ю-ю-ю!», «А-а-а», «И-и-и».

Охири тонг отиб кетди. Башор опа уйқусизликдан қизарган кўзлари билан Олимжонга чақчайиб сўроқ қила бошлади:

– Ростини айт, бола! Қачон сув обкелувдинг?

– Ой чиққанда! – Олимжон гоҳ менга, гоҳ Башор опага олазарақ қаради. – Худо урсин, кеннойимга сув обкеганим рост.

– Соат нечайди ўшанда?

– Қаёқдан билай! – Олимжон бурнини тортиб, елкасини қисди. – Ой энди чиққанди.

Учовимиз ҳам талмовсираб қолгандик. Ориф оқсоқолга нима деймиз? Шу келинини, айниқса, яхши кўради. Ерга қўйсам чанг, осмонга қўйсам

гард юқади, дейди. Фарзанд кўрмагани учун кўнгли ярим деб авайлайди. Шўримиз қурсин! Балоба қолдик. Худо кўрсатмасин, Зухра келинга тирноқча озор етган бўлса Оқсоқол аяб ўтирмайди. Башор опаниям, мениям қийма тахтага тортиб чучвара қилиб туғиб ташлайди!

Қизиқ, иккита кап-катта одамнинг хаёлига келмаган гапни Олимжон айтди:

– Нега кўрқасиз, опа! Кеннойим чарчаган бўлсалар, уйга кетгандирлар.

Рост айтади Олимжон. Бир ҳафтадан бери уйқу йўқ. Зухра келин чарчаган, уйқуси келган, бор-е деб уйига кетган. Шу...

Қишлоққа кириб борганимизда Башор опа тўсатдан тўхтаб, менга ўтирилади.

– Зухра тракторни ташлаб уйига кетганига ишонмайман. Бир гап бўлган.

Юрагимга яна ваҳима ўрмалади. Унда қаёққа кетади?

Кунгурадор дарвозадан киришимиз билан Холпош хола пешвоз чиқди. Нимча кийиб олган, бир қўлида хурмача: қатиқ ивितмоқчи шекилли, хурмачани ювиб, сувини силқитиш учун тўнкариб ушлаб турибди.

– Вой айланай сиздан, бормисиз? – деб Башор опанинг елкасига хурмача билан туртиб кўришди. – Робия қизим, эсон-омонмисан? Ишинглар битдими? Зўра қани?

Башор опа ялт этиб менга қаради, мен унга!

Холпош хола ҳовли ичкарасига, ошхонага қараб қичқирди:

– Потма-ю! Чойингни тезлат, болам, меҳмон келди...

Чоймиш-а!

Башор опа минғиллаб, бир нима баҳона қилди. Иккаламиз Оқсоқолнинг дарвозасидан узун-қисқа бўлиб чиқдигу келган йўлимиздан орқага югур-

дик. Қуёш кўтарилиб қолган, ҳайдалган ер устида нимтатир буғ таралар, тупроқнинг майин, дилни орзиқтирувчи иси димоққа урар эди. Кечаси тракторлар ўтган пайкалларни яна айланиб чиқдик. Шунақа қилсак, Зуҳра келин топиладигандек, дала ўртасида тўхтаб қолган тракторнинг тагига қайта-қайта мўраладик.

Йўқ! Зуҳра келин ердаям йўқ, кўкдаям! Одам тугмача эмаски, шудгорга тушиб йўқолиб қолса! Бир бало бўлган. Иккаламизнинг кўнглимиздан шу гап муттасил ўтиб турса ҳам, Башор опа менга, мен унга қарашга ботинолмасдик. Гўё кўзимиз кўзимизга тушса шу андишани албатта бир-биримизга айтадигандек... Охири дала бошидаги тутзор томонга кетдик.

Бултур пилла пайтида каллакланган тутларнинг кузда қайтадан ўсган яланғоч навалари нола қилиб, осмонга қўл чўзиб турганга ўхшар, аммо кўклам келганини ҳис этиб, ожиз, нозик тугунчалар чиқарган, «кўриб қўйинглар, мен ҳали ёшман, яшашни хоҳлайман», деб хитоб қилаётгандек эди.

Иккаламиз икки ёқдан тутзорга кириб, қуриб қолган ариқ ичига ёзилган эски пўстакда ухлаб ётган Олимжоннинг устидан чиқиб қолдик. Бола бари бир болада! Олимжон мушукдек ғужанак бўлганча пишиллаб ухлар, бошидан дўпписи тушиб, пешонаси терлаб кетган, нарироқда пачоқ челак тўнкарилиб ётарди. У ора-чора тамшаниб қўяр, негадир жилмаярди. Хаёлимга келган ғалати ўйдан ўзим сесканиб кетдим. Тушида Очил акаси билан гаплашяпти. Ўлган акаси билан...

Башор опанинг қаҳри қаттиқ экан. Боланинг елкасига жаҳл билан туртди.

– Тур!

Олимжон сапчиб туриб чўккалади. Иягига оққан сўлагини кир кафти билан сидириб атрофга аланг-жаланг қаради.

– Сув обкелайми? – деди тўнқарилиб ётган пақирга талпиниб.

Башор опа унинг кўзига чақчайиб тикилди.

– Шошма. Ростингни айт: Зухра қани?

Олимжон бошини елкасининг ичига тортиб қунишди.

– Қаттан биламан? Кечасиям айтдим-ку. Ой чиққанда бор эдилар...

...Башор опа Олимжонга қанақа дағдаға қилган бўлса, пешиндан кейин Ориф оқсоқол ҳам Башор опага шунақа зугум қилди:

– Зўрани келиниммас, қизим деганман, биласан-а? Трактор ҳайдасин деганингда айтганман: қизимнинг бошидан бир тола соч ҳаддорат узилса, сени сўяман деганман! Топ! Ҳозир топасан!

Шу гап чиқиши билан Оқсоқолнинг ёнидан жилмай қолган бобом кўлини пахса қилиб юпатди:

– Жа, оласан-да, сенам! Қудангникига кетган, билдингми! Онасини соғинган. Шу!

Оқсоқол кафтини тўлдириб нос отаркан, бобомга ижирғаниб қараб қўйди:

– Бориб келдим, у ёқда йўқ.

Башор опа иккаламиз ичимизда қиринди ўтиб, бир-биримизга қарадик.

– Ҳай овсар! – Бобом жаҳл билан чийиллади. – Сени қадаминг билан Зухрани қадами бир эканми! Сен ҳаллослаб боргансан. Зўра секин-секин борган. Юр, яна хабар оламиз...

...Бобом ярим кечада уйга ҳориб-чарчаб келди. Ойим билан мен ярқ этиб қараган эдик, қовоғини солиб, бир оғиз «йўқ» деб қўйди.

Зухра келин бедарак йўқолди. Қудуққа тушган тошдек, на ўлигини дараги бор, на тиригини.

Икки орада Холпош хола билан Фотима келинга жабр бўлди. Фотима келин ҳар куни бизникига чиқади. «Ўмон кўп синглим, ёмон кўп, биров ўлдириб кетган», дейди йиғлаб. Холпош хола йиғламайди. «Бир эмас, икки боламдан айрилганим етмасмиди, энди шу кўргилик бормиди», деб инграйди. Ойим овсинини юпатади-ю, кечалари менга ёрилади: «Сенга ёпишган жин-ажиналар Зўра бечорани хароб қилган, кўрасан, шўрликнинг ўлигини қирқ кунда Бўрижардан топишади».

Умар закунчи ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборди. Ёнида Исмоил мелиса, Раъно келинойим уч киши бўлиб, ҳар куни тушликда далага келади. Аввал Башор опани, кейин мени сўроқ қилишади:

– Охирги марта қачон кўрувдинг? Ким билан кўрувдинг? Нимага хабар қилмадинг?

Раъно келинойим ҳам қизиқ. Худди Зухра келини мен ўлдиргандек, Закунчининг сўроғини, менинг жавобимни сўзма-сўз ёзиб олади... Биладан, Раъно келинойим мени ёмон кўради. Бултурги воқеадан кейин уйига қадам босмаганим алам қилса керак. Лекин ойим тоғамникига тез-тез бориб туради. Раъно келинойим ҳам бизникига келади, кўп эмас-ку, ҳарқалай келиб туради. Келгандаям «яхшимисиз» деб елкамга қоқади-ю, бошқа гапирмайди.

Ҳамма ҳаракатлар зое кетди. Районга хабар беришгани ҳам. Исмоил мелисанинг елиб югуриши ҳам. Охири ойим айтган гапга ишондим. Қирқ кундан кейин бечоранинг ўлигини Бўрижардан топишади...

Қирқ кун эмас-ку, орадан бир ҳафталар ўтганидан кейин тракторга сув кўтариб келган Олимжон қизиқ гап айтиб қолди.

– Кеннойим тирик бўлсалар керак, – деди галати илжайиб.

Кўнглимда илинж уйғонди. Бир нимани билади, бу шумтака!

– Тирик бўлса дараги чиқмасмиди, – дедим кўзига тикилиб. – Кўрасан, ўлиги яқинда Бўрижардан чиқади. Биров ўлдириб кетган.

– Ўлдирмаган, – Олимжон вошиллаб буғ кўтарилиб турган тракторга сув қуяркан, яна илжайди. – Кеннойимни яхши кўради.

– Ким? – Олимжоннинг пақир тутган қўлидан маҳкам ушладим. – Ким ўлдирмайди? Кимни айтяпсан?

Олимжон қўрқиб кетди.

– Ҳеч ким, – деди ўзини орқага ташлаб. – Мен билмайман.

– Менга қара, Олимжон, – болани қучоқлаб олдим. – Оқсоқол бувангникидагилар қон йиғлаб ўтиришибди. Ростингни айт, Зухра келинойингга нима бўлган? Тўғрисини айт, яхши биласан-ку, ўзинг!

– Айтиб берасиз-да! – Олимжон ҳуркиб кўзини олиб қочди. – Мен билмайман. Аммо кеннойим тирик.

– Хўп, – дедим ялиниб. – Ҳеч кимга гапирмайман. Фақат тўғрисини айт. Кеннойингга нима бўлди?

– Онт ичсангиз айтаман!

Билдимки, Олимжон жудаям гапиргиси келиб турибдию қўрқяпти.

– Ҳеч кимга айтмайман, деб онт ичинг, – деди зада бўлган қушчадек ҳурпайиб.

– Бировга офиз очсам нон урсин! – дедим шоша-пиша. – Зухра опа тирикми?

– Тирик. Козим ака ўлдирмайди. Кеннойимни яхши кўради! Ҳеч кимга айтмайсиз-а?!

Ниманидир тушунгандек бўлдим. Бултур, кеч кузда, тракторларни энди далага олиб чиққани-

мизда, шудгор қилинаётган пайкалда юрган, ҳарбий кийим кийган шапкали одамга кўзим тушган эди. Бир марта Зуҳра келиннинг трактори ёнига борганини ҳам кўргандим. Зуҳра келиндан сўрасам, «холаваччам, урушдан ярадор бўлиб отпусмага кепти», деганди. Бу гап аллақачон эсимдан чиқиб кетган, ростини айтсам, эътибор ҳам бермагандим. Ўша гап нимага шу пайтгача хаёлимга келмаганига ўзим ҳам ҳайрон қолдим.

– Ким дединг? Анави... Козим аканг кўп келгани бу ерга? – дедим ўсмоқчилаб.

Олимжон:

– Куздаям келувдилар... – дедию тутилиб қолди.
– Онт ичдингиз. Ҳеч кимга айтмайсиз... Яна сув обкелайми? – У бўш челақни даранглатиб чошиб бораркан, шудгорга ботганча тўхтаб, ўтирилди. – Айтмайсиз-а, опа?!

* * *

Мен-ку, ҳеч кимга оғиз очмадим. Гапириб нима қилдим? Бундан чиқди Зуҳра келин соппа-соғ. Шунинг ўзига шукур қилиш керакмасми?

Айтсам-айтмасам бутун ора очик бўлди. Дўмбирободда, Қонқус бўйида ярим кечагача ер ҳайдаб толиққан эдим. Билмадим, уйга келиб уч соат ухладимми, тўрт соатми. Кун чиқмасдан уйғониб кетдим.

Ойим сопол пиёлада олма-чой узатаркан, чама-си боядан бери ичида қизиби ётган гапни ҳовлиқиб айтиб қолди:

– Етти номус – бир ўлим, болам! Шарманда бўлдик, қизим, шарманда бўлдик! Оқсоқол келинини тутиб кепти! Ўйнаши билан қочиб кетган экан, яшшамагур! – Ойим икки қўллаб юзини юмдалади. – Зўра ўлгур бузуқ экан! Дўрмон деган жойда ўйнаши билан бекиниб ётган еридан қайнотаси

тутиб кебди. Иккаласиниям бўйнига арқон солиб обкебди. Юрт устида юрган Оқсоқол бундоқ диёнатсизликка қандоқ чидайди! Сўяди! Тикка сўяди! Шўримиз қурсин!

Ўтирган жойимда тахта бўлиб қолдим. Ойим тўғри айтади. Ориф оқсоқол бунақа шармисорликка чидамайди. Иккаласиниям чавақлаб ташлайди!

Сапчиб ўрнимдан турган эдим, ойим этагимга ёпишди.

– Кирма у ёққа! Қиз бола нарса, нима зарил сенга!

Бўшашиб, туриб қолдим. Олимжон гапирганда Зуҳра келиннинг тириклигини эшитиб хурсанд бўлган эдим. Ҳозир уни ёмон кўриб кетдим. Тўғрида! Оқсоқол бунақа иснодни қандоқ кўтаради? Холпош хола-чи! Бир эмас, икки ўғлидан баравар айрилган бўлса! Устига-устак келини бунақа қилиқ қилса! Зуҳра келин Зокир акани яхши кўрарди-ку! «Қорахат» келса бўлди эканда! Ўзимнинг янгам-чи? Раъно кеннойим-чи? Шомурод тоғамдан «қорахат» келганиям йўқ-ку. Тирик-ку! Эри тирик бўла туриб... Одамлар нимага бунақа ёмон...

– Бувангга тайинладим... – Ойим бир бурчакка маъюс термулиб ўтираркан, куйманиб тушунтирди. – Оқсоқолни инсофга чақиринг, дедим. Зора раҳм қилса... Яхшими-ёмонми бировнинг боласи... Аммо сен кирма...

Нимага кирарканман! Эрининг кўзига тупроқ тўлмасидан туриб, бировнинг этагига осилиб кетган хотинни томоша қилишгами? Зуҳра келин унақа эмасди шекилли... Зокир ака ўлганида сочини юлиб қандоқ додлаган эди. Одамни билиб бўлмас экан-да!..

Иложи борича тезроқ ўтиб кетаман, десам ҳам Оқсоқолнинг дарвозаси олдида тўпланиб турган тумонат одамни кўриб беихтиёр тўхтаб қолдим. Бола-чақа, эркак-хотин... Бировнинг елкасида

кетмон, бирининг қўлида, урушдан олдин туғилган, тойлоқдек бўлиб қолган боласи... Бирининг юзида ҳайрат, бириникида ғазаб, яна бири лабини буриб мунофиқона илжайиб турибди. Нима кераги бор? Ишлари йўқми? Текин томошага мунча ишқибоз бўлишмаса бу одамлар... Бировнинг кулфатини томоша қилиш шунчалик роҳатми?

Энсам қотиб бурилиб кетаётган эдим биров биллагимдан ушлади. Қарасам – Башор опа! Ранги қув ўчган. Уям кечаси билан ухламаган шекилли, кўзлари қовжираб турибди. Бошига дакана танғиган, рўмол остидан яккам-дуккам оқарган сочлари чиқиб турибди.

– Юр, Робия! – деди қўлимдан силтаб. – Юр! Кирмасак бўлмайди!

– Мен нима дейман, опа! – Биллагимни чиқариш учун юлқиндим. – Мени нима ишим бор?

– Зуҳра ўлиб кетса майлими? – Башор опа кўзимга илтижо билан термилди. – Юр, Оқсоқолга ялинамиз. Бечоранинг ёш жонига жабр қилмасин.

У гапиртиришга ҳам қўймай, қўлимдан судраб кетди.

Оломон орасини ёриб ҳовлига кирдик. Энг аввал Оқсоқолга кўзим тушди. Айвон ўртасида елкаси баланд курсида, устига дастурхон ёпилмаган хонтахта олдида ўтирибди. Эгнида оқ яктак, оқ иштон... Айвон тоқчасида ёғоч бандли телефон турибди. Кейин Зуҳра келинни кўрдим. Айвон пешида икки букчайиб ўтириб олган. Сочини қирқ кокил қилиб ўрган экан. Икки қўллаб сочини чангаллаб юзини тўсган. Қандайдир ингичка тортиб кетгандай, гавдаси муштдек бўлиб қолгандек...

Башор опа интилиб, айвон олдида борди. Шундаям биллагимни қўйиб юбормади.

– Оқсоқол... – деди илтижо билан. – Зухраҳонни мен биламан. Унда гуноҳ йўқ! Балки битта-яримта Худо беҳабар... Жон Оқсоқол!

Ориф оқсоқол «кишт» деб товуқни ҳайдагандек кафтини тескари қилиб силкитди.

Башор опанинг дами ичига тушиб кетди. Икки қадам орқага чекиндию «энди сен гапир», дегандек билагимни қаттиқ қисди. Мен нима дей? Нима ҳаққим бор?

Бобом ҳам шу ерда, ичкарида экан. Пилдираб келиб, Оқсоқолнинг елкасига қўл ташлади.

– Ўш-да, – деди юпатиб. – Кичикдан хато, каттадан узр, биродар. Худо хайрингни берсин, кечирақол энди.

Зухра келинга разм солдим. У ҳамон юзини тўсиб ўтирар, қирқ кокил сочи елкаси билан битта бўлиб, ерга тўкилиб турар, сочининг учи тупроққа қоришган эди.

Оқсоқол қаддини ростлади. Юзи қаҳрли, соқоли титраб турарди.

– Ҳой! – деди ҳайқириб. – Баққа ке!

Ҳовлини тўлдирган оломон Оқсоқол ҳайқирган томонга – ошхонага ўтирилди. Ошхонанинг пастак эшиги очилиб, ихчам гавдали, ҳарбий кийим кийган, бошяланг йигит чиқди. Оёғидаги этиги лойга беланган, сийрак соқоли тикандек ўсган, сочи ҳурпайиб икки қулоғи устига қайрилиб тушган, ҳарбий кийимда бўлишига қарамай, елкасида погон йўқ эди.

Оломон жунбишга келиб ув тортиб юборди.

– Ҳароми! – деди кимдир ҳайқириб.

– Наҳс-касофат!

– Ур, ур, итваччани!

Даҳшат ичида Башор опанинг пинжига кирдим. Йўқ, уни Оқсоқол сўймайди. Оломоннинг ўзи тош-

бўрон қилиб ўлдиради! Уруш бошига солган жудоликлар ҳаққи, қон ютиб юргани ҳаққи, номус ҳаққи, жангда жон фидо қилган аскарларнинг руҳи поки ҳаққи ҳозир тошбўрон қилади! Оломон орасидан алақандай аёл қулоқни тешиб юборгудек чинқирди:

– Ур, оломон! Ўзбекчиликка доғ туширган чўчқани ўлдир!

Бурчак томондан Парча опанинг дўрилагани эшитилди:

– Қўйсайла-чи. Нима кераги бор...

Аммо унинг овози қий-чув орасида кўмилиб кетди.

Оломон бирдан ҳаракатга келди. Кетмонлар, паншахалар офтобда ялтиради. Даҳшатдан дағдағ титраб Башор опанинг бағрига юзимни яширдим. Лекин ўша заҳоти янграган ёввойи чинқириқ қайрилиб қарашга мажбур қилди.

– Козим ака! Козим ака!

Зуҳра келин ўрнидан отилиб турди. Сочлари паришон ёйилганча кўзидан тирқираб ёш оқиб, аскар бола томонга талпинди. Бироқ икковининг орасини оломон тўсиб қўйган, кетмонлар, паншахалар таҳдидли ярақларди.

– Бас! – Оқсоқолнинг овози шу қадар ҳокимона гумбурладики, Зуҳра келин ҳам, кетмон кўтарган оломон ҳам, ранги бўзариб кетган аскар йигит ҳам турган жойида қотиб қолишди.

– Ўтир! – Оқсоқол бу гапни Зуҳра келинга айтди. Лекин бошқалар ҳам жой-жойида тек қотди.

– Баққа ўтир! – деди у вужуди титраб. – Сенам баққа ке!

Аскар йигит ранги бўздай оқарганча одамлар орасидан ўта бошлади. Оломон еб қўйгудек бўлиб тишини гижирлатар, мункиллаб қолган чоллар, асабий қалтираётган хотинлар худди нопок, ши-

лимшиқ нарса баданига тегиб ҳаром қиладиган-дек ирганиб йўл бўшатарди. Йигит гарангсиб айвон олдига келди.

– Ўтир! – деди Оқсоқол паст, таҳдидли оҳангда.

Йигит индамай келиб Зуҳра келиннинг ёнига чўкди. Оломон ғазабга миниб, баттар жунбишга келди.

Яна ўша чинқироқ аёл овози қулоқларни тешди:

– Ҳаром қилди! Иснодга қолдик!

Ким? Ким бу шунчалик чинқираётган? Билмадим. Ит эгасини танимайдиган оломонда ким билиб ўтирибди?

Парча опанинг дўриллаши бу сафар аниқ эшитилди:

– Вой, нима қипти? Нима бўпти ўзи?

Оломон орасида ҳуштак чурилади. Зум ўтмай Исмоил мелиса билан Умар закунчи айвонга чиқиб келишди.

– Тарқал! – Исмоил мелиса мўйлови тагига ҳуштагини тиқиб чуруллатди. – Тарқал ҳамманг! Очиб қўйибдими сенларга!

Оломон қилт этигиси келмасди.

– Жим! – Умар закунчи ўнг қўлини баланд кўтарди. – Тише! Бизнинг илғор тракторчини, стахановчи Зуҳраҳонни йўлдан урган дезертирни, қанақа жазолашни ўзимиз биламиз. – У Зуҳра келиннинг ёнида бошини қуйи солиб ўтирган аскар йигитга нафрат билан бурилиб қаради. – Тур ўрнингдан, дезертир!

Аскар йигит сапчиб ўрнидан турди. Бир ҳатлаб айвонга чиқди.

Қизиқ, унинг юзидаги айбдор, муте ифода ўрнини ғазаб эгаллади. Митти кўзлари ёниб кетди.

– К-ким? К-ким дезертир? – деди дудуқланиб. Негадир боши афсус-надомат билан муттасил чай-

қала бошлади. – М-м-мен Смоленскда қ-қон к-ке-чиб юрганимда с-сен қаёқда эдинг, х-х-хезалак! С-сендақаларни о-осиш к-к-керак! О-о-ёғидан о-сиш керак!

Унинг оғзидан кўпик сачраб кетди. Боши боягидан баттарроқ чайқала бошлади. Шундагина бу йигит бошини атайлаб чайқамаётганини, касал эканини англадим.

Закунчининг ранги гезариб кетди.

– Ол буни! – деди айвон пешида серрайиб турган Исмоил мелисага қараб. – Обориб тик жойрас-тонига!

Исмоил мелиса бир ҳатлаб аскарга рўпара бўлди. Йигитнинг қўлини қайирмоқчи эди, Зуҳра келин учиб ўрнидан турди.

– Қўйвор! – деди мелисанинг юзига чанг солиб. – Тегма! Қўйвор! Козим акам сенга ўхшаб кавакка бекиниб ётганмас!

– Жим! – Оқсоқол шу қадар қаҳр билан ҳайқирдики, Закунчи кўзларини пирпиратиб беихтиёр орқага чекинди. Исмоил мелиса гоҳ аскар йигитга, гоҳ Оқсоқолга талмовсираб қаради. Йигит бошини муттасил ликиллашиб Зуҳра келиннинг елкасига қўл ташлади.

– Ҳой, мўйлов! – деди Оқсоқол Исмоил мелисага чақчайиб. – Ким чақирди сени?

Мелиса нажот кутгандек Закунчига қаради.

– Жамоат тартиби бузилган, – деди гарангсиб. – Бизнинг вазифамиз...

– Сен нонни очиридини текшир, хўпми?! – Оқсоқол Умар закунчига юзланди. – Сизга нима керак, ўртоқ Хажайип?

Умар закунчи жаҳд билан қошини чимирди.

– Стахановчи колхозчимизни обқочган даюсга...

– Истихонипчи колхозчи мени келиним, тўғри-ми?– Оқсоқол тишини гижирлатиб таъкидлади. – Зўра – менинг келиним, шундоқми?

– Бунақа шармандаликка сиз чидасангиз, биз чидолмаймиз! – Умар закунчи истеҳзо билан ҳовли тўла оломонга ўтирилди. – Ўртоқ колхозчилар! Шу кунгача колхозимизда бунақа незаконний иш бўлганмиди?

Ажаб, бу сафар оломон гувилламади. Ҳатто бояги чинқираётган аёлнинг ҳам овози ўчди. Ҳамма Оқсоқолнинг оғзига қараб турарди. Ҳамон Башор опага суянганча, сеҳрланиб қолгандек гоҳ Ориф оқсоқолга, гоҳ талмовсираб қолган Закунчи билан Исмоил меласага, гоҳ боши муттасил чайқалган кўйи Зуҳра келиннинг елкасига қўл ташлаб турган аскар йигитга мўлтайиб қарардим. Орага совуқ, аммо битта учқун тегса портлаб кетадиган таранг сукунат чўккан эди.

Жимликни биринчи бўлиб, Закунчи бузди.

– Қизиқ, – деди лабининг бир бурчи билан илжайиб. Шунақа истеҳзоли кулдики, ингичка мўйлови қийшайиб кетди. – Белида белбоғи бор одам шундоқ иснодга чидаса, майли, биз нима дердик.

У Оқсоқол эл-юрт ўртасида доим айтадиган гапни юзига солиб, мўлжалга бехато урган эди. Оқсоқол ўқ егандек қалқиб кетди. Шахт билан эгилган эди, қўлида болта ярақлади. Хонтахта остида ётган экан. У болтани қаҳр билан боши устида баланд кўтарди.

– Ўзингни бос! – Бобом қўшқўллаб Оқсоқолнинг билагига ёпишди. Оқсоқол болтани силкитган сайин, бобом ҳавода муаллақ осилиб қолар эди. – Ававал ўзингизни эплаб олинг, раис! – деди бобом Закунчига кўзини ола-қула қилиб.

Шу пайт уй ичкарасидан дод-фарёд эшитилди. Икки аёл кетма-кет отилиб чиқишди. Бири бобомни болтадан нари суришга уринаётган Оқсоқолга ёпишди. Бу Холпош хола эди.

– Дадаси! Гуноҳга ботманг, дадаси! – деди чирқиллаб. – Майли! Билганини қилсин! Ўғлимнинг уволи тутсин! Болам деб бағримга босгандим. Илоё косаси оқармасин!

Иккинчиси – Фотима келин экан. Дафъатан таниёлмадим. Бир кечада қариб қолган, қовоқлари шишиб кетган, кўзида маъно йўқ эди. У Зухра келиннинг бошига қуюндек ёпирилиб келди.

– Жувонмарг! – деди сингласининг эмас, ўзининг сочини юлиб. – Илоё Зокир аканинг арвоҳи урсин, хўпми? Сендек синглим йўқ, билдингми! Отамнинг арвоҳига солдим, беномус! Илоё бу кунингдан баттар бўл, шарманда!

Бобом Оқсоқолнинг кўлидаги болтага яна ёпишди.

– Бу ёққа бер, жинни! – деди чийиллаб.

Оқсоқол болтали кўлини бобомдан кучи борича силтаб тортди. Тиззаси билан Холпош холанинг қорнига тепди.

– Йўқол!

Бобом айвон бурчагига учиб кетди. Холпош хола бечора наमतга чалқанча йиқилди, оғзидан кўпик чиқиб инграй бошлади. Фотима келин сингласи бу ёқда қолиб қайнонасига ёпишди.

– Ойи, туринг, ойи, – деди илтижо қилиб. – Ойижон, мен борман-ку! Невараларингиз бор-ку!

– Шунақа дегин! – Оқсоқол болтани салангладиб Зақунчи томонга икки қадам босди. Зақунчи чекинмади. Кўзларини пирпиратиб чирт этиб тупурди.

– Омади гапни айтдим-да! – деди ранги ўчиб.

– Дума! – Оқсоқол тўсатдан бобомга ўгирилди. – Югур! Афанди домлани обке!

Айвон четида йиқилиб ётган бобом каловланиб ўрнидан турди. Оғи кенг иштонининг бўшаб кетган боғичини шоша-пиша қайтадан боғлашга уринди.

– Нима? – деди овози ингичкалашиб.

– Қулофинг карми?! – Оқсоқол бобомни чопиб ташлайдиган важоҳатда болтани кўтарди. – Афанди домлани обке! Оёғини ерга тегизмай обке!

Бобом маҳсили оёғига калишини чапақай кийиб ҳовлига отилди.

Яна сукунат чўкди. Айвон ўртасида ҳуд-беҳуд бўлиб ётган Холпош холанинг инграши, қайнонасининг юзига сув сепаётган Фотима келиннинг «ойижон» деб ёлворгани, ойимнинг (у қачон айвонга чиқиб борганини кўрмай қолибман) «овсинжон, кўзингизни очинг», деб шивирлаши аниқ эшитила бошлади.

– Ўв, итвачча! – Оқсоқолнинг гулдураган овозидан сесканиб кетдим. Ҳайкалдек қотиб турган Башпор опанинг пинжига баттар тиқилдим.

– Сенга айтаяпман! – Оқсоқол аскар йигитнинг бошига борди. – Ўтир! Сенам! – деди болта дастаси билан Зуҳра келиннинг гарданига нуқиб.

Аскар йигит ҳамон Зуҳра келиннинг елкасидан тутганча айвон пешига ўтирди. Иккаласининг ранги бўздек оқариб кетган, иккаласи ҳам муттасил титраб эди.

– Шу керакми сенга? – деди Оқсоқол қаҳр билан.

– Ҳ-ҳа! – Аскар йигит бошини сарак-сарак қилди. – Ях-х-хши кўраман... Ав-валам...

– Сендан сўраётганим йўқ! – Оқсоқол болта тутган қўли қалтираб Зуҳра келиннинг бошига эгилди. – Керакми, сенга шу?!

Зуҳра келин кафтлари билан юзини яшириб бир нима деди. Йиғлаб юборди.

– Гапир, минғилламасдан! – деди Оқсоқол ҳайқириб. Аммо энди товушида дағдаға эмас, инграшга ўхшаш оҳанг бор эди...

– Отажон! – Зуҳра келиннинг бўғзидан йиғи аралаш нидо отилиб чиқди. Гапиролмай қолди. У юзини қўш-қўллаб яшириб олган, лекин ҳамон аскар йигитга суяниб ўтирарди...

Узун яктаги ерга тегиб оёғига ўралашаётган, кўзойнагининг бир ойнаси синган Афанди домлани бобом ёқасидан судрагудек бўлиб айвонга олиб чиқди.

Домла тавозе билан салом бераётган эди, Оқсоқол жеркиб берди:

– Эри ўлган хотин қанчадан кейин шаръий никоҳдан чиққан саналади домла?

Домла эсанкираб қолди.

– Эри дорулбақога рихлат қилган, – деди минғилаб, – яъни, масалан...

– Гапни кўпайтирма! – Оқсоқол дағдаға билан болтани силкитди. – Рихлат-пихлатингни йиғиштир! Одамга ўхшаб гапир. Эри ўлган хотин қанчадан кейин бошқа никоҳга киришга ҳақли?

– Эри дорулбақога рихлат қилган заифа олти ойдан кейин боши очиқ саналади, – домла шундай деди-ю, енгил тортгандек атрофга олазарак қараб олди.

– Хўп! – Оқсоқол ҳамон ҳуд-беҳуд бўлиб ётган Холпош холанинг бошида ўтирган Фотима келинга буюрди. – Бор, бир коса сув обке!

Фотима келин боя қайнонасига сув сепган косани олиб ўрнидан турди. Гарангсиб, тўхтаб қолди. Аммо қайнотасининг сўзини икки қилмади. Одамлар орасини ёриб ошхонага югурди. Тўкиб-сочиб косада сув олиб келди.

– Қўй, мундоқ, – деди Оқсоқол оппоқ қошини учириб.

Фотима келин сувни хонтахта устига қўйди-ю, тагин Холпош холага ёпишди.

– Ойи, – деди ялиниб. – Кўзингизни очинг.

– Халойиқ! – Ориф оқсоқол оломонга юзланди.
– Зўрани келиниммас, қизим дегандим. Афсус, Худо уни боладан сиқди. Агар ақалли битта бола-си бўлганида, Зокиримдан битта зурёд қолганида, – унинг овози титраб кетди. – Зўра менга битта неварара туғиб берганида мана шу қилимиши учун ўз қўлим билан чопиб ташлардим. Неварамни тирик етим қилганидан кўра, ўлик етим қилиб ўзим боқардим. Нораства болани ҳаром онанинг қўлига бериб қўймасдим... Шокиримга берган ту ёғини Зокиримдан аяди. Давлат билан фарзанднинг эрта-кечи йўқ. Болам тирик бўлганида Зўра қўчқордек ўғил туғиб берса ажабмасди. Уруш бўлмаганда, балки шу бугун неварара тўйи қилармидим... – Оқсоқол энтикиб қолди. Юзини четга бурди. Кўзи намланди-ю, аммо йиғламади. Ҳаво етмаётгандек беш-олти марта чуқур-чуқур нафас олди-да, давом этди... – Нима қилай, пешонамга сифмаган экан. Зўраям ўзимнинг фарзандим. Йўлига тўғаноқ бўлсам, гуноҳга ботаман. – У кутилмаганда икки букилиб одамларга таъзим қилди. Қўлидаги болта тарақлаб ерга тушди. – Мени маломат қилма, халойиқ! – деди илтижоли оҳангда. – Ҳозир манави айтди, – деди тирсағи билан Зақунчига имо қилиб. – Белинда белбоғинг йўқ, деди. Майли, ҳар кимнинг гуноҳ-савоби ўзига. Белимда белбоғим борми-йўқми, унисини эл-юрт билади. Аммо-локин бошқа иложим йўқ. – У соқоли титраганча домлага буюрди. – Бошла!

Боядан бери айвон ўртасида чўзилиб ётган Холпош хола ярқ этиб кўзини очди.

– Дод! – деди тўлғаниб – Зокир! Болам! Қандоқ чидайман. Илоё арвоҳинг урсин, жон болам! – Амаллаб қаддини ростлади-да, кўзи тўла ёш билан

Зухра келинга юзланди. – У дунё-бу дунё косанг оқармасин, жувонмарг! Кун кўриб, куни рўшнолик кўрмагин, имонсиз!

– Қарғаманг, ойижон! – Фотима келин қайнона-сига ёпишди. – Дуоибад қилманг синглимни! Майли, бир кунмас, бир кун ўзи...

– Ман санга нима ёмонлик қилувдим, жувон ўлгур! Боламнинг кўзига тупроқ тўлмасдан... – Холпош хола пешонасига шапатилаб ура бошлади. – Болам! Жоним болам!

– Бас! – Оқсоқол хотинининг устига бостириб бордию бирдан чўккалаб қолди. – Қўй, хотин, ёмон ният қилма, – деди Холпош холанинг оппоқ сочлари ёйилган пешонасини силаб. – Қўй, онаси, буюм боланг-да! Буниям бахтини ўйлашинг керак-да, хотин. Сен билан мен эртага бормизми-йўқми... Ана, домла айтди. Эри ўлган хотин олти ойдан кейин боши очик бўларкан. Зўра бир ярим йилдан бери бева-ку, онаси.

Холпош хола баттар ув солди.

– Болам, жон болам, – деди кўксига муштлаб. – Қандоқ чидайман!

– Нимага анқаясан, ҳов! – Оқсоқол оғир кўзғалиб ўрнидан турди. – Бўлсанг-чи! – деди домлага.

Бир зумда ҳамма расм-русум тугади. Холпош хола сўнгги бор оҳ чекди-ю, ранги докадай оқариб, боши шилқ этиб ёнига тушди. Беҳуш холани бир қўлтиғидан ойим, бир томонидан Фотима келин кўтариб, судрагудек уйга обкириб кетишди.

Ҳовлидаги оломон, айвонда турган бобом, Умар закунчи, Исмоил мелиса – ҳамманинг оғзи очилиб қолган эди.

Зухра келин каловланиб ўрнидан турди. Яқин келиб ўзини Оқсоқолнинг оёғига ташлади.

– Отажон! Отажон! – деди илтижо билан.

Оқсоқол оёғини тортмади, аммо Зуҳра келинга қарамади ҳам. Шошилмай ўрнидан турди-да, ҳозиргина Холпош холани судраб обкириб кетишган уйга йўл олди. Зуҳра келин чўккалаганча ўша томонга қўл чўзди.

– Ота... – деди ялинчоқ, умидсиз оҳангда.

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

БИРИНЧИ СИНФ ЎҚУВЧИСИ МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

Бозордаги ўғри

Ойим елкамга туртиб уйғотганида энди тонг отаётган эди. Деразадан ғира-шира нур тушиб турибди. Ёнимда укам ухлаб ётибди. Тўғри ухласа майли, нуқул иккала оёғини менинг қорнимга кўндаланг ташлаб ётади. Тўғрисини айтсам, Омон йўлга кирганидан бери менинг ишим кўпайди. Пайт пойлаб туриб, кўчага пилдираб қолади. Ойим чирқиллайди: «Укангга қара, Музаффар, арава босиб кетмасин!» Кўчамиздан бир кунда уч марта арава ўтса ўтади, бўлмаса йўқ. Шундаям ойим хавотир олаверади. Омон ҳам шўх-да ўзи. Дуч келган эшикка бошини тикади. Худди дайди эчкига ўхшаб! Тайёрлаб ўтирган дарсимни ташлаб, кетидан югураман. Тағин сал уришсам, дарров ойимга чақиб беради. «Ака бижий», дейди. Кечасиям тинчлик йўқ. Иштончан югуриб келиб ёнимга ётиб олади. Ҳаммасиям майли-ку, уйқусида менга қараб чоптириб юбориши ёмон. Қилар ишни у киши қиладилар-да, эрталаб мактабга шошиб турганимда иштонни мен алмаштираман.

Йўқ, бугун унақа «хунар» кўрсатмабди.

– Ҳали вақтли-ку! – дедим ғингишиб. – Мактабга ҳаммадан олдин бораманми?

– Вой, даданг кеча нима девдилар? – Ойим елкамга қоқди. – Бўла қол ўғлим, «пассажир» кетиб қолади.

Кўзим ярқ этиб очилиб кетди. Кеча дадам «сени бозорга обораман, бош-оёқ кийим обераман», деган эди-ку. Уйқум дарров ўчди. Дадам бозорга олиб тушиб ясантиради-ю, мен йўқ дейманми. Ҳовлидан оқаётган ариқчадаги лойқа сувда юзимни шапир-шупир ювиб келсам дадам аллақачон отланиб олибди. Оёғида мойланган этик, носранг шим, жужунча китель кийиб олган. Мўйловини тарашлаб атир ҳам сепибди. Уйни атир ҳиди тутиб кетганидан билдим.

– Кетдикми, ўғлим? – деб қўлимдан тутаётган эди, ойим уришиб берди.

– Ичига бир пиёла иссиқ кирсин. Оч наҳор кетадими бола?

Бир бурда нон билан шоша-пиша чой ичишга тушдим. Ойим рўпарамда ўтирар, дадам остонада папирос тутатиб турар эди. Дадам энди тамаки чекмайди, папиросга ўтган. Папирос қутисидаги ёзувни биламан: «Беломорканал». Савод бор-да, бемалол ўқиймиз!

Ойим пиёлага чой қуяркан, дадамга юзланиб, хўрсинди.

– Дадаси, шу кеча яна отамни туш кўрдим...

Дадам, бетоқат бўлиб турганига қарамай, хотиржам жавоб қилди:

– Ҳа, Ҳусан поччам яхши одам эдилар...

– Бобомнимас! – Ойим зардалироқ оҳангда тусунтирди. – Ўзимнинг отамни... Оқ от миниб юрганмишлар...

– Э... шунақа демайсанми, Роби, – деди дадам ўйчан оҳангда. Оғзидан паға-паға тутун чиқариб хўрсинди. – Яхши туш кўрибсан, онаси! Бундан чиқди маълим эрта-индин қайтиб қолса ажаб-

мас... – У ярқ этиб менга қаради. – Бўлақол, ўғлим... Бозор тарқаб кетмасин.

Ойим қуйган чойни ҳовлиқиб ичганча дик этиб ўрнимдан турдим. Дадам билан ойимнинг ҳозирги гапини ўйлаб ўтиришга вақтим йўқ эди. Ростини айтсам, бодом гуллаганида қизамиқ бўлганимга ҳозир жуда хурсанд эдим.

...Яхшиям қизамиқ бўлганим. Ўшанда дадам ваъда қилган эди-да. «Кўчага чиқмай яхши бола бўлиб ётсанг, тузалишинг билан бош-оёқ ясантираман, гирой», деган эди. Мана, сўзининг устидан чиқяпти. Қизамиқ ўзи ёмон нарсамасу чилласи чиқмагунча ётиши чатоқ экан. Эсимда, киш охирлаб, бостирманинг қамиш тоmidан сариқ сумалак осилган куни мактабдан бошим оғриб қайтдим. Чой ҳам ичгим келмади. Ойим пешонамни ушлаб кўрдию кўрқиб кетди.

– Вой, иситманг бор-ку, сумалак шимдингми, ростингни айт! – деди.

Ўлай агар сумалак шимганим йўқ эди.

– Шамоллабсан шекилли, – деди ойим чирқиллаб. – Ўралиб ёт, зора босилиб қолса.

Ўралиб ётиб баттар бўлдим. Бошим сирқиллаб оғриди, ҳамма ёғим қизиб кетяпти. Кўзимни юмсам ҳўкизми-ей, сигирми-ей сузмоқчи бўлади. Йўтал тутади. Бир маҳал кўзимни очсам тепамда «Қора аммам» турибди. У негадир қулоғимни орқасини текширди. Кейин кўйлагимни кўтариб, қорнимни ҳидлади.

– Кўрқма, қизим, – деди ойимга қараб. – Гул ҳиди келяпти. Гул тошади.

«Қора аммам» қизиқ, нима, мен дарахтманми гуллаб?

Ойим негадир жуда хафа бўлди.

– Пешонам қурсин, – деди хўрсиниб. – Шу етмай турувди, бола бечорага.

– Қизамиқ – қутлуғ дард, Робия. – «Қора аммам» устимни ўраркан ойимни юпатди. – Ҳаммагаям тошадида. Қизил ипагинг борми?

Ойим шоша-пиша бир қулоч қизил ипак олиб келди. Аммам билагимга ипакни боғлади.

– Насиб этса қирқ кунда чопқиллаб кетасан, болам, – деди юпатиб.

Қирқ кун? Энди мен қирқ кун ётишим керакми? Ҳечам-да!

Тахмондан қизил, офир кўрпани олаётган ойим хўрсинди:

– Энди Омонгаям тошади.

– Миждози бир бўлса тошади. Бўлмаса – йўқ, – «Қора аммам» хотиржамлик билан ойимга, юзланди. Нафаси баттар гижирлаб ичидаги «одамчалар» бор овозда ҳуштак чала бошлади. – Бари бир тошиши керакда. Қайтага шу ёшда қутулиб олгани яхши. Қизамиқ ўлгандаям тошади, қизим.

Ойим солиб берган қизил кўрпага ўралиб ётарканман, баттар исиб кетдим. Бошимда ўтирган «Қора аммам»нинг ҳарсиллаб нафас олишидан ўзим ҳам бўғилиб кетаётгандек бўлардим.

Ростдан ҳам уч кунда ҳамма ёғимга қип-қизил, майда «яра» тошиб кетди. Аъзойи баданим оловдек ёниб кетаётганини ҳис қиламану ўрнимдан туролмайман. Кечалари уйғонсам бошимда ойим мук тушиб ўтирган бўлади. Кўзимни очишим билан у ҳам чўчиб уйғонади.

– Гултожихўроз дамладим, озгина ичасанми? – дейди кафтини пешонамга босиб.

Яхшиям Комил бува бор экан. Уч-тўрт марта тепамда сийрак соқолини селкиллади кулимси-

раб ўтиргани, «қани буни ичиб юборинг-чи, азамат йигит», деб тумшуғимга аллақандай ачимсиқ ҳид анқиб турган пиёлани тутгани эсимда. Қизиқ, ўшандан кейин дарров енгил тортдим.

Жудаям қирқ кун эмас-ку, йигирма кунларда тузалиб қолдим. Лекин «Қора аммам» бари бир ўрнимдан турғизмади.

– Энди кичик чилласи чиқди, каттаси чиқмагунча ётсин, – деб тайинлади ойимга. – Майли, менам уйимга бора қолай энди.

«Қора аммам» рост айтган экан, Омоннинг мижози бошқа бўлгани учун укамга қизамиқ юқмади.

– Питтилламасдан тинч ётсанг, – деди дадам тайинлаб, – бошдан-оёқ ясатаман. Куёвбола бўп кетасан.

«Куёвболаси» билан ишим йўқ-ку, аммо дадам бугун мени бош-оёқ ясантирмоқчи.

Ота-бола кўчага чиққанимизда, тонг ёришиб кетган эди. Ер ҳали яхши қуримаган, деворларнинг кунгай этаклари селгиб қолган бўлса ҳам, ўрадаги арава изи пилчилаб ётар, бултур каллакланган толларнинг силлиқ навдалари ҳуштак яса-са бўладиган даражада сарғимтил рангга кириб сув йиғиб қолган эди. Эрта-индин Абдували иккаламиз тодан ҳуштак ясаймиз. Абдували бунақа ишларга уста. Дадасининг устараси ўткир-да.

Чойхона очик экан. Сўрига ёзилган наमतни чўлтоқ супурги билан супураётган Илҳом чойхоначи дадамни узоқдан кўриб салом берди.

– Баҳай? Ота-бола тўрғай уйғонмасдан, пой-ма-пой кавушдек йўлга тушиб қопсизлар?

– Бозорга! – Дадам папиросини оғзидан олиб тутун қайтарди. – Бирон ҳовуч тариқ олакелайми?

Илҳом чўтир қаҳқаҳ уриб кулди.

– Янтоқ денг, зўр! Янтоқ! – Сартарошнинг дўконига имо қилди. – Ўзгача етиб олсин бечора! Қиши билан янтоқсираб қолди.

«Пассажир» энди кетаман деб турган экан. Дадам чўлоқланиб югурди. Кетидан мен чопдим. «Пассажир» дегани тумшуғи чўзиқ автобус. Атрофи панер билан ўралган. Деразалари дарз кетган. Бултур кеч куздан бошлаб, Кўтармага «пассажир» қатнайдиган бўлди. Дарсда ўтириб ўзим санаганман. Ҳар куни уч мартадан келади. Эрталаб, пешинда, кечқурун...

Бешёғочга бориб, автобусдан тушганда, қутулганимга шукур қилдим, ҳайрият, ҳаво ҳам бор экан. «Пассажир»да одамлар ҳар томондан қисиб патир қилиб ташлади-да!

Осмонни булут қоплаган, темир панжара билан ўралган кўл томондан мусиқа янграр эди. Худди йиғлаганга ўхшаш оғир мусиқа: кечадан бери радио шунақа куй чалапти. Халқлар отаси Сталин касал бўлиб қолганмиш.

– Бўлақол, ўғлим. Хастимом узоқ, – дадам тагин папирос тутатиб, қўлимдан тутди.

Автобус тикилинч бўлсаям бари бир яхши экан. Пиёда юравериб оёғимда оёқ қолмади. Дадам оқсоқлансаям тез юради. Бир маҳал кунгурадор гумбазининг кўм-кўм нақшлари ярақлаб турган каттакон иморат олдига келдик. Гумбаз остида кўкимтир қанотли ёввойи каптарлар парт-пурт қилиб учиб юрибди.

Маҳдиё бўлиб тўхтаб қолдим.

– Бу қанақа уй, дада?

– Уймас, мадраса! Кўкалдош мадрасаси. – Дадам қўлимдан судради. – Бўлақол!

Тор кўчага киришимиз билан юриш баттар қийинлашди. Мунча кўп бу одамлар. Чумолига ўх-

шайди-я! Паранжи ёпиниб бошига тугун қўйганча зипиллаб кетаётган хотинлар, (ҳайронман, ушла-масаям, тугуни тушиб кетмайди) қоп орқалаган кишилар, кўмир ортилган от-аравалар... «Пўшт, от тепади!» деб ҳайқирган аравакашлар...

Бир маҳал тор кўча янаям тиқилинч бўлиб кетди.

Сарғиш машина папиллатиб сигнал берди. Машина тумшуғидаги ялтироқ ёзувни ҳижжалаб ўқидим: «Победа». Тор кўчада машина билан кўмир ортилган арава бир-бирига рўпара келиб иккаласи тўхтаб қолибди.

Машина сигнал берган сари кўмир юқи ёпиша-вериб, ёллари қорайиб кетган от пишқиради. Аммо аравакаш аравани четга олмайди. Охири машина эшиги очилди. Бошига айвонли шапка кийган ҳайдовчи бир оёғини ерга тираганча бақирди:

– Ҳой кўмирчи! Қоч йўлдан! Райисполкомни олиб кетяпман, саводсиз.

Аравакаш пашша қўригандек бепарво қўл силтади:

– Паттачига бўшатмаган йўлни райисполкомингга бераманми, ўзинг қоч!

Дадам қўлимдан жаҳл билан силтади.

– Анқайма! Адашиб қоласан!

Тор дарвозадан киришимиз билан баттар тиқилинчга дуч келдик. Нима бу? Ҳамма бозорга кўчиб келганми?

– Ҳўш... – деди дадам салмоқлаб. – Ишни дўппидан бошлаймиз. Укангаям оламиз, хўпми! Кейин ойингга туфли қидирамиз. Саккизинчи март келяпти, ўғлим.

Қўлимдан тутган эди, индамай эргашидим. Дўппи бозори чеккароқда, гиштин девор ёнида экан. Ундан нарироқда «аралаш» бозор. Биров соатини мақтайди, биров «атиғи икки марта» кийилган

«офицерский» этигига харидор чақиради. Дадам қўлимдан маҳам тутганча дўппифурушлар тўдасига кирди. Чачвонининг тагидан чиқариб турган қўлига дўппи қўндирган хотинлар, бошига уст-ма-уст беш-олти дўппини кийиб олган эркаклар атрофимизни ўраб олди. Паранжили хотин дадамнинг бошидаги жияги титилиб кетган дўпписини илдам ечиб, бидиллади:

– Ушланг. Ушлаб туринг муни!

Дадамнинг жавобини кутмай, бошига яп-янги қалампирнусха дўппи илди.

– Ана! Буюртирсангиз ҳам бунақасини тополмайсиз, амаки! Пулингиз ўзингиз билан кетади!

Дадам жаҳл билан хотиннинг қўлидаги ўз дўпписини юлқиб олди.

– Менгамас! – деди бақириб. – Болага! Болага оламан!

Қизиқ, бояги хотин ҳечам хафа бўлмади.

– Вой, шунақа демайсизми, амаки, – деди-ю, менинг бошимдаги дўппини олди. – Вой, ширинтой, вой тўйболадан айланай. Мана-да, мана! – Чачвонининг тагига қўл суқиб, қати букилган беш-олтита дўппи чиқарди. Бирини олиб бирини қўйиб бошимга кийгиза бошлади.

– Уялмайсизми, келинпошша! – Бошига мурсак ташлаган, баркашдек юзи бўғриқиб кетган семиз бир хотин бояги паранжилени тирсаги билан итарди. – Ёш бола маҳалла қозондек дўппи киядими? Мана, мана буни кийиб кўр-чи.

Семиз хотиннинг дўпписи бошимга лоп-лойиқ келди. Ўзиям қизил духобадан!

– Қуйиб қўйгандек ярашди! – деди семиз хотин юзимни силаб. – Буюрсин! Тўйларингга кийгин, илойим, бошинг тошдан бўлсин!

Чамаси дўппи дадамга ҳам ёқди шекилли, дағалроқ қилиб сўради:

– Нархини айтинг.

– Вой айланай, от билан туя бўлармиди! – Семиз хотин дадамга жилмайиб қаради: – Юз сўмда, иним. Эргаматдан бери юз эликдан сотаётган эдим. Сизга юз сўм. Муни қаранг. Жиягини қаранг, майда тепки!

– Инсоф борми сизда, опа! – деди дадам қўлини пахса қилиб. – Давлат ҳар йили арзончилик қилиб турибди. Яқинда тагин нарх-наво тушади. Газета ўқийсизми ўзи!

– Майли, бозорингизни берсин! – Хотин бошимдан дўппини ечиб олди. – Эрим урушда ўлган. Менам бирамас учта етимни боқиб ўтирибман. Битта дўппини бир ҳафта тикаман, оповси.

– Етмиш! – деди дадам дўппидан ажралиб қолгиси келмай.

– Тўқсон! Ундан ками бўлмайди. Мениям болаларим эшикка термилиб ўтирибди.

– Саксон, – деди дадам хуноб бўлиб. – Инсоф қилинг-да, сизам, опа!

– Майли. – Семиз хотин дўппини қайтадан бошимга кийгизди. – Яхши кунларингга кийгин, болам, умринг узоқ бўлсин.

Дадам шимининг чўнтагидан оқариб кетган чарм ҳамёнини олиб, пул чиқарди. Қўлини лабига тегизиб ҳўллади-да, ҳафсала билан санаб, семиз хотинга узатди. Хотин ҳам пулни шошилмай санаб, энгашганча маҳсисининг қўнжига тикди.

– Буюрсин! – деди қаддини ростлаб. – Яхши кунларга кийсин.

Боя атрофимизни ҳалқадек ўраб олган эркак-аёл дўппифурушлар ҳафсаласи пир бўлиб бир зумда нари кетган, янги харидор излашарди.

– Опа! – деди дадам бурилиб кетаётган семиз хотинга. – Кичкинароқ дўппингиз борми?

Семиз хотин умид билан ўтирилди.

– Бор! Неча ёшга?

Дадам бир зум ўйланиб қолди. Чамаси, Омоннинг неча ойлик бўлганини ичида санаб чиқди.

– Бир ёшу етти ойлик! – деди ишонч билан. – Бунисига олдим, унисиям қуруқ қолмасин!

Семиз хотин бош чайқади.

– Унақаси йўқ. Ёлғон гапириб нима қилдим. Етимларимга ҳаром едирмайман, оповси.

Бояги паранжили хотин яна бизга яқин келди.

– Бунисини кўринг-чи! – деди жажжи, чамандагул дўппини дадамга узатиб. Дадам энди дўппига қўл чўзган эди, одамлар орасидан бир киши сирғалиб чиқди. Эгнида оқ жужунча кител – худди дадамникига ўхшаган, аммо сарғишроқ, қаймоқранг. Кенг почали шимиям шунақа, топ-тоза. Оёғида амиркон туфли. Мўйлови дадамникига ўхшаганмас, чиройли, ингичка.

– Соат олмайсизми, ака? – деди кулимсираб. – Асл мол. Швейцарский. – У жужунча кителининг кўкрак чўнтагидан занжирли соат чиқариб, чиқ этиб оппоқ, ялтироқ қопқоғини очди. – Мана, кўринг. – Шундай деди-да, дадамнинг юзига қараб, бирдан ранги қув ўчди. Ингичка, чиройли мўйлови титраб кетгандек бўлди. Хайрон бўлиб, дадамга қарадиму қўрқиб кетдим. Дадамнинг кўзлари газабдан қисилиб кетган, бурун катаклари керилиб, энтикиб-энтикиб нафас оларди.

– Яхши! – деди хириллаб. – Оламан. Бошинг билан қўшиб...

Охирги гапини айта туриб, шахт билан пастга эгилди. Этигининг қўнжига қўл суқди-да, суяк сопли пичоғини суғурди. Бир вақтлар қўлим синганида «сўяман!» деб бир уриб патнисни тешиб юборган пичоғини!

Даҳшат ичида чинқириб юбордим:

– Дада!

Хотинларнинг қий-чуви эшитилди. Кимдир «дод, сўяди!» деб чиқирди... Қарасам, пилчилаб кетган майдонда ўзимиздан бошқа ҳеч ким қолмабди. Дўппифурушлар, этигини мақтаб, харидор чақираётганлар анча нарига бориб қолган, оломон орасида бояги жужун кителли киши кўринмасди. Дадам бир қўлида пичоқ тутган қўйи иккинчи қўли билан елкамдан тутиб турар, кафти муттасил титраётганини сезардим.

Узоқда хуштак чуриллади. Дадам пичоқни қўнжига тикди. Ҳамон лаби титраб, пишқириб нафас оларди.

– Юр, ўғлим! – деди хириллаб. – Кетдик. Шоша-пиша қўлимдан судраганча оломон орасига ўзини урди. Бозор дарвозасидан чиққандан кейингина қўлимни қўйиб юборди. Папирос олиб чекди.

– Ҳалиги киши ким эди, дада? – дедим қўрқа-писа кўзига қараб.

Дадам тиқилинч кўча четидан шошилмай бораркан, саволимни эшитмадими, жавоб бергиси келмадими, индамади.

– Ўғрими? – дедим одамларга туртиниб-суртиниб борарканман. – Соатни ўғирлаб олганми?

Дадамнинг бир мўйлови қийшайиб кетгандай бўлди.

– Ҳа, – деди мўйлови титраб. Кейин негадир кулимсиради. – Ўғри! Қулоғини кесиб олмоқчийдим, қочиб кетди. Бўлақол, «пассажир»дан қолиб кетмайлик.

Мен-ку дўппилик бўлдим. Омонга ҳеч нима олмаганимиз ёмон бўлди-да. Йиғлайди. Ойимгаям туфли оломадик. Шунга айтгим келдию дадамнинг важоҳатидан қўрқдим.

Майли, янаги бозорга тагин келамиз. Уйга бориб, ойимга ҳаммасини гапириб бераман. Дадам бозорда ўгрини сўймоқчи бўлганини, ўгри қочиб кетганини...

Бешёғочга етиб келганимизда ҳаво айниди. Қоронғи тушиб қолгандай, ҳамма ёқ кулранг тусга кирди. Осмонни булут қоплаган, паркдаги карнайдан эшитилаётган йиғлоқи музика янаям кучайган эди.

...«Пассажир» Кўтармага яқинлашганда ёмғир ёға бошлади. Автобуснинг фанер деворига шатур-шутир томчилар урилди. Ерга тушганимизда ёмғир кучайиб кетган эди. Худди челақлаб қуйгандек... Дадамнинг жужунча кители бирпасда жиққа ҳўл бўлиб баданига ёпишиб қолди. Ҳатто чап елкасидаги чуқурчаси пиёладек ўпирилиб аниқ кўриниб кетди...

Эшикдан бақириб кирдим:

– Ойи-и! Биз келдик!

Ёмғирдан тезроқ қочиш учун айвонга отилиб чиқдим.

– Ойи! – дедим ирғишлаб. – Биз келдик! Айвон бурчагида букчайиб ўтирган ойимни кўрдиму нафасим ичимга тушиб кетди. Ойим икки кафти билан юзини тўсиб олган, сочлари ёйилиб кетган эди. Кетма-кет етиб келган дадам ҳам айвон пешида туриб қолди.

– Нима гап? – деди ҳарсиллаб.

Ойим юзидан кафтини олиб, ёш тўла кўзларини дадамга тикди.

– Эшитмадингизми? – деди титраб. – Отамиздан айрилиб қолдик-ку?

– А? – Дадам ҳайрон бўлиб пешонасига оқиб тушаётган ёмғирни сидирди. – Ким?

– Эшитмадингизми? – Ойим ўтирган жойида бутун гавдаси билан чайқалди. – Радиони эшит-

мадингизми? Ҳали айтди-ку... Сталин вафот этди деб. Энди нима бўлади?

Дадам талмовсираб айвон пешига чўкди. Уст-бошига шамол билан селпиб ураётган ёмғир остида узоқ ўтирди.

Ичкарида бешик гижирлади. Омоннинг «ой-йи» деб чақиргани эшитилди. Кейин йиғлаб юборди. Аммо ойим қимир этмади. Дадам ҳам, ойим ҳам карахт бўлиб қолишган эди...

Бозорда ўғри кўрганимиз, дадам уни сўйиб ташламоқчи бўлгани, укамга дўппи ололмай қолганимизни ойимга айтиб бериш ҳам эсимдан чиқиб кетди. Дадам билан ойим меровсираб ўтиришар, ёмғир баттар кучайиб кетган, ҳовлидаги олмаларнинг сув йиғиб қолган шохлари шамолда аянчли силкинар эди.

Анчадан кейин ойим укамни бешиқдан ечиб олди. Дадам ичкарига кириб кетди. Ёмғир тинар-тинмас кўчага югурдим. Абдували билан толдан ҳуштак ясадик. Кечқурун ҳаво чарақлаб кетди...

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

1. Олимжоннинг «гуноҳи»

Агар ўн йил илгари, қирқ учинчи йил баҳорида биров «ўн йилдан кейин Олий Бош қўмондан вафот этади», деса борми, бунақа одамнинг холи билмадим нима кечарди... Одамлар улўф доҳийнинг қачондир ўлишини хаёлига келтирмасди, ғалабага бўлган ишонч одамларни кеча-кундуз тиним билмай ишлашга, ҳафта сайин янги шаҳарларни озод қилаётган жангчиларга кўпроқ ёрдам беришга ун-

дар, мана шу катта юмуш олдида оилалар бошига тушган кулфат ҳам унчалик сезилмас эди. Гўё баҳор кирганидан кейин ёққан қор эртами-кечми, бари бир эриб кетиши муқаррарлигини билган одам ўзини ўзи юпатгандек. Ким билсин, эҳтимол ҳар ким ўзининг бошига ёққан қорни ўзи эмас, кўпчилик бўлиб курагани учун, биров йиқилса иккинчиси ёнига кириб суягани учун шунақа бўлгандир. Эҳтимол Кимсан акамдан ҳамон хат-хабар йўқлигини, дадам эса бегуноҳдан бегуноҳ зим-зиё бўлиб кетганини ўйлаб ҳарчанд эзилсам ҳам, ўша катта ташвиш билан бўлиб, дардимни озми-кўпми унутгандирман.

Қирқ тўртинчи йил ёзига чиққаннимизда эса уруш эрта-индин битишига ҳамма ишониб қолди. Энг қувончлиси – Оқсоқолнинг бир гапи кўнглимизда липиллаб турган умид чироғининг пилигини кўтариб қўйгандек бўлди.

– Эшитдингми, Дума! Ҳужум қилиб борган аскарларимиз партизанлар билан бирлашибди. Белоруссиянинг ўрмони партизанларга тўлиб кетган экан. Мени айтди дерсан: Кимсанинг шуларнинг орасида. Эрта-индин дараги чиқади. – Оқсоқол ўзининг гапи ўзига нашъа қилди шекилли, соқолини селкиллашиб кулди. Гитлернинг ҳолига маймун йиғлаяпти, ўртоқ! Олдидан аскарларимиз саваласа, орқасидан партизанлар тепкиласа, у ёқда союзникларимиз фронт очган бўлса... Қопқонга тушди ит эмган!..

Оқсоқол-ку, бизнинг умид чироғимизни ёқди. Аммо ўзининг бошига яна битта тоғдек кулфат тушди: Холпош хола қазо қилди. Зухра келиннинг ўша қилмишидан кейин ўнганмаган хола каловланиб юра-юра охири йиқилди... Қизиқ, икки ўғлидан айрилганда ҳам қаддини букмаган Оқсоқол

кампирини ерга қўйганидан кейин мункиллаб қолди. Бобом қўлидан судрагудек бўлиб, далага олиб чиқади. Оқсоқол эса ҳамма тушлик қилаётганида йўқолиб қолади. Бобом гўристондан топиб келади.

Фотима келин кўпинча йиғлаб чиқиб ойимга ҳасрат қилади:

– Отам ғалати бўлиб қолдилар. Бугун кечаси яна ойимнинг мозорига бориб ётдилар.

Бобом кўпинча дўстининг ёнига чиқиб ётади. Холанинг етгисида хизмат қилиб юрсам, супада ўтирган Оқсоқол бобомга айтган гапини эшитиб қолдим.

– Кампиримни туш кўрибман, Дума. Аравада бир ёққа кетаётган эмишмиз. Мени ёнига чақиряпти, ўртоқ...

– Жиннимисан! – Бобом тажанглик билан чи-йиллади. Кейин дўстининг ёнига ўтирди. – Ма, чек! – деди носқовоғини узатиб. Кейин овозини пасайтириб юпатди. – Унақа гапларни қўй, дўстим. Шукр қилмайсанми? Шундоқ келининг бор. Барака топгур Потмани қара, қиздан аълоку, келининг. Бир эмас, иккита неваранг бор. Насиб этса яхши тўйлар қиламиз. Попукни узатамиз. Тоҳирингни уйлантираамиз. – Бобом анчагача жимиб қолди-да, Оқсоқолнинг елкасига қоқди. – Битта гап айтайми, – деди дўстининг кўзига тикилиб. – У қулоқ-бу қулоғинг билан эшитиб қўй: бирга келдик, бирга кетамиз! Сенсиз бир кун ҳам юрмайман бу дунёда! Қўй, бунақа юриш сенга ярашмайди. Эл назаридаги одамсан, ўртоқ! Яхшиси далага чиқ, овунасан. Эртадан буғдой ўришга тушамиз.

Буғдойнинг ҳосили яхши. Айниқса, Хирмонтепа томонда... Ўрим бошланиши билан Умар закунчи янги қоида ўйлаб топди. Одатда ўримга ҳамма барабар тушади. Кетмончи ҳам, сувчи ҳам. МТС

колхоздан ташқарида. Аммо ўрим пайтида тракторчилар ҳам бошқа ишини йиғиштириб ўроққа тушиб кетади. Буғдойни хирмонда ҳўкиз билан янчиб, биттаям дон қолдирмай омборга ташиймиз. Кейин машоқ бошланади. Далада тушиб қолган битта-яримта бошоқлар қайтадан терилади. Бу эски одат.

Закунчи топган усул янгича. Машоқдан кейин далага трактор солиш олдидан буғдойпояга одамлар иккинчи марта тушади. Бу ишга болалар жалб қилинади. Хотин-халажнинг юмуши ўзига етиб ортади. Картошка бор, лавлаги бор... Раиснинг ўйлагани тўғри. Болалар бари-бир бекор ҳам юради-да! Буғдой бошоқ тортганида далага ёпирилган қуртни терган ҳам болалар эди. Энди ҳарна бир ҳовуч бўлсаям машоқ қилгани. Бир томонда фронтга ёрдам, иккинчи томонда ўзига яхши.

Янгича усулнинг оти – шериклик! Ҳар бир бола уйдан биттадан қоп олиб келади. Тап-тақир буғдойзорга киришади-да, унда-мунда қолиб кетган бошоқларни, тўғрироғи чумоли ташиётган донларни битталаб теришади. Эртадан кечгача уринган одам нари борса ярим қоп машоқ терса-теради, бўлмаса йўқ. Ҳаммаси қопини кўтариб дала чеккасига олиб чиқади. Кейин баравар бўлашилади. Яرمىси – колхозга, ярмиси – ўзига. Ишни Умар закунчининг ўзи назорат қилади!

Машоқ қилинадиган майдонга тонг отмасдан алақанча бола тўпланади. Аммо Умар закунчи келмагунча ҳеч бири тушолмайди. Буйруқ шу. Ниҳоят Закунчи от миниб келади. Далани тақсимлайди.

– Ўн киши – бу ёққа!

– Сенлар – у ёққа! Элик метрда тўхтайсан. Биттаям дон қолмасин!

Болалар қопни судраганча тап-тақир далага ёпирилади. Ўн қадамда яримта бошоқ, бир кафт дон учраса учрайди, учрамаса – йўқ. Бола – бари бир бола-да! Каттароқ бошоқни кўриб қолса, бир-биридан талашиб югуради. Энди бошоққа чанг солганида бошида қамчи визиллайди.

– Элик метр дегандим-ку, ҳароми! Нега ўтдинг!

Бола қамчи зарбидан кўра раиснинг важоҳатидан кўрқиб орқасига қочади. Буғдойзорда пайкал бўлмаса, боланинг қўлида метрлаб ўлчайдиган газ бўлмаса, қаёқдан билсин! Лекин раис тартибни яхши кўради, далани яхшилаб тозалашни ўйлайди.

Бугун Хирмонтепадаги буғдойзор иккинчи машоқдан чиқади. Башор опа қаттиқ тайинлаган: шудгорни бошламасак бўлмайди. Ҳарна эртароқ ҳайдаб қўйганимиз.

Трактор ҳайдаб келаётсам, олисда – бир туп қайрағоч тагида гуж бўлиб турган болаларга кўзим тушди. Демак, ҳали Зақунчи етиб келмаган. Далага тушишга кўрқиб, раисни пойлаб туришибди. Юз қадамча қолганда болалар, қизалоқлар тўдасидан бир бола ажралиб чиқиб, шу томонга югурди. Дарров танидим: Олимжон! Боши устида қопни пирпирак қилиб, чопиб келяпти. Эгнида офтобдан унниқиб, шўралаб кетган кўйлак, бошланг. Сочини ўсиб икки чаккасига тушган, рангини қисиб қўйган... У ҳарсиллаб келганча, юриб кетаётган тракторга – ёнимга чиқиб олди.

– Олма ейсизми, опа? – деди трактор шовқинидан баланд келиш учун бақириб. Иштонбоғига қистирилган иккита хом олмани чиқариб, биттасини узатди, «емайман» деб бош чайқадим. У олмалардан бирини кўйлагининг олдига ишқаб арти-да, карсиллатиб чайнай бошлади. Оғзим сув очиб кетди. Қандоқ ейди шундоқ нордон олмани!

– Опа! – деди илжайганча олма чайнарган. – Сув обкеб кўйдим! Икки челак! Тракторни далага обкиргунча шериклик қилсам майлими? Ойим айтдилар.

– Раҳмат, Олимжон! – Ўнқир-чўнқир жойдан тракторни ҳайдаб борарканман, кўйлаги шўралаб кетган елкасига қоқдим. – Бари бир, далага тоза бўлмагунча трактор кирмайди.

Олимжон трактордан сакраб тушди-да, бир кўли билан ҳамон олма ражиганча, иккинчи кўлидаги қопини боши устида пирпирак қилиб чошиб кетди. У оёқяланг югуриб борар, товонлари тош бўлиб кетганми, ердаги янтоқларни бемалол босиб сакраб-сакраб чопар, ирғишлар эди.

Трактор қайрағоч олдига имиллаб боргунча нариги томондан Закунчининг жийрони кўринди. От елиб келиб, дарахт соясида тўхтади. Закунчи эгардан илдам сакраб тушиб, от жиловини қайрағочнинг пастки шохига илди. Турганларга қараб бир нима деди: трактор шовқинидан эшитмадим. Сон-саноксиз болалар, узун этаги ерга тегай деб турган қизалоқлар дув этиб, далага ёйилди.

Тракторни яқин олиб борсам, Закунчи далада чумолидай ўрмалаб юрган шерикчилик ишқибозларидан кўз узмай, қайрағочга суянганча папирос тутатиб турибди. Йўл-йўл кўйлагига орден тақиб олган. (Бултур бобом «шарбат» солган даланинг ҳар гектаридан режадан икки ҳисса ортиқ қанд лавлаги олингани учун Закунчи «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган. Орденни қишда костюмига, ёзда кўйлагига тақиб юради.) У шовқиндан қулоғи битиб, гаши келди шекилли, шахдам бурилиб, «ўчир» дегандек қўл силтади. Моторни ўчириб, ерга тушдим.

– Аввал йиғиб олсин, кейин тушасиз! – деди қоғоғини солиб.

Ҳов ўшанда Алвасти кўприкда боши ёрилганидан бери у мен билан деярли гаплашмас, мабодо зарурат юзасидан мажбур бўлгандаям «сизлаб» га-пи-рарди.

Энсам қотиб, плугларни текширган бўлдим. Олимжон яхши бола-да! Иккита пачоқ челакни алақачон сувга тўлдириб қўйибди.

Елиб-югуриб, машоқ қилаётган болалар томон юрган эдим Зақунчи кинояли кулди.

– МТСдан олаётган натурангиз камлик қилди-ми, ўртоқ тракторчи?

Бурилиб қарадим у индамай далага кирдим. Бирпасда кун қизиб кетди. Саратон офтоби ёндираман дейди. Ер – олов, осмон – олов, қиртишлаб ўриб олинган буғдойзордаги гувалалар – олов. Сочи олинган одамнинг бошидек тақир далада ярим қарич дикайиб турган буғдой поялари ўтли нина бўлиб ёққа санчилади. Терадиган бошоқнинг ўзи йўқ. Болалар, қизалоқлар оёқ остида ўрмалаётган чумолилар оғзидаги донни битталаб териб олгудай. Дарров терлаб кетдим. Вой, Олимжон тушмагур-ей! Бирпасда ярим қопча бошоқ терибди. Қаждан топди бу болакай?! Разм солиб қарасам, ҳарқалай у ер-бу ерда яримта-чорақта бошоқлар тўкилиб қолган экан. Мен ҳам териб, Олимжоннинг қопига сола бошладим. У бир қўллаб қопининг оғзидан ушлаб олган, энгашиб букланганча шатир-шутир қилиб олдинга интилади-да, иккинчи қўли билан бошоқ қолдиғини териб, қопга ташлайди. Қоп икки оёғи ўртасида судралиб боряпти. Қарасам, ўн қадамча нарида бир эмас, учта бошоқ ётибди. Ўша томонга юрган эдим. Олимжон бақирди:

– И-и! У ёққа ўтманг. Зақунчи ўлдиради! Элик метрдан ўтмайсанлар, деган. Қаранг, опа, бу ёқда-ям кўп.

Беихтиёр тўхтаб қолдим. Олимжон кўп деган жойда ярим кафтча буғдой сочилиб ётган экан. Ҳовучимга олиб, пуфлаб тозаладим-да, қопига солдим.

Олимжоннинг қопи ярмидан ошгунча пешин бўлиб кетди. Пешонамдан дувиллаб тер оқар, кўйлагимнинг орқаси гарданимга ёпишиб ачиштирарди. Олимжон бўлса парво қилмайди. Гувалаларни, чақир тиканакларни ялангоёқ босиб, ердан кўз узмай, бошоқ излайди. Топиши билан шоша-пиша қопига тикади.

– Юрақол, Олимжон, – дедим ялиниб. – Қара, қопинг тўлиб қолди. Ҳали яна терасан-ку.

У қопини орқалаганча истар-истамас орқамдан эргашди.

– Майли, ярмини уйга ташлаб келаман-да, яна тераман. Ҳали кўп-ку, а!

У икки букилиб қоп кўтариб бораётганда ҳам ердан кўз узмади. Йўлида яримта бошоқ кўринса, эринмай тўхтади. Қопи халақит бераётгани учун ерга қўяди-да, бошоқ увоғини илдам юлқиб олади, қопига ташлайди. Юзидан тер оқиб кетаётганига парво қилмайди.

Қайрағочга яқин келишим билан ўзимни сояга урдим. Олимжон «уф» деб қопини Зақунчининг оёғи тагига қўйдида, югуриб бориб, боя ўзи тракторга сув олиб келган челақка ёпишди. Челақни кўтарса, сув тўкилиб кетишидан қўрқди шекилли, юзини пақирга ботириб, ича бошлади.

Зақунчи қопни тепиб кўрди.

– Маладес! – деди кулимсираб. – Бўлдими! Бошқа термайсанми?

– Тераман. – Олимжон челақдан бошини кўтариб илжайди. Қоп-қора юзидан сув аралаш кир тер оқиб, кўйлагининг олди ҳўл бўлди. – Яна тераман.

– Маладес! – Умар закунчи қопни бир қўллаб кўтарди-да, думи билан ҳадеб пашша қўриётган жийрондан нарироққа, текисроқ жойга ағдарди. Ярим-ёрти бошоқлар, ярим ғалвирча келадиган дон тупроқ аралаш чангиб, ерга тўкилди. Закунчи бошоқ уюмини бир зум чамалаб турди-да, кафти билан чангаллаб озгина бошоқни қопга қайтиб солди. Яна икки марта қўл солиб, тўхтаб қолди. Кейин, инсоф қилди шекилли, тагин бир чангал бошоқ олиб, қопга ташлади.

– Оборақол! – деди Олимжонга қараб. – ўизиллаб, уйингга ташлагин-да, қайтиб кел, хўпми?

Анграйиб қолдим. Бу қандоқ бедодлик? Бу қанақа «шерикчилик» бўлди? Авваллари бир машоқдан қолган супуриндини болалар уйига олиб кетарди. Майли, уруш бўляпти, майли, замон шуни талаб қиялпти. Аммо нораства бола терган насибани, ақалли ярмини бермаслик бориб турган ноинсофлик-ку! Нима қилсин, очидан ўлсинми энди! Олимжон тўплаган бошоқнинг бешдан бириям тушмади-ку, қопга!

Олимжон ҳам ҳайратдан оғзини очиб қолган, нуқул бурнини тортар эди.

– Кам-ку! – деди кўрқа-писа.

– Нима? – Умар закунчи истехзо билан лабини бурди. – Мана! – Зарда билан энгашиб, қопга тагин бир сиқим бошоқ ташлади. – Бўлдими? Бор энди, бошимни қотирма!

Олимжон иккиланиб турди-да, секин бориб, бир қўли билан қопининг оғзини очди. Иккинчи қўли билан, худди биров тортиб олаётгандек, уюм бўлиб ётган бошоқларни чангаллади.

– Алдаманг! – деди илжайиб. Чамаси раис ҳазиллашяпти, деб хаёл қилди. – Ярмини берасиз. Ўзингиз айтгансиз! – У раисдан кўз узмай, бошоқларни чангаллаб, қайта сола бошлади.

Закунчининг кўзлари таҳдидли қисилиб кетди.

– Торт қўлингни! – деди вишиллаб. Энгашиб, боланинг қўлидаги қопга чанг солди.

Олимжон унинг ҳазиллашмаётганини энди тунди. Юзида қўрқув аралаш болаларча содда қайсарлик пайдо бўлди. Икки қўллаб қопини чангаллаб олди.

– Берасиз, ҳа берасиз! – деди ранги ўчиб. – Ярмини берасиз! Ўзиз айтгансиз!

– Ярми керакми сенга! – Раис этигининг кўнжига қўл суққан эди, пичоқ ялтиради. Юрагим орқага тортиб кетди. Болани пичоқлаб қўяди, деган ваҳимада чопиб яқин бордим.

– Тегманг! – дедим ялиниб. – Олимжон, қўйвор! Ташла қопингни!

Аммо Олимжон қопига маҳкам ёпишиб олган, қўйиб юборгиси келмас эди. Закунчи қопнинг оғзидан ушлаб, силтаб тортди. Олимжон қопини қучоқлаб олди. Закунчи яна тортган эди, Олимжон қопига ёпишганча тупроқда судралиб унинг оёғи остига келиб қолди. Жонҳолатда чинқириб, Закунчининг пичоқ тутган қўлига ёпишдим.

– Олимжон, қоч! – дедим чинқириб.

– Нариги тур, мегажин! – Закунчи елкасини бир силкитган эди, анча нарига – янтоқлар устига бориб тушдим. Тирсагимга тикан кириб, ловуллаб ачишди.

– Ярми керакми сенга? Мана ярмиси! Мана! – Закунчи пичоғини уч-тўрт силтаган эди, қоп ширшир йиртилиб кетди. Олимжоннинг қўлида қопнинг бир тутами қолди. Икки-уч бошоқ шилдираб ерга тўкилди.

Олимжон чўккалаб ўтирганча бир зум Закунчига ҳайратланиб қараб қолди. Ўша заҳоти алам билан чинқирди.

– Қопимни нима қилдинг?! – деди ерга муштлаб. Нима қилдинг! Дадамга нима дейман? Нима қилдинг?

Боланинг сансираши алам қилиб кетди шекилли, Зақунчининг кўзида даҳшатли ўт чақнади. Қўлидаги қоп парчаларини нафрат билан улоқтириб юборди-да, менинг тепамга келди. Қўлимга тикан кира-кира талмовсираб ўрнимдан турарканман, Зақунчи чўнқайиб ўтирганча янтоқларни тагидан пичоқ билан кесаётганини кўрдим. Даҳшат ичида шуни пайқадимки, янтоқларнинг нами қочмаган, аммо тикани сарғайиб пишганларидан танлаб-танлаб уч тупини кесди. Олимжон эса ҳамон ўксиб йиғлаб, нуқул бир гапни қайтарарди. – Қопимни нима қилдинг? Ўзи битта эди-ку...

Зақунчи янтоқларни силкитиб-силкитиб Олимжоннинг устига бораётгандагина ниятини тушундим.

– Қоч, Олимжон! – дедим бақириб. – Қоч!

Олимжон қоп парчасини юзига босиб, ҳамон йиғлар эди. Зақунчи уч ҳатлаб боланинг бошига борди. Билагидан маҳкам чангаллаб олди-да, силтаб тургазди.

– Мана ярмиси! – деди тишини ғижирлатиб. Янтоқ шувиллади. – Мана қоп! Мана!

Олимжон оғриқдан додлаб юборди. Силтаниб Зақунчининг қўлидан чиқмоқчи бўлди-ю, кучи етмади. Боланинг офтобдан унниқиб кетган кўйлаги бир зумда қип-қизил қонга беланди. Зақунчи нима учун суви қочмаган янтоқларни танлаганига энди ақлим етди. Қуруқ янтоқ мўрт бўлади, тез синиб кетади.

– Мана! Мана! – Зақунчи ваҳшийлашиб кетган, кўзларида қаҳрли олов ёнар, ҳар бақирганида оғзидан кўпик сачрар эди. – Мана сенга қоп!

Олимжон жонҳолатда чинқирди:

– Қўйвор, эшшак – зақунчи!

Закунчи «эшак» деган сўзни эшитиб баттар қу-
туриб кетди.

– Мана! – деди кучи борича уриб. – Мана!

Дод солиб қўлига ёпишдим.

– Ўлади! Бировнинг боласини ўлдириб қўясан,
ноинсоф!

– Қоч, душманнинг итваччаси! – У янтоқни қу-
лочкашлаб юзимга туширди. Кўзимдан олов чиқиб
кетгандек бўлди. Чалқанча йиқилиб тушдим.

Кўзимни очсам, Олимжон ер тишлаб ётибди. Ку-
раги қоп-қора қонга беланган. Икки кўзи ваҳший
хайвонникидек қизариб кетган Закунчи боланинг
тепасида ҳарсиллаб турибди. У шохлари нимта-
нимта бўлиб кетган янтоқларни нарига улоқтирди.
Югуриб келаётган болаларнинг қий-чуви эшитил-
ди. Қандайдир қизалоқ чинқириб юборди:

– Ўлдирди! Олимжонни ўлдириб қўйди!

Закунчи шошилмай бориб, безовта типирчила-
ётган от жиловини қайрағоч шохидан ечди.

Чайқалиб, ўрнимдан турдим. Бўғзимдан аламли
нидо отилиб чиқди:

– Имонсиз! Сенгаям боққан бало бордир, виж-
донсиз! Нораста нима гуноҳ қилди, уятсиз? Бу
кунларам ўтар-кетар, жавобини берадиган кунинг
келар, имонсиз!

Закунчи чирт этиб тупурди-да, отини чоптириб
кетди. Юз-кўзим ловуллаб ачишаётганини унутиб,
Олимжоннинг тепасига югуриб бордим. У ҳамон
юзтубан ётар, дабдала бўлиб кетган кўйлаги усти-
дан баданига санчилиб қолган сон-саноқсиз ти-
канлар дикайиб чиқиб турарди.

– Олимжон-он! – дедим йиғлаб. Боланинг боши-
ни кўтарган эдим, лаби, ияги қоп-қорайиб кетга-
нини кўриб, сесканиб тушдим. Оғзидан қон кепти!
Даҳшат ичида лабига кафтимни боссам, лой экан.

Чамаси, ҳали сув ичганида лабида қолган нам, тупроққа қоришиб лой бўлган.

– Олимжон... – дедим секин. Унинг кўзи очиқ, лекин бир нуқтага маъносиз тикилиб, қотиб қолган эди.

Бир қўлим билан суяб ўтқазганча, иккинчи қўлим билан баданидаги тиканларни тера бошладим.

Кимдир челакдаги сувни олиб келиб, Олимжоннинг бошидан қуйди. У ҳушига келиб ингради.

– Қопим... Қопимни йиртди...

– Жон укам! Ўргилай сендан, Олимжон! – Боланинг муздай юзларидан ўпдим. – Ўзим қоп бераман сенга, ўнта қоп бераман. Кўзингни оч!

Арава шалдиради. Болалардан биронтаси хабар берган шекилли, Комил табиб ҳўкиз аравадан сакраб тушиб, ҳаллослаб келди.

– Ўғлим! – деди инграб. – Олимжон!

...Бола похол тўшалган арава ўртасида осмонга тикилиб ётар, чеҳраси катта одамларникидек осойишта, ўйчан эди. Юзимга термилиб ётди-ётди-да, сўради:

– Сизниям урдими, опа?

– Жим, жим, – дедим бошига эгилиб. – Ҳеч нима қилмайди. Даданг табиблар-ку, мўмиё сурадилар, тузалиб кетасан...

...Холпош хола ўлганидан бери каловланиб қолган Оқсоқол шу воқеани эшитди-ю, бирдан қаддини ростлади. Худди ўша қадимги Ориф оқсоқолга айланди. Қуюқ қошларини чимириб, ҳовончадек муштини хонтахтага урди.

– Қачонгача зулм қилади бу? Совет ҳокимияти борми-йўқми, ўзи?

– Сельсоветга чиқиш керак! – деди бобом. – Танобини тортиб қўймаса қутуриб кетди бу Закунчи!

– Ёшинг етмишга кираптию товукча ақлинг йўқ! – Оқсоқол баттар хуноб бўлди. – Қўлидан нима

келарди ўша хезимчалиш Эргашни! Закунчини кўрганда эридан кўрққан хотиндек типирчилаб қолади-ку! Йўқ, районга бораман! Ўртоқ Абдураҳмоновга йўлиқаман! Уям қулоқ солмаса каттасига бораман! Робия! Ол, давогаламингни. Ёз, қизим!

Оқсоқол менга айтиб туриб, ариза ёздирди. Иккала ўртоқ қоғозни олиб Комил табибни кига кетишди. Аммо ярим кечада иккаласиям қовоқ-тумшуғи осилиб қайтиб келишди.

– Э, муллаваччаларга ўхшамай ўл! – деди Оқсоқол табибни орқасидан сўкиб. – Латга! Бола бечоранинг бадани илма-тешик бўп кетибдию қўл қўй деса кўнмайди. Бир жойдаги одаммиш. Раис бир кунмас бир кун жазосини олармиш. Ёмонлик жавобсиз қолмасмиш. Арзабозлик қилиб юриш ўзбекчиликка тўғри келмасмиш. Ўргилдим, сенга ўхшаган пайтавақулоқ ўзбекдан! Кетдик, Дума! Табиб даъвогар бўлмаса, мана, мен даъвогарман!

2. «Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди»

Бу йиғиннинг отини нима дейишни ўзим билмайман. Мажлис десам, мажлисга ўхшамайди, суд десам, судга... Умар закунчи Олимжонни сулайиб қолгунча янтоқ билан савалаган жойда – худди ўша қайрағоч тагида тумонат одам тўпланди. Ўроғининг бандини қаҳрли чангаллаган хотинлар, машоқ қилаётган қопини орқалаб олган болалар, олисда Дўмбиробод томонларда картошка чопиқ қилаётган, лекин аллақердан хабар топиб, кетмонини елкасига ташлаб, ҳаллослаб етиб келган қари-қартанлар...

Эрталаб пайкалда «шериклик» машоқ яна давом этди. Болакайлар, қизалоқлар қоп судраб

бошоқ қолдиқларини териб юришар, аммо кечаги даҳшатли воқеадан кейин қўрқиб қолишгани учунми, «шерикчилик»ка келган болалар оз эди. Менинг тракторим ҳамон бир чеккада турар, дала тоза бўлмагунча пайкалга киролмасдим. Зақунчи отини қайрағочга боғлаб қўйиб, сояда чўнқайиб ўтирар, мен томонга қарамай папирос тутатар, даладаги болалардан кўз узмас эди. Олимжоннинг гарданига янтоқ билан савалаётган Зақунчининг ваҳший ҳайвондек хириллаши, оғзидан кўпик сачратиб «мана, мана!» деб ҳайқириши ҳамон қулогим остида жаранглар, аравада чалқанча ётганча катта одамлардек осмонга ўйчан кўз тикиб бо раётган бечора бола хаёлимдан кетмас, Зақунчининг башарасига қарагим келмас эди. Бир маҳал олисда арава шалдиради. Тракторни текширган бўлиб разм солсам, Зақунчи сапчиб ўрнидан туриб кетди. Қамчисини ерга ташлаганча югурди. Қарасам, тупроқ йўлдан чанг кўтариб, ҳўкиз арава келяпти. Худди ўша – кеча чалажон бўлиб қолган Олимжонни олиб кетган ҳўкиз арава. Фақат бу сафар устида Комил табиб эмас, бобом билан Оқсоқол ўтирибди. Зақунчи нега типирчилаб қолганини аввал тушунмадим. Бироқ арава яқинроқ келганда похол шляпасини бостириб олган одамни илғадиму ҳаммасини англадим. Оқсоқол билан бобом кечаси чиқиб кетганча қайтишмаган эди. Демак, Абдурахмоновни бошлаб келишяпти.

Зақунчи чошиб бориб, Абдурахмоновга қўшқўлаб қўл узатди. Лекин райком секретари негадир юзини ўгирди. Оқсоқолга бир нима деди. Оқсоқол хипчин билан ҳўкизларни савалади. Зақунчи арава ёнида пилдираб келаркан, ёйилиб илжайганча Абдурахмоновга яна алланималарни гапирди. Арава шовқинида нима деганини эшитмадиму райком бу сафар ҳам юзини чир ўтирганини кўрдим.

Кўп ўтмай, арава қайрағоч соясига келиб тўхтади. Аввал Оқсоқол, кейин бобом сакраб тушишди. Закунчи бир қўллаб арава ёндорини чангаллаганча филдиракка оёқ қўяётган Абдурахмоновнинг қўлтигидан олаётган эди, райком қошини чимирди.

– Раҳмат... Ўзим.

У қийналиб аравадан тушди. Бўлиқ юзи бўғриқиб кетган, кўйлаги жиққа ҳўл бўлиб икки елкасига ёпишиб қолган, чаккасидаги оқ оралаган сочларидан дув-дув тер оқар эди.

– Бир пиёла сувингиз борми, қизим? – деди ҳансираб.

– Ҳозир чой ташкил қиламиз, ўртоқ Абдурахмонов! – Закунчи ёнимга келиб, ғазаб билан вишиллади. – Эрталабдан бери трактор атрофида ивирсийсиз? Ақалли чой-пойга ҳаракат қилсангиз қўлингиз синганмиди, ўртоқ тракторчи!

– Чой керакмас! – Абдурахмонов қайрағочга суюниб ўтирганча сомон шляпаси билан юзини елпиди. – Бир пиёла сув бўлса...

Кеча Олимжон трактор учун олиб келган сув эсимга тушди. Хайрият, бир челақ сув ҳалиям сояда турган экан. Аммо пачоқ челақдаги керосин ҳиди анқиб турган, илиб қолган сувни олиб боришга ийманар эдим.

– Бераверинг, қизим! – Абдурахмонов шляпасини ерга ташлаб имо қилди. – Обкелинг!

Соддалигим қурсин! Челақни олиб бориб Абдурахмоновнинг ўнг қўлига тутқазмоқчи бўпман. У тирсагидан узилиб кетган, бир парча гўштдек қизариб турган тўмтоқ билагини орқага тортиб, чап қўлини челақ бандига чўзди. Закунчи чаққонлик билан пақирни қўш-қўллаб чангаллаган эди, ҳансираб, яна қошини чимирди:

– Керакмас! – У чап қўллаб челакни қучоқлаган кўйи оғзига олиб борди. Сув шариллаб, кўйлагининг олдига оқиб тушди.

– Раҳмат, қизим! – деди мулойим жилмайиб. – Ширин сув экан...

– Ўртоқ Абдураҳмонов... – Зақунчи нарироқда турган Оқсоқол билан бобомга адоватли қараш қилди-да, илжайиб бидиллади. – Мана, иккинчи марта машоқ қияпмиз. Ҳарна фронта ёрдам. Биттаям дон қолмасин деб...

– Кўриб турибман! – деди Абдураҳмонов унинг гапини кесиб. – Ишларингиз жуда зўр!

Зақунчи унинг овозидаги яширин газабни сездди. Ранги қув ўчиб атрофга аланглади. Мен ҳам ўтирилиб қарадим у атрофимизни ҳалқадек ўраб олган одамларни кўриб ҳайрон қолдим.

Ажаб, бир зумда қаёқдан тўпланди. Қаёқдан келди шунча оломон? Болалар, хотинлар, чоллар?.. Ҳалқа борган сайин зичлашиб, торайиб борар, гўё бутун колхоз шу ерга, қайрағоч тагига кўчиб келгандек эди!

Абдураҳмонов чап қўллаб ерга таянганча ўрнидан турди. Одамларга бир-бир қараб чиқди.

– Ўртоқлар... – деди осойишта оҳангда. Қизиқ, энди у бояги толиққан, хаста кишига ўхшамас, овози ўктам, ишончли эди. – Нима бўляпти ўзи «Қизил деҳқон»да? Ахир сизларнинг хўжалик районидаги энг илғор колхоз-ку!

– Мумкинми? – Умар зақунчи лип этиб ўртага чиқди. – Ўртоқ Абдураҳмонов! – деди жарангдор овозда. – Эртанги картошкани йиғиб бўлдик. Буғдойниям юз йигирма процент...

– Шошманг! – Абдураҳмонов ягона чап қўлини силкитди. – Ҳаммасини биламиз. Планларни ўринлаяпсиз. Шунинг учун ҳам «Қизил деҳқон»га вакил юбориш шарт эмас, деб ўйлардик. Энди билсам,

хато қилган эканмиз. Тўғри, замон оғир. Ҳаммага-ям оғир. Режани бажариш керак. Аммо зулм ҳисобига эмас.

Зақунчининг ранги гезариб кетди.

– Қанақа зулм? – деди лаби титраб. – Мана, одамларнинг ўзи гапирсин.

– Райкомнинг ниятиям шу... – Абдурахмонов «сен жим тур» дегандек имо қилди. – Қани, одамлардан эшитайлик.

Оғир сукунат чўқди. Ҳеч кимдан садо чиқмас, осмонда тўрғай фарёд солар, аллақерда чигиртка нола чекар эди. Зақунчи ҳаммага бир-бир қараб чиқар, «Биттанг гапирсанг тилингни суғуриб оламан», дегандек тишини ғижирлатар эди.

– Оқсоқол... – Абдурахмонов арава ёндорига сунганча нос шишасини кафтида айлантираётган Ориф оқсоқолга юзланди. – Айтинг, гапингизни.

– Гапим шуки... – Оқсоқол носини жаҳл билан тупурди. – Ўртоқ Хажайип жа оширворди! Амир Олимхон бўлсаям жойини билиб ўтирсин! Тўғри-ми, Дума!

– Тўғри! – Бобом ўртага чиқиб, асабийлик билан қўлини пахса қилди. – Майли, юмуш буюрсин! Ишни сўрасин. Локин...

– Ҳўв, Оқпошшонинг думаси! – Умар зақунчи истеҳзо билан лабини бурди. – Бизлар жанг қиялпмиз! Фронт орқасида жанг қиялпмиз. Нима энди, бошимда кўтариб юришим керакми, ҳаммангни!

– Менимас! – Бобом жазаваси тутиб яна қўлини пахса қилаётган эди, Абдурахмоновнинг босиқ овозини эшитиб жимиб қолди.

– Оқпошшонинг нима алоқаси бор? – Абдурахмонов Зақунчига юзланди. – Нима, Ҳусан ака меҳнатдан бўйин товляптими! Алдам-қалдам иш қиялптими?

Закунчи эсанкираб қолди. Лекин дарров ўзини қўлга олди.

– Ўртоқ Абдурахмонов, – деди лаби бурилиб. – У ёқда планни талаб қиласиз... Бу ёқда... Ўзингиз биласиз, бу ер ҳам фронт...

– Фронт денг! – Абдурахмоновнинг товуши бирдан ўзгарди. Қаҳрли тус олди. – Она сути оғзидан кетмаган болалар билан жанг қилиб ётибман денг! Табибнинг ўғлини нима қилдингиз?

– Мен... мен... – Закунчи бирдан бўшашди. – Тартиб бўлсин деб... – У ингичка мўйлови титраганча яна қаддини ростлади. – Ўртоқ Абдурахмонов! – деди овози қатъийлашиб. – Мен нима қилсам, жангчиларимизга мадад бўлсин деб қиляпман! Доҳиймиз айтгандек...

– Яхши! – Абдурахмоновнинг товуши Закунчиникидан ҳам қатъийроқ жаранглаб кетди. – Лекин ким сизга рухсат берди, ёш болани майиб қилишга!

Шунда кутилмаган иш бўлди. Ўроқлар, паншахалар, кетмонлар офтобда таҳдидли ярақлаб кетди. Ҳатто болалар ҳам қопини боши устида баланд кўтариб чувиллашди:

– Жонимиздан тўйдик!

– Керакмас!

– Колхозда ё Закунчи турсин, ё биз!

Тинч оққан сув тўғонни бузса ёмон бўларкан. Одамлар гувилаб олдинга ташланди. Қўйиб берса ҳозирнинг ўзида Закунчини қийма-қийма қилиб ташлагудек важоҳатда эди. Шу пайт узун кўйлагининг этаги ерга тегиб турган хотин отилиб чиқиб, Абдурахмоновнинг оёғи остига тиз чўкди, Аввалига танимабман. Қарасам, Лазакат хола: сочлари ёйилган, юзи қаҳрли.

– Жон укам! – деди титраб. – Ўргилай сиздан, укам! Ҳақиқат қилинг. Бир боламдан айриладим!

Очилимдан жудо бўлдим. – У йиғлаб юборди, бошидан оқариб кетган гармдоринусха рўмолини юлқиб олиб, нарироқда кўзи олайиб турган Закунчига улоқтирди. – Рўмолинг бошингда қолсин! Битта боламини немис ўлдирди. Иккинчиси манави немиснинг қўлида ўлсинми энди. Нораства болани шунчалик урасанми, диёнатсиз!

– Опа! – Абдурахмонов бир қўллаб Лазакат холанинг қаддини ростламоқчи эди, кучи етмади. – Хўжаев! – деди газаб билан. – Эшитяпсизми бу гапларни! Фашистдан нима фарқингиз бор!

Ўроқлар, паншахалар, кетмонлар баттарроқ таҳдид билан ярақлади. Оломон ув солиб юборди:

– Йўқол!

– Даф бўл, Закунчи!

– Керакмас бизга бунақа раис!

Умар закунчи серрайиб турар, аммо энди боягидек эсанкирамас, юзи қаҳрли, қатъий тусга кирган эди.

– Ўртоқ Абдурахмонов! – деди чертиб-чертиб. – Мен ҳарбий замон талаби бўйича иш қилдим. Бундан кейин ҳам законний...

– Бас! – Абдурахмоновнинг бўлиқ юзи қизариб, осойишта боқувчи кўзлари газабдан қисилиб кетди. – Ҳеч ким сизга халқни давлатга қарши қўйгин деган эмас!

Халойиқ тагин жунбишга келди. Яна ўша ҳайкириқлар янгради:

– Кетсин!

– Кетмонини олиб кетсин, Закунчи.

– Тўрт томони катта кўча!

Оқсоқолнинг овози ҳаммадан кучли гумбурлади:

– Сиз нима дейсиз, табиб? Айтинг гапингизни.

Бобом Комил табибнинг билагидан чангаллаб, Абдурахмоновга рўпара қилди.

– Гапиринг, табиб!

Табиб бир зум ўйланиб турди-да, хўрсинди.

– Мен нима дейман? – деди секин. – Ҳамма гапни айтиб бўлишди-ку. Бу дунё қайтар дунё. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди. Ўзини билган одам учун эл назаридан қолишдан ортиқ жазо борми?

У ингичка мўйлови титраб турган Зақунчига жирканиб бир қарадиою нари кетди.

– Эшитдингиз-а, ўртоқ Хўжаев? – Абдурахмонов елкаси оша ҳамон гўдайиб турган Зақунчига юзланди. – Тушунарлими энди?

– Яхши! – Зақунчи шахт билан қаддини ростлади. – Бундан чиқди ҳамма яхши – мен ёмонман. Колхознинг қаддини кўтарганим – ёлғон. Етти йил эшакдек ишлаганим – ёлғон!.. Ўзим оч юриб топган-тутганимни фронтга жўнатганим – ёлғон! Гектаридан тонналаб лавлаги олганим – ёлғон! Мана бу орденга, – у энтикиб, кўйлагига тақилган, офтобда ярақлаб турган орденни чангаллади, – мана шу орденга сиз қўл қўйганингиз ҳам ёлғон.

– Тўғри, мен қўл қўйганман. – Абдурахмонов афсусланиб бош чайқади. – Ўша орденга... – деди ҳар сўзини чертиб, – «Ҳурмат белгиси» деб ёзиб қўйибди. Биз сизни ҳурмат қилардик. Лекин эшитиб қўйинг: халқ ҳурмат қилмаган одамни биз ҳам ҳурмат қилмаймиз.

– Мен... – Зақунчи нимадир демоқчи эди Оқсоқолнинг гулдирарган овози унинг гапини кесди.

– Менга қара. Хажайип! Агар Дума етти қишлоқнинг ҳожатхонасини кавлаб «шарбат» оқизмаса, орденни тушингда кўрардинг. У ёғини сўрасанг, орден Думаники бўлиши керак эди.

– Ана! – Зақунчи асабийлик билан қаҳ-қаҳ уриб кулди. – Мана энди асл мақсадга кўчдинг, Оқсоқол! Раисликдан тушибсанки, аламинг ичингда эди.

Олақол, мансабингни! – У райкомга ўтирилиб изтироб билан ҳайқирди. – Олиб беринг шунга раисликни! Ўзим ҳам бунақа ит ётиш, мирза туришдан чарчадим. Юборинг! Передовойга юборинг мени!

Абдурахмонов ягона қўлини беписанд силкиди.

– Хотиржам бўлинг, ўртоқ Хўжаев! Қаёққа юборишни райком бюроси ҳал қилади. Аммо янги раис сайлашни халқнинг ўзига қўйиб берамиз.

Ўша заҳоти яна гувиллаган садо саратон ҳавосини титратди:

– Оқсоқол!

– Оқсоқол раис бўлсин!

– Бошқаси керакмас!

Ориф оқсоқол тўсатдан эсанкираб қолди.

– Мен... мен... – деди довдираб. Худди биров ҳозироқ раислик курсисига ўтқизиб қўяётгандек орқага тисарилди. – Ўртоқ Абдурахмонов... – деди ялиниб. – Наҳот мен... раис бўламан деб. Илтимос... – У икки қўлини баланд кўтариб ҳайқирди. – Халойиқ! Қисқа ўйлама! Эрта-индин уруш билади. Колхозлар бошқача бўлиб кетади. Мен энди – ўтдим. Мошинани биладиган... – Оқсоқол атрофга аланг-жаланг қаради-да, бирдан юзи ёришди. – Яхши раис керакми? Мана! Мана! – У бобомнинг ёнида турган Башор опанинг қўлидан тутиб, ўртага олиб чиқди. – Мана ҳақиқий раис! Ҳалол, меҳнаткаш. Мошинани...

Энди Башор опа довдираб қолди.

– Йўқ! – деди кескин бош чайқаб. Оқсоқолнинг каттакон кафтини қўш қўллаб чангаллаганча илтижо қилди: – Оқсоқол, барака топинг. Йўқ деманг. Нима юмушингиз бўлса...

Одамлар тагин бараварига гувиллади:

– Тўғри!

– Башоратхон рост айтяпти.

– Оқсоқол!

– Нега таранг қиласан! – Бобом Оқсоқолга рўпара бўлиб бўйинини чўзди. – Қачондан бошлаб эл-юртнинг сўзини ерда қолдирадиган бўлдинг!

Оқсоқол нима дейишини билмай қолган, одамлар ҳамон гувиллар, Абдурахмонов эса мамнун жилмайиб турарди.

Умар закунчи «томошанг бошингда қолсин» дегандек шахт билан даврадан чиқди-ю, қайрағоч танасига боғланган жийроннинг жиловини титроқ қўллари билан ечди. Қайтиб келиб, ерда, Абдурахмоновнинг оёғи остида ётган қамчинни юлқиб олиб от томонга югурди. Бойлоқдан бўшаган от, эгаси яқин бориши билан, қўрқдими, бегонасирадими, тўсатдан шаталоқ отиб, машоқ қилинаётган буғдойзорга югурди.

– Тўхта! – Закунчи ҳам илтижо, ҳам ғазаб билан ҳайқирди. – Тўхта, Қоракўз!

Лекин жийрон қайрилиб ҳам қарамади. Қизғиш ёллари, гажак бўлган думи ёз қуёшида товланганча югуриб кетди. Закунчи қамчисини боши устида баланд кўтариб, жийрон кетидан чопиб бораркан, алам билан чинқирди:

– Қоракўз! Тўхта!

Қайрағочга суяниб турган Раъно келинойимга энди кўзим тушди. Сочини бошига чамбарак қилиб олган, қўлида дафтар бор эди.

У жийрон кетидан чопиб бораётган Закунчидан кўз узмас, дафтар тутган қўллари титрар эди. Назаримда кўзи жиққа ёшга тўлгандек бўлди.

3. Устун йиқилса, устун зил кетади

Одамларнинг бахтига куз яхши келди. Картошка, сабзиларни йиғиб олгунимизча ҳаво туриб берди. Тўғри, октябрнинг бошларида бир-икки дафъа ёмғир ёғди-ю, ҳаво яна жўнашиб кетди. Фақат кеч кузга бориб, уч кун эзиб ёмғир ёғди. Эрталаблари қуюқ туман тушадиган бўлди. Октябр кўтарилиши билан қуёш чарақлаб кетади. Аммо кун ботмасидан тагин ер- кўкни туман ўраб олади.

Колхоз ҳамма планни бажариб бўлган, ер музлаб қолмасидан шудгордан қутулиб олишга уринардик. Қанд лавлаги бу йил ҳам яхши бўлди. Оқсоқолнинг маслаҳати билан разъезд яқинида лавлагини қабул қилиб оладиган янги омбор қурилади. Янгийўлдаги завод одамини жўнатади-ю, лавлагини шундоқ омборнинг ўзидан олиб кетаверади.

Халқ Оқсоқолнинг раислигини қўмсаб қолган эканми, нима иш чиқса чиппа ёпишади. Закунчи пайтидаги уриш-сўкишлар йўқ. Қизиқ, ҳеч ким Закунчини эсламайди ҳам. Гўё бу дунёда Умар закунчи деган кимса ҳеч қачон бўлмагандек. Тўғри, аввалига ҳар хил мишмишлар тарқалди. «Закунчини райкомда моховга ошна қилишибди», «Закунчини урушга жўнатишмоқчи экан, тоғаси ўртага тушиб олиб қолганмиш...», «Закунчи молияга ишга ўтганмиш, налугчи бўлиб олганмиш...» Аммо у «Қизил деҳқон» тарафларда қорасини кўрсатмади. Шу-шу одамларнинг эсидан чиқиб кетди. Оқсоқолнинг данғиллама уйини Ленинград қамалидан чиқиб келган оилаларга берди. Назаримда фақат битта одам – Раъно келинойим ҳалиям Закунчини эслайди. Шу уч-тўрт ой ичида озиб-тўзиб кетди...

Кўтармадаги охириги пайкални ҳам қазиб бўлдик. Кунботар палласи туман қуюқлашиб, одам

одамни танимайдиган бўлиб қолганида аравани тўлдириб омборга жўнатдик.

Оқсоқол тўрт аянчли гийқиллаганча лойга бота-бота имиллаб кетаётган тўрт филдиракли ҳўкиз арава ортидан қичқириб қолди:

– Омбордагиларга айт, Олимжон! Тезроқ тушириб, олишсин. Кейин дарров изингга қайт, уқдингми?

Туманлик орасидан Олимжоннинг ингичка овози янгради:

– Дарров келаман. Чу, жонивор!

Қандоқ яхши-я, бу бола! Ўшанда – Зақунчи қишлоқдан бадарға қилинган қуни ҳолидан хабар олгани борганимда болани кўриб кўрқиб кетувдим. Тикан кирган жойлар маддалаб яра бўлиб кетган экан. Йўқ, ҳайтовур Комил табиб дори-дармон қилиб, оёққа турғазди. Олимжон яна ишга киришиб кетди. Тағин ўша-ўша: мактабдан қайтади-ю, далага югуради. Ҳозир аравакашлик қиляпти. Эртадан ер ҳайдашга тушсак, тракторга сув ташийди.

Одамлар туманлик орасидан шарпадек сирғалиб чиқиб, аравага сиғмай қолган беш-олти замбил лавлаги уюми олдида турган Оқсоқолнинг атрофига тўпланишди. Туман билан қўшилиб, совуқ ҳам тушган, кунбўйи замбил кўтарганим учун биқинимга яна оғриқ турган, бўғилиб кетаётганга ўхшардим.

Оқсоқол атрофини ҳалқадек ўраб турган одамларга ҳайқирди:

– Болали хотинларга жувоб. Эркаклар қолсин, яна жиндай иш бор.

– Биз-де, ўша эркак, Оқсоқол! – Парча опа туманлик орасида дўриллади. – Хизмат бўлса этвуринг!

Оқсоқол мамнун кулди:

– Тўғри, сен, ўнта эркакни қочирасан.

Туманликда ивирсиган шарпалар секин-секин гойиб бўлди. Оқсоқол менга кўзи тушиб жеркиб берди:

– Сен нега анграйиб турибсан, бор, онанга боқиш!

Совуқдан муштдеккина бўлиб жунжикиб турган бобом яқин келди.

– Қўявур, Робия мен билан кетади.

Оқсоқол маъқул, дегандек бош ирғади. Кетмон дастасидан ушлаб дийдираб турган Комил табибни кўриб раҳми келди шекилли, овози юмшади.

– Сизам борақолинг, Комилбой.

– Йўғ-е! – Туман орасида табибнинг юзини аниқ кўрмасам ҳам, хижолат чекиб илжайганини пайқадим. – Унақа деманг, Оқсоқол.

– Бўлмаса гап бундоқ... – Оқсоқол ёнида қолган, беш-олти одамга бир-бир қараб чиқди. – Яна озгина ғайрат қиламиз. Пайкални қадамлаб айланиб чиқамиз. Яримта-юримта лавлаги қолиб кетган бўлсаям териб олайлик, барака топгурлар. Завод қараб турибди. Ҳозир арава қайтади. – Ўзи биринчи бўлиб пайкалга кириб кетаркан, таъкидлади. – Бир бўлак ҳам қолмасин. Эртага трактор тушади.

«Бир бўлак ҳам қолмасин» деб айтишга осон. Туман бўлса, қоронғи тушиб қолган бўлса! Лавлаги бўлагини гуваладан ажратиб бўлармиди?

Ўнимда пишиллаб келаётган Парча опа йўлини ўргатди.

– Қўлиз билан чангалаб нима қиласиз, Роби? Тепиб кўринг, ўзи билинади.

Тўғри айтган экан! Каттароқ кесакни тепиб кўрасиз: этик учига юмшоқ уннаса ёмғирда ивиган гувала бўлади, қаттиқроқ тегса – лавлаги! Аммо қаттиқроқ уннайдиган лавлаги қолдигининг

ўзи йўқ. Чорак замбил лавлаги тергунимизча анча вақт ўтди. Ҳамма ёқни зулмат қоплаган, совуқ тушганига қарамай, терлаб кетгандим. Қуюқ туман одамни бўғишини энди билдим. Парча опа билан икковлашиб замбилни хирмонга олиб чиққанимизда алламаҳал бўлган эди. Осмонда, кунботар томонда кўр одамнинг кўзидек хира ой туманлик орасида саргайиб турар, аммо атрофни ёритиш ўрнига гашга тегарди.

Бобом билан Оқсоқол сирғана-сирғана замбил кўтариб яқин келишди. Замбил тагида ётган лавлаги бўлақларини хирмонга ағдаришди.

– Сениям суробинг тўғри бўлди-а, ўртоқ! – Оқсоқол бобомнинг елкасига шапатилаб эркалади. – Дамингни ол... – Сават замбилни тўнкариб ўтирди-да, ёнидан жой кўрсатди. – Ўтир, носингдан ол.

– Ўзимам айтувдим, нечук бу меҳрибон бўпқолди, деб! – Бобом тўнғиллади. – Шу одатинг қачон қолади-а? Ўзингникини чексанг ўласанми?

– Меникини ишқори кўп экан. Оғзимни ўйиб юборди.

– Бўпти! – Бобом лойга беланган узун камзулининг чўнтагидан носқовоғини чиқарди. – Алмашамиз.

Оқсоқол қоронғида ҳе-ҳелаб кулди.

– Қўй, ўртоқ! Тилинг ўйилиб, кампирингдан балога қолиб юрмай.

«Ҳазончинак» қилинган лавлагининг чўғи кўп эмас эди. Одамлар чекка-чеккадан чиқиб келиб, тагин хирмон атрофида тўпланишди.

– Тайиб, сиз кетвуйинг! – Оқсоқол оғзида нос борлиги учун тили яхши айланмай буюрди. – Ҳаммайлага жувоб.

– Лавлагини ким ортади? – деди Парча опа дўриллаб.

– Ўзивуззи қўливуз йўқми? – Оқсоқол тилаб олган носини роҳат қилиб чеколмаганига жаҳли

чиқди шекилли, ерга тупириб, кафтининг орқаси билан мўйловини артди. – Бор дегандан кейин бо-равермайсанми!

Атрофни шарпадек ўраб турган одамлар бир зумда ғойиб бўлишди. Жимлик чўкди. Қуюқ туман баттар исканжага олиб бўғаётганга ўхшар, биқиним симиллаб оғир эди.

– Менга қара! – деди бобом хавотирли оҳангда. – Олимжондан дарак йўқ-ку!

Оқсоқол ҳам боядан бери шуни ўйлаб ўтирган экан шекилли, ўрнидан туриб кетди.

– Юр, ўзимиз бора қолайлик.

Қаторлашиб йўлга чиқдик. Оёқ остида лой пилчиллайди. Оқсоқол қаддини ғоз тутиб боряпти. Бобом унинг қадамига етолмай пилдирайди. Мен ҳам тезроқ юришга ҳаракат қиламан. Унга сайин биқиним санчиб-санчиб қўяди... Хазоннинг аччиқ ҳиди анқиб турган ёнғоқзорга кирганимизда зулмат янаям қуюқлашиб кетгандек бўлди.

– Дума! – деди Оқсоқол орзумандлик билан. – Қор тушса Тоҳиримни тўй қиламан. Потма айтди: ота, неварангизни суннат қилмаймизми, деди. Тўғри айтади... Бир тўй қилайки. – У жимиб қолди-да, қўшиб қўйди. – Беш-олти йил ўтсин, қарабсанки, Ойпопукни узатамиз. Чевара кўраман, а лаббай?

– Мана бу – бошқа гап! – Бобом дадилланиб шанғиллади. – Айтмовмидим, ҳеч кимдан кўрмаганингни мана шу Потмадан кўрасан деб. Қиздан афзал-да, келининг.

Икковлари сукутга чўмишди. Билдимки, Оқсоқол Фотима келин ҳақида гап бошланиши билан Зухра келинни эслади... Олд томонда Алвасти кўприкнинг шовуллаши эшитила бошлади. Оқсоқолнинг юраги сиқилди шекилли, яна шанғиллади:

– Кимсандан хабар йўқми?

Юрагим бир қалқиб кетди. Уч йил бўляпти. Кимсан акамдан дарак йўқ. Бу қандоқ азоб?! На тирик деб қувонолмасак, на... Йўқ, биламан. Кимсан акам тирик!

– Ҳайронман... – Бобом хўрсинди. – Тирик бўлса шу кунгача дараги...

– Э, ўле! – Оқсоқол жаҳл билан бақириб берди. – Шунча ёшга кирибсан-ку товуқча ақлинг йўқ...

– Нима бўпти менга? – деди бобом унинг гапини кесиб. – Қолаверса, сенинг йилинг ҳам – товуқ!

– Хўш, нима қипти, товуқ бўлса? – Оқсоқол энг муҳим масалани талашгандек тажанглик билан ҳайқирди. – Биламан, иккаламизнинг мучалимиз бир. Аммо онангни қорнида ётган тўққиз ойниям ҳисоблаш керакми – керак. Бундан ташқари мучалинг икки марта айланганида бир ёш қўшиладими – қўшилади! Тушундингми, саводсиз?

– Бўлса бордир... – Бобом яна уф тортди. – Лекин Кимсаним...

– Яна гапиради-я! – Оқсоқол баттар тажанглашиб кетди. – Ҳеч радио эшитасанми, пакана! Бизникилар Булғорияни озод қилди. Ўшаларнинг ичидаям ўзимизнинг партизан болалар бор экан. Мени айтди дерсан. Кимсан булғор партизанларига қўшилиб кетган.

Кўнглим ёришди. Оқсоқол рост айтяпти. Кимсан акам Болгария партизанлари орасида юрибди. Шунинг учун хат ёзмаган. Эрта-индин дараги чиқади. Булғория озод бўлдику.

Хаёл суриб кетаётган эканман, бир маҳал Оқсоқолнинг хавотирли хитобидан чўчиб тушдим.

– Анави нима, Дума?

Оқсоқол қўли билан кўрсатган томонга қаради-му Алвасти кўприқдан элик қадамча нарида, темирйўл устида шарпадек қорайиб турган нарсага кўзим тушди.

– Вагонми? – деди бобом дудмал қилиб.

Ўша томондан, туманлик орасидан асабий, ингичка овоз эшитилди:

– Чу! Чу!

– Ие, арава-ку! – Оқсоқол ўша томонга югураркан, йўл-йўлакай койинди. – Ҳа бола-я! Катта йўлдан юрмасдан...

Лойда сирғанганча мен ҳам чопиб кетдим.

Оқсоқол тўғри айтади, Олимжон болалик қилган. Катта кўчадан айланиб юрмаслик учун, аравани эски йўлдан солган. Тўғри, бу йўл яқин: омор рўпарасидан чиқади. Аммо лойда арава ботиб қолган бўлса...

Туманлик орасида Олимжоннинг йиғламсираган овози яна янгради:

– Чу! Чу!

Яқин боришимиз билан юрагим орқага тортиб кетди: лавлаги тўла арава темирйўлга кўндаланг туриб қолган, Олимжон нуқул ҳўкизларни хипчин билан савалар эди. Хаёлимга келган ўйдан ўзим сесканиб кетдим: «Поезд келиб қолса-чи!»

Оқсоқол югуриб бориб ҳўкизнинг тасмасини чангаллади.

– Катта йўл қуриб қолганмиди, бадбахт!

Олимжон анчадан бери ҳўкизларни тортқилай-вериб чарчаган, қўрқиб кетган бўлса керак, йиғлаб юборди:

– Ман билмадим... Пешиндаям шу ердан...

– Э, шу ердан ўтмай... – Оқсоқол бобомга ҳайқирди. – Орқага ўт, Дума. Ҳамманг орқага ўт... – У тасма жиловини куч билан тортди. – Чу жонивор!

Бобом, Олимжон, мен – учовлашиб, арава орқасидан итара бошладик. Арава қилт этмас, олдинги иккита филдирак темир йўлнинг нариги изига, орқа филдираклар бериги изига тақалиб, михланиб

қолган, хўкизлар ҳарчанд чирангани билан арава жойидан жилмас эди.

– Юр-е, ҳаром ўлгур! – Оқсоқол ғазаб билан хўкизлардан бирининг қорнига тепди. Хўкизлар яна бир талпинган эди, арава тагида алланима қарсиллади.

– Ўқ синдим, нима бало! – Оқсоқолнинг ҳа-яжонли хитобидан қўрқиб кетдим. Оқсоқол лип этиб, арава тагига шўнғиди. Кўп ўтмай эмаклаб чиқиб, орқага ўтди. – Ҳаммаси жойида! – деди жонланиб. – Қани, кўтардик! Куч борми ўзи!

Тўртовлашиб арава орқасидан кўтара бошладик.

– Чу, ҳаром ўлгур! – деди Оқсоқол чираниб.

Орқа гилдирақлар из устига чиқдию сирганиб яна қайтиб тушди.

– Торт! – Оқсоқол қоронғида кўзини ола-қула қилиб менга ўшқирди. – Хўкизни торт дейман!

Югуриб олдинга ўтдим. Қарасам, хўкизлардан биттаси бемалол чўккалаб, шағал устида ётибди. Ҳамма ёқни туманли зулмат қоплаган бўлса ҳам хўкизнинг оғзидан тили чиқиб кетганини, лабидан сўлак оқаётганини кўрдим. Чинқириб юбордим:

– Бобожон! Хўкиз ўляпти!

Оқсоқол бўралаб сўкинганча чопиб келди.

– Менга деса ҳаром ўлмайдими! Поезд кепқолади ҳозир!

– Посирани кес! – арава орқасидан бобом бақирди. – Кес дейман!

Оқсоқол этигининг қўнжига қўл суқиб, пичоғини суғуриб олди. Бўйинчага боғланган тасмаларни ширтиллатиб кесиб ташлади. Шериғи чўккалаб қолганида бўйни бир томонга қийшайиб кетган ола хўкиз лапанглаб нари кетди. Оқсоқол иккинчи хўкизнинг шохидан ушлаб торта бошлади.

– Тур, ҳаром ўлгур! Тур!

– Поезд! – Орқадан Олимжоннинг ҳаяжонли ҳайқириғи эшитилди. – Поезд келяпти!

Бурилиб қарадим Алвасти кўприк томонда ловуллаб яқинлашаётган учта чироқни кўриб қўрқиб кетдим.

– Дума! – Оқсоқол харсиллаб ҳўкизни яна тепди. – Дума! Поездда аскар болалар бор. Биламан! Ярадорлар бор.

Эсанкираб қолган бобом арава орқасида туриб ингичка овозда чинқирди:

– Нима қилай?

– Бу ёққа кел, аҳмоқ! Чоп!

Жонҳолатда ҳўкизнинг қулоғига ёпишдим. Ростдан ҳам поезд фронтдан ярадор йигитларни олиб келаётган бўлсачи! Вагонда Кимсан акам ҳам бўлса-чи!

Оқсоқолга қўшилиб бақирдим:

– Чу, ҳаром ўлгур, чу!

Орқа томонда Олимжон йиғламсираб чинқирди:

– Тезроқ! Дума бува, тезроқ боринг!

Бобом етиб келганида чўккалаб ётган ҳўкиз туриб кетган эди.

– Олимжоннинг ёнига ўт, Роби!

Югуриб арава орқасига ўтдим.

– Мен нима қилай, опа? – деди Олимжон титраб.

Нариги томондан Оқсоқолнинг асабий бақиргани қулоғимга кирди.

– Шотини кўтар, Дума! Шотини.

Туманлик қўйнида ёриб чиққан нур самовар дудбуронидан отилаётган оловдек ловуллаб, тезлик билан бостириб келарди. Бобом билан Оқсоқол аравани лайлак қилиб кўтаришди шекилли, устимизга лавлагилар ёғила бошлади. Яқин келиб қолган паровоз сурон солиб гудоқ чалди. Чироқ ёруғи-

да лайлак бўлиб бошимдан босиб тушаётган аравани кўрдиму даҳшат ичида чинқириб юбордим:

– Олимжон, қоч!

Кўзимни очсам, қоп-қора зулмат ичида ётибман. Атроф жимжит. Олида – разъезд томонда узоқлаб бораётган поезд филдиракларининг бўғиқ гулдираши эшитиларди. Пастда Алвасти кўприк шовуллаиди. Ўрнимдан турмоқчи эдим, биқинимга санчиқ туриб, чўккалаб қолдим. Тиззам тошга урилган шекилли, қаттиқ оғриб, кўнглим беҳузур бўлди. Уч-тўрт қадам нарида ёнбошлаб ётган аравани энди кўрдим. Араванинг филдираклари ҳамон секин-секин айланиб турар, нолали гийқиллар эди.

Тепамда ҳансираган нафас эшитилди.

– Опажон! – Олимжон қўлимдан тортди.

Оғриқни унутиб, сапчиб турдим. Оёқ остида сочилиб ётган лавлагиларга қоқилиб, сурилиб, темир йўл устига чиқдик. Юз қадамча нарида омбор чироқлари хира милтираб турар, бериоқда туманлик орасида соядек иккита ҳўкиз кўринар эди.

– Бобожон! – Оқсоқланганча энтикиб, ўша томонга югурдим. – Бобожон, қаёқдасилар?

Чопиб борарканман, ёнбош томонда Олимжоннинг бақиргани қулоғимга кирди.

– Опа! Бу ёққа келинг, опа! – деди йиғламсираб. – Туринг, Оқсоқол бува!

Ётиб борганимда Оқсоқол бошини чангаллаганча чўккалаб ўтирар, ҳансираб нафас оларди.

– Мени қўй... – деди энтикиб. – Думага қара... – У каловланиб ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, яна чўккалаб қолди. – Борсанг-чи, – деди инграб.

Эс-ҳушимни йўқотиб, тагин чопиб кетдим.

Пастда, чап томонда ожиз инграш эшитилди. Лойга ботиб, аллақандай дарахт тагига тушиб бордим. Бобом кўлмакда чалқанча ётар, инграр эди.

– Бобожон! – Кўксимдан йиғи аралаш нидо отилиб чиқди. – Туринг...

Аввал Олимжон, кейин гандираклагудек бўлиб, Оқсоқол етиб келди. Кўлмакка ўтирганча бобомнинг бошини тиззасига олди.

– Кўзингни оч, ўртоқ! – деди бобомнинг юзини силаб. – Мана... Бўлди... ҳозир... Ҳаммаси яхши бўлади. Бобом энтикди.

– Мен... ўламан...

– Унақа дема, ўртоқ! – Оқсоқол овози титраб, ялинди. Нос чекасанми? Мана ҳозир... – У бир қўллаб бобомнинг пешонасини силаганча, иккинчи қўли титраб шимининг чўнтагини титкилай бошлади.

– Кимсанимни кўролмадим... – Бобом гапирмоқчи эди, оғзидан қон оқиб, хириллаб қолди.

– Жон ўртоқ... Унақа қилма... – Оқсоқол эгилиб, бобомнинг юзига юзини қўйди. – Ўзинг айтгансан-ку, бирга келганмиз, бирга кетамиз.

Билмадим, туман тарқалдим, ой чиқдим, бобомнинг юзи ёришгандек бўлди. Сесканиб кетдим. Ҳали қоронғида кўрмаган эканман. Бобом бошланг, юзини таниб бўлмас, кийимлари пора-пора бўлиб кетган, ҳамма ёғи лой аралаш қонга беланган эди.

– Чопсанг-чи! – Оқсоқол титраб-қақшаб Олимжонга буюрди. – Югур, отангни чақир!

Олимжон сапчиб туриб, темир йўл томонга чопиб кетди.

– Ўғлимни кўролмадим... – деди бобом шивирлаб. – Келса... Ўзинг... Кимсан... – У ёғини айтолмади. Тўсатдан кўкраги босқондек қаттиқ-қаттиқ кўтарилиб туша бошлади. Оғзидан қон отилиб, Оқсоқолнинг юзига сачради.

– Бобожо-о-он! – Чинқирим туманликни тилка-пора қилиб юборганини, хира чироқ ёниб тур-

ган омбор томондан шу ёққа одамлар югуриб кела-
ётганини элас-элас ҳис этдиму ҳушимдан кетдим.

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

ТЎРТИНЧИ СИНФ ЎҚУВЧИСИ МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

Ғалати хотин

Укам билан гаплашиб ётибмиз. Иккаламиз бир кўрпанинг тагига кириб олганмиз: уй совуқ. Деразадан ой тушиб турибди. Девордаги Ҳусан бувамнинг сурати бизга қараб, қовоғини соляпти. Кичкина салла ўраган чўққисоқол бувам менга қараб: «Нега укангни урдинг, нега ойингни хафа қилдинг», деётганга ўхшайди. Бу – ўша «Қора аммам»никидаги суратнинг ўзи. Яқинда ойим атайлабдан Тошкентга тушиб катталаштириб келган. Биламан, ойимда Кимсан амакимнинг ҳам сурати бор. Аммо уни деворга осмайди. Кашта тикилган қийиқча орасига, қутига яшириб қўяди. Ҳеч ким йўғида қараб-қараб томоша қилади-да, кейин қийиқчага ўраб, яна қутига беркитади.

– Ака! Ҳусан бувам поездни тўхтатганини айтиб беринг.

Омоннинг одати шу. Бир гапни эшитдими, қайта-қайта сўрайверади. Авваллари Сичқонбой билан Қўнғизвойни айтиб чарчардим. Энди бу чўпчакка ёпишиб олган. Ойим бувамнинг суратини катталаштириб келган куни бувам билан Оқсоқол поездни қандоқ қутқаришганини айтиб бергандим. «Қора аммам»дан қандоқ эшитган бўлсам, худди ўшандоқ қилиб. Ҳар куни шуни сўрайди. Мана, тагин бошлади.

– Поездни тўхтатганмас, қутқариб қолишган!
– дедим тушунтириб. – Шунақа қилишмаса бўл-
масди. Поездда ўзимизнинг аскарлар бўлган. Бил-
дингми?

– Қанақа қилиб?

– Нима «қанақа қилиб?»

– Қанақа қилиб қутқариб қолишган?

– Айтдим-ку, сенга! Қўприк тагидан алвасти
чиққан. Ҳусан бувам билан Оқсоқол бува зўр
полвон бўлишган, билдингми?! Икковлари бир бў-
либ, алвастини Бўрижарга отиб юборишган. Ке-
йин ўзларини поезд уриб кетган, тушундингми!
Оқсоқол бува берироқда тургани учун лат егану
тирик қолган. Ҳусан бувам ўлган.

Омон шу билан тинчиса экан. Сўрайверади.

– Ака, алвасти қанақа бўлади?

– Алвастими? Сочи узун, мўйлови қалин бўлади...

– Дадамникига ўхшаганми?

– Йўқ, алвастининг мўйлови тиззасига тушиб
туради.

– Поезд алвастидан қўрқадими, ака?

Нима дейишимни билмай қолдим. Рост-да. Шу-
нақанги катта поезд алвастидан қўрқадими? Босиб
кетса-ку бўлди эди. Ҳусан бувам тирик қоларди.

Асли, бу гапларни Олимжон акамдан яхшилаб
сўраб олсам бўларкан. Ҳозир Олимжон акам йўқ.
Ўқишни битириб, Фарғонага ишга кетган. Оқсоқол
бува билан Ҳусан бувам поездни сақлаб қолишга-
нини ойим ҳам кўрган экан. Аммо ўша гапларни
эслагиси келмайди. Мен аммамдан эшитганимни
айтаман. Омон бўлса суриштираверади.

– Бўлди! – дедим жеркиб. – Ухла...

Укамга гапиряпману икки қулоғим нариги уйда.
Биламан, ҳозир дадам келади. Ойим бугун бўлган
воқеани чақиб беради. Бугун ойим ёмон йиғлади.

Уни мен хафа қилдим. Омонни йиқитмасам бўларкан. Йўқ, гап бундаяммас. Қоровул амакининг ёнғоғини ўғирлаб чатоқ қилдик. Ҳаммасини Абдували бошлади-да.

Катта танаффусда болалар билан қувлашмачоқ ўйнаб роса терладим. Чанқаб кетдим. Ўрикзор этагида ариқ оқади. Кузда ариқ шунақанги тиниқ бўладики, қирғоққа ётиб олиб, сув ичаётганингизда ариқ тагида соч толасидай силкиниб ётган сув ўтларини, иланг-биланг қилиб юрган ипдай ингичка «чувалчанг болалари»ни аниқ кўрасиз. Сув шунақанги ширин, шунақанги муздайки, ичсангиз тишингиз қамашиб кетади. Зах қирғоққа ётиб олиб, энди оғзимни сувга босган эдим, биров елкамга туртди. Сулаймон ака бўлса керак деб кўрқиб кетдим. Сулаймон ака директоримиз. Ариқдан сув ичаётган болаларни кўрса жаҳли чиқиб кетади.

Кўрқа-писа бошимни кўтарсам, тепамда Абдували илжайиб турибди.

– Ёнғоқ! – деди сирли шивирлаб.

Ҳеч балога тушунмадим. Шоша-пиша сув шириб, ўрнимдан турдим.

– Қанақа ёнғоқ?

– Конини топдим. – Абдували атрофга аланг-жанг қараб олди.

Ўрикзор этагидан «туку-туку» деган кўнғироқ товуши эшитилди. Абдували кўлимдан судраётган эди, оёғим тортмай туриб қолдим.

– Э, дарсга чалди.

– Немис тили-ку, уришмайди! – Абдували кўлимдан ушлади.

Немис тили ўқитувчимиз Анна Ивановна деган кампир. Дарсда нуқул Ленинградда очарчилик бўлганини, шаҳар озод қилинганидан кейин Тош-

кентга келишганини, Оқсоқол бува бир эмас, етти оилага уй топиб берганини айтади. Бизларни ҳеч уришмайди.

– Юрсанг-чи, конини топдим, деяпман-ку!

Абдували қўлимдан судраб сап-сариқ хазон гиламдек тўкилиб ётган ўрикзор ичкарисига бошлаб кетди. Анча юрдик. Тоғдек дўмбайиб ётган тепалик этагига етганимизда Абдували қўлимни қўйиб юборди-да, имо қилди.

– Ана! Зўрми?

Қарасам, тепалик панасида бир туп каттакон ёнғоқ бор экан. Танасида қоп-қора қурбақа салла-лар бўртиб чиққан ёнғоқ. Бу йил ўзимизнинг ёнғоқ унча кўпа мева солмади. Бу дарахтнинг шохларида ғуж-ғуж ёнғоқлар, паққа бўлиб, пўстидан ажралиб турибди. Битта кесак тегса дув тўкилади. Энгашиб қўлимга кесак олаётган эдим. Абдувалининг жаҳли чиқиб кетди.

– Жиннимисан? Сулаймон ака эшитиб қолади-ку! Устига чиқиб силкитаман!

У ерга ўтириб олиб, эски ботинкасини чаққонлик билан ечди. Маймундек тармашиб, дарахтнинг шохига миниб олди.

– Ҳой, – деди овозини пасайтириб. – Тезроқ тергин, хўпми. Қоровул амаки кепқолса хуштак чаласан!

Юрагимга ваҳима тушди. Бундан чиқди, ёнғоқ қоровул амакиники экан-да! Билиб қолса ўлдиради-ку!

Ҳушимни йиғиб олмасимдан Абдували миниб ўтирган шохга тик туриб олди-да, юқоридаги шохни икки қўллаб чангаллаганча оёқ-қўлини баравар силкита бошлади. Бошим, елкаларим устига ёнғоқ дувиллаб тўкилди. Шошиб қолдим. Бақироқ қоровул амакини ҳам, немис тили дарсини ҳам унутиб, ёнғоқ теришга тушиб кетдим. Шимим-

нинг икки чўнтаги бирпасда тўлиб чиқди. «Қора аммам» бу йил тўрттинчи синфга боришимга атаб, Фотима холага айтиб, чийдухоба камзул тиктириб берган эди. Камзулнинг чуқур-чуқур чўнтаклари ҳам ёнғоққа тўлди.

– Бўлди! – дедим Абдувалига имо қилиб. – Туш!

Абдували қулоқ солмади. Тепароқдаги шохга чиқиб яна силкитди. Тагин анча-мунча ёнғоқ тўкилди. Бошимдан дўппимни юлқиб олиб, унга ҳам солаётган эдим, шундоқ тепамда аёл кишининг овози эшитилди:

– Ҳой!

Бир қўлимда дўппи, бир қўлимда тўртта ёнғоқ билан чўккаланган жойимда қотиб қолдим. Бўлди! Қўлга тушдик! Ҳуштак чалиш ҳам эсимга келмай, овозим борича бақириб юбордим:

– Абдували! Атас!

– Қўрқма... – Бояги овоз яна эшитилди. Елкам оша орқага қарадиму тап этиб ўтириб қолдим. Маъсуда опа! Тура қочишни мўлжаллаб, яна бир қараган эдим, Маъсуда опа эмаслигини бидим. Бултур кузда ўқитувчи опамиз ҳам худди шунақа зангори макентош плаш кийиб юрарди. Йўқ, қарасам, бошқа: шоҳи рўмол ўраган, қўлида сумка. Ойим дўконга чиққанида кўтариб юрадиган сумкага ўхшаганмас, кичкина, чиройли.

Бўлди! Бундан чиқди қоровул амакининг келиними, қизими... Ишқилиб қўлга тушдик-да!

Дўппимни чангаллаб каловланиб ўрнимдан турдим.

– Қоч! – дедим Абдувалига қараб.

Абдували ҳамон шохга осилиб турарди. Икки кўзи ҳалиги хотинда, ранги ўчиб кетган.

– Қочсанг-чи! – Дўппимни ёнғоқ аралаш қорнимга босганча ўрикзор ичига ўзимни урдим. Аммо атайлаб секинроқ чопдим. Билиб турибман, қоровул амакининг келини (қизими, келиними,

бари бирмасми) мени қувлайди. Унгача Абдували дарахтдан тушиб олади.

Йигирма қадамча лўкиллаб борган эдим. Бояги хотин яна чақирди.

– Қўрқма, ёнғоқ айлансин, сендан!

Иккиланиброқ тўхтаб қолдим.

– Шошма! – У қочиб кетишимдан қўрқди шекилли, турган жойида икки қўлини мен томонга чўзди. Ўнг билагига илиб олган чиройли сумкаси лопиллаб кетди. – Кетма...

Кўз қирим билан қарасам, Абдували шохдан-шоҳга осилиб, пастга тушяпти. Кўнглим анча тинчиди.

– Сен Музаффарсан-а? – Бояги хотин мен томонга бир қадам босган эди, мен ҳам Абдувалидан кўз узмай, бир қадам чекидим. Тутқазиб бўпман! Абдували омон-эсон ерга тушиб олсин, кейин ўзим биламан! Қоровул амакининг келини балки ростдан ҳам урмас. Аммо бу гап дадамнинг қулоғига етса соғ қўймайди. Бир марта Комил буванинг уйи ёнидаги ёнғоқзорда болалар билан қўй боқиб юрганнимда битта темир қозиқ топиб олиб балога қолгандим. Қозиқни уйга олиб келганимда дадам кўриб қолиб, роса таъзиримни берган, ярим кечада қозиқни қаердан топган бўлсанг, худди ўша жойга ташлаб келасан деб мажбур қилган. Бир ўзим боришга қўрқиб, Абдувалига роса ялинганман...

– Бизлар билмадик, хола! – дедим, шохдан-шоҳга осилиб тушаётган Абдувалидан кўз узмай. – Мактабники деб ўйлабмиз.

Хотин қочиб кетишимдан хавотирланиб тўхтаб қолди.

– Сен Музаффарсан-а? – деди товуши титраб. – Ўртоқларинг айтишди. Дарсга кирмабсан.

Индамадим. Кўз қирим билан қарасам, Абдували ерга етай деб қолибди.

– Ҳа! – дедим Абдувалидан кўз узмай. – Нимаиди?

– Ўғлим! – Хотин инграб юборди, қўлидан сумкаси тушиб кетди. Қучоқ очганча мен томонга отилди. Қараб турибман: Абдували ерга уч қулочча қолганда, тап этиб сакрадию тепалик орқасига уриб кетди. Бўлди! Қутулдик! Мен ҳам жоним борича чопиб ўрикзор оралаб кетдим. Анча нарига бориб қолганимда орқа томондан қулоғимни тешиб юборгудек нола эшитилди:

– Музаффар! Кетма-а!

Нимага унақа бўлганини ўзим билмайман. Лекин оёғим чалишиб тўхтаб қолдим. Бурилиб қарасам, бояги хотин қалин ҳазон тўкилган ўрик тагида мук тушиб ўтирибди. Илтижо билан бошини кўтарди-да, яна нола қилди:

– Кетма. Шошма...

Ўнғоқ тўла дўппини қорнимга босганча туриб қолдим.

– Музаффар! – Бояги хотин чўккалаб ўрнидан тураркан, яна қўлларини олдинга чўзди. – Тўхта! – Рўмоли сирғалиб елкасига тушди. Негадир кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Ҳаворанг плашининг этаклари ҳазон чангига беланганча каловланиб шу ёққа юрди. Елкасига тушган рўмолини юлқиб олди. Рўмолининг бир учи ерга тегиб тупроққа қоришганига ҳам парво қилмади.

– Кетма! – деди титраб. – Қўрқма...

Қоққан қозикдек туриб қолдим. Олдига боришга қўрқар, аммо қочгим ҳам келмасди. Нимага йиғлади бу хотин?

У маст одамдек гандираклаб секин-секин ёнимга кела бошлади.

Индамай туравердим. Яқин келганда у бирдан тиззалаб қолди.

– Болам! – дедию ўкраб юборди. Маҳкам бағрига босиб юз-кўзимдан ўпа бошлади. Кўз ёшидан ҳўл

бўлиб кетган юзидан аллақандай бегона ҳид келар эди. Ойим ҳеч қачон атир сепмагани учунми бошим айланиб кетди. Қизиқ, нимага ўпади мени? Ким бу хотин!

– Бор экансан-ку, ўғлим! – У ёш тўла кўзлари билан кўзимга узоқ термилиб қолди. Лаблари титраб кетди. Шунда иягида холи борлигини пайқадим. – Тирик экансанку! Мен сени... – У тагин қучоқлади. Қулоғим тагида алланима жиринглаб кетди. Қўлидаги билағузуклар бир-бирига урилиб жиринглаётганини пайқадим. Бир маҳал қорнимга алланима қаттиқ ботаётганини сездим. Кейин билсам, ёнғоқ тўла дўппини ҳалиям қорнимга босиб турган эканман. У бағрига босган сайин ёнғоқлар ботиб қорнимни оғритарди.

– Қўйворинг! – дедим ўзимни орқага ташлаб.

Қанча юлқинсам, у шунча қаттиқ қучоқларди.

– Қўйворинг! – Дамим қайтиб типирчиладим. Жинними бу? Нимага менга ёпишиб олди?!

– Биласанми, мен кимман? – деди у инграгудек бўлиб. Кейин оғир-оғир бош чайқади. – Билмайсан, болам, билмайсан.

Қўнғироқ жаранглади. Танаффус бўлди. Кейинги дарс – зоология! Сулаймон ака ўлдиради.

– Қўйворинг! – Оёқ-қўлимни баравар силкитиб, юлқиндим. Дўппим қўлимдан тушиб, ёнғоқлар ҳар томонга думалаб кетди. У қўйиб юбориш ўрнига баттар қучоқлаб олди.

– Музаффар! – деди энтикиб. Негадир ёш тўла кўзлари билан жилмайди. – Кетасанми? Қўқонга кетасанми?

Ие, нима деяпти бу? Қаёқдан келди ўзи?

– Қочи-и-инг! – дедим типирчилаб.

– Қўқонда-чи, синглинг бор: Насиба... Сени жудаям яхши кўради. Кетамизми-а, Музаффар?

Қўрқиб кетдим. Бола ўғирлайдиган лўли бўлмасин тагин. Атрофга аланглаб бақирдим:

– Абдували-и!

Ҳеч ким кўринмасди. Ҳозир кичкина танаффус.
Болалар бу ёққа келмайди.

– Қўйвор! – дедим йиғлаб.

Хотиннинг раҳми келдими, чўчидими, ҳайтовур
қучоғидан бўшатди. Аммо қочиб кетишимга йўл
бермади. Тиз чўкиб оёғимга ёпишган эди, орқамга
ўтириб қолдим.

– Музаффар! – деди титраб. – Ўғлим!..

Бир оёғимни амалаб бўшатиб, елкасига тепдим.

– Қўйвор! Ойи-и-и!

У негадир сесканиб кетди. Қўллари шалвираб
оёғимни бўшатди.

– Ёлғон! – Бўғзидан йиғи отилиб чиқди. – У се-
нинг ойингмас! Ўғай! Билдингми, ўғай! Ишонма-
санг, қўшнилардан сўра!

Энди ўрнимдан турганимда қўлимни ушлади.
Аммо боягидек қийнаб қучоқламади. Атир ҳиди
келиб турган шойи рўмоли билан юзимни артди.

– Йиғлама, – деди секин. – Йиғлама, Музаффар.
– Шундай дедию ўзи йиғлаб юборди. – Кечир мени,
ўғлим, гуноҳкор онангни кечир. – У додлаб юбор-
маслик учун мушти билан оғзини тўсди. – Алда-
шибди... Сениям алдашибди, мениям... – Бир зум
жимиб қолдида, ёш тўла кўзлари билан кўзимга
термилди. – Биласанми, мен кимман? – деди лабла-
ри титраб. – Мен сенинг онангман, тушундингми!
Эслаб қол, ўғлим! Қўқонда тураман.

Юрагимни яна қўрқув босди. Сапчиб ўрним-
дан турдим. Қўлимни силтаб тортдим. Чинқириб
юбордим.

Бу сафар у ёпишмади.

– Ўғлим... – деди титраб. – Мен сени... – Яна кў-
зидан ёш тирқираб кетди. – Мен келаман, – деди
йиғлаб. – Ҳар куни келаман.

Яна қўнғироқ жаранглади.

– Шошма, битта ўпай! – деди у чўккалаб ўтирганича ялиниб. Орқамга қарамай югурдим. Синф томонга чопиб борарканман, хотиннинг ўкиниб йиғлаётганини эшитиб турардим. Камзулимнинг чўнтаги оғирлашиб кетганини энди билдим. Чўнтагимда ёнғоқлар шиқир-шиқир қилар, чопишимга халақит берарди. Йўл-йўлакай ёнғоқларни қисимлаб олиб, улоқтириб юбордим.

* * *

Сулаймон аканинг дарси қулоғимга кирмади. Ерда чўккалаб ўтирганча «мен сенинг онангман», деб йиғлаган хотин хаёлимдан кетмас, «алдашибди... ўгай...» деган ҳайқириқ қулоғимда қайта-қайта жаранглар эди. Бу ҳам етмагандек ёнимда ўтирган Абдували нуқул тиззаси билан сонимга туртади. «Ўнғоқни чўз», деб им қоқади. Башарасига мушт туширгим келдию Сулаймон акадан қўрқдим. Шунда ҳов бир марта Абдувалининг бурнини қонатган куним Мавлуда опаси кўзини ола-кула қилиб айтган гап тўсатдан эсимга тушди. «Укамни нега уради» десам, «шу укамми, ўгай-ку», дегани... Бояги хотин ҳам шуни гапирди. «Ишонманг, қўшнилардан сўра», деди. Нимага, нима учун унақа дейди?

Танаффусга чиқишим билан жилдимни осилтириб, уйга жўнадим.

...Агар эшикдан киришим билан ойим жаҳлимни чиқармаса шунақа бўлмасди. Нимага ҳадеб уришадди? Жилдимни елкамга осаманми, қўлимда кўтараманми, нима иши бор? Ойим челақ тўла қовоқ пўчоқ кўтариб, молхонга кириб кетаётган экан.

– Одамларнинг говмиш сигаги бор, сен бола иккита қўйиниям эплолмайсан, – деди ўзидан ўзи

таъна қилиб. – Мактабингдан кейин шу ҳаром ўл-гурларни ўтлатиб келсанг, ҳақинг кетмайди-ку! Бари бир кечгача шаталоқ отиб ўйнайсан! Эрта-лабдан бери маъраб жонимдан тўйдирди. Ўзимнинг тан-жоним соғ бўлсаям майлийти.

Ойим авваллариям уришиб турардию у қулоғимдан кириб, бунисидан чиқиб кетарди. Негадир бу галгиси алам қилди. Ўшшайиб турган эдим, баттар жаҳди чиқиб кетди.

– Жилд жонворни елка кўтармайдими, ерга судраш шартми, болам?!

Тасмани бир силтаб жилдни бўйнимга осиб олдим.

– Бўлдими? – дедим алам қилганидан чийиллаб.
– Қутулдимми энди?!

– Тағин бурнидан ортиқ гапириб бўлмайти бунга. Дўппинг қани? Аҳволингни қара!

Бошимни ушлаб кўрсам, ростдан ҳам дўппим йўқ! Бояги хотин қучоқлаганида ёнғоқ тўла дўппим ерга тушгани энди эсимга келди. Ўша заҳоти унинг йиғлаб туриб айтган гапи қулоғим остида жаранглади. «Алдашибди, сениям, мениям... У сенинг ойингмас, ўгай...»

– Билмадим, – дедим тўнғиллаб. – Йўқотиб қўйдим. Ойим кўзимга қараб турди-да, хўрсинди.

– Кап-катта бола... Шу кетишинг бўлса, яқинда ўзингниям йўқотиб қўясан. Бўпти, бор! Қовоқ сомса ёпдим, еб ол.

Шундай дедию бир қўли билан биқинини чангаллаганча, бир қўлида қовоқ пўчоғи солинган челақни кўтариб, молхонага кириб кетди.

Энди айвон томон юрган эдим, олма шохида илинган арғимчоқда оёғини осилтириб ўтирган Омон чақириб қолди:

– Учиринг, ака! Битта учиринг!

Энди сен қолувдинг!

Арғимчоқни ўзим ясаганман. Икки қулоч арқонни шохга илиб, пастига эски кўрпача ўраган эдим, тап-тайёр арғимчоқ бўлган. Омон иккаламиз галма-галдан учамиз. Мен ўтираман, Омон силкитади. Омон ўтиради, мен силкитаман... Бу гал унинг эркалиги ёқмади. Қиз боладек тантиқлик қилишини қаранг!

Индамай айвонга чиқиб кетаётсам Омон арғимчоқдан тушиб келиб, йўлимни тўсди.

– Учирасиз! – деди жилдимнинг бандидан чангаллаб. – Учирасиз! Ҳа! Йигирмата санаб учирасиз!

Жилдимнинг латта бандидан ушлаганча арғимчоқ томонга судради. Бўйним қийилиб кетди. Худди бўйнига арқон солинган қўйдек эргашганим ўзимга алам қилди.

– Қўйвор! – дедим жилдни бўйнимдан олиб. Омон аллақачон арғимчоқ кўрпачасига ўтириб олган эди. Икки қўллаб жилд бандини чангаллади.

– Учирасиз, ҳа! Учирасиз, – деди арғимчоққа осилиб турган оёғини типирлатиб.

– Қўйвор! – Жилдни икки қўллаб ўзим томонга тортдим.

– Олдин учиринг-де! – Омон эркаланиб, бошини чайқади.

Мунча тантиқ бу? Нима, малайманми? Жаҳлим чиқиб кетди.

– Йигирмата санаб учирасиз! – Омон тантиқланиб жилд бандидан тортқилади. – Учирасиз!

– Бу ёққа бер! – Жилдни алам билан силтадим.

– Бермайман, алам қилсин! Аввал йигирма марта учиринг, кейин...

– Мана алам қилиш, мана! – Жилдни кучим борича силтаган эдим, арғимчоқ Омон билан қўшилиб баланд кўтарилди. Омоннинг оёғи кўкрагимга урилди. Жилд банди қўлидан чиқдию чалқанчасига йиқилиб, боши билан заранг ерга

урилди. Жилдимни кўксимга босганча, ан-райиб қолдим. Омон додлаб ойимни чақиради деб кўрқиб кетдим. Қизиқ, у йиғламади, фақат оёқлари типир-типир қилиб, оғзидан кўпик чиқа бошлади. Молхона томондан челақнинг даранг-лагани эшитилди. Ойим бўшаган пақирни ерга улоқтириб шу томонга югурди. Заранг ерда чил-парчин бўлиб ётган Омоннинг оғзига бармоғини тикди. Бирпасдан кейин укамнинг лабидан қон сизиб чиқди. Ожиз ингради. Кейин энтикиб-эн-тикиб йиглаб юборди.

Ойим уни ердан кўтарганча тепамга келди. Кў-лини тарсаки қилиб бошим устида кўтарди. Қочма-дим. Серрайиб туравердим. Қизиқ, ойим урмади.

– Укангни ўлдирмоқчимисан, ярамас! – деди овози титраб. – Мана, ўлдириб қўя қол! – У лаби-дан қон сизиб чириллаб йиғлаётган Омонни бағри-га босганча титраб, ҳайқирди. – Уялмайсанми, ўз укангни шу аҳволга солишга, эшшак!

– У мени укаммас, ўгай. Сизам ўгайсиз! – Ер те-пиниб йиглаб юбордим. Қўлимдаги жилдни ерга улоқтирдим. Китоб-дафтарларим сочилиб кетди. – Ҳаммаларинг мени ёмон кўрасизлар! – Нима деёт-ганимга ўзим ҳам тушунмай бақирдим. – Ҳамма-ларинг ўгайсизлар.

Ойим ҳайратдан кўзларини катта-катта очиб бир зум тикилиб қолди. Ранги ўчган кўйи лабла-ри титраб, юзимга қараб турди-турди-да, Омонни кўтариб уйга кириб кетди.

Нима қилишимни билмай туравердим. Ҳам йиғлагим келар, ҳам Омон ўлиб қолмадимикан, деган ваҳима кўнглимга даҳшат соларди. Анчадан кейин уй ичидан Омоннинг йиғи аралаш «акам ёмон, акам урди», дегани эшитилди.

– Ўл! – деди ойим бақириб. Тарсаки туширди шекилли, Омон баттар чирқиллади. – Аканг мак-

табидан чарчаб келди-ку! Ўласанми, бирпас сабр қилсанг, жувонмарг!

Кўчага чиқиб кетдим. Биламан, бугун дадамдан калтак ейман... Уриб кўрсин-чи! «Қора аммам»ни-кига қочиб кетаман.

Уйга қоронғи тушганда келдим. Дадам ишдан келмаганини дарров билдим. Айвондаги кавшандозда этиги йўқ. Омон эшик олдида кутиб турган экан.

– Юринг, ака, – деди қўлимдан тутиб. – Ойим йиғлавошти!

Ойим сопол лаганда мошкичири олиб келди. Қорним роса оч эди. Омон иккаламиз маза қилиб едик. Аммо ойим бир-икки қошиқ олдию чой дамлашни баҳона қилиб туриб кетди. Секин қарасам, йиғлайвериб юзи шишиб кетибди.

– Ухла, иккаланг ҳам! – деди қовоғини солиб.

Омон иккаламиз бир кўрпа тагида ётибмиз, уй салқин, деразадан ой қараб турибди. Ҳусан бувамининг сурати «укангни нега йиғлатдинг, ойингни нега хафа қилдинг», деб хўмрайиб турибди. Омон аллақачон ухлаб қолган. Мен бўлсам, нариги уйга қулоқ солиб ётибман. Ўртадаги қия очиқ эшикдан нур тушиб турибди. Биламан, ойим дадамни кутяпти. Ҳозир дадам келади. Ойим бугунги гапни айтиб беради.

Ана, ҳовли томондан дадамнинг йўталгани эшитилди. Ойим айвондан ўтиб ҳовлига тушганини пайқадим. Дадам ҳовлидаги ариқда кетмон чайди шекилли, сув шапиллади. Кейин айвонда гурс-гурс қадам товуши эшитилди. Қошиқ шиқиллади. Дадамнинг ора-чора «олсангчи ўзинг ҳам» деганини эшитиб ётдим. Негадир ойимдан садо чиқмасди. Ниҳоят дадам хўриллатиб чой ичди. Кетидан папирос тутатди шекилли, биз ётган уйга ҳам тамаки ҳиди кирди. Бир маҳал дадамнинг хотиржам овози эшитилди:

– Идорада майлис бўлди, онаси...

Ойимдан садо чиқмади.

– Оқсоқол айтдилар, кексайиб қолдим, раисликни бошқага топширинглар десалар, одамлар тўполон қилиб юборди. Ўртоқ Абдурахмонов юборган вакил ҳам Оқсоқолга ялинди: «Колхозингиз йилдан-йилга ўсиб боряпти, халқпарвар одамсиз-ку, Оқсоқол, унақа қилманг», деди. – Дадам папиросини қаттиқроқ сўрди шекилли, биз ётган уйга янаям қуюқроқ тутун кирди. – Зўрға кўндирдик, – деди тагин ўша оҳангда. – Бари бир шу йилча ишлаб бераману янаги йилга бошқасини топинглар деяптилар, Оқсоқол... Ҳайронман, бунчалик ишнинг кўзини биладиган раисни қаёқдан топамиз...

Ойим яна жавоб бермади. Жимлик чўқди. Охири дадамнинг ҳам ҳадикли, ҳам тажанг овози келди:

– Нима бўлди, тинчликми?

Зум ўтмай ойимнинг йиғлагани қулоғимга кирди.

Аввалига нафаси қайтгандек ҳиқиллаб турди-ю, охири овозини баралла қўйиб юборди.

Тамом! Ҳозир дадам кириб мени савалайди. Ухлаб қолган Омоннинг қўлини бўйнимдан олиб ташлаб чўккалаб олдим. Дадам кириши билан деразадан ташлаб қочаман. Боя ҳалқасини чиқариб қўйганман.

– Нима гап? – Дадам аввалига жаҳл билан ҳайқирди, кейин юпатиброқ сўради. – Ўзингни бос, Роби, нима бўлди?

– Хат келди! – Ойим йиғи аралаш энтиқди. – Хат олдим!

– Қанақа хат? – Дадам яна тажанглаша бошлади. – Нима деясан ўзи?

– Отам туҳматга қолган экан! – Ойим мадори қуригандек ингради. – Халқ душмани деган гап

бўхтон экан. Москвага хат ёзгандим. Жавоб келди. – «Садриддин Самадов умрининг охиригача, сидкидилдан меҳнат қилди, ўттиз тўққизинчи йили Магаданда вафот этган», деб ёзишибди. Бечора отам! – Ойим яна ўкраб юборди. – Умид қилиб юрувдим. Ҳалиям умидимни узмагандим. – Кеча... кечаям тушимга кирган эди.

Нариги уйдан дадамнинг гурсиллаган қадам товуши келди. Чамаси ўрнидан туриб, ойимнинг тепасига борди.

– Қўй, онаси! – деди эркалаб.

– Тушларимда кўриб чиқардим. Бундан чиқди шунча йилдан бери отам бечоранинг арвоғи билан гаплашарканман. – Ойим бир зум жимиб қолди-да, кўксида аламли хитоб отилди. – Илоё ўша сўхтаси совуқ рўшнолик кўрмасин! Уйи куйсин! Болалари чирқиллаб қолсин!

– Ҳақ жойида қарор топди-ку, хотин! Муаллимни душман деганларнинг ўзи жазосини олди-ку! – Дадамнинг овози майинлашди. – Қўй, қийнама ўзингни. Сен борсан, мен борман. Муаллим ёдимиздан чиқмайди.

Икковлари жимиб қолишди. Ора-чора ойимнинг хўрсингани эшитилиб турарди. Ҳеч нимани тушунмасам ҳам кўнглим тинчиди. Бундан чиқди, ойимни мен йиғлатганим йўқ. Аллақандай хат келган, шунга йиғлаяпти. Энди кўзим илинган экан, ўзимнинг отимни эшитиб, яна уйғониб кетдим.

– Музаффар қачон келди мактабдан? – Бу дадамнинг овози эди.

– Қачон бўларди, пешинда, – деди ойим ишонч билан.

– Ҳеч нима демадимми?

– Йўқ... – Ойим бир зум жимиб қолди-да, сўради. – Нима бўпти?

– Ҳеч нима... – дадам хўрсинди, – жойни сол, онаси, чарчадим.

Бугунлай хотиржам бўлдим. Омонни қучоқлаб ухлаб қопман.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

РАЪНО ҲИКОЯСИ

Энг бахтли одам – энг бахтсиз одам

Одам бир куннинг ўзида дунёда ҳам энг бахтли, ҳам энг бадбахт кимсага айланиб қолиши мумкинлигига ишонасизми?.. Билмадим... Мен ҳам авваллари ишонмасдим. Бугун ўзим шу аҳволга тушдим.

Бугун дунёда мендан бахтли одам йўқ! Ўғлимни топдим. Музаффар тирик экан! Болам ўлмаган экан! Бағримга босганимда, юз-кўзларидан ўпаётганимда ундан анқиб турган ўзимнинг ҳидимни туйдим. Бўйи чўзилиб қопти. Кўзлари, катта-катта, қоп-қора кўзлари ўзимники! Қизларникига ўхшаган қайрилма киприклари худди ўзимга ўхшайди. Ўғлим! Ўзимнинг ўғлим! Ўн йил кўрмаган Музаффарим... Қизиқ, у ҳамон тушимга кириб турарди. Негадир чақалоқлигини кўрардим. Жажжи қўллари билан кўкрагимга талпинаётганини. Бежиз эмас экан-а! Тирик экан-да... Бугун уни кўрдим. Бағримга босдим. Мендан бахтли одам йўқ!

...Бугун дунёда мендан бадбахт одам йўқ! Ўз ўғлим, юрагимдан бино бўлган ўз болам, типирчилаб қочиб кетди. Кўксимдан итарди, тепкилаб ташлади. Худди еттиёт бегонадек! Хўп, нима қилсин эди? Мен кимман унга? Нима каромат кўрсатдим?.. Йиғлади. Болам бечора чирқиллаб йиғла-

ди. Нега озор бердим? Нега ўкситдим кўнглини? Умрида кўрмаган бўлса, она бўлиб бирон марта бошини силаган бўлмасам, нима тилайман, ундан! Чақирсам чопқиллаб келаверсинми? Пинжимга кираверсинми?

Нимага ишондим анави имонсизнинг гапи-га? Боланг нобуд бўпти деса, нега лаққа тушдим? Ўн йил! Ўшанинг кетидан ўн йил итдек эргашиб юрибману бу ёқда ўғлим борлиги, болам тириклиги хаёлимга келмабди. Нега ишондим? Нега келмадим Тошкентга?

Нима деб келардим? Кимнинг олдига? Онам ўлиб кетган бўлса, қариндош-уруғим бўлмаса, суянган одамим бўлмаса? Думимни қисиб Кўтармага келишим керакмиди! Қайси юз билан? Анави чўлоқнинг олдида бўйин эгишим керакмиди! Ё тоғасига хотин бўлиб олган Робиянинг олдидами? Ё бўлмаса қизини ўз укасининг қўйнига солиб қўйган қора эгачимга ялинишим лозиммиди? Ҳечам-да! Ўша мудҳиш воқеадан кейин Тошкентнинг суви ҳаром эди менга! Нима? Тошкентнинг суви ҳаром дедимми? Балки менинг ўзим ҳаромдирман! Балки Тошкентнинг суви ҳазар қилар мендан?!

Билмадим. Эҳтимол одамзод фаришта бўлиб туғилса-туғилар. Аммо бир умр фаришта бўлиб яшолмайди. Ҳеч ким! Ҳеч ким фаришта эмас. Фақат ўзини оппоқ қилиб кўрсатгиси келади. Минг урингани билан фаришта бўлолмайди. Йўлидан шунақанги шайтонлар кесиб чиқадики, гуноҳга ботганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Мени йўлдан урган анави ифлос – унча-мунча шайтон эмас. Шунга ишондимми-а?! Ўғлинг ўлибди, такдирга тан бер деса кўна қолдимми-а? Майли келишга ҳаддим сифмас экан, нега ақалли хат ёзмадим! Ҳеч бўлмаса Маржа опага?! Нега сўра-

мадим, суриштирмадим?! Ҳа, айтмоқчи Маржа опанинг олдига боришим керак эди-ку?! Шунинг учун келгандим-ку, Тошкентга! Уйдан бир қадам жилдирмайдиган Зақунчи Тошкентга бориб кел, деб зўрлаганида сир очилиб қолишидан нега чўчи-мади? Нимага чўчисин! Умуман нимадан қўрқади у? Одамларданми? Андиша деган нарсани билса қўрқади-да, одамлардан! Қонунданми? Қонуннинг нимасидан чўчисин? Ўзи зақунни пеш қилиб, ҳам-мани қўрқитишга ўрганиб қолган-ку?! Худодан-ми? Имон нима қилади унда?! Ўртада пул масаласи турганда имонни бошига урадимми?! Ўн минг сўм! «Акам ўлим тўшагида ётибди, кўмишим керак, қи-зинг катта бўляпти, эрта-индин орзу-ҳавас кўра-сан. Маржа опанг икки туғиб, бир қолганинг эмас, отангдан қолган саройдек уй-жойингни сувтекин-га олганига хурсанд бўлсин!» Мана, унинг гапи! Қонунни сув қилиб ичиб юборган. Йўл-йўриқни билади. Қўқондан Тошкентга бўзчининг мокиси-дай қатнаб, райисполкомга, БТИга, яна минг те-шикка бош суқиб чиққан! Ҳаммасини қонуний тўғрилаган. Энди Маржа опадан ўн минг олиб бо-риб қўлига тутқазишим керак. Шунинг учун юбор-ди. Пул эмиш! Ўша Маржа опа онамга уч ой тувак тутди. Мен қилмаган хизматни қилди. Энди юзим-ни шилиб ташлаб, пул сўрашим керак ундан. Йў-ўқ, уй-жой отамнинг номидами, меросхўр менманми, ўзим биламан! Ҳаммасини хатлаб Маржа опага топ-шираман! Қўлидан келганини қилсин. Айтаман! Умр бўйи алдадинг мени! Умр бўйи лақиллатдинг. Тирик боламни ўлдига чиқариб, жудо қилдинг, виждонсиз! Бугун Парча опани кўриб қолмасам, юравераркан-ман-да, сенга ишониб!

Ҳаммаси ўша – троллейбусдаги воқеадан бош-ланди.

Тошкент ўзгариб кетибди. Нега ўзгармасин? Ўн йилда одамлар минг турланади-ю, бутун бошли шаҳар ўзгармайдими! Вокзал ёнидаги майдон кенгайиб, янги уйлар қурилибди. Эскижўвага троллейбус қатнай бошлабди.

Троллейбус тиқилинч экан. Амаллаб чиқиб олдим. Озроқ юргандан кейин шундоқ ёнимда дўриллаган овоз эшитилди:

– Ҳой, оповси! Ҳаммомга яқин қолдимми?

Овоз танишдек эди. Одамлар орасида ўзини кўролмасам ҳам, негадир юрагим қалқиб кетди.

– Қанақа ҳаммом, опа? – деди шляпа кийган йигит.

– Вой, оповси! Қанақа ҳаммом бўларди. Бешёғочдаги ҳаммом-де!

Йигит кулиб юборди.

– Қизиқ экансиз-ку, опа! Бешёғоч тупканинг тагида! Сиз вокзалда юрибсиз-ку!

– Вой ман ўлий! Қочинг бўмаса! – Дўриллаган хотин одамларни бақувват тирсақлари билан туртиб-суртиб, менга рўпара бўлди.

– Тушасизми?

Қарасам, Парча опа! Чит кўйлаги устидан кир нимча кийган, бошидан рўмоли тушиб кетган...

Қочиб қолишни мўлжаллаб, юзимни ўгирдим. Умуман, Кўтармаю Нўғайқўрғон томонлардан биронта одамга кўринишни хоҳламасдим! Қочиб, қаёққаям борардим? Одам тирбанд. Парча опа танимас деб ўйлаган эдим. Кўриши билан бақириб юборди:

– Вой, Раънохон! Худонинг ўзи еткизди сизни! Эртамаздан бери адашиб юрибман. – У қалин лаблари билан икки юзимдан чўлпиллатиб ўпа бошладди. – Эсонмисиз, омонмисиз! Эсон-омон бормисиз! На кемийсиз биз томонлага?! Ўғлиз котта йигит бўпқолди! Хабар обтурсайиз бўмийдимми?!

Турган жойимда кесак бўлиб қолдим. Нима деяпти бу телба! Робиянинг ўғлини айтяпти шекилли! Умар акам уч йилми-тўрт йил аввал Тошкентга келганида, «чўлоғинг Робиядан ўғил кўрибди», деб «табриклаган» эди.

Одамлар бизга ҳайрон бўлиб қараётганини кўриб баттар довдираб қолдим.

– Адашманг-да, Парча опа, – дедим эсанкираб. – Робиянинг ўғли...

– Вой нимага адашаман. Раънохон! – У бутун троллейбусни бошига кўтариб дўрилади. – Робини ўғли кичкина! Музаппар котга бўпқолди. Мактабга борвотти! Ўшани сиз туққанмисиз ахир!

Кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. Бир маҳал ўзимга келсам, троллейбуснинг орқа деворига суяниб турибман. Парча опа ҳамон дўриллаяпти.

– Роби бечора Музаппарга шунақа меҳрибон, шунақа меҳрибон! Оҳига озор бермийди. Емий едиради. Узоқ йили бир тўй қилди, бир тўй қилди. Эрийиз уч пуд ош дамлади!

...Кўтармага қандай етиб келганимни билмайман. Фақат шуниси эсимдаки, Парча опа йўл-йўлаккай Музаффарнинг тўйида эрим «думбасини кўтаролмайдиган қўй сўйганини», Робия унга бир кийимлик қарғашойи атлас қўйганини, ундан олдин Омоннинг бешик тўйида ҳам лозимлик берганини айтиб мақтаниб келди.

– Юринг, чақириб бераман, ўғлиззи! – деди мактабга судраб. Синфхона эшигига боришга қўрқиб турган эдим, ўзи бориб билиб келди.

– Ўртоқлари этди, дарсга кирмабди. Жа шўх бўғанде, Музаппар тушмагур. Ўйнаб юрганде! Юринг, боққа кириб кўрийлик-чи!

Ўрикзор этагига етганда бир туп ёнғоқ тагида юрган қора чийдухоба камзул кийган болани кўрсатди.

– Ана! Чақирыйми? – У кафтини карнай қилиб энди чақирмоқчи эди, қўрқиб кетдим. Дарсга кирмаганим учун қидириб келишди деб қочиб кетса-чи!

– Қўйинг! – дедим ялиниб. – Парча опа! Илтимос кетинг!

– Майли, ўзиз биласиз. – Парча опа бирпас иккиланиб турди-да, нари кетди.

Ерга тўкилган ёнроқларни шоша-пиша дўпписига солаётган болага яқин бордим... Одам ўз фарзандидан ўзининг қиёфасини излар экан. Айниқса, ўн йил кўрмаган бўлса. Ўлди деб юрган бўлса!

Бугун мендан бахтли одам йўқ. Ўғлимни топдим. Кўзлари, қиз болаларникига ўхшаш эгик киприклари худди ўзим. Аллақаери Насибага ҳам ўхшаб кетади. Синглисига! Бугун мен энг бахтиёр одамман. Мана, ўғлимнинг дўпписи! Ўзимнинг ҳидим келяпти.

Бугун мен энг бахтиқаро одамман. Ўз боламга ўзим озор бердим. Йиғлатдим. Ўз болам ўзимни тепиб юборди. «Қўйвор», деб чинқирди... Ўн йилдан бери нимага хабар олмадим ўғлимдан?! Нимага ишондим ўша виждонсизга?! Бориб ёқасидан оламан! Тирик боламни нега ўлдига чиқардинг, беномус! Ўғлимдан нега жудо қилдинг, ифлос! Жавоб бер! Инсоф борми сенда, виждон борми?! Мунча имиллайди бу поезд. Қачон етади ер ютгур Қўқонга!

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

ШОМУРОД АКА ҲИКОЯСИ

Хиёнат

Муаллим оқлангани яхши бўпти. Эртами-кечми, бари бир шунақа бўлишини билардим. Ҳақиқат эгилади-ю синмайди, деганлари рост. Шунақа-ку, ҳақиқат эгилади. Вақти келиб тикланади. Аммо то тиклангунча анча-мунча қовурғаси сингани ёмон... Муаллимни кўп кўрган эмасман. У пайтда текстилда ишлаганим учун Нўғайқўрғонга кам борардим. Аммо ўша кезлари Ориф оқсоқол, поччам, муаллим – ҳаммаси бир бўлиб мактаб қуришгани эсимда. Робия ёш эди унда...

Бугун хафа бўлиб ўтирганини кўриб, тўғриси, юрагимга ғулғула тушди. Гап бу ёқда экан-ку, мен Музаффардан хавотир олиб ўтирибман. Мабодо анави келган бўлса... Йўқ, уйга-ку, қадам босолмайди. Қайси юз билан келсин?! Кўча-кўйда болани тутиб олиб дилини оғритдими деб кўрққан эдим.

Пешинда карам узаётган жойимизга Парча бориб қолди.

– Вой ўргилий силадан! Раънохонни кўрдим! Бирам ясанибди, бирам ясанибди! Эғнида-чи, минг сўмли палта! Билагиде қўша-қўша билегузук! Оёғиде амиркон тупли... – У дўриллаб мақтанаётган эди, одамлар имо қилиб мени кўрсатишди шекилли, дами ичига тушиб кетди. – Вой ман нима дидим!.. – деди бўшашиб. – Кўрганимни эттим-де. Аммо ранги кетиб қопти, Раънохонни...

Кетмонни олиб нари кетдимۇ кўнглим ғаш тортди. Нега кепти? Ўн йил йўқ бўлиб кетган одам, юравермайдими, ўша ўйнашининг этагига осиди.

либ. Уч йил аввал Музаффар билан бозорга бориб, дуч келиб қолганимизда-ку, Закунчи амаллаб қочиб қолган эди. Ҳадеб шунақа қилаверса Қўқонга бориб бўлсаям сўйиб келаман! Бир бошга – бир ўлим. Нима қилади эски ярамни янгилаб.

...Ҳар қадамда ўлим кутиб турган жанггоҳдан тирик қайтишимга ишонмаган эдим. Лекин уруш оёқлаган сайин умидим кучая бошлади. Назаримда соғ-саломат уйга қайтсам, бу ёғи нуқул байрам бўладиганга ўхшарди. Уй-жойим, жондан ширин хотиним. Эрталаб ишга бораман. Кечқурун уйга келсам овқат тайёр, иссиқ ўрним тайёр. Бундан ортиқ бахт борми одамга?

Хом сут эмган банда! Бу ёқда шунча савдолар бошимга тушишини билмаган эканман.

Бир хиллар бор. Уруш нуқул қаҳрамонликдан иборат деб ўйлайди. Бекор гап! Урушни биз кўрдик, бошқалар кўрмасин. Музаффар кўрмасин, Омон кўрмасин... Уруш нима ўзи? Одамни минг бир азобга соладиган нарса. Тўғри, душман дзотига кўксини қалқон қилганлар ҳам бўлган, ёниб турган самолётини немис поездига обориб урганлар ҳам. Аммо жангга кирган кунидан уруш охиригача жамики машаққатларга чидаб, ўзининг вазифасини сидқидилдан бажарган одамлар ҳам озмунча эмасди. Мен ҳеч қанақа қаҳрамонлик кўрсатмадим. Лекин учта медаль беришди. Нимага?.. Балки имоним бутлиги учундир. Тош келса кемириб, сув келса симириб эл қатори жанг қилганим учундир...

Шарқий Пруссиянинг пойтахти Кенисберг яқинидаги жанглар, айниқса, оғир бўлди. Учинчи Белоруссия фронтининг қўмондони Черняховский Дайме дарёси бўйида аскарларнинг окопига бирма-бир кириб чиққани ҳеч эсимдан чиқмай-

ди. Черняховский энг ёш қўмондон эди. Кейин.. алақаери ўзбекка ўхшаб кетарди. Қорақош, қорақўз... Қирқ бешинчи йилнинг аёзли январиди у ҳаммамиз билан бирма-бир кўришиб чиқиб, далда берди. Эрта-индин уруш ғалаба билан битишини айтди. Кейин Дайме, Алле деган дарёларни кечиб, ҳужум қилдик. Еру кўкни қуюқ туман қоплаган, бунинг устига фашистлар тўғонларни бузиб ташлаган, ҳамма ёқ тизза бўйи сув эди. Февралнинг бошларида Кенисбергга ҳужум бошладик. Биз – сапёрларнинг ишимиз оғир эди. Белгача муздек сувга тушиб минани топиб бўладими! Жангчилар орасида сапёр умрида бир марта адашади, деган гап бор. Минага дуч келдингми, тамом. Парча-парча бўлиб кетасан. Мен ҳам бир марта, атиги бир марта адашдим. Тўғрироғи, мен эмас, беш қадам нарида кетаётган Муртазин деган татар ўртоғим бехосдан минага урилиб кетди. Сув аралаш олов портлагани, Муртазин «ани-и» деганча инграб, осмонга учгани, ўша даҳшатли олов менга ҳам ёпирилгани эсимда...

Кўзимни очсам, пастак шифтли уйда, каталак дераза олдида ётибман. Деразадан найзадор томи булутли осмонга санчилган қизғиш бино, пастда эса тор-танғиз тошлоқ кўча кўриниб турибди. Ҳамма ёқ жимжит. Гўё уруш ҳам, миналарнинг портлаши-ю, ўлаётган одамларнинг жон талвасасида қичқириши, самолётларнинг гувиллаши, замбаракларнинг ўкириши ҳам – ҳеч нима йўқдек. Ажаб... Жанг шовқинларига ўрганиб қолган киши бунақа жимжитликка кўниколмаё юраги увишаркан. Худди телба одам ўзидан бошқа ҳаммани жинни деб ўйлагандек...

Бора-бора осойишталикка ҳам, пастда – дераза тагидаги тошлоқ кўчада онда-сонда эшитилиб қоладиган гармон овозига ҳам кўникдим.

Билсам, мени Вильнюсга олиб келишган экан. Бу ерда, ҳарбий госпиталда тагин иккита нарсани билиб олдим. Биринчиси – ўзимизнинг ўзбекка ўхшаган қорақош, қорақўз, мулойим қўмондонимиз Черняховский Кенисберг яқинида ҳалок бўлибди. Иккинчиси – «ампутация» деган гапнинг маъносини англадим. Бу – кесиб ташлаш дегани экан. Ёнимдаги койкада ётган, икки оёғи кесилган йигит тушунтирди: «Ампутацияга рози бўлма!»

Оёғимга теккан мина парчаси тўпигимни мажақлаб юборган экан. Кечалари ўзимнинг оёғимдан чиқаётган сассиқ ҳидга ўзим чидолмай бурнимни жийриб, юзимни ўгирардим. Ўнимдаги йигит эса доим бир гапни қайтарарди. «Суягинг чиримаган бўлса, ампутация қилдирма! Билиб қўй, чўлоқ бўлиб борсанг, хотининг ташлаб кетади. Мана, менинг яхши кўрган қизим хат ёзмай қўйди». Қизиқ, оёғимдан кўра елкам кўпроқ азоб берарди... Докторларнинг оғзидан «ампутация» деган сўз чиқиши билан ҳамма ёқни остин-устин қилиб юбордим. «Йўқ-йўқ-йўқ! Яхшиси ўлдир! Отиб ташла! Розимасман!»

Билмадим, аравага ётқизиб, операцияга олиб кириб кетишаётганида ўрисча сўкиндимми, ўзбекчами, хуллас оламини бузиб юбордим. Аравача ёнида бораётган сапсариқ сочли эстон ҳамшира қиз негадир кулади. Эркалаб бошимни силайди.

Кўзимни очсам, ёнимдаги аскар йигит кулиб турибди.

«Во! – деди бош бармоғини мих қилиб. – Оёғинг бутун!»

Хайрият, докторлар инсоф қипти! Бундан чиқди Раънонинг олдига «уч оёқлаб» бормайман!

Негадир Раънони ўйласам, нуқул ошхона орқасига ўтиб, оёғимга тиз чўкканча «мениям обке-

тинг», деб йиғлагани хаёлимга келарди. Ўшанда нега жеркдим? Ахир яхши кўрганидан, азбаройи куйиб кетганидан шунақа қилди-ку! Нега мен ҳам тиз чўкиб унинг оёғидан ўпмадим!

Эсон-омон борай, ўзим биламан! Бошимда кўтариб юраман. Ёнимдан бир қадам жилдирмайман. Текстилга ҳам бормайман. Колхозда ишлайман. Майли, аравакашлик қилсам ҳам, гўнг ташисам ҳам... Раъно ёнимда бўлса бас.

Ғалабанинг хушхабарини Саратовга келганда эшитдим. Ўша куни поездимиз бир сутка тўхтаб қолди. Автоматлару пистолетлардан қарсиллатиб ўқ узилар, ҳамма бир-бирини қучоқлар эди. Шу куни эсимни таниганимдан бери биринчи марта бошимни шинелимга ўраб тўйиб-тўйиб йиғладим. Энг яқин дўстларимнинг жасадини қорга кўмганда, боши бир томонга қийшайиб, бўйни чўзилиб дорга осилиб ётган бегуноҳ хотинларнинг ўлигини сиртмоқдан чиқариб олаётганда қилт этмаган одам шу куни йиғладим. Биламан, йиғини хотинларга чиқарган. Аммо онда-сонда эркак киши ҳам йиғласа ёмон бўлмас экан. Чин юракдан йиғлаган одамнинг кўнглида қаҳр ўрнини меҳр эгалларкан.

Дунёда аёлдан меҳрибон зот йўқ. Раънони – суюкли хотинимни кўрганимда шу гапга минг марта имон келтирдим. У менинг оқсоқлигимга ҳам, елкамдаги ўрадек чуқурча хунук йилтираб туришига ҳам парво қилмади. Қайтага худди ўша елкамдаги чуқурчани ўпиб эркалади.

Одам ўзини жудаям бахтиёр ҳис этса, худбин бўлиб қоларкан. Ўзгаларнинг дардини сезмас экан. Ориф оқсоқол «иккита нордек боламдан жудо бўлдим, ўғлим, у ёқда кампиримни ерга қўйдим, бу ёқда энг ишонган суянчигим – Думадан айрилиб қолдик», деганида унчалик ҳайрон қолмадим. На-

чора, уруш ўз номи билан – уруш. Фақат окопдаги аскарни эмас, минг чақирим нарида турган одамнинг ҳам ёстиғини қуритади. Опам шўрлик поччанг поездни сақлаб қоламан, деб ўлди. Кимсанимдан на хат бор, на хабар, деб чирқиллаганида ҳам қўшилишиб йиғламадим. Тўғри, ачиндим, юпатдим. «Кимсан Югославия партизанларига қўшилиб кетган бўлса керак, охирги жанглар ўша ерда бўлди, эрта-индин дараги чиқиб қолар», деб қўя қолдим. Негаки мен ўз бахтимдан ўзим маст эдим. Худди кўзини қуёш қамаштириб қўйган одамга ўхшардим. Шунчалик кўр эканманки, ҳамқишлоқларим нима учун «муборак бўлсин»га кира солиб, дарров қайтиб чиқиб кетишганига ҳам, нима учун кўзимга қарашга ботинолмаётганига ҳам, нима учун опам бизникига кам келиши, Робия умуман қадам босмаслигига ҳам эътибор бермабман.

Шунчалик кўр эканманки, опам: «Раънохон бечора сен йўфингда кўп азият чекди, энди ёнингдан жилдирма», деб тайинлаганида, Оқсоқол, «Текстилдаги ишингни қўй, колхозга сенга ўхшаган йигитлар керак, ҳарна келиннинг ёнида бўласан», деганида ҳеч балога ақлим етмабди. Нега ҳеч ким Умар зақунчининг отини атамайди-ю, аммо Раъно, «Умар ака бари бир яхши ташкилотчи эди, қаттиққўл бўлсаям оғир пайтда катта хизмат қилди, одамлар ифво қилаверади-да», деганига ишонибман. Зақунчи бекордан-бекорга ишдан ҳайдалибди, деб ўйлабман. Билмабманки, Раъно бугун менинг мина ўпириб кетган елкамни ўпяпти-ю, кеча... Хаёлимга келмабдики, бугун менинг чўлоқ оёғимни уқалаяпти-ю, кеча... Нимага шунақа! Мен сифинган қуёш шуми! Кўзимни қамаштирган офтоб шуми!.. Қанақасига! Бугун қўйнимга кириб мени иситса-да, кеча...

Билмадим... Аввало, бунақа кулфат эркак зотининг бошига тушмасин. Тушган одам билади... Мабодо шу ишлар кеча, мен йўғимда ўтиб кетган бўлса кўрманми, басирманми, ҳеч нимани сезмасам, боринги, бефаросат, моддек ҳеч нимани билмай ўтиб кетсам, бошқа гап эди. Лекин хотиним бағримда ётиб, эркалаб туриб, яна ўша нопок нарсани еса...

Шунчалик гўлмидим! Шунчалик қўймижозмидим! Ундан кўра очиқ айтса бўлмасмиди! Сен менга ёқмайсан! Тўрт томонинг қибла, деса-ку, олам гулистон эди! Йўқ, қўйнимда жилпанглади. Кўнгли аччиқ нарса тусаганида қўшилишиб қалампир чайнадим. Ой-куни яқинлашганида ялиндим:

– Илтимос, Раъно! Ўғил туғиб бер, отини Музаффар қўяман. Эсингдами, урушга кетаётганимдаям шуни айтгандим...

Раъно бу сафар ҳам бахт ҳадя этди. Ўғлимни, қип-қизил гўшт чақалоқни бағримга босган куним мендан бахтли одам йўқ эди. Раъно чилласи чиқмаган чақалоқни кўрсатиб, «қаранг, дадаси, қулоғи сизга ўхшайди, лаби сизга ўхшайди», деганида севинчимдан теримга сифмаган эдим...

Эҳтимол ўғрилиқ қилган одамнинг сири очилмас. Эҳтимол қотиллик қилган олчоқнинг ҳам сири билинмас. Аммо хиёнат фош бўлмай қолмайди. Негаки, хиёнатни бир одам қилмайди. Албатта, шериги бўлади. Фақат, ёмон жойи шундаки, хиёнатдан озор чеккан одам бу сирни ҳаммадан кейин билади. Шуниси алам қилади.

Баъзан ўйлаб қоламан. Одам бошқаларни айблашдан олдин ўзининг гуноҳиниям ҳисоблаб кўриши керакми-йўқми! Балки айб ўзимдадир? Хотин киши ёмон йўлга кирса – демак, эр айбдор. Демак, хотиннинг кўнглини ололмаган. Дилини оғритган. Аёл зоти – гулдек гап. Сен хор қилсанг,

сен ноҳақ эзгиласанг, албатта бегона қўл сийпалайди. Аммо менда нима гуноҳ? Юртга келган тўй экан, урушга бордим. Бир нарсани билар эдим: ҳалол жанг қилсам, хотинимни асрайман. Раънони ҳимоя қиламан. Бундан чиқди – имонли аскар бўлишим керак. Раъно севар эди-ку мени! Яхши кўриб турмуш қурган эди-ку! Ўша қор ёғиб турган кеча хайрлашаётганимизда «мениям олиб кетинг», деб зор қақшаб йиғлаган эди-ку! Мен у ёқда, хотинимнинг номусини ҳимоя қилиб юрсамда, у бу бу ёқда номусини сотса! Қайтиб келганимдан кейин ҳам анави билан қўшилиб, кўзимга чўп солса! Икковлари бир бўлиб, маза қилиб устимдан кулишса! Чидаб бўладими шунга!

* * *

Госпиталда ётганимда уйга борсам, нуқул роҳатда яшайман, деганим хомхаёл эканини Кўтармага қайтган кунимоқ тушундим. Қирқ олтинчи йил офир келди. Лалми донлар ёз бошидаёқ қовжираб кетди. Урушдан янги чиқилган, одамлар эзилган... Хайрият, Бўрижар бўйларидаги далаларда, Кўтарма томонда буғдой дуруст ҳосил берди. Аммо ҳар битта бошоқ ҳисобли эди. Начора, юрт оч. Украина ҳали ўзини тиклаб олмаган. Қозоғистонда ҳам доннинг мазаси йўқ. Бутун мамлакат бизга кўз тикиб турибди... Жанг қилган одам хоҳласа-хоҳламаса дунё миқёсида ўйлайдиган бўлиб қоларкан. Бунақа пайтда ўз қорнингни эмас, мамлакат гамини ейсан.

Саратон қаҳрига минди. Қуёш шафқатсиз қиздиради. Қушлар очлик азобидан нажот излаб, ўзини буғдойзорга уради. Каттадан-кичик ҳамма далада. Оқсоқолнинг ўзи ҳам терлаб-пишиб буғдой ўради.

– Барака топкурлар, яна жиндай ғайрат қилайлик, белида белбоғи бор одам шунақа пайтда ўзини кўрсатмаса, қачон кўрсатади! – деб одамларга бош-қош бўлади. Комил табиб ўғли Олимжон билан хирмонда дон янчади...

Пешинга бориб кун тандирдек қизиб кетди. Бўрижардан эрталабдан бери эсиб турган салқин шабада ҳам таққа тўхтади. Ҳамма ёққа қайноқ сукунат чўккан, жонсараклик билан буғдойзорга ёпирилаётган қушлар ҳам ўзини сояга уриб кетган, фақат ўроқнинг шир-шир қилиши эшитилди. Ярадор оёғим сирқиллаб оғриётгани учун чўккалаб олиб буғдой ўрар, бошқа ўроқчилар олдинга ўтиб кетганидан уялар, ўзимни-ўзим ёмон кўриб кетганимдан ўроқни иложи борича қулочкашлаб солишга, кўпроқ майдондаги буғдойни ўришга ҳаракат қилардим.

Оқсоқол, «янги бўшанган, офтобда юриб, боласи ичкетар бўпқолмасин», деб Раънони вақтинча табелчиликдан озод қилиб қўйган эди. Кўз тегмасину Музаффар касал бўладиган боламас. Уч ой ичида кўзга кўриниб қолди: полвон бола! Уйга киришим билан отини айтиб чақирсам, бешикда ётган жойида кўзи билан мени излаб қолади.

Раъно туққанидан кейин янаям очилиб кетган. Ҳар куни пешинда Музаффарни кўтариб, далага нонми, бир коса овқатми олиб келади. Бугун эрталаб зоғора ёпаётганида ҳам абедда бораман, деган эди. Шуни эслашим билан қорним таталаб кетди. Тўғри, қоқ пешинда хирмонда гўжа пиширишди. Аммо тонг қоронғисидан ишлаган одамга бир товоқ гўжа нима бўларди? Қизиқ, Раънодан нега дарак йўқ?..

Олисдан чақириб қолармикан, деган умидда, хирмон томонга қараб, ўроқ солаётсам, бир нар-

са қарс этди! Минг лаънат! Одамнинг иши бир юришмаса, шунақа бўлади ўзи! Қарасам, ўроқ қоқ иккига бўлиниб кетибди. Бўрижар бўйи – захкаш. Шунинг учун ҳам қурғоқчиликка қарамай, бу ерларда ҳосил дуруст бўлган. Лекин ер тошлоқ. Эҳтиёт бўлмасанг... Ана, ўроқдан ҳам айрилдим.

Яримта ўроқни силтаганча буғдой пояларини чангаллаб тагин ўришга уриндим. Йўқ! Кал бошга темир тароқ дегандек бу нимаси! Шу кетишим бўлса, Оқсоқолнинг олдида шарманда бўламан-ку! Ана, одамлар пайкал этагига етиб қолишди. Яхши-си уйга бораман! Бошқа ўроқ бор. Аждардек қилиб чархлаб қўйганман. Бораману келаман. Қайтага яхши бўлади. Раъно ҳам болани офтобда уринтириб юрмайди.

Ярадор оёғим сирқиллаб кетаётганига қарамай, Алвасти кўприк томонга югурдим. Қун баттар қизиб кетган, темир йўлдан нафасни бўғувчи ҳовур кўтарилар эди. Бир томонида Бўрижар шовиллаб турган, бир томонида наъматаклар ўсиб ётган ёлғизоёқ йўлдан ўтиб, салқин ёнғоқзорга кирганидан кейингина кўксимга шабада урилди. Хайрият, салқин ҳам бор экан-ку. Билмадим, негадир кўнглим гаш эди. Ёнғоқзор оралаб ўтиб борарканман, олисда – ўнг томонда бола йиғиси эшитилди. Аввалига парво қилмадим. Бола ҳамон биғиллаб йиғлар, энтикиб-энтикиб қолар эди. Қизиқ. Чақалоқ нима қилади бу ерда? Атрофда ҳеч ким турмайди. Комил табибнинг ёш боласи йўқ. Каттаси урушда ҳалок бўлган. Кичкинаси – Олимжон ҳали ёш. Устига-устак ота-бола хирмонда. Лазакат опа ҳам буғдой ўряпти...

Тўхтаб қолдим. Шошма! Бирдан миямга ваҳимали ўй урилди. Музаффарнинг йиғисига ўхшайди-ку! Ўша заҳоти кўнглим сизди: аниқ! Ўзимнинг

ўғлим! Оёқ-қўлим бўшашиб кетди. Раъно болани кўтариб менга нон обораётган бўлса... Хаёл билан жар бўйига бориб қолган бўлса. Жонҳолатда болани улоқтириб, ўзи...

Нафасим оғзимга тиқилганча, йиғи овози келаётган томонга чопдим. Юрагим сезгани бежиз эмас экан. Чиндан ҳам йўргаги ечиб қўйилган Музаффар каттакон ёнғоқ тагида ётар, бошига офтоб келиб, терлаб кетган, оёқ-қўлини баравар силкитиб, чинқириб йиғлар эди. Сал нарироқда эски қийиқчага тугилган коса дўппайиб турарди. Қўрқиб кетдим. Болани даст кўтариб, сут ҳиди анқиб турган юзидан ўпдим.

– Раъно! – Болани бағримга босганча жар томонга югурдим. – Раъно!!!

Бўрижар бўйига етганимда орқа томонда бир нима шатир-шутур қилди. Қайрилиб қарасам, наъматаклар қалин ўсган чакалакзор орасидан бир одам ажралиб чиқди. Эгнида оппоқ жужунча халат, оёғида этик... Галифе шимининг тасмасини йўл-йўлакай таққанча сўқмоқ томон чопиб кетди. Аввалига танимадим. Орқага – мен томонга бир қараган эди, Умар закунчи эканини билдиму вужудимга ёмон шубҳа ўрмалади. Бирдан Раъно: «Умар ака яхши одам эди, ҳеч ким қадрига етмади», дегани эсимга тушди. Лекин нима бўлаётганини ҳалиям билмас, болани кўтарганча, карахт бўлиб турардим. Ўша заҳоти чакалакзор орасидан Раъно отилиб чиқди. Қўйлаги ғижимланиб кетган, сочи алвастидек пахмайиб, хас-хашаклар ёпишиб қолган...

Боланинг йиғиси таъсир қилди шекилли, шу томонга ярқ этиб қаради. Даҳшатдан олайиб кетган кўзларини, бўздек оппоқ юзини кўриб, тўсатдан ҳаммасини тушундим.

– Тўхта! Тўхта, қанжиқ!

Қизиқ, синган ўроқ ҳалиям қўлимда эканини энди билдим. Бир қўлимда бола, бир қўлимда ўроқ билан ўша томонга югурдим. Закунчи аллақачон Алвасти кўприкка олиб борадиган сўқмоққа чиқиб олган, Раъно сочлари ёйилганча унинг кетидан чопар, аммо иккаласи бир-бирига қарамас, ҳар қайсиси ўз жонини асраб қолиш пайида эди.

– Тўхта-а!

Қўлимдаги ўроқни кучим борича отдим. Сениқ ўроқ шатир-шугур қилиб, аллақайси дарахт тагига бориб тушди.

Сўқмоққа чиқиб олганимда улар узоқлаб кетган эди. Кўприк ёнига бориб қолган Раъно чақирди шекилли, аллақачон темир йўл устига чиқиб олган Закунчи тўхтаб, орқасига қаради. Қўлини пахса қилиб бир нима деди. Раъно жонҳолатда ўша томон югурди. Энди оёғим оғримас, аммо тез чопишнинг ҳам иложи йўқ эди. Дарахт илдизларига қоқилиб мункиб-мункиб кетар, ўзимнинг ожизлигимдан ўзимнинг хўрлигим келарди. «Йўқ! Ўлдираман! Иккаласини қийма-қийма қиламан!»

Яна қанча югурганимни билмайман. Темир йўл устига чиқдим у қўлимдаги бола бутунлай ҳолсизланиб қолганини дафъатан ҳис этдим. Энди у аввалгидек чинқириб йиғламас, овози сусайиб қолган, бўғзидан йиғи ўрнига инграшга ўхшаш ожиз садо чиқар эди.

Шундагина болага озор бераётганимни тушундим. Хаёлимга ярқ этиб бир ўй урилди. Закунчи шаҳарда – Домдеҳқон ёнида туради. Бунияма Раъно айтган. «Оқсоқол ноинсофлик қилди. Умар акага колхозчилар ҳашар қилиб қуриб берган уйни олиб қўйди, шундоқ одам Домдеҳқон ёнидаги каталак ҳужрада турганмиш», деган. Бундан чиқди ўша ҳужрачага борган! Ўлдираман!

Темир йўл кўтармасидан тушиб борарканман, терлаб кетган бола яна инграганини пайқадим. Юзидан ўпиб овутдим:

– Бўлди, Музаффар, бўлди! Сен ўғил боласан-ку! Эркаксан-ку! Ҳозир, ўғлим, ҳозир... Иккаламиз битта эркакча иш қиламиз! Ҳозир-чи, ўғлим, ҳозир фашистни ўлдирамиз! Қўнжимда-чи, пичоқ бор! Зўр пичоқ! Ана ўша пичоқ билан... Худди фронтда душман қорнига найза санчгандек. Битта фашист тирик қолган экан, ўғлим. Бўлди, болам, йиғлама. Бирпас чидагин...

Ўғлимни бағримга босиб ҳансираб югуриб борарканман, ўзим билан ўзим гаплашаётганимни сезмас эдим.

– Ифлос! «Кетсангиз мениям олиб кетинг», деб йиғлаган сен эдинг-ку! Оёғимга тиз чўкиб ялинган сен эдинг-ку! Боласини чирқиллатиб қўйиб, бировнинг қўйнида... Бола кўр қилгур наҳс!!!

...Одамзоднинг феъли шунақа. Нохуш нарсани эслагиси келмайди. Аммо ёмон хотира бармоққа чиққан ярага ўхшайди. Қўлингни қимирлатишинг билан ўша лаънати яра бехосдан бир жойга тегиб кетади-ю, азоб беради.

Шу яра тузалиб кетишини ўн йил кутдим. Ҳар қандай дарднинг давоси вақт дейдилар. Бора-бора тўпифимдаги оғриқ ҳам, салқин тушиши билан елкамнинг ачишиб оғриши ҳам қолди. Аммо бу яра тузалмаслигини ўзим билардим. Робияга уйланган кунларим «Раъно» деб юбормаслик учун тилимни тишлаб қолганимда, уни бағримга босганимда ўшани – ўша беномусни кўз олдимга келтирганимда – ҳар кеча, ҳар куни шу яра азоб берарди менга! Мен аҳмоқманми? Кўрманми? Тўғри, аввал кўр эдим. Кўзим очилди. Робия ҳалиям Кимсанни кутаётганини, вақт-вақти билан Кимсаннинг су-

ратини сандиқдан олиб термилишини билмайманми! Ақлим етмайдим шунга!

Робия! Яхшиям сен бор экансан! Биламан, мени яхши кўрмайсан. Лекин эр-хотин ўртасида севги дегандан кўра каттароқ, бамаънироқ нарса бўлади. Бу нарсанинг оти нима? Ўзим билмайман. Балки меҳрдир, балки сабр-қаноатдир... Музаффарни бағрингга босдинг. Тойчоқдек Омонни туғиб бердинг. Раҳмат сенга! Дунёда борлигинг учун раҳмат. Нега чўчиб тушдинг? Ухла, ухлай қол... Жиндай ором ол... Биламан, қийин, жуда қийин. Ҳаммасини тушунаман. Тўғри, мен ширин сўзлар айтишни билмайман. Ўлдим-куйдим демайман. Аммо сен менинг шунчаки севиклим эмас, хотинимсан, болаларимнинг онасисан, Робия! Ҳали авзоингни кўриб қўрқиб кетдим. Анави алвасти келиб, дилингни оғритдим деб ўйлагандим. Хайрият, тинчлик экан... Даданг оқланган бўлса, яхши-ку, онаси. Қувонмайсанми? Асл айнамас, деб шуни айтади-да! Ўзингни эҳтиёт қил, Робия! Менинг бахтимга, болаларингни бахтига соғ-саломат юрсанг бўлди, онаси...

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

РАЪНО ҲИКОЯСИ

Ал-қасосу минал ҳақ!

Муҳаббат дегани шу бўлса – уйига ўт тушсин! Ўша – саратоннинг сариқ куни – ўша касофат кун ўлсам ҳам эсимдан чиқмайди. Аслида-ку, бир қараб турганда яхши бўлди. Ўзимнинг ҳам жонимга теккан эди: бир танада иккита одам бўлиб яшашдан чарчаб кетдим. Қачондир бари бир шунақа

бўлиши керак эдида! Ростимни айтсам, Шомурод ака урушдан қайтганидан кейин ундан аллақачон кўнглим совиганини тушундим. Гўё эримга атаб ёқиб ўтирган чирогимни Умар акам ўчириб қўйгандек, бу чироқ энди фақат шу одамни ёритиши керакдек. Тўғри, Шомурод акага кўнгил қўйиб текканим рост. Урушга кетаётганида қон-қон йиғлаганим ҳам рост. Лекин муҳаббат абадий бўлади, деган гап, китобларда бўларкан. Бу дунёда ҳеч нима абадий эмас. Билмадим, балки менда шунча бўлгандир... Агар Умар акам бу ишни шунчалик орқага сурмаса, вақтида никоҳига олса, шунча гап йўқ эди. Раис пайтида «раҳбар одамман, бундай қилишга ҳаққим йўқ», деб қутулди. Кейин-чи, молияда налугчилик қилаётганидачи? Яна баҳона қилди. «Бўйнимга шунча айб қўйишгани етмайдими, бир йўла ўлдириб қутулмоқчимисан», деди. Шомурод ака келганидан кейин уни бутунлай унутишга ҳаракат қилдим... Энди унутдим деганимда нега тагин йўлимдан чиқди? Мен аҳмоқ, мен беномус, болали хотин нега яна лаққа тушдим унинг илжайиб қарашига?!

Нима қилай? Нима қилай ахир, яхши кўрардим шуни! Қачондир Шомурод ака билан боғлаб турган омонат ип узилишини билардим. Узилишини хоҳлардим ҳам. Ана, узилди ўша ип! Узилди-ю, тугуни қолди! Болам, эмизикли болам қолиб кетди Шомурод аканинг қўлида!..

Умар акам мени судраб тўппа-тўғри Тошкент вокзалига олиб келди. Энди менга бошқа йўл йўқ. Умар ака қаёққа борса мен ҳам кетидан эргашишга мажбурман. Тамом, бошқа гап йўқ!

У мени вокзалнинг суянчиқли силлиқ ўриндиқсига ўтқизди-да, тайинлади.

– Қимирламай ўтир! Мен ҳозир келаман.

Шу гапни айтди-ю, чиқди-кетди. Вокзал тор, тиқилинч. Қопига суйанганлар, жомадонини бошига қўйиб мудраганлар, погонсиз ҳарбий кийим кийган майиб-мажруҳлар, тамаки тутуни, паровознинг асабий чинқириши, филдиракларнинг қулоқни қоматга келтирадиган шақир-шуқури... Чанқоқ азоби... Ҳаммасини кўриб турибман, ҳамма нарсани эшитиб ўтирибман. Аммо ҳеч нимани ҳис қилмайман. Қулоғимдан ўғлимнинг чирқиллаб йиғлаши кетмайди. Уч ойлик чақалоқ Музаффарнинг йиғиси. Негадир кўкрагим оғрийди. Бир маҳал қарасам, кўйлагим ҳўл бўлиб кетибди. Бундан чиқди болам йиғлаяпти, болам оч қолди, эмизишим керак! Боя нимага шуни Умар акамга айтмадим? Ернинг тагидан бўлсаям ўғлимни топиб келасиз, бўлмаса ҳеч қаёққа кетмайман, десам ўлармидим!

Пешонамда борини кўрдим деб, Кўтармага жўнасаммикан? Пиёда юриб бўлсаям етиб оларман. Болам йиғлаяпти: кўкрагим шишиб кетди, чидаб бўлмас азоб беряпти. Биламан, борган заҳотим ўламан. Шомурод ака тикка сўяди! Мен-ку майли. Бир бошга бир ўлим. Ўғлим нима бўлади... Кимларнинг қўлида қолади?

Умар акам кун ботганда келди. Қўлида ҳар биттаси сандиқдек келадиган иккита жомадон, қора терга ботиб кетган, жужунча халати сув бўлиб елкасига ёпишиб қолган. Бир кунда, йўқ, ярим кунда бутунлай ўзгариб кетибди. Ҳар доим ўтдай ёниб турадиган кўзлари ўрадек ич-ичига ботган, бурни сўррайиб, мўйлови осилиб қолган... Икки қўлида жомадон, оғзига қоғоз тишлаб келяпти: патта эканини кейин пайқадим.

– Олсанг-чи биттасини! – Яқин келганда кўзлари газабдан ёниб, бақирган эди, тишлаб олган паттаси оғзидан отилиб кетди. Жаҳл билан қўлидаги

жомадонларни гурсиллатиб ерга ташлади. – Қўлим узилиб кетди-ку!

– Ўғлим... – Кўзига илтижо билан термилиб, йиғлаб юбордим. – Болам нима бўлади? Оч қолди-ку!

У важоҳат билан устимга ёпирилиб келди. Худди қамчи солаётгандек қўлини дўғлади. Аммо атрофдаги одамлардан ҳайиқди шекилли, тишини гижирлатганча овозини пасайтирди.

– Болангизга жонингиз ачияптими, хонимча, – деди вишиллаб. – Марҳамат, тўрт томонингиз қибла! Бораверинг! Сизни деб қамоққа тушишимга бир баҳя қолганиям етади. Мана бу еримга келди! – У кафтининг қирраси билан томоғини арралагандек имо қилди. – Ўлгингиз келиб турган бўлса – кетаверинг.

Юзини чир этиб ўгирди-да, ерда ётган патталарни юлқиб олди:

– Кетасизми, қоласизми? – деди кўзимга совуқ чақчайиб.

– Болам-чи, ўғлим-чи? Ўлиб қолади-ку!

– Хайр! Саломат бўлсинлар.

Патталарни жужунча халатининг чўнтагига тикди. Иккала жомадонни кучаниб кўтарганча қий-чув қилиб перронга оқаётган оломон орасига шўнғиди. Жонҳолатда, кетидан югурдим. Одамларни туртиб-суртиб етиб олдим.

– Умар ака! – дедим ялиниб. – Мен-чи? Ҳолим нима кечади?

– Кўтар муни! – У чап қўлидаги жомадонни ерга қўйди. – Сен касофат бўлмасанг, шу кунлар йўқ эди!

Паровоз асабий чинқирди. Оломон бақириб-чақириб, тор эшик олдида тиқилиб қолди.

– Юрсанг-чи тезроқ! Ҳозир поезд жўнайди!

Умар ака шу қадар тажанглик билан бақирдики, ола-кула бўлиб кетган кўзларидан қўрқиб, икки қўлаб жомадонга ёпишдим. Жомадон зил-замбил эди.

Вагонга чиқиб олганимиздан кейин икки кўксим баттар шишганини, кўйлагим сутдан жиққа ҳўл бўлиб кетганини яна сездим. Қулоғимга Музаффарнинг чирқиллаб йиғлаши эшитилди.

– Ўғлим, – дедим унсиз йиғлаб. – Ўлиб қолади...

– Итдан бўлган қурбонликка ярамайди!

Ярқ этиб кўзига қарасам, Умар ака вагон деразасидан ташқарига, ғира-шира қоронғилик чўккан далаларга хотиржам қараб турибди. Ноинсоф! Виждонсиз! Қани иложим бўлса-ю, бўғиб ўлдирсам! Нега кетидан эргашиб кетяпман? Нима рўшнолик кўраман шундан! Хўп, қолдим дейлик. Кейин нима бўлади?

Бир маҳал қулоғим остида Умар акамнинг юпатувчан овози эшитилди:

– Бари бир шунақа бўлиши керак эди-да, Раъно! Қўй, жоним, ўзингниям, мениям қийнама. Тушунсанг-чи... Менгаям осонмас...

Сочимни силаётганини сезиб, сесканиб кетдим. Илон чаққандек бошимни силтаб орқага тортдим.

– Бола... нима бўлади? – дедим инграб. – Ўлиб қолади-ку!

Купеда иккаламиз қолганимизни энди пайқадим. Ҳали бири семиз, бири озғин – икки киши ўралашиб юрганига кўзим тушганди. Иссиқдан қочиб, вагон йўлагига чиқиб кетишганга ўхшайди.

– Раъно! – Умар акам ёнимга ўтириб, елкамдан кучди. – Қилиб бўлмайдиган иш йўқ. Хабаринг бор: закунни яхши биламан. Сен – онасан! Закун сен томонда. Ёш болани онадан тортиб оладиганнинг боши ўнта! ўинг деб кўрсин-чи, ўша чўлоқ! Умрини турмада чиритаман. Бўлди, жоним, йиғлама.

У чўғдек қизиб кетган бошини елкамга қўйди. Елкам ёниб кетгудек бўлди.

– Падарига лаънат! – деди зардасиз сўкиниб. – Муҳаббат шоҳни гадо қилади деса ишонмасдим. Шоҳ эдим, гадо бўлдим! Сен учун. – У жимиб қолди. Бурилиб қарасам, деразага хомуш тикилиб ўтирибди. – Раисликдан ҳайдалдим... налугчи бўлдим. Энди шу иприсқи амалдан ҳам айрилдим, – деди кўзига гусса чўкиб. – Ҳаммаси сен туфайли. Ҳали анча ғалва бор бошимда. Абдурахмонов қийматахтага қўйиб майдалаб ташлайди. Майли, нима бўлса – пешонадан кўрамыз.

Умар акамнинг кўзида меҳр пайдо бўлганини сездим.

– Раъно, – деди яна елкамдан қучиб. – Билиб қўй, сени деб ҳамма нарсамдан кечдим. Ҳаммасини қурбон қилдим. – У изтиробли жилмайди. – Сен учун... Эсингдан чиқмасин...

– Оберасиз-а? – дедим ялиниб. – Музаффарни ўзимга оберасиз-а!

– Айтдим-ку: қонун сен томонда. – Умар акам уф тортди. Лабини буриб, ғалати илжайди. – Тавба! Осмон-фалакда учиб юрган одам ҳоли нима кечишини билмас экан.

– Кўкрагим оғриб кетяпти, – дедим ростини айтиб.

– Соғиб ташла! – У шошилмай ўрнидан турди. – Уялма, ҳеч ким кирмайди, пойлаб тураман.

Умримда биринчи марта ўғлимнинг насибасини, она сутини ерга соғдим. Деразага термилиб турганча... Поезд елиб борар, дераза ортидан нимқоронғи зулматда мудраган ўрикзорлар, ярим ўрилган буғдойзорлар лип-лип ўтар, кўкрагимни қисган сайин енгил тортардим. Енгил тортардимму қулоғим остида боламнинг чириллаб йиғлаши эшитилиб турарди.

– Бўлдимиз? – Умар акам қайтиб келиб ёнимда турганча деразага тикилди. – Билиб қўй, Раъно, аввалига қийин бўлади. Акам – феъли тор одам. Лекин ўлмаган қул... Насибамизни топиб ермиз. Кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади. Борган заҳоти ЗАГСдан ўтамиз. Ниятингга етадиган бўлдинг...

Филдиракларнинг тарақ-туруғи орасида яна Музаффарнинг йиғиси қулоғимга киргандек бўлди.

– Умар ака? – унинг юзига юзимни босиб йиғлаб юбордим. – Боламини кўргим келяпти.

– Бўлди, жоним бўлди. Тўғрилаймиз. Бир ҳафтадан кейин яна Тошкентга келишим керак. Инспекцияга кирмасам бўлмайди. Начора, яна тоғамнинг оёғига йиқиламан.

Бир ҳафта! Етти кун ким боқади эмизикли болани! Ўлади-ку! Очидан ўлади-ку! Тоғаси билан нима ишим бор! Менга ўғлим керак! Болам керак!

– Умар ака! – Ўриндиқлар орасидаги тор, тамаки қолдиқлари сочилиб ётган жойга чўккалаб ўтирган нимча унинг чанг босган этигини силадим. – Жон Умар ака! Бир умр қулингиз бўлай! Майли, тўй қилмасангиз ҳам, ЗАГСдан ўтмасангиз ҳам... Ҳаммасига розиман. Қийнаманг, болани қийнаманг!

– Хўп! – Умар акам қўлтиғимдан кўтариб турғизди. Титраб турган кафти билан кўз ёшимни артиб жилмайди. – Ҳаммаси жойида бўлади, дедим-ку, саннайвермада, юракни сиқиб! Қара, йўлакда одамлар турибди...

* * *

Фиштқўприк маҳалласига кириб келганимизда кун қизиб кетган, тор кўчалар кимсасиз, аҳён-аҳёнда от-аравалар, бола етаклаган, паранжи ёпинган хотинлар ўтиб қоларди. Кечаси поездда яхши ухламаганим учун бошим ғувиллар, қу-

логимда филдиракларнинг тақа-туқ овозига қўшилиб, ўғлимнинг йиғиси эшитилиб турарди.

Ҳовончадек тор, аммо ёғ тушса ялагудек қилиб супурилган топ-тоза ҳовлига кирдик. Ҳовли ўртасидаги бир туп шотут фарқ пишган, ерда сиёҳранг доғлар кўкариб қолган эди. Ҳовлининг икки томонида пастак уйлар, устунига нақш солинган айвон...

Айвондан оппоқ кўйлак, оёғига кавуш кийган ранги захил одам тушиб келди. Икки чакаги ич-ичига кириб кетган, афтига қараб ёшини аниқлаб бўлмайти, фақат кўзлари, «Қани, дилингда нима бор?» дегандек одамга синчиклаб тикиладиган кўзлари Умар акамникига ўхшайди. Қизиқ, уни бир кўришдаёқ эгим сесканиб кетди.

– Ака, биз келдик! – деди Умар акам кинояли кулимсираб. Жомадонларни ерга қўйиб, қўл чўзган эди, акаси ипдай бармоқларини истар-истамас узатди.

– Бу – келинингиз! – Умар акам менга имо қилиб яна хижолатли илжайди.

Шоша-пиша салом берган эдим, қайноғам совуққина «валеи» деди-ю, қисқа-қисқа йўталиб, негадир ҳовли бурчагига йўл олди. Шотутдан нарига ўтганида уй томонга қараб, ожиз овоз берди:

– Ойсара, меҳмонларга қара!

Йўтала-йўтала бурчакдаги бостирма томонга кетаверди. Унинг бутун қиёфасидан: «Кўзим учиб турувди сенларга!» деган таънали маънони уқдим.

Уй ичидан бола кўтарган хотин чиқди. «Овсиним!» деган хаёл кўнглимдан лип этиб ўтди. Тўла, оппоққина юзли, енги кенг одми кўйлак кийиб олган хотин боласини бағрига босганча айвонда бир зум туриб қолди. Ранги ўчгандек бўлди. Кейин ялангоёқ юриб яқин келди.

– Қаёқдан кун чиқди! – деди ясамароқ илжайиб. Елкамга қоқиб кўришаётганида, беихтиёр болага қарадим. Олти ойлар чамасидаги сўлқилдоқ боланинг бошига оппоқ тўр дўппи кийғизиб қўйилган, бола ипга тизилган кўзмунчоқ тақиғлиқ дўмбоқ қўлчаларини силкитиб нуқул гувранар эди. Димоғимга гўдак иси урилиши билан бошим айланиб кетди. Қулоғим остида яна Музаффарнинг чинқириб йиғлагани эшитилгандек бўлди.

– Кўтаришсанг-чи, ҳой!

Умар акамнинг зардали хитобидан ўзимга келдим. Жомадонлардан бирини кўтариб, деразасига қалин парда тутилган, нимқоронғи уйга кирдик.

Ойсара опа ётгиси келмай, ҳадеб гингшиётган болани бешикка боғлаб, дастурхон ёзди. Нон, бодом, шинни келтириб қўйди.

– Чарчамай келдингизларми? – деди чой узатаркан. – Йўл азоби гўр азоби. Майли, зиёни йўқ, ўтиб кетади.

– Ўғилми? – Биринчи саволим шу бўлди.

Ойсара бешикка қараб жилмайди.

– Қиз. Каттаси ўғил.

«Менинг ҳам ўғлим бор». Оғзимдан шу гап чиқиб кетишига бир баҳя қолди. Овсиним худди ичимдаги гапни билиб олаётгандай, кўзимга синчиклаб тикилиб турганини пайқадиму қўрқа-писа тескари қарадим.

– Тўйингларга айтмабсизларам, борардик, топганимизни олиб. – Зимдан қарасам, назаримда истеҳзо билан кулиб тургандай бўлди. Куладиям-да. Куладиям, эзадиям. Синглисининг кундоши бўламану тинч қўярмиди! Ажалим шу хотиннинг қўлида шекилли... Юзимни ўгирдим. Сезиб ўтирибман, икки кўзи менда. «Қани, синглимдан ниманг ортиқ экан, кўз-кўзга тушаркан-ку, итдек ялиниб келаркансан-ку», деяпти.

Бешик гирчиллади. Қизалоқ йиғлади. Ойсара шошилмай бориб, бешик ёнига чўккалади. Болага кўкрак тутди. Қизалоқ тамшаниб эма бошлади.

Кўкрагимга тагин оғриқ турди. Болам! Боламнинг ҳоли нима кечди? Кечаси билан нима қилди? Уч ойлик гўдак онасиз нима бўлади? Дод солиб, сочимни юлганча кўчага отилгим, Тошкентга пиёда жўнагим келарди.

Ташқаридан келган овозлардан сергакландим. Ака-ука гаплашяпти. Аввалига паст овозда гудраниб туришди-да, кейин иккови ҳам асабийлаша бошлади шекилли, овози кўтарилди.

– Сен, ҳаром-харишнинг фарқига бормайдиган даъюс, росмана никоҳ ўқитиб, тўй қилганинга ишонмайман. – Қайноғам қисқа-қисқа, аммо узоқ йўталди. Туфлади. – Номаҳрам хотинни уйга киргизмайман.

– Ўтакангиз ёрилмасин. – Бу Умар акамнинг овози эди. – Уйингизда кўп турмаймиз. Нариси билан кузгача. Кейин уй топаман. Яхлит пул оладиган жойим бор. Аввал баъзи ишларни тўғирлаб олай.

– Нима ҳунар кўрсатдилар? – Акаси негадир Умар акамни сизлай бошлади. – Очиғини айтаверинг, илми тўкис.

– Терговчилардан чарчаганман! – Умар акам тажанглаша бошлади, овози янаям баландлашди. – Қўқонни соғиндим. Бор гап шу. Адвокатурада ишламоқчиман.

Қайноғам тагин йўталди.

– Олса ишлайдилар-да, илми тўкис!

– Нима, мен душманмидим? Раҳбарлик лавозимда ишлаган кадровий работникман.

– Майли охири бахайр бўлсин... Ўртада фарзанд йўқми, ишқилиб? Қўрқмасинлар, ростини айтаверсинлар.

Бутун вужудим қулоққа айланди. Бола эми-зиб ўтирган Ойсара ҳам, бешикдаги қизалоқ ҳам – ҳаммасини унутдим. Ҳатто қулоғимда кечадан бери янграб турган ўғлимнинг йиғисиям бир лаҳза тингандек бўлди.

– Йўқ!

Умар акам бу гапни шу қадар ишонч билан айтдики, чаён чаққан одамдай сапчиб туриб, бора солиб ёқасига ёпишгим келди. Бешикни қучоқлаб ўтирган овсиним безовталаниб қолганимни сезди.

– Ёнбошлайдиларми, пошша келин? – деди ачитиб. – Жой солиб берай. Ёшсиз, чарчагансиз.

Қандай кунларга қолдим! Нима қилиб қўйдим ўзи! Беихтиёр яна ташқарига қулоқ солдим.

– Бўлар иш бўлди. – Қайноғам ожиз, кучаниб йўталди. – Майли, ҳаммасини таомилдагидек қиламиз...

Қайноғам айтгандек ҳаммаси таомилдагидек бўлди. Юртга бўлмасаям маҳаллага ош тортилади. Атлас қўйлак кийгизиб чимилдиққа киргизишди. Қўни-қўшнилари «Тошкентлик чиройли келинни» кўриш учун пайдар-пай киришди. «Тошкентлик келин» икки букилиб салом қилди. Бармоқ учига пиёла қўндириб, чой узатди. Хотин-халаж «бир қошиқ сув билан ютгули» келинни «қўшақаринлар, қўчқордай ўғиллар берсин», деб дуо қилди. Билмайдикки, «Тошкентлик келин» «қўчқордай ўғлини» ўлим чангалига ташлаб келган! Билмайдикки, «бир қошиқ сув билан ютгудек» келинпошша салом қиляптию, шишиб кетган кўкрагининг оғриғига чидолмай тўлғаняпти. Билмайдикки, овсинининг қизчаси йиғлаганида ўзининг ўғли чирқиллагани эсига тушиб, сочини юлгудек бўляпти. Жилла қурса, шу қизчани бағрига босиб эмизгиси, бир зум кўзини юмиб, ўз боласини қучоғига олгандай ҳузур

қилгиси келяпти. Билмайди! Ҳеч ким билмайди! Аммо Умар акам билади-ку, ҳаммасини билади-ку!

...Ўша кечаси овсиним (лаблари истеҳзо билан муттасил қийшайиб турадиган овсиним) солиб берган тўшакда ётарканман, дод деб юбормаслик учун лабимни тишлаб, Умар акамдан сўрадим:

– Нимага унақа дедингиз!

– Қачон? Кимга? – деди Умар акам чарчоқ оҳангда.

– Келган кунимиз! Акангизга!

Умар акам кинояли кулимсиради.

– Ўша гапни ҳалиям кўтариб юрибман, денг. Бўл-маса эшитиб қўйинг! – У папирос тутатиб кўзимга қаттиқ тикилди. – Биринчидан, «акангиз» деманг! Менинг акам – сизнинг дадангиз бўлади. Бугундан бошлаб «дада» дейсиз. Иккинчидан, – у анча ўйла-ниб қолди. – Акам, – деди тутун қайтариб, – инсофли одам. Кўриб турибсиз, укам Тошкентдан келин олиб келди, деб юртга маълум қилди. Ўзингизнинг ния-тингиз ҳам шу эди. Тўғрими ахир!

Дамим ичимга тушиб кетди. У ҳамиша ҳақли бўлгани сингари ҳозир ҳам тўғри гапирарди. Ҳам-маси рост! Ҳалоллаб олинг, деган – мен! Қонуний хотинингиз бўлай деб ялинган – мен! Умар акани Кўтармадан оломон қилиб ҳайдашганидан кейин ҳам кўнгил узолмаган, раҳмим келганидан отчёт топшириш баҳонасида Домдеҳқондаги ҳужрасига бориб юрган – мен! Ҳаммаси – мен! Мен – ўша аҳ-моқ! Лекин бир ҳафта аввал поездга чиққанимда ўзи нима деганди? Қанақа ваъда беганди?

– Нимага алдадингиз? Нимага-а-а? – Овозим чиқмасин, деб лўлаболишни тишлаганча, бутун вужудим тўлганиб инградим. – Нимага унақа қила-сиз. Бир ҳафтадан ошиб кетди-ку. Болангни олиб келаман деб ваъда берувдингиз-ку!

– Раъно! – Умар акам ёнимга чўккалади. – Биласан, мен сўзидан қайтадиган одам эмасман. Раз ваъда бердимми, опкеламан. Айтим-ку закон сен та-рафда! Акамгаям ётиғи билан тушунтираман! Албат-та, бировдан бўлган деёлмайман, ўзимники дейман.

– Қачон? Қачон ахир? – Тишимни тишимга қўяман деб ҳарчанд уринмай, овозим ташқарига чиқиб кетди. – Қачон?

– Тише! – Умар акам бармоғини лабига босиб таҳдид қилди. – Жуда бўлмаса кичик чиллангиз чиқсин, келинпошша, – деди асабий кулиб. Лекин ўша заҳоти сочимни силади. – Майли, яна уч-тўрт кун ўтсин! Одамлар куёвнинг миждози сушт экан, ҳафта ўтмай ойдек келинни ташлаб қочиб кетиб-ди, демасин.

– Ўлади-ку! Болам ўлади-ку! – Нима қилаётганимни ўзим ҳам билмай, Умар акамнинг тиззасидан қучоқлаб ялина бошладим. – Тушунсангиз-чи, Умар ака! Шунчалик бағритошмисиз?! Раҳмингиз келмайдими? Мени шунчалик ёмон кўрасизми?!

– Раъно! – Унинг овози секин, аммо қилич зарбидек кескин жаранглади. – Агар сени ёмон кўрсам бу ёқларга олиб келмасдим. Гап битта! Ўн кун ичида болангни обкеб бераман!

...Роппа-роса ўн кундан кейин Умар акам йўлга отланди. Лекин орадан ўтган яна бир ҳафта-чи? Боламни кўрмаганимга ўн саккиз кун бўлди! Ҳоли нима кечдийкин. Жони соғмикин ўзи? Умар акам хайрлаша туриб, юзимдан ўпиб тайинлади:

– Раъно! Жоним! Янгамдан узоқроқ юр. Илжайиб тургани билан ичи тўла заҳар! Синглисини қўйиб юборганимга чидолмайди, билдингми? Алоҳида овқат сузса – ема! Мен нарисин билан уч кунда келаман. Хужжатларимга доғ тушурмасдан олиб келишим керак. Аммо ўзингни эҳтиёт қил, тушундингми?

Нимага тушунмай? Ёш боламанми? Ойсара отишга ўқ тополмай юрганини билмайманми? Ҳар гапида найза санчиб туришини, етти яшар ўғли «аяча» деб олдимга кирса, «Йўлдошхон, аячангни тинч қўй, баққа ке», деб чақириб олишини, талпинчоқ қизчасига термилиб қарасам, билагига яна бир шода кўзмунчоқ осиб қўйиши, «бегоналар кириб-чиқяпти», деб ҳар куни уч мартадан исириқ тугатишини пайқамай эсимни ебманми! Менам тирноққа зор тумса хотин эмасман. Мениям болам бор! Пахлавондек ўғлим бор. Эрта-индин келади. Умар акам олиб келади! Шомурод ака бермайман, деб кўрсин-чи! Умар акам қонун китобини олдига очиб қўяди. «Қани, чўз бу ёққа болани!» дейди.

Умар акам уч кунда эмас, беш кунда қайтди. Қоқ пешин эди. Ҳовлидаги шотут шохида чирил-лаётган чумчуқлар ин-инига кириб кетган, ҳамма ёққа мудроқ сокинлик чўккан, шамол ҳам иссиқдан безор бўлиб, аллақаёққа беркингандай... Салқин уйда Ойсара дўппига гул босар, мен жияк тикар эдим. Бешиқда қизалоқ ухлаб ётибди. Йўлдошхон шу иссиқда кўчага чиқиб кетган.

Эшик томондан гурсиллаган қадам товуши келди. Умар акам! Шаҳдам одим ташлашидан билламан! Айвонга, ундан ҳовлига отилдим. Ҳозир, ҳозир ўғлимни кўраман! Кечадан бери кўкрагим ёрилиб кетай деяпти. Тўйиб-тўйиб эмсин! Роҳат қилиб эмизай!

Елкасида қоп, қўлида жомадон кўтарган Умар акамни кўриб тўхтаб қолдим. Юрагим гурсиллаб урар, кўзларим кўча эшик томонга термилиб, бир нуқтада қотиб қолгандек эди. Бундан чиқди яна биров бор. Музаффарни бошқа бир одам кўтариб келяпти.

Умар акамнинг олдига қандай учиб борганимни билмайман.

– Қани?

Чамамда бу сўз бўғзимдан бутун оламни титра-тиб юборадиган ҳайқириқ бўлиб отилиб чиқди. Аммо кейин билсам, шивирлаб сўраган эканман.

– Қани?

– Уйга кирайлик! – Умар ака негадир менгамас, айвон томонга қараб гапирди. Беҳуш бир алпозда бурилиб қарасам, айвонда Ойсара илжайиб турибди.

Умар акам шоҳи кителининг енги билан пешонасидан оқиб тушаётган терни арти-да, жомадонни яна кўтарди. Уй томонга (қайноғам ажратиб берган ўзимизнинг уй томонга) юрган эди, эсидан айрилган одамдек кетидан эргашдим.

Умар акам кавшандоз яқинидаги ҳаникка қопни ташлаб, уф тортди. Жомадонни қўйиб, тагин енги билан пешонасини артди.

– Раъно! – деди секин. – Сен ақлли хотинсан...

– Қани? – Нафасим қайтиб кетганини сезиб турар, кўз ўнгимни сарғиш туман қоплай бошлаган эди. – Қани?

– Раъно, ўзингни бос, жоним! – Умар ака тердан шилта бўлиб кетган кафтини елкамга қўйди. – Ҳаммаси изга тушиб кетади. Кўрасан!

– Қани-и-и? – Бўғзимдан шу қадар ёввойи чинқириқ отилиб чиқдики, ўзимнинг ҳам қулоғим тешилиб кетай деди.

– Нобуд бўпти... Менга қара Раъно! Раъно!!!

– Йўқол! Йўқол!

Кейин нима бўлганини билмайман. Кўзимни очсам, овсинимнинг баркашдек юзи бошим устида турибди. Нимага ўз ҳолимга қўймайди бу жодугар? Қанақа жойга келиб қолдим ўзи? Бири боламини ўлдирса, бирининг юзидан заҳар томса, яна бири ҳузур қилиб илжайса! Энди ўлган ўғлимга йиғлашга ҳам ҳаққим йўқми? Қани, анави! Совуқ хабар опкелишга обкелиб ўзи қаёққа гойиб бўлди?

Олазарақ бўлиб ўрнимдан тураётган эдим Ой-сара негадир елкамдан қучоқлади. Юзини юзимга босди.

– Раънохон, қўйинг,– деди шивирлаб. – Хафа бўлманг. Менам иккисини ерга қўйганман. Насиб этса...

Нима? Нима деяпти? Қаёқдан билди! Нима де-моқчи! Энди боламнинг ўлганигаям севинаяптими?

– Синглим. Жон синглим... – Унинг овози титраб кетди. – Нимага мендан қочасиз! Нимага ишон-майсиз! Мен ҳам хотин кишиман-ку, онаман-ку, синглим! Биладан! – У қўйлагининг кенг енгини мижжасига босди. Ҳаммасини биладан! Келган кун-нингиздаёқ сезгандим. Қўйинг, ўзингизни босинг. Менинг болам, сизнинг болангиз эмасми, Раъно-хон! Ана, хоҳланг ўғлимни олинг, хоҳланг қизимни!

Бунақа пайтда одам ёш болага айланиб қолар-кан. Ёш бола йиқилсаю ҳеч ким юпатмаса, туриб кетаверади. Биров меҳрибончилик қилса ўксиниб йиғлайди.

Ўкраб юбордим.

– Опажон! Қандоқ кунларга қолдим, опажон! Айтинг, нима қилай, опажон!

– Бўлди, жоним, бўлди! – У оғзимга бир пиёла совуқ чой тутди. Жилмайди. Шунча кундан бери мазах қилиб кулади десам, йўқ, чин дилдан, меҳр билан жилмайиб қарар экан. Ҳозир билдим.

– Ўғлим... бор эди, опажон, – дедим инграб.

– Ҳали-чи, қўша-қўша ўғиллар кўрасиз, жоним! – У яна жилмайиб бошимни силади. – Кўрасиз, бир этак болага ўралашиб қоласиз. Ҳасан-Ҳусан ўғил-ларингизни ўзим кўтариб катта қиламан.

– Музаффар! Ўғлим... – Беҳуш бир алпозда Ой-сарани қучоқлаб олдим. – Опажон...

Боланинг уволига қолдим. Ўз боламнинг ўлимига сабабчи бўлдим. Мен ҳам одамманми? Мен ҳам онаманми! Йўқ, ҳаммасига Шомурод ака айбдор! Майли, мен-ку ёмон эканман, болада нима гуноҳ! Кечагина дунёга келган гўдакнинг айби нима?! Хўжа – дўст, буви – душман деб болани олиб қолиб нима қилардинг, гўдакнинг уволи тутгур ноинсоф! Бу кунингдан баттар бўлгур чўлоқ! Не-не навқирон йигитларнинг жонини олган ўқлардан биттагинаси сенга тега қолса бўлмасмиди?

Нима деяпман ўзи? Шомурод аканинг гуноҳи нима?

Ҳаммасини Умар ака қилди. Мени абгор қилган шу. Совуган ошми – баломи, турмушим ўтиб турувди-ку! Аввалгидек яхши кўраманми-йўқми, эрим билан яшаб кетардим-ку, бари бир! Ўша кунни Шомурод акамга овқат олиб кетаётганимда қай палакат босиб олдимдан чиқди. Кўпдан бери қорасини кўрсатмай кетган эди-ку. «Аслида эринг у эмас, менман», деб ялинганида мен уятсиз нега башарасига тарсаки тушурмадим. Ахир энди она эдим-ку! Болам бор эди-ку. Нима қилардим, ўчган оловни титкилаб! Биз ёқсак-да, алангасида бегуноҳ гўдак куйиб, жизғанак бўлса! Бу қандоқ жазо! Йўқ, болам тирик қолиши мумкин эди. Шу номард Тошкентга боришни пайсалга солмаса тирик қоларди.

Нима деди? «Жонимни гаровга қўйиб Кўтармага бордим», дедими? «Сен учун, бола учун бордим, селсоветга кириб, ҳужжатларни тўғриламоқчи эдим. Нима қилай чақалоқ бир ҳафта бурун нобуд бўлган экан», дедими?

Оёғига йиқилиб йиғладим:

– «Умар ака, шу гап ростми? Ишонмайман, ишонмайман!»

Шунда нима деди?

«– Нима қилай жоним! Бордим. Билдим! Ёлғон гапирсам, гўрда ётган онам хотиним бўлсин! Нима қилай ахир! Бордим-ку! Мозориниям кўриб келдим! Тагин нима ҳақинг қолди?!» Худди шунақа деди. Куйиб-ёниб айтди.

Тўғри-да, тагин нима қилсин! Жонини тикиб бо-рибди-ку ахир? Қўрқмабди-ку! Биламан, одамлар уни шусиз ҳам ёмон кўрарди. Ҳалиям тошбўрон қилиб юбормабди-да! Аслида Умар аканинг айби нима эди? Бари бир, ҳаммаси шу одамга ёпишгани нотўғри бўлди. Уруш эди, замон офир эди. Бировни урди, бировни сўкди. Бировга ялинди. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганман-ку! Нима қилса юрт учун қилди. Уруш тезроқ бита қолсин деди.

Бундан чиқди ҳамма гуноҳ ўзимда экан-да! Нимага? Айбим нима! Шу одамни севганимми! Агар яхши кўриш айб бўлса... бу дунёда беайб одамнинг ўзи борми? Майли ким нима деса – десин! Қўйиниям ўз оёғидан осади, эчкиниям. Фақат... нимага энди бировларнинг гуноҳи учун ёш бола жавоб бериши керак?! Нимага?! Адолат борми ўзи бу дунёда?

Кечаси чироқ кўтариб кетаётган одам бир қадам нарини кўролмайдди. Чироқ ўзидан бошқа ҳеч кимни ёритмайди. Аммо қўлидаги чироқ ҳарқалай далда беради. Менинг қўлимдаги чироқ – Ойсара опа эди. Мен ашаддий душман деб ўйлаган, эртами-кечми сингисининг қасдини олади деб кўрққан одамим энг меҳрибон кишимга айланиб қолди. «Аячанг ёлғиз қолмасин», деб ўғлини бағримга солиб қўйди. Ҳар куни минг маргалаб битта гапни қайтаради: «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса – ўн беши ёруғ, синглим. Янаги йил шу кунларда қўчқордек ўғил кўрасиз. Мени айтди дерсиз...»

Қизиқ ўз-ўзидан сутим қочиб кетди. Лекин ҳамон ўғлимнинг йиғиси қулоғим остида эшитилиб

қолар, қўлларини силкитиб қўксимга талпинаёт-
гандек тушларимга кириб чиқар эди.

Умар акамни адвокатурага ишга олишмади.
Ўша куни кечқурун ака-ука даҳанаки жанг қи-
лишди.

Кечки овқатдан кейин қайноғам, одатдагидек
ёнбошидаги сопол тупдонга балғам ташлаб, синч-
ков кўзларини Умар акамга қадаганча сўради.

– Хўш, мулла, бағи нима бўлади энди?

– Юридик соҳасида ишламайман, – деди Умар акам
асабийлашгандан мўйлови титраб. – Чарчадим.

– Ишламайман деманг, мулла, ишлатишмайди,
денг. Аввал ўзингизни орқангизни тозалаб олинг,
дейишди, денг.

Умар акамнинг ранги қув ўчиб кетди.

– Менга қаранг, ака! – деди дағдаға билан. –
Писанда қилманг! Сиздақалардан мингтасини
ётқизиб турғизганман. Хоҳласам ҳалиям қудра-
тим етади.

– Албатта-да! Сиз илми одамсиз. Зўрсиз! Қонун-
ни яхши биласиз. – Қайноғамни йўтал тутди. – Давр
келди сур бегим, деб босар-тусарингизни билмай
қолдингиз, тофангизга суяниб бегуноҳ одамларни
турмага тикдингиз, – деди энтикиб. Заҳарханда
билан илжайди. – Мана энди ҳеч ким эмассиз. Шу-
нақа, мулла, емоқнинг қусмоғиям бўлади.

– Мен нима ебман?! – Умар акам сапчиб ўрни-
дан туриб кетди. Худди қамчи тутгандек қўлини
баланд кўтарди. – Қани, нима демоқчисиз?

Жонҳолатда эримнинг қўлига ёпишдим.

– Қўйинг, – дедим ялиниб, – дада, сиз ҳам қўя
қолинг энди.

Ойсара опа мунғайиб қолган, на эрига, на Умар
акамга бир оғиз гапиришга журъат этолмай, нуқул
киприкларини пирпиратар, бурчакда бешик ги-

чирлар, қизалоқ рингшир эди. Қайноғам қилт этмади, ўтирган жойида бошини кўтариб, кимсан, нима деяпсан деб укасига қарамадиям.

– Таъна қилманг, хўпми? – Умар акам шиддат билан қайноғамнинг устига эгилди. – Сизга гапни ким қўйибди, – деди пишқириб. – Сиз урушдан қочиб, кавакка тиқилиб ётганингизда мен қон ютиб, бутун бир колхозни бошқардим!

– Қон ютган сенми – менми? Ана, кўриб қўй! – Қайноғам ипдай ингичка бармоғи билан тупдонга имо қилди. – Сен одамларнинг бошида от ўйнатиб қарилаб юрганингда мен фабрикада бўз тўқидим. Яримта ўпкам билан икки исменлаб ишладим.

– Биладан! Сиз бўз тўқигансиз. Хотинингиз дўппифурушлик қилган. Тегिशли жойга бир оғиз айтсам, оёғингиз осмондан бўлиб кетади. Хусусий мулкчилар! Буржуйлар! Ҳамма қилмишларинг тирноғимнинг юзида!

– Ҳароми! – Қайноғам каловланиб ўрнидан турди. – Оқпадар! – деди бутун вужуди қалтираб. – Эсингни танибсанки, одамларга ёмонлик қиласан. Мана! Қамата қол! Оттириб юбор! – У ёш боланикидек кичкина мушти билан кўкрагига муштлади. – Ўлдириб қўя қол!

Боядан бери мунғайиб ўтирган Ойсара опа тура солиб, эрини қучоқлаб олди.

– Дадаси! – деди йиғлаб. – Уят бўлади! Қўни-қўшни эшитса нима дейди? Андиша қилинглар ахир!

– Андиша? Шунда андиша борми! – Қайноғамни тағин йўтал тутди. Бу сафар букилиб-букилиб йўтала бошлади. Ҳолсизланиб чўккалаб қолди. Умар акам ҳамон унинг бошида хезланиб турарди. – Йўқ, – деди қайноғам, афсус-надомат билан бош чайқаб, – бу андишадан кейин туғилган. Ачинман! – У дармонсизлик билан бошини кўтариб

менга қаради. Қовжираган кўзларида мунг бор эди. – Ачинаман сизга, қизим. Ёмоннинг тузоғига тушибсиз. Бари бир бахтиқаро қилади.

– Ўв! – Умар акам кўзидан ўт чақнаб оёғини кўтарди. Бир тепиб акасини пачақлаб ташлагудек бўлди-ю, тепмади. – Ўв сили-симён! – деди хириллаб. – Энди менинг оиламни бузмоқчимисан? Хотинимни жўнатиб, бир йўла мендан ҳам қутулмоқчимисан? Мана! – У хунук қилиқ қилди. – Эртагаёқ судга бериб, ҳовлининг ярмини бўлиб оламан! Бу жойлар менга отамерос.

– Олақол! Ҳаммасини олақол. Сен турган ҳовли менга ҳаром. Мен кўчиб кетаман.

– Вой шўрим! – Ойсара опа талмовсираб қолди. – Икки бола билан қайси эшикка бош уриб борамиз. – У нажот кутгандек кўзимга шу қадар мунг билан қарадики, Умар акамнинг ёқасига ёпишиб, силкитдим.

– Уят борми сизда? Нима деяпсиз?

– Э, торг-е! – У бир силтаб қўлимни ёқасидан олиб ташлади. – Сенам шуларга ҳамтовоқсан!

– Ана, қизим! – Қайноғам оғир-оғир бош чайқади. – Хоҳласа сизниям қаматади. Қонунни биласан-да!

– Гап шу! Эртадан заводда ишлайсан. Сенам совуннинг сассиғини бир ҳидлагин.

– Мен ишламайман, дедимми! – Гап бошқа ёққа айланганидан хиёл таскин топдим. – Қачондан буён ишга кираман деяпман-ку!

...Ўша жанжалдан кейин Умар акам қозонни алоҳида қилди. Аммо деяли ҳар куни овқатни Ойсара опа тайёрлаб кўярди. Биз – эр-хотин ёғ заводида ишлаймиз. Иш оғирмас, ҳавоси оғир. Кун бўйи кунжара ҳиди, ёғ иси, совун иси аралашиб димоққа ўтириб қолади. Одамнинг кўнгли беҳузур

бўлиб кетади... Уч ойча ўтгандан кейин кўнглимнинг беҳузур бўлиши фақат заводдаги ислардан эмаслигини пайқадим. Ойсара опа рост айтган экан: ойнинг ўн беши қоронғи бўлса ўн беши ёруф экан... Анор егим келарди...

Фарқ пишиқчиликда кўзим ёриди. Худо Музаффаримнинг ўрнига ўрин фарзанд ато қилди. Қизчамнинг аллақаери Музаффарга ўхшаб кетар эди.

Умар акам «ҳалиям даври келишига», ишлари гумбур бўлиб кетишига ишонар, ҳадеганда омади юришмаганидан асабийлашар эди... Тошкентга серқатнов бўлиб қолди. «У ёқда душманларингиз кўп, нима қиласиз бориб», десам нуқул битта гапни қайтарар эди. «Аҳмоқ эканман! Шунча йил елиб-югуриб, хемиригаям эга бўлмабман! Мана, энди ҳаммасини законний қиламан!»

...Эсимда йўқ, бундан уч йилми-тўрт йил олдин Умар акам Тошкентга яна бориб гап топиб келди.

– Анави чўлоғинг уйланибди, Раъно.

Нима ишим бор! Менга деса юз марта уйланмайдими? Нега энди «менинг чўлоғим» бўларкан!

Энсам қотиб индамаган эдим, Умар акам кулди.

– Кимга деб сўрамайсан ҳам! Робияга уйланибди! Анави Ҳусан думанинг асрандиси бор эди-ку, ўшанга. Дарров туғибам берибди: ўғил!

Умар акам «ўғил» дейиши билан Музаффар эсимга тушди. Юрагим зил кетди. Майли! ҳеч кимга ёмонлик тиламайман. Аммо боламдан жудо қилган, ўғлимнинг ўлимига сабабчи бўлган анави чўлоқни у дунёю бу дунё кечирмайман. Унгаям боққан бало бордир.

Аччиқни аччиқ кесади, дейишарди. Баъзан аччиқни ширин ҳам кесаркан. Насиба Музаффарнинг доғини ювиб ташлади. Қизалоғим катта бўлган сари ўғлимнинг хотираси хаёлимдан ўчиб бо-

рарди. Тақдирга тан бериш – дононинг иши. Бўлар иш бўлди. Ўғлим нобуд бўлди. Фарзанд доғини кўрган битта менми! Ношукурчилик қилишнинг нима кераги бор! Мана, ўрнига ўрин толе яна фарзанд ато қилди-ку. Тагин нима керак!

Шундай бўлсаям аҳён-аҳёнда ўғлим тушимга кириб қолар, чўчиб уйғонсам, чирқиллаб йиғлаётгани анчагача қулоғимда янграб турарди.

Бундан чиқди Музаффар тушларимга кириши бежиз эмас экан-да! Болам тирик экан-да!

Қўқонга кўчиб келган кунларимиз эрим қайноғамга «унадиган яхлит пул бор» деганида нимани назарда тутганини, нима учун кейинги пайтларда Тошкентга бўзчини моксидек қатнаётганини, мана энди тушундим. Мен – содда ҳеч балога ақлим етмай юраверибман.

Уч кун аввал у Тошкентдан қовоқ-тумшуғи осилиб қайтди. Қоши чимирилган. Чақмоқ телпагини қийшиқ қўндириб олган. (Хаёлимга ғалати ўй келди. Чақмоқ телпакка мунча ишқибоз бўлмаса! Анча йил аввал Кўтармада Парча опа билан юлишиб, «маданий»га тушиб кетганидан бери бунақа телпак киймасди. Тошкентга бориб, яна топиб кепти-да!)

Кулимсираб, салом берган эдим, юзини ўгирди. «Шойи галстук олиб келдингизми, дада», деб бўйнига осилган Насибани ҳам зарда билан нари сурди-да, менга буюрди:

– Уйга кир!

Ҳайрон бўлиб, рўпарасига чўккалаган эдим, тўсатдан кўзимга тикилиб сўради:

– Қачонгача етимларникини юламиз? Том сола-мизми-йўқми?

– Қанақа етим? – дедим ҳайрон бўлиб. – Ким етим?

У, «сенга гапирдим нимаю гапирмадим нима», дегандек энсаси қотиб, лабини бурди.

– Акамнинг болаларини айтаман, аҳмоқ! Тошкентдан акамга дўхтир олиб келмоқчи эдим. Мақсудов деган профессорга учрашдим. Акам – сил, ўн беш йилдан бери касал, уч ой бўлди, ўрнидан туролмай қолди, десам, шунча яшаганига шукур қилаверинг, энди ўнганмайди, тайёргарлигингизни кўринг», деди.

Эрта куздан буён ўрнидан туролмай қолган қайноғам кўз ўнгимга келди-ю, ачиниб кетдим.

– Иложи йўқ эканми?

– Тагин гапиради-я! – Умар акам уҳ тортди. – Уйингдан кавушдек ўлик чиқса, тоғдек харажатни етаклаб кетади. Акам – жигарим-ку! Жиянларам менинг зиммамда қолади энди.

Бечора қайноғам! Нимага бу дунё шунақа тескари! Ўн йил илгари шу хонадонга қадам босганимда қайноғамниям, Ойсара опамларниям ёмон кўрувдим. Билсам, дунёда энг яхши одамлар шулар экан.

– Энди нима қиламиз? – дедим бўшашиб.

Умар акам папирос тутатди.

– Шу-да хотин зоти! – деди негадир жаҳли чиқиб.

– Қилғилиқни қилиб қўяди-да, «нима қилай», деб безрайиб тураверади!

Қизиқ! Мен нима қипман! Рўзфорингни ажратиб ол дебманми!

– Раъно! – Умар акам кўзимга жиддият билан тикилди. – Ҳовлини сотамиз. Умрбод сифинди бўлиб туролмаймиз-ку! Ўзимизгаям уй-жой солиш керакми? Акам ўлгани билан Йўлдошхон эрта-индин уйланади-ку!

Ҳайрон қолдим.

– Қанақа ҳовлини айтасиз?

Умар акам жаҳл билан папиросни хонтахта устида турган пиёлага эзгилади.

– Ҳўкизнинг қулоғига танбур чертяпманми? – деди тишини гижирлатиб. – Тошкентдаги ҳовлини айтаман, қовоқбош! Тошкентда отангдан қолган ҳайҳотдай уй-жой бор-ку. Ўшани айтаман!

Ие, ота ҳовлимизда Маржа опа туради-ку! Ойимга мендан ортиқ хизмат қилган хотин! Бошимга мушкул иш тушганида... эрим урушда юрганида Умар акам қилар ишни қилиб қўйиб, «бу ёғини ўзинг эпла», деб бир чеккага чиқиб олганида бир эмас, икки марта мени шармандаликдан сақлаб қолган, туғруқхоналарга югуриб дўхтир топган Маржа опа... Энди келиб-келиб...

– Қанақа бўларкин... – дедим бўшашиб. – Маржа опа...

– Менга қара, ўв! – Умар ака газаб билан тишини гижирлатди. – Ади-бади дейдиган бўлсанг, ўша Маржангни судга бериб уйдан ҳайдаб чиқараман-да, ҳовлини юз мингга сотаман. Харидор топиб қўйдим.

– Умар ака! – дедим ялиниб. – Қанақасига! Ахир...

У кўзимга шу қадар газаб билан қарадики, дамим ичимга тушиб кетди.

– Гап шу! – деди шиддат билан. – Эртага поездга миасан. Ўша жонингдан азиз Маржа опанг билан келишиб келдим. Ўн минг тайёрлаб қўядиган бўлди. Эсиз, эсиз! Уч уй, икки айвон, бир шийпон. Ўн олти сотих ҳовли. Қанча дарахт! Юз мингли жой эди. Майли, авлод-аждодларинг ҳурмати судга бермадим. Ўша Маржа опангни ўзиям хазина топган гадойдек қувониб қолди. Юз мингли ҳовлини носвой пулига оладию севинмайдими! Яхшилаб тушуниб ол. Аввал БТИга, кейин нотариусга

кирасан. Ҳаммасини тўғрилаб келганман. Иккита хужжатга қўл қўйсанг бўлди. Сенинг қўлинг ўтади, меросхўрсан. Лекин билиб қўй, ўв! – У мих қоққан-дек пешонамга бармоғи билан нуқиди. – Олдин ўн мингни санаб оласан, кейин БТИнинг темир дафтарига қўл қўясан. Билдингми? Нотариус вноси-ни ўзи тўлайди, уқдингми?

Ростини айтсам, ҳеч нимани тушунмадим. Йўқ, тушунмадим эмас, хаёлимни нотариус-потариусдан кўра, бошқа нарса – Маржа опанинг кўзига қандай қарайман, деган андиша кўпроқ банд этган эди.

– Умар ака... – дедим ялиниб. – Майли-ку, лекин.

– Нима «лекин», нима! – У кўзини ғазаб билан олайтирди. (Бир вақтлар колхозчиларнинг бошида қамчи ўйнатганида кўзидан шунақа совуқ олов сачраб кетарди.) – Маржа опангизга юрагингиз ачидими, хоним! – деди киноя билан. Мўйлови қийшайиб кетди. – Яхши! Ана, эшик очик! Тошкентга боринг-да, Маржа опангизга ёпишиб ётаверинг! Аммо иккита шартим бор. Биринчиси шуки, Насибани ташлаб кетасиз. Иккинчиси... – У мўйлови баттар қийшайиб асабий кулди. – Майли, буниси шарт эмас, маслаҳат: чўлоғингизнинг олдига бора кўрманг. Қора мўнди эгачингизни қизи сочингизни битталаб юлмасин тагин. Тушундингизми?

...Тушундим! Энди ҳаммасини тушундим! Нимага бу ёққа юборганингни ҳам, нимага «чўлоқнинг уйига қадам боса кўрма», деганингни ҳам... Шунча йилдан бери ёш боладек лақиллатдинг мени! Умрбод алдаб келдинг! Ўшанда – қирқ иккинчи йил кирадиган кечаси, уйимга бостириб кирганингадەқ алдагансан. Сен мени ҳеч қачон яхши кўрган эмассан! Яхши кўрсанг, оёғингга йиқилиб, никоҳингизга олинг, деб ялинганимда

уйланган бўлардинг! Йўқ, мен сенга шунчаки ўйнаш бўлиб келдим. Бир умр! Хоҳдасанг ўйнайсан, хоҳдамасанг улоқтириб юборасан. «Сени деб шу кунларга тушдим, ҳамма нарсамдан айриладим», дейсан! Мен-чи? Мен айрилмадимми? Энг бебаҳо хазинамдан, боламдан жудо қилган сен эмасмисан?! Тирик ўғлимни ўлди деган сен эмасмисан?!

Алдашни мендан кўр энди! Ҳар ҳафта Тошкентга қатнайман! Нотариус ишламас экан, БТИ дам олаётган экан, Маржа опани тополмадим, дейман-да, ҳар сафар келиб, ўғлимни кўриб кетаман. Қасд олишни мендан ўрган.

Йўқ! Аввал бориб ёқангдан оламан! Нимага тирик болани ўлди деддинг, хезалак!

Алдадинг!! Тотув турмушимни буздинг. Шомурод акам қандоқ яхши кўрарди, қандоқ авайларди! Ўзим-чи! ўзим ҳам яхши кўрардим-ку уни!... Қаёқдан пайдо бўлдинг! Пешонам қурсин! Қаёқдан шу уйинг куйгур уруш бўлди? Шомурод акам ёнимда бўлса сен ножинс остона ҳатлаб уйимга киришга ҳаддинг сиғармиди! Вой ноинсоф! Вой беномус! Гўрда ётган онам хотиним бўлсин деб қасам ичди-я! Ўз онасининг арвоҳини ҳаром қилди-я! Қайноғам рост айтган экан. Бахтиқаро қилади деганди-я! Бахтиқаролик бундан ортиқ бўладими! Тирик туриб боламдан жудо бўлсам. Ўз болам ўзимдан юз ўгирса! Қандоқ чидай! Музаффар энди икки дунёдаям она демайди! Онаси бор: Робия бор. Қандоқ қилай? Нима қилай!

...Мунча имилайди бу поезд! Қачон етаман! Қачон юзига туфлайман ўша виждонсизни! Тонг отяtimi? Ана, Қўқонга келдик шекилли...

Эзиб ёмғир ёғаяпти. Билмадим, юрдими, югурдими! Плашим жикқа хўл бўлиб кетди. Бир қўлимда сумкача, бир қўлим билан Музаффарнинг дўпписини бағримга босиб олганман. Дўппи хўл бўлмаса бас! Чатоқ қилдим: Музаффарнинг шундан бошқа дўпписи бўлмаса-чи? Тошкентда ҳам ҳаво булут эди. Бошьянғ мактабга бориб, шамоллаб қолса-чи?

Уйга отилиб кирсам, ўтирибди. Кўрпачага ёнбошлаб, папирос тутатиб токчадаги «АРЗ» радиосидан концерт эшитяпти. Биламан, атайлаб ишга бормаган. Мени кутаётгани йўқ, пулни кутаяпти.

– Қийналмадингми? – деди ўрнидан қўзғалиб. – Ҳаво айниб қолганини кўрмайсанми? Биттими?

– Нима битади? – дедим ҳансираб.

– Ие, нимага борган эдинг ўзи?

Тушунарли! Олди-сотдини айтяпти. Пулни сўраяпти!

– Пул керакми? – дедим энтикиб. – Яхши. Пул бўлади! Аммо олдин болани обкеласиз, кейин пулни оласиз.

У ҳайрон қолгандек кўзини олайтириб, қаддини ростлади. Ранги ўчиб кетди.

– Қанақа бола? – деди елкасини қисиб.

– Менинг болам, имонсиз, менинг ўғлим! Музаффар тирик экан-ку!

У серрайиб қолди. Кейин негадир илжайди. Мўйлови қийшайиб кетди.

– Адашибсан, Раъно! – деди асабий кулиб. – Мен аниқ биламан. Ўлган!

– Мана-ку! – йиғламоқчи эмасдим. Шу сурбетнинг олдида йиғламаслигим кераклигини билардим. Аммо қўлтиғимдан Музаффарнинг дўпписи-

ни олаётганда чидаб туrolмадим. Додлаб юбордим. – Мана! – дедим ўғлимнинг дўпписини кўрсатиб. – Тирик экан-ку! Ўз кўзим билан кўрдим-ку!

– Раъно... – У дўппига қўл чўзди. – Мен эшитганимни айтганман. Қаёқдан билай?

– Тегма, наҳс! Ҳаром қиласан! – Дўппини бағримга босдим. – Ўз онасининг арвоҳини хотин қилган имонсиз! Виждонсиз! Айтувдинг-ку, болангни мазорини кўрдим деб! Қани ўша мазор. Юр! Обор! Кўрсат!

Устига ёпирилиб борган эдим, юзимга тушган тарсаки зарбидан йиқилиб тушдим. Лекин ўша заҳоти сакраб туриб дўппи аралаш ўзининг юзига тарсакиладим.

– Кўрсат! Ҳозир оборасан!

– Ўчир, мегажин! – У гурзидек муштини бошим устига кўтарди.

– Ур ўлдир! Шу кунимдан ўлганим яхши! Ёлғонинг билан ёрилиб ўлгур ҳайвон! Ур! Ур, мард бўлсанг! – Алам билан мук тушганча оёқларидан чангаллаб олдим. – Обкеласан! Ўғлимни обкеб берасан!

Шу пайт даҳшат тўла чинқариқ қулоғимга кирди.

– Урманг! Дадажон, урманг! Аяжон, тулинг!

Бошимни кўтарсам, қизим чирқиллаб дадасининг бўйнига осияпти.

– Кўрмайсанми, ўзини! – Умар ака оёғини типирлатди. – Қўйвор, шаллақи!

– Аяжон! – Қизим мук тушиб, мени қучоқлаб олди. – Қўйворинг, тегманг дадамга!

Беихтиёр қўлларим бўшашди. У оёқларини силтаб тортиб нари кетди.

– Эшитиб қўй, Наси! – деди таъкидлаб. – Аянг сени етим қилмоқчи! Сени ташлаб Тошкетдаги ҳароми ўғлининг олдига кетмоқчи!

– Ўзинг ҳаромисан, виждонсиз! – Бутун вужудим билан тебраниб тиззамга муштладим. – Илоё

йигит ўл! У дунёю бу дунё хор бўл, билдингми? Шу гапни айтган тилларинг кесилсин!

– Вайсама, ўв! – У дераза токчасида ётган папиросини юлиб олиб, тутатди. – Билиб қўй. Гапим гап. Тўрт томонинг қибла. Кеткинг келса кетавер. Аммо ўнг қулоқ, чап қулоғинг билан эшитиб ол: Насибанинг тирноғиниям бермайман! Қиз меники!

– Аяжон! – Насиба тарсаки зарбидан сирқираб оғриётган юзимни силади. – Уришманг, аяжон, уришманглар.

Эшик қарсиллаб очилганини ҳам, Йўлдошхон отилиб кирганини ҳам пайқамадим. Фақат дўриллаб қолган овозда йиғлаб айтган гапи қулоғимга чалинарди:

– Амаки! Дадам оғирлашиб қолдилар! Юринглар. Тезроқ, аяжон! Тезроқ!

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

УМАР ЗАКУНЧИ ҲИКОЯСИ

Замон юки

Гапини қаранг! Виждонсиз дейди! Имонсиз дейди! Ўзинг кимсан? Шу кунларга тушишимга сен сабабчи эмасмисан? Сени деб амалимдан айрилдим. Обрўйимдан айрилдим! Манаман деган казо-казолар кўрса тиззаси қалтирайдиган кимсан Умар закунчи, кимсан илғор колхознинг раисини Оқсоқолу Дума бошлиқ чаласаводлар олдига солиб ҳайдади. Абдурахмонов демаганлар бир қўллаб гирибонимдан бўғиб, передовойга улоқтиришига сал қолди. Очигини айтсам, аллақандай табибнинг ўғлию сенинг чўлоқ эринг қилган ишни мен қилолмайманми, деб фронтга кетишга ҳам рози эдим.

Нима, ўша чиллаширлардан кам ерим борми? Аввал урушдан қўрқсам ҳам энди қўрқмайман! Қўшинларимиз Берлинга йўл олди. Шуни бўйнимга олиб турганимда яна тоғам ўртага тушди. «Майли, строгий виговор берайлик, ўртоқ Хўжаевга ўхшаган актив ташкилотчилар фронт орқасида ҳам керак, жангда олинган орден билан тинч фронтда олинган орден бир хил металлдан ясалган-ку», деб туриб олди. Кўтарма-ю Нўғайқўрғон томонларга ўтсам, сенга кўзим тушади, кўзим тушса, кўнглим бузилади, деб қисиб юрдим-ку! Нега ўзинг жилпанглаб ёнимга бординг! «Отчётлар обкелдим, Соли акадан адресингизни билиб олдим», деб нега илжайдинг! Мен сендан отчёт сўраганмидим?

Бир ўтиришда Соли-сўпоқ қироат билан байт ўқигани эсимда. «Ишқ маъшуқ кўнгли ичра аввало пайдо бўлур, куймаса гар шаъм, парвона қачон шайдо бўлур...» Сен жилва қилиб «ёнмасанг» мен парвона бўлармидим?!

Эринг қайтганидан кейин бирон марта излаб бормадим. Ўша куни рўпарамдан чиқиб қолмасанг – олам гулистон эди. Ҳамма бугдой ўриб юрганини билардим. Шунинг учун йўлни яқинлай деб разъездда поезддан тушиб, Қаънига налог йиғиш учун кетаётгандим. Нимагаям олдимдан чиқа қолдинг. Тўғри, софингандим. Эркакман. Хўп, бир-иккита қичиқ гап қилдим. Қўлингда боланг бўлса, юзимга туфлаб юбормайсанми! Уч ярим йил қилар ишни қилдик, энди ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ, йўлингдан қолма демайсанми!.. Ўзим ҳам фирт аҳмоқманда! Тавбасига таянмаган эшшак!..

Битта хотин деб дезертирдай Қўқонга қочдим. Қочмасам бўлмасдиям. Ё чўлоқ ўлдирарди, ё Абдурахмонов қамоққа тиқтирарди. Ўшанда бор, билганингни қил, деб ташлаб кетсам қўлингдан

нима келарди? Эрингни пичоғида қўйдаи сўйилиб кетармидинг! Инсоф қилдим. Устига-устак, яхши кўрардим. Бари бир яхши кўрардим, сен алвастини! Кела солиб ЗАГСдан ўтганим яхши бўлди. Абдурахмонов ҳам индаёлмай қолди. Хотиним мени севади, аввалги эрига онаси зўрлаб берган экан, эри феодал экан, бир муштипар аёлни бахтли қилсам, шу гуноҳми, деб туриб олдим. Шундаям аввалги строгий виговорни пеш қилиб партиядан ўчиришди. Чидадим! ўинг десам қаматардиям! Ҳаммаси – сен туфайли! Тоғам тўғри айтган экан! Бу дунёнинг жаннати ҳам хотин, дўзахи ҳам. Дунёнинг ишларини қарангки, замон ўзгариб, юрт сўраб юрган, қанчадан-қанча одамларни кесиб юборган шундоқ тоғамнинг ўзи кесилиб кетди. Бултур Тошкентга борганимда шу гапни эшитиб, қулоғимга ишонмадим. Йўқ, рост экан. Кўп ишларни нотўғри кўрган, юзлаб бегуноҳ одамларни «халқ душмани» деб қаматган, деган айб қўйишибди. Ачиндим, аммо қўлимдан нима келарди.

Аваллари ҳайрон бўлардим. Каттадир-кичикдир амалдор зоти борки, ёшини яшаб, ошини ошаганидан кейин тинчгина пенсияга чиқиб кетса бўлмайдами, ё ўлишини ё ўтирган курсисидан олиб ташлашларини кутишидан муддао нимайкин, дердим. Балони биларкан, ўшалар! Одам амалдан кетиши билан обрўсиям бир пул бўларкан. Амалдан тушдингми – тамом. Кеча товонингни ялаганлар бугун худди ўша товонингни ялаган оғзи билан бетингга тупураркан. Тоғамни айблаганлар ҳам шунақалар-да! Тоғам ким бўпти! Ўртоқ Сталиннинг ўзини ҳам ёмон отлик қилаяпти ковлаяпти булар! Ўзим-чи? Ақалли мол-мулк тўпласам ўлармидим! Ана, Соли сўпоққа балоям ургани йўқ-ку! Тўғри, Оқсоқол раис бўлган заҳоти сўпоқни

бухгалтерликдан бўшатди. Лекин ҳеч ким ост-устини олиб қўймади-ку! Мен-чи? Шунча йил раис бўлиб нима орттирдим! Уйимдан ҳайдаб чиқаришди. Ўша куни энг ишонганим – Қорақўз ҳам думини гажак қилиб қочиб кетди. Бошингга иш тушганида асқотадиган нарса пул экан. Мол-дунё экан. Энди мен ҳам анойи эмасман. Ишимни билиб қиламан. Бари бир қонунсиз йўл билан юлиш қўлимдан келмайди. Ҳеч бўлмаса, қонуний ҳақимни олай! Акамга сиғинди бўлиб ўтирмай!

Мен нима ғамдаю, бу боласини рўкач қилади. Аҳмоқ эканман-да, колхозга бориб. Аламзадалар тошбўрон қилиб юбормайдими? Туш кўрибманми итваччаси тирик қолганини! Ўлибди деб қўя қолдим-да! Ҳайронман, жони итдай савил эканми, тирик қопти. Ҳов ўшанда – бозорда юрганымда чўлоққа эргашиб келган бола ўша экан-да! Қаёқдан билай! Иккинчи хотинидан бўлган дебман-да! Яхшиям, ўшанда жўнаб қолганим. Шунча одам ўртасида пичоқ суғурганини кўрдим-ку, чўлоқнинг! Сўйса – сўярдиям-да! Аҳмоққа закон борми!

Бари бир жигар-жигар экан-да. Қийин пайтда акам ёнимга кирди. Уришсаям, сўксаям бошимни силади. Сениям бағрига олди-ку, аҳмоқ хотин! Янгам ҳам эски аламларини унутиб, одамгарчилик қилди-ку! Насиба туғилганидан кейин сенга бутунлай боғланиб қолдим. Бўлмаса бир йўла иккита чўмич тиқилган қозондан овқат ейдиган аҳмоқ эмасдим. Бир йил-ярим йил ўтказиб, орқангга ўхшатибгина бир тепсаму, онаси ўпмаган қизни олсам додингни кимга айтардинг. Битта қизим ҳурмати тақдирга тан бердим. Яна нима дейсан! Бир камим ўша чўлоқдан бўлган ҳаромзадани ўғил қилиб олишим қолувмиди. Чучварани хом санабсан! Хоҳласанг шу, хоҳламасанг катта кўча!

Асли Тошкентга бир ўзини юбориб хато қилдим. Қизиқ, кимдан билиб келди, бу янгиликни? Кўтармага боролмайди. Чўлоқ, анави – Думанинг қизига уйланганини атайлаб айтиб қўйганман. Айтмаганимдаям боролмасди: ўзининг юзи қора! Бўлмаса, қаёқдан билдийкин? Ҳа, Маржа опаси айтган! Одамларгаям ҳайронсан. Тинчгина аравасини тортиб юрса ўладими, нима қиларди гап кавлаб. Ҳайронман, нимага келишди экан булар!.. Бир ҳафта олдин борганимда ҳаммасини законний тўғрилагандим. Маржа ўн минг тайёрлаб қўядиган бўлган эди. Биламан, Маржа пулни жон-жон деб берган. Лекин қани ўша пул? Қаёққа тиқди? Ё анави ҳаромзадасига бериб келдими? Шунча пулни қандай беради мишиқи болага! Чўлоқнинг олдига боролмайди, қора мўнди эгачисининг уйига боришга юзи йўқ. Қаёққа кетди пул? Майли, аниқлаймиз. Ҳаммасини аниқлаймиз!

Акам ўляпти. Йўлдошхон бекорга йиғлаб келгани йўқ. Раз жигар бўлганимдан кейин маъракаси менинг гарданнимдами? Бир эмас, икки бола менинг зиммамга тушадими! Бўпти-да. Майли, Йўлдошхон йигит бўлиб қолди. Бу йил мактабни битиради. Анави товукмия янгам ўғилларини аzza-баzza врач қилмоқчилар. Дўхтирликни ким қўйибди унга! Вокзалга чиқиб, юк ташисин, пул топсин! Буниси-ку, йўлини топиб кетади. Муҳаббат-чи? Ёш бола-ку ҳали! Шу томонини нега ўйламайди, манави аҳмоқ. Сандиққа босиб қўйган пачка-пачка червоним борми!

Эсиз шунча уринганларим! Хом сут эмган банда, етти йил колхознинг обши қозонидан шўрва ичибман-а! Нима топсам фронт учун дебман! Ҳаммага ёмон кўринибман. Начора, у пайтда замон юки оғир эди. Ҳаммаси менинг зиммамда эди.

Анави шаллақи Робия, жинни Парча-ку, майли. Қилмишига яраша таёғ еган. Лекин ёш болани – табибнинг ўғлини янтоқ билан савалаганим чатоқ бўлган экан. Нима зарил эди!

Аслида бунгаям мана шу сабабчи. Шунинг уйига борганимда кўриб қолган ўша бола. Ҳеч кимга оғиз очмаган бўлсаям, алашим бор эди. Устига-устак, мендек одамга қўл кўтарган анави пакананинг қизи қараб турганди. Унинг ҳам аламини боладан олдим.

Ҳозир урармидим? Йўқ, қўлимдан келмасди. Ўзимнинг Насибамни биров чертиб кўрсин-чи, нима қиларкинман! Хато қилдим. Болани бекор урдим...

Қаранг-а! Кўйиб берсам, чўлоқдан бўлган бола-синиям шилқ этиб бўйнимга илмоқчи! Иласан-а, иласан!

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

ЕТТИНЧИ СИНФ ЎҚУВЧИСИ МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

Қўқонга кетаман!

Бешинчи дарс адабиёт эди. Ўқитувчимизнинг айтишига қараганда, имтиҳон яқинлашган сайин биз дангаса бўлиб кетаётган эмишимиз. Бу йил еттини битириб Нўғайқўрғондаги «катта» мактабга борсак, ҳолимизга маймун йиғлармиш. Саккизинчи синфга борган кунимизоқ Нўғайқўрғондаги муаллимлар ҳаммамизга «икки»ни ёпиштириб ташлармиш.

...Бугун «дангасалигим»ни кўрсата олмадим. Ўқитувчи дарсга кириши билан буюрди:

– Шомуродов! Директорнинг хонасига!

Бўшашиб ўрнимдан турдим.

– Нимага?

– Борганда биласан.

Мана, кетяпмиз, Сулаймон аканинг олдига. Мактабда бола кўп. Аммо Сулаймон ака мени ҳаммадан яхши танийди. Биринчидан – битирувчи синфмиз. Иккинчидан – хонасига кўп кирганман. Чақиртиргандан кейин кираман-да! Мана, ҳозир йўлак охиридаги эшикни секин тақиллатаман. Ичкаридан, «киринг», деган рухсат бўлади. Эшикни очиб, мўралайман. Ювошгина қилиб «мумкинми», дейман. Сулаймон ака тошбосма билан мармар сиёҳдон қўйилган стол орқасида ўтирган бўлади.

«Кесинлар! – дейди ўрнидан туриб. – Шахсан ўртоқ Шомуродов ташриф буюрадилару биз йўқ деймизми?!»

Ана ундан кейин бошланади. «Қачон одам бўласан, бўйингни қара! Менга бир яримта келасан. Отанг уйлантирса неварали бўлади-ку, қачон ақл киради сенга, а?!»

Ҳайронман, бугун директор чақирадиган гуноҳ қилмадим шекилли! Э, бўлди! Ҳали катта та-наффусда Абдувалининг укасини йиғлатувдим. Иккинчи синфда – Омон билан ўқийдиган укасини! Айб ўзида! Нимага мактабга велосипед миниб келади! «Битта минай», десам қизганди. Синдириб қўярмишман. Ҳечам синмайди-да! Катта велосипед. Йигирма саккиз! Ўзи минолмайди, оёғи етмайди-ю, қизганди. Энди мингандим, қизганчиқлик қилиб орқа гилдирагининг қанотини чангаллаб олди. Велосипед қийшайиб кетиб, занжир шимимнинг почасини қисиб қолди. Ўзим шимимни занжирдан чиқаролмай йиқилиб ётибману «тўлаб беринг, руини қийшайтириб қўйдиз», деб йиғлайди. Боплаб дўшпосламоқчи эдим у аядим. Бундан чиқди ростдан ҳам дадасига чаққан. «Туя» сартарош директорга шикоят қилган.

Шимимнинг почасиям илма-тешик бўп кетибди. Қайриб ола қолай. Директор сўраса лой бўлганди, қайтариб қўйдим, дейман.

Эшикни одатдагидек секин тақиллатдим. Ичкаридан одатдагидек «киринг» деган овоз келди. Одатдагидек эшикни қия очиб, бошимни суқдим.

– Мумкинми? – дедим мулойимгина бўлиб.

Сулаймон ака ҳар галгидек стол ёнида ўтирган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, дераза олдида турган экан. Деразадан тушган нур йўл-йўл шойи кўйлагини ёритиб, ичидаги майкасининг тасмаси кўриниб турибди. «Кесинлар, ўртоқ Шомуродов, кесинлар! Шундоқ, киши ташриф буюрадилару...»

Йўқ, бу сафар унақа демади.

– Киравер, Музаффар! – деди хотиржам, ҳатто меҳрибон овозда. Қўрқиб кетдим. Нима бало, бу гал гуноҳим оғирроқ шекилли...

Иккиланиб ичкари киришим билан атлас кўйлак кийган хотин югуриб ёнимга келди. Бурчакда турганини кўрмабман. Бу қайси муаллима бўлди? Атлас кўйлак киядиган ўқитувчимиз йўқ эди шекилли. Хотин ўша заҳоти маҳкам қучоқлаб олди. Чўчиб тушдим. Димоғимга гунафша ҳиди уриди. Хотиннинг илиқ, нам лаблари пешонамга, юзларимга, кўзимга ёпишди. У мени тинимсиз ўпар, унсиз йиғлар эди.

– Музаффар! – деди энтикиб. – Ўғлим!

Танидим. Гунафша исидан, иягидаги холдан... Қулоғимга билагузук жаранги эшитилгандек бўлди. Аммо бу сафар қўлида билагузук йўқ эди.

– Вуй, бўйингни қара! Катта йигит бўп кетибсан-ку! – У ёш тўла кўзлари билан жилмайиб, тагин бағрига босди. Негадир ўзимни олиб қочмадим. Ўшандан кейин уни унутиб юборган эдим. Аммо тушимга кирганди. Йўқ, тушимда аниқ кўрма-

ганману, лекин... кўрганман. Кейин яна эсимдан чиқиб кетган. Билмайман. Ишқилиб кейин ҳам кўрганман...

У мени бағридан чиқармас, йиғлаб туриб кулар эди. Нимагадир кўнглимга гулгула тушди. У эса маҳкам қучоқлаб олган, нуқул «вой, бўйингни қара!» деб такрорларди.

– Хўш... – Сулаймон ака томоқ қирди. – Танаффус бошланмасидан гаплашиб ола қолинглар. – У эшик томон юрган эди, хотин мени қўйиб юбормай ўтирирди.

– Кетманг! – деди секин, аммо жиддий оҳангда. – Шу ерда бўлганингиз яхши.

Директор тўхтаб қолди.

Хотин ихчам сумкачасини шиқиллатиб очиб, рўмолча чиқарди.

Кўз ёшларини артди. Кейин негадир менинг ҳам юзимни артиб қўйди.

– Музаффар! – деди кўзимга термилиб. – Сен энди катта йигит бўлиб қолдинг. Яқинда еттини битирасан. Мени биласан-а?

Индамай, директорга қарадим.

– Биласан-ку ахир! – Хотиннинг лаблари титраб кетди. – Эсингдан чиқдим, олдин ҳам келгандим-ку! Кейин яна келдим, кўп келдим. – У энтикди. – Сен мени кўрмасанг ҳам... Мен сени... – У Сулаймон аканинг бетоқат бўлаётганини сизди, овози тетиклашди. – Ўғлим, – деди паст, бўғиқ оҳангда, – қулоқ сол. Еттинчини битирганингдан кейин Қўқонга борасан, хўпми? Синглинг бор – Насиба... Эсингдами, олдинги сафар ҳам айтгандим. Насиба-чи, олтинчида ўқийди. Акам қачон келадилар, деяпти. Шунча йил даданг билан турдинг, энди мен билан турасан, майлими? – У жилмайди. – Ўша ерда ўнинчини битирасан. Фарғонада институт бор. Кириб ўқийсан, бўптими?

Директорнинг олдида уялиб кетдим.

Сулаймон ака катта-катта қадам ташлаб у ёқдан бу ёққа бориб-келар, негадир асабийлашар, юзи қизариб кетган эди.

– Келишдикми, Музаффар! Домлангни олдида ваъда берасан-а?

Негадир яна юрагимга қўрқув тушди. Юзимни ўгирдим.

– Синглим, – Сулаймон ака рўпарамизга келиб тўхтаб қолди, – айтдим-ку, бунақа ишни суд ҳал қилади. Болани қийнашнинг нима кераги бор?

– Биламан! – Хотиннинг кўзлари чақнаб кетди. Овози қатъият билан жаранглади. – Судга қатнай-вериб, қонун кодексларини ёд қилиб юбордим. Етар! Музаффар энди ёш боламас! Ўз тақдирини ўзи ҳал қилади. Бола нима деса шу!

Юрагимга баттар ваҳима тушди. «Обкетиб қолса-я! Нима қиламан Қўқонда!»

Ҳов ўшанда келганида Омонни йиқитганим, «ўгай» деб бақирганим, ойим йиғлагани эсимга тушиб ёмон кўриб кетдим уни.

– Шунақа дейсиз-ку, лекин... – Сулаймон ака негадир қизариб кетди. – Ҳарқалай болани тарбиялаган отаси бор, онаси бор...

– Тарбиялаган?! – Хотин шахт билан директорга ўгирилди. – Аҳволини қаранг! Бу кетишда гирт безори бўлади-ку, бу!

– Нимага безори бўларкан! Аҳволига нима қипти! Директорнинг ҳам овози қатъийлашди. – Нима қипти аҳволига! Эътиборингиз учун айтиб қўяй: Музаффар шўх бўлсаям энг қобилиятли ўқувчимиз! Хоҳласа ҳамма фандан беш олади. Теплицада лимон ўстиряпти.

Алам қилиб кетди! Нимага мени безори дейди! Нимага директорнинг олдида уялтиради.

Хотиннинг қўлидан юлқиниб чиқдим у эшикни тарақлатиб ёпганча йўлакка отилдим. Орқамдан йиғи аралаш илтижолари хитоб янгради:

– Музаффар! Тўхта!

Югуриб ҳовлига чиқдим-да, ойналари офтоб нурида яхлит кўзгудек ярақлаб ётган теплица олди-дан ўтиб, ўрикзор томонга чопдим. Боғ ичига кириб кетаётганимда яна ўша илтижо эшитилди:

– Музаффар! Ўғлим!

Нима учундир тўхтаб қодим. Эсладим! Уни тушимда кўрганман. Ҳов ўшанда келиб кетганидан кейин уч-тўрт марта тушимга кирган. Уйғониб кетиб, қўрққанман. Ҳозир ҳам қўрқардим. Қочиб кетгим келарди-ю, бир нима тўхташга мажбур қилар эди. Ўша нарса нималигини билмасдим.

Орқамдан ҳарсиллаган овоз, шошқин қадам товушлари эшитилди:

– Болам!

Димоғимга яна гунафша ҳиди кирди. Йиғлагим келди. Билмайман, балки гунафша иси кўзимни ачиштиргандир. Балки уни тушимда кўрганимдаям йиғлагим келгани энди эсимга тушгандир.

– Бормайман! – дедим ер тепиниб. – Ўз ҳолимга қўясизми-йўқми! Ҳеч қаёққа бормайман! Тинч қўясизми-йўқми!

У юзимга бирпас ҳайратланиб қараб турди-да, икки елкамдан тутган қўлини тортиб олди.

– Тушундим! – деди секин. – Бўлди, Музаффар, ҳаммасини тушундим. Кечир мени, ўғлим... – У ўкинч билан хўрсинди. Кўзларига жиддият чўкиб, узоқ қараб қолди. Икки кўзи менда бўлса ҳам чамаси ҳеч нимани кўрмас, хаёли бошқа ёқда эди. – Музаффар, – деди секин, – сен ёш боламассан, яхши ўқи, хўпми! Эрта-индин катта бўласан. – У негадир жилмайди. – Мактабниям, битирасан, – деди ово-

зи титраб. – Кейин җаммасини тушунасан. Ўшанда Қўқонда онам бор эди, деб сўроқлаб борсанг, бошим осмонга етади. ўишткўприк маҳалласида турамыз, вокзалдан узоқмас. Раъно опанинг уйи қайси десаңг... Шошма... – Кипригига илиниб қолган ёшни сидириб ташлаб, тагин сумкасига қўл суқди.

– Бугун қанақа кунлигини биласанми?

– Билмайман! – дедим қўрслик билан.

– Ўн иккинчи май. – У яна жилмайди. – Жинни-вой! – деди эркалаб. – Бугун сенинг туғилган кунинг. Ўн тўрт ёшга чиқдинг, жоним!

Ҳайрон бўлиб, бошимни кўтардим. Тўғриси, бугун туғилган кунимлигини билмасдим. У ёғини айтсам, шу пайтгача уйимизда ҳеч кимнинг туғилган куни байрам қилинган эмас.

У қўллари қалтираб, сумкачадан тўрт буклоқлиқ дўппи чиқарди, яп-янги! Гармдори гулли!

– Қани, кийиб кўрайлик-чи! – Дўппини бошимга кийгизди-да, бир қадам орқага чекинди. Юзимга термилиб узоқ томоша қилди. – Қара, лоп-лойиқ келди,– деди кулимсираб.

– Керакмас! – Қўлим билан ушласам дўппи кир бўлишидан қўрқиб икки билагим билан еча бошладим. – Ўзимники бор.

– Музаффар! Хафа бўламан. – У кафти билан шоша-пиша дўппини қайтадан бошимга бостирди. – Эсингдами, ҳов анави гал келганимда дўппинг менда қолиб кетган эди. Ўрнига ўрин олиб келдим. Бошингдан ечма, хўпми?

У дўппини яна ечиб ташлашимдан қўрққандай елкамга қоқди.

– Борақол энди...

Нарироққа бориб бурилиб қарасам, ҳалиям тикилиб турибди. Шимарилган почам оёғимга урилиб гашимни келтира бошлади. Почамни қайтариб тушираётсам яна чопиб тепамга келди.

– Шиминг йиртилиб кетибди-ку! – деди бош чай-қаб. – Ма! Янги шим ол! – сумкасидан бир чангал пул чиқарди. Анча пул! Чўнтагимга суқаётганида қўрқиб кетдим.

– Керакмас. Дадам уришади, – дедим типирчилаб.

– Даданга айтмайсан-да! – Шундай деди-ю, ик-киланиб қолди. Лекин ўша заҳоти пулни чўнтагимга чуқурроқ суқди. – Шим ол... Мен яна келаман.

Анча нарига борганда тагин бурилиб қарадим. Қарамоқчи эмасдиму ўзимдан ўзим... қарагим келди. У жилмайиб қўл силтар, аммо йиғлаб юбор-гудек лаблари титрар эди. Раҳмим келиб кетди. Яна бирпас тўхтаб турдим-да, синфхона томонга югурдим.

* * *

Янги дўппимни қаёққа қўйишни билмасдим. Синфга киришдан олдин қайтадан буқлаб, чўн-тагимга солиб олдим. Иккала чўнтагим дўппайиб кетди. Биттасида дўппи, биттасида пул. Адабиёт ўқитувчиси ўафур ўуломнинг «Сен етим эмассан» шеърини тушунтираётган экан.

– Тезроқ ўтир! – деди-ю, дарсни тушунтиришда давом этди.

– Шундай қилиб, шеърда совет халқларининг дўстлиги...

– Маза қилдингми? – деди Абдували илжайиб. – Эшитадиганингни эшитдингми?

Директордан сўкиш эшитди, деб суюняпти. Бекорларнинг бештасини айтибсан! Сулаймон ака уришгани йўқ, қайтага мақтади. Фақат шимим-нинг почаси тешилгани чатоқ бўлди-да. Ҳаммасига сенинг қизганчиқ уканг айбдор! Еб қўймасдим велосипедини! Майли, буниям иложи топилди-ку! Қўқонда турадиган ойим («ойим» деган сўз хаё-

лимга биринчи марта келди, ўзим ҳам ҳайрон бўлдим) пул ташлаб кетди. Анча пул! Керак бўлса ўнта шим оламан. Пулни эслашим билан йиғлаб юбормаслик учун атайлаб жилмайиб турган қўқонлик ойим кўз олдимга келди. Юрагим сиқилди.

Янги дўппини чўнтагимдан олиб, секин папкага тикаётсам, Абдували кўриб қолди.

– Вуй! Қаёқдан олдинг?! – деди пичирлаб.

– Топиб олдим!

– Қаний? Битта кўрий?

– Шомуродов! – Ўқитувчи хуноб бўлиб бақирди.

– Сен йўғингда синф сув қуйгандек эди. Мунча ёмонсан-а!

Ана, яна мен айбдор бўлдим! Алам билан Абдувалининг биқинига тушириб қолдим.

– Шомуродов!.. Шеърда уруш туфайли етим қолган минглаб болаларни ўзбек халқи бағрига босгани...

Дўппини секингина папкага тикдим.

– Нариги чўнтагингдаги нима?

Ўзи ёмон-да, сариқмашак! Калтак есяям жим ўтирмайди. Алам қилсин! Бир кўриб қўйсин! Керак бўлса ўзим ҳам велосипед сотиб оламан. «Динамо» магазинидан! Ёзда дадам билан шаҳарга тушганимизда кўрганман! Тўппа-тўғри! Шимни нима қиламан. Уйда бошқаси бор! Яхшиси, велосипед оламан.

Секин пулни чиқардим.

– Вуй! – Абдувалининг кўзи олайиб кетди. – Қаёқдан олдинг?

– Нима ишинг бор?

– Шомуродов! Ҳозир синфдан чиқариб юбораман!

– Қаний! – Абдували ўн сўмлик, беш сўмлик, уч сўмлик пулларни олиб пичирлаб санай бошлади. –

Уч юз ўттиз икки сўм! – деди шивирлаб. – Нима олмоқчисан?

– Велосипед.

– Э, етмайди. Велосипед тўрт юз эллик сўм туради.

– Унда шим оламан.

– Шомуродов. Чиқиб кет синфдан!

Шунча пулни Абдувалига ташлаб кетиб жинниманми! Энди пулга чанг солган эдим, бахтимга қўнғироқ жиринглаб қолди...

Дарс тугаши билан Абдували елимдай ёпишиб олди. Қаёққа борсам кетимдан эргашади. Папкамни кўтариб, ўрикзорга кирганимизда яна сўради:

– Қаёқдан олдинг шунча пулни?

Жаҳлим чиқиб кетди. Нима иши бор?

– Топиб олдим, бўлдим!

Абдували ғалати илжайди.

– Балки ўғирлаб олгандирсан?

– Нима?! – Жон-поним чиқиб кетди.

Папкам билан бошига солмоқчи эдим, сап-сарик киприкларини пирпиратиб ялинди.

– Ҳазиллашдим-ку, Музап?

– Яна шунақа ҳазиллашсанг, билиб қўй, вей!..

– Ростдан ҳам велосипед олмоқчимисан? – У гапни бошқа ёққа бурди.

– Ўзинг етмайди, деяпсан-ку! – дедим хафсалам пир бўлиб.

– Етмайди. Яна камида юз сўм керак.

– Унда шим оламан.

– Дадангга нима дейсан? Шимниям топиб олдим дейсанми! Дўппи топиб олсанг, шим топиб олсанг... Менга-ку бари бир... Даданг ўлдирса ўзингга қийин бўлади.

Ростдан ҳам. Бу ёғини ўйламабман. Дадам ўлдириб қўяр худди!

– Бўлмаса нима қиламиз? – дедим иккиланиб.

Абдували ҳам нима қилишни билмас экан. Анча ўйланиб қолди.

– Бўлди! – деди бирдан бақриб. – Папирос оламиз. «Беломор!»

– Мен чекмайман.

– Ҳалиям-а? – Абдували худди ҳар куни папирос чекиб юрган одамдек ҳайрон бўлиб кўзимга қаради. – Маза бўлади. Уч юз ўттиз икки сўмга биласанми, қанча папирос беради. Бир пачкаси икки ярим сўм турса... Хў-ўп... – У ўрик соясига ўтириб олди-да, ерга чўп билан чизиб ҳисоблади. – Юз сўмга қирқта, уч юзга бир юз йигирмата. Яна ўнтаси йигирма беш сўм... Хў-ўп... Бир юз ўттиз уч пачка бўларкан. Гугурти билан!

– Вой-бў! Шунча папиросни қаёққа қўямиз!

– Бирданига олмаймиз-да! – Абдували жон куйдириб тушунтира кетди. – Ҳар куни икки пачкадан! Битта сенга, битта менга. Қолган пулни беки-тиб қўясан. Қани, чўз беш сўмни!

...Ўрикзор орасида Абдувалининг келишини пойлаб турдим. Кўнглим ғаш эди. Шунақа-ку, папирос маза бўлса керак. Дадам ҳар куни бир пачкадан чекади-ку!

Абдували икки чўнтагини дўшпайтириб келди.

– Юр! Гугурт ҳам олдим, – деди катта одамлардай кўз қисиб.

Ўрикзордан ўтиб, автобус йўлига чиқдик. Кўтарма кейинги пайтларда анча обод бўлиб қолган. Кўча четида икки қаватли янги магазин қурила бошлаган. Йўлга асфальт ётқизилган, симёғочлар қўйилган. Дадамнинг айтишича, Оқсоқол бува ариза бера-бера охири раисликдан бўшагандан кейин колхоздан путур кетганмиш. Ҳатто Кўтарманинг бир қисми шаҳарга ўтиб кетибди. Мана бу-

нақа иморатлар қурилаётгани шундан экан. Агар шаҳар шунақа кенгайиб кетаверса, боғ-роғлар йўқ бўлиб кетармиш... Бир қавати битиб, иккинчиси чала қолган, ичида яримта-юримта пишиқ гишталар уюлиб ётган, эшиксиз бинога кирдик. Абдували папкасини оҳак юқи ёпишиб ётган ерга қўйди. Икки чўнтагидан икки пачка папирос, гугурт чиқариб, папкасини ёнига ташлади. ўишт уюмлари орасидан бутунларини танлаб, учтасини тахлади-да, устига ўтирди.

– Ўтирмайсанми! – деди қовоғини солиб. – Кўчадан ўтганлар кўриб қолса, биласанми, нима бўлади?

Мен ҳам учта гишт топиб, устига ўтирдим. У папирос қутилардан биттасини олди-да, тирноғи билан бурчагидан чимчилаб очди. Қутининг тагига бир чертган эди, папирос отилиб чиқди.

– Ол, ўзингникини! – деб буюрди.

Мен ҳам папирос қутисини очдим. Негадир қўлим титраб, қутининг елимлаб ёпиштирилган қоғози йиртилиб кетди.

– Кўриб қўй, ўв! – У папиросни бармоғи билан эзғилади. (Дадам ҳам доим шунақа қилади). Кейин бандини чимчилаб оғзига тикди-да, гугурт чизди. Ўша заҳоти сариқ юзи қизариб кетди. – Во! – деди оғзидан тутун чиқариб.

Ҳавасим келди. Гугурт чизиб папиросни тутатишим билан оғзимга сассиқ тутун кириб, ўхчиб юбордим. Кўзим ачишиб ёш чиқиб кетди. Қизиқ, дадамдан анқиб турадиган тамаки иси бунақа кўнглимни айнитмасди.

– Жинни! – Абдували йўтала-йўтала кула бошлади. – Ичингга тортмайсанми! Ўшанда маза қиласан-да!

Папиросни нафасим етганча сўрган эдим, бутун вужудим таранг тортилиб, кўз ўнгим жимирлашиб

кетди. Қизиқ, энди кўнглим айнамади. Бошим ғу-
вилаб, негадир кулгим келарди.

– Ана, бўлди! Зўрми!

Папиросни ярим-ёрти чекмасимданоқ бошим
гир-гир айлана бошлади. Кўча томондан ғўнғир-
ғўнғир овоз келаётганини эшитиб ўрнимдан тур-
моқчи бўлдим у йиқилиб тушдим. Тагимдаги ғишт-
лар тарақ-туруқ қилиб ерга ағдарилди.

– Жим! – Абдували шоша-пиша тепамга келди.
Қутида қолган папиросни чўнтагига солди-да, қўл-
тиғимдан кўтарди. – Юр! Одамлар келяпти.

Ҳавода сузиб бораётганга ўхшардим. Қадамим ен-
гил кўчади-ю, оёғим мўлжалга тушмайди. Худди туш
кўраётган одамдай... Унга сари кулгим қистади...

Абдували мени эшигимиздан киргизиб юбор-
ди-ю, ўзи қочиб қолди. Айвонда хонтахтага мук
тушиб дарс тайёрлаб ўтирган Омон, бурнини тор-
тиб ялинди:

– Ака! Она тилимни ёзишворинг!

– Э, бор-е! – дедим қўл силтаб. Ўзимнинг бошим
айланиб кетяпти-ю, бу она тилини гапиради. Уйда
бошқа ҳеч ким йўқ эди. Биламан, дадам, ойим
ишда... Икки-уч йил аввал МТСлар ёпилганида
ойим ишдан бўшаган эди. Кейин колхозларнинг
ўзи тракторли бўлган. Ойим ҳар куни эрта кетиб,
кеч қайтади. Дадам унданам кеч келади...

Папкани айвонга ташладим-да, уйга кириб,
ўзимнинг сим каравотимга ётиб олдим. Кўзим ўзи-
дан-ўзи юмилиб кетар, уйқум келарди. Негадир
исиб кетдим. Шимимни ечиб, ерга ташладим-да,
қайтадан каравотга ётдим. Қусгим келди. Кўз ол-
димда аввал папироснинг кўкиш тутуни, кейин
қўқонлик ойим пайдо бўлди. Ухлаб қопман.

...Аллаким елкамдан чангалаб силтади.

– Тур, бадбахт!

Кўзимни очишга улгурмай каравотдан учиб кетдим. Уй ичи қоронғи эди. Аввалига ҳеч нимага тушунолмаб гарангсиб турдим-да, кейин қоронғида дадамнинг ғазабдан ёниб турган кўзларини кўрдим.

– Нима бу! Қаёқдан олдинг?!

Дадамнинг қўлида бир нима оқариб кўринадди. Қарасам, бояги папирос пачкаси. Ваҳимага тушиб юрагим сирқираб кетди. Ўзимни эшикка урмоқчи эдим, дадам билагимдан омбирдек қисиб олди.

– Нима гап? – Остонада ойимнинг шарпаси кўринди. У шиқ этиб чироқни ёқди. Қўли хамир юқи эканини пайқадим. Чамаси ишдан келиб, хамир қораётганида шовқинни эшитиб уйга кирган эди.

– Қаёқдан олдинг? – Дадам ғазаб билан пишқирди. «Беломор» қутисини бурним тагига тиқиштирди. – Ростингни айт!

– Вой, дадаси, ўзингизники-ю! – Ойим хамир юқи қўли билан дадамнинг билагига ёпишди. – Нима қиласиз, болани кўрқитиб? Ўзингизники! Қаранг! Ўзингиз чекадиган попирис-ку!

Эшикдан Омон мўралади.

– Ўзимники? – Дадам бир қўллаб ҳамон билагимдан чангаллаганча иккинчи қўлидаги пачкани каравотга ташлади-да, чўнтагини кавлади. Ярим пачка эзгиланган папирос қўлига илашиб чиқди. – Ўзимники – мана! – деди қўлидаги пачкани зарда билан ерга улоқтириб. Ўша заҳоти каравот устида ётган пачкани юлқиб олди-да, папирос аралаш қулочкашлаб юзимга урди. – Мана сенга чекиш!

Ойим дод солиб дадамга осилди.

– Тухмат қилманг! – деди чинқариб. – Ўзингизники. Эрталаб мен олиб келувдим. Урманг болани!

– Нима? – Дадам деразаларни зириллатиб ҳайқирди. – Сен обкелган бўлсанг, бунинг чўнтагида нима қилиб юрибди?! – У билагимни янаям қат-

тиқроқ қисиб, ерга энгашди. – Манави шунинг шимими ахир! Мана шуникими? – У газаб билан шимимни юлқиб кўтарди. Бир силкитган эди, шимимнинг чўнтагидан ўн сўмлик, беш сўмлик пуллар тушиб, наMATга сочилиб кетди. Дадам, ухлаб ётганимда фақат папиросли чўнтагимни кавлаган, пулни кўрмаган экан. Турган жойида серрайиб қотиб қолди.

Ойимнинг ранги қув ўчиб кетди. Гоҳ ерда сочилиб ётган пулга, гоҳ дадамга, гоҳ менга қараб лаблари титрай бошлади. Омон ҳайрон бўлиб бурнини тортиб қўйди.

– Қаёқдан олдинг? – Дадамнинг мўйлови титрай бошлади. – Қаёқдан олдинг шунча пулни? – деди қўрққувли паст оҳангда. Билагимдан бир силтаб ўзига ёпиштириб қўйди. Димоғимга таниш тамаки ҳиди урилди. Қизиқ, негадир яна чекким келди.

– Қаёқдан олдинг? – У шундай бақирдики, қулоғим ёрилиб кетай деди.

– Қўйинг, жон дадаси! – Ойим титраб-қақшаб орамизга суқилаётган эди, дадам тирсаги билан туртди:

– Наритур! Қаёқдан олдинг?

– Топиб олдим, – дедим ерга қараб.

– Шунча пулни-я! Қачон! Соат нечада? Қаерда? Яна ерга қарадим. Қайсарлигим тутиб кетди.

– Айтмайман! – дедим бақириб. – Айтмайман!

– Шунақами ҳали! – Дадам яна тарсаки туширди. – Мана! – деди оғзидан тупук сачраб. Бир қўлаб шимининг энли камарини еча бошлади.

– Дадаси! – Ойим чумчукдек чирқилаб, дадамнинг камар ечаётган қўлига ёпишди. – Урманг! Иккинчи қилмайди!

Остонада мўралаб турган Омон йиғлаб юборди.

– Қоч! – Дадам елкаси билан ойимни туртди. Ширт этиб камарини суғуриб олди-да, икки буклаб бошим устида кўтарди.

– Айт! – деди хириллаб. – Ичагингни суғуриб оламан, итвачча!

Ажаб, негадир илтижо билан йиғлаб турган қўқонлик ойим кўз олдимга келди.

– Ўғирладингми?! – Дадам камар билан қарсиллатиб гарданимга туширди.

– Ҳа! – дедим чинқириб. – Ўғирлаб олдим! Ўғирладим!

– А! – Дадамнинг қисқа, таҳдидли ҳайқириғи аралаш елкамга яна камар тушди. Бу гал шунақанги зарб билан урдики, ўпкам оғзимга тиқилиб қолай деди. – Мана ўғирлаш! Мана!

Ойим чинқирганча дадамга ёпишди. Омон турган жойида қичқириб йиғлади:

– Урманг, дада, урманг!

– Йўқол! – Дадам қўлини силтаб юборган эди, қайишнинг темир сўқаси ойимнинг чаккасига тегди. Ойим оҳ чекканча чўккалаб қолди. Аммо ўша заҳоти гандираклаб туриб, мени қучоқлади. Чаккасидан қон сизиб юзига оқди.

– Қўйворинг! – деди чинқириб. – Ўлдириб қўясиз-ку, болани, қўйворинг!

– Ўлсин! Иснод келтирадиган бола керакмас менга! – Дадамнинг оғзидан оппоқ кўпик чиқа бошлади. – Кетсин! – деди овози ингичкалашиб. – Йўқолсин! Йўқол. Қадам босма уйга!

У қўлимни қўйиб юборди. Тутқаноқ тутган одамдек икки қўли силкина бошлади. Қайиш ерга тушди.

Бурним қонаётганини энди пайқадим. Ҳали юзимга органида қонаган экану билмабман.

– Кетаман! – дедим кафтим билан бурнимни чангаллаб. – Кетаман! Қўқондаги ойимнинг олдига кетаман.

Қочмадим. Секин-секин кавшандозга бордим-да, эски туфлимни оёғимга илдим.

– Музаффар! – Ойим даҳшатдан кўзи олайиб мен томонга отилди. Дадам ҳолсизланиб, ерга ўтириб қолган, оёқ-қўли баравар қалтирар эди.

Ойим қўл чўзиши билан айвонга, ундан ҳовлига отилдим.

– Музаффар! – Ойимнинг чинқироқ овозига Омоннинг йиғиси қўшилди. – Ойи! Дадам йиқилиб тушдила, ойи!

Кўчага югуриб чиқдим. Дуч келган томонга чопиб кетдим. Ҳали ой чиқмаган, кўчалар қоронғи, жимжит эди. Елкамнинг ачишиб оғриётгани, оёғим совқотаётганини пайқадим. Майка-трисида эканимни энди билдим.

Орқада, кўча бошида ойимнинг чақиргани эшитилди:

– Музаффар-у-у!

Худди ойим қувиб етадигандек чопиб кетдим. Туфлимнинг ипи товонимга ботиб гашимни келтирар, аммо тўхтагим келмас, юрагим кўкрагимдан отилиб кетгудек гурсиллар, чанқаган эдим.

«Кетаман! Қўқондаги ойимнинг олдига кетаман. Ойим урмайди мени!» Шу гап хаёлимга келиши билан қўқонлик ойимни ҳам ёмон кўриб кетдим. Ҳаммаси шуни деб бўлди! Пул бермаса шунча гап йўқ эди. Ҳали дадам дўппини кўриб қолса нима қиларкин! Папкада, «Зоология» китобининг ичида турибди. Қўқонлик ойим аввал келганида ҳам жанжал бўлганди. Бари бир, дадамниям ёмон кўраман. Нега уради? Ўғирлаб олганим йўқ-ку!

Бир маҳал ваҳимали шовиллашни эшитиб тўхтаб қолдим. Алвасти кўприкка кепқопман! Қўрққанымдан жонҳолатда темир йўл томонга югуриб кетдим. Узоқдан учта чироқ кўринди. Яқинлашиб келаётган поезднинг тарақа-туруқ овози эшитилди. Поезд томонга жоним борича чопдим. Кетаман! Поездга осилиб бўлсаям Қўқонга кетаман!

Тор сўқмоқдан югуриб борарканман, гуллаган наъматаклар юз-кўзимга тикан санчар, аммо оғриқ сезмасдим... Тезроқ чопсам поездга етиб оладигандек эдим. Бари бир етолмадим. Темир йўлга яқин борганимда поезд аллақачон узоқлашиб кетган эди. Яна Бўрижарнинг ваҳимали гувуллаши эшитилди. Шағал кўтармадан чиқиб бораётиб, икки марта мункиб кетдим.

Темир йўл устига чиққанымда «Қора аммам» эсимга тушди. «Аммамникига бораман! «Қора аммам» яхши!»

Шовиллаб турган қамишзордан ўтаётганимда баттар қўрқдим. Худди қамишлар орасидан биров пушиб чиқиб келаётгандай... Аксига олиб нуқул ботинкам сассиқ балчиққа ботади. Қурбақалар тинимсиз вақиллайди. Аллақерда бойқуш «хув-хув» қилади. Ниҳоят Нўғайқўрғон чироқлари кўринди.

Пастак эшикни тақиллатавериб, қўлим оғриб кетди. Ниҳоят ичкаридан «Қора аммам»нинг ҳарсиллаб нафас олиши эшитилди.

– Кимди? – деди яқин келиб.

– Очинг, «Қора амма», менман, – дедим ҳовлиқиб.

Аммам шоша-пиша занжирни туширди. Қоронғи бўлсаям қўрқиб кетганини, нуқул ёқасини очиб кўксига туфлаётганини кўрдим. Ичидаги «одамчалар» бор овозда ҳуштак чала бошлади.

– Вой, вой ўлмасам! – деди ҳансираб. – Вой шўрим! Гапирсанг-чи, нима бўлди?

– Ўзим! – дедим илжайиб. – Қўрқманг, амма!
Ичкарига олиб кирганидан кейин баттар ваҳи-
мага тушди.

– Нима бўлди? – деди яна чирқилаб. – Ким ўлди?
Қарасам, аммам ўзини ташлаб юборадиган.
Дарров ўзимни босиб олдим. Тўғри-да, йигит бў-
либ қолганмиз биз ҳам!

– Ўзим... – дедим юпатиб. – Сизни кўргани келдим.

– Йўқ, бир гап бўлган. Айтақолсанг-чи, болам!
Шунча кўргилигим етмасмиди... – У йиғламоқчи
бўлди-ю, кўзига ёш келмади. Нафаси қайтиб жи-
миб қолди.

– Ўзим, «Қора амма», ўзим, – дедим бақариб. –
Ҳаммалари яхши.

Аммам сал-пал ҳушига келди. Лекин бари бир
ишонмади. Кўринишим ҳам ҳалигидақа бўлса ке-
ракда. Майкачан, трусичан... Оёғим лой.

У шоша-пиша обдастада сув олиб келди. Ўзим
юваман десам ҳам кўнмасдан, сув қуйиб турди.

– Музлаб кетибсан-ку, – деди нафаси фижилаб.
– Тинчликми?

Яна илжайдим.

– Тинчлик дедим-ку, амма, қўрқманг.

У анчадан кейин бир оз ўзига келди.

– Ваҳиманг қурмасин, кўпайгур! – деди кўрпага
ўраб бошимга ёстиқ қўярган. – Ўтакамни ўн бўл-
динг-ку! – Шундай деб коса кўтарганича мункил-
лаб ошхонага кетди.

Илиққина кўрпага ўралиб ётарканман, уйни
томоша қилдим. Ҳаммаси ўша-ўша. Шифтда қал-
дирғоч ини. Иккита қалдирғоч бошини чиқариб
мўралаяпти. Ҳали тухум қўймаган, тухуми бўл-
са безовталаниб қоларди. Пашша ўтириб доғ бў-
либ кетган олмадек лампочка атрофида чивинлар
ғужғон уради. Девордаги михларга беҳилар илиб

қўйилган. Қишда келганимда кўп эди. Энди саккизта қопти. Деворда иккита сурат. Салла ўраган бобом билан дўппи кийган Кимсан акам. Қизиқ, ҳозир Кимсан акамдек йигитлар соч қўяди. Кимсан акамда йўқ... Катта бўлсам менам соч қўяман, полбокс! Аммам инқиллаб ярим коса мошкичири иситиб кирди. Устида кўкпиёзиям бор.

Қорним оч эди. Мошкичири ширин экан.

– Юрагимни ёрдинг-а, болам, – деди аммам, ич-ичига тушиб кетган чакакларини аранг қимирлатиб. – Бугун бормоқчи эдим, қувватим етмади. Чолим билан Кимсанам тушимга кирибди. Икковиям безовта бўлиб юрибди, қизимга бир гап бўлди, девдим. Ростини айт. Нима бўлди ўзи?

Негадир қўқонлик ойим яна кўз олдимга келди. Йиғлаб тургани, ялингани... Кейин... дадамдан калтак еганим...

– Амма! Бир нарса сўрасам ростини айтасизми?

Худди катта одамлардек салмоқлаб гапирдим шекилли, аммам ҳайрон бўлиб кўзимга қаради.

– Сўра, болам, сўрай қол, – деди шоша-пиша. – Қачон сени алдабман.

– Менинг ойим ким?

Аммам оғзини очиб анграйиб қолди. Ичидаги «одамчалар» гижирлаб ҳуштак чала бошлади.

– Ким? – дедим кўзига тикилиб.

– Нимайди?

– Қўқонга кетаман. Менга пул беринг.

Аммам, жавоб бериш ўрнига, негадир юзини бурди. Бошидан рўмолини сидириб олди-да, тиззасига ташлаб, қинғир-қийшиқ бармоқлари билан гижимлай бошлади. Юзи янаям қорайиб кетгандек бўлди. Қизиқ, бултур кеч кузда дадам билан колхоз полизига борганимиз эсимга тушди. Ўшанда, устига қиров тушган қора тарвузларни кўрган

эдим. Аммамнинг боши худди ўшанақа – қиров тушган тарвузга ўхшаб кетди: сочи оппоқ, юзи қоп-қора...

Чуқур жимлик чўкди. Шифтдаги лампочка атрофида парвоналар унсиз айланади. Инидан мўралаган иккита қалдирғоч «вийт-вийт» деб бир-бирини нари-бери суради. Ҳовли томонда мушук беозор миёвлади. Беҳи иси аралаш исириқ ҳиди анқийди. Девордан Кимсан акамнинг сурати кулимсираб қараб турибди. Ҳусан бувам қовоғини солаётганга ўхшайди. Аммам гапирмайди. Фақат томоғи хуштак чалиб, энтикиб-энтикиб нафас олади.

Бир маҳал у қаддини ростлади. Нурсиз кўзларини кўзимга қадади.

– Овқатингни емадинг-ку! – деди бўш косага имо қилиб. Кейин негадир жилмайди.

– Кимсаним келади! – деди тўсатдан. – Агар бу дунёда инсоф деган нарса бор бўлса – келади! Чолим раҳматли ўғлини кўрмади. Уруш битганига қанча бўлди... – У хол-хол доғ босган бармоқларини титраб санади. Узоқ санади уруш битганига қанча бўлганини. Кимсан акам урушга кетганида неча ёшда бўлганию ҳозир неча ёшга етганини... Сўнг жилмайди. Чакаклари тиришиб, кўзида нур пайдо бўлди. – Кимсан аканг келиши билан тўй қиламиз. Келинникига тўйни сен обorasан, хўпми! Қўй етаклаб борасан. Сенга тўн кийгизишади. Қуда томон тўн кийгизиб, белингга қийиқча боғлайди...

Аммам қизиқ. Мен нимани сўраяпману у нима деяпти? Аммамнинг харсиллаб нафас олганча бир оҳангда гапириши таъсир қилдими, чарчаган эканманми, лампочка атрофида муттасил айланаятган парвоналарга тикилиб ётиб ухлаб қопман...

Кўзимни очсам, хонтахта олдида «Қора аммам» билан ойим секин-секин гаплашиб, чой ичиб ўти-

ришибди. Ойим пешанабоғини пастроқ танғиб олибди. Чаккасига пахта қўйиб боғлаган шекилли, ўша жойи дўппайиб турибди. Қимирлаган эдим, елкам ачишиб оғриди. Кеча дадамдан калтак еганим, Қўқонга қочиб кетишим кераклиги эсимга тушиб, қовоғимни солиб олдим.

– Мактабингга кеч қолдинг-ку, Музаффар, – деди ойим ҳеч нима бўлмагандек хотиржам оҳангда. – Кечаси билан қидирмаган жойим қолмади. Одамни бунақа қўрқитмагин-да, ўғлим...

– Кеса бувисиникига кепти, санга нима! – «Қора аммам» ойимни жеркиб берди. – Эрингга айтиб қўй, хоҳласа ҳар куни келади. Турақол, болам, ширчойинг совиб қолади.

Қовоқ-тумшуғим осилиб ҳовлига тушиб кетаётганимда «қора аммам»нинг гапини эшитиб қолдим.

– Шомуродга айтиб қўй: шу болага яна бир марта қўл кўтарса, у дунёю бу дунё норози бўламан. Чолим тушимга кириб юрибди. «Бир кун йўғимга аҳволинг шуда», деб чирқилмаяпти. Бувангни арвоҳидан қўрқмайсанларми!

Ойим овозини пасайтириб, бир нима деди, эшитмадим.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

РАЪНО ҲИКОЯСИ

Ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат афзал

Бўлди! Ҳаммаси тамом бўлди! Етар ахир! Одам бировни алдаши мумкин. Аммо ўзингни ўзинг алдай олмайсан. Осмондаги юлдузни узиб олиб бўлмайди!

...Мени шу қўйга анави беномус Зақунчи солди. Начора! Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам

поёни бўлади. Ўша – уч йил олдинги галвадан кейин у ҳам алдовга чек қўйди. «Ўнг қулоқ, чап қулоғинг билан эшитиб қўй, болангни олиб келмайман, хоҳласанг Насибани ташлагин-да, кетавер», деди. Иши кўпмиш, акасининг йиллик маъракасини ўтказиши керакмиш. Нимаям дердим? Рост, ҳаммаси тўғри. Қайноғам оталик қилди. Унга эмас, менга! Шу одам бўлмаса, Ойсара опам бўлмаса, бу имонсиз мени ердан чиққан замбуруғдек бир босиб, пачақлаб ташларди. Тирикларни ҳурматлаган одам, марҳумларни иззат қилади. Азборойи қайноғам ҳаққи, азбаройи Ойсара опам ҳурмати ҳамма маъракаларда туриб бердим. Ойсара, бечора Ойсара опам, ўз ғами ўзига етмагандек, менинг қўлтиғимга кирди.

«Хурсанд бўлинг, жон синглим! Ўғлингиз тирик экан, шунга шукр қилинг. От айланиб, қозигини топади. Бир куни сизни ўзи топиб келади...» Доим шунақа дейди.

Анави муртадга қолса, Йўлдошхонни вокзалда ҳаммол қилиб ишлатиб, пулини киссага урмоқчи эди. Қўймадим. Ойсара опага ялиниб-ёлвордим. «Институтга кирсин, мен ёрдам бераман», дедим. Йўқ. Йўлдошхонни мен ўқишга олиб кирмадим, ўз кучи билан ўқияпти. Бироқ мен ҳам алдовга алдов билан жавоб қилдим. Бор буд-шудим – узугим, би-лагузугим, зиракларим – ҳаммасини сотдим! Ҳаммасини! Топган пулимни Ойсара опага бердим.

Бу бўлса, ҳалиям Маржа опадан унадиган ўн мингни кутиб юрибди. Тўғри, менга ишонмай, Тошкентга неча марта қатнади. Қўлидан нима келарди?.. У билган қонунларни мен ҳам сув қилиб ичиб юбордим. Қонун шунақа эканки, бир одам иккинчи бир одамнинг уйида беш йил яшасаю ер солиғи, страхование солиғи, яна қатор-қатор солиқларни тўласа, уй ўшанинг номига ўтиши мумкин экан.

Маржа опага тайинладим. «Даъвогардан бошқа ҳеч ким билан гаплашмайсиз», дедим. Закунчи – одамгарчилик қонунидан бўлак жамики кодексаларни биладиган Умар ака энди менга ялинишга тушди. Ялин! Ялинавер! Ҳаммаси аллақачон ҳал бўлган. Ҳамма ҳужжатларга қўл қўйиб бўлганман!

На иложки, қўл қўйиб бўлмайдиган қонунлар ҳам бор экан! Кирмаган кўчам қолдими ўзи? Бош суқмаган эшигим-чи? Ҳамма жойда, ҳамма адвокатураю судда бир хил гап айтишди.

«Бола катта бўлсин, ўзи ҳал қилади».

Мен гўл эмасман. Овсар эмасман. Қайси эшикка кирмай, эркакдир-хотиндир бир хил савол беради:

«Кетиб қолганингизда бола неча ёшда эди?»

Ёш нима қилади! Уч ойлик эди-ку, тўқсон кунлик! Тутилиб-тутилиб шуни айтишим билан елкасини қисади. «Хўш. Нима дейсиз? Болада нима ҳаққингиз бор?»

Ажаб дунё экан! Энг бебаҳо нарсангизни йўқотиб қўйсангизу уни бировнинг қўлида кўриб, шу меники деб даъво қилсангиз, ҳукмни ажрим қиладиганлар эса, «ўн тўрт йилдан бери қаёқда эдингиз», деса нима қиласиз? Ахир мен ўшандан кейин ҳам келдим! Кўп келдим! Мол пойлаган ўғридек ўз боламни чекка-чеккадан кўриб, йиғлаб-йиғлаб кетдим.

Бугун-чи! Бугун ҳамма умидим пучга чиқди. Аввал боши анави заҳар-заққум директор, «бу ишни суд ҳал қилади», деб жеркиб берди. Устига-устак «ота-онаси бор», деб Шомурод билан анави Робияни эслатди. Назаримда Музаффар директор олдида уялиб кетгандек бўлди. Ўз болам, мендан – онасидан номус қилди. Кейин... «тинч қўйинг», деб ер тепинди. Қизиқ, боламнинг кўзларида газаб эмас, нафрат эмас, аллақандай бегона бир туйғуни кўр-

дим. Йўқ! Музаффар ҳеч қачон менга ўғил бўлмайди! Қўқонга обқочиб кетади, деб қўрқди. Хўп, алдаб-сулдаб обордим ҳам дейлик, анави оталик қиладими боламга! Бағрига босадими? Йўқ! Икки дунёда ҳам! Шуни биларканман, нега ёлғон гапирдим? Насиба сени соғиняпти, акам қачон келади, деб кутяпти, дедимми? Нима кераги бор эди шу гапнинг. Ахир қизим уни кўрарга кўзи йўқ-ку! Умар ака Насибани аллақачон Музаффарга қирпичоқ қилиб қайраб қўйган-ку! Нима қиламан иккала болани баравар қийнаб!

...Болам... Музаффарим йигит бўп қопти. Мўйлови сабза урибди. Овози дўриллаб қолибди... Виждонсиз чўлоқ! Ақалли шу кунни ясантириб қўйса ўладими! Анави шаллақи Робия жиллақурса туғилган кунда болага йиртиқ шим кийгизишга уялмайдими? Золимми, аблаҳми, отаси Насибага ҳар йил туғилган кунни бош-оёқ сарпо қилади-ку! Ўғлим бўлса почаси илма-тешик шим кийиб юрибди. Туғилган кунни қаёқдан билади қишлоқи Робия! Боланинг кўнглини олиш хаёлига келадими тўпори чўлоқнинг! Яхшиям чўнтагига пул солиб қўйганим. Билиб қўйларинг! Боланинг кўнглини сенлар ололмасанг, хурсанд қиладиган онаси бор!

Қаерга келиб қолдим! Ажаб, ўзимизнинг кўча-ку! Янги маҳалла. Тор кўча. Пахсадеворлар орқасидан довучча туккан ўриклар мўралаб турибди.

Қизиқ, инсон умри шунақа тез ўтарканми? Кечагина эмасмиди, шу кўчада қўшни қизалоқлар билан сопалак ўйнаганимиз! Кечагина эмасмиди шу кўчадан Бешболабойнинг ҳовлисида очилган мактабга югурганимиз! Деворга осилиб довучча ўғирлаганимиз, кечагина эмасмиди?

Кейин Текстилга борганим... Шомурод ака билан танишганим... Ўшандаям бировдан уялгандек

ерга қараб турарди. Мана шу сада тагигача кузатиб келарди-да, «Раънохон, борақолинг, қўни-қўш-нилар гап қилиб юрмасин», деб хайрлашарди. Ҳатто қўлимдан ҳам ушламасди.

Кейин карнай-сурнай билан тор кўчани тўлатиб келишди. Қирқ биринчи йилнинг Биринчи май байрамига менинг байрамим қўшилиб кетди. Уруш... Қор тушган куни оёғига осилиб йиғлаганим... Ундан кейин Умар ака... Тўшакка ёпишган онам...

Оёқ-қўли шишиб кетган онам ўлаётганида қизиқ гап айтди. Негадир менга эмас, ўзбекчани бинойидек тушуниб қолган Маржа опага қараб гапирди.

«Маржа, қизим! Таомилда ўғил бўлмаса қайнонани куёв ерга қўяди. Шомуродим урушда. Васиятим шуки, кафанимга номаҳрам эркакнинг қўли тегмасин!»

Умар ака ўшандаям хиёнат қилди. Онаминг руҳини оёқ ости қилиб, худди куёвдек, йўқ, хўжаликнинг отасидек онамни ўз оёғи билан тепкилаб кўмди. Ота эмиш! Ўз «қизини» йўлдан урган «ота»!

Тамом бўлди! Бугун ҳаммаси тамом бўлди! Нима қилай? Осмондаги юлдуздек узоқлаб кетган ўғлим деб қизимдан – Насибадан айрилишим керакми? Бугун Музаффар очиқ-ойдан айтди-ку! «Тинч қўйинг», деди-ку! Жавобимни олдим, бўлди-да! Мингта ширин ёлғондан битта аччиқ ҳақиқат афзал! Ойсара опам тўғри айтади: Музаффар эрта-индин эсини таниб олади. От айланиб қозигини топади. Энди келмайман. Бўлди! Нима қиламан болани қийнаб? Аммо хат ёзиб тураман. Керак бўлса Шомурод акага, Робияга ёзаман. Инсофи бордир ахир! Одам-ку, улар ҳам. Тушунар аҳволимга...

**ЎНИНЧИ СИНФ ЎҚУВЧИСИ МУЗАФФАР
ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ**

**«Минавар, Минавар –
чўнтагингда нима бор?»**

Эртага ё Шерзод ўлади, ё мен. Бўлар иш бўлди! Ўлсам ўламан, аммо йўл бериш йўқ. Биламан Шерзод сузишга уста. Нима қилгандаям Нўғайқўрғонда катта бўлган. Бўрижарда кўп чўмилган. Мен сузишни билмайман. Гаровнинг шарти ёмон: Алвасти кўприкдан Бўрижарга калла ташлаб, сузиб чиқиш! Калла ташлаш у ёқда турсин, кўприкка яқин борган одамнинг ваҳми келади. Сув кўприк тагига кириб кетаётганида, айниқса, қутуриб оқади. Нариги томони эса – саёз. Қамишзор четида тўнкалар, алақаёқдан келтириб ташланган бетон плиталар, темир арматуралар қалашиб ётади. Кўприк тагига кириб кетдингми – тамом. Тирик қолмайсан. Сув куч билан обориб урадию парча-парча қилиб ташлайди. Уч йилдирки, шу йўлдан Нўғайқўрғондаги «катта мактабга» қатнайман. Бултур баҳорда сув ўртасида арматурага санчилиб, шишиб ўлиб ётган қўйни кўрганман. Худди сихга тортилгандек қорнидан арматурага илиниб, сасиб кетган.

Ўзим кичкиналигимдан Алвасти кўприкни ёмон кўрардим. Дадам билан «Қора аммам»никига келганимда ҳам, кейин ҳам шу ердан ўтишга юрагим безилларди. Мана, охири...

Э, нима бўлса-бўлди! Шерзодга ютқазгандан кўра ўлганим яхши! Шу болани саккизинчи синфга келганимдаёқ ёмон кўриб қолганман. Олифта,

соат тақади. Дадам районода ишлайди, деб мақтанади-да! Балки Минавар бўлмаганида Шерзод билан уришиб қолмасмидик... Йўқ, Шерзод орага суқилмаса Минавар меники бўларди. Ҳаммасига шу айбдор. Аҳмоқ эканман-да, Минаварни шу олифтага бериб қўйиб! Олишаман, охиригача олишаман.

Аслида, бошқа синфдошларим билан Чилонзордаги мактабга ўтсам бўларкан. Еттини битирганимизда Сулаймон ака айтди: «Кўтарманинг бир қисми шаҳарга ўтди. Чилонзордаги мактабга бориб, ўнни ўша ерда битиринглар», деди-ю, дадам билан ойим кўнишмади. «Ҳар куни автобусга осилиб юрасанми, Нўғайқўрғон ўзимизники, вақт-бевақт мактабингга кириб турамиз», дейишди. Ўттизта боладан фақат икки киши – мен билан Абдували Нўғайқўрғонга қатнайдиган бўлдик. Йўл яқин. Фақат қиш кунлари мактабдан қайтаётганда кеч бўлиб кетади. Абдували иккаламиз келамиз. Келамизда, Алвасти кўприкка яқинлашганда жимиб қоламиз. Аммам айтиб берган ваҳимали гаплар эсимга тушади. Кўприк тагидан алвасти чиқиб келаётганга ўхшайверади. Биламан, Абдувалиям ўша томонга қараб-қараб қўяди. Лекин иккаламиз ҳам қўрқаётганимизни сездирмаймиз. Ёнғоқзор ичига киргандан кейин ҳеч нима бўлмагандай, яна гаплашиб кетаверамиз: у ёғи ўзимизники! Йўқ, кейинчалик кўникиб кетдик. Қоронғидаям Алвасти кўприкдан бемалол ўтадиган бўлдик.

Янги мактабга келганимизда саккизинчи синфдаги болалар ҳам, қизлар ҳам бизга ола қараб юришди. Нима қилсаям улар кўпчилик, етти йил бирга ўқиган. Бизлар икки киши. Орқадаги партага ўтириб олганмиз. Ҳеч ким биз билан гаплашмайдиам, ўйнамайдиам.

Ўшанда «Қора аммам»никида кўрган бир воқеа эсимга тушган эди. Бир куни аммамникига борсам, катакдаги ўнча товуқ битта чипор товуқни ўртага олиб чўқилаяпти. «Кишт-кишт» деб ҳайдамсам ҳам парво қилмайди. Аммамдан нимага бунақа деб сўрасам, тушунтирган эди. «Битта минорка товуқ обкелувдим, бу ўлат теккурлар бегонасираб чиқиштирмаяпти».

Янги мактабда Абдували иккаламиз ўша чипор товуқнинг аҳволига тушиб қолдик. Ўзимнинг мактабимда бўлсам-ку, кузир бўлиб юрардим! Бу ерда финг десам, ҳаммаси биргалашиб талайди. Тагин кўпчилиги – болалар. Фақат саккизта қиз бор. Ҳаммаси қора-қура қизлар. Ундан кўра ўзимизнинг кўтармалик қизлар чиройли эди. Булар таппига ўхшайдими-ей... Фақат Минавар бошқача. Юзи оппоққина, киприклари узун-узун, кўзлари одамга «бир нима демоқчимисан», дегандай қараб туради. Ҳамма қизлар сочини майдалаб ўриб, учига пилик тақиб юрса, Минавар чиройли қилиб турмаклар олади. Биринчи партада ўтиради. Ўқитувчилар қайси фандан сўрамасин, секин қўлини кўтариб, доскага чиқади. Нима қилсаям шаҳарлик-да!

Қўзивой деган бола бор. Ўзи муштдек, калласи хумдек. Доим Шерзодга эргашиб юради: ҳар нарсадан хабардор, ўлгудек маҳмадана. Ўша Қўзивойнинг айтишига қараганда Минавар аввал шаҳарлик эмас экан. Нўғайқўрғонда туришаркан. Учунчи синфда ўқиётганида уй ичи билан Текстил томонга кўчиб кетишган экан. Минавар мактабни ўзгартиргиси келмай ўша ердан қатнаб ўқиркан. Ўзиям бошқа қизларга ўхшамайди. Кам гапиради. Танаффус пайтида синфдан чиқмай китоб ўқийди. Ўзи энг чиройли қиз-ку, оти хунук: Минавар! Шуюм от бўлдию!

Янги мактабда эски қилиқларимни ташлашга мажбур бўлдим. Лекин бир умр мум тишлаб юролмайман-ку! Бултур, тўққизинчи синфда ўқиётганимда худди ўша Минаварга тегажоғлиқ қилгим келди. Катта танаффусда қарасам, биринчи партада ўтириб олиб, китоб ўқияпти.

– Нима қиляпсан, ўв? – дедим нима қилаётганини билиб турсам ҳам атайлаб.

Минавар ҳайрон бўлгандек, узун кирпикларини пирпиратди.

– Китоб ўқияпман, – деди секин.

– Қанақа китоб?

– Физика...

– Э, бошингга урасанми, физикани!

– Энг керакли фан-ку! Космосга «Лайка»ни учирган олимлар – физик-да!

Гапини қаранг. «Лайка» учирилганини мен билмайдигандек! Энсам қотди.

– Нима, олим бўлмоқчимисан, сенам?

Минавар елкасини қисди.

– Олим бўлиш шартми?

– Сендан икки дунёдаям олим чиқмайди! – дедим жиғига тегиш учун. – Биласанми, сен кимсан: Минаварсан! Минавар, Минавар, чўнтагингда нима бор? Сичқоннинг ини бор, каламушнинг думи бор! Думингни битта кўрсат!

Минаварнинг оппоқ юзи қизариб кетди. Йиғлаб юборишини кутиб турган эдим, йиғламади.

– Биринчидан Минавармас, Мунаввар, – деди узун кичрикларини пирпиратиб, Мунаввар – нурли дегани. Иккинчидан... – У бир зум кўзимга қараб турди-да, негадир аламлироқ кулди. – Ёш болага ўхшайсан-а, Музаффар! Ундан кўра яхшироқ ўқисанг-чи!

Агар у йиғлаб юборганида ёки ўзимизнинг мактабдаги қизларга ўхшаб, «Э, башаранг қурсин!» деб

қаргаганида маза қилган бўлардим. Худди катталардек дашном беришидан эсанкираб қолдим.

– Хўв, келгинди. Нима деб бировнинг бошини айлантиряпсан!

Қулоғим тагида дўриллаган овоздан чўчиб тушдим. Қарасам, шундоқ ёнимда Шерзод турибди. Сочи силлиқ таралган, қўлида соат. Назаримда Минавар кулиб қўйгандек бўлди. Чўчиб кетганим ўзимга алам қилди.

– Хўжайинмисан! – дедим бўйнимни чўзиб.

Ўзимни ўнглагунча бўлмай тумшугимга мушт тушди. «Вой олифта-ей, ҳали шундан калтак ейманми? Уриш мана бунақа бўлади», дедим-да, тасир-турсур қилиб солиб кетдим. Шерзоднинг силлиқ таралган сочи юзига ёйилиб тушиб, кўзини тўсиб қўйди. Қорнига тушган мушт зарбидан обкашдек икки букилиб қолди. Ўша заҳоти синфга ўнтача бола ёпирилиб кирди. Қўли етгани урди, қўли етмагани тепди.

Минаварнинг партасига суяниб олганча дуч келганини мушт билан «сийлаб» турган эдим, орадан Қўзивой отилиб чиқди.

– Қоч ҳамманг! – деди болаларни нари-бери итариб. Партага суянганча нафасимни ростлаб олдим. Шерзод доска олдида кафти билан юзини чангаллаганча чўнқайиб ўтирар, тўхтовсиз ихрар эди.

Қўзивой ҳаммани ҳар ёққа суриб, уч-тўрт қадам орқага – Шерзод чўнқайиб ўтирган доска томонга тисарилади. Нима қилмоқчи бу гуржи-пакана! Қўлидан нима келарди?

– Қўйинглар, бўлди! – Минавар ранги қув ўчганча ўрнидан туриб кетди. – Бор жойингга! Боргин сенам,– деди менга илтимос қилиб. Қўзимга шундай маъноли қарадики, ўзимнинг «хўрозлигим»дан ўзим уялиб кетдим. Энди бурилиб кетмоқчи эдим, эшик олдида турган Абдували бақириб қолди.

– Музаффар!

Ярқ этиб ўгирилиб қараганимни биламан, Қўзивой сузонғич қўчқордай бошини ичига тортиб учиб келди-да, икки қадам қолганида қаддини ростлаб, тўсатдан сапчиди. Юзим жиқ этганини салпал эшитдим ку ўзим қоронғилашиб Минаварнинг устига чалқанчасига йиқилдим. Синфда қаҳқаҳа портлади. Минаварнинг тиззасига ўтириб қолган, оёғим осмондан бўлиб, парта устида типирлар, Минавар «турсанг-чи», деб елкамга туртар, бурним ачишар, болалар бўлса маза қилиб кулишар эди. Абдували югуриб келиб қўлимдан тортди. Парта устидан ошиб ерга тушдим. Бошим айланар, юзим ачишар эди.

– Бурнинг қонаяпти. – Абдували чўнтагидан рўмолча олиб узатди. Қўзивойга ташланган эдим, болалар орасига ўзини урди.

Қўнғироқ жиринглади. Болалар пилдирпис бўлиб, жой-жойига ўтиришди. Шерзод ҳам қорнини чангаллаганча ўз партасига кетди. Абдували қўлтиғимдан олиб орқа партага судраркан, Минаварга қарадим. У тирсакларини партага тираганча, кафти билан юзини тўсиб ўтирарди.

Ўша куни дарсдан чиқсам, Абдували иккала мизни мактаб дарвозаси олдида йигирматача бола кутиб турибди.

Шерзод ёнимга келаётган эди, папкамни Абдувалига узатдим.

– Битта-битта! – дедим мушт туғиб. Яхши бўлди! Сулайиб қолгунимча олишаман. Бошқалари майли-ку, айниқса, юзимга калла уриб, бурнимни қонатган анави Қўзивойнинг хумдек бошини ёрмагунча тинчимайман.

Абдували икки қўлида иккита папка билан Шерзоднинг йўлини тўсди.

– Қўйинглар, нима кераги бор?

Шерзод қўли билан Абдувалини нари сурди.

– Қўрқма, – деди дўриллаб. – Урмайман. – У кафти билан сочини текислаб менга юзма-юз келди. – Сениям урмаймиз. Аммо битта гапни айтиб қўяй. Иккинчи Минаварга гапирсанг поезд тагига тиқиб юбораман. Минавар меники. Тушундингми! – У бирпас кўзини олайтириб турди-да, ерга тупуриб, туфлисини учи билан тупугини эзгилади. – Сенга ўхшаган саводсизни бошига урадими, тенг-тенги билан-да!

Болалар, бири илжайиб, бири сўкиниб тарқалишди. Дарвоза олдида Абдували иккалаамиз қолдик.

– Юр, кетдик! – Абдували папкамни қўлимга тутқазди. – Олишма шулар билан, ўртоқ.

Муштлашсак енгил тортардим. Шерзоднинг «саводсиз» дегани, айниқса, алам қиларди.

...Мен саводсизми! Кўрамиз ким саводли бўлишини. Сендан яхшироқ ўқимасам одаммасман!

Тўғри, биринчи ярим йилликни уч аралаш битирдим. Лекин учинчи чоракдан нуқул беш ола бошладим. Ўқитувчилар у ёқда турсин, дадам билан ойим ҳам мендек аҳмоққа қаёқдан инсоф кирганини билишолмас, қўйилгани рост бўлсин, деб қувонишар эди. Аммам бўлса «шўх бола тез қўйилади демабмидим, Роби, кўрасан ҳали ўғлинг юрт сўрайдиган министр бўлади», деб каромат қиларди.

Бир куни қизиқ бўлди. Гагарин космосга учганидан кейин бир ҳафталар ўтганида Минавар сочига олма гулининг шохчасини қистириб келди. Физика дарсида доскага чиқиб жавоб берди. Жавоб беряпти-ю, икки кўзи менда! Тўғриси, мен доскага чиқсам, Минавардан, у доскага чиқса мендан кўз узмай жавоб берадиган бўлиб қолганмиз. Негадир Минаварга қараб гапирсам, ақлим

яхши ишлаётганга ўхшайди. Бундан чиқди уникиям шунақа экан-да! Уям мендан кўз узмайди-ку!

Минавар дарсликдаги гапларни айтиб бўлди-да, негадир «ўтлаб кетди».

– Инсон космосга чиқди! – деди ҳамон мендан кўз узмай. – Энди уруш бўлмайди. Оталар ўлмайди, оналар касал бўлмайди.

Шу йилдан дарсга кирган ёш ўқитувчи қиз аввалига ҳайрон бўлиб қолди. Кейин тез-тез бош силкиб тасдиқлади.

– Тўғри айтасан. Раҳмат. Беш...

Олтинчи дарс битганидан кейин қарасам ҳамма туриб кетяпти-ю, Минавар жойидан қимирлама-япти. Бошқа кунлари автобусдан қолиб кетмаслик учун ҳаммадан олдин кўчага югурарди. Мен ҳам атайлаб папкамни имиллаб йиғиштира бошладим.

– Кетдикми? – деди Абдували тирсаги билан туртиб.

– Бор, ишингни қил! – Бир жеркинган эдим, Абдували ҳайрон бўлиб, китоб-дафтарини папкасига тикди-да, ўрнидан турди.

– Пойлаб турайми?!

– Йўлни ўзим биламан! – дедим тўнғиллаб. – Кетавер!

Синфда икки-учта қора қиз қолган, ҳамма болалар, Шерзод билан Қўзивой ҳам чиқиб кетишган эди. Биламан, бари бир Шерзод пойлаб туради. Минаварнинг чиқишини кутади. Шу қилганига Минавар билан чиқаман. Бир кўриб қўйсин!

Ана, Минавар китобларини битта-битта папкасига соляпти. Қора қизлар ҳам бир-бирлари билан маънодор кўз уриштириб олишди-да, чиқиб кетишди. Секин-секин юриб Минаварнинг олдига бордим. Гапирай десам, ҳеч нима эсимга келмайди, тепасида серрайиб турдим-турдим-да, сўрадим.

– Сен... космонавт бўлмоқчимисан, Минавар?

Негадир овозим титраб чиқди. Минавар кулди. Узун киприклари пирпираб кетди.

– Мендан космонавт чиқмайди, – деди секин.

Кулганидан анча дадил тортдим.

– Нега чиқмас экан? Физикани яхши биласан-ку!

– Ўтир, бир нарса кўрсатаман! – Минавар парта четига сурилиб, жой берди.

Бейхтиёр папкални парта устига қўйиб, ёнига ўтирдим. Димоғимга олма гулининг ҳиди урилди.

– Мана. – У папкасини очиб, муқовасига газета ўралган аллақандай русча китобни олди-да, ўртасини очди. – Ўқи!

Яқин сурилган эдим... Тирсагим унинг кўксига тегиб кетди. Ток ургандек сесканиб тушдим. Қўлимни тортиб олдим. Кўзларим китобда-ю, ҳеч балони ўқий олмасдим. Негадир вужудим таранг тортилиб кетган, тирсагимни яна кўтаргим келарди.

– Эйнштейн айтган экан, – деди у кулимсираб.

– Мабодо учинчи жаҳон уруши бўлса, қанақа қурол ишлатилишини билмайману, аммо тўртинчи жаҳон урушида камон билан тошболта ишлатиларди! Биласанми, бу нима дегани?

Ҳеч балога тушунмадим. Негадир томоғим қуриб кетган, вужудимдан ўт чиқиб кетаётганга ўхшар эди. Секин қарасам, кўзимга тикилиб турибди. Бирдан унинг ҳам юзига қон югурганини, қисқа-қисқа нафас олаётганини сездим.

– Ухламадингми? – дедим бошқа гап тополмай.

– Нимага?

– Кўзингни таги кўкарибди...

– Дадамнинг етти йиллигини ўтказдик, – деди секин. – Тўртинчида ўқиётганимда ўлганлар... Гап бундамас. – У негадир жилмайди. Яна юзи қизарди. – Ўзим... касалман. Порогим бор. Шунинг учун мендан космонавт чиқмайди.

– Нима у? – дедим кўрқиб.

– Туғма порок. Дилим ўйнайди... – У киприклари пирпиратиб кулимсиради. – Шунинг учун мендан космонавт чиқмайди. Мен... Дўхтир бўлмоқчиман. Жуда бўлмаса фармацевт. Юрак порогини тузатадиган дори топаман... Ўқимадинг-ку! – У яна ёнимга яқин сурилди. – Мана! Эйнштейн айтганки...

Тирсагим тагин кўкрагига тегди. Кўз ўнгим қоронғилашиб, баданим жимирлаб кетди. Нима қилаётганимни ўзим ҳам билмай, шарт этиб, елкасига қўл ташладим.

– Минавар... Мунаввар!

У сапчиб ўрнидан туриб кетди.

– Вой жинни!

Китобни шоша-пиша папкасига тикди-ю, чопиб чиқиб кетди.

Анчагача ўтирган жойимдан туролмадим. Юрагим гурсиллаб урар, Мунавварнинг «вой жинни» дегани қулоғим остида жаранглар, тиззаларим қалтирар эди. Нима, хафа бўлиб айтдимми, эркаланибми!

Ҳовлига чиққанымдан кейингина Шерзод ўртоқлари билан йўлимни пойлаб турган бўлиши кетди, деган хаёл миямга келди. Пойласа пойлайверсин! Менга деса минг киши бўлмайдимми? Қўрқмайман! Мунавварни ҳеч кимга бермайман.

Қизиқ, йўлимни тўсишмади...

...Ўша куни ғалати туш кўрдим. Умрим бино бўлиб, биринчи марта рангли туш кўрдим! Каттакон шафтолизормиш. Шафтолилар пуштиранг гуллаб ётганмиш. «Шафтоли гуллаб бўлганди-ку», деб ўйлармишман. Бир маҳал шафтолизор орасидан Мунаввар чиқиб кепти. Сочига олма гули тақиб олганмиш. Эғнида шафтоли гулига ўшаш пуштиранг кўйлак. «Кечаям олма гули тақиб келганди», дер-

мишман. Олдига югуриб борибман-да, елкасига қўл ташлабман. Мунаввар ҳайрон бўлиб кўзимга қарабди. Узун, чиройли киприклари пир-пираб кетибди. «Мен сени яхши кўраман, Мунаввар!» дебман, бақириб. У негадир йиғлаб юборибди. «Кетинг, сиз ёмонсиз», дебди. «Вой, жинни. Мени нега сизлайсан», десам... ғойиб бўлиб қопти.

Уйғониб кетдим. Вужудимда ҳузурбахш бир ҳорғинлик сезардим.

...Ўшандан кейин анчагача ундан уялиб юрдим. Худди тушимда кўрган воқеани уям сезиб қолади-гандек. Фақат... битта бахт бор мен учун! Ҳар куни қўл беришиб кўришаман. Қўлини сиқаётганимда тагин ток ургандек аъзойи баданим жимирлаб кетади. Тўғри, бир марта юрак ютиб, анчадан бери ўйлаб юрган гапимни айтдим.

– Мунаввар, уйлариңг текстилга яқин-а?

– Ҳа! – деди у кулимсираб. – Нимаиди?

– Ўша ерда кино ҳам бор-а?

Мунаввар индамай бош силкиди.

– Кинога тушамизми? – Шундай дедиму ўзим кўрқиб кетдим. Уришиб беради, аразлайди, деб ўйлаган эдим. Йўқ, уришмади. Лекин қатъий бош чайқади.

– Музаффар, – деди секин, – яна шунақа десанг хафа бўламан.

Шу йил қишда бир ҳафта ёмон қийналдим. Қишки таътиладан кейин Шерзод мақтаниб қолди.

– Индийский кино кўрдим. Зўр экан!

– Битта ўзинг тушиб нима қилардинг, – деди Қўзивой, митти кўзларини йилтиратиб, – айтсанг бизам тушардик.

Шерзод кулди.

– Сени бошимга урамани, Минавар билан тушдим. – Шерзод кўзимга тикилиб туриб илжайди.

– Роса йиғлади. Қизлар шунақа-да, кино кўрсаям йиғлайди.

Ўтирган жойимга михланиб қолдим. Рангим девор бўлиб кетганини ўзим ҳам сезиб турардим.

Шунақа экан-да, Мунаввар! Менга бунақа дейди-да, у билан... кинома-кино юради... Эртасидан кўришмай қўйдим. Унинг ҳайрон бўлиб қараб турганини кўрсам, гашим келар, кечалари ухлолмай чиқардим. Бир ҳафтадан кейин йўлакда ўзи олдимга келди.

– Нима бўлди, касалмисан? – деди секин. Узун киприклари титраб кетди.

– Кино яхши эканми? – дедим ғазаб билан. – Яна тушдиларингми?

Мунаввар кўзимга тикилиб турди-турди-да, лаблари пирпираб пичирлади.

– Қизлар айтса ишонмовдим, рост экан-да! – Шундай деди-ю, синф томонга югурди. Беихтиёр мен ҳам эргашидим. У синфга отилиб кирди-да, доска олдида Қўзивой билан гаплашиб турган Шерзоднинг ёнига борди. Қулочкашлаб юзига тарсаки туширди.

Шерзоднинг ранги қув ўчиб кетди.

– Ҳа! – деди дўриллаб. – Нима қилдим сенга!

– Агар яна шунақа туҳмат қилсанг... – Мунаввар, партага ўтирди-ю, юзини кафти билан яшириб, унсиз йиғлаб юборди. Шерзод нима қилишини билмай серрайиб туриб қолган, Қўзивой гоҳ менга, гоҳ Мунавварга аланг-жаланг қарар, мен нима қилишимни билмай талмовсираб турардим.

Мунавварнинг бошини силаб юпатгим келар, аммо уялардим.

...Бугун Шерзод билан яна уришдик. Йўқ, уришмадигу, лекин... Бари бир шунақа бўлиши керак эди. Бир ҳафтадан кейин имтиҳонлар бошланади.

Бир ойдан кейин ҳаммамиз ҳар ёққа тарқалиб кетамиз. Биламан, Мунаввар билан Шерзод медал олишади. Менинг тўртларим бор. Майли, менга медал керакмас. Мунаввардан айрилиб қолишдан қўрқаман. Қанийди. Мунаввар ҳам, мен ҳам ўқишни битиролмай қолсагу янаги йил тагин бирга ўқисак. Иложи йўқ-да.

Шундай қилиб жанжални Шерзоднинг ўзи бошлади. Адабиётдан консультация бўлиши керак эди.

Синфга киришим билан энг аввал Мунавварни кидирдим. Йўқ, келмабди. Орқароқда Шерзод, Қўзивой, яна беш-олтита бола, мактаб формаси ўрнига атлас кўйлак кийиб олган уч-тўртта қиз ўтирибди. Биламан, Мунаввар консультацияга кўпинча келмайди. Келмасаям дарсни яхши билади. Лекин гап бундамас, кун қизиган сайин юраги безовта бўлади. Ўзи айтган, «ёзда дилим ёмон ўйнайди», деган. Шунини ўйлаб кўнглим гаш тортди.

Кутиб ўтирибмиз-ўтирибмиз, муаллима опадан дарак йўқ. Охири Шерзод ўқитувчилар хонасига бориб, гап топиб келди.

– Консултация бўлмас экан: Азиза опанинг болаши сариқ бўпқопти. Мустақил шуғулланамиз.

Мактабда ўтириб мустақил шуғулланиш кимга ёқади! Бировнинг қулупнайи бор, бировнинг пилласи... Беш-олти бола билан иккита қиз қолди: доим Мунавварга эргашиб юрадиган қора қизлар.

Шерзод ўқитувчи ўтирадиган стулга чўкди-да, соатига қаради.

– Ўн икки бўляпти. Хўш, нима қиламиз?

Ҳеч ким чурқ этмади.

– Бўлмаса бир нарсани аниқлаб олайлик! – У катталардек салмоқлаб гап бошлади. – Мақсадсиз яшаш – ҳайвонлик! Ким қайси касбни танлаганини билиб олсак. Сен – у ўртароқдаги партада ил-

жайиб ўтирган Қўзивойдан сўради, – ким бўлмоқчисан?

– Шофёр! – Қўзивой партани ноғора қилиб ча-
либ қўйди. – Такси ҳайдайман. Кейин, пул йиғиб
собственный «Москвич» оламан! Таксичининг пули
кўп бўлади!

– Сен-чи, Ҳожия?

Қора қизлардан бири иккиланиброқ жавоб қилди:

– Боғча мудири!

– Тўғри! – Шерзод илжайди. – Ўзингам қаҳрамон
она бўлмагунча қўймайсан! Сенга боғча дуруст.

– Э, ўле!

– Сен-чи, Шойи?

Яна бир қора қиз – Шоира бижилаб ташлади:

– Хўжайинмисан? Неча пулик ишинг бор?!
Ўзинг ким бўлмоқчисан?

– Менми? – Шерзод ўйчан қиёфада бошини
қуйи солди. – Ҳарбий академияда ўқиб, космонавт
бўлмоқчи эдим. – У негадир менга қараб илжайди.
– Айнадим! – деди афсус-надомат билан бош чай-
қаб. – Энди фармага кираман.

– Узумга бўйинг етмагандан кейин пуф сассиқ
экан-да. – Шоира тағин бижир-бижир қилди. –
Ҳали сизни космонавтликка оламиз деди-ю, ноз
қилдингиз. Қўнглингизни кўчасидан ўргилдим!

– Гап бўйим етиш-етмаслигида эмас! – Шерзод
қовоғини солди. – Хоҳласам бемалол космонавт
бўлардим. Минавар фармага кирмоқчи. Демак,
менама аптекачи бўлишим керак.

Қора қизлар бир-бирига маъноли қараб олишди.
Ўзаро шивир-шивир қилиб чиқиб кетишди.

Шерзод уларнинг кетидан лабини буриброқ ку-
лимсираган кўйи қараб қолди. Синфхонага суку-
нат чўқди. Очiq деразалардан тинкани қуритади-
ган иссиқ шамол кириб турар, ҳовлидаги қиёқ гул-
лар иси бўр ҳидига аралашиб димоққа уриларди.

– Хўш, ўртоқ Шомуродов, сиз ким бўлмоқчисиз?– Шерзод киноя билан менга қаради.

Ҳамон партани чертиб ўтирган Қўзивой ҳиринглади:

– Космонавт бўлади. Ўзи айтган.

Шошилмай ўрнимдан турдим. Ёнимда ўтирган Абдували билагимдан ушлаган эди, силтаб ташладим.

– Хўш, ўртоқ Рустамов! – дедим Шерзоднинг қўзига чақчайиб. – Агар районода ишлайдиган дангиз рухсат берсалар аптека мудури бўламан. Мунаввар билан бирга ишлаймиз. Манави малайингни, – қўлимни бигиз қилиб Қўзивойни кўрсатдим, – ўзимга шофёр қилиб оламан. Ишдан кейин Мунаввар билан мени уйимга обориб қўяди.

Шерзод билан Қўзивой ҳам, бошқа болалар ҳам анграйиб қолишди. Орага таранг сукунат чўкди.

– Минавар кўнмаса-чи! – Шерзод секин-секин юриб яқин кела бошади.

– Биринчидан, Минавар эмас, Мунаввар! – дедим унга рўпара бўлиб. – Иккинчидан, кўнади. Кўнмаса кўндирамыз.

– Шунақами? – Шерзод қўл кўтаришга улгурмади. Қўзивой учиб келиб уни қорнидан қучоқлаб олди. Қарасам, бу ёқдан Абдували менинг қўлимга ёпишяпти.

– Йигитча гап бўлсин! Йигитча иш қилайлик! – Қўзивой гоҳ Шерзодга, гоҳ менга қараб бидилади. – Бирон нарсадан бас бойлашийлар. Нима кераги бор жанжални. Минавар битта – сенлар иккита! Гаровда ким ютса, Минавар ўшаники бўлади, тасом! – У тўғрими, дегандек атрофга олазарак қаради. Жанжалга аралашмай жойида ўтирган болалар маъқуллаб, бош силкишди.

Шерзод қўлини силтаб тортиб, Қўзивойга ўдағайлади:

– Қанақа гаров?

– Менга бари бир! – Қўзивойнинг митти кўзлари қувлик билан ёнди. – Сенам ўртоғимсан, Музаффар ҳам... Қачонгача битта қиз деб душман бўлиб юрасанлар. Орани очиқ қилиш керак-да!

– Гапингни айт! – Икки қўллаб билагимдан ушлаб олган Абдувалини силтаб, Қўзивойга ўдағайладим. – Нима демоқчисан?

– Нима дердим? Иш ҳалол бўлсин, дейман-да! – Қўзивой бир зум ўйланиб турди-да, юзи ёришди. – Битта йўли бор! Алвасти кўприқдан калла ташлаш! Ким қойил қилса – Минавар ўшаники! Ана, йигитча гап!

– Ўв, еркана! – Абдувалининг сап-сарик юзи жаҳдан қизариб кетди. Қўзивойнинг ёқасига ёпишди. – Ўлдирмоқчимисан?! Музаффар сузишни билмаслигини билиб атайлаб қиялсан.

– Э, қоч-е. – Қўзивой орқага чекинди. – Менга бари бир дедим-ку! Шерзод ҳам ўртоғим, Музаффар ҳам. Нима, йигит кишиям сузишни билмайдими! Бўлмаса, «вийт» этиб қочсин-да, йўлни бўшатсин!

Қани энди бир урсаму хумдай бошини икки палла қилиб ташласам!

– Бўпти! – дедим ғазабдан титраб. – Қачон?

– Мана бу – йигитча гап бўлди! – Қўзивой Абдувалига ўшқирди: – Нима қиласан эркакларнинг ишига аралашиб! Қўлингдан келса ана, Музаффарга секундантлик қил. Мен Шерзод томонидаман. Сен нима дейсан, оғайни! – Қўзивой Шерзодга садоқат билан термилди. – Розимисан?

– Бўпти. Гап битта! – Шерзод қўлини чўзди. – Йигит бўлсанг, ташла қўлни!

– Мана! – Мен ҳам қўлимни чўздим. – Қачон?

– Эртага соат ўн биру нол-нолда! Келмаган – хотин!

Абдували кўлимга ёпишди.

– Кўнма! Булар келишиб олган! – деди бақириб.

– Ана! – Кўзивой илжайди. – Шунақа-да! Эркак-часига гаплашишга келганда курк товукдай пушиб қоласанлару тагин...

– Қоч! – Абдувалини силтаб ташлаб, Шерзоднинг кафтига урдим. – Гап битта!

– Аҳмоқ! Эшшак! – Абдували алам билан чийиллади. – Булар ҳаммаси бир бўлиб сени ўлдирмоқчи, тушундингми!

Тушундим нимаю тушунмадим нима?.. Мунавварни мана шу олифтага бериб қўйгандан кўра...

Кутилмаганда синф эшиги тарақлаб очилди. Шоира остонада туриб бижир-бижир қилди:

– Ўлларинг-а! Шу гапни Минавар эшитса, иккалангниям роса мазах қилади.

– Э, бор! – Кўзивой митти кўзини олайтирди. – Нега шпиёнлик қиласан?

– Сенга гапни ким қўйибди, каллахум! – Шоира бурнини қийшайтириб, эшикни ёпди.

Ҳаммамиз «яхшилиқ билан» уй-уйга тарқалдик.

Ана, уч қадам олдинда Абдували кетяпти. Бошини ердан кўтармайди, хафа... Ёнғоқзорга кирганимизда тўхтаб қолди.

– Ўв, жинни! – деди тўсатдан жазаваси тутиб. – Шерзод сузишга уста. Сен ўлиб кетасан. Битта қиз деб ўлиб кетасан, аҳмоқ!

«Битта қиз?» Мунаввар шунчаки «битта қиз»ми?

– Менга қара, Абдували! – дедим совуқ ишонч билан. – Эртага сен бормай қўя қол. Ўзим бораман!

– Тфу, ҳайвон! – У папкасини саланглатганича тез-тез юриб ёнғоқзор орасига кириб кетди.

...Уйга яқин келиб қолганимда велосипед рулига қора хўжалиқ сумкаси илиб олган Омон учради. Индамай, ўтиб кетмоқчи эдим, рўпарамга келиб тўхтади.

– Шакарга кетяпман, ака. Ойим қулупнай мураб-бо қиларканлар. Дадам сизни сўрадилар.

Энди шуниси етмай турувди! Дадам ишдан бунақа эрта келмасди-ку!

Ҳайҳайлашимга қарамай, укам велосипедини гириллатганча жўнади. Ҳовлига киришим билан дадамга кўзим тушди. У айвон пешида оёғини уза-тиб ўтарар, олдида иккита тоғора бор эди. Иккаласидаям қулупнай. Биттасидаги қулупнайларни доналаб олади-да, думини юлиб, иккинчи тоғорага ташлайди.

– Келдингми? – деди ўрнидан туриб. Қизариб кетган бармоқлари билан ёнида ётган папиросни олди. Чекаётганида гашим келди. Ўшанда «маза қилиб» калтак еганимдан бери папиросни кўрсам кўнглим ағдарилади.

– Бу ёққа юр, ўғлим! – У оқсоқланиб уйга кириб кетди.

Дадам меҳрибончилик қила бошладими, демак, бир гап бор. Нима бало бўлди тагин!

Айвонга етгунимча дадам оқсоқланиб уйдан чиқиб келди. Қўлида алақандай қоғоз.

– Ўтир, қорнинг очганлар, – деди янаям меҳрибонроқ алпозда.

Ҳайрон бўлиб айвондаги хонтахта ёнига чўккаладим.

– Қулупнай ейсанми? – Дадам оқсоқ оёғини чўзиб шолчага ўтирди. Ҳамон бир қўлида қоғоз тутганча, иккинчи қўли билан банди юлинган қулупнайлардан йирик-йиригини саралаб, хонтахта устидаги ликопчага солди. – Ол, ўғлим! Ҳозир ойинг келади. Ош қиламиз. Биир, қўлбола палов қилиб берай сенга!

Бошимни кўтариб қарасам кулиб турибди.

– Бугун сенинг байраминг экан, ўғлим. Билмаб-мизам. Бирпасда ўн еттини уриб қўйибсан, гирой!
– Дадам қўлидаги қоғозни узатди. – Ўқиб кўр-чи.

Қоғоз тепасида, «телеграмма» деган босма ҳарфларни ўқидим. Кейин машинкада ёзилган русча сўзларга кўзим тушди. «Музаффар, ўғлим! Ўн етти ёшинг муборак бўлсин! Бахтли бўл. Онанг, синглинг...» Охирида яна бир илтимос бор эди. «Мактабни битирганингдан кейин вақт топсанг, Қўқонга бир келиб кет. Илтимос...» «Қўқон» деган сўзни ўқиганимдан кейингина телеграммани ойим юборганини тушундим. Бундан чиқди бугун ўн иккинчи май экан-да! Қизиқ, дадам билан ойимнинг эсига келмаган нарсани қўқонлик ойим унутмабди. Шуни ўйлашим билан уч йил илгари еттинчини битираётганимда ҳам қўқонлик ойим туғилган куним билан табриклагани, пул бергани, дадамдан калтак еб Қўқонга қочиб кетмоқчи бўлганим эсимга тушди. Қизиқ, ўша жанжалдан кейин дадам билан ойим ҳеч нима бўлмагандек индамай қўя қолишган, ўзим ҳам Қўқонга қочиб кетиш ниятидан қайтган эдим. Қўқонлик ойим ўша кунни айтган ваъдасини бажарди. «Энди безовта қилмайман», деган эди, ростдан ҳам бошқа келмади. Мана, уч йил ўтиб, телеграмма юборибди. Бундан чиқди дадам ҳаммасидан хабардор экан-да! Ҳайрон бўлиб қарасам, дадам ҳамон қулуپнай саралаяпти. Жаҳли чиқаётгани йўқ.

– Қайси институтга кирмоқчисан? – деди тўсатдан. Шу пайтгача сўрамаган дадам нега бирдан қизиқиб қолди?

– Фармага! – дедим ҳамон қоғозни ушлаганча.

– Нима у, учувчиликка ўргатадиган ўқишми?

Дадам тўғри айтяпти. Ойим, «ўнни битириб ким бўлмоқчисан», деб сўраганида: «Украина томонда учувчиликка ўқитадиган институт бор, ўшанга кетаман», деган эдим.

– Йўқ, – дедим телеграммани хонтахтага қўйиб. – Аптекачи бўлмоқчиман.

– Аптекачи? – Дадам ҳайратланиб юзимга қаради. – Дори сотасанми?

Ростини айтсам, фарма дегани нималигини ўзим ҳам тузук-қуруқ билмайман. Аммо ростки, Мунаввар ўша институтга кирадими, демак, менам кираман. Айниқса, бугунги гаровдан кейин...

– Шунақа шекилли, – дедим дудмал қилиб. – Дори тайёрлашгаям ўргатаркан. Буйрак оғриғига, юрак ўйноғига...

– Яхши! – дадам маъқуллаб бош силкиди. – Шояд онанг бечораниям буйраги тузалиб кетса. – У бирдан жиддий тортди. Хонтахта устида ётган, қизариб кетган сочиққа қўлини артди-да, тагин папирос чекди.

– Музаффар! – деди қуюқ мўйлови остидан тугун бурқситиб. – Энди сен ёш боламассан. Яқинда студент бўласан... Нимаиди? «Фармами?» Ўшанга кирасан. Энди сендан бекитадиган жойи йўқ... Шу... Қўқондаям онанг бор...

Индамай ерга қараб ўтиравердим.

– Майли, ўтган ишга салавот. – Дадам қўл силтади. – Она – бари бир она-да! Кўргиси келади. Дийдорингга тўйгиси келади... Мабодо насибанг қўшилиб, институтга кириб олсанг, бир бориб кўриб келгин, хўпми? У бечораям бир гариб...

Ажаб! Жаҳди чиқса ҳеч кимни танимайдиган дадам шуми! Нимага бирдан мулойим бўлиб қолди?

Умуман, дадам бугун жуда «очиблиб» кетди.

– Хафа бўлмайсан, ўғлим, – деди мени ёш боладек эркалаб. – Ўн етти ёшга кириб, йигит бўпқопсану бир мартаям туғилган кунингни ўтказмабмиз. Бунақа нарсаларга бизнинг ақлимиз етмаса... Қўявер, энди ҳар йили байрам қиламиз.

Чиндан ҳам дадам ўз қўли билан ош дамлади. Ҳақиқий қовурма палов! Ҳатто ош олдидан бир пиёла ароқ ҳам ичиб олди. Дарров кайф бўлиб қолди.

– Гап шу, Роби! – деди шанғиллаб. – Бугундан бошлаб Музаффарнинг туғилган кунини ҳар йили байрам қиламиз. Омонникиниям. Тўғрими? – У укамга қараган эди, ош еб ўтирган Омон илжайди.

– Ўртоқларимниям чақираман!

– Ана, ўртоқлариниям чақиради. – Дадам мўйловини силаб ойимга юзланди. – Роби! – деди тўсатдан. – Ўғлинг институтга кириб олганидан кейин Қўқонга бориб келади. У бечораям она-да!

Ойим билан Омон ярқ этиб гоҳ менга, гоҳ дадамга қараб қолишди. Омон ҳайрон, ойимнинг қовоғи тушиб кетган эди. Дадамнинг кайфи бўлса ҳам, ойимдаги ўзгаришни сезди.

– Этни тирноқдан айирмоқчимисан! – деди баттар шанғиллаб. – Боради! Мен айтдимми, боради!

«Байрагим» ўзимга татимади. Чироқни ўчирдиму анчагача ухлолмай ётдим. Айвондан дадамнинг хўриллатиб чой ичгани, ойим товоқ-қошиқларни шарақлатиб йиғиштираётгани эшитилиб турди.

– Опам салом айтдилар, – деди дадам бир маҳал.

– Вой, яхши юрган эканларми? – Ойимнинг овозида афсусга ўхшаш оҳанг бор эди. – Анча бўлиб қолди, боролмадим ҳам.

– Яхши... – Дадам бир зум сукут сақлаб турди-да, қўшиб қўйди. – Оқсоқолдан ҳам бир хабар олай деб кирсам, Абзидан хат кепти. Тойиржон ўқиб берди.

Ойим ҳеч нимани тушунмади шекилли, сўради.

– Ким?

– Абзи! – деди дадам қандайдир тантанавор оҳангда. – Рашид абзи бор эди-ку! Қозондан хат ёзибди. Ҳаммага салом айтибди.

– Вой бечора! – Ойим шодон хитоб қилди. – Тиррик эканми?

– Юрганмиш. Бутун Нўғайқўрғонга салом айтибди.

– Ўзиям топилмас одам эди-да! – деди ойим мамнун бўлиб. – Ишқилиб соғ бўлсин...

Дадам икковининг гапи ҳам, телеграммаю қўқонлик ойим ҳам қизиқтирмас, кўз ўнгимда яна Мунаввар пайдо бўлган эди. Сочлари турмакланган, оппоқ юзи, узун-узун киприклари, «нима дейсан ахир?» дегандек илтижо билан тикилиб турган маъюс кўзлари... бир йилдан бери ҳалиям тирсагимни ёндириб турган кўксининг қайноқ тафти...

Шу кеча Мунавварни туш кўришни жудаям хоҳлагандим. Йўқ, тушимга алланима балолар кириб чиқди. Шовуллаган лойқа сувми-ей, илжайиб турган биткўз Қўзивойми-ей...

* * *

Эргалаб бошим қизиб уйғондим. Кўзимни очсам, устимга офтоб келиб, пешонам, бўйним терлаб кетибди: ёстигим ҳўл. Сўлагим оққанми, нима бало! Туришга эриниб ўтирсам, ташқаридан Абдувалининг отимни айтиб чақиргани эшитилди.

– Келавер, – дедим ёстиқнинг орқасини ағдариб, – эшик очиқ-ку!

Абдували бировдан қўрққандек эшикдан мўралади.

– Кетиб қолгансан деб ўйловдим. Соат ўн бўлди. – У секин-секин тепамга келди. – Бормайсан-а? – деди. – Яхшиси ёнғоқзорга кириб дарс қиламиз. Ёзмага тайёрланамиз.

Лоп этиб кечаги гаров, Алвасти кўприк эсимга тушди. Аввалроқ сузишни ўргансам бўларкан... Кейин, негадир кечаси кўрган тушимни эсламоқчи бўлдимۇ ҳеч нимани хотирлай олмадим.

Тагин Мунаввар хаёлимга келди. Қишда Шерзод туҳмат қилгани, Мунаввар уни тарсакилаб уриб юборганини эсладим.

– Абдували! – дедим ишонч билан. – Менга секундант керакмас. Қолавер. Аммо ҳеч кимга гапирма, хўпми?

Бу гапни шунақанги совуққонлик билан айтдимки, ўзим ҳам ҳайрон қолдим.

– Ажалингдан беш кун олдин ўлмоқчимисан, аҳмоқ! – Абдували минг тўнғиллагани билан бари бир кетимдан эргашди. Нуқул мениям, Шерзодниям, каллахум Қўзивойниям бўралаб сўкарди. Ёнфоқзордан чиқишимиз билан тўсатдан тўхтаб қолди.

– Келмабди, – деди енгил тортиб. – Келмайди-ямда! Унгаям жон керак! Алвасти кўприкдан калла ташлаш осон эканми!

Қарасам, кўприк олдида ҳеч ким йўқ. Ростини айтсам ўзим ҳам севиниб кетдим. Абдували рост айтяпти. Шерзодгаям жон керак. Сузишга минг уста бўлгани билан Алвасти кўприкдан калла ташлашга қўрқади. Кўприк тагига кириб кетса – тамом!

Олдинма-кетин юриб яқин бордик. Кун қизиб кетган, пастда терак бўйи чуқурликда Бўрижар шовуллаб оқар, кечаси тоғда ёмғир ёққан шекилли, сув бўтана бўлиб кетган, алақандай дарахт шохлари сув юзидан чирпирак бўлиб айланганча кўприк тагидаги бетон деворга урилар, шиддат билан пастга – темир йўлнинг нариги томонига сурон солиб отилар эди.

– Кетдикми? – Абдували сув шовқинидан овозини эшитмай қолишимдан қўрққандек, билагимдан тортиб имо қилди. – Келмади-ку! Бўлди-да!

Иккиланиброқ эргашдим. Секин-секин темир йўл кўтармасига чиқдик. Йўл четидаги ўтларга дори сепилган шекилли, сарғайиб, қовжираб қолган, шпалларнинг эриб кетган мойи ботинка пошнасига чип-чип ёпишар, бир жуфт из офтобда тасмадек ялтираб ётар, қайноқ ҳаводан мазут ҳиди

келарди. Беихтиёр нариги томонга қарадиму юрагим сесканиб кетди. Кўприк тагидан отилиб чиққан лойқа сув кўпикланиб осмонга сагчир, саёзликда қинғир-қийшиқ тўнкалар, темир қовургадек арматуралар «тиш қайраб» турар, «кела қол, сихга қадаб ташлайман», деб чақираётганга ўхшарди.

– Музаффар!

Бурилиб қарадиму Абдувалининг ранги қув ўчиб кетганини кўрдим. У индамай, разъезд томонга имо қилди. Темир йўл четида, шпаллар устида катта-катта қадам ташлаб Шерзод келарди. Худди байрамга отлангандек ясаниб олган. Йўл-йўл шойи кўйлаги офтобда ялтирайди. Шими текис дазмолланган. Кетидан келаётган Қўзивойни аввалига пайқамадим. Пакана бўлгани учун Шерзоднинг орқасида кўринмаётган экан. Лип этиб, темир йўл ўртасига тушиб олди-да, шу томонга пилдиради.

Юрагим шув этиб кетди. Қўрқаётганимни сездирмаслик учун тескари қараб олдим.

Икковлари етиб келишди. Шерзод хотиржам алпозда аввал мен билан, кейин Абдували билан қўл олишиб кўришди. Қўзивой билан кўришгим келмади. Қўл чўзган эди, тескари қараб, хуштак чалиб туравердим.

– Хўш, бешта кам ўн бир! – Шерзод офтобда ялтираётган соатини бурнимга тиқиштирди. – Пастга тушайлик.

Шағал кўтармадан сирғаниб, пастга – Алвасти кўприкнинг бериги томонига ўтдик.

– Менга қара, Шерзод! – Абдувалининг сариқ юзи қизариб кетди. – Қўйинглар шу ишни! – Овози шу қадар ялинчоқ эшитилдики, ғашим келди.

Шерзод кинояли илжайиб қўйди. Шу туришида «сенам одаммисан» деган маъно бор эди.

– Калла ташлаш жойи – кўприк маркази! – У қўлини чўзиб Алвасти кўприкнинг ўртасини кўрсатди. – Қайси қирғоққа сузиб чиқиш, ҳар кимни ўзига тан. Хоҳдаса у ёққа чиқади, хоҳдаса бу ёққа.

– Сув тортиб кетса, унда... – Қўзивой митти кўзларини қувлик билан йилтиратди. – Лекин ҳаммаси қоюлди бўлиши керак. Чек ташлаймиз. Кимнинг чекига тушса, ўша аввал калла ташлайди. Тўғрими гапим? Ҳалолми?

У шимининг чўнтагига қўл суқиб, йигирма тийинлик танга чиқарди.

– Ким қаёғини танлайди? – деди тангани кўз кўз қилиб.

– Менга бари бир! – Шерзод чирт этиб тупурдида, юзини ўгирди.

– Менгаям.

– Йўқ, гаров ҳалол бўлсин. – Қўзивой тангани тумшугимга тиқиштирди.

– Қаёғи сеники?

– Гербли томони! – дедим беихтиёр. Чув тушгим келмасди.

– Бўпти. Гербли томони осмонга қараб тушса, биринчи бўлиб Шерзод калла ташлайди. Йигирма тийинлик томони тушса, сен ташлайсан. Гапинг гап, қайтиш йўғ-а?

Боядан бери ранги гезариб турган Абдували Қўзивойнинг ёқасига ёпишди.

– Музаффар сузишни билмайди, каллахум! – деди бақириб. – Ўлдирмоқчимисан бировни!

– Э нари тур, ҳезалак! – Қўзивой елкаси билан бир туртган эди, Абдували газабдан баттар қизариб кетди. Энгашиб ердан чойнакдек тош олди.

– Ўлдираман! – деди кўзини олайтириб. – Аввал сен ўласан, кейин гаров бўлади!

Шерзод шу қадар киноя билан менга қарадики, югуриб бориб Абдувалининг қўлига ёпишдим.

– Аралашма.

Қўзивой ҳар эҳтимолга қарши Абдувалидан на-
рироққа борди. Қўзларини йилтиратиб тангани
бош бармоғининг тирноғига қўндирди. Энди ос-
монга отмоқчи эди, кўприк усти гулдираб кетди.
Қўкимтир тепловоз қатор-қатор вагонларни тор-
тиб Алвасти кўприк устидан ўта бошлади. Пўлат
излар зириллар, филдираклар қулоқни қоматга кел-
тириб тарақлар, йўл четидаги қовжираган ўтлар
шиддат билан силкинар эди.

Шерзод «шошма» деб имо қилганди, Қўзивой
поезд ўтишини кутиб турди. Ниҳоят тарақ-туруқ
садолар пасая-пасая тиниб қолди.

– Бир, икки, уч! – Қўзивой тангани осмонга чи-
риллатиб отди. Танга пирпираб ерга тушди.

– Ана! Сенам қара, ўв! – Қўзивой қувониб хитоб
қилди. – Рақамли томони тушди! Биринчи бўлиб
Музаффар калла ташлайди. – У Абдувалининг қў-
лидан судрагудек бўлиб танга устига олиб борди. –
Кўриб қўй. Бари бир Шерзод ҳам ташлайди. Аммо
Музаффарнинг гали – биринчи.

Абдували энгашиб, тангани узоқ томоша қил-
ди-да, қаддини ростлади. Рангида ранг қолмаган,
лаблари титрар эди. Яна эгилди-да, боягидан ҳам
каттароқ тошни олди.

– Эшитиб қўй, – деди титраб. – Музаффарга бир
гап бўлса, сенам тирик қолмайсан!

– Ие, алам экан-да! – Қўзивой мадад кутгандек
аввал Шерзодга, кейин менга қаради. – Гаровни
ўзларинг ўйнадинг-ку, Музаффар!

Дўнгроқ жой топиб ўтирдим-да, туфлимнинг
боғичини еча бошладим. Йўқ, энди қўрқмасдим.
Фақат Мунавварни кўргим келарди. Бир марта,
охирги марта! Шу лаҳзада бир нарсани тушундим:

Мунавварни яхши кўраман! Жудаям яхши кўраман. Жудаям! Агар тирик қолсам...

Бошимга соя тушди. Абдували! Ҳозир яна саннайди. Ялинмоқчими? Шуларга-я! Мунавварни мана шу олифтага бериб қўйгандан кўра...

– Наритур! – Жеркиб, бошимни кўтардим. Кўтардиму ҳайратдан қотиб қолдим. Нима бу?

Боғич ечаётган қўлим билан қўрқа-писа кўзимни ишқаладим. Йўқ, Туш кўраётганим йўқ эди. Тепамда Мунаввар турарди. Эски, унниқиб кетган чит қўйлақда. Сочи турмакланмаган, иккита қилиб ўриб, орқасига ташлаб олибди. Кўзларининг таги янаям кўкариб кетган. Юзида қон йўқ:

– Ҳорманглар! – деди лаби пирпираб.

Аҳмоқона илжайиб, атрофга алангладим. Нарироқда Шерзод қаққайиб турар, Қўзивой чўзилиб унинг қулоғига бир нима деб шивирларди. Абдували қўлида тош билан ҳезланиб турибди.

– Чўмилмоқчийдик, – дедим бошқа гап тополмай.

– Яхши жой топибсизлар чўмилишга! – У кўзимга таъна билан тикилиб турди-да, «сатқани одам кет!» дегандек афсус билан бош чайқади. – Нима, мен кўчада тушиб ётган чақаманми? – деди кўзи газабдан ёниб. – Орқамдан гаров ўйнайсан!

Довдираб қолдим.

– Гаровмас, ўзимиз... – дедим дудуқланб.

У юзини чир ўгирди-да, Шерзоднинг олдига борди.

– Ютқаздинг! – деди қатъият билан. – Мен Музаффарни яхши кўраман! Шуни билмоқчимидинг? Кўнглинг жойига тушдимми?

Шерзод ранги қув ўчиб орқага тисарилди. Қўзивойнинг кўзи олайиб кетди. Абдували қўлидаги тошни Бўрижарга улоқтириб юборди-да,

гандираклагудек бўлиб, наъматаклар ўсиб ётган сўқмоқдан ёнғоқзор томонга юрди.

Мунаввар шарт ўгирилиб тепамга келди. Икки юзи олов бўлиб кетган, доим ўйчан боқадиган кўзлари ёниб турарди.

– Сениям ёмон кўраман! – деди бақириб. – Одам-массан!

Шағал ётқизилган кўтармага чиқди-да, темир йўл устида бир зум тўхтади. Мен томонга бир қаради. Шунда кўзларидан ёш сизиб чиққанини кўрдиму сапчиб туриб, югурдим. Яланг оёғимга шағаллар ботар, сирғаниб кетардим. Қизиб ётган темир излар товонимни жазиллатиб куйдирарди. Мойи эриб кетган шпаллар ундан ҳам иссиқ, оёғимга чиппа ёпишар эди. Лекин оғриқни унча сезмасдим.

Қизиқ, Мунаввар разъезд томонга – мактабга кетмади. Икки қўли билан юзини чангаллаб олди-ю, Алвасти кўприқдан тушиб, қамишзорга қараб югурди. Жоним борича бақириб юбордим:

– Мунаввар!

Шағаллардан сирғаниб тушиб борарканман, мункиб, думалаб кетдим. Бироқ ўша заҳоти сапчиб туриб, қамишзорга ўзимни урдим.

Қамишзор орасидаги сўқмоқ ҳўл эди. Куйган товонларим бир оз ором топгандек бўлди. Югуриб борарканман, кўксимдан нидо отилиб чиқди.

– Мунаввар, тўхта!

Шовуллаб турган қамишзор орасида унга етиб олдим. Қўлидан тутиб жонҳолатда тортган эдим, зах ерга ўтириб қолди. Ёш тўла кўзларида ғазаб билан бақирди:

– Кет! Йўқол!

– Мунаввар! Мени кечир, Мунаввар! Сенсиз ўлиб қоламан, Мунаввар! Ўлиб қоламан!

Кейин нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Ўзидан-ўзи чўккалаб қолдим. Лабларим унинг кўз ёшидан шўртанг бўлиб кетган лабига ёпишди. Қўрқиб кетдим. Гуноҳ иш қилиб қўйгандек сесканиб бошимни орқага ташладим. У энтикар, кўзлари юмуқ, икки томчи ёш оппоқ юзидан думалаб тушарди. Юрагимни баттар қўрқув босди.

– Мунаввар! Яхши кўраман! – дедим йиғлагудек бўлиб. – Менам фармага кираман, хўпми, йиғлагин, илтимос, уришмагин мени...

У ҳамон кўзини очмай, бошимни оҳиста силади.

– Жинни!

ЕТТИНЧИ ҚИСМ

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

Бегона

Қўқонга биринчи боришим. Шунинг учунми, ойим жуда типирчилаб қолди.

«Битта ўзини қандоқ юбораман. Омонни ҳам қўша қолайлик, ака-ука ҳамроҳ бўлади», деган эди дадам жеркиб берди.

«Эҳтиёт бўл, ўғлингни биров еб қўяди! Бу тенги йигитлар урушда саркарда бўлган. Болангни оёғини оёғингга боғлаб ўтира қол! Хўпми?!»

Дадам тўғри айтади. Ойим ҳалиям мени ёш бола деб ўйлайди. Мактабни мен билан битирганлар армияда хизмат қиляпти. Абдувалидан тез-тез хат келиб туради: Камчаткада экан. Қизиғи шундаки, каллахум Қўзивой билан битта қисмга тушибди. Қўзивой ҳалиям ўша-ўша шум эмиш. Абдували ҳар хатида «Минаварга салом айт», дейди. Айтман. Кўпинча хатини ўқиб бераман.

Мунаввар билан битта гуруҳда ўқиймиз. Ўша хангомадан кейин Шерзод сенлар доришунос бўлсанг, мен хирург бўламан, деб ТошМИга кирди... Кузда – пахтага борганимиздаям нуқул Мунав-

варнинг ёнидаги эгатга тушиб пахта тердим. Аввалига унинг атрофида учинчи курсда ўқийдиган иккитаси ўралашиб юрди-ю, Мунаввар «йигити» борлигини яхшилаб тушунтириб қўйди шекилли, ҳеч ким яқинига йўламайдиган бўлди... Ҳозир ҳам ҳар куни эрталаб институт эшигида бир-биримизни кутиб турамиз. Кутубхонада бирга дарс тайёрлаймиз. Ҳафтада бир марта кинога тушамиз. Иложи борича орқа қатордан жой оламан-да, чироқ ўчгандан кейин... хуллас бахтлиман. Фақат битта масалада Мунаввар билан келишмаймиз: уйигача кузатиб боришимга йўл қўймайди.

Йўқ, жудаям унчаликмас. Трамвайда текстилгача бирга келамиз. У ёнига ёнма-ён борамиз. Лекин тор кўча бошига етишимиз билан тўхтаб қоламан.

Мунаввар у ёнига боришимга рухсат бермайди: ойисидан ҳайиқади. Айтишига қараганда, ойисининг жаҳли ёмон эмиш. Тутган жойидан кесадиган хотинмиш. Мунавварнинг дадасини шунақанги яхши кўрарканки, урушдан ярадор бўлиб келган дадаси ётиқли касал бўлиб қолганида Нўғайқўрғондаги уй-жойини ташлаб эри ётган – текстил яқинидаги балнисанинг ёнидан эски бир уй сотиб олган экан. Ўрнидан туролмай қолган эрини икки йил боқибди. Эри ўлгандан кейин асабий бўлиб қолганмиш. Дори ичмаса, ухлай олмасмиш... Менинг кузатиб борганимни кўриб қолса, Мунавварни кўчага чиқармай қўярмиш.

Кўча бошига етишимиз билан Мунаввар хайрлашиб, «бўлди, маррага етдингиз, – дейди жилмайиб, – ойимлар хафа бўладилар». Шундай дейди-да, чопқиллаб ичкарига кириб кетади. Айтмоқчи, у мени олдингидек «сен» демайди. «Сиз»лайди! Аввалига кўниколмайд юрдим-у, кейин ўзимгаём ёқиб қолди. Тўғри-да, аввало мен ундан роппа-ро-

са бир ярим ойлик каттаман. Қолаверса, бари бир уйланаман-ку. Сен деса ярашмайди-да...

...Поезд гулдираб кетяпти. Чироқлар хира. Вагон совуқ. Чипта топилмагани учун умумий вагонга чиққан эдим. Ётиб ухлаш у ёқда турсин, ўтиришга жой йўқ. Ҳамма ёқ шовқин-сурон. Одам кўп. Қишки таътил бошланган, талабалар уйига бориб келгиси келади-да. Ана, олти йигит рўпарамарўпара ўтириб олиб, вино ичишяпти. Дераза олдидаги столчада кесилган иккита анор. Қиррадор стаканда вино ичишади-да, анор билан газак қилишади. Сурнай поча шим кийган, мўйловли йигит менга ҳам узатди.

– Ол, укам, сенам ўзимизданга ўхшайсан!

Талаба халқи дарров тил топишади. Бирпасда апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Олтитолови ҳам Низомида ўқиркан. Бири олиб, бири қўйиб ёдаки шеър ўқишди. Навоийдан тортиб алақандай Хемингуэйгача гапиришди... Кичкина жомадонимни ёнимга қўйиб, қисилиб ўтирибман. Жомадонда қўқонлик ойимга кўйлакли, синглимга жемпер... Ойим магазинма-магазин юриб олган нарсалар. Адабиётчилар олдида ўзимни кўрсатиб қўймоқчи эдим-ку, биттаям шеър ёдимга келмади. Ҳамхоналаримнинг виноси таъсир қилдими, улар шеър ўқиган сайин Мунаввар ёдимга тушаверди.

Ўзимга қолса-ку, Қўқонга бормоқчи эмасдим. Жума куни Мунаввар билан Чимёнга чиқмоқчи эдик. Тоғда институтнинг дам олиш зонаси бор. Узоғи билан индин кечаси поездга чиқиб Тошкентга қайтмасам бўлмайди. Мунавварга ваъда қилганман. Етиб келмасам, кутади.

Кеча Мунаввар билан «Искра» кинотеатрига тушдик. «Оддий фашизм» деган кино экан. Ҳар галгидек орқа қатордан чипта олдим. Мунавварни

кучоқлаб ўтирмоқчи эдим. Бўлмади! Кино шунақа зўр эканки, ёнимда ўтирган Мунаввар ҳам эсимдан чиқиб кетди. Бир маҳал қарасам, у елкамга бошини қўйиб, ҳиқиллаб йиғлаяпти. Елкасидан кучиб бошини силадим.

– Йиғлама, – дедим шивирлаб.

– Дадам эсимга тушиб кетди. – Мунаввар юзини кўксимга босди.

...Уйга келсам дадам қўлимга хат тутқазди. Хатни қўқонлик ойим ёзибди. Аҳволимни сўрабди. Институтга кирганим билан табриклабди. (Қаёқдан эшитди экан?) Хатининг охирида гина қипти. «Баҳорда телеграмма юборганимда ҳам бир оғиз жавоб қилмадинг. Биламан, сенда айб йўқ. Телеграммани кўрсатишмаган. Мазам йўқ, юрагим санчади, ишдан бўшадим. Кўзим тириклигида дийдорингга тўйиб қолгим келади, болам. Ахир мен ҳам онаман-ку, наҳотки кўриб кетишга ақалли бир кун вақт тополмасанг...» дебди.

Қийналиб юрмасин деб, манзилини аниқ-таниқ ёзиб юборибди. Вокзалга тушган заҳоти фиштакўприк маҳалласини сўрасам, «икки қадам» эмиш. Пахтакор кўчаси, ўн тўққизинчи уй...

Хатни ўқиб юрагим сиқилди. Негадир Қўқонга боришга оёғим тортмас эди. Дадам уришиб берди:

– Бормасанг бўлмайди! – деди қовоғини солиб.

– Эрта-индин ўқишинг бошланса, тагин вақт тополмайсан.

Бир жиҳатдан дадам тўғри айтади: қишки сессияни энди тугатдик. Душанбадан яна лекциялар бошланади.

Ойим «шошиб нима қилади, ёзда борар», деб аралашган эди, дадамнинг жаҳли чиқиб кетди.

– Эсинг жойидами, Роби! Умрбод келсин демабдику! Инсоф қилгин-да! Сен касал бўлиб ётсангу

боланг хабар олмаса, нима бўларди? Қўқон қочиб кетгани йўқ. Борадию келади.

Дадамнинг гапи ойим учун қонун! Типирчилаб, йўл тадоригини кўрди. «Қўқоннинг шамоли ёмон бўлади деб эшитганман, шамоллаб қоласан», деб бўйнимга шарф ўради, зўрлаб оёғимга жун пайпоқ кийгизди... Ойим ҳам қизиқ-да...

Ростини айтсам, йўлга чиқишимга бошқа нарса ҳам сабаб бўлди. Комил бува билан Лазакат хола шу гапни эшитиб уйимизга чиқишибди, Комил бува «Олимжон акангиз Қўқонда ишлаяпти, ижрокомда, акангизни бирров кўриб кела қолинг», дегандан кейин ўзим ҳам қизиқиб қолдим. Олимжон акам Фарғона томонга ишга кетганига етти йилми-саккиз йил бўлди. Аҳён-аҳёнда келади. Тошкентдан атайлаб кўргани борсам, Олимжон ака хурсанд бўлади. Бораман! Аввал ойимни кўраманда, кейин горисполкомга кираман.

Лазакат холанинг айтишига қараганда Олимжон ака «катта одам» бўлиб кетиб, уйланишни ҳам унутиб қўйганмиш. «Албатта уйига боринг, – деб таяинлади Комил бува, – ким билади, акангиз бу ёқда бизларни умидвор қилиб қўйиб, у ёқда битта-яримтасига уйланиб олдиларми?»

Маили, бораман! Керак бўлса уйигаям кираман! Олимжон акам мени яхши кўради-ку, ўзимнинг акам-ку!

Филдираклар тарақа-туруқ қилади. Купедаги йигитлар шовқин солиб, шеър ўқишади... Мудраб кетибман. Бир маҳал кимдир елкамга туртди. Кўзимни очсам, тепамда мўйловли йигит турибди. Йўқ, мудрамабман. Бемалол ухлаб қолган эканман. Жомадонимни ёстиқ четига жойлаб полкага ётқизиб қўйишган экан. Нариги ўриндиқда кечаги шеърхонлик қилган талабалардан учтаси

мудраб ўтирар, тепадаги полкада яна иккитаси ухлаб ётарди.

– Тур, – деди мўйловли йигит хира чироқда илжайиб, – кеб қолдинг, бизларам бир оз мизғийлик, укам!

... Пастга тушишим билан совуқ шамол юзимга урилди. Тонг отиб қолган, аммо ҳали осмон ёришмаган, шамол гувиллар, вокзал томидаги қорларни супуриб, ерга улоқтирар, йўл четидаги прожекторлар нурида қор учқунлари шошқин ялтирар, осмонда чарх урар эди.

Фиштқўприк маҳалласи ростдан ҳам яқин экан. Фақат қаттиқ шамол кўз очиргани қўймасди. Тошкентда бунақа шамол бўлмайди. Пахтакор кўчасини аранг топдим. Эшик занжир экан. Муздек ҳалқани чангаллаб узоқ тақиллатдим.

Ниҳоят кимдир ғарч-ғурч қор босиб эшикка яқин келди. Занжир шиқирлади. Остонада эгнига зангори пальто (Мунавварникига ўхшаган пальто) кийган, қордан пана қилиш учун бошига нимча ташлаган қиз кўринди. Уялиб ўзини орқага ташлади.

– Ким керак эди?

Нима деб сўрайман? Негадир «ойим» дейишга тилим бормади. (Ўзим ҳам ҳайрон қолдим).

– Раъно холанинг уйлари шуми?

– Шу! – Қиз ҳайрон бўлиб кўзимга қаради. – Келинг...

«Келинг», деди-ю, аммо бу сўзида «нима ишингиз бор эди?» деган маънони уқдим. Сабабини ўзим билмай илжайдим.

«Синглим-ку! Насиба-ку!» Нима учундир унинг юзидан ўзимга ўхшаш белгиларни қидириб тополмадим. Лекин ойимга ўхшаб кетишини сездим. Унинг ҳам холи бор экан. Фақат иягида эмас, юзида. Чап юзида.

– Сиз... сен Насибамисан? – дедим кулиб. – Мен Музаффарман!

У бир зум мени томоша қилиб турди-да, ҳовли ичкарисига қараб қичқирди:

– Ая, ўғлингиз келди.

Қизик, нега акам келди демайди? Хаёлимдан шу ўй лип этиб ўтди-ю, айвондан тушиб келаётган ойимни кўриб ўша томонга юрдим.

– Болам! Ўғлим! – Ойим сарпойчан эди. Ерга тушиши билан калиши қорга ботди. Аммо парво қилмади. Учиб келиб, маҳкам қучоқлаб олди. Димоғимга гунафша ҳиди урилишини кутган эдим. Йўқ, валерианка иси анқиди. Бундан чиқди юраги касаллиги рост... Мунаввар ҳам кўпинча валерианка ичади.

– Оёғингиз... – дедим ачиниб. – Совуқ-ку...

Ойим ҳамон мени қўйиб юбормас, йиғидан энтикиб, юз-кўзимдан ўпар, анча чўкиб қолган, сочига оқ оралаган, ҳансираб нафас оларди. Фақат иягидаги холи, кўзлари – йиғлаб туриб куладиган қоп-қора кўзлари – ўша-ўша!

– Олсанг-чи, акангни қўли музлаб кетгандир! – У нарироқда иккиланиб турган синглимни койиди. Насиба шошилмай келиб, қўлимдан жомадонимни олди.

– Юр, болам! Совқотиб кетдингми? – Ойим кўз ёши аралаш жилмайиб ҳовли этагидан уйга бошлади.

Ҳовли тор, ўртасидаги тарвақайлаб ўсган бир туп каттакон тут дарахти қор залворидан шохини эгиб турар, қор куралиб, дарахт тагига тўпланган, уюмига курак санчиб қўйилган эди. Қор кечаси куралган шекилли, курак бандининг учига ҳам бир энликча қор қўнибди.

Чўян печка гуриллаб ётган иссиқ уйга кирдик. Тахмонда кўрпачалар, ўртада – хонтахта. Нимасидир ўзимизнинг уйга ўхшайди. Фақат бу ерда

валерианка ҳиди анқиб турибди. Деворда чақмоқ телпак кийган, мўйлови чиройли тарашланган кишининг сурати зарҳал рамкага солиб қўйилибди. Кителининг чап чўнтагига нишон қадалган. Қошини чимириб турибди. Хаёлимдан «дадам» деган фикр лип этиб ўтди. Ўша заҳоти бошимга бошқа ўй келди. «Йўғ-е, Насибанинг дадаси». Ундан пастроқда Насибанинг сурати. Етгинчи синфни битираётганда венеткага тушган бўлса керак, тагига «Умарова Н...» деб ёзилган. Негадир ойимнинг сурати йўқ.

– Ўтир, болам, ўтир! – Ойим шоша-пиша хонтахта ёнига қават-қават кўрпача солиб, лўлаболиш ташлади. – Ҳой Насибахон! – деди ҳовли томонга бақариб. – Чоп, қизим, катта аянгни чақирмайсанми? Айт, акам келди, дегин.

Ойим зум ўтмай хонтахтага дастурхон ёзиб тўладириб ташлади.

– Олсанг-чи, – деди қистаб. – Бодомлардан олгин! Тошкентда бодом йўқ-ку... ҳаммаларинг яхшимисизлар? Уканг катта бўлиб қолдими?

Қизиқ, ойим ҳарчанд меҳрибонлик қилгани билан ўртамизда алақандай тўсиқ турганга ўхшарди. У ойим билан дадамнинг ҳолини сўрамагани учун мен ҳам «дадам тузукми» демадим. (Қанақасига дадам бўлсин?)

– Яхши! – дедим ўзим ўйлагандан кўра совуқроқ оҳангда. – Укам бу йил бешинчида ўқияпти... – Ўйлаб-ўйлаб керакли гапни топдим. – Насиба катта бўлқопти...

Ойимнинг юзи ёришиб кетди.

– Вой, синглинг сени шунақа соғинди, шунақа соғинди! У ҳам бу йил ўнни битиради. Худо хоҳласа ўзинг ўқитасан! Тошкентга бормоқчи. Дўхтир бўламан дейди.

Ҳовлида қорғижирлади. Эшик очилиб, бошига дастурхонбоп мато ташлаган семиз хотин кириб

келди. Дастурхон рўмолини ечиб, ойимга узатди-ю, қучоқ очиб яқин келди.

– Вой, ўзимнинг қочқоқ боламдан айланай! Вой, ўзимнинг ширин ўғлимдан ўргилай. – У лопилаб келиб мени бағрига босди. Аллақаерини «Қора аммам»нинг қўшнисини – чевар Фотима холага ўхшатдим. Икки юзимдан ўпиб кўришаркан, дашном берди. – Аянг бечоранинг кўзи тешилди-ку кутавериб, Музаффаржон!

– Йўлдошхон қанилар, опа? – деди ойим жиламайиб.

– Келади! Ҳозир келади. Муҳаббатни гириллатдим. Ҳозир топиб келади.

Семиз хотин хонтахта олдига ўтириб, узундан-узоқ дуо қилди.

– Анқара болам! Келганинг қандоқ ярашиб турибди! – деди мамнун бўлиб. – Деразадан бир кўзим тушгандай бўлувди. Насибахон билан бошлашиб баққа кириб кетаётганингни кўриб Йўлдошхон аячасига дори обкетди-да, деб ўйлабман, болам.

Семиз хотин менга ёқа бошлади. Сенсираб гапиргани ҳам, кулиши ҳам самимий эди.

Ойим дераза олдидан ўтган шарпага қараб тайинлади:

– Насибахон, қизим, чой дамлай қол, аканг совқотиб келди-ку.

Бир оздан кейин Насиба эшикдан туя чойнак кўтариб кирди. Ойим шоша-пиша чойнакни қўлидан олди.

– Ҳой, Насибахон! Аканг билан қучоқлашиб кўришмайсанми? – Семиз хотин ҳаяжонланиб бошини чайқади. – Бир қориндан таллашиб тушган аканг-а!

Энди ўрнимдан тураётган эдим, Насиба чир этиб бурилиб эшик томон йўналди. Кўзида қан-

дайдири бегона, совуқ ифодани сезиб, жойимга ўтириб қолдим. Ойим ранги ўчиброқ синглимнинг кетидан эргашди.

Семиз хотин хижолатли жилмайди.

– Уяляпти, тентак. – Бир зум жимиб қолди-да, сўради: – Институтга кирибсан, болам. Эшитиб бирам суюндим, бирам суюндим. Акангга ўхшаган дўхтир бўларкансан-да.

Қайси акамни айтяпти?

Эшик яна очилди. Совуқ бўлсаям сочи қиртишланган бошига дўппи илган, тўнининг елкасига қор қўнган гавдали йигит остонада туриб, қулочини ёйди.

– Кесинлар! Акасининг укаси, кесинлар, – деди дилкашлик билан шанғиллаб. Ҳали ўрнимдан турмасимдан югуриб келиб қучоқлаб олди-ю, бақувват қўллари билан белимдан сиқиб уч марта айлантириб ерга қўйди. – Сизниям кўрадиган кун бор экан-ку, Музаффархон, акаси!

Семиз хотин қайтадан фотиҳа ўқиди.

– Йўлдошхон аканг ҳам сенга ўхшаган дўхтир! – деди тушунтириб. – Билмаганингни ўргатади!

Гап орасида ойим жимгина келиб, нариги томонга чўкди. Негадир ранжиганроқ кўринарди.

Суҳбат бир зум узилиб қолди. Разм солсам, бир менмас, улар ҳам ойимга қараб ўтиришибди. Ойим бармоғи билан дастурхон попугини ўйнайди. Бирдан ҳуши жойига келгандек шоша-пиша чойнакни олдига сурди.

– Олинглар! – деди чой қайтараркан, дастурхонга қистаб. – Музаффар олсанг-чи, болам.

Ўзимни зўрлаб илжайдим.

– ТошМИда ўқиганмисиз? – дедим ёнимда чўккалаб ўтирган Йўлдошхон акага қараб.

– Йўқ, Анжанда! – Йўлдошхон ака ойимга юзланди. – Хурсанд бўлқолдингизми энди, ая? – деди

шанғиллаб. Кейин елкамга қоқди. – Аямди юраги-да дард йўқ. Ҳаммаси функциональней! Сиқилар-да! Неча марта айтаман, «ҳой ая, кўнгилни кенг қилинг», десам қулоқ солмайдилар. Мана, сиз келдингиз. Энди аям отдек бўп кетадилар. Мен сизни Шойимардонга обораман. Қишдаям антиқа бўлади. Бир айланамиз!

– Ака-ука бир яйранглар, – ойим кулишга уринди-ю, лаби бурилиб кетди, – укангизни ўйнатинг...

...Билмайман, негадир Мунаввар хаёлимга келди. Уники функциональней эмас, порок. Туғма порок. Уч кундан кейин Чимёнга чиқишимиз эсимга тушди. Ҳали Олимжон акамниям кўришим керак.

– Кўрармиз, – деди дудмал қилиб. – Сизниям ишингиз кўпдир...

– Ашнақа деманг-да, ука! – Йўлдошхон ака тағин шанғиллади. – Қўқонди билмас экансиз. Қўқонди тупроғи огир. Келган одам кетолмай қолади. Тошкандан укам келади-ю, мен ишни ўйлайманми! Поликлиника қочиб кетмайди. Шойимардонга борамиз. Толзорга тушиб улфатчилик қиламиз. Леч-факдамисиз?

– Йўқ, – дедим бош чайқаб. – Фармацевтика...

– Бари бир ҳамкасаба эканмиз-да! – Йўлдошхон ака самимият билан кулди. – Фармацевт бўлмаса дўхтирларнинг урингани бир пул...

Кечаси яхши ухламаганим учунми, иссиқ элитдими бошим ғувилларди. Йўлдошхон ака Тошкентни, эшик-элларни, ўқишимни суриштирар, саволарига «яхши, дуруст», деб жавоб қилардим кўзим юмилиб кетаётганини ўзим сезиб ўтирардим.

Ҳолимни биринчи бўлиб ойим ҳис этди.

– Йўлдошхон, – деди секин. – Укангиз жичча мизғиб олсамикин... Поездда кепти.

– Жуда соз-да! – Йўлдошхон ака илдам ўрнидан турди. – Ҳали кўп отамлашамиз! Эртага пешинга

Сойбўйига ош буюриб қўяман. Кейин Шойимардон бувага кетамиз. Қор ёққану зиёни йўқ. Йўл очиқ!

Ойим солиб берган жойга таппа ташлабману қотиб қопман. Чамаси анча ухладим. Уйғонсам, уй ичи ғира-шира қоронғи бўлиб қолибди. Бир зум қардалигимни билолмай гарангсиб ётдиму бурчакда гуриллаб ёнаётган печка, хонтахта устидаги бодом тўла ликопчаларни кўриб тушундим. Қор тинган шекилли, деразалардан хира нур тушиб турарди.

Ҳовлига тушдим. Ростдан ҳам қор тинган, аммо совуқ шамол гувиллар, оқшом тушиб қолган, кунботар томон билинар-билинемас қизарган эди. Кимдир (Йўлдошхон ака бўлса керак) яна қор курабди. Ҳовлининг нариги томонидаги устунлари сирланган айвонда чироқ ёниб турар, аммо ичкарида ҳеч қандай шарпа сезилмасди. Чамаси бояги семиз хотин ҳам, Йўлдошхон ака ҳам мени безовта қилмаслик учун уй ичида жимгина ўтиргандек эди.

Ҳовли ўртасидаги тут тагига уюб қўйилган қордан кафтимни тўладириб қўлимни юваётган эдим, ошхонадан ойим мўралади.

– Вой турдингми? Насибaxon! Чоп!

Қўлида обдаста, елкасида сочиқ билан синглим ошхонадан чиқди. Калишли оёғи қорда сирғаниб-сирғаниб келди-да, қўлимга сув қўйди. Сув илиқ эди.

– Нечанчида ўқияпсан? – дедим бошқа гап тополмаганим учун.

– Ўнинчи! – синглим ётсираброқ кўзимга тезгина қараб олди.

– Дўхтир бўлмоқчи синглинг! – Ойим ошхона эшигида турганча жилмайди. – Тошкентга боради. Ўзинг бош бўласан.

– Бормайман! – Насиба ранги қув ўчиб шахт билан обдастани қор устига қўйди. Керак бўлса ола

қол, дегандек попукли сочиқни елкасидан силтаб олиб, қўлимга тутқазди. – Бормайман Тошканга! – Шундай деди-ю, ғарч-ғурч қор босганча уй томон чопиб кетди. Сочиққа қўл артишимниям, артмас-лигимниям билмай серрайиб қолдим.

Ойим ошхонадан қуюндек отилиб чиқди. Қўлида капгир бор эди.

– Шошма! – деди капгирини силтаб. – Тўхта, жу-вонмарг!

Худди шу пайт кўча эшик гийқиллаб очилди. Қундуз ёқали пальто, бошига чақмоқ телпак, оёғига пийма кийган киши кириб келди. Уй олдига бориб қолган Насиба эшик гийқиллаганини эшитиб, бурилиб қаради. Ўша томонга отилди. Тўсатдан йиғлаб юборди.

– Дада! Дадажон!

Қундуз ёқали киши Насибани бағрига босди. Ойим қўлида капгир билан ярим йўлида тўхтаб қолди.

«Дадам», тўғрироғи, Насибанинг дадаси шу одам эканлигини тушундим. Негадир хаёлимга ғалати ўй келди. «Кўрганман! Бу одамни аллақерда кўрганман!» Йўқ, эслай олмадим. Балки кўргандирман. Балки бояги печка ловуллаб турган уйдаги сурати билан солиштиргандирман. Билмадим! Ҳозир бунга ўйлашдан кўра Насибанинг йиғлаб отасига ёпишгани кўпроқ ҳайрон қолдирарди мени.

– Ҳа, қизим? – «Дадаси» чарм қўлқопли қўли билан Насибанинг бошини силаркан, ойимга таънаомуз қаради. – Нима бўлди, тинчликми?!

Сезиб турибман. Ойим ўлганининг кунидан илжайди.

– Ўғлингиз келди, дадаси, – деди овози титраб. – Музаффар келди!

«Дадаси» мен томонга ярқ этиб қаради. Чиройли тарашланган мўйлови учиб қўйди. Кўкиш кўз-

ларида совуқ ифода бор эди. Ўша заҳоти мендан кўз узди-да, Насибанинг бошини кўтариб, юзига термилди.

– Нима бўлди, қизим?

– Аям... Аям... – Насиба ўпкаси тўлиб ўкраб юборди.

– Нима? – «Дадаси»нинг кўзида совуқ ўт чақнади. – Янами?

Кафти билан синглимни нари сурди-да, ойим томонга юрди.

– Тинч қўясанми-йўқми? Болага кун берасанми-йўқми? – деди асабий ҳайқириб.

Уч-тўрт ҳатлаб ойимга рўпара бўлди.

– Ўз ҳолига қўясанми-йўқми?

У бир қадам орқага чекиниб, мушт кўтарди. Чамаси ойимни урмоқчи бўлди-ю, тўхтаб қолди.

Ерга михлангандек қотиб қолган, нима қилишимни билмасдим. Қизиқ, ойим чекинмади.

– Урмоқчимисан? – деди титраб. – Ур, номард!

«Дадаси» афтини қаҳрли қийшайтириб сўкинди. Ўша заҳоти тарсаки зарбидан ойимнинг қўлидан капгир учиб кетди. Бошидаги жун рўмоли елкасига тушиб қорга чўккалаб қолди.

Тут тагига уюб қўйилган қордан сакраб ўтдим учиб бориб «дадаси»нинг қундуз ёқасидан бўғиб олдим.

– Нега? – дедим ҳансираб. – Нега урасиз?

«Дадаси» кўзида совуқ олов ёниб силтанди.

– Наридан тур, чўлоқнинг ҳаромиси! – Пиймали оёғини ойим устида кўтарди. Ойимнинг бошига тепмоқчи эди, нима қилганимни ўзим билмай қолдим. Йўқ, урмадим. Чамаси, улоқтириб юбордим шекилли. Қарасам, «дадаси» тут тагидаги қор уюмига қўмилиб ётибди. Бошидан учиб кетган чақмоқ телпаги қори куралган йўлкада тўнкарилиб ётарди. Қорда ётган телпагини кўриб тўсатдан

шовқин-суронли бозор кўз ўнгимга келди, дўппи бозори. Дадам этигининг қўнжидан пичоқ суғурганида одамлар орасига ўзини урган киши... Та-нидим! Шу одам эди, худди ўзи!

Ижирганиб юзимни ўгирдим. Ойимнинг қўлтигидан кўтараётган эдим, дод солган чинқирик овоз қулоғимни тешиб юборай деди:

– Дадамни нега урдинг!

Ўзимни ўнглаб олгунимча Насиба юз-кўзимни тимдалаб ташлади.

– Насиба! – Ойим каловланиб синглимга ёпишди. – Уят бўлади! Вой шўрим!

Ҳовли юқорисидаги айвондан тўн кийган Йўлдошхон ака сакраб тушиб қорга кўмилиб ётган кишига ёпишди.

– Амаки! – деди жеркиб. – Уят борми сизда!

– Ҳароми! – «Дадаси» юз-кўзига ёпишган қорни кафти билан сидириб ташлаганча Йўлдошхон аканинг қўлидан чиқишга уриниб юлқинди. – Отаман! Пешонасидан отаман...

Ойимнинг қучоғида типирчилаётган Насиба, кўзида худди отасиникига ўхшаш совуқ ўт чақнаб, бижирлади.

– Қаёқдан келдинг? Ким чақирди сени?

Семиз хотин қорда сирғана-сирғана чопиб бориб, Насибага юзланди.

– Уялмайсанми? Номус қилмайсанми?

– Қўйвор! – «Дадаси» Йўлдошхон аканинг забардаст қўлларида чиқиб кетолмай оғзидан кўпик сачратиб хириллади. – Қоч!

Учиб уйга кирдим у тахмонда турган палтомни, телпагимни кийдим. У ёқ бу ёққа алангласам, жомадончам йўқ! Керакмас! Ҳеч нима керакмас!

Кўча эшик олдида етганимда ойимнинг еру кўкни титратиб юборгудек фарёди янгради:

– Музаффар! Ўғлим!

Қорда сирғана-сирғана чопиб кетдим. Совуқ шамол гувиллар, кўчалар кимсасиз эди. «Ҳароми» дедими! Ҳеч кимдан бунақа гап эшитмагандим. Нега келдим? Нима кераги бор эди?!

...Вокзалда одам сийрак экан. Бахтимга Тошкентга билет топилди... Ўриндиқда ўтирибману ўзимга нашъа қилади. Нега келдим-а? Нимага? Дадам нега мажбур қилди... Наманган поезди келишига ярим соатча қолганида вокзал эшигидан кириб келаётган ойимни кўрдиму юзимни ўгирдим. Ойим битта ўзи эмасди. Каттакон тугун қучоқлаган бояги семиз хотин, жомадончамни кўтариб олган Йўлдошхон ака, эскироқ пальто кийган яна бир қиз бор эди. Насиба деб ўйлаб тишларим ғижирлаб кетди. «Нега келдинг» дедими? «Ким чақирди сени» дедими? Ойим ҳар борганида мақтаган, хатида «сени соғиниб қолди», деган синглим шуми? Ажаб, шу тобда негадир Мунавварни кўргим келди.

Тўрттовлашиб шу томонга юришганини кўриб лип этиб ўрнимдан турдим. Керакмас! Кўргани кўзим йўқ! Онамниям, бошқасиниям! Мен уларга бегонаман. Улар ҳам! Перрон томонга энди юрган эдим, ойимнинг йиғлаган хитоби эшитилди.

– Ўғлим! – Ҳарсиллаб келиб билагимга осилди. Қайтариб, ўриндиққа ўтқизди. – Ўтир, болам, ўтир! – деди ялиниб.

– Муҳаббат, ошни ол, синглим! – Йўлдошхон ака дилкашлик билан шанғиллади. Қовоғимни солиб, бошимни кўтарсам, Насиба эмас, бошқа қиз экан. У дастурхонга ўралган тоғорани очаркан, эски кадрдонлардек салом берди.

– Музаффар ака, аранг топдик сизни, – деди жилмайиб.

Бундан чиқди, бу қиз – Йўлдошхон аканинг синглиси... Қизиқ, ҳали нимага кўрмадим уни! Яна Му-

навварни қўмсадим. Ёнимда бўлса... Гаплашиб ўтирсак... Йўқ, бу ҳангомаларни айтмайман. Нима қиламан, юрагини сиқиб? Ўзининг касали етмайдими!

Тугундан устига қази босилган бир тоғора ош, патирлар чиқди.

– Ол, ўғлим, е! – Ойим ошга ундади-ю, ўзи ҳиқиллаб йиғлаб юборди. – Кечир мени, болам! Мендан рози бўл!

– Э, ая! Қизиқмисиз? – Йўлдошхон ака жомадонни чаққонлик билан очиб, бир шиша ароқ, пиёла чиқарди. – Музаффарни нима деб юрибсиз ҳали! Йигит-ку! Сиз укам, кўнглингизга олманг. Амаким аҳмоқ ўзи! Бари бир сиз – менинг укамсиз! Тошкентда шундоқ укам бор, деб керилиб юраман. – У пиёлага қулқиллатиб ароқ қуяркан, бояги қизни жеркиди. – Олмайсанми, бундоқ онар-понардан, Муҳаббат!

Муҳаббат самимий жилмайган кўйи тугун тагидан беш-олтита анор чиқарди.

– Кесинг-да, ака! – деди кулимсираб.

– Ма! – Йўлдошхон ака пальтосининг чўнтагидан пакки олди. – Ўзинг кес! – Кейин менинг елкамга қоқди. – Музаффар! – деди гоҳ менга, гоҳ ҳамон лаблари титраб унсиз йиғлаётган ойимга қараб. – Мен янгамни ая деганман. Демак, сиз мени укамсиз.

– Албатта-да! – Гапга семиз хотин аралашди. – Ҳамманглар жигарсанлар. Йўлдошхон Музаффарнинг акаси... Муҳаббатхон... – у бир зум ўйланиб турди-да, қизига қараб жилмайди, – Музаффардан сал каттароқсан-у, бари бир сингилсан! Музаффар йигит киши. Ака дегин, хўпми?

– Қани, олдик! – Йўлдошхон ака ароқ тўла пиёлани узатди. – Оппоқ қилиб оласиз...

...Вагонга суяб олиб чиқишгани, ойим йиғлагани, Йўлдошхон ака билан ўпишиб хайрлашгани-

миз, ойимга қўл силтаб илжайганим... эсимда...
Эрталабгача қусиб чиқдим.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

УМАР ЗАКУНЧИ ҲИКОЯСИ

Қизим маладес: ўзимга тортди!

Қаёқдан келди Шомурод чўлоқнинг итваччаси? Ҳаммасига манави жодугар айбдор! Шу чақирган! Тошкентга бормай қўювди-ку. Хат ёзганми, телеграмма жўнатганми, ишқилиб чақирган. Бўлмаса ўзидан ўзи кириб келмасди. Қаёқдан билай нима хаёллар билан келган экан! Насиба ўнда ўқияпти. Бундан чиқди анави итваччаси мактабни битирган. Ким билсин, бир азмойиш олиб кўрай-чи, кел, деса бутунлай кўчиб келаман деб ўйлаганми? Она-бола маслаҳатни пишитмоқчи бўлганми! Менга ёпишди-я! Вой, ҳароми-ей! Йўлдошхон қўлимдан тутиб қолмаганда отардим! Тикка отардим!

Бугун кунбўйи ишим юришмади ўзи! Эрталабдан цех бошлиғи билан фикрлашиб қолдим. Ёр тоза чиқмаяпганмиш. Чигитнинг ўзи ёмон бўлса, тоза ёғни катта холаманкидан оламанми?! Бу хотинни ким цехга начальник қилиб қўйган ўзи? Катталарга кўзини сузган-да... Нуқул менга тирғалади. Қўл учиди ишлайсиз дейди, масъулиятсиз одамсиз дейди. Аввал мен қилган хизматнинг ўндан бирини қил! Гапни ким қўйибди сенга! Поччалар ача бўлди, ачалар почча бўлди, деб сенга бўйин эгиб юрибман-а, энди. У ёқда қачондан бери телефон туширолмаيمان. Менам одамларга ўхшаб яшагим келади. Уйимда ўтириб, у ёқ бу ёққа телефон қилгим келади! Нега энди кечагина институтни битир-

ган мишиқи Йўлдошхонда телефон бўлиши керагу менда бўлмаслиги керак? Телефон тармоғининг бошлиғига шуни айтсам, точка йўқлигини пеш қилади. Райисполкомга арз қилишим керакмиш! Сочи узун, ақди қисқа цех бошлиғи билан гижиллашганим етмаганидек, ижроком раиси билан ҳам сан-манга бориб қолдим. Қўйиб берсам, ёш бола фаҳмлаб насиҳат қилмоқчи! «Йўлдош Усмонович замглавврач, поликлиникада бирон кор-қол бўлса, чақириб олишади. Докторларга биринчи навбатда телефон берилади, бало-баттар!» Биламиз, қанақа қилиб замглавврач бўлганини! Кўричакни ичбуруғдан ажратолмайди-ю, доктор эмиш! «Жиянингиз билан бир ҳовлида тураркансиз-ку, бўлди-да, битта телефон етмайдами?» дейди. Йўлдошхон билан нима ишим бор! Телефон қиламан деб янгамнинг уйига ялиниб киришим керакми? «Жуда бўлмаса параллел аппарат ўрнатиб бера қолайлик», эмиш. Энди томоғи оғриб қолган алақандай кўксонинг ярим кечада жиринг-жиринг қилиши етмай турувди. Йўқ! Менга личний телефон керак. Ўзимга! Алоҳида! Собственнўй номер! Тағин кўзини гўлайтириб, «ишонмасангиз горисполкомнинг алоқа бўлимига мурожаат қилинг», дейди. Насиҳатингни отанга қил! Ҳеч нарсани билмайди деб ўйлайсанми? Юз сўм чиқариб, столингни тортмасига солиб қўйсам-ку, бошқача сайраб қоласан! Алоқа бўлимингдагилар ҳам ўзингга ўхшаган порахўр-да! Йўқ, бўлим-пўлимингни билмайман. Тўппа-тўғри горисполкомингни раиси билан гаплашиб қўя қоламан. ўинг десин-чи! Гирибонидан бўғиб, деразадан улоқтириб юбораман. Мен уруш йиллари фронт орқасини мустаҳкамлаш учун қон тўкиб юрганымда сенларни онанг орқангни тугиб қўярди!

Ўзим қонимга ташна бўлиб келсам, аҳвол бу! Қачон қараса, ёлғиз қизни турткилайди, азоб беради! Энди ўғиллари келиб, тиллари узун бўп қопти-да! Яхшиям Насиба ўзимга тортгани: бир сўзли, принципал. Бари бир қиз бола – қиз бола-да! Анови ҳаромини кетидан қувмоқчи эдим, дод солиб қолди.

– Дадажон! Аям ўляпти!

Қаёқда ўлади! Ёлғондан қилади. Қачон қараса, юрагини чангаллайди. Дори ичади. Юраги касаллигини баҳона қилиб, ишдан ҳам бўшаб олди. Боқим бўлиб ўтирибди, текинхўр!

Ростданга ўхшайди-ку! Оғзидан кўпик чиқиб, қорда чўзилиб ётибди. Келиб, юзига қарасам тишлари гирих, оёқ-қўли чангак бўп қопти. Музлаб кетяпти. Чатоқ қилдим. Ўлиб қолса... Хотин-ку топилмас матоҳ эмас. Заводда кўзини сузиб юрган жувонлар сон-мингта. Аммо... Қизим етим қолса... Ундан кейин... ўлик кўмиш осонми? Тузатсин, анави Йўлдошхон! Доктор номи бор-ку! Шуни врач қилгунча оёғи олти, қўли етти бўлиб югурди-ку, «аячаси!» Топганини шунга тикди-ку! Устига устак мени алдади. Боплаб лақиллатди. Тошкентдаги ҳовли ҳайф кетди! Эсиз-эсиз шундай уй-жойлар! Бу ёқда мени алдаб юриб, у ёқда ҳамма ҳужжатларни расмийлаштириб бўлган экан.

Айтмадимми, ёлғондан қилади деб. Йўлдошхон иккита укол қилиши билан ҳушига келди. Кўзини очиши билан: «Музаффар!» дейди.

Тағин ўшани гапиради-я! Йўлдошхонни айтмайсизми! Раённинг томирини ушлаб туриб, менга ўдағайлайди:

– Кечирасиз-ку, амаки, одаммасиз!

Энди сиз одам бўлдингизу биз одаммасми. Тўйдирганнинг қорнига... деб шуни айтаркан-да!

Мен бўлмасам дўппифуруш онангу синглинг билан кўчага чиқиб тиланчилик қилардинг! Сени мен ўқитдим, мен одам қилдим. Синглингни мен заводга опкириб қўйдим. Анави итдан тарқаган ким бўлади сенга? Икки туғиб, бир қолганингми? Наридан борса Сойбўйига обтушиб чойхонада битта ош қилиб берарсан! Кейин нима бўлади? Бу ёғини менга танми? Уч кунда бир ликиллаб келаверса думингни тутқизмай қочиб қоларсан. Аравангни торт, сўтак! Аралашма бировнинг ишига.

Раъно ўзи ўламан дейди-ю, аланг-жалам қилиб нуқул ўғлини суриштиради. Энсам қотиб турсаям юпатдим:

– Шунинг олдинроқ айтмайсанми. Ўғлинг эканини туш кўрибманми?

Дарров юзига қон югурди. ўмирлаб қолди! Йўлдошхон қимирламай ётинг, ўзим топиб келаман, десаям кўнмади. Овсини билан йўлга тушиб қолди. Ўладиган одам шундоқ совуқда кўчага чиқадими?

Насиба бари бир принципалик қилди. Янгам, Йўлдошхон, Муҳаббат тугун-терсакни поликлиниканинг эски «Москвич»ига ортиб чиқишганида қизим очиқ-ойдин айтди:

– Мен бормайман!

Сезиб турибман, онасига ачинапти-ю, аммо бир сўзли эканини кўрсатди. Маладес! Отасининг қизи-да! Падарингга қусур! Машинага ўтираётиб Насибани дуойибад қилди-я. Ўз қизини қарғади-я!

«Илоё жувонмарг бўл. Илоё бахти қаро бўл!» Шунанга деди-я, ифлос!

Насиба хафа бўлганича бор экан-да! Бу кишим қизимни Тошкентга юборадиган бўптилар. Ўғиллари ўқитадиган бўпти! Насибанинг шу ўғайваччага кўзи учиб турган экан-да! Қизимни Тошкентга,

ўша чўлоқ билан Робиянинг олдига юборарканманми? Мен-а? Насибани-я! Ўзингни орқангга супурги боғлаб Тошкентга бадарға қилиб юбормай тагин!

– Наси! Қизим, таҳоратга сув исит. Жойнамозим қани?

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

РАЪНО ҲИКОЯСИ

Эсиз умр

Билардим! Кўнглим сезган эди. Умар ака ўғлимни сиғиштирмаслигини билардим. Аммо бунчалик бўлишига ақлим етмаган эди. Ҳар қандай бағри-тош одамда ҳам ақалли жиндай меҳр бўлади. Ҳар қандай уятсиз одамда ҳам ақалли зиғирча андиша бўлади. Бунда йўқ экан! На униси, на буниси! Шунча йилдан бери кўзларим тешилиб кутган боламни бир кунга сиғдирмади-я! Музаффар кўч-кўронини кўтариб келгани йўқ эди-ку! Уйингни эгаллаб олмасди-ку, беномус! Отасига, ўғай онасига не баҳоналар қилиб келганикин? Энди нима дейди? Ўғай отам уйидан ҳайдади, дейдими! Жудо бўлдим! Бир умрга жудо бўлдим боламдан! Нимага бу одам шунчалик ёмон! Нимага ўзидан бошқа ҳаммани, ҳаммани ёмон кўради? Нимага ҳеч кимга ўхшаймайди?! Ўғлимни умрида биринчи марта кўриб турган Ойсара опам, Йўлдошхон, Муҳаббат кўрсатган меҳрнинг ўндан бириям йўқми унда! Бу разил ҳеч бўлмаса мендан андиша қилса бўлмайди-ми! Яхшими-ёмонми, шунча йил бир ёстиққа бош қўйдик! Ақалли бир вақтлардаги муҳаббатимизнинг юз-хотири йўқмиди!

Муҳаббат? Нима у муҳаббат? Муҳаббатнинг кўчасидан ўтганми ўзи бу! Қўйиб берсангиз «Муҳаббатни нимага қўшиб ейди?» дейишдан тоймайди-ку! Бунақаларга нима керак ўзи? Фойда, мансаб, манфаат. Мана, нима учун яшайди! Ўзига манфаат тегмаган ерда ҳамма нарса бир пул!

Бир замонлар раислигида бунчалик эмасди. Ўзгарди. Ёмон томонга ўзгариб кетди. Билмадим, балки ўшанда ҳам шунақа бўлгандир, мен сезмагандирман.

Ё тавба! Халқ минг йил ўйлаб битта гап айтаркан. «Ўғри қариса – сўфи бўлади», дейишса ишонмасдим. Тўппа-тўғри экан. Бу кишим энди «художўй» бўлиб қолдилар. Беш вақт бекитиқча намоз ўқийдилар. Нима? Қилган гуноҳларингни ювмоқчимисан? Йўқ, айб қилган одам гуноҳини одамлар олдида ювади; ақалли эс-ҳушини йиғиб, бошқа айб қилмасликка уринади! Сен-чи? Ўшанда, буғдойзор четидаги сада тагида ҳамма сенинг юзингга туфлаганида, мен ачингандим! Ҳамма, ҳатто кўзингни ёғини еган Соли сўпоқ ҳам юз ўгирганида мен йўқлаб боргандим сени! Начора, сенга ишонардим. Эл-юрт хизматида юрган, ўзининг ҳузур-ҳаловатидан кечган одам деб ўйлардим. Минг таассуф! Билмабман. Одам эл назаридан қолса, тавбасига таянади. Сен, сен номард эса яхши бўлиш ўрнига баттар айнадинг! Озми-кўпми одамгарчилигингни ҳам йўқотдинг. Биттаю битта дардинг – пул топишу ҳузур-ҳаловат бўлиб қолди. Чидадим! Ўртамиздаги бола ҳурмати – Насиба ҳурмати ҳаммасига чидадим. Билмабманки, ўз қизимни аллақачон ўзимга душман қилиб қўйган экансан! Билмабманки, уям сенга тортибди. Фақат ўзини яхши кўради. Ўзидан бошқа ҳеч ким-

ни қурбақачилик ҳам, тошбақачалик ҳам кўрмайди. Ҳаммадан жирканади! Ҳаммадан! Мен уятсиз, мен ёлғончи Музаффарни ҳар кўрганда алдадим. Ҳар хатимда ёлғон гапларни ёздим. «Синглинг сени яхши кўради, сени соғиниб кетди», дедим. Етти йил аввал борганимда ҳам, кейинги сафарда ҳам, телеграммаю хатларда ҳам... Ажаб, худди ёш боладек ўзим тўқиган ёлғонга ўзим ишонган эканман. Ана, «Яхши кўрадиган», «соғинадиган» сингилнинг ҳоли! Қиз бола ҳам шунчалик бағри-тош бўладими? «Аканг Тошкентга обориб ўқитади», деганимга шунча сапчийсанми, жувонмарг! Синглим деб атайлаб поездга осилиб кепти-ку, қиз ўлгур! Қўлингдан судраб кетаётгани йўқ эди-ку, сени. Ўғай онанинг қўлига топшириб эсини еган жинни эмасман-ку! Нима? Ким ўғай! Робиями? Ҳечам-да! Мен ўғайман! Музаффарга мен ўғайман! Робия мандан кўра минг марта яхши! Ўғлимни ўн етти йил боқди. Бировнинг боласини! Менинг ўғлимни. Ўз онасининг уйига келганда эса бир кунга сифмади. Ҳаммасини сен бошладинг. Қиз бўлмай бўйинг лаҳадда чирисин!

Ҳалиям қарғадим-а! Бахти қаро бўл, дедим-а! Йўқ, хато қилдим! Нима кераги бор! Қайси она ўз боласининг бахти қаро бўлишини хоҳлайди?! Қайтиб олдим, сўзимни қайтиб олдим. Аммо ўғлимдан жудо бўлдим.

...Ҳали нима деди анави! «Ўғлинг эканини туш кўрибманми, тушунтириброқ гапирсанг бўлмай-дими», дедими! Вой, мунофиқ! Вой, разил! Вой, мараз! Сени билмасам экан. Бўлган-турганинг тирноғимнинг юзида-ку! Билдинг! Билиб туриб қилдинг! Мунча ёмон бу одам-а! Нимага ер ютмайди! Қандоқ қилиб шунинг тузоғига илиндим! Йигир-

ма икки йил... Йигирма икки йиллик умрим хазон бўлди. Ёшим эликка етмасидан инвалид бўлдим... Эсиз умр... Эсиз одам... Эсиз умидларим! Ҳаммаси қаро ерга кўмилди. Кимман ўзи? Мен ҳам одамманми? Мен ҳам онаманми?

Ана, поезд кетяпти. Ўғлимни олиб кетяпти. Бир умрга, бутунлай... Энди кўролмайман. Боламни ҳеч қачон кўролмайман. Ана, вагон эшигидан қараб кулиб турибди. Ёлғон-ку! Кулиши ҳам, қўл силташи ҳам ёлғон-ку! Ўлганининг кунидан куляпти-ку!

– Музаффар! Рози бўл! Энди кўришмаймиз, болам!

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

ИККИНЧИ БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

Аммам Кимсан акамни таниди

Мунавварни текстилгача кузатиб қўяман-да, троллейбусда қайтаман. Ҳар куни шу йўлдан юраман. Кўча четидаги эски мазор ўрнида қурилаётган хиёбонни ҳар куни кўраман. Аввал майдон текисланди. Кейин қатор-қатор кумушранг арчалар экилди. Зиналарга мрамар кошинлар ёпиштирилди. Ундан кейин тепаликни тахта девор билан ўраб қўйишди. Шу жойда «Номаълум аскар билан ўамгузор она»га ҳайкал очилиши қулоғимга чалинди.

Авваллари бу ерда троллейбус тўхтамас эди. Бугун негадир тўхтади. Ойнабанд эшиклар тарақлаб очилди.

– «Ғамгузор она» бекати! – деди ҳайдовчи хотин микрофонда эълон қилиб. – Эртага эрталаб, гала-

банинг йигирма йиллиги муносабати билан ҳайкал очилади.

Троллейбусдагилар беихтиёр ўнг томонга ўтрилди... Яхлит ойнадан қарасам, тахта девор олиб ташланибди. Лекин тепаликдаги рўпарама-рўпара иккита ҳайкал устига мато ёпиб қўйилибди. Хиёбон яшнаб кетган эди. Кумушранг арчалар текис саф тортиб турибди. «Президент» гуллари, лолалар, гулсафсарлар кечки шафақда ловуллайди. Ерга сариқ қум сепилган. Хиёбоннинг икки томонига терилган мрамор плиталарда олтин юдуз тасвири, тагига қатор шаҳарларнинг номи ёзиб қўйилган. «Москва», «Ленинград», «Одесса...» У ёғини ўқий олмадим. Ойнабанд эшиклар тарақлаб ёпилди. Троллейбус физиллаб кетди.

«Эрталаб албатта келаман! Ҳайкал очилишини томоша қиламан!»

Шу хаёлни кўнглимга туғиб уйга келсам, айвонда «Қора аммам» ўтирган экан. Аммам келган куни уйимиз тўлиб кетгандай бўлади. Ҳаммамизнинг кўнглимизга алақандай нурли осойишталик чўкканга ўхшайди. Ҳозир ҳам шунақа бўлди: севиниб кетдим. Ойим айвондаги хонтахта қиррасига қистирилган қиймалагичдан гўшт чиқарар, кўрпачада ўтирган аммам қиймани гуручга аралаштириб, лағандаги ток баргига ўрар эди. Чопиб ёнига бориб, чўккаладим. Аммам қийма юқи қўли билан кўйлагимни ифлос қилмаслик учун авайлаб елкамга қоқаркан, гина қилди.

– Сенам амма – эшигингга тамба дейдиган бола чиқдинг, – деди нафаси қисилиб. – Ўзим келмасам, бувимнинг ҳоли нима кечди, деб бормайсанам.

Рост айтади. Бултур қишда – Қўқонга бориб келганимдан кейин икки-уч марта бордимۇ кейин

вақт бўлмади. Қишда ўқиш, ёзда талабалар отряди билан Қозоғистонга – қўриққа ҳашарга борганмиз. Аммамнинг ўзи биздан хабар олиб туради.

– Вақти йўқ-да, аммажониси! – Ойим менинг ёнимни олишдан ҳам кўра аммамни юпатиш учун тушунтирди. – Ўқиши оғир.

– Майли... – аммам хўрсинди. – Қаерда бўлсангам тинч бўл, болам. Ўз қўлим билан ток оши қилиб берай деб барг обкелдим. Ток ошини яхши кўрасан-ку!..

Ичкаридан Омон бир коса қулупнай кўтариб чиқди.

– Аммам олиб келдилар, ака! – деди илжайиб.

Аммам зўр-да! Мункилаб қолгану ҳовлисидаги беш-олти ариқ қулупнайни ҳалиям ўзи парваришлайди. Томорқасидаги токларга ўзи қарайди.

– Егин, сениям оғзинг тегсин! – деди ҳарсиллаб.

Қулупнай еб ўтириб, аммамга разм солдим. Ёш боланикидек кичкина, хол-хол доғ босган қўллари титрайди, ичидаги «одамчалар» муттасил ҳуштак чалади... Шу ҳолига бир зум тиним билмайди. Мана, ҳозир ҳам ойимга қарашяпти. Одатини биламан, қўлидан ишини олсангиз жаҳди чиқади. «Тирик эканман, қимирлайман, ишламасам касал бўлиб қоламан», дейди.

– Эртага оддихингми? – Ойим қиймалагич бандини айлантирар экан, менга қарамай сўради. – Эрталаб Омон билан паст бозорга тушиб келсанг. Сабзи ўлгур қолмабди.

Гапга аммам аралашди.

– Кўп олмагин, болам. Қурбақа қуриладими, сабзи пўнг бўлди, деявер. Эрта-индин янгиси чиқади.

– Пешиндан кейин тушаман, – дедим. – Эрталаб бир жойга бормоқчийдим. Ҳайкал очиларкан.

– А? – Аммамнинг қулоғи оғир бўлгани учун гапимни яхши эшитмадим, сувга тушган тошдек хира кўзларини пирпиратиб кўзимга тикилди. – Қанақа ҳайкал?

– Янги хиёбон, – дедим овозимни кўтариброқ. – Ҳайкал очиларкан, амма. «Номаълум аскар» ҳайкали.

– Қатта? – Аммамнинг хира кўзлари ярақлаб кетгандек бўлди.

– Шаҳарда, – дедим оғриниброқ.

– Менам бораман! – Тўсатдан аммамнинг қайсарлиги тутди. – Оборасан!

Иккиланиб қолдим. Нимагаям айтдим-а? Митинг бўлади. Юзлаб одам йиғилади. Кампир одамни қийнаб нима қиламан, ўзи зўрға юрибди. Аммам хоҳламай турганимни сизди.

– Бораман! – деди нафаси қиттиқ фижирлаб. – Айт, Робия, оборсин!

Ойим менга қараб лабини тишлади. «Нима қилардинг, шу гапни очиб» дегандек қовоғини солди. Аммам сезгир-да! Ярқ этиб ойимга юзланди.

– Ҳа! Хоҳламаяпсанми? Қатталигини айт: ўзим топиб бораман. – Қўлидаги тугилган токни лаганга ташлаб, кўзимга термилди. Ичидаги «одамчалар» баралла ҳуштак чала бошлади. Қарасам, хафа бўляпти.

– Обораман, амма, обораман! – дедим юпатиб.

– Шояд Кимсаннинг камандирини топсам... – аммам бу гапни шунчалик содда умид билан айтдики, ойимнинг қиймалагич бандидан тутган қўли титраб кетганини сездим.

– Ҳаммамиз борамиз, ойи! – деди ерга қараб. – Укангизам борадилар.

Етиб келганимизда тумонат одам тўпланган эди. Ҳарбий кийимдаги кишилар, орден таққан эркак-аёллар, гулдаста кўтарган ўқувчилар арчалар соясида туришарди. Мусиқа тантанали марш чалади. Офтоб нурида яшнаб ётган гулзорда атиргулларнинг ўткир ҳиди анқийди. Гулсафсарлар би-нафшаранг оловдек товланади. Дадам ҳам костюмининг кўкрагига нишонларини тақиб олганига хурсанд бўлдим. Аммамнинг бир қўлтигидан ойим, биттасидан мен олиб, кумушранг арча соясига ўтиб турдик.

– Қани? – аммам ҳансираб, атрофга аланглади.
– Қани ҳайкал!

– Ҳозир очишади, – устига оқ мато ёпилган ҳайкалга имо қилиб тушунтирдим, – катталар келсин, очишади!

Чорак соатчадан кейин мусиқа тўсатдан тинди. Қўлида автомат тутган элликтача аскар ҳайкалнинг икки томонида саф тортди. Кўча томонда машина гувиллагани эшитилди. Иккита қора «Чайка» физиллаб келиб таққа тўхтади. Шимининг почасига энли қизил лента тақилган генерал, кетидан офицерлар тушди. Одамлар четлаб йўл беришди. Алп қоматли, қорақош генерал шаҳдам қадамлар билан устига мато ёпилган ҳайкал томон юрди. Офицерлар унга эргашишди.

Генерал ҳайкал олдидаги тахта супачага чиқди-да, микрофонга яқин келди.

– Ўртоқлар! – деди босиқ овозда. Хиёбон атрофидаги симёғочларга карнайлар илинганини энди билдим. Беш-олти карнайдан баравар «ўртоқлар» деган садо кетма-кет жаранглади.

– Бугун биз Улуғ ғалабанинг йигирма йиллигини нишонлаяпмиз, – деди генерал босиқ, аммо ҳаяжон

сезилиб турган оҳангда. – Жаҳон урушида йигирма миллиондан ортиқ кишидан жудо бўлдик.

Кимдир хўрсинди. Назаримда аммам йиғлаётгандай бўлди. Юрагим сиқилиб секин қарасам, йўқ, аммам йиғламаяпти. Фақат нафаси қисиб, чуқур-чуқур энтикяпти. Дадам қаддини ғоз тутиб, генералнинг гапини эшитяпти. Ойим аммамни кўлтиқлаганча ранги ўчиброқ турибди.

– Камандири ўшами, Шомурод? – Аммам дадамнинг енгидан тортди. – Шуми?

– Нимайди? – деди дадам генералнинг гапини эшитмай қолишдан чўчигандек шивирлаб.

– Сўрайман! – Аммам томоғиғижирлаб, қатъият билан минбар томонга имо қилди. – Катта камандир бўлса айтсин, Кимсаним қаёқда?

– Секин... – Дадам бармоғини лабига босиб, янаям пастроқ овозда шивирлади. – Кейин... опа... Ҳозир олдига бориб бўлмайди. Кўриб турибсиз, маъруза бўляпти.

Аммамни ҳеч нарса қизиқтирмас, томоғиғижирлар, хира кўзлари умидли мўлтилар эди. Лекин дадамнинг гапи таъсир қилди шекилли, жим бўлди.

Генерал ҳамон вазмин, йўғон овозда гапирар, боғдаги карнайлар унинг овозини гулдиратиб, атрофга таратар эди. У бугун Номаълум аскарга ҳайкал очилаётганини, халқ дунёни фашизм зулмидан сақлаб қолган жангчиларимизни ҳеч қачон унутмаслигини айтиб, сўзини тугатди. Жимлик чўқди. Дадам бирдан ҳайратли хитоб қилди.

– Ие, Оқсоқол-ку!

Қарасам Комил бува Ориф оқсоқолни ёнбошига кйриб, тахта супачага олиб чиқяпти. Оқсоқол бува бошдан-оёқ оппоқ кийинган. Эғнида оқ яктак, оқ шим. Делвагай очилган ёқасини тўлдирган оппоқ соқоли шабадада ҳилпираб турган оқ байроққа ўхшайди.

– Болаларим!

Мункиллаб қолгандек кўринаётган чолнинг овози карнайлардан шундай ўктам жаранглаб эшитилдики, шивир-шивир қилаётган одамлар тақатақ жимиб қолишди.

– Дунёда ҳамма нарса унутилади, – деди у янгроқ овозда. – Аммо-локин фарзанд доғини унутиб бўлмайди. Бу ҳайкаллар очилаётгани бежиз эмас. Мен биламан, болаларим: бу ёғи Нўғайқўрғон, у ёғи Кўтарма томонларда белида белбоғи бор не-не йигитлар шаҳид кетди. Қанча фарзандлар отасиз қолди. Қанчадан-қанча оналар ҳалиям боласининг йўлига кўз тикиб ўтирибди.

Бир маҳал ёнбошимда кимдир энтикаётгани қулоғимга кирди. Қарасам, «Қора аммам» йиғлапти. Йўқ, кўзидан ёш чиқмаяпти-ю титраб-титраб йиғлапти. Елкасидан қучоқлаб олдим.

– Болаларим! – деди Оқсоқол яна гулдираб. – Эс-ҳуши жойида одам ўзи ётган бешикни ўзи тепиб синдирмайди. Эс-ҳуши жойида одам ўз уйига ўт қўймайди. Эс-ҳуши жойида одам ўз онасига қўл кўтармайди. Аммо ер юзида ҳалиям янги уруш очишни хаёл қилаётган номардлар бор. Энди уруш бўлмасин десаларинг мана шу қўшалок ҳайкални тавоф қилинлар. Бу... – Шу ерга келганда Оқсоқолнинг овози титраб кетди. – Бу... табаррук ҳайкал.

Мусиқа янгради. Қарсақлар гувиллади. Оқсоқол қўлтиғига кирмоқчи бўлган табиб бувани беозор нари сурди-да, қаддини ғоз тутиб тахта супачадан тушди.

Генерал ҳайкаллардан бирининг боғичидан тортган эди, бошига рўмол ташлаганча узоқ-узоқларга маъюс термилиб ўтирган Она пайдо бўлди. У катта-катта, сертомир қўлларини тиззасига қўйиб, бошини қуйи солиб ўтирар, кўзларида чек-

сиз мунг... умид бор эди. Негадир вужудим сесканиб кетди. Ахир бу... аммам-ку. «Қора аммам»нинг ўзи-ку! Нўғайқўрғонга, уйига борганимда худди шу алпозда ўтирганини кўрганман, кўп кўрганман.

Ажаб, қулоғим остида «Қора аммам»нинг фикр-фикр нафас олганча айтган ашуласи яна эшитилиб кетгандек бўлди.

*Жон болам, жоним болам,
Оллога топширдим сани.
Оҳимга Олло етмади,
Тупроққа топширдим сани...*

Муסיқа бир зум тинди. Лекин ўша заҳоти тилларанг карнайлар яна тантанали марш чалди. Генерал иккинчи ҳайкалнинг ҳам ипини тортди. Бу ҳайкал пастрок экан, олдимни одамлар тўсиб тургани учун кўролмадим. Яна қарсак гувиллади. Генерал кимдир ёқиб узатган машғалани қўлида баланд кўтариб, икки ҳайкал ўртасидаги мангу оловни ёқди шекилли, муסיқа авжига чиқди. Саф тортиб турган аскарлар автоматини осмонга қаратиб, баравар ўқ узди.

Одамлар ўзанини бузган дарёдек шовуллаб ўша томонга оқди. Кимдир йиғлар, кимдир қўлидаги гулдастаси эзилишидан қўрқиб, боши устида баланд кўтарганча ҳайкал томонга талпинар эди.

Ниҳоят одамлар сийраклашди.

– Юринг, опа! – Дадам аммамнинг қўлидан тутди. Чўлоқданиб йўл бошлади. Аммам мраммар зиналардан туртиниб-суртиниб ҳайкал томонга талпинди.

Аммамга ўхшаган ўамгузор она кафтларини тиззасига қўйганча бошини қуйи солиб ўтирар, ҳайкал пойи гулларга қўмилиб кетган, кимдир гул-

дастасини ерга ташлашга кўнгли бўлмай Онанинг тиззасига кўндаланг кўндириб қўйган эди.

Она ҳайкалидан ўн қадамча беридаги Номаълум аскарни энди кўрдим. Буниси анча кичкина ҳайкал эди. У худди онасини ҳимоя қилишга шайлангандек, траншеядан чиқиб келар, бошига каска кийиб олган, ўнг қўлида граната, чап қўлида автомат бор эди. Иккала ҳайкал ўртасида бронза юлдуз, юлдузнинг қоқ марказида мангу олов ловуллаб ёняпти. Йигит ҳайкали ҳам гулларга кўмилиб кетган, атиргуллар, лолалар, чучмомалар ранго-ранг товланарди. Ҳозир осмонга автоматдан ўқ узган аскарлардан иккитаси Она ҳайкали ёнида, яна иккитаси Номаълум аскар ёнбошида қуролини кўксига босганча, фоз турибди.

– Боле-ем! – Қулоғимнинг тагида янграган фарёддан сесканиб кетдим. – Онасининг гўрига тушган боле-е-ем! – Аммам дадамнинг қўлидан юлқиниб чиқди-ю, каловланиб, йигит ҳайкалига талпинди. Югуриб бориб, ҳайкални қучоқлади. – Онасини доғда қолдириб кетган Кимсани-и-им! Жон болам. Жоним болам! – У ҳайкалнинг каскали бошидан қучоқлаб ўпа бошлади. Рўмоли сирғалиб тушиб, ҳайкалнинг автоматига илиниб қолди. Оппоқ сочлари тўзғиб кетди.

Ойим югуриб бориб аммамни бағрига босди.

– Ойи! Унақа қилманг, ойижон!

Ҳайкал олдида постда автомат тутиб турган аскар йигитлар қилт этмади. Аммо иккаласининг ҳам лаблари титраб кетганини кўрдим.

Дадам иккаламиз чошиб бордик.

– Опа! – Дадам рўмолни илиниб қолган жойидан олиб аммамнинг оппоқ сочли бошига ташлади. – Опа! Туринг!

Ойим ҳам лабларини тишлаганча йиглаб юборди.
– Ойижон! – деди ялиниб. – Бўлди, ойи! – У аммамнинг қўлтиғидан кўтарган эди, «Қора аммам» талмовсираб атрофга қаради. Кўзларида болаларча ҳайрат бор эди.

– Робия, қизим! – деди тишсиз оғзини ҳайрон очиб. – Танимадингми? Кимсан аканг-ку!

Қизиқ, ойим ҳам «Қора аммам»ни қучоқлаганча ҳайкалнинг юзига юзини босиб, титроқ кафти билан «Номаълум аскар»нинг каскали бошини силади.

– Ойижон! – деди йиглаб. – Қўйинг, унақа қилманг!

– Амма, – дедим мен ҳам ялиниб. – Юринг...

Ниҳоят аммамни амаллаб ўрnidан турғиздик. Ҳайкал четида фахрий қоровулда турган аскар йигитлар автоматни кўксига босганча қилт этмас, фақат чап томондаги мен тенги йигитнинг кўзларида ёш сизиб чиққан, нуқул пастки лабини тишлар эди.

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

НОМАЪЛУМ АСКАР КИМСАН ҲУСАНОВ ҲИКОЯСИ

Одамлар, ҳушёр бўлинг!

Марҳумлар ҳеч нимани кўрмайди, деб ўйлайсизми? Марҳумлар ҳеч нимани эшитмайди деб ўйлайсизми? Марҳумлар ҳеч нимани билмайди, деб ким айтди сизга! Биз ҳаммангизни кўриб турамыз, ҳамма гапингизни эшитамиз. Фақат сиз – тириклар бизнинг гапимизни эшитмайсиз. Бизнинг сиздан фарқимиз шуки, олдингизга юриб боролмай-

миз. Шунинг учун ора-чора тушингизга кириб турамиз. Сиз билан тушингизда гаплашамиз.

Ана, ойим! Ўн қадам нарида, кафтини тиззасига қўйиб, маъюс кўзларини олисларга тикиб ўтирибди. Худди эшик олдига чиқиб, ботиб бораётган қуёшга термилган кўйи йўл пойлаётгандек. Ўртамизда ёниб турган гулхан тафти иккаламизга баравар уряпти. Нарироқда гулсафсарлар очилиб ётибди. Худди ҳовлимиздагига ўхшаган гулсафсарлар. Ростимни айтсам, шу гулни жудаям софингандим...

Биламан, бу – ойимнинг ҳайкали. Аммо бугун онамнинг ўзини ҳам кўрдим. Тирик дийдорини! Йўқ, аввал Оқсоқолни кўрдим. Мункиллаб қопти. Аммо овози, гап-сўзи ҳамон ўша-ўша... Кейин ёнимга ойим келди. Қариб, бир ҳовуч суяк бўлиб қолибди. Сочлари оппоқ... Ўшанда – вокзалга кузатиб чиққанида бунчалик эмасди. Фақат кўзлари ўша... Бошимни силаган қўллари ўша... Уям мени таниди. Дарров таниди! Онамнинг кўз ёши юзимга томганида юпатдим.

«Ойижон! Нега йиғлайсиз? Мана, дийдор кўришдик-ку!»

Афсус, ойим гапимни эшитмади. Начора, сиз – тириклар бизнинг овозимизни эшитмайсиз.

Робия ойимнинг қўлларини бўйнимдан ажратиб олаётганда вужудим титраб кетди. Софингандим, жуда софингандим.

«Робия! Мени танимадинг-а! Софиниб кетдим-ку!»

Робия ҳам эшитмади. Аммо онам бу сафар гапимни тушунди.

«Танимадингми, қизим! Кимсан аканг-ку!»

Сездим. Робия ҳам мени таниди. Танигани учун юзини-юзимга қўйиб йиғлади. Уям ўзгарибди.

Сочлари қандоқ узун эди! Бошини ювса, кечга-ча сочини қуритолмай офтобга солиб ўтирарди... ўшанда Рашид абзининг мўрчасидан Оқсоқолнинг келинлари билан қайтаётганида ҳам сочлари нам эди. Майин ис таратиб турарди. Сочига оқ оралабди... Кўзлари қандоқ ёниб, қандоқ кулиб қарарди менга! Тоғам уйланган куни – қирқ биринчи йилнинг Биринчи Май байрамида шаҳарга театрга тушганимизда, ойдин кечада икковлашиб қайтаётганимизда жуда чиройли, жуда бошқача кулган эди. Ҳозир қандайдир чарчоқ, маъюс ифода кўрдим кўзларида. Қизиқ, Робия қариб кетибдими? Ахир мен қариганим йўқ-ку! Ўн тўққиздаман. Бундан чиқди Робия энди ўн саккизга киряпти. Нимага унақа! Нимага сочига оқ тушади!

Анави ким? Шомурод тоғамга ўхшайди-ку! Худди ўзи! Фақат мўйлов қўйиб юборибди. Нега оқсоқланади? Э, бўлди! Демак ярадор бўлган. Тоғам урушга кетганини Робия ёзган эди. Кўксидан нишонлар. Бундан чиқди яхши жанг қилган. Тоғам ҳам қариб қопти. Сочининг қорасидан оқи кўп...

Фақат анави йигитчани танимадим. Ясаниб олган новча йигит ким? «Амма» деб оймга ёпишдими? Бундан чиқди Шомурод тоғамнинг ўғли. Менинг жияним!.. Унақа бўлса, нега Робияни ойи деб гапирди. Робия нега тоғам билан келди? Балки... Начора! Бўлса-бордир! Мен... энди марҳумман-ку.

Бари бир, бахтлиман! Ана, ёнимда ойм ўтирибди. Энди бизни бир-биримиздан ҳеч ким жудо қилолмайди. Абадий ёнма-ён турамиз. Дунёда бахтли тасодифлар бўлмайди, деб ким айтади? Угри дарёсининг қирғоғидан худди менинг хокимни олишгани бахтли тасодиф эмасми! Тагин худди шу ерга – ўз юртимга олиб келишгани бахт эмасми?

Марҳумлар ҳеч нимани эсламайди, десангиз хато қиласиз. Марҳумларнинг хотираси сиз – тирикларникидан яхшироқ бўлади. Негаки, сиз тирикликнинг минг хил ташвиши билан елиб-югурасиз. Бизнинг эса хотираларни эслашдан бошқа юмушимиз йўқ.

* * *

Калуга шаҳрининг шундоқ этагидан Угри дарёси ўтади. Козёлск деган шаҳарча бор. Биз марҳумлар-ку, юролмаймиз. Аммо сиз йўлингиз тушса ўша томонларга боринг. Қирқ иккинчи йилнинг февралда Ўзбекистонда бодом гулласа гуллагандир. Аммо у ерларда ҳали қаҳратон қиш эди. «Номсиз тепалик» деган ашулани кўп эшитгансиз. У юртнинг беадад текисликларида нима кўп номсиз тепаликлар кўп. Аммо ўша қўшиқ худди шу ердаги тепаликларга бағишланган. Биз пиёдалар ротаси ўшанақа номсиз тепаликлардан биттасига жойлашиб олгандик. Ротамиз номигагина қолган. Ҳаммаси бўлиб икки киши эдик. Мен билан Тенгиз деган грузин бола! Мен ҳазиллашиб уни Денгиз деб чақирардим. Тепалиқдан қор босган Козёлск шаҳарчаси кафтдек кўриниб турарди. Кўп уйлар ёниб кулга айланган, фақат мўриси сўппайиб қолган... Якка-ёлғиз черков ғариб шумшайиб турибди.

Ўша куни фашистлар тонг-саҳардан ҳужум бошлади. Аввалига замбаракдан ўқ узиб тепаликни тит-пит қилиб юборди. Камида бутун бир батальон жойлашиб олган деб ўйласа керак. Кейин қор босган қияликдан танклар ўрмалаб чиқа бошлади. Ажаб, икки кишига учта танк!

Занжирли ғилдирагидан қор сачратиб келаётган биринчи танк яқинлашиши билан брустверга тармашиб чиқиб, шиша бутилкани улоқтирдиму ўзимни окопга ташладим. Олд томонда шишанинг

жаранглаб сингани эшитилди. Лоп этиб олов кўтарилиди. Қувониб кетдим. Окопдан секин мўраласам, танк тўппа-тўғри шу томонга келяпти. Шиша танк остига тушганини англадим. Бўлди! Тамом бўлдим! Ёнилғи шишаси граната эмаски, танк занжирини узса! Тилимгача музлаб кетгандек бўлди: ажал шарпасини сезганда қўрқмайдиган одам йўқ.

Тенгиз сакраб окопдан чиқди-да, йигирма қадамча келиб қолган танкка шиша улоқтирди. Шиша тўппа-тўғри ёнилғи баки устига бориб тушди. Ўша заҳоти аввал қуюқ тутун, кейин лоп этган аланга кўтарилиди.

– Урра! – Тенгиз овози борича ҳайқирди. Танк таққа тўхтади, ўша заҳоти пулемёт тариллади. Тенгиз худди биров пешонасига зарб билан мушт туширгандек чалқанчасига ағдарилиб, устимга йиқилди. Елкасидан қучоқлаб, юзига қарасам кўзлари очиқ, мўйлови орасидан қон сизиб чиқяпти.

Милтиғимни олиб, брустверга тармашдим. Шлем кийган икки немис ёниб турган танкдан тушиб қочаётганини кўрдиму биттасини мўлжаллаб ўқ уздим. Тегмади. Икки букилиб, танк орқасига ўтиб кетди. Шунда танклар панасида мўр-малахдай ёпирилиб келаётган душманларга кўзим тушди.

Яқинлашиб қолганларидан бирини қоралаб, тепкини босдим. Мункиб йиқилди. Ана! Биттаси кетди асфалософилинга! Ажаб, қўрқувни унутиб юборган эдим. Яна бирини мўлжаллаб ўқ уздим. Милтиқ чиқ этдию отилмади. Қизик устида ҳамма ўқимни отиб бўлганимни энди тушундим. Оғзидан қон оқиб ётган Тенгизнинг найзали милтиғини олиб энди қаддимни ростлаган эдим, душман тепалик бўшаб қолганини сизди шекилли, ҳайқириқ билан окопга ёприди.

Ҳали Тенгиз ёндирган танк ҳамон ловуллар, қолган иккитаси орқадан ёриб ўтиш учун икки томонга бурилиб кетган эди. Каска кийган, кўринишидан ҳаммаси бир-бирига ўхшайдиган пиёдалар ваҳшиёна қийқириқ билан тўппа-тўғри устимга бостириб келарди. Йўқ, кўрқмадим. Тўғрироғи кўрқишга улгурмадим! Хаёлимдан ўқдек визиллаб бир фикр ўтди. Майли, ўламан! Аммо ҳеч бўлмаса биттангни ўлдириб, кейин ўзим ҳам... Қор босган брустверга сакраб чиқдим. Нима бўлганини ўзим билмай қолдим. Шиддат билан югуриб келаётган фашист милтиғимнинг найзасига рўпара бўлди. Найзани санчдимми, ўзи урилдими, эсимда йўқ.

Найзанинг учи юмшоқ бир нарсага ғирч этиб киргани, фашистнинг қўлидаги автомат шилқ этиб қорга тушгани, немис қоқ тўшига санчилган милтиқ найзасини қўшқаллаб чангаллаганча, «О, майн муттер!»⁴ деб оҳ чеккани ғира-шира ёдимда бор. У жон талвасасида ёнбошига ағдариларкан, бошидан каскаси учиб, қўнғир сочлари ёйилиб кетди. Мовий кўзлари даҳшатдан олайиб, бир нима деб ингради. Яна шуни сездимки, у нари борса ўзим тенги ёш йигит экан. Даҳшат тўла кўзларида «мени нима қилиб қўйдинг», деган маъно бор эди. Буларнинг ҳаммаси бир сонияда бўлиб ўтди. Ўзим кўрқиб кетдим. Найзани суғуриб олиш учун кучим борича милтиқни тортдим. Аммо у қўллари билан найзани шундай қаттиқ чангаллаб олгандики, тортиб чиқаришга кучим етмади. Эсанкираб қолганимдан нуқул милтиқ қўндоғини силтар эдим. Уч қадамча орқароқда келаётган бошқа немис ғазабдан афти қийшайганча бир нима деб бақирди. Автомат милидан чиқаётган тутунга бир лаҳза кўзим тушдию... Кейин...

⁴ Оҳ, онажон! (нем.)

...Аввал қулоғимга муттасил гувиллаган садо эшитилди (самолёт ҳужумида шунақа бўлади), кейин кўзимни очиб ғира-шира ёруғликни кўрдим. Зеҳн солиб қарасам, деразага ўхшаш тўртбурчак туйнукдан бир парча нур тушиб турибди. Гардиши юпқа кўзойнак таққан, ёқасида лейтенантлик ромбиги кўриниб турган зиёлинамо киши бошимда ўтирибди.

– Ўртоқ лейтенант! – ўрнимдан турмоқчи эдим, чап оёғим шундай санчиб кетдики, кўз ўнгимни яна туман қоплаб, инграб юбордим.

– Тшш! – деди лейтенант қулоғимга эгилиб. – Кўрқма, солдат, тириксан!

Секин-секин ҳушимга келдим. Димоғимга ачимсиқ гўнг ҳиди урилди. (Одам бетоб бўлганда, яра-ланганида ҳидни яхши сезадиган бўлиб қоларкан.) ғўнғир-ғўнғир гаплар қулоғимга чалинди. Демак, дала госпиталига олиб келишибди. Қизиқ, ким обкелди экан. Тенгиз ҳалок бўлганди-ку! Бундан чиқди, ёрдам етиб борибди-да! Унақа бўлса, нимага биттаям халатли одам кўринмайди? Лейтенант билан мендан бўлак ҳарбийлар ҳам йўқ-ку!

Ҳаммаси чоллар, кампирлар, нимқоронғида кўзи қўрқувдан олайиб кетган ёш болалар... Ким ўзи булар! Йўқ, бу дала госпитали эмас. Ана, ўртадаги устун тагига гўнг тўдалаб қўйилибди. Чўчқа гўнги! Госпиталда чўчқа гўнги нима қилади!

Рўпарадаги эшик оғир ғийқиллаб очилди. Аввал ёп-ёруғ нур, кетидан ғуриллаган совуқ кирди. Нур тушиб турган эшик олдида немис каскасини кийган солдат кўринди.

– Шнель! – деб ўшқирди автомат ўқталиб.

Асирга тушганимни билиб, вужудим музлаб кетди.

– Турақол, солдат! – Кўзойнакли лейтенант «шунақа гаплар, йигит!» дегандек оғир-оғир бош чайқади. Қўлтиғимдан кўтарди. Оёғим сирқилаб оғрир, томоғим ачишар, сув ичгим келарди. Қарасам, кимдир этигимни ечиб олиб, чап оёғимнинг болдирига қалин қилиб дока ўраб қўйибди. Ҳали билмаган эканман. Лейтенант ҳам ўнг қўли тирсагидан елкасигача дока билан танғилган, шинелининг чап енгини кийган, ўнг енги эса осилиб ётарди. Чамаси у ўзининг санитар пакетини мен билан бўлашган шекилли, қўлига танғилган докадан қон сизиб чиқиб, қорайиб турарди.

Тағин учта немис солдати автомат ўқталиб чўчқахонага кирди. Одамларнинг елкасига қўндоқ билан уриб, ташқарига ҳайдай бошлади. Қизиқ, ҳеч кимдан садо чиқмас, фақат болалар, қизалоқлар кўзлари жавдираб, онасининг этагига осилишар, аммо улар ҳам дод-фарёд солишмас, ҳаммаси сеҳрланиб қолгандек индамай ташқарига чиқарди.

Ҳаво очилиб кетган, қуёш чарақлаб турар, оёқ остидаги қор кўзни қамаштирар, совуқ эди. Дока боғлаган ярадор товоним қорга тегиши билан жазиллаб ачишиб кетди.

– Ўзингни, тут, солдат! – лейтенант билагимдан қаттиқ қисди. – Йиқилсанг отиб ташлашади!

Унинг аҳволи меникидан яхши эмасди. Кўп қон кетган шекилли, рангида ранг қолмаган, мени суганча ҳансираб нафас оларди.

Музлаб ётган сўқмоқдан юриб кетдик. Олдинда немис офицери, икки томонимизда икки соқчи, орқада яна биттаси. Ҳар қадамни минг машаққат билан босардим. Яланг оёғимни қорга тегизмасликка уринар, бошим айланарди. Бирпасда икки қулоғим музлаб қолди. Шундагина бошяланг

эканимни сездим. Кўзойнакли лейтенант сирғаниб кетди. Аммо йиқилмади. Мениям суяб қолди. Қарасам пешонасидан совуқ тер оқяпти. Нима қиялпман ўзи? Ахир уям ярадор-ку, ўлигимни ташлаб нима қилдим?! Иложи борича оғирлигимни туширмаслик учун ярадор оёғимни ҳам ишга солиб, дадилроқ қадам босдим. Бир оздан кейин оёғимга совуқ таъсир қилмай қўйди. Қайтага исиб кетгандек бўлди.

Негадир қишлоққа эмас, тескари томонга кетардик. Орқада келаётган соқчи оғиз-гармонда аллақандай шўх немисча куй чала бошлади. Чап томонда – эллик қадамча нарида қор босган ўрмон қорайиб кўринди. Арчалар қор залворидан шохини эгиб турар, пастроқда эса арчаларнинг танаси кўкимтир бўлиб кўринарди.

– Қочинг, ўртоқ лейтенант! – дедим шивирлаб. – Ўрмонга...

У бир зум иккиланиб қолди. Ўша заҳоти «фойдасиз» дегандек бош чайқади. Қорнинг усти музлагани билан қадам боссангиз оёқ тиззагача ботиб кетади. Ўн қадам юрмасдан отиб ташлашади... Юриб-юриб, дарё бўйидан чиқиб қолдик. Соҳилда қора мундир кийган, шапкасининг икки четидаги ихчам қора қулоқчини билан қулоғини совуқдан пана қилган уч немис офицери турар, совуқда депсиниб, қўлқопли қўлларини ишқалаб шодонлик билан шанғилаб гаплашишарди. Бизни бошлаб келган немис офицери ҳаммамизни саф торттириб, дарёга рўпара қилди. Бу – Угри дарёси эканини тушундим. Ўн беш кун илгари Угри икки марта қўлдан-қўлга ўтган эди. Аввал биз нариги соҳилга бостириб бордик. Кейин чекиниб, Козёлск олдидаги тепаликка қайтдик. Музлаган дарё устида

ҳалиям сон-саноқсиз излар тушиб ётибди. Нариги соҳилда пачақланган немис пулемётини қор ярим қўмган, сўппайиб турибди. Совуқ шамол музлаган дарё устида увилаб, қор супуради.

Немис офицерлари ўзаро бир нималарни гаплашди. Бошим айланиб, қўнглим гум-гум кетар, кўз ўнгимни туман қоплаб олган, йиқилиб тушмаслик учун кўзойнакли лейтенантга суяниб турар, аммо совуқни энди сезмасдим... Чоллар, хотинлар орасида турган болалар совуқ қотиб кетди шекилли, ҳиқиллаб йиғлай бошлашди.

Қулоқчинли шапка кийган офицерлардан бири алланима деб шанғиллаган эди, икки соқчи биздан нарироқда турган, бошига қулоқчин, эгнига пахталик кийган серсоқол чолнинг қўлини орқасига қайирди-да, офицерлар томонга судраб кетди. Соҳилга олиб бориб, қорга ўтқизишди, оёғидан эски пиймасини ечишди. Кейин телпагини, пахталигини... Шимини... охири қип-яланғоч қилишди-да, дарё томон судрашди. Қирғоқдан ўн қадамча наридаги музи тешиб қўйилган жойга аввал эътибор бермаган эканман, одатда рус қишлоқларида сув олиш учун музни тешиб қўйишади. Аммо бу битта челак сиғадиган жўн тешик эмасди. Ҳар томони бир метрчадан, текис қилиб кесилган, тўртбурчак тешик! Худди қудуқнинг оғзига ўхшайди. Тешик ёнида суянчиқсиз курси турибди. Курси устида қора портфел.

Икки солдат бояги одамни зўрлаб тешикка тиқди. Немис офицерларидан бири ҳадеб типирчилаётган чолнинг билагидан ушлаб соатига қараганча томир уришини санай бошлади. Муздан боши чиқиб турган киши аввалига «увв» деб юборди. Типирчилади. Ранги бир қизардию кейин бўздек оқариб кетди.

– Зайт цеен минутен эртрейхт эр аллес, – деди офицер унинг билагини қўйиб юбормай. – Битте айне шприце, шнеллер⁵.

Бошқа бир офицер курси устида турган портфелни очиб, шприц чиқарди. Югуриб олиб борди. Наригиси, икки аскар ёрдамида ҳушидан кетган чолни муз орасидан суғуриб олди. Чолнинг бадани гўштдек қизариб кетган эди. Икки кишилашиб билагига укол қилишди. Чол аввал титради, кейин кўзини очди.

– Ҳайвонлар! – деди хириллаб. Қалаштириб сўқди.

– Гут!⁶ – Укол қилган офицер солдатларга бир имо қилган эди, энди ҳушига келган чолни тагин сувга тиқишди.

Биз – дарё соҳилида турганлар аждаҳога дуч келган қуёндек сеҳрланиб қолган эдик. Ҳеч ким қилг этмас, офицер ҳамон сувдаги чолнинг томирини ўлчаб, соатига қараб турар эди.

– Нима қилишяпти? – дедим худди сувга ўзим тушгандек вужудим музлаб.

Қўлтиқлаб турган лейтенантга қарасам, ранги қордек оқариб, тишлари фижирляпти.

– Аблаҳдар – деди титраб. – Тажриба ўтказяпти, Рейхнинг совуқ урган аскарларини қайси дори билан қутқариб қолишни синаяпти.

– Шон тоот, – сувдаги чолнинг томирини ўлчаётган доктор-офицер мамнун жилмайди, – ин цванциг минутен тоот⁷.

Икки солдат яланғоч чолни сувдан суғуриб олди. Судраб олиб бориб, дарёнинг ўртасига, муз устига улоқтиришди.

Сафда турган хотинлар, болалар қий-чув солиб юборди. Немис автоматчиларидан бири одамлар

⁵ Ўн минутдан бери чидаяпти. Марҳамат шприцни узатинг, тезроқ. (нем.)

⁶ Яхши! (нем.)

⁷ Ўлди. Йигирма дақиқада ўлди. (нем.)

бошидан ошириб тарилатиб ўқ узган эди, яна жимлик чўкди.

Тажриба ўтказаётган офицер муз устида депсиниб, оёқларини иситиб олди. Қўлқоп кийган қўларини ишқалаб илжайди. Тагин бир имо қилган эди, икки автоматчи сафда турган хотинлардан бирига ёпишди. Елкасига чанг солиб, судраган эди, етти ёшлардаги қизалоқ хотиннинг этагига осилиб олди.

– Мама! – деди чинқириб. – Мама!

Солдатлар хотинни тешик томонга судраб, қизалоқ эса онасининг этагига маҳкам ёпишиб олган эди.

Автоматчилардан бири немисча сўкиниб қизчанинг қулоғидан чўзганча сафга қайта тикди. Хотиржамлик билан хотинни ечинтира бошладилар. Аввал бошидан рўмолини юлқиб олишди. Кейин палтосини, жун пайпоғини, кўйлагини...

– О! – Синовчи доктор офицер аёлнинг оппоқ кўкракларига суқланиб қараб, томоқ тақиллатди.

Бейхтиёр юзимни ўгирдим. Яланғоч аёлни умримда кўрмаган эдим. Ўша томонда ҳаяжонли шовқин кўпганини эшитиб, яна бурилиб қарадим. Немис автоматчиларидан бири хотиннинг қўлтиғидан олмоқчи бўлган эди, аёл башарасига тарсаки тортиб юборди. Лекин ўша заҳоти елкасига тушган қўндоқ зарбидан қорга муккасидан йиқилди. У қип-яланғоч эди.

Аёлни қорда судраб обориб муз орасига тикишди.

Доктор-офицер ниҳоятда ишбилармонлик билан соатига қараб унинг томирини санай бошладди. Аёлнинг оппоқ кўкраклари муз қиррасига тиралиб турар, ҳансираб нафас олар, икки кўзи биз томонда эди.

Саф орасида турган қизалоқ жонҳолатда чинқирди:

– Мама!

Автоматчилардан бири шу томонга югурди. Қизалоқни урди шекилли, боланинг бўғилиб йиғлагани эшитилди. Бироқ зум ўтмай яна ўша илтижоли фарёд янгради.

– Ма-ма!

Орадан анча вақт ўтди. Мунча ҳисоб-китобга ўч бўлмаса бу фашист, мунча хотиржам бўлмаса! У ҳалиям аёлнинг томир уришини ўлчар, соатидан кўз узмас, аёл эса ҳадеганда ҳушидан кетмас, икки кўзи қизчасига тикилганча ҳансираб нафас оларди.

Доктор офицернинг силлиқ юзида аввал ҳайрат кейин даҳшат пайдо бўлди.

– Фиер унд цванциг минутен! – деди бидирлаб. – Штирбт нихт. Вие айн хунд цэлебих!⁸

Ўзи совқотиб кетди шекилли, солдатларга алланима деб буйруқ берди. Автоматчилар аёлни сувдан суғуриб олишди.

– Доча! – Қип-яланғоч хотин тирик қолганига ишонди. Совуқдан тишлари такиллаганча яланг оёқлари сирпаниб-сирпаниб қизчаси томонга гандираклаб кела бошлади. Қизалоқ саф орасидан отилиб чиқиб, онасига югурди. Лекин она-бола бир-бирига етолмади. Автоматчилардан бири онани, бири қизалоқни елкасидан чангаллаб, икки томонга тортди.

Чинқириб йиғлаётган қизчанинг кўз ўнгида қип-яланғоч онани қорга ўтқизиш билагига укол қилишди. Обориб, яна муз орасига тикишди.

Билагимдан тутиб турган лейтенант нуқул инграр, «аблаҳлар, ваҳшийлар», деб тишларини ғижирлатар, аммо у ҳам, мен ҳам бир нима қилишга ожиз эдик.

⁸ Йигирма тўрт дақиқа. Жони итдан ҳам савил экан. (нем.).

Доктор-офицер ўз касбини хўп пухта эгаллаган экан! Аёлнинг томирини секундигача аниқлик билан ўлчаб санар, ҳар беш дақиқада қанча вақт ўтганини айтиб турар, яна биттаси эса дафтарга ёзиб борарди.

Хотин яна ўттиз беш дақиқа чидади. Офицерлар қувониб кетишди. Мамнун гужиллашиб қолишди. Чамаси, бу дорининг таъсири зўрроқ эканини бир-бирига маъқуллаб тушунтирар эди. Бояги кап-катта эркак уколдан кейин ўн дақиқа ўтмай жон берди. Манави аёл эса хотин киши бўлатуриб, ярим соатдан ошдики, ўлмаяпти. Демак, бу гаалги дорининг фойдаси кўпроқ экан!

Ҳисоб-китобга уста немислар, «маданиятли», «билимдон» фашистлар бир нарсани ўйламасди. Аёлни шунча азобга бардош беришга мажбур қилган куч дори эмас! Онанинг кўз ўнгида қизчаси турибди. У боласидан умид узолмаяпти. Ўлолмаяпти. «Доно» фашистларнинг ақли қандоқ етсин бунга!

– Капут! – Доктор-офицер ниҳоят кўнгли тинчиб соат чангаллаган қўлини баланд кўтарди.

Автоматчилар аёлнинг икки қўлидан тортиб сувдан чиқаришди. Энди унинг бутун бадани кўкимтир-қизғиш тусга кирган лабларини гарчча тишлаганча қотиб қолган эди.

– Ма-а-а-ма-а-а!

Автоматчилар хотинни сочидан судраб бояги чол томонга олиб кетишаётганида қизалоқнинг осмонни тешиб юборгудек чинқириғи оламни тутди.

– Ма-а-мочка-а!

Доктор-офицер яна депсиди. Қулоғидан совуқ ўтди шекилли, шапкаси тагидаги кафтдек қулоқчинларини икки қўллаб ишқалади. Автоматчилар биз томонга келаётганини кўриб, беихтиёр орқага чекиндим.

– Бардам бўл! – Кўзойнакли лейтенант бўғиқ овозда далда берди. – Алвидо, солдат. Тирик қолсанг, қасос ол!

Немис автоматчилари бир зум тўхтаб қолди. Иккаласи кулранг кўзларида истехзо билан гоҳ лейтенантга, гоҳ менга қарар, молхонага кириб, семизроқ қўйни сўйишни мўлжаллаган қассобдек, иккаламиздан биримизни танлар эди.

Доктор-офицер бир нима деб буюрган эди, «қас-соблар» мени танлади. Иккаласи икки қўлтиғимга ёпишди.

– Алвидо, ўртоқ лейтенат! – дедим пичирлаб. – Тирик қолсангиз...

Пешонамга тушган мушт зарбидан бир лаҳза ҳушимни йўқотдим. Лекин зум ўтмай ўзимга келдим. Оёғим зирқираб оғрир, аммо автоматчилар қадам босишга қўймай, муз устида судраб кетишарди.

– Ўртоқ лейтенант! – Охирги кучимни тўплаб ҳайқирдим. – Хусановман, Тошкентдан! Тирик қолсангиз, хабар қилинг!

Эсимни таниганимдан бери бегона у ёқда турсин, ота-онамга ҳам яланғоч кўринмаган эдим. Уят бўлди. Бегона хотинлар турибди. Бегона қизлар... Болалигимда Бўрижарда чўмилганимда ҳам иштонимни сиқиш учун қамишзор ичкарисига кириб кетардим. Шуни ўйлашим билан лоп этиб дадам, ойим, Робия хаёлимга келди. Кўзимда ёш айланяптими! Йўқ! Нега энди! Мана шу ваҳший фашистлар олдида-я!

...Аввалига бутун вужудим музлаб кетди. Муз остидаги оқим унча тез эмас эди. Оёғимни типирлатиб кўрсам, тагига етмади. Демак, дарё чуқур. Автоматчилардан бири қўлтиғимдан ушлаб, томиримни текшира бошлади. Негадир энг аввал ярадор оёғим, кейин белим, охири бошим қизий бош-

лади. Автоматчи тепамда туравериб зерикдими, хушдан кета бошлаганимни билдими, қўлтиғимни қўйиб юбориб нари кетди. Аммо мен ҳали эс-хушимни йўқотмаган эдим. Офицернинг билагимни тутган чарм қўлқопи совуқ эди. Лекин зум ўтмай, қўлқопи исиб кетгандек бўлди. Энтикиб нафас олганча унинг юзига қарадим. Сарғиш қошлари чимирилган, соқоли қиртишлаб олинган, юзи сип-силлиқ. Атир ҳиди анқиб турибди. Юқа лаблари қимтилган. Кўкиш кўзлари табассум билан соатига қараб, томир уришимни санаяпти. Худди итни, маймунни текшираётган олимдек. Ҳатто ора-чора мамнун илжайиб ҳам қўяди.

«Шошма, аблаҳ! Тажриба қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! Музлаб ўлиш қанақа бўлишини сенам бир кўриб қўй!» Бу фикр хаёлимга қаёқдан келганини билмайман. Тўсатдан вужудимга куч ёғилиб киргандек бўлди. «Амаллаб қўлидан ушлаб олсам бўлди!» Сув остидаги қўлимни қимирлатиб кўрсам ҳали жон бор. Яхши! Сувнинг устки қисми яхлаб – кўкрагим атрофини дарров юпқа муз қоплабди. Бўш қўлимни секин юқори кўтардим. Силлиқ юзли доктор-офицер муз шилдираганини эшитиб, ярқ этиб қарадию парво қилмай яна соатига тикилди. Хотиржамлик билан томиримни ўлчашда давом этди. Бўш қўлимни муз қатлаמידан секин чиқардим. Билагимдан тутиб турган қўлига чанг солиб, жоним борича ёпишиб олдим. У сесканиб кетди. Кўзлари ола-кула бўлиб, соатни қор устига отиб юборди-да, иккинчи қўли билан билагимга муштлай бошлади. Даҳшат ичида алланима деб чинқирди. Автоматчилар шу томонга югурди. Лекин отмади. Хўжайинини отиб қўйишдан қўрқар эди. Сўнгги кучимни тўплаб бир силтаган эдим, офицер сирғаниб музга ўтириб қолди. Ёнбошига

ағдарилиб, бошидан шапкаси учиб кетди. Боши шундоққина ёнимга келиб қолди. Жонҳолатда сариқ сочларига ёпишдим. Солдатлар автомат қўндоғи билан билагимга ура кетди. Аммо совуқдан тарашага айланган қўлимга оғриқ таъсир қилмас, акашак бўлиб қолган бармоқларим доктор-офицернинг сочига ёпишиб қолган эди. Офицер шундай даҳшат билан додлаб юбордики, овози хотинларникидек ингичкалашиб кетди. Ўша заҳоти боши билан сувга шўнғиганини, оғзига муздай сув кириб, овози ўчгани, «булқ-булқ» қилиб қолганини идрок этдим. Яна бир марта ҳушимга келдим. Бошим қандайдир қиррали нарсага урилганини ҳис этдим. Оқим сув тагидаги музга обориб урган экан. Қизиқ, муз қатлами билан сув ўртасида бир-икки энлик очиқ жой бўларкан. Ютоқиб нафас олган эдим, ўпкама сув аралаш ҳаво кирди. Пастда, сув тагида, бутимнинг орасида қора гавда жон талвасасида типирчилар, қўлим чангак бўлиб, ҳамон сочига ёпишиб қолган, қўйиб юбормас эдим. Олисда ёруғ туйнукдан кўкимтир нур тушиб турар, ўша томонда автоматнинг тарилагани, бўғиқ қий-чув элас-элас эшитилар эди. Шуларни бир сония ҳис этдиму кейин.... ҳаммаси тамом бўлди.

* * *

...Биламан, сиз – тириклар ўлимдан қўрқасиз. Тириклигимда мен ҳам қўрқар эдим. Йўқ, ўлим унчалик даҳшатли эмас. Эртами-кечми ҳаммаям ўлади-да! Ҳаёт нима ўзи?.. Худо ҳада этган инъом. Аммо одамлар ҳар хил. Биров шу инъомни бошқалар билан баҳам кўради. Биров бошқаларникиниям қўшиб олги-си келади. Шу билан умри узайиб қоладигандек. Гап қачон ўлишдами? Қандай ўлишда эмасми!

...Ярим кечадан ошди. Ҳамма ёқ жимжит. Хиёбондаги гулсафсарлар секин-секин тебраняпти.

Ўн қадам нарида ойим ўтирибди. Иккаламизнинг ўртамизда олов ловуллаб ёняпти.

Онамнинг ҳайкали билан-ку, ҳар доим суҳбатлашаман: ёнимда. Ўзи билан ҳам гаплашай.

Ойи! Робия! Хабарим бор, бугун иккалангиз ҳам ҳадеганда ухлай олмадинглар. Мен бўлсам, сизларнинг тезроқ уйқуга кетишингизни кутаётган эдим. Нима қилай, уйғоқ пайтингизда ёнингизга боролмайман... Мана энди, яхши бўлди. Тушингизга кираман. Сиз – тириклар бунақа қилолмайсиз. Мен эса иккалангизнинг тушингизга баравар кира оламан.

– Ойи, мени танидингиз-а?

– Танидим, ўғлим. Ўлганмидинг? Мен бўлсам...

– Йиғламанг, ойи, мен тирикман. Бугун ўзингиз кўрдингиз-ку!

– Даданг йўлингга кўз тика-тика оламдан ўтди.

– Сиз яшашингиз керак, ойи. Мен учун...

– Йигирма тўрт йил кутдим. Кимсан... Бу ёнига кучим етармикин?

– Сиз яшашингиз керак.

– Ҳўп, жон болам, хўп. Сен шунақа десанг...

– Йиғлама, Робия! Қара, ёстиғинг ҳўл бўлиб кетибди.

– Кимсан ака, сизни танидим.

– Мен ҳам...

– Кимсан ака, гуноҳимдан ўтинг. Сизни кутдим. Кўп кутдим. Кейин тоғамга...

– Бўлди, Робия....

– Кимсан ака! Бояги йигитча... Музаффар.... менинг ўғлим. Яна битта ўғлим бор: Омон. Биласизми, Омон... Сизнинг ўғлингиз бўлиши мумкин эди...

– Начора, Робия! Урушни мен ўйлаб топганим йўқ. Сен ҳам...

– Мен-чи, сизга қийиқча тикдим. Кўп қийиқча тикдим. Отингизни ёзиб тагига гуллар чиздим.

– Йиғлама, Робия.... Ёшингни арт, жоним! Қулоқ сол. Эшитдингми, ҳали Оқсоқол нима деди? Ер юзида янги уруш очишни хаёл қилган номардлар ҳалиям бор экан. Эшитяпсанми, Робия! Гапим қулофингда бўлсин! Айт. Музаффарга, Омонга, ҳаммага айт! Одамлар эсини йиғсин! Ўшанақа номардларнинг қўлига кишан солинглар. Тўғри, ўлиш қийин эмас, ўлим даҳшатли эмас, аммо инсон яшаш учун туғилади, Робия! Эшитдингми! Бўлди, Робия! Йиғлама, эртага яна келаман...

ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

УЧИНЧИ БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

Муҳаббатнинг ширин шароби

Бугун байрам. Ҳосил байрами. Биз ҳашарга чиққан хўжалик ҳам, Бўка тумани ҳам пахта режасини алақачон бажарган эди. Республикани кутиб турувдик. Ўзбекистон бугун рапорт берди! Умуман, бу йил омадли келди. Пахта мўл, ҳаво туриб берди, ёмғир ҳадеб ёғиб ғашга тегмади. Совуқ тушмади. Тўғри, кечалари қиров тушиб совуқ туради. Аммо офтоб чиқиши билан пахтазордан енгил ҳовур кўтарилиб, ғўзапоянинг спиртга ўхшаш ўткир ҳиди анқийди. Биринчи этакни тўлдириш қийинроқ кўчади. Ариққа тўкилган «подбор» кечаси тушган қиров салқинида ерга ёпишиб қолади. Битта-битталаб қиртишлаб олиш керак. Аммо икки соатлардан кейин ҳаво исиб кетади. Эгнингиздаги пахталик чопон оғирлик қилиб қолади. Этак тўлган сайин вазминлашиб, тиззангизнинг

икки кўзига урилаверади. Юришга қийналасиз. Шунда пахта тўла этакни тагингизга қўйиб, бирпас дам олсангиз маза қиласиз. Осмон тип-тиниқ. Шунақанги чуқур, шунақанги тубсизки, тикилиб қарасангиз бошингиз айланиб кетади. Атроф жимжит. Фақат шип-шийдам бўлиб қолган ғўзапоялар эшитилар-эшитилмас шитирлайди. Ҳашарчи-та-лабалар онда-сонда бир-бирига гап ташлагани эшитилиб қолади.

Баъзан бошингиз устида – тиниқ осмонда «қурей-қурей» деган садо эшитилади. Синчиклаб кузатсангиз, арғамчи солиб кетаётган турналарни кўрасиз. Ҳар гал турналарга кўзим тушса ғалати, соғинч туйғулар майин азоб бергандек бўлади юрагимга. Нимага шунақа бўлаётганини ўзим билмайман. Негадир «Қора аммам»нинг бир вақтлар айтган гапи эсимга тушади. Турналар паст учса замон арзончилик бўлармиш. Аммамнинг гапини Мунавварга айтсам, елкасини қисиб кулди. «Бўлса бордир. Бувинглар ҳамма нарсани биладилар...» «Қора аммам»ни уям таниркан. Нўғайқўрғонда туришганида кўрган экан...

Бугун тушлиқдан кейин «эртага автобус келаркан» деган дарак бўлди. Яна бир этак-ярим этакдан подбор тердик-да, ҳаммамиз уйга қайтдик. Уйимиз шуки – йигитлар қишлоқдаги мактабнинг девор сувоқлари кўчиб кетган спорт залига жойлашганмиз. Полга похол тўшаб, қатор жой солиб ётамиз. Қизлар қишлоқдаги хонадонларга икки-та-учтадан бўлиниб кўчиб киришган, Мунаввар бизнинг ётоғимиздан юз қадамча наридаги кампирникига тушган.

Қувиш ака деган бригадир бор. Доим қовоғини солиб юрадиган, камгап Қувиш ака бугун жуда очилиб кетди. Даладан қайтсак, мактаб ҳовлиси-

даги бақатеракнинг пастки шохига илинган қўйнинг терисини шиляпти. Ўзимиз сайлаган ошпаз Эргаш дўмпайиб олиб каттакон дошқозон тагига ғўзапоя тикяпти.

Эргаш – яхши йигит. Рубоб чалади, ашула айтади. Нима овқат қилса – мошхўрдами, макарон шўрвами – сайратиб юборади. Фақат битта айби бор: сал бефарқроқ. Ўн беш кунча илгари қизиқ бўлди. Мунаввар иккаламиз ёнма-ён эгатда пахта териб келиб, пайкал четига чиқиб қолдик. Даланинг у ёғи каналга туташиб кетган эди.

– Исиб кетдим, – деди Мунаввар пахта тўла этагининг боғичини ечиб. – Чанқадим.

Иккаламиз этакларни пайкал четига қўйиб, канал кўтармасига чиқдик. Шўралаб кетган соҳилдан ошиб, сув бўйига тушдим. Канал саёзлашиб қолган, аммо сув тип-тиниқ, осмонда сузиб юрган булутларнинг акси сув остида муаллақ турар, атроф жимжит эди.

– Тушавер! – дедим қўлимни чўзиб.

Мунаввар ҳозир югуриб келиб кўксимга урилишини, тутиб қолиш баҳонасида белидан маҳкам қучоқлаб ўпишимни ўйлаб, юрагим гурсиллаб кетди. У кўтарманинг шўралаб кетган юмшоқ тупроғига ботиб қолмаслик учун ёнлаамаси секин-секин тушиб кела бошлади. Кейин мувозанатини сақломай тезлаб кетди. Яқин келиши билан маҳкам қучоқлаб даст кўтариб олдим.

– Қўйинг, уят бўлади! – Мунаввар ёш боладек оёқларини типирлатиб, елкамга беозор муштлади. Сув бўйига тушганда ҳам қўйиб юбормадим. – Чанқаб кетдим ахир! – деди жилмайган қўйи озорланиб. – Қўйворинг!

Худди шу пайт нақ бошимизнинг устида эшак ханграб қолди. Шунақанги ғайрат билан, завқла-

ниб ҳанградики, Мунаввар чўчиб кетди. «Вой» дедию елкамдан итарди.

– Қўйинг.

Тўғриси, ўзим ҳам чўчиб тушдим. Беихтиёр қўлимни бўшатдим. Мунаввар лой босган соҳилга тушиб, туфлиси ботиб кетди. Қарасам, каналнинг нариги бетида, йўл устида эшак арава тўхтаб турибди. Арава устида фляга, нон тўла қоп. Эргаш алюмин челақдан эшакни суғоряпти. Суғоряптию икки кўзи бизда. Илжайиб турибди. Мунаввар юзини тўсганча лойга бота-бота оқим бўйлаб югуриб кетди. Нарироққа бориб, чўккалаб ўтирди, юзини юва бошлади. Эргашга «кет» деб имо қилдим. У ёйилиб илжайди. Челақни эшакнинг тумшуғига тиқиштирди.

Эшак ҳали хуморидан чиқмаган экан. Кўкимтир кулранг лабларини чўччайтириб ҳавони бирпас искади-да, қайтадан ҳанграй бошлайди. Қулоқлари диккайиб, думи хода бўлиб кетди. Ҳар ҳанграганда икки биқини кириб чиқиб турар, бўйнини чўзиб, тумшуғини нақд Эргашнинг қулоғига тираб ўкирар, Эргаш бўлса парво қилмас, нуқул илжар эди. Ниҳоят эшакнинг овози ҳазинлашиб қолди. Пишқириб қўйди. Тағин бир ҳанграгиси келди шекилли, бурун катаклари керилиб, бошқатдан ҳирқиллашга тушди. Лекин ўйлаб туриб шаштидан қайтди. Эргаш тутган челақка тумшуғини тикди. Хоҳламайгина ичди. Ичгандаям қандоқ денг! «Аккуратний!» Бир мартаям пишқирмади. Фақат челақдан бошини кўтарганида кўкимтир-кулранг лабларига илинган томчилар офтобда ялтираб кетди. Бир-икки томчи пақирга қайтиб тушди.

«Жўнаб қол» дегандек, муштимни дўлайтирган эдим, Эргаш яна илжайди. Сувнинг қолганини эшак

устига сепди. Челакни аравага – овқат буғи чиқиб турган фляга ёнига қўйди-да, эшакни ниқтади.

– Хих! – уч-тўрт қадам юриб, шу томонга қаради. – Тезроқ боринглар! – деди қувлик билан бақириб. – Макарон шўрва совиб қолади.

Зах босган соҳилдан юриб юзини юваётган Мунавварнинг тепасига бордим. Кулгим қистади. Шум-ей! Эшагини келиб-келиб шу ерда суғорадими! Майли, Эргаш бировга гапирадиган йигит эмас. Ўзининг Гуляси ҳам уч кунда бир «касал» бўлиб, ошпазга «помошниклик» қилади-ку.

– Юр! – дедим Мунавварни қистаб. – Макарон шўрвадан қуруқ қолмайлик!

– Ичмайман! – Мунаввар тўсатдан ўқчий бошлади. – Макарон шўрваси бошида қолсин!

– Нимага?

– Кўрмадингизми! – Мунаввар жаҳл билан қўл силтади. – Эшагини суғорди-ку! Ўша челакда сув олиб, чой қайнатади, овқатга сув солади! Ичмайман! Қизларгаям айтаман... Ҳайронман, Гуля шуни нимасини яхши кўради! Мол!

– Қаёқдан кўрдинг, деса нима дейсан? – Яна кулган эдим, Мунавварнинг баттар жаҳли чиқиб кетди. Лаби пирпираб қарғади.

– Бир ойдан бери шунинг овқатини еб юрибмизми? Тфу!

Елкасига кафгимни қўйиб, юпатдим.

– Қўйсанг-чи, Мунаввар, эшак ҳам беозор бир махлуқ-да!

– Э, боринг! – Мунаввар ҳаммасига мен айбдордек жаҳл билан нари кетди... Ўша кунни тушлик емади. Кечки овқатга ҳам келмади. Эртасигаям... Кечқурун қишлоқ марказидаги дўконга бориб, Мунавварга колбаса, Эргашга бир эмас иккита алюмин пақир олиб келдим.

– Жон дўстим, – дедим ялиниб. – Ўша челақ эшагинга сийлов, бунисида суформагин, хўпми?

... Ана ўша «қўли ширин» ошпазимиз ҳозир лунжини шишириб ўчоқ пуфляяпти. Нарироқда, эски газеталар устида бир уюм пиёз, аллақанча сабзи ётибди.

– Ҳорманг, биргад! – Бизга раҳбар бўлиб чиққан кекса домламиз Садир Фузайлович узоқдан Қувиш ака билан омонлашди. – Нима ҳаракат?

Қўйни нимталаётган Қувиш ака ёйилиб илжайган эди, сийрак, сарғиш мўйлови тагида йирик-йирик тишлари кўриниб кетди.

– Тўй қибжатиббиз, домулда! Мақтани ўринладиқ!

– Баракалла, укам, – домла қизларга юзланди, – қани, опоқ қизларим, сабзи тўғрашга ким уста?

Бирпасда ҳамма ишга киришиб кетди. Аллақаёқдан пичоқлар топилди. Хонадонлардан сабзи тахталар чиқди. Вой, Мунаввар тушмагур-ей! Чўккалаб ўтириб, шунақанги шатиллатиб сабзи тўғраяптики, кўз илғамайди. Уйда шундай хизмат қилиб, ойимни, дадамни хурсанд қилишини кўз ўнгимга келтирдиму юрагим ширин орзиқиб кетди. «Вой келинпошша-ей!»

– Қараманг, кўзингиз тегади! – Мунавварнинг ёнида сабзи артиб ўтирган Гуля қўлидаги пичоқ билан пўписа қилди.

Мунаввар ярқ этиб, менга қаради. Жилмайди.

– Ундан кўра ўтин ёринг! – деди Гуля нозланиброқ. – Эргаш акамга қарашинг.

Бурилиб кетаётган эдим, Мунаввар тўхтатди.

– Аввал қозонни ювинглар... Ўзингиз ювинг. Эшитдингизми?

Кулиб юборай дедим. Гулянинг олдида очиқ айтмадию Эргашнинг қозонни тозалаб ювишига ишонмаяпти.

Борсам, Эргаш аллақачон қозонга ёғ солиб қўйибди. Ўчоқда олов гуриллаяпти. Сирли тоғорада Қувиш ака нимталаган қўй гўшти...

– Келганинг яхши бўлди, қачегар керак эди ўзи! – Эргаш қоракуя юққан кафтининг орқаси билан терлаб кетган пешонасини артди. – Сабзини тезлатинглар-эй, қизлар! Ўғим ёниб кетади... – деди Гулялар ўтирган томонга қичқириб. Кейин менга юзланди. – Жизза ейсанми?

Ош дам егунча йигитлардан уч киши қишлоқ марказидаги дўконга «физиллаб» бориб келдик. Кеча навбатдаги «беш кунлик»нинг ҳақи теккан эди. Бировга беш сўм, бировга ўн сўм... қизларга шампан олмақчи эдик, йўқ экан. «Ҳосилот» харид қилдик. Келсак қизлар аллақачон мактаб ҳовлисига – ерга брезент ташлаб жой қилишибди. Қувиш ака ўғирдек каттакон чирпит шишани қучоқлаб келиб қолди.

– Мусаллас! – деди шишани ўртага қўйиб. – Тўй, бўлиб жатир. Ишмасак, бўлмас!

Вой Қувиш ака-ей! Бугун жудаям очилиб кетди-ку. Уйига тағин беш-олти марта қатнади. Ҳар борганида икки қўлтиғида дўнгдек-дўнгдек қора тарвузларни қистириб келади.

Ростини айтсам, ошни соғингандим. Эргаш ҳам паловни «ўрмалатиб» юборибди. Жиндай-жиндай ичдик. Мазза қилиб ош едик. Қувиш ака араққа мусалласни аралаштириб урган шекилли, кайфи ошиб қолди.

– Шалсанг энди, дўмбирангни манглайи қара! – деди қийқириб.

Эргаш рубобини бир зум созлади-да, чала кетди. Ҳовли ўртасида гулхан ловуллади. Эргашнинг овози унча яхшимас. Бўғилиб, дўриллаб чиқади. Аммо ашулани юракдан айтади.

*Айлама-айлама, айлаганим бор,
Қизларнинг ичида танлаганим бор...*

Энг олдин Қувиш ака даврага чиқди. Лапанглаб ўйнаб кетди. Тагин кўрсаткич бармоғи билан қошига нуқиб, муқом қилади. Қийқириқ, қарсак.

Ўртага қизлар тушди. Аввал Гуля, кейин Шоҳида... Ана, Мунаввар! Олов тафтиданми, жиндай вино ичгани учунми, чиройли, тиниқ юзи ловиллаб кетяпти. Йўқ, у ортиқча қилпангламайди. Аммо ингичка, узун қўллари шу қадар мутаносиб ҳаракат қилади, кўзлари шу қадар маъноли сузиладики, беихтиёр маҳлиё бўлиб қоласиз... Унинг имолари, кўзларининг маъноли, нимтабассуми ҳеч қайси қизниқига ўхшамайди. Иболи, уятчан, айни пайтда муҳаббатга чанқоқ юраги шундоқ кўриниб тургандай. Қалбимда ҳаяжон, ғурур, муҳаббат – ҳаммаси жунбишга кирди. Биламан, бу имолар, бу «адресли» табассум, садоқат ҳаммаси меники – ҳаммаси менга тегишли!

Қарсак авжига минди. Мунаввар ўйнаётган қизлар орасидан секин сирғалиб, четга чиқди. Юрагим гурсиллаб урганча ёнига бордим.

– Чарчадим, – деди у сезилар-сезилмас ҳарсиллаб. – Исиб кетдим.

Хиралик қилиб, уни яна ўйинга тортишларини хоҳламасдим.

– Айланиб келамизми? – дедим секин.

У индамай қўлимдан тутди. Қишлоқ кўчасидан аста-аста юриб кетдик. Пастак уйлар деразасида чироқ кўринадди. Итлар тумов бўлгандек бўғиқ акиллайди. Ҳавода тезак ҳиди аралаш ғўзапоя иси анқийди. Юриб-юриб, канал бўйига келиб қолдик. Узоқда, қишлоқ томонда қарсак овозлари эшитилади. Гулхан шафағи элас-элас кўзга чалинади.

Осмонда чодир тутган ой жунжикиб мўралайди. Юпқа, қат-қат булутлар муаллақ қотиб қолган. Худди келинни бошига рўмол ёпмоқчи бўлган янгалардек ой юзини тўсишга беҳуда уринади.

Мунаввар қунишиб бошини елкаси орасига олди.

– Энди совқотиб кетяпман.

– Совуқ эмас-ку!

Елкасидан қучишим билан оҳиста бурилиб, қучоғимга кирди. Қайноқ, титроқ лаблари лабимни куйдирди.

– Ўтирамизми? – дедим энтикиб.

У индамай бош силкиди. Кейинги кунларда ҳаво очилиб кетган бўлса ҳам, бир ҳафта илгари ёққан ёмғирнинг заҳри ҳали кетмаган, ер зах эди.

– Ҳозир! – югуриб бориб канал қирғоғидаги қуриб қолган, аммо ёмғирдан кейин юмшоқ тортиб, майинлашган бурганлардан юлиб келдим. Калта пахталигимни ечиб, бурган устига ташладим.

Ўнма-ён ўтирдик. Бутун вужудим таранг тортилиб, маҳкам бағримга босдим. У ўзини олиб қочмас, ожиз энтикар, кўкси титрар эди.

– Мени яхши кўрасиз-а? Жудаям яхши кўрасиз-а?.. – деди эркаланиб.

– Мунаввар! Ўзимнинг Мунавварим!

Бир лаҳза эсимни йўқотиб қўйдим...

У ожиз талпинди.

– Нима қиляпсиз? Қочинг, яхшимас... Қочинг!

Ҳиқиллаб йиғлай бошлаганидан кейингина ўзимга келдим. Қилиб қўйган ишимдан ўзим кўрқиб кетдим. Нима қилдим? Негадир унга ялингим, кечирим сўрагим келарди. Назаримда у ҳозир дод солиб йиғлаши, ўкиниб таъна қилиши керакдек эди. Йўқ, кафти билан юзини тўсганча йиғи аралаш илтижо қилди:

– Яхши кўрасиз-а? Жудаям-а?

– Сўраб нима қиласан, Мунаввар! – дедим титраб. Кафтини оҳиста силаб, юзидан олдим. – Ўзинг биласан-ку!

У йиғи аралаш жилмайди. Ой нурида юзи яна-ям оқариб кетгандек эди.

– Меникисиз-а? – У гира-шира ой нурида кўзимдаги маънони уқиб олмоқчидек юзимга синчиклаб қаради. Кейин секин ўрнидан турди-да, чайқалиб-чайқалиб сув томонга юриб кетди. Сакраб ўрнимдан турган эдим, ярқ этиб бурилиб қаради.

– Келманг, – деди ҳам илтимос, ҳам буйруқ оҳангида.

Беихтиёр ерга ўтириб қолдим. Димоғимга намиққан бурга ҳиди, кейин Мунавварнинг қадрдон иси уриди. Юрагим қинидан чиқиб кетгудек гурсиллар, осмондаги ойни ҳам, юпқа, покиза булутларни ҳам, қорамтир тусга кириб қолган пахтазорни, канални, Мунавварни – ҳаммасини барабар қучоқлаб олгим, бутун дунёга эшититтириб бақиргим келарди.

– Одамлар! Мен бахтиёрман! Менинг Мунавварим бор, одамлар!

ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ

ШАҲАР ИЖРОҚЎМИНИНГ РАИСИ ОЛИМЖОН КОМИЛОВ ҲИКОЯСИ

Қон тўккан «қаҳрамон»

Ҳамма нарсанинг қадри йўқотганингдан кейин билинаркан. Инженерлик қилиб юрганымда-ям ишим кўп деб нолиган эканман-да, мен нодон! Тўғри, иш кўп эди. Лекин фақат ўзимизнинг бош-

қармага жавоб берардим. Рост, қишда лой ботиб, ёзда тупроқ кечиб қурилишларда юрардим, лекин минглаб одамнинг дарди-ҳасратини ўйлаб бошимни қотирмасдим. Институтни битирганимдан бери ўтган ўн йил ҳам бир бўлди, горисполком раислигига сайлашганидан буён ўтган уч йил ҳам. Давлат комиссияси Фарғонага жўнатаётганида бунақа бўлишини билмаган эдим. Икки йил ишлайман, Фарғонада уй-жой қураману Тошкентга – ота-онамнинг бағрига қайтаман, деб ишонгандим. Қаёқда? Икки йиллик «муддатим» битмасиданоқ «ишнинг кўзини биладиган» ёш кадр деб район кенгашига депутатликка сайлашди. Депутатлик ваколатим битмасидан кетишга ҳаққим йўқ экан. Икки йил эмас, тўрт йил қолдим. Кейин шаҳар кенгашига депутат қилишди. Келажакда қуриладиган Қиргули массивининг лойиҳасига ўзим ҳам қизиқиб кетдим. Кундузи ишлайман, кечқурунлари шикоятчиларни қабул қиламан... Ҳаш-паш дегунча ордан яна тўрт йил ўтиб кетди. Ниҳоят Тошкентга қайтишга қатъий жазм қилиб турганимда Қўқон шаҳар кенгашига раис қилиб сайлашди: бутунлай қўқонлик бўлиб қолдим. Бултур горкомга кириб, ростини айтдим. «Ота-онам кексайиб қолди. Иккаласиям касалманд, қолаверса, ёшим ўттиздан ошди, уйланишим керак. Тошкентга қайтай», десам котиб койиб берди. «Баракалла, йигит, ким айтади сизни талантли ташкилотчи, илмли инженер деб! Ота-онангизни кўчириб келинг, уй топиб берамиз. Нима, Қўқоннинг қизлари Тошкентникидан ёмонми?» Дадам билан ойимнинг феълини билмасам экан. «Киндик қони тўкилган» жойдан бир қадам ҳам жилмайди. Бунинг устига дадам ҳар хатида нолийди. «Танангизга ўйланг, ўғлим,

сиз тенгилар уч-тўртта болали бўлди, қовуннинг ҳам олдини-олдин, кейини-кейин, оёғингизни тўртта қилиб қўяйлик», дейди.

Ўзимга қолса-ку, жудаям бошим туйнукдан чиқиб кетаётган йўқ. Аҳволим бу бўлса: ит ётиш – мирза туриш. Аммо ота-онам кексайиб қолди. Улар ҳам келин кўргиси келади, неварасини ўйнатиб юргиси келади... У ёғини сўрасангиз (одам айтишгаям уялади) горком секретари таърифлаган мендек «замонавий» ташкилотчи йигит ёшим ўтгиздан ошиб, биронта қизнинг билагидан ушламабман. Қўлтиқлаб театрларга олиб тушмабман. Аввал ўқиш битсин, кейин бир гап бўлар дедим, бу ёққа келиб ишга шўнғиб кетдим...

Собиқ ижроком раиси роса «хунар кўрсатган» экан. Савдо бошқармасининг бошлиғи – жияни. Квартира бўлимнинг мудирини – қайнисини. Обшепит мудирини – қайинсинглисини... Қўша-қўша участкалар, офтобда қатиқ ялашган уруғининг уруғига навбатсиз квартиралар, машиналар. Қизиғи шундаки ҳеч ким мушугини пишт демаган. Бундан чиқди, ўзидан катталарнинг оғзини мойлаган. Аммо бу ёғини кавлаштираманг, балого қоласан.... Қилар ишни қилган улар, ахлатини тозалайдиган – мен.... Балки чиндан ҳам мендан раҳбар чиқмас. Ишнинг кўзини билмасман. Нима қилай? Ҳаммаси билан ёқа бўғишиб, прокурорга топширолмабман-ку!

Авваллари амалдорларни жиним суймасди. Амалдор деганда негадир Умар закунчи кўз олдимга келаверарди. Қўпол, золим, дўкай. Бошимга тушганидан кейин ақлим етди. Кўпчиликка раҳбар бўлиш оғир экан. Юқоридан бериладиган буйруқлар ҳаммаси тўғри. Транспорт – чатоқ. Сув таъминоти – чатоқ. Иситиш системаси – расво. Қурилиш – суст. Савдода – чайқовчи ўғрилар... Ҳаммасини чақириб сиқувга оласан. Ҳаммаси бошини

эгиб жимгина эшитади. Битта-яримтаси «объектив» сабабларни айтади. Запчаст йўқ, буг қозони бузилган, базада мол йўқ... «Сенинг ўрнингга буг қозони мен тузатайми», десанг хўп дейдию чиқиб кетади. Аммо ҳафта ўтмай, яна ўша масалага қайтасан. Горком бюросида сени типпа-тик қилиб қўйиб шунақа гаплар айтишадики, илон пўст ташлайди. Гўё сен бориб турган лақмасан!

Шунақа кунлари уйга тонготарда келаман. Каталакдек хонамга кириб оч-наҳор ётиб қоламан. Оилам бўлсаки, олдимга бир коса иссиқ қўйса! Ота-онам ёнимда бўлсаки, ҳолимдан хабар олса. Ўзлари ёрдамга муҳтож. Ўғлим қачон келади, қачон уйлантирамиз деб қиз қидириш билан овора. Уч соатдан кейин уйғонмасам бўлмайди. Эрталаб соат тўққизда шикоятчиларни қабул қилишим керак. Ўзда, таътилимдан атиги уч кунгина рухсат олиб уйга – Тошкентга борганимда дадам қаттиқ тайинлаган эди.

«Амал тегди деб керилманг. Одамларнинг дилига озор берманг! Ким нимани сўраса хўп, денг! Ўрдам беринг».

Қанақасига ҳаммага хўп дейман? Ноҳақ талаб билан келса-чи! Уйи исимаётган кўп болали онанинг шикояти тўғри. Беш йилдан бери «Запорожец» ололмай сарсон бўлиб юрган уруш ногиронининг шикояти тўғри. (Савдода шунақа аблаҳлар борки, «шапкаси»ни бермасанг қишда қорни ҳам раво кўрмайди.) Лекин безорилик қилиб бировга пичоқ урган арзандасини қутқариб қолиш учун милиция бошлиғига телефон қилишни сўраган чолга нима дейман? Бир бечора биқинидан пичоқ еб касалхонада ётсин-да, бунинг ўғлига «бераҳмлиқ» қилаётган терговчига «қўйиб юборинг», деб мен илтимос қилишим керак! Нега ахир!

Энг ёмони – бора-бора шикоятчини кўрса одамнинг юраги безиллайдиган бўлиб қоларкан. Хотин пиёниста эридан ажрамоқчи. Икки хонали уйда туради. Эри чиқиб кетолмайди, ўзиям. Иккала-мизга алоҳида уй топиб берасан, деб туриб олади. Яна бири келади. Даъвоси битта: «Эрим яхшию қайнонам ёмон, қайнонамни тузатиб беринг», Жонингдан тўйиб кетасан. Қайнонаси етмишга чиққан бўлса – бирон жойда ишласаки, бошлиғига айтиб тартибга чақирсанг. Етмиш ёшли кампирни сўкиб бўлмаса, ҳайфсан бериб бўлмаса.... Нима қилиш керак! Тағин биттаси хотинидан шикоят қилиб келади: бузуқмиш. Қўшниси билан тутиб олибди. «Қўйвор йигит бўлсанг! Чопонни елкага ташлаб чиқ – кет!» «Кетаман, лекин иккита болам бор. Хотиним кетсин. Суд хотинни ҳимоя қиляпти. Бола тарбиясини бузуқ хотинга ишонмайман!»

Ҳар хил одамларни кўравергандан кейин психолог бўлиб кетаркансан. Бир тоифа шикоятчилар бор: уялиб, қимтиниб, ҳатто қўрқиб киради. Арзимаган нарсаниям овози титраб гапиради. Булар – кўпинча ҳақ бўлади. Ижтимоий таъминот бўлимидами, районда ёки боғчадами ялпайиб ўтирган бюрократ ёки порахўр амалдордан азият чека-чека, охири нажот излаб келгани сезилиб туради. Бунақаларга ёрдам бермаслик – бориб турган гумроҳлик.

Бир хиллар бор: ўзи келишдан олдин «вертушка» зарда билан жиринглайди. Юқоридан.

«Олимжон Комилович! Ҳузурингизга фалончи пистончиев боради. Илтимос ёрдам берсангиз». Келади, ўша фалончи пистончиев, димоғидан эшак қурт ёғиб. Илтимоси шуки, қилсанг ҳам айбдор бўласан, қилмасанг ҳам. Қилсанг виждонинг олдида айбдор бўласан, қилмасанг қўнғироқ туг-

масини босган «катта»нинг олдида. Дод деб юборгинг келади.

Яна бир тоифа бор. Эски қадрдонлардек бемалол омонлашади. Овозини пасайтириб гапиради. «Биламиз, сиздаям бола-чақа бор, шу иш тўғри бўлса қарздор бўлиб қолмаймиз», дегандек имо-ишоралар қилади. Бола-чақа у ёқда турсин, хотиним ҳам йўқлигини билмайди. Аммо пинжимга кириб кетгудек бўлади. Тўғри, пора бераман демайдию дудмалроқ қилиб гапиради. Бунақалар билан муомала қилишни боплайман. Телефонни кўтариб, атайлаб иккита рақам тераман. «Милициями?» дейишим билан ё қочиб қолади, ё бидир-бидир қилиб бошқача сайраб кетади.

Тағин бир хиллар бор: эшикдан йиғлаб киради. Қўйиб берса ҳамма ёқни отбозор қилиб юборади. То мақсадига тушунгунча ё валокардин ичасан, ё валидол шимийсан.

Ниҳоят яна бир гуруҳи бор. Эшикдан дўқ уриб киради. Костюмига бир шода нишон тақиб олади. Гапни «биз ёшларнинг бахти учун» қон тўкканидан бошлайди. (Қизиғи шундаки, ҳақиқий жангчилар дўқ урмайди. Ниятини тўғри тушунтиради. Негаки улар ўзининг қонуний ҳуқуқини ҳам, маънавий ҳаққини ҳам яхши билади.) Мана бунақаларни суриштирсангиз ё урушдан қочиб юрганлар, ё маст бўлиб автобус уриб кетганда «инвалид» бўлганлар экани аниқланади. Лекин булар «ёзишга» уста. Иши битмаса ўзининг ноҳақлигини ўйлаб ўтирмайди. Қўйиб берсангиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотигача ариза ёзади.

Бугун худди шунақалардан биттаси кирди. Қабул куни эмас эди. Ўн дақиқадан кейин соғлиқни сақлаш бўйича кенгаш чақириб қўйган эдим. (Ка-

салхонада бир врач пора олиб операция қилаётгани ҳақида шикоят тушган эди.)

Котиба аёл йиғламоқдан бери бўлиб, эшикдан кирди.

– Бир одам ҳеч қўймаяпти, Олимжон Комилович! Бугун қабул йўқ десам, кўнмаяпти.

Котиба гапани тугатмасдан эшик зардали тарақлаб очилди. Қундуз ёқали пальто, чақмоқ телпак кийган киши шаҳдам қадамлар билан кириб келди.

– Берлингача борган, сенинг хўжайинингга киромайманми! – деди котибага чақчайиб.

Танидим! Чақмоқ телпагидан, қамчи солгандек кесиб-кесиб гапиришидан танидим: «Умар закунчи! Момақалдироқ гумбурлаб турган баҳор кечаси. Раъно келинойимнинг пастак девори ёдимга келди. Биқинини чангаллаб икки букилиб қолган Робия опамнинг «ҳеч кимга айтмай қўя қол, ақлли боласан-ку», деб ялингани эсимга тушди.

Йўқ. Закунчи ўзгармабди. Тўғри, анча қариб қопти. Чиройли тарошланган мўйловига оқ ора-лабди. Аммо овози ўша, совуқ, кўкимтир олов сачраб турган кўзлари ўша....

– Сиз Берлингача борганмисиз? – дедим кўзига қаттиқ тикилиб.

У жавоб бермади. Котибанинг чиқиб кетишини кутди.

– Ўтиринг, – дедим рўпарадаги курсига имо қилиб.

У айтмасанг ҳам ўтираман, дегандек креслога чўкди. Чақмоқ телпагини ечиб, авайлаб столга қўйди. Кўзимга синовчан тикилди. Аниқ билиб турибман, танимади.

– Борганмисиз? – дедим яна.

У киноя билан лабини бурди. Мўйлови қийша-йиб кетди. Пальтосининг ич чўнтагидан беш-олти варақ қоғоз чиқарди.

– Кечирасиз, ўртоқ раис! – деди ҳар сўзини чертиб-чертиб. – Саволни мен бераман! Гапнинг пўскалласини айтинг! Бу дунёда ҳақиқат борми-йўқми? Қанақа жамиятда яшаяпмиз ўзи?

Шундай деди-ю кўзлари газабдан қисилиб кетди. Ўша – саратон офтобида ёнган буғдойзор чек-касида, пичоғи билан уч туп янтоқни кесиб олаётганда ҳам кўзи шунақа қисилиб кетган эди. Юрагим сирқилаб кетди. Елкамга чидаб бўлмас оғриқ киргандек бўлди.

Ўшанда – янтоқ билан савалаганда дадам баданимдан икки юзта тикан санаб олгани, ҳар битта тиканнинг ўрни патос бойлаб, бир ой ётолмаганим, чалқанча тушсам, орқам, ерга қараб ётсам қорним ловуллаб ачишгани, салкам бир ой ўтирган жойимда ухлаганим.... Робия опам сенгаям боққан бало бордир, деб чирқиллагани, ойим кечаси билан ер титраб қарғаб чиққани, дадам инграб йиғлашимга қарамай, пахтани чўпга ўраб, ярамга дори сургани... Эртасига ойим, «золимдан қутулдик», деб эшикдан йиғлаб киргани.... Ҳаммаси кўз олдимга келди. Ўша заҳоти бошқа хотиралар ҳам қуюндек ёприлиб бошим гувиллаб кетди. Шомурод амакининг чақалоқ Музаффарни кўтариб тупроқ кўчада чўлоқланиб югургани, «Зақунчи Раънохонни обқочиб кетибди», деган миш-мишлар, Робия опамнинг Шомурод амакимникига келин бўлиб тушгани, аравада ёр-ёр айтиб Нўғайқўрғондан келинни олиб борганим.... Кейин шу бола ўксимасин деб иложи борича Музаффарнинг ёнида бўлишга уринганим.... Ниҳоят бултур таътилда Тошкентга уч кунгина бориб келганимда дадам «анави Зақунчи ўша томонларда турармиш», дегани... Демак, ростдан ҳам Қўқонда экан-да.

Узоқ жимиб қолдим шекилли. Зақунчи кўзлари ёниб тагин сўради:

– Борми-йўқми?

Ўзгармабди. Мутлақо ўзгармабди! Дағдағаси ўша, важоҳати – ўша! Қўйиб берса ҳалиям одамларни қамчилашдан тоймайди.

– Сизга қанақа ҳақиқат керак? – Овозим ўзим кутгандан кескинроқ, нафратлироқ чиқди. – Ҳақиқат деганда нимани тушунасиз?

– Ҳақиқат битта бўлади, – деди у чертиб-чертиб. – Зақунни бизам биламиз, ўртоқ раис!

Нима деса бўлади бу одамга! Нима қилса бўлади буни! Хаёлимга аҳмоқона фикр келди. Қанийди, бу кўпшак билан тўйдаи, кўча-кўйдаи учрашиб қолсаму чалажон қилгунча дўппосласам! Начора, мен расмий одамман. У ҳам расмий шахс: шикоятчи.

– Эътиборингиз учун, – дедим иложи борича хотиржам гапиришга уриниб. – Абсолют ҳақиқат камдан-кам бўлади. Кўпинча одам ўзини ҳақ деб билади-ю, аслида ноҳақ бўлади.

– Анқаранг-а! – У лабини шу қадар киноя билан бурдики, мўйлови яна қийшайиб кетди. – Гапни айлантириб нима қиласиз, ўртоқ раис, ҳақиқат йўқ денг– қўйинг!

О! Энди ҳақиқат излаб қолдингми? Ҳақиқат кучда, деган шиорни қонун қилиб олган сен эмасмидинг! Қанча зolimлик қилсам, шунча ҳақ бўламан, деган сен эмасмидинг! Тўғри, сен бу гапни овоз чиқариб айтмадинг. Аммо амалда шундоқ қилдинг. Энди ҳақ талаб бўлиб қолдингми? Рост, ҳозир ҳам ҳақиқатни ер билан битта қилиб, ўзининг роҳатини ўйлайдиганлар бор. Тўғри, улар сенга ўхшаб бировни урмайди, сўкмайди. Бегуноҳ

одамни қамата олмайди. Аммо ўтирган курсисидан фойдаланиб, чўнтагини қаппайтиради. Аввал атрофга таниш-билиш тўплайди, кейин молмулк йиғади. Ҳозирги аблаҳларнинг сен аблаҳдан фарқи йўқ. Аммо эртами-кечми ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бўлади. Ҳақиқат дегани – аслида мана шу! Абсолют ҳақиқат дегани шу!

– Бор! – дедим ишонч билан. – Эртами-кечми, ҳаммаси жойига тушади.

У қилт этмади. Юзи кинояли қийшайиб, бош ирғади.

– Биламиз. Ёш бола эмасмиз, ўртоқ раис!

«Раис эмиш! Раис сен эдинг! Умар закунчи! Қамчинидан қон томган раис!»

– Қаерда турасиз? – дедим гап чўзилиб кетганидан ғижиниб.

– Ана, ўша ерда ёзилган. – У «савод борми ўзи» дегандек юзини ўгирди.

Ўқидим. Қўқон шаҳар. Пахтакор кўчаси, 19-уй.

– Бўпти. Мақсадга ўтайлик! – дедим хатдан кўз узиб.

– Талабим битта! Телефон тушириб берасиз!

Аниқ биламан. ўишткўприк атрофида бўш нуқта йўқ. Йўқни йўндириб бўлмайди.

– Менга қаранг, – дедим совуқ оҳангда. – Сиз яшайдиган даҳада бўш номер йўқ.

– Нимага бўлмас экан! – У сапчиб ўрнидан туриб кетди. Кўзида кўкиш олов ёниб, мўйлови уча бошлади. – Нимага врач Усмонов Йўлдошга телефон бору менга йўқ?

Ўзим хоҳламаган ҳолда истехзоли кулдим.

– Нима, сиз врачмисиз?

– Йўқ. Мен ветеранман! – У пальтосининг ён чўнтагига қўл суқиб, аллақандай дафтарчани ол-

ди-да, кўриб қўй, сўтак, дегандек газаб билан столга улоқтирди. – Орден олганман!

Эсимда, лавлаги масаласида орден олган. Аслида бу орден Оқсоқолники, Башор холаники, қолаверса Ҳусан буваники бўлиши керак эди.

Дафтарчани очиб ҳам қарамадим. Бу Закунчи-га офир ботди шекилли, ранги гезариб кетди.

– Билсак бўладими, ўртоқ раис! – деди лаблари титраб. – Ўзларининг уйларида нечта телефон бор? Учтами-тўрттами? Йўқ, мен дачангиздагини санаётганим йўқ. Уйингиздагини айтяпман. Ўшандан биттасини беринг!

– Алишамизми?

У ҳайрон бўлиб, киприкларини пирпиратди.

– Нима?

– Уйимизни алишамизми? – дедим кулимсираб.

– Келинг, алишамиз! Ростдан ҳам телефони бор. Фақат дачамни беролмайман. Нега деганда... дачанинг ўзи йўқ. Лекин уйим бор. Хафа бўлмайсиз, бир хоналик. Микрорайонда. Тўрттинчи қават, ёзда сув чиқмайди. Қишда яхши исимайди.

У бутунлай довдираб қолди. Чамаси ҳазиллашяпти ё калака қиляпти, деб ўйлар эди.

– Мен беҳазил айтяпман! – деди жиддият билан.

– Билиб қўйинг, ўртоқ раис! – деди бошини таҳдидли чайқаб. – Мен анави Усмоновларга ўхшаб пора бермайман. Телефонни законний оламан!

– Усмонов пора берганми? – дедим кўзига қаттиқ тикилиб, стол устидаги ручкани олдим. – Айтинг, кимга?

У юзини ўгирди. Беписанд қўл силтади.

– Чалғитманг, ўртоқ раис. Пора берган одам бировга гапириб юрмайди.

Хаёлимга ярқ этиб бир ўй келди. Ке, қонунга хилоф бўлсаям, шу иблисга битта яхшилик қилай!

Гўшакни кўтариб, алоқа тармоғи бошлиғининг рақамини тераётганимда Ориф оқсоқолнинг уйимизга шикоят хати кўтариб келгани, гарданнимга дори сураётган дадам, «қўя қолинг, Оқсоқол, бир жойдаги одаммиз», дегани эсимга тушди. Ўзимдан ўзим нафратланиб лабимни тишладим. Нима қилсаям отамнинг қони бор-да томиримда. Генетика – сеҳрли фан!

– Владимир Васильевич! ўишткўприк зонасида яшайдиган Усмонов ким?

Узел бошлиғи бир лаҳза жимиб қолди. Чамаси қўлидаги абонент дафттарини варақлади шекилли, аниқ-равшан жавоб берди.

– Усмонов Йўлдошхон! Район поликлиникасининг замглавврачи. Терапевт. Квартира телефони 24–19. Қоидага биноан уч ярим йил илгари уйига телефон туширилган. Врачнинг уйида телефон бўлиши шарт. Экстрен ҳолатлар учун.

– Узелда бўш пара йўқми?

– Олимжон Комилович! – узел бошлиғининг овозида ранжиш оҳанглари сезилди. – Биласиз-ку, биттаям йўқ! Район милицияси бошлиғи билан ўн бир фронтовикникидан бошқа ҳаммаси блокировка қилинган.

– Владимир Васильевич! – дедим Закунчининг юзидан кўз узмай. – Ҳозир олдингизга... – билиб турсам ҳам Закунчидан сўрадим. – Фамилиянгиз нима эди?

– Хўжаев! – деди Закунчи ҳозиржавоблик билан. – Хўжаев Умар Хўжаевич!

– Ҳозир ҳузурингизга Хажайип деган (Ориф оқсоқолнинг иборасини беихтиёр ишлатганим учун кулиб юборишдан ўзимни зўрға тийиб олдим) Хажайип деган гражданин боради.

– Минг лаънат ўша Хажайипингизга! Ахир у Усмонов билан битта ҳовлида туради-ку! Параллел аппарат қўйиб берайлик десак, кўнмаса. – Тармоқ бошлиғи алам билан чинқирди. – Олдимга миллион марта келган! Ҳеч қанақа ветеран эмас, аферист! Бошни қотирмасин! Подстанция қурилади, кейин...

– Йўлдошхон Усмонов билан бир жойда тураркансиз-ку, ўртоқ Хажайип! – дедим гўшакнини қўймай. – Усмонов кимингиз бўлади?

– Ҳеч кимим! – Зақунчи ижирганиб, юзини ўгирди. – Менинг ўзимга телефон керак! Лична ўзимга! Законний телефон!

– Владимир Васильевич! – дедим илтимос қилиб. 24–19 га блокировка қила қолинг.

– Ўртоқ Комилов! Ахир бош врачнинг номерига... Мен биладан-ку. Йўлдош Усмонович штатда замглаврач бўлгани билан бош врач вазифасини...

– Илтимос, Владимир Васильевич, янги подстанция қурилгунча шундай қилиб турасиз. Хайр.

Зақунчи орден дафтарчасини шошилмай олиб, чўнтагига тикди.

– Подстанция қачон қуриларкан? – деди ўрнидан туриб.

– Кечирасиз, – дедим иложи борича ўзимни босиб. – Боя сиз қон тўкканман, дедингиз-а?

– Тўкканман! – У ижирганиб юзимга қаради. – Нимаиди?

– Қайси фронтда?

– Тинч фронтда! Билдингизми? Уруш орқасидаги фронтда!

– Кимникини?

– Нима?

– Кимнинг қонини тўккансиз?!

У бир зум серрайиб қолди. Чамаси яна дағдаға

қилгиси келди-ю, ранги қув ўчиб, гапиролмай қолди. Ияги, мўйлови титраб, юзи қийшайиб кетди.

– Боринг! – дедим жеркиб. – Учинчи қават, саккизинчи хонага киринг! Владимир Васильевич Фёдоровга учрашасиз!

Эшикка яқин борганида яна чақирдим.

– Хўв! Хажайип!

Закунчи тўхтади. «Нима дейсан?» дегандек чақчайди.

– Иккинчи марта... – дедим столи бармоғим билан нуқиб. – Иккинчи марта яна шунақа десангиз. – «Чиққан жойингга тиқиб юбораман», дегим келди-ю тилимни тийдим.

– Нима? – У бир кўзини таҳдидли қисиб, қайтиб келди. – Мен нима депман!

Отдан тушсаям эгардан тушмайди, разил!

Эшик очилиб, котиба мўралади:

– Олимжон Комилович, райздрав мудирлари кутиб қолишди.

– Ҳозир! – Ўрнимдан туриб Закунчининг рўпарасига бордим. – Ҳали эшикдан кирганингда, – дедим кўзига қаттиқ тикилиб. – Берлингача борганман, сенинг хўжайинингга киролмайманми, дединг, тўғрими?

У юзини ўгирди. Аммо қўрқмади. Без бўлиб тураверди.

– Яъни, мен қирқ бешинчи йилда фашистлар пойтахтини забт этганман, демоқчи бўлдинг, шунақами?

У олазарак бўлиб қолди. Бироқ бу сафар ҳам жавоб бермади.

– Эшитиб қўй! – дедим ғазабдан титраб. – Биринчидан, бу ер фашистларнинг идораси эмас! Иккинчидан, Берлингача борганларнинг номини ҳаром қилма!

Унинг кўзларида яна кўкимтир совуқ олов ёнди. Лекин бир офиз гапирмади. Шахдам қадамлар билан эшик томон юрди.

– Телпагингни ол, ўв! – дедим бақириб.

У пилдираб келиб чақмоқ телпагини юлқиб олди-ю эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

УМАР ЗАКУНЧИ ҲИКОЯСИ

Ҳақиқат осмонда, калити ҳаммомда!

Вой, жўжахўроз-ей! «Берлингача борганларнинг номини ҳаром қилма», дедими! Сансираб айтди-я! Вой читтаг-ей! Аввал бурнингни артиб ол, мишиқи! Мен орден олганимда сенга ўхшаганлар нонни «нанна» деб юрарди, олифта – қуруқ! «Амал тегди ҳиндига – бошини суқди юндига», деб шуни айтади-да! Келиб-келиб сен мени тергайдиган бўлиб қолдингми? Ким ўзи бу? Жикилаган амалпараст бола-да! Дунёнинг ишлари шу-да! Омади кетганнинг товуғи курк қолади, омади келганнинг хўрозиям тухум туғади. Аммо ўзимдан ҳам ўтди. Хато гапирдим! Нима қилардим, Берлинни тикиштириб! Нозик жойимдан тутганини қара? «Нима, бу сизга фашистларнинг идорасими», дейди. Закунни биларкан, аблаҳ. ўинг-пинг десам, тикиб қўйишданам тоймайди. Замонанинг зайли билан шаҳар ҳокими бўлиб қопти, қўлидан келадиям-да! «Кимнинг қонини тўккансиз», дейдими? Нима дегани бу? Фамилиямни Хажаяп деб айтди-ми? Шошма! Ким мени шунақа деб чақирарди? Анави Ориф оқсоқол, Хусан дума.... Бу жўжахўроз

ҳам Тошкентдан келганмикин? Танирмикин мени? Бир минут... Та-ак... Секретарь Олимжон Комилович деб чақирдимиз? Тўхта-тўхта! Олимжон-Олимжон... Анави Комил табибнинг зумрашаси бўлмасин тагин! Бир вақтлар институтда ўқияпти, деб қулоғимга чалинган эди. Фамилиясиам тўғри келади. Олимжон Комилович! Одам бўлган бўлса бордир. Мўмайроқ пора узатган бўлса... Йўқ, аввалбоши у сўтак шаҳарнинг мэри бўладиган бола эмасди. Аниқ биламан. Наридан борса, тракторчи бўларди. Қолаверса, агар бу – ўша бола бўлса, икки дунёдаям ишимни тўғриламас эди. Биров пешонасига тўппонча тираб турса ҳам қилмасди бу ишни! Ўласи қилиб калтаклаган одамга ким яхшилик қилади. Ариқдан оққан сувни раво кўрмас!

«Уйимизни алмашамизми?» дейдими? Нима демоқчи бўлди бу билан? Ўзини жуда анавинақа пролетар қилиб кўрсатмоқчимиз? Мен билмасам экан! Мил-мил бўлиб кетгандирсан! Аввалги раиснинг нима бўлди? Уйдан иккита «Волга», битта «Москвич» чиқиб, қия бўлиб кетди-ку! Давлат қуриб берган квартираларни сотган экан-ку! ОБХСнингни ўзи энг катта порахўр экан-ку! Шу-да онанга қози ўйнаш бўлса, додингни кимга айтасан дегани!

Аммо-лекин боладим! Нима қилиб бўлсаям ишимни тўғриладим-ку! Хумпар-ей! Ёш бўлсаям, калласи ишларкан! Йўқ, деса Москвагаям ёзардим-да!

Хўш, нега энди куни-кеча иштонининг орқасини тугиб юрган Йўлдошхонда телефон бўлиши керагу менда бўлмаслиги керак? Уч йилдан бери югураман-а! Жилла қурса, мазам қочганида «скорий» чақираман. Такси заказ қиламан! Раъно бўлса-ку, кун ора касал. Биламан, баъзан рост айта-

ди, баъзан ёлғондан инқиллайди... Икки йилдан бери тинчлик йўқ. Нуқул, «биттаю битта боламдан жудо қилдинг, озиб-ёзиб бир келганда ҳайдаб юбординг», деб юзимга солади. «Э, ўша ҳаромзода ўғлинг билан қўшмозор бўл, сендан нима рўшнолик кўрдиму чўлоқнинг итваччаси нима каромат кўрсатарди», деб паттасини қўлига тутқазгим келади-ю Насибани ўйлайман-да!

Анави жипириқ раис нима дейди? «Усмонов кимга пора берганини исботланг», дейдими! Мени ким деб ўйлаяпсан, нодон! Нима, ёш боламанми! Ҳеч нимани билмайманми? Пора берган одам бердим дейдими. ўйқ этса олган билан қўшилиб ўзиям қия бўлиб кетар! Боринги, Йўлдошхон бермаса бермагандир. Лекин порасиз иш битадими! Ўзинг ҳам оларсан жарақ-жарақ санаб! Ўғлиқ жойда ўтирибсан-ку! Квартира – пул, машина – пул, телефон – пул, уйга газ тушириш – пул!

Ўзим кўрдим-ку. Насибанинг аттестатдаги баҳолари тўрт-беш эди. Қизим бечора эсини танибдики, дўхтир бўламан, деб юарди. Мединститутга олиб борсам, бешта имтиҳондан қаторасига уч олди. Мандатдан йиғлаб чиқди. Ўша ерда зипиллаб юрган югурдаклардан биттасини тўхтатиб гапга солсам, очигини айтди-қўйди. «Э, нима деяпсиз тоға, ҳозир экзаменни бола топширмайди, ота-она топширади, содда одам, студентлик курсисига ўтирадиганларнинг рўйхати имтиҳондан бир ой олдин тузиб қўйилади», деди. Рост айтди. Бизда шунақа десам, бошқа жойларда беш баттар экан. Ўзда поммастеримиз икки минг қарз сўради. «Тўй қиласизми», десам, «Бе, тўйгамас, ўрганча ўғилни институтга жойламоқчимиз. Беш минг йиғиб қўйган эдим, бу йил институтнинг нархи етти мингга

чиқиб кетибди», дейди! «Ўғлинг сен сарфлаган етти мингингни қайтаргунча соқоли оқариб кетади-ку», деган эдим, тиззасига уриб кулди. «Бизам сувни кўрмай иштон ечадиган хилидан эмасмиз, тоға. Дипломини олсин, етти мингни бир йилда йигирма минг қилиб қайтаради», дейди. Оқни оққа, қорани қорага ажратадиган ҳуқуқшунос шуми энди! Ростки ўқишга пора бериб кирдим, бир умр ўша пулни ўн ҳисса, юз ҳисса қилиб қайтариб олмагунча тинчимайди. Адолатни ҳимоя қиладиган одам қонун китобига эмас, қўлингга қарайди. Хоҳласа оқлайди, хоҳласа йўқ. Хоҳласа «от»ни беради, хоҳламаса «до»ни! Ана сенга «адолат». Биз ҳам юрист бўлганмиз. Пора деган нарсанинг кўчасидан ўтмаганмиз. Ҳақиқат учун қайишганмиз.

Э! Ҳақиқат эмиш! Ҳақиқат осмонда, калити ҳаммомда! Бошқа гап йўқ. Туриб-туриб ўзимга нашъа қилади. Энг жипириқ амалдор ҳам пул йиғади, машина олади. Ҳовли-жой солади. Амал курсисидан беш йил ўтирса, етти пуштига етадиганини йиғиб олади. Мен ҳам амалдор эдим-ку! Райондаги энг бақувват колхознинг раиси эдим-ку. Нимага тўпламадим? «Қора куним»га яраб қолар деб нимага йиғмадим! Сталин замони бошқача эди. Пора олганни пешонасидан отарди. Аммо-лекин ишни законий қилдим. Блокировка қилдириб олганим янаям яхши бўлди. Йўлдошхон деганлар алаmidан ёрилиб ўлсин! Жа машҳур бўлиб кетувдилар, эл-юрт ўртасида! Хоҳласам, телефон тўшатини кун бўйи кўтариб қўяман. Менга деса ҳеч ким билан гаплашмасин. Менга деса касаллари ажалидан беш кун бурун ҳаром ўлсин! Ўзимки, ҳеч нимага эга бўлолмадимми, сенларга ҳам йўл қўймайман. Чидасаларинг – шу! Чидамасанг – катта кўча!

**ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИНИНГ УЧИНЧИ
БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ МУНАВВАР АЛИЕВА
ҲИКОЯСИ**

Менга совчи юборинг

Умрим бино бўлиб, бугунгичалик ваҳимага тушмагандим. Умрим бино бўлиб, ўзимдан шунчалик жирканмаган эдим. Ўлганим яхши! Бунақа шармандалиқдан кўра ўлиб қўя қолганим яхши! Кимман ўзим? Қанақа ноинсоф, қанақа ёмон қизман?! Онам шўрлик бир кўз билан ўстирди. Емай едирди. Киймай кийгазди! Бир қўли билан яримта отамнинг хизматини қилиб, бир қўли билан менинг бошимни силади. Рост, бошқа оналарга ўхшаб ортиқча эркаламади, болам-бўтам деб устимда парвона бўлмади.

Нима қилсин? Эртадан-кечгача иш билан овора эди.

Эс-эс биламан. Нўғайқўрғонда ойимни танимаган одам йўқ эди. Чамамда, ундан кўпчилик ҳайиқар ҳам эди... Айниқса – дадам. Бошқа кишиларга ўхшаб, дадам урушдан унчалик офир яраланиб келган эмасди. Ўзининг айтишича, Берлинга яқин қолганда гарданини «арзимаган ўқ ялаб» ўтган экан. Лекин сал офирроқ иш қилса, дарров чарчаб қолар, кўпинча кун ботмай даладан қайтиб, ойим келгунча овқат пишириб ўтирар эди.

Бир кун (унда жуда кичкина эдим) ойим, айниқса, кеч қолиб кетди. Дадам менга шўрва ичирди. Ўрнимга ётқизмоқчи эди, ойимни қўмсаб хархаша қилдим! Дадам, қучоқлаб ўтириб «Ўрилтош»ни айтиб берди. Ойим тонготарга яқин келди. Уйқутираб ётганимга қарамай, чопиб бориб, этагига

осилдим. Ойимнинг кирлаб кетган пахталигидан керосин аралаш лой ҳиди келарди.

– Унақамас-да, Башор! – деди дадам дўқ қилиб-мас, ялиниб. – Биргадир бўлдим деб тонготар юра-верасанми! Миновар йиғлайвериб шишиб кетди-ку!

Тўғриси, мен йиғламагандим. Аммо дадамга раҳмим келди.

Шунда ойим мени шахт билан силтаб ташлади. Дадамнинг рўпарасига бориб, қўлини пахса қилганча ўдағайлади.

– Ҳой почча! Эркакни ишини эпллмагандан кейин, жа бўлмаса бола боқишни уддаланг, хўпми! Қўлингиздан келса, далага чиқиб трактор ҳайданг!

Дадам шўрлик дарров мунғайиб қолди.

– Боланиям ўйлагин-да, Башорхон! – деди минғиллаб.

Ойим уф тортиб кўрпачага чўккалади.

– Бригадасиям бошида қолсин! – деди нолиб. – Мажлисда пўстагимни қоқишди.

Дадам шўрлик нимқоронғи ошхонага бориб шўрва иситиб келди.

Умуман, дадам яхши пазанда эди. Бир гал уйимизда аллақандай йиғин бўлганида дадам ўз қўли билан чўзма лағмон қилгани эсимда. Хотинлар лағмонни мақтаб-мақтаб ейишди. Ҳатто биттаси менинг бурнимдан чимчилаб ҳазиллашди ҳам:

– Аслида ойингни дада, дадангни ойи дейишинг керак, қизим. Почча Башоратга эмас, Башоратхон поччага уйланган.

Кейинчалик ҳам шу гап қулоғимга икки-уч чалинди. Одатда, куёв келини олиб келаркан. Менинг ойим эса дадамни шаҳардан обқочиб келганмиш...

Бора-бора мусичадек беозор дадам чиндан ҳам ойимдан қўрқишига ишондим. Назаримда ойим уни

менсимас, ҳатто ёмон кўрар эди. Аммо учинчи синфда ўқиётганимда бир воқеа бўлдию ойим дадамни жонидан ортиқ кўришини тушундим. Эрта кузда дадам уч-тўрт кун «қўлим увишяпти», деб юрдию бир куни мактабдан келсам, аzza-базза кўрпа-тўшак қилиб ётибди. Бошида ойим ўтирибди. Дадамнинг ўнг қўл-ўнг оёғи тўсатдан ишламай қопти.

Ойим кечаси аллақаяёққа чиқиб кетди. Тепасига қўшув аломати туширилган «Победа» машинасини бошлаб келди. Кўрқаман деб йиғлашимга қарамай мени ёлғиз қолдириб, дадамни машинага солди-да, кетди-қолди. Эртасига кун ботганида келди.

– Дадангни аҳволи оғир, – деди хўрсиниб. – Гарданига теккан ўқ умуртқасини шикастлантирган экан, фалаж бўпқопти.

У ҳар куни икки мартадан шаҳарга қатнаб юрди-юрди-да, бир сафар юк машинасини бошлаб келди.

– Кўчамиз! – деди қовоғини солиб. – Минг лаънат, тракторигаям, бригадирлигигаям. Шундоқ отанг фалаж бўлиб ётадию трактор ҳайдашга бало борми?..

Кўчиб келган уйимиз менга ёқмади. Қафасдек тор, тўрт томони баланд деворлар билан ўралган ҳовли, гўрга ўхшаган қоронғи уй. ўиштин девор ортида узун чўян қувурдан қоп-қора тутун бурқсийди. Шамол тутунни бизнинг ҳовлига олиб келиб уради. (Кейин билсам, бу – баннисанинг кирхонасидан чиқаётган тутун экан.) Нўғайқўрғондаги дарахтларга кўмилган ҳовлимиз, томи сомон сувоқ бўлса ҳам, қадди баланд уйимизни эслаб фингшиган эдим, ойим ўшқириб берди:

– Ўчир! Уй керакми сенга, отами?!

Кейин тушунсам, ойим катта ҳовлимизнинг ярим пулини белига туғиб, дадамни даволатиш

учун елиб-югуриб юрган экан. Текстил «банниса»-сига – дадам ётган касалхонага энага бўлиб ишга кирибди. «Ўзимнинг мактабимга бораман», деб йиғлаган эдим, кўнди. Эрталаб мени разъездга қатнайдиغان «пассажир»га чиқариб юборади-да, ўзи касалхонага югуради. Пешинда дадамнинг оғзига ёқадиغان овқат пишириш учун уйга келганида мени физиллатади. «Бор, дадамнинг олдида ўтириб тур».

Касалхона яқин. Девори деворимизга туташиб кетган. Дадам олти кишилик палатада осмонга қараб ётади. Мен киришим билан қаддини кўтаролмайдию бошини буриб қарайди. Чап қўллаб пешонамни силайди.

Охири бўлмади. Баҳорда дадамни уйга олиб келдик. Энди ойим уйдан касалхонага эмас, касалхонадан уйга тезроқ келишга шошилади. Дераза тагида, сим каравотда ётган дадамнинг бошига боради.

– Кўнглингиз нима тусайди? – деди жилмайиб. Дадамнинг чойшабини янгилаётганида мен ташқари чиқиб тураман...

...Кузга бориб дадам чўп бўлиб озиб кетди. Совуқ тушган, ҳали кўмир келмаган эди. Бурчакдаги хонтахта олдида дарс тайёрлаб ўтирардим. Ойим чучвара тугар эди.

– Башор, – деди дадам қандайдир хотиржам овозда. – Сизларниям қийнаб қўйдим. Ёзда ўлсам яхши бўларди.

– Агар... – Ойим супра бурчагига қўлини артиб илдам ўрнидан турди. Дадамнинг тепасига борди. – Агар, – деди титраб, – яна шу гапни оғзингизга олсангиз.. – У ёғини айтмади. Дадамнинг фалаж қўлини кафтлари орасига олиб силади, узоқ силади...

Индинига ойим бир арава кўмир топтириб келди. Ойимга кўмаклашиб, пақирлаб кўмир ташиётганимда ўзимдан ўзим ғалати бўлиб кетавердим. Аввал ҳам тенгдош қизалоқлар билан югуриб ўйнасам, оғирроқ юк кўтарсам, дилим ўйнар, ҳаво етишмай қолар эди. Ўша сафар ёмон бўлди. Уч-тўрт челақ кўмир ташигандан кейин эшик олдига етганда тўсатдан ўзимни ташлаб юбордим.

Оқ халат кийган доктордан «туғма порок» деган гапни биринчи марта эшитдим.

Ўша куни ойим анчагача бошимга эгилиб ўтирди. Дадам эшитиб қолишидан чўчибми, қулоғимга оҳиста шивирлади.

– Хафа бўлма, қизим... Сенга яхши қаролмадим. Кичкиналагингда оғзингга ёққанини тутолмадим, бағримга босиб эркалолмадим... Нима қилай, турмуш оғир эди, елмасам, югурмасам бўлмасди.

Орадан кўп ўтмай, дадам узилди. Худди мойи адо бўлган чироқдек секингина, унсизгина сўнди... Ойим дод-фарёд солмади. Сочини юлмади. Баннисада энагалик қилиб юраверди. Лекин ғалатироқ бўлиб қолди. Кечқурунлари ишдан келадиги-ю, дераза олдига бориб, ҳовли девори ортидаги тутун бурқиб турган баланд қувурга тикилганча ўтираверади.

...Эрта баҳор кунларидан бирида тўсатдан кўч-кўронини йиғиштириб қолди.

– Туролмайман! – деди ранги ўчиб. – Бу уйда энди туролмайман.

...Янги уйимиз шу маҳалланинг ўзида эди. Фақат трамвай бекатига яқинроқ, тор кўчанинг энг ичкарасида. Кўча бошида магазин, бир туп бақатерак бор.

Бу ҳовли ҳам аввалгисидан катта эмас. Фақат дераза олдида бир туп арча бор. Қишин-ёзин ўтовдек қорайиб туради.

Ойим ҳамон касалхонада ишлар, мен бўлсам ҳамон Нўғайқўрғондаги мактабга қатнар эдим.

Қизиқ, Шерзод (менинг устимдан гаров ўйнаб Музаффарни чўктириб ўлдирмоқчи бўлган ўша олифта) олтин медаль олгани учун отаси катта зиёфат қилиб берганда ойим менинг кумуш медалимга унчалик қувонмади ҳам. (Биламан, қувондию сездиргиси келмади.) Фармацевт бўлмоқчилигимни эшитганида бир оғиз гап айтди:

– Яхши ўйлабсан, қизим. Аммо айтиб қўяй. Мен кетингдан югуриб юролмайман. Эпласанг кир. Эплолмасанг хафа бўлма, очингдан ўлмайсан.

Институтга кирганимда қувонди. Дадамни эслади шекилли, юзини юзимга босиб узоқ ўтирди.

– Раҳмат, Мунаввар! Шунақа бўлишини билувдим. Яхши ҳунар танлагансан.

Тушундим. Ўзининг ҳам соғлиғи путурдан кетган. Ҳар кеча дори ичмаса ухлолмайди. Авваллари тугмачадек дорини иккига бўлиб ярмини ичар эди. Кейин битта, бир яримта, бора-бора иккитадан ютадиган бўлиб қолди... Бунинг устига мендан ташвишланади. Сал кеч қолсам кўча бошига чиқиб ўтиради. Шунинг учун худди айтилган соатда уйга қайтишга ҳаракат қиламан. Музаффар кузатиб келганида ҳам анча нарида, бақатерак тагида хайрлаша қоламан.

Бир куни (биринчи курсда ўқир эдик) Музаффар одатдагидек бақатерак тагида хайрлашиб кетди. Мен шоша-пиша уйга кирдим. Қарасам, ойим чўян печка ёнида маъюс ўтирибди.

– Ким билан келдинг! – деди юзимга қарамай. Қўрқиб кетдим.

– Ўзим! – деди ёлғон гапириб.

У ўрнидан туриб, олдимга келди. Елкамга каттакон кафтини қўйди.

– Мунаввар! – деди юзимга тикилиб. – Биламан, кўзга яқинсан. Орқангдан йигитлар эргашади. Ўнг қулоқ, чап қулоғинг билан эшитиб қўй. Ҳар кўринган йигитга кўзингни сузиб, хомталаш бўлсанг, мендан яхшилиқ кутма! Унда кўра биттасини танла: ўзингга муносиб бўлсин! «Ойи, шу одамга кўнглим бор», дегин, гинг десам, одаммасман. Аммо кетингдан итдек эргашиб юрмасин. Совчи юборсин. Тушундинг-а?

Ойим шуни айтиши билан кўз ўнгимга лоп этиб Музаффар келди. Кулгим қистади. «Вой, содда ойим-а! Бор, ўша танлаганим бор! Музаффарни яхши кўраман! Мактабда, ўнинчи синфда ўқиётганимдаёқ яхши кўриб қолганман. У ҳам мени севади. Бўлмаса, атайлабдан мен кирган институтга кирармиди!»

Тилимга шу гаплар келдию айтолмадим, уяладим.

– Юзингизни ерга қаратмайман, ойижон, – дедим комил ишонч билан.

Ўшанда – уч йил олдин шу гапимга ойимни ҳам ишонтирган, ўзим ҳам ишонган эдим.

«...Ерга қаратмайман» эмиш. Ерга қаратиш бундан отиқ бўладими! Юзқаролик бундан ортиқ бўладими? Қилар ишни қилиб қўйдим-ку!

Йўқ, Музаффарда гуноҳ йўқ. Ҳамма айб ўзимда... Тагин домлалар мени мақтаганига ўлайми! Гуруҳда энг одобли, энг ҳаёли қиз эмишман... Тинч оққан сувнинг туби галвали бўлмай ўлсин... Курсдош дугоналарим «йигити»ни гапириб пичирлашса, оҳ-воҳ қилса кулгим қистайди. Гуля паркка кириб Эргаш билан ўпишганини гапиради, Диля Марат билан ресторанга борганини... Менга бўлса

бунақа нарсалар ёш боланинг ўйинига ўхшайди. Музаффар иккаламиз бошқачамиз. Булар билмайди, тушунмайди... Музаффар мени жонидан ортиқ кўради. Мен унинг шунчаки «қизи» эмасман!

Шу кунгача осмонда учиб юрган эдим... Бугун ўқ еган каптардек чилпарчин бўлиб ерга тушдим. Йўқ, чилпарчин бўлганим йўқ. Лекин... ойим сезса ўлдиради! Аввал мени қийма-қийма қилади, кейин ўзиниям бир ёқлик қилиб қўя қолади...

Музаффар эрта баҳордан бери лола сайлига чиқайлик, деб юрган эди. Тўғриси, шаҳар кўчаларида лола кўтариб кетаётган қизларни кўрсам ўзимнинг ҳам ҳавасим келарди.

Кеча Музаффар тагин қистади.

– Эртага – якшанба. Жудаям узоққа бормасак ҳам Зоғариқ томонларга ўтайлик, балки лола қолгандир. Уч-тўрт кунда тамом бўлади! – деб туриб олди.

Бугун эрталаб соат ўнда Эски жўвадаги автостанцияда кўришадиган бўлган эдик.

Аммо бугун... Кечаси яхши ухлай олмадим. Шамол бўлдими-ей, дераза тагидаги арча тун бўйи тебраниб инграб чиқдим-ей. Сездим: ойим ҳам икки марта туриб, уйқу дори ичди. Мени уйғотиб юборишдан чўчиб, чироқ ёқмади. Лекин пиёлага шўлдиратиб чой қуйишидан, ўқтин-ўқтин хўрсиниб қўйишидан ҳаммасини билиб ётдим. Ойим дорини кўпроқ ичиб юборди шекилли, қаттиқ хуррак ота бошлади. Тонг отишига яқин ўзим ҳам ухлаб қопман. Кўзимни очсам, соат тўққиздан ошибди. Шоша-пиша кийинаётган эдим, ойим кириб қолди.

– Йўл бўлсин, бугун оддих-ку! – деди кўзимга синовчан тикилиб.

Сессия яқинлашиб қолганини, кутубхонада «қизлар билан» дарс тайёрламоқчилигимни айтиб, чиқиб кетаётган эдим, жеркиб берди.

– Оч-наҳор юравергин, хўпми? Рангингни қара, бир йил ерга ёпишиб ётган касалга ўхшайсан. Бор, тухум қовур!

Соат тўққиз ярим бўляпти. Музаффар кутиб қоладиган бўлди-да! Кеча шу гап чиққанида бугун ойимнинг сменаси эмаслиги эсимга келмабди. Қўймайди! Одатини биламан-ку, қуймоқ ейсан, дедими, едиради. Бўлмаса, уйдан чиқармайди.

Шоша-пиша ошхонага кириб, товага ёғ солдим. Ёғ қизиб, оқиш тутун чиқаётганида битта тухумни чақиб солганимни биламан... Бирдан бошим айланиб кетди. Ич-ичимдан ўқчиқ келиб, кўнглим ағдарилди, кафтим билан оғзимни тўсганча ҳовлига чопдим.

Арча орқасига ўтиб ўқчидим. Қайт қиялпману кўзим аланг-жалаанг, «ишқилиб ойим кўрмасин, кўрса ўлдиради!»

Икки ойчадан бери ўзимни нохуш сезиб юрардим. Ўқтин-ўқтин бошим айланади. Қурутми, шўр бодрингми кўрсам кўнглим суст кетаётгандек бўлади. Шу кунгача ҳеч нима қилмайди, ўтиб кетади деб ўзимни ўзим юпатиб юргандим. Бугун, ҳозир аниқ сездим. Мен... ёмон қизман. Аблаҳман! Ноинсофман. Ойим билса соғ қўймайди!

Аксига олиб, ойим чопиб тепамга келди.

– Нима қилди? – деди кўрқувдан кўзи олайиб.

Димоғимга бояги ёғ иси урилиб, баттар кўнглим ағдарилди. Яна ўқчидим.

Ойимнинг ранги қув ўчиб кетди.

– Нима бўлди, – деди титраб. – Нима егандинг?

– Кетинг, – томоғим ачишганидан бўғилиб имо қилдим, – тухум палағда экан.

– Вой имонсиз! – Ойим жаҳл билан ошхонага югурди. – Кларанинг дўконидан олувдим-ку! Ишонган тоғда кийик ётмас деб шуни айтади-да.

«Ишонган тоғда кийик ётмасмиш». Ишонган тоғ ким? Менми?

У қўлида ёғлоғи тўла сув кўтариб алпанг-талпанг тепамга келди.

– Ич! – деди ёғлогини тиқиштириб. – ўарғара қил!

Муздай сув таҳамни анча енгиллаштирди. Ошхонада тухум куйиб кетди шекилли, қўланса ҳид анқиди. Ойим шоша-пиша тағин ўша томонга чопди.

Арчанинг тикандек диккайган япроқларини чангаллаб турарканман, хаёлимга ярқ этиб нажоткор фикр урилди. «Музаффарга айтаман! Совчи юборади. Эртага, йўқ, бугун юборсин! Ойиси келсин! Ойимнинг ўзи айтган: кўнглингга ёққан одам орқангдан эргашиб юрмасин-да, совчи юборсин», деган.

Биламан, икки йилдан бери ҳар хил совчи келади. Баъзан ўзим боримда, кўпинча ўқишга кетганимда.

...Яна кўнглим ағдарилди. Юрагим ўйнаб кетди. Шунда бирдан миямга ҳавотирлик ўй урилиб, оёқ-қўлим бўшашиб кетди. Ахир мен... туғма порокман... Медицина энциклопедиясидан ўқиганман. Туғма порок қизлар фарзанд кўриши хавфли. Ё тавба! Ҳали бунисиям борми!

Ошхона томондан ойимнинг ҳам кескин, ҳам юпатувчи овози келди.

– Тухумлари бошида қолсин. Сут қайнатдим, қизим, ичиб ола қол!

Ўзимни мажбур қилиб, илиқ, бемаза сутни ичарканман, бояги даҳшатли ўй ҳамон хаёлимда чарх урарди. Хавфли... Йўқ, бўлмаган гап! Туғма порокларнинг ҳаммаси ўлиб кетаверса дунёда одам қолармиди?! Қайтага яхши юрибман-ку. Қизиқ, ўшандан кейин юрагим бир мартаям приступ бермади. Авваллари сал шамолласам юрагим санчар, нафас етмай қолаётгандай бўлар, бир кунда ши-

линиб тушардим. Бу қишда шамолламадим ҳам... Бундан чиқди... Музаффарнинг борлиги яхши эканда! Ахир энди у менинг ярмим-ку! Нимадан қўрқаман? Музаффар бор! Айтаман! Бугуноқ она-сини юборади. Бир оғиз сўзим – унинг учун қонун!

Ойим синчков хавотир билан кўзимга тикилиб турганини билиб, ярим пиёла сутни амаллаб ичдим. «Қизлар кутиб қолишини» баҳона қилиб, кўчага чиққанимдан кейингина хийла енгил тортдим. Кечаси анча қаттиқ шамол бўлган экан. Кўча ўртасидаги лойқа ҳалқоб сувга сочилган олма гуллари титраб турибди. Бир вақтлар Нўғайқўрғонда – қишлоқда турганимизда ойим бошимни қатиқ билан ювиб, қирққокил қилиб ўриб қўяр, ўшандаям ишга шошиб, «учига ўзинг пилик тақиб ол», деб чиқиб кетарди. Дадам кўча четидаги куртак чиқарган толдан азза-базза новда юлиб келар, сочимга толпопук тақиб қўяр эди. Ҳов ўшанда – Музаффар Алвасти кўприкка калла ташламоқчи бўлиб, кейин кетимдан югурганида, қамишзор ичида етиб олганида негадир менинг тўйим баҳорда бўлади, албатта гуллаган ўрик тагида ўтираман, бошимга гуллар ёғилиб туради, деб ўйлаган эдим. Қизиқ, кейин ҳам шу ўй хаёлимга кўп келди... Одам бир нарсани жудаям хоҳласа нияти рўёбга чиқади шекилли. Шошма, Музаффарларникида ўрик бормикин? Йўқ, ҳовлимизда олма бор, деган эди. Бундан чиқди олма тагида ўтираминиз. Ҳозир олмалар гулга кирди.

Автобус бекатига яқинлашган сайин ўзимдан ўзим жилмаяётганимни сезиб қолдим. Нима бу жиннига ўхшаб! Ана, одамлар қараяпти!

Автобус тикилинч, иссиқ эди. Димоғимга бензин ҳиди урилиб, яна кўнглим ағдарила бошлади.

Автобус деразасидан сершовқин кўчага қараб борарканман, боядан бери хаёлимга келмаган

савол лоп этиб эсимга тушди. Нималарни хомхаёл қиялпман ўзим! Худди Музаффарнинг ойиси бугун келадию эртагаёқ тўй бўладигандек, гуллаган олма тагида ўтирармишман. Бошимга гул ёғилиб турармиш. Музаффарнинг ота-онаси кўнмаса-чи? Мабодо кўнган тақдирда ҳам тўйни янаги йил қиламиз, деса-чи? Деса дейдиям! Улар ҳам орзу-ҳавас кўргиси келади. Музаффар – биринчи боласи. Қолаверса, ҳали беш тийин топиб рўзгорга қарашган эмас. Стипендияси ўзидан ортмайди. Бу ёқда ойим айтса-чи: Мунаввар рўзгорга ўралашиб қолса ўқиши қолиб кетади, бир-икки йил сабр қилайлик, деса-чи?

Хаёлимга кетма-кет урилаётган ваҳимали ўйлардан вужудим бўшашиб кетди. Ярим йилдан бери «унутиб юборган» юрагимга қаттиқ санчиқ турди. Рангим қув ўчиб кетган бўлса керак, тиззасига хўжалик сумкаси қўйиб ўтирган семиз хотин ўрнидан кўзғалди.

– Мазанг қочдимми, қизим? Ўтирақол.

Рад этиб, кескин бош чайқадим. Илжайишга уриндим.

– Бўлмаса папкангни бер. Хаҳ, ҳозирги ёшлар-а! Иш дейди, ўқиш дейди, овқат ейишгаям вақт тополмайди. – У папкамни сумкасининг устига қўйди-да, ёнидаги жиккак чолга ҳасрат қила кетди. – Мениям, ўғлим шунақа: институтларни каттасида ўқийди. Кечаси билан шиғир ёзиб чиқади. Шиғиринг сенга ош-нон берадимми, ухласанг-чи, десам парво қилмайди.

Мунча шанғиллайди бу хотин? Манави қизлар-чи! Мунча ҳиринглайди? Ҳа, олдинроқда иккита йигит турган экан-да. Ўл, мов мушукка ўхшамай! Бир кун етишарсанам, жонингаям тегар...

Нима деяпман ўзи? Буларда нима гуноҳ? Қизиқ, одам ўзи бахтли пайтида ҳаммани бахтиёр

деб ўйлайди. Бошига кулфат тушганида эса ҳамма бахтиёру бир ўзи бахтиқародек туюлади. Нимага унақа дейман? Нима, шунчалик бахтиқаро бўлиб қолдимми! Пахтадан қайтганимиздан кейин Музаффарнинг ўзи айтди-ку, «ойим тўйингни тезлаштира қолайлик, даданг тўй кўргиси келяпти деяптилар», деди-ку! Ўшандаям майнавозчиликка олгандим. «Чучварани хом санабсиз, мен ойимнинг бошига ёстиқ бўламан», деган эдим. Мана энди ўзим ялинишим керак... Мунча шовқин! Мунча шанғиллаб гаплашади бу одамлар. Ҳаммаси гарангми, нима бало?!

Автобусдан тушишим билан одам тирбанд бекатда турган Музаффарни кўрдим. Эғнида далабопшим, водолазка. Қўлтиғига бадминтон ракеткаларини қистириб олиб икки қўлида иккита тўрхалта кўтариб турибди. Тўрхалталардаги қоғоз қопчиқлардан кўкпиёз, редиска барги, Тошкент суви шишалари кўриниб турибди. Битгасида кабоб бор шекилли, ёғи чиқиб, пакетни ялтиратиб юборибди.

– Э, сени қараю! – У қўлтиғидаги ракеткаларни тушириб юбормаслик учун иккала тўрхалтани кўтариб кулгилироқ зипиллаб ёнимга келди. – Бир соатдан бери кутаман. Шашлик совиб қолади-ку.

Қоғоз пакетга тепчиб чиққан ёғга кўзим тушиши билан яна ўқчидим. Бекат рўпарасидаги музейнинг девор панасига югурдим. Бир туп қайрағочни қучоқлаган кўйи қайт қила бошладим. У қўрқиб кетди. Пакетларни ерга қўйган эди, қўлтиғидаги ракеткалар тарақлаб асфальтга тушди.

– Нима гап? – деди ранги ўчиб.

Юзимни ўгирдим.

– Қочинг... Сув...

У тўрхалталардан бирининг бандини еча бошладди. Тугун тушиб қолган экан, ечилмади. У тиши

билан шоша-пиша бандни ечди. Иккита шишанинг темир қопқоғини бир-бирига тираб, тагига урган эди, биттаси пақиллаб очилди.

Вишиллаб турган сув томоғимни баттар ачитди. Лекин қўнглимнинг айнаши босилди.

– Нима бўлди? – У сув сачраб, ҳўл бўлиб кетган кафтини пешонамга босди. – Офтоб урдими?

– Илтимос, – дедим қўзимни яшириб. У ёғини айтишга ҳам уялар, ҳам қўрқар эдим.

– Айтсанг-чи ахир, – у ҳамон қўлида ушлаб турган иккинчи шишани ерга қўйди, – гапирсанг-чи!

– Секин... – биров эшитиб қолишидан чўчиб шивирладим. – Илтимос, ойингиз бизникига келсинлар...

У ҳеч нимага тушунмади.

– Қачон? Нимага?

– Келсинлар... Тезроқ...

– А?! – у энди тушунди шекилли, бирдан ёш боладек ирғишлаб кетди.

– Ростми, Мунаввар!

Кейинги саволни шунақанги бақриб айтдики, бекатдаги одамлардан уч-тўрттаси шу томонга қараганини сездим.

– Секин! – дедим ҳам уялиб, ҳам қувониб.

У бўлса, ҳе йўқ, бе йўқ маҳкам қучоқлаб олди. Овсар-ей! Тентак-ей!

– Эртага! – деди ёш боладек илжайиб. – Йўқ, бугун, ҳозир! Уйга кетамиз! Сенам, менам! Ойимга айтаман...

Одамлар ҳайратланиб бизга қараб туришар, у бўлса минг юлқинганим билан қўйиб юбормас, ростини айтсам, ўзим ҳам унинг бағридан чиққим келмас эди.

**УЧИНЧИ БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ МУЗАФФАР
ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ**

Холдастор олма

Ҳовлимиздаги икки туп олма қариб қолган бўлса ҳам ҳар йили ҳосил беради. Тўғриси, уларнинг алланимасини аммамга ўхшатаман. Қариб-чуриб кетган бўлсаям тинч турмайди. Апрельнинг ўртала-рига бориб худди нокка ўхшаб тўп-тўп бўлиб гуллайди. Бунақа пайтда ҳовлимиз шунақа файзли бўлиб кетадики, офтоб ботганидан кейин ҳам нафармон гуллар атрофга қизғиш нур таратиб турганга ўхшайди. Ёзга бориб, қизғиш хол билан қопланган олмалар залворидан дарахтларнинг шохи эгилиб қолади. Тишлашингиз билан худди шафтолидек ширин суви дув оқиб кетади. Мунаввар ҳам бизнинг олмани яхши кўради. Айтишига қараганда Нўғайқўрғонда туришганида уларнинг ҳовлисида ҳам шунақа олма бор экан. Шаҳар ҳовлисида бир туп арчадан бўлак дарахт йўқмиш.

Гуллаган олма тагидаги темир каравотда «Провизерлик курси тарихи»ни ўқиб ётибман. Оҳиста шамол эсади. Нафармон гуллар шивирлаб устимга ёғилади... Димоғимга гул ҳиди урилади. Этакдаги бостирмада қўй маърайди. Айтмоқчи, бултур ёзги таътилда молхона билан эски бостирмани бузганмиз. Дадам яхши ният билан бир уй, бир айвон солган. Омон иккаламиз дарвоза олдидаги ёнғоқ тагидан лойхона очиб, роса гишт қуйганмиз. Кузгача томни амаллаб ёпиб олдик. Қўйларга ҳам бостирма солдик. Лекин «участка» бари бир чала қолди. Деразалари ўрнига хом гишт тахлаб қўйилган.

Поли, шифти йўқ. Ҳали хомсувоқ, алебастр сувоқ, чийлампа деган ишлар турибди. Нима қипти, кунлар исиб кетди. Ҳаммамиз баравар ёпишсак, ўн кунда битириб қўямиз. Зўр келса, курсдошларимни ҳашарга чақираман. Келинни янги уйга тушириш керак-ку!

Бостирмада яна қўй маъради. Бултур шу пайтларда дадам «яхши тўйларга атаб» иккита қўзичоқ олиб келган эди. Иккаласиям семириб, қўчқор бўлиб қолди. Биттасини келинникига юборамиз, биттасини ошга сўямиз.

– Омон, қўйларга қарамайсанми? – дедим китобдан кўз узмай. – Суғордингми?

Айвонда пешонасини тириштириб дарс тайёрлаб ўтирган укам хоҳламайроқ жавоб қилди:

– Сув бердим!

Овозининг дўриллашини қаранг! Йигитча бўлиб қолди укам. Саккизинчида ўқияпти.

– Омон, ойим қачон келишларини айтмадиларми?

– Йўқ! – У китобидан бош кўтармай дарсини қилаверди. – Тугун кўтариб кетдилар.

Совчиликка кетган! Мунавварникига!

Кеча Мунавварни кузатиб, ҳовлиқиб келсам, ойим уйда экан. Гапни нимадан бошлашимни билмай турган эдим, ўзи сўз очиб қолди:

– Ўғлим, тўйингни шу йил қила қолайлик. Кўрдинг-ку, ўртоғингни тўйи қандоқ файзли ўтди. Бир ҳавасим келди, бир ҳавасим келди!

Тушундим. Ойим, Абдувалининг тўйини айтяпти. Абдували бало-да! Армияга кетишдан олдин ўзимизнинг Кўтармадаги мактабда кутабхоначи бўлиб ишлайдиган қиз билан танишган экан. Хизмат қилиб юрганида менга шунча хат ёзса ҳам сирини айтмаган эди. Армиядан келдиям, «Туя» амаки уйлантирди-қўйди.

– Менам келин кўрсам дейман, ўғлим. Ана, уй ҳам битиб қолди. – Ойим галати илжайди. – Танлаганинг борга ўхшайди.

– Қанақа «танлаганим?» – дедим ўзимни гўликка солиб.

– Парча холанг айтди-ку. Бир қошиқ сув билан ютгули қизни қўлтиқлаб юрганмишсан!

Оббо, Парча хола тушмагур-ей! Балоба ақли етади! Бир ҳафта аввал Мунаввар иккаламизни трамвай бекатида кўрган эди. Шаппа билангимдан ушлаб, «ҳой бола, келиннинг қўлидан қачон ош еймиз», деб дўриллаганди, Мунаввар кўрқиб, қочиб кетганди. Эсидан чиқмаган экан-да!

– Қўлтиқлаб юрганим йўқ! – дедим уялган киши бўлиб. – Аммо совчи бўламан десангиз, майли...

Ойим севиниб кетди. Эски достонини қайтадан бошлади. Дадам касалмандилиги, ўзининг ҳам буйрак оғриғи ўқтин-ўқтин қўзғаб, мадори қолмагани, тўй кўргиси келаётгани, бориға барака қилиб, тезроқ оёғимни тўртта қилмоқчилиги... Кейин келин бўлмишнинг тағ-зотини суриштириб кетди. Кимнинг қизи? Оиласи қанақа? Катта охурдан ем еб ўрганган, «министр»нинг қизи бўлса, уялиб қолмаймизми?

У ёғини атайлаб айтмадим. Ойим борсин! Башор холани кўриб, ўзиям ҳайрон қолади! Мунаввар айтган-ку! Онаси бир вақтлар Нўғайқўрғонда ишлаган. «Қора аммам»ни танийди. Иккала қуда бирпасда апоқ-чапоқ бўлиб кетишади.

– Сиз бораверинг! – дедим илжайиб. – Текстилдаги трамвай бекатида озиқ-овқат магазини бор. Шунга кириб, Тўқимачи кўча, тўртинчи тупик десангиз ҳамма кўрсатади. Саккизинчи уй. Мунаввар!

– Ким у, Мунаввар? – деди ойим ҳаяжонли жилмайиб.

– Ўша-да! – дедим, «келинингиз» дейишга уялиб.
– Бирга ўқиймиз.

– Ота-онаси ким?

Яна сўрайди-я!

– Э, сиз бораверинг! Мунаввар десангиз бўлди.

Назаримда Мунавварни ҳамма таниши, ҳамма яхши кўриши керакдек эди. Отаси йўқ, ўлган, дегим келмади. Бирдан дадамнинг қайсарлиги тутиб, «мен эркаксиз оилага қуда бўлмайман», деб қолишидан кўрқдим.

– Бораверинг, пешинда борсангиз ойиси уйда бўлади.

Ойим «ҳа, шумтака, сенам пишиқсан», дегандек жилмайиб қўйди. Рост-да, Мунаввар уйида йўқлигида боргани яхши! Мунаввар ойимни кўрса уялади.

Ойим, чамамда бу гапни дадамга айтмади. Таомилда аввал аёл қуда совчи бўлиб боради. Сўрайди, суриштиради, кейин ишга эркаклар аралашади. Ойим совчиликка чандон киришганини билдим. Кечаси нон ёпди. Эрталаб, дарсга кетаётганимда сандиқ титкилаётганини кўриб қолдим.

– Саккизинчи уй дедингми, Музаффар? – деди сандиқ олдида ўтирган жойида елкаси оша қараб.

– Тўртинчи тупик, саккизинчи уй. Магазиндан кириб сўрасангиз, бўлди.

...Мунавварни тезроқ хурсанд қилгим келарди. Аудиторияга ҳаммадан олдин келдим, деб ўйлаган эдим. Йўқ. Мунаввар мендан илгарироқ келиб, дераза рўпарасида Гуля билан гаплашиб турган экан! Гуля эсли қиз. Мени кўриб дарров чиқиб кетди. Вой-бў, Мунавварнинг ҳам жуда юраги тор-да! Арзимаган нарсага сиқилаверади. Ранги баттар синиқибди. Кўзларининг таги кўкариб, юзида сезилар-сезилмас доғ пайдо бўпти. Доғ-ку, майли...

Кўзининг кўкаргани... Яна ухламай чиққан-да, тентак!

– Ойинглар уйдадилар? – дедим пичирлаб. – Икки соатдан кейин «элчи» боради.

Унинг юзи бирдан ёришди, узун киприклари пир-пираб чиройли кўзлари ёниб кетди. Юзига қон югуриб, доғи ҳам сезилмай қолди.

Охирги парадан қочиб, Тельман боғига бордик, сув бўйидаги овлоқ ўриндиқда ўтириб, елкасидан қучдим.

– Мунаввар! – дедим кулиб. – Ҳозир «элчилар» сулҳ тузишяпти. Иккала қуда бир-бирини кўриб, севиниб кетишса керак. Мен ойимларга қудангизни танийсиз, деб айтмадим. Бир сюрприз бўлсин!

Мунаввар ширин жилмайиб қўйди.

– Тўғри қипманми? – Ойимнинг кечаги гапи эсимга тушиб, кулиб юбордим. – Ойим-чи, сени министрнинг қизи деб ўйладилар! Кўрасан ҳали икковиям ҳайрон қолишади.

Мунаввар «нима қилсангиз ихтиёр сизда» дегандек, эркаланиб, бошини елкамга қўйди.

– Чиройли-а! – деди имо қилиб. – Кичкиналигимда толбаргак тақишни яхши кўрардим.

Ҳарракдан ўн қадамча нарида, сой бўйида бир туп мажнунтол бош эгиб турар, шода-шода топ-тоза япроқлар қиз боланинг қирқ кокил сочидек толим-толим таралиб, оқим залворида оҳиста тебрана эди.

– Тақасанми? – Ўрнимдан тураётган эдим, у билагимдан оҳиста тутиб, жойимга ўтқизди. Эркаланиб бош чайқади.

– Керакмас, бирпас, шундоқ ўтирайлик.

Атроф жимжит, олисда – боғ ичкарасида отўйин учаётган болаларнинг қий-чуви қулоққа ча-

линар, сой устида пастлаб учаётган қалдирғочлар ора-чора тумшугини сувга уриб, вижирлаганча яна осмону фалакка парвоз қиларди. Мунавварнинг сочи юзимни қитиқлар, юрагининг гурсиллаб ураётганини ҳис этиб турардим.

– Валокардин ичдингми?

У киприкларини пирпиратиб тасдиқлади.

– Анчадан буён юрагим безовта қилмасди, билмасам, кечадан бери...

– Қўйсанг-чи! – Кафтларим билан икки юзидан тутиб кўзига қарадим. – Тўйни-чи, тўққизинчи майда қиламиз! – дедим ишонч билан. – Тушундингми?– Бу гапни «ойингга шипшитиб қўй» деган маънода айтганимни сизди. Юзи қизаринқираб, бошини қўйи солди. – Яхши-да, Мунаввар! – дедим дадилланиб. – Қўшалоқ байрам бўлади. – Куч билан тортиб бағримга босдим. У оҳиста ингради.

– Ёввойи! – деди эркаланиб. Қўлидаги митти соатига тезгина қараб олди-да, типирчилади.

– Тўрт бўпти. Борайлик! Ойим хавотир оладилар.

Ростини айтсам, ўзим ҳам уйга шошилар, «сулҳ» натижасини билгим келарди.

...Провизерлик тарихини ўқияпману «Абу Али ибн Сино», «Муравьёв усули», «Павлов», «Беруний», «Ассайдана» деган сўзлардан бўлак нарса калламга кирмайди. Қизиқ, ойим нимага кечикиб кетди? Кун ботай деб қолди-ку! Ё қуда хола, ноз қилдимикин? Бошқа мўлжали борми? Йўқ! Мунаввар меники! Қолаверса, Мунаввар бир гапни минг марта айтган: онаси – мард хотин. Йўлига тўғаноқ бўлмайди. Устига-уштак ойимни кўрганидан кейин Башор хола ҳам...

Дарвоза томонда машинанинг ғийқиллаб тор-моз бергани эшитилди.

Китобимни қўйиб, энди ўрнимдан қўзғалган эдим, кўча томондан дадамнинг тажанглашиб чақиргани қулоғимга кирди:

– Ҳой, ким бор?

Ака-ука олдинма-кейин югуриб дарвозадан чиқдик. Ёнғоқ тагидаги лойхонага олдинги филди-раклари тушиб кетгудек бўлиб юк машинаси тўхтаб турар, кирлаб кетган оқ кепкасини бостириб олган пакана шофёр оёқ учида чўзилиб орқа бортнинг илгагини кўтарар, елкаси терлаб, кўйлаги курагига ёпишиб қолган дадам бортни тутганча унга кўмаклашарди. Етиб боргунимча шофёр бортни тарақлатиб очди. Илгакка оёғини тираб кузовга чиқаётганида дадам чўлоқланиб ёнига борди. Шимининг чўнтагини кавлаб беш сўмлик чўзди.

– Раҳмат, иним, – деди. – Яхши тўйларингизда хизмат қилайлик.

Шофёр «қўйвуринг, ока», дедию қаршилиқ қилмади. Пулга қарамай, чўнтагига тикиб, машина устига сакраб чиқди.

Вой дадам-ей! Тўйгача «участкани» битириб олгиси кепти-да! Кузовда битта қўшқават эшик, учта каттакон «итальянский» ром, беш-олтита қоғоз қоп (алебастр бўлса керак, боғланган бўғзи оқариб турибди) думалаб ётар, ёнбош томонга аллақанча қамиш босиб қўйилганди.

Кўплашиб ишга киришиб кетдик. Аввал алебастр қопларини ташидик. кейин чийлампага мўлжалланган қамишни, эшикни.. Омон иккаламиз «итальянский» ромни машинадан тушираётганимизда кўча бошида тутун кўтариб келаётган ойимга кўзим тушди. Юрагим гурсиллаб уриб кетди. Ойим башанг кийиниб олган, туғунини ёнбошга олиб шошилмай қадам ташлайди, тайёр қайнонанинг ўзи бўпти-қопти!

Зум ўтмай эшикдан кириб келди. Қўлида тутун, эгнида крепсатин гулдор кўйлак, оёғида... Ие, нимага унақа! Ранги ўчган! Мени кўриб ерга қарадимми?

– Қаёқда юрибсан тутун-терсак кўтариб? – Дадам, мўйлови тагидан тутун бурқситиб беозор койиди. – Силлам қуриб кетди-ку! Овқатга уннамайсанми?

Ойим биз томонга қайрилиб ҳам қарамади. Битта-битта юриб бориб айвон пешига ўтирди-да, тутунни ёнига қўйди.

Унинг аҳволини дадам ҳам пайқади. Алебастр юқи қўлини чайиб яқин борди. Айвон лабига омонат ўтирди. – Нима гап, Роби? – деди ойимнинг кўзига қараб. – Қаёқда эдинг?

Ойим дадамга жавоб бериш ўрнига менинг кўзимга таънали бир қараш қилди-да, юзини ўтирди. Хўрсинди.

Дадамнинг жаҳли чиқиб кетди.

– Ҳа! – Ҳайрон бўлиб, айвон пешида турган тугунга имо қилди. – Бу нимаси?

Ойим яна фикр этмади. Лаблари титраб, кафтининг орқаси билан тутунни туртди. Мунғайиб ўтириши гашига тегди шекилли, дадам тутуқа бошлади.

– Тилинг борми? – деди бақариб. – Гапирсанг-чи!

Ойим дадам қолиб, менга ярқ этиб қаради.

– Музаффар! – деди секин, илтижоли алпозда. – Қўй, болам, пишмайдиган савдо...

Ичимда бир нима узилиб кетгандек бўлди. Нима? Нимага энди «пишмайдиган савдо» бўларкан! У яхши кўрса, мен яхши кўрсам...

Ўз дардим ўзимга етмагандек, дадам дағдағага ўтди:

– Нима гап? Очиқроқ айтсаларинг-чи!

Бу савол менга ҳам, ойимга ҳам барабар тааллуқли эди. «Сиз гапиринг», дегандек ойимга юзландим.

– Бақирманг... – деди ойим осойишта оҳангда. Кейин менга яна ёлбориб мўлтиради. – Қўй, ўғлим, ҳаммани баравар қийнама... Нима кераги бор! Шундан бошқаси...

Дадам сапчиб туриб кетди:

– Ҳов! Мендан яширадиган нима сириг бор? – У ўдағайлаб ойимнинг тепасига борди. Аммо ойим қўрқмади. Худди бошида қилич ўйнаб турганида бурни атрофида айланаётган чивинга парво қилмаган одамдек, киприк қоқмади. Дадам баттар жунбишга келди.

– Гапирсанг-чи!

– Секин! – Ойим бошини қуйи солди. – Ўғлингиз... – деди оҳиста. – Музаффар... мени совчиликка юборди.

Ажаб, дадам энгил тортиб, қаддини ростлади. Назаримда, «вой, аҳмоқ хотин-ей, шунга шунчаликми», дегандек бўлди.

– Хўш? – деди овози юмшаб.

– Пишмайдиган савдо! – Ойим яна ўша гапини такрорлаб юзини ўтирди.

– Нимага пишмас экан? – Дадам ярқ этиб менга қаради. – Ким ўзи, ўша? Кўнглинг борми?

Индамай бош ирғадим.

– У-чи? Розими? Аҳд-паймон қилганмисанлар?

Дадамнинг шу феълини яхши кўраман-да! Масалани кўндаланг қўяди.

– Ҳа! – дедим дангалига қўчиб. – Униям нияти шу!

– Хўш? – Дадам «масала ҳал» дегандек, ойимнинг ёнига қайта чўкди. – Тагин нима керак? Хотинлар аралашган иш шунақа бўлади ўзи. Осмондаги ой эмасми? Ким ўша қуда бува? Ўзим гаплашаман!

Ойим, бир зум индамай ўтирди-да, тўсатдан ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

– Бўлмайди, дадаси, бўлмайди! Зўрға қочиб келдим.

Дадамнинг жаҳди чиқиб кетди.

– Э, қўй-э, Битмайдиган иш бор эканми?

Ойим ўтирган жойида талпиниб, елкадан қучди.

– Музаффар! Жон болам, бўлмайди! – деди ялин-
ниб. – Айтолмадим. Совчиликка келдим деёлмадим.

– Гапир! – Дадам бир силтаб, ойимни жойига ўтқизиб қўйди. – Нега айтолмайсан? Ким экан ўша олифталар?

– Бордим! – Ойим титраб кетаётган лабларига муштини босиб энтикди. – Магазинга кириб, Мунаввар деган қизни сўрадим. Дўкончи мақтади. Яхши, одобли қиз деди. Келин қилсангиз сиздан бахтли қайнона бўлмайди, деди. Уйини кўрсатди. Кирсам... – ойим, кўзи олазарак бўлиб энтикиб қолди. – Кирсам... Башор опа ўтирибди! Ер ёрилмадию кириб кетмадим, дадаси! Мунаввар деганда тушунмаган эканман. Миновар экан, дадаси! – Ойим даҳшатли нарсани айтаётгандек ув солиб юборди. – Билмасдан кириб қолибман. Аввалги уйи бошқа эди. Баннисанинг орқасида. Эсингиздами, почча ўлганда маъракага борувдик. Ҳозир бошқа жойга...

– А?! – Дадам бир лаҳза оғзини ланг очиб, ўзларини пирпиратганча анграйиб қолди. Ўша заҳоти ранги қув ўчиб мўйлови титрай бошлади. – Нима?– деди қулоқни тешиб юборгудек ҳайқириб. Гандираклаб ўрнидан турди. Ҳе йўқ, бе йўқ устимга бостириб кела бошлади. Нафси хириллаб, оғзидан кўпик чиқиб кетди.

Нима қилишимни билмай серрайиб қолган эдим. Дадамни бунақа аянчли аҳволда иккинчи марта кўришим эди. Бир вақтлар кичкиналигимда чумчуқ оламан деб қўлим синиб қолганида Комил табибникидан қайтиб келганимиздан кейин пичоқ билан бир уриб, хонтахтани тешиб юборганда ҳам

шунақа бўлган эди. У бир-икки қадам босдию тўсатдан қалқиб кетди. Кўзлари олайганча ёнбошига йиқила бошлади.

Ойим билан Омоннинг дардли ҳайқириғи барабар янгради:

– Дадаси!

– Дада!

Икковлари сапчиб туриб, дадамнинг икки қўлтиғига ёпишди. Мен ўзимни ўнглашга улгурмадим. Дадам, биров оёғидан чалиб юборгандек чўккалаб қолди. Кўкраги босқондек кўтарилиб тушиб, энтика бошлади.

– Ака! – деди Омон раста бўлган овозда дўриллаб. – Сув! Сув опкелинг!

Беихтиёр ариқдаги лойқа сувдан ҳовучимга тўлдириб келиб, дадамнинг бўздек оқариб кетган юзига сепдим. Ойим унинг пешонасини, гарданини силай бошлади. Анчадан кейин дадамнинг юзига сал-пал қон югурди. Кўзларини ярим очиб хириллади.

– Йўқол... – деди энтикиб, – келиб-келиб шу қизга...

Нимага! Айбим нима? Мунавварни яхши кўришимми! Мунаввар-чи! Унда нима гуноҳ?! Нимага бунчалик ёмон кўришади уни!

Сапчиб туриб, кўчага отилдим. Пастак эшикни тарақлатиб очиб ёнфоқ тагига етганимда ҳовли томондан ойимнинг ҳайқириғи қулоғимга кирди:

– Музаффар! Шошма!

«Шошма» эмиш! Хўш, шошмаганимда нима бўларди! Олдига ўтқизиб қўйиб насихат қилади-ми? Ишни бузган ўзи-ку! Бундан чиқди, совчи бўлиб борганини Мунавварнинг онасига айтмаган. Кўча-кўйдан гап териб, қайтиб келган. Ишни битириш ўрнига дадамниям йўлдан урди. Қизиқ:

дадам нега бунчалик сапчиб кетди? Келиб-келиб шу қизни... дедими? Нимага энди Мунавварни яхши кўрмаслигим керак! Мунавварни-я? Нега? Чучварани хом санабсизлар! Жуда яхши! Тўй қилмай қўя қолсин! Керакмас! Тўйи ҳам, ўқиши ҳам... Ундан кўра Мунавварнинг қўлидан етаклайман-да, Мирзачўлга кетаман. Битта вагон уй беришар. Қайтага яхши бўлди. Биламан, ойим қайтиб совчиликка бормайди. Дадамниям айнитди. Майли, бормай қўя қолсин! Ҳали ҳеч нима тамом бўлгани йўқ! Мунавварнинг онаси ойимни олдига солиб ҳайдамабди, қизимни бермайман, демабди! Хўш, тагин нима керак? Мунавварнинг ўзи айтган-ку! Ойим мард хотин деган-ку! Бўпти-да! Ўзим бораман! Тўғриси айтман, шундоқ-шундоқ. Биз бир-биримизга кўнги қўйганмиз. Мунаввар ҳам жим турмайди. Тўй бизникида бўлмаса, келинникида бўлар! Шунгаям ота гўри – қозихонами! Аммо ўзимнинг уйимга энди қайтмайман! Бўлди! Етар!

ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ

РАЪНО ҲИКОЯСИ

Туш

Аллақандай кенг дала эмиш... ўтлоқми-ей, буғдойзорми-ей... Музаффар қип-яланғоч бўлиб, дала ўртасида чопиб кетаётганмиш. Кап-катта йигит қип-яланғоч. Ўғлим бир нимадан кўрқиб, қочиб кетаётганини билармишману олдига боришга уялармишман. Кейин, аллақадан от пайдо бўпти. Гижинглаб келиб Музаффарни тишлабди. Музаф-

фар чақалоққа айланиб қолибди. Ўзи чақалоқмишу гапирармиш «Отни ҳайданг, ўлдириб қўяди, қутурган от», дермиш...

Қизиқ, нимага бунақа туш кўрдим? Музаффар Нимага яланғоч юрибди? Тушга яланғоч кирса ёмон: фалокат бўлади. Шошма... Анави от Умар аканинг жийрони-ку! Музаффарга бир гап бўлди? Нимага яланғоч юрибди? Бугун нечанчи ўзи? Йигирма тўртинчи апрелми? Икки ҳафтадан кейин Музаффарнинг туғилган куни. Йигирмага тўлади. Аввалги телеграммаларимни олганмикин? Олган. Табриклар ёзган хатларимни ҳам... Жавоб ёзмади. Тўғрида! Нега жавоб қилсин. Уч йил аввал қишда келганида манави имонсизнинг кўрсатган каромати учунми?

Мунча ачишади бу юрак ўлгур! Валидол қаёқда эди? Шимсам, сал қўйиб юборармиди? Чироқ ёқсам, ҳозир тўнғиллайди. «Эркалик қилиб, уйқумни буздинг», дейди, Насибани уйғотсамми? Уям бобиллайди. «Бирам эркасиз-ей», деб жеркиб беради.

Керакмас! Ичмайман. Валидолиям, валокардиниям жонга тегди. Умуман, ҳаммаси, ҳаммаси жонимга тегиб кетди. Музаффар соғмикин ишқилиб? Нимага яланғоч юрибди. Тагин нима кулфат тушдийкин бошига?

Ўзаман, ҳозироқ хат ёзаман. Соғман, бу дунёда борман деб бир энлик жавоб юборса бас. Нимага бунақа туш кўрдим? Ёмон туш, хосиятсиз туш... Палакатим ўзимга урсин. Ўғлим тинч бўлса бас...

**УЧИНЧИ БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ МУНАВВАР
АЛИЕВА ҲИКОЯСИ**

Ҳақорат

Дарсга кечикдим. Атайлаб эмас, ҳолим йўқ. Кечаси билан юрагим ёмон бўлиб чиқди. Устига-устак кўнглим айнийди. Трамвайда кела-келгунча рўмолим билан оғзимни тўсиб ўтирдим. Биринчи пара Садир Фузайловичнинг дарси. Биламан, уришмайди.

Эшикни очиб, мўралашим билан ярқ этиб қаради-ю, шоша-пиша имо қилди.

– Кирақол, опоқ қизим, тезроқ...

Дарсга кирган талабалар ҳам мажлисга тўпланган одамларга ўхшайди. Ҳаммаси орқароққа ўтиришга ҳаракат қилади. Фақат биринчи қатор бўш қолибди. Ўша томонга юраётган эдим Музаффарга кўзим тушди. Ўрта қаторда ўтирган экан. Тўғрироғи унинг ўзи мен киришим билан сапчиб ўрнидан туриб кетди. Ранги ўчган, кўзлари қизариб турибди. Бундан чиқди, кечаси билан ухламаган. Бир зум гарангиб турди-да, қайтиб жойига чўқди.

Биринчи қаторга ўтириб, лекция дафтаримни очиб қўйдим. Садир Фузайлович у ёқдан бу ёққа вазмин бориб келиб, лекциясини давом эттирди.

– Ухлатадиган моддалар нейронлардаги қўзғалиш сеансларини сусайтиради, ретикуляр формациянинг бош мия пўстлоғига кўрсатадиган стимуллаштирувчи таъсирини пасайтиради ва шу тариқа уйқуни вужудга келтиради.

Секин бурилиб қарадим. Музаффар ҳам мендан кўз узмай ўтирган экан. Соқоли ўсиб кетибди.

Сочи таралмаган, кўйлаги фиким... Ҳеч қачон бунақа юрмас эди. Бир гап бўлган.

– Ухлатувчи препаратлар орасида энг таъсирли дорилар, – Садир Фузайлович овозини баландроқ кўтарди, – барбитуратлар ҳисобланади. Булар орасида ҳозирги кунда энг кучлиси фенобарбитал ҳисобланади. Бу препарат ухлатувчи, шунингдек, талвасани, эпилепсия – тутқаноқни тинчлантурувчи дори сифатида порошок ёки таблетка ҳолида 0,1–0,2 граммдан ичилади.

Ойим кеча ҳам фенобарбитал ичди. Иккита таблетка. 0,2 грамм! Кейин қотиб ухлаб қолди. Мен эса мижжа қоқмадим. Шу кеча ойимни биринчи марта ёмон кўриб кетдим.

Елкам оша тагин орқага қарадим. Музаффар дафтарини олдига қўйганча, бир нуқтага тикилиб ўтирибди. Худди бутун сир-асрор ўша нуқтага яшириб қўйилгану яхшилаб қараса, ҳамма нарсани билиб оладигандек. Бундан чиқди кеча уларнинг уйида ҳам бир гап бўлган. Бизникида ҳам бўлди. Ёмон бўлди. Ойим тўсатдан тўнини тесқари кийиб олди.

Кеча Музаффар билан хайрлашган заҳоти трамвайга югурдим. Кузатиб қўйишига кўнмадим. Бақатеракка яқинлашганимда тор кўчамиздан чиқиб келаётган тугун кўтарган хотинни кўрдим. Юрагим сезди: Музаффарнинг ойиси! Бошида шойи рўмол, эгнида гулдор кўйлак. Юзим ловуллаб ёниб кетганини сезиб, ўзимни четга олдим. Кўрганман, бу аёлни қачондир, қаердадир кўрганман. Эҳтимол, Нўғайқўрғондаги ҳовлимизга келгандир. Билмадим, эслай олмадим. Аммо аниқ сездим: Музаффарнинг ойиси, тўғрироғи... Менинг ҳам бўлажак «ойим»... Ўзимнинг ойим кузатиб чиққан бўл-

са, кўзига кўринмай қўя қолай деб, бақатерак панасига ўтдим. Кўча ичига мўраласам, ҳеч ким йўқ.

Қандайдир куч ўша томонга итаргандек бўлдию Музаффарнинг онасига қараб юрдим. Балки ойим уйда йўқдир. Қайтариб олиб кираман. «Меҳмон»-га чой-пой қилиб, ойим келгунча олиб ўтираман. Ойим уялтирса «совчилигини қаёқдан билибман», деб қутуламан.

Музаффарнинг ойиси (худди шунақа эканига шубҳа қилмасдим) қандайдир паришон тарзда ердан кўз узмай тез-тез юриб келарди. Худди биров қувлагандек. Яқинлашиб қолганида разм солсам, ранг-рўйи бир ҳолатда, лаби титраб турибди. Юрагим шув этди. Салом бердим. У афтимга бир қарадию бош силкиб алик олганча ўтди-кетди. Шу қарашда кўзларида чуқур ғусса бордек кўринди. «Шошманг, мен Мунавварман», дегим келдию тилим айланмай қотиб туравердим. Назаримда, у нарироққа бориб қайрилиб қараши, чехраси ёришиб, «вой айланай, сизмисиз», дейиши керакдек эди. Йўқ, бир мартаям қарамади. Худди елкасидан оғир юк босиб тушаётгандай бошини солинтирганча кетаверди.

– Иш пишдими, шайтон қиз?!

Қулоғим тагида янграган кулгидан чўчиб тушдим... Илкис бурилиб қарасам, дўкончи Клара опа тилла тишли оғзидан чўғ сачратиб кулиб турибди. Дўконини вақтинча ташлаб шу ёққа югурган шекилли, эгнида оқ халат. Халатининг олд тугмаларини ечиб юборган. «Модний» кремплэн кўйлагининг ёқасидан бўлиқ кўкси туртиб чиққан.. Ўғрилик устида қўлга тушган одамдек бир сапчиб тушдим. Қаёқдан келди бу савдогар! Сен етмай турувдинг ўзи.

– Ничево! – У тилла тишларини ярақлатиб тагин кулди. – Ўзимизнинг ҳам бошимиздан ўтган.

Энсам қотди. Албатта бошингдан ўтади-да! Бир эмас олти марта эрга текканингдан кейин.

– Мен-чи, Мунаввар, психологман! – Клара опа эркалаб елкамга қоқди. – Қайнонанг – ничево! Бунақа хотиннинг ўғли ёмон бола бўлмайди. Оти Музаффармиди? Бирга ўқиркансан-ку! – У бошимга эгилиб сирли шивирлади. – Сени-чи, роса мақтадим. Тўғрисиям шу-да! Сендай қизни келин қилса дўпписини осмонга отсин! – У қалин бўёқ суркалган лаби билан юзимдан ўпди. – Тўйингда ўзим хизмат қиламан. Икки кило тўқсон беш чой ажратиб қўйдим.

Фашим келаётганини сезиб, кафти билан юзимни артди.

– Сен кирмай тур! – деди яна кулиб. – Башор опамдан ўзим суюнчи оламан. – У беш-олти қадам нарига борди-да, тўхтаб бурилди. – Ўқишни битирганингда менга женьшень топиб берасан, хўпми? Ҳарна поччангга қувват бўлади.

Нима деб алжираяпти бу?

Ҳушимни йиғиб олгунимча лапанглаб кўча ичкарисига кириб кетди. Уйга киришни ҳам, тураверишни ҳам билмас эдим. Музаффарнинг ойиси эсимга тушиб, бекатга қарадим. Трамвай кетибди шекилли, ҳеч зог кўринмасди.

Ўртасидаги ипдек ариқчадан исқирт сув оқиб турган жинкўчага киришим билан эшигимиздан отилиб чиққан Клара опага кўзим тушди. У халатининг этаги қанотдек ёйилганча югуриб кела бошлади. Менга урилиб кетишига сал қолди.

– Ойинг фирт жинни экан-ку, Мунаввар! – деди сурма тортилган сийрак киприкларини пирпира-тиб. – Вой, тўйларинг бошингда ордона қолсин! Нимагаям айта қолдим. – У орқасига олазарақ қарадио, ранги ўчиб лапанглаб чопиб кетди.

Ҳайрон бўлдим. Кўнглим ғаш тортди. Маъюс қиёфада бошини қуйи солиб кетаётган Музаффарнинг онаси кўз ўнгимга келди. Юрагим пўкиллаб ҳовлига кирдим. Ойим очиқ айвонда, хонтахта олдида ўтирган экан. Одми кўйлагининг енгини шимариб олган. Хонтахта устида бир даста коса. Ойим косалардан бирини силтаб олди-да, зарда билан сочиққа артиб, шарақ этиб хонтахтага қўйди. Қоши чимирилган, бошидан рўмоли сирғалиб елкасига тушган. Қўллари асабий титрайди. Яқин келишим билан алакимни «падарингга лаънат», деб эркакча сўкаётганини эшитдим.

Қандайдир ёмон иш бўлганини кўнглим сезиб, тўхтаб қолдим. Салом бердим.

– Ҳа, келдингми? – деди у совуққина қилиб. – Нечук бугун вақтли йўрғалаб қопсан?!

– Охирги пара бўлмади, – дедим юрагим зириллаб.

– Бор, овқатга қара.

Қозон тепасига борсам, яна кўнглим айнишини ҳис қилиб кўрқиб кетдим.

– Ҳозир, ечинай аввал.

Уйга кирдим ойимнинг кўзига кўринишдан ҳайиқиб, шоша-пиша кийимимни алмаштирим. Хомуш бош этиб кетаётган Музаффарнинг онаси, уйдан отилиб чиққан Клара опа яна хаёлимда жонланди.

– Биров келдими? – дедим атайлаб бепарво оҳангда.

– Ҳа келди! – айвонда тагин коса шарақлади.

Қизиқ, бунча жаҳли чиқмаса? Одатини биламан. Бунақа пайтда «ойижон, ўзингиз яхшисиз-ку», деб суйкалсам дарров ҳовуридан тушади. Кичкиналигимда янги кийим олдирмоқчи бўлсам, бирон «гуноҳ» қилиб қўйсам шунақа қилиб ийдирардим...

Эшикдан секин мўралаб, илжайдим.

- Ким келди-и, ойижон?
- Нимаиди?! – Ойим кўзимга шу қадар совуқ қаҳр билан қарадики, илжайиб туришим ўзимга ниҳоятда хунук, аянчли туюлиб кетди.
- Ўзим... – дедим кулиб. Бироқ лабим қийшайиб кетганини сезиб баттар гашим келди.
- Э, падарига лаънат! – Ойим навбатдаги косани шоша-пиша артиб, хонтахтага қўйди. – Анави дўкончи ўзича ҳар балоларни тўқиб юрибди.
- Унинг овози юмшагандек бўлди. Секин ёнига келдим. Ўзимни мажбур қилиб яна илжайдим.
- Ойижо-он! – дедим сирли қилиб. – Бошқа ҳеч ким келмадими?
- У ярқ этиб юзимга қаради.
- Кўзинг учиб турувдими?
- Яна ўша совуқ нафрат! Нимага? Энди меники ҳам тута бошлади.
- Нега алдайсиз? – дедим ачитиб. – Улар келдилар-ку!
- Ким «улар?» – ойим кўзимга тикандек қадалиб қаради.
- Йўқ, энди аянчли жилмайиш ҳам, ёлбориш ҳам йўқ! Қайсарлик билан мен ҳам кўзига тик қарадим.
- Ўша одам! – дедим таъкидлаб.
- Ойимнинг ранги баттар ўчиб кетди.
- Бундан чиқди рост экан-да! – деди титраб.
- Индамай ерга қарадим.
- Менга қара, ҳой! – У ҳар сўзини чертиб-чертиб таъкидлади. – Агар Робия шу ниятда келганини билсам, олдимга солиб ҳайдардим. Иккинчи қадам босмасин! – У дастадан яна бир косани юлқиб олди. Артмоқчи эди, коса тиззасига тушиб, тўнкарилиб қолди.
- Э, палакатинг ўзинга урсин! – У косани чангаллаб ҳовлига отди. Коса заранг ерга тушиб, чилчил бўлди. Бир бўлаги сакраб-сакраб арча тагига

кириб кетди. – Гап шу! – деди чақчайиб. – Айтиб қўй. Онаси яна келса, оёғини уриб синдираман! Келса, тўғрилиқча, меҳмон бўп келсин!

Анграйиб қолдим. Демак, кўча бошида кўрган-ним чиндан ҳам Музаффарнинг ойиси. Демак, Клара опа қочиб чиққанида гап бор. Бундан чиқди ойим «эркакшодалик» қилган. Совчини ҳайдаган. Клара опа «суюнчи олиш» учун кирганида униям олдига солиб қувган. Нима учун! Бўлди. Етар! Дадамга ўхшаб қўйдек ювош бўлсам, бошимда ёнғоқ чақади. «Лўлилик»ни мендан кўрсин! Ўзи айтган: «Мингтаси билан юрмагин-да, кўнглингга ёққанини айт, совчи юборсин», деган. Мана: айтгани бўлди. Тагин нима керак!

– Нимага? – Ер тепиниб йиғлаб юбордим. – Нимага? Нимаси ёмон?

– Бўл-май-ди! – У шу битта сўзни айтгунча хонтахтани каттакон мушти билан уч марта урди. Тахлоқлик косалар нолали зириллаб кетди. – Бўл-май-ди! Итдан тарқаган аҳмоқ қиз, бўлмайди. Кимга тортгансан ўзинг!

Энди йиғламай қўйдим.

– Сизга! – Бу гапни шунақа осойишта ишонч билан айтдимки, ўзим ҳам ҳайрон қолдим. – Сизга тортганман! Сиз ҳам дадамни бошлаб...

– Ўчир! – Ойим сакраб ўрнидан турди-ю, қуюндек ёпирилиб устимга келди.

– Бўлмайди! Бўлмайди! – У қўлларини мушт қилганча икки елкамга туртди. – Мен биламан-ку, бўлмайди!

Бирпас ҳансираб турди-да, ошхона томон кетди. Анчадан кейин икки коса мошхўрда сузиб келди.

– Ич, – деди қовоғини солиб. – Ялпиз солдим.

– Раҳмат, тўйдим, – дедиму уйга кириб кетдим. Деразадан ташқарига қараб анча ўтирдим.

Қуёш ботиб кетди. Ҳовлидаги арча учидаги шафақ шамдай ловуллаб ўчди.

Қоронғи тушди. Кўрпага бурканиб ётиб олдим. Музаффар нима қилаётган экан? Ойим «бўлмайд», дедими? Робия совчиликка келганини билсам, қувиб юборардим, дедими. Қизиқ, нимага у атайлаб келди-ю айтмай кетади. Ойим нега бунчалик «шайтонлаб» қолди. нима гап ўзи? Айбим нима? Музаффарни яхши кўришимми! У-чи, унда нима гуноҳ?

Бир маҳал ойим ингради.

– Дори бер, қизим, бошим ёрилиб кетай деяпти.

Истар-истамас туриб чироқни ёқдим. Ҳар куни ўзи ичадиган одам... Токчадаги фенобарбитал қутисини титкиладим.

– Нечта? – дедим қайрилиб қарамай.

– Иккита берақол, зора ухласам...

Дори ичиб бўлиб, пиёлани узатаркан, елкамдан тортиб, ёнига ўтқизди. Пешонамни силади.

– Қўй, қизим, сиқилма! Унут ўшани! Бошқа хоҳлаган одамнинг айт! Шу заҳоти тўй қилмасам юзимга тупур! Сенга аталган қаймоқнинг юзи бузилмаган, Мунаввар!

«Қаймоқ» эмиш! Юзи аллақачон бузилган бўлса-чи! Унинг «қаймоғи» меники, меники – уники бўлса-чи?!

Фенобарбитал – кучли препарат! Чорак соат ўтмасдан ойим хуррак торта бошлади. Мен бўлсам...

– Ўткир заҳарланишда аввало ошқозонни ювиш керак! – Садир Фузайлович ҳамон нари бориб, бери келиб лекциясини давом эттирар эди. – Юрак фаолиятини яхшилаш учун массаж қилиш, сунъий нафас олдириш...

Яна орқага қарадим. Музаффар ҳамон ўша нуқтага тикилиб ўтирибди. Худди гамгин, ўйчан ҳайкал сингари.

– Мунаввар! Аслида мана шу теракни кесиб ташлаш керак! Қуриб қопти-ку! Қуриган дарахтнинг хосияти бўлмайди, – Музаффар овозини баралла қўйиб шанғиллади. – Майли, зарари йўқ. Эртага Эргаш билан Маратни бошлаб келаман! Теракни кесамиз!

– Секин! – Ёлборгудек бўлиб кўзига термилдим. Назаримда ҳамма бизга қараётгандек. Каттаю кичик – бутун маҳалла тор кўча эшикларидан мўралаб, бармоғини бигиз қилиб мунофиқона шивирлашаётгандай. «Ана Башоратнинг қизи йигитини бошлаб кепти», деяётгандек.

– Илтимос, секин!

– Кўча тор экан, машина сизмайди. Майли, куёв жўраларнинг машинаси кўча бошида қолади. Бу ёғига пиёда кираверамиз! – Музаффар баттар шанғиллади.

Астойдил ялиндим.

– Орқароқда юринг, илтимос...

– Нега энди! – У ўчакишгандек авжига чиқди. – Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич!

Сезиб турибман: Музаффар бу гапларни азбаройи менга ўчакишиб айтаётгани йўқ. Ранги ўчиб, асабий илжайиб гапиряпти. Ўзидан кучли одамдан калтак еган бола «уришасанми-уришасанми...» деб чиранганида қанақа аҳволга тушса Музаффар ҳам ҳозир шунақа ҳолатда келяпти. Атайлаб мен билан ёнма-ён қадам ташлаяпти. Атайлаб қаттиқ-қаттиқ гапиряпти. Сездим: кеча уларникида ҳам дилсиёҳлик бўлган. Сўрасам, айтмади. «Ойим билан ўзим гаплашаман», деб (менинг онамни «ойим» деди) келяпти.

«Меҳр кўзда» дейишади. Ажабмас, ойим Музаффарни кўриб кўнгли ийиса. Нима қипти? Эс-

ли-хушли бўлса, бировдан кам жойи бўлмаса...
Онам деб турса...

– Сиз кирмай тулинг. – Музаффарнинг кўзига термилиб, шу қадар носамимий, шу қадар сунъий илжайдимки, ўзимдан ўзим нафратланиб кетдим.
– Мен ҳозир.

Кўча эшигини очишим билан пачоқ челақда ахлат кўтариб чиқиб келаётган ойимга рўпара бўлдим. У этагини липпасига қистириб олган, ҳозир ҳовли супурган шекилли, челақда арчанинг сарғиш игначалари хунук диккайиб турарди.

– Келдингми? – деди ойим кўнгли жойига тушиб. – Ҳайронман, арча ўлгур қарибдим, нуқул шохини тўқади. Кирақол, қизим, овқат сузаман.

У кўча бошига йўналганини кўриб, эсанкираб қолдим. Ойим ўн қадамча нарида папкасини саланглаптиб турган Музаффарга кўзи тушди-ю, тўхтади. Ярқ этиб менга қаради. Кўзидан: «Ким бу?» деган саволни уқиб, баттар талмовсирадим.

Музаффар шолғомдек қизариб кетди... Қўлидаги папкасини қаерга яширишни билмагандек эсанкираб салом берди. Кейин ўзини бир қадар ўнглаб олди шекилли, зипиллаб ойимнинг олдига келди.

– Менга бера қолинг! – деди гўлдираб. Ахлат челаққа қўл чўзган эди, ойим хазинасини биров тортиб олаётгандай челақни орқасига яширди. Қиёфаси аввал шубҳали, кейин қаҳрли тус олди. Кўзларида: «Ким бу, гапир!» деган унсиз ҳайқириқ янгради.

– Ойи... – Овозим титраб кетганидан гашим келиб илжайдим. – Танишинглар. Музаффар...

Аҳмоқона расмият. Худди талабалар балида йигит билан қизни бир-бирига таништиргандек.

Ойим челақни қарс этиб ерга қўйди.

– Нима дейсиз, йигитча?! – деди Музаффарга кескин ўгирилиб.

Музаффар бутунлай довираб қолди. Калтак еган одамдек бошини кифтига тикди. Ердан кўз узмай қайтадан салом берди.

– Хола... – деди дудуқланиб. – Ойи... Илтимос... Мунаввархон...

– Нима, «Мунаввар!» Нима?! – Ойимнинг овози шиддатли, аламли жаранглади. – Тинч қўясанми-йўқми? Ўз ҳолимизга қўясанми-йўқми? Қанақа сувюқмас боласан?!

Музаффар кўзларига ҳайрат тўлиб, ойимга эмас, менга қаради.

Қиёфаси шу қадар аянчли: гўдакларча содда, аламли эдики, бақириб юбордим.

– Ойи!

Қизиқ, ойим менга қайрилиб қарамади.

– Ниятингиз нима, йигит? – деди Музаффарга тақалиб бориб.

Музаффар чекинмади. Негадир қаддини ростлаб ойимнинг кўзига тик қаради. Юзидаги аянчли ифода йўқолиб, қатъият пайдо бўлди.

– Ойи... – деб гап бошлаган эди, онам шарт кесди...

– Ойи дема мени! Бировга яхшилик қилганнинг уйига ўт тушсин! – шундай деди-ю тўсатдан йиғлаб юборди. – Қаёқдан келдинг! – деди икки букчайганча тиззасига муштлаб. – Қай гўрдан пайдо бўлдинг?!

Музаффарнинг ранги қув ўчиб кетди.

– Нима кераги бор? – деди титраб. – Бир-биримизни...

– Йўқол! – Ойим эсдан оғандек унинг ёқасига ёпишди. Бир силтаган эди, Музаффарнинг қўлидан папкаси учиб кетди. – Даф бўл! Қадам босма остонамга! Ўз ғамим ўзимга етмасмиди?!

Кўча бошида томошабинлар тўплана бошлаганини энди кўрдим. Аммо гап-сўзлару майда-чуйда ифволарни ўйлаб ўтиришга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йўқ эди. Кўнглимда онамга нисбатан алам, қаҳр қўзғалди-ю югуриб бориб, қўлига ёпишдим.

– Тегманг! – дедим чинқириб. – Қўйворинг!

Ойим ҳамон унинг ёқасидан бўғиб, бақувват қўллари билан силкитар, Музаффар тақдирга тан бергандек, индамай турар, энтикиб нафас оларди.

– Қўйворинг! – Ойимнинг билагига тармашдим. – Тегманг.

Ойим ғазабдан олайиб кетган кўзлари билан менга бир қаради-ю Музаффарга ҳайқирди:

– Иккинчи қадам босма остонамга, эшитдингми?

Музаффар ойимни силтамади, туртмади.

– Агар... – деди секин. – Йўқ десангиз Мунавварни опқочиб кетаман...

– Нима? – Ойим чап қўли билан унинг ёқасини чангаллаган кўйи ўнг қўлини бўшатди-да, бир қадам орқасига тисарилди. – Нима? – деди таҳдид билан.

Музаффар киприк қоқмади.

– Хафа бўлманг, – деди секин, аммо ишонч билан. – Биз... кетамиз. Мунаввар билан...

Гапининг охирини айтолмади.

Тарсаки шу қадар қаттиқ жарангладики, қулогим шанғиллаб кетди. Музаффар, кўзлари ҳайратдан олайганча беихтиёр чап юзини кафти билан бекитди. Кўзларини юмиб, гарангсиган қиёфада кафтини туширган эди, юзи аввал оқарди, кейин бармоқ изи қизариб, бўртиб чиқди.

Ойим ўзи қилиб қўйган ишидан ўзи қўрқиб, Музаффарнинг ёқасини бўшатди. Ранги қув ўчиб, қалин лаблари осилганча, орқага чекиниб борди-да,

ахлат челака урилди. Челака думалаб, тупроқ аралаш арча шохлари ерга тўкилди.

– Пешонам қурсин! – деди бошига муштлаб. – Пешонам қурсин! Энди шу кўргилик бормиди?

Музаффар ерда ётган портфелини шахд билан юлқиб олди. Ойимга эмас, менга қараб сўради:

– Нимага, Мунаввар?..

Юзини силаганча бошини қуйи солиб кета бошлади.

Атрофимизни ўраган томошабин оломондан жирканиб, ўша томонга – Музаффар талмовсираб юриб кетаётган кўча бошига югурдим. Менга деса ер ютмайдими! Ифвогар оломони ҳам, бегона хотинни – менинг онамни ойи деб ёлвориб турган, шу меҳри эвазига калтак еган, йигитлик ғурури ҳақоратланган Музаффарни, жонимдан азиз кишини оёқ ости қилган онамни ер ютмайдими! Менга деса ҳаммаси жаҳаннам оловида куйиб кул бўлмайдими?

– Музаффар! Тўхтанг!

Ҳайқирим оқшом шафағида қонсираган кўчани титратиб юборгандек бўлди.

– Музаффар!

У кўча бошида, қуриб қолган терак тагида тўхтади. Энди менга ҳаммаси бари бир эди! Эшикдан мўралаётган, ҳар куни «йигитини» янгилаб кинога тушиб, ўпишиб ўтирадиган, аммо ота-онаси «қоғозга ўроғлик қанддай» деб мақтайдиган уй қизлари, бир вақтлар ўзи хоҳламаган одамга турмушга чиққани учун алами ичида қолган, энди ўзини ғийбат билан юпатадиган келинчақлар, бир замонлар қайнонасида зулм кўргани эвазига энди ўзиям сабабини тушунмай келини бошида ёнғоқ чақаётган қайноналар – ҳаммаси бир пул эди. Тупурдим ҳаммасига! Ту-пурдим! Ойим... эл-юрт ўртасида

эркакшода деб ном қозонган, аслида дадам бечорани чимидиққа мажбуран судраган, дадам шўрликка хотин эмас, эр бўлиб олган бешафқат онам ҳам бир тийин! Энди тушундим. Кечаям ҳафсалям пир бўлган эди-ю, бунчалик бўлишига ақлим етмаган эди. Энди аниқ тушундим. Эркакшодалик бошқа, мардлик бошқа экан! Ҳезалакчалиш эркак қанақа хунук кўринса, эркакнамо хотин ҳам шунақа, бедаво бўларкан! Билдим! Онам – менинг ойим эмас! Умуман, аёл эмас! Ўз боласини, «ойи» деб илтижо қилиб турган йигитни уришга қандоқ қўли борди. Тағинам Музаффар одам экан! Бошқа йигит бўлса...

– Музаффар! – Бақатерак тагига борганда етиб олдим. – Музаффар, – бўғзимдан йиғи отилди. – Кечиринг! – Чанг бўлиб кетган шимининг почаларини силаб чўккаладим.

Билмадим, шамол келдими, теракнинг скелетдек қоқшол шохлари нолали инграб кетди. Тўзон кўтарилиб юзимга писта пўчоқларини урди. Бекат томонда трамвай филдираклари фарёд солиб узоқ гийқиллади. Оқшом қуёшида Музаффарнинг тўзғиб кетган сочларини, титраб турган лабларини кўрдим. Чап юзида онамнинг беш бармоғидан тушиб қолган кўкимтир излар бўртиб чиққан эди.

У йиғлаётганимни кўриб кўрқиб кетди. Чанг-тўзон қуюнча бўлиб айланаётган йўлкага таппа ўтириб, бошимни кафти орасига олиб, юзимга қаради.

– Мунаввар, – деди ялиниб. – Унақа қилманг! Ойингизга қаранг!

Нима? Энди сизлашга ўтиб қолдими! Энди бегона бўлиб қолдимми?

– Опкетинг! – дедим ҳайқириб. – Керакмас! Ойим ҳам, бошқасиям! Кетаман! Обкетинг! – Алам билан ерни муштладим. – Обкетинг!

– Мунаввар... – У жилмайишга уриндию эплай олмади. Юзи аламли қийшайиб кетди. – Мунаввар, – деди титроқ қўллари билан бошимдан қучиб. – Эртага паспортингни олиб чиқ, тушундингми?

ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ БОБ

УЧИНЧИ БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

Икки эшик ораси

Шовуллаётган нима? Бўрижарми? Қаёққа келиб қолдим ўзи? Алвасти кўприк-ку! Ана, Бўрижар сурон солиб, кўприк тагига кириб кетяпти, мунча ҳайқиради? Йўлида тўғонлар борлигидан хабари йўқда! Аввал биттаси тўсади, кейин иккинчиси, учинчиси... ҳар қадамда йўлини тўса-тўса охири ерга сингдириб юборишади. Нимага шунақа? Нимага ўз йўлингни ўзинг танлашингга қўйишмайди. Нега энди доим бировларнинг измида юришинг керак!

Қуёш йиғлаяптими? Ажаб, шу ёшга кириб, офтобнинг йиғлаб ботишини кўрмаган эканман. Ана, олисда, ёнғоқзор ортида осмон қонгалаш бўлиб кетди. Шошма, Бўрижар ҳам ҳайқираётгани йўқ. Нола қиялпти. Ана, эшитяпсанми, қирғоққа бош уриб фарёд соляпти.

...Аслида ўшанда – Шерзод билан гаров ўйнаганда кўприкдан калла ташласам бўларкан. Қутулиб кетардим. Мунавваргаям шунча азоб йўқ эди. Ҳали ҳам кеч эмас. Сузишни билмайман. У ёқда ота-онанг айюҳаннос солса, бу ёқда энг яқин одамингнинг онаси куппа-кундуз куни, кўчанинг ўртасида урса... Ҳалиям кеч эмас... Бўрижар қонсираб турибди... Алвасти кўприк ўз номи билан Алвасти кўприк! Ҳеч ким билмайди ҳам... Аҳмоқ!

Хезалак! Қилғилиқни қилиб қўйиб, дўппи тор келганда қочиш эканда! Мунавварнинг ҳоли нима кечади! Сенга шунчалик дажжоллик қилган хотин уни не қўйларга солмас экан?! Қизиқ, она деган ҳам шунақа бешафқат бўладими? Ҳали Мунавварнинг... бунақалигини билмайди. Сезиб қолса... Йўқ! Осонликча жон берадиган анойи йўқ! Келишдик-ку ахир. Эртага Мунаввар паспортини олиб чиқади. Эртагаёқ ЗАГСга ариза берамиз. Майли, тўйи ҳам, карнай-сурнайлари ҳам керак эмас...

Поезд ўтяптими? Ўшанда ҳам поезд ўтиб қолган эди. Кейин Мунаввар келганди. Келиб, жонимни сақлаб қолган эди... Энди менинг навбатим. Энди мен уни асраб қолишим керак!

...Поездда кетамиз. Сирдарёга бориб, обком комсомолга учрашамиз. Бизни энг олис совхозга юборишсин... Аптеканинг зах ертўласига кириб, дори тайёрлагандан кўра...

Анави нима? Наъматак гули-ку! Лойқа сувда қалқиб келяпти. Наъматак гуллабди-да! Бугун қайси кун ўзи? Йигирма бешинчи апрелми? Қизиқ, анави ниначимми? Гунафшаранг қанотини пирпиратиб, қутурган тўлқин устида бемалол учишини қара! Чивиндек жони бор-ку, қўрқмайди. Бир қарич пастласа-ку, тамом: пиёз пўстидек қанотлари ҳўл бўладию аламини кимдан олишини билмай ўшқираётган тўлқинлар ваҳшат комига тортиб, чирпирак қилиб кетади. Йўқ, қўрқмайди. Ана, соҳилдаги қоқигулга бориб қўнди. Бир зум дам олди-да, тагин пастга шўнғиди. Худди ўчакишгандек бемалол парвоз қилиб, кўпириб ётган лойқа тўлқинлар устида муаллақ туриб қолди.

Вой азамат-ей! Бир кун умр кўрадимми, бир соатми, бари бир. Курашади, олишади, яшайди.

Балки ҳаётнинг маънисиям шудир ўзи! Тирикми-сан, курашасан. Ё енгасан, ё енгиласан. Қизиқ, нега энди енгилиш учун курашиш керак! Чўққи-га чиқаётган одам йиқилишни ният қилмайди-ку! Курашдингми, енгилдинг шарт!

«Қора аммам» нима дейди доим? «Тирикманми – кимирлайман!» Ёши саксондан ошибди-ку, ҳамон кимирлайди. Бултур Кимсан акамнинг ҳайкали-ни қучоқлаб йиғлаганида энди тамом бўлди, деб қўрққан эдим. Йўқ, ҳалиям яшаяпти. Курашяпти. Мункиллаб қолган кампирчалик йўқмисан? Шош-ма! Амманг бор-ку, ахир! Вой овсар-ей! Нимага шу гап аввалроқ эсингга келмади? Мунаввар айтган-ку, «ойим у кишини танийдилар, яхши кўрадилар», деган-ку. Нўғайқўрғонда ёнма-ён кўчада туриш-ган экан. Нега шуни ўйламадинг! Совчиликка ам-мангни юборсанг, шунча гап йўқ эди. Аммангни ўзи ҳаммасини пишитарди. Ҳамма ишни яхшилиқ билан битиришнинг йўли бор экан-ку!

...Аммамнинг беҳиси гуллабди. Қизиқ, беҳи гул-лабди-ю бултурги мевадан ҳалиям қолган экан, ошга босибди.

– Ол, болам, ейқол! – У гиж-гиж нафас олиб, бир коса ошни олдимга сурди. Иштаҳам бўлмаса ҳам ўзимни мажбур қилиб ея бошладим: кечадан бери туз тотмаганим энди эсимга тушди.

– Ош дамлаётганимда чап қовоғим учувди, – деди у ҳарсиллаб. – Қара, сен келиб, севиниб қо-ларканман. Беҳиси эзилмабдими? Ҳали уканг ке-либ кетувди, кеча уйга бормабсан-ку, даловша!

Бундан чиқди ойим хавотир олиб, Омонни юборган. Баттар бўлмайдими!

Иштаҳам бўғилди. Жимлик чўқди.

Олмадек лампочка атрофида парвоналар айлан-япти. Бир жуфт қалдирғоч инидан мўралаб ювош-

гина «вийт-вийт» қилади. Ҳаммаси ўша. Қалдирғоч ини ҳам, токчадаги баркашлар, девордаги Ҳусан бувам билан Кимсан акамнинг сурати ҳам. Аммамнингғиғ-ғиғ нафас олганча хиргойи қилиши ҳам.

*Жон болам, жоним болам,
Оллога топширдим сани,
Оҳимга Олло етмади,
Тупроққа топширдим сани...*

Биламан, ҳозир Кимсан акамни гапиреди. Ана, айтмадимми!

– Кеча Кимсан акамни кўриб келдим... Анча гаплашиб ўтирдим...

Бундан чиқди ҳайкал олдиға яна борган. Йўлни билиб олган.

– Зангиотада-чи, бир йигит йигирма беш йил деганда эшикдан кириб кепти. Онаси бечора кўр бўлиб қолган экан. Ўғлининг овозини эшитиб, кўзи очилиб кетибди. – Аммам ўз гапига ўзи ишониб, жилмайди. ўйж-ғиғ нафас олиши тезлашиб кетди. – Акам келиши билан тўй қиламиз... Чой ич, болам...

Боядан бери гапни нимадан бошлашни билмай ўтирган эдим. Аммамнинг ўзи тўйдан гап очгани яхши бўлди.

– Бизнинг тўй ҳам аниқ бўлиб қолди, амма, – дедим иложи борича бепарво гапиришға уриниб.

У ярқ этиб бошини кўтарди. Сочининг учидаги танга попуклари жаранглаб кетди.

– Вой! Вой ўзим ўргилай, шуни олдиноқ айтмайсанми! – у қурушқоқ лаблари билан пешонамдан ўтди. – Моро бўлсин! – Аммо ўша заҳоти аразлаган ёш боладек мунғайиб қолди. – Хафаман! – деди тўсатдан. – Даданг билан ойнинг мени одам қаторига қўшмай қўйишди. Робия бир оғиз айтса бўлмайдимми!

– Амма! – дедим юпатиб. – Ҳалиям сиздан маслаҳат сўрагани келдим. Ўзингиз бош бўлмасангиз иш чатоқ. Ойим борсалар неварра келинингизнинг онаси кўнмабди.

– Хо-о! Ким экан ўша Ҳусан думанинг неварраси оғиз солса ноз қиладиган кенас! – У бирдан жонланди. Нафасининг ғижиллаши ҳам тиниб қолгандек бўлди. Кўзлари ёрқинлашиб, овози қатъийлашди. – Осмондаги ой бўптими? Битта борганда оқ ўраб келмасам юрган эканман. Ўзингга ёқадими ахир! Аҳд-паймонларинг борми?

– Борликка-ку бор. Аммо бу ёқда дадам ҳам...

– Нима даданг! – Аммам кўзларини чақчайтирди. – Сан хоҳасанг, келин хоҳласа, ким қўйибди у кишига оёқ тирашни!

Кўнглим ёришиб кетди.

– Ҳайронман, келин дадамнинг кўнглига ўтиришмайроқ турибди.

– Вой, кўнгиллариининг кўчасидан ўргилдим! – Аммам қўлини муштлаб тиззасига ботирган эди, қоқшол бармоқлари синиб кетгудек шиқирлади. – Нима қилади, икки ёшга монелик қилиб! Келиннинг таг-зоти дурустми ахир?

– Дуруст, амма, дуруст, – беихтиёр илжайдим. – Ўзиям синашта оила. Танийсиз. Башор холанинг қизи-да, Мунаввар...

Қизиқ, аммам бир лаҳзада бўшашиб қолди. Негадир тагин нафаси қисиб, «ғиж-ғиж»и кўпайиб кетди. Ҳозиргина чарақлаб турган кўзлари сувга тушган тошдек хира тортди.

Ҳовлида аллаким йўталди. Дадам! Ҳойнаҳой шу ерда бўлса керак, деб мени излаб келган. Сакраб туриб кетдим. Остонага етмасимдан эшик очилиб оппоқ яктак кийган Оқсоқол бува кириб келди. Салом бериб, беихтиёр орқага тисландим. Болали-

гимда, дадамга эргашиб юрганымда уни кўп кўрганман. Момақалдироқдек гумбирлаб гапиришини эшитганман. Етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма унинг соясига салом беришини биламан. Бултур ўамгузор она ҳайкали очилаётганида айтган гаплари ҳам эсимда... Аммо бунчалик юзма-юз келмаган эдим. Унинг бутун туриш-турмушида одамни дафъатан эсанкиратиб қўядиган салобат бор экан. Худди аъзойи баданидан ғалати нур таралаяптию яқинига борсанг, кўзинг қамашадигандек.

– Ваалайкум ассалом, умрингдан барака топ, болам, – деди у вазмин оҳангда.

Аммам ҳам каловланиб ўрнидан турди. Саксон ёшли кампир қўлини кўксига қўйиб салом берса, қизиқ кўринаркан. Бироқ мен бунисига ҳам ҳайрон қолмадим. Аммам ҳансираб нафас олганча тахмондан янги кўрпача олиб, хонтахта тўрига ёзди.

– Хуш келибсиз.

– Яхши ўтирибсанми, келин? – Оқсоқол оғир-оғир қадам ташлаб юқорига ўтди, бўфинларини шиқирлатиб кўрпачага чўкди. Оппоқ, қуюқ қошлари тагидан менга синчков қараб қўйди.

– Неварам! – деди аммам таништириб. – Робиянинг ўғли... Биласиз-ку, дадаси опичлаб юрарди.

Оқсоқолнинг юзи ёришди.

– Э, ўша боламисан? – деди кулимсираб. – Баракалла! Ўтир, болам! Онанг тузукми? Даданг яхши юрибдими?

Нега шунақа бўлганини ўзим билмайман. Кечадан бери кўнглимни хижил қилаётган ташвишларни бир зум унутгандек бўлдим. Оқсоқол бувага яқин ўтиришга қўрққандек анча берида чўккаладим.

– Потма қизим яхшими? Невара-чеваралар юришибдими? – Аммам пиёлани чайиб чой узатди.

– Алоқ-чалоқ туш кўриб юрибман. Думани... Башоратни... – Оқсоқол пиёлани айлантириб-айлантириб чой хўпларкан, аммамга юзланди. – Замон тўкинчилик бўлган сайин одамлардан оқибат кўтариляптими, нима бало? Башорат қандоқ жувон эди! Хотин киши бўлсаям белида белбоғи бор эди! Потмамга тайинладим. Текстил қочиб кетгани йўқ, Тойиржон билан бориб ҳолидан хабар оларинг, дедим. – У бошини вазмин буриб менга қаради. – Сенам, ойингга айт, болам. Оқсоқол бувам тайинладилар. Башорат опангиздан хабар оларкансиз дегин, уқдингми?

Бирдан ичимда лоп этиб чироқ ёниб кетгандек бўлди. Ахир... Ахир Оқсоқол бува Мунавварнинг ойисини гапиряпти-ку! Оти Башорат бўлса, текстилда турса... Ўша-да! Майли! Кеча Башор хола жаҳд устида шунақа қилди. Лекин Оқсоқол бува мақтаяптими, бундан чиқди...

«Танийман! Башор холани ҳам, қизини ҳам... Мунавварни... Мен уни...»

Бир зум жим ўтирсак, шу гаплар оғзимдан чиқиб кетиши аниқ эди. Билмадим. Оқсоқол буванинг салобати босдимми... тилим айланмади. Аммамга жавдираб қарадим...

– Ҳавотир олманг, Оқсоқол... – Аммамнинг юзи ёришди. – Башорхон тинч юрганга ўхшайди... Энди, биласиз-ку, ёшларни... – У менга зимдан тезгина қараб олди. Нафасининг «ғиж-ғиж»и кучайиб кетди. – Неварам тушмагур билмасдан Башоратхоннинг дилини оғритиб қўйишига бир баҳя қопти... Шунга...

– Ким? – Оқсоқол аввал аммамга, кейин менга оппоқ қоши тагидан ўткир қараш қилди.

– Башоратхоннинг қизига совчи қўймоқчи бўпти. Миноварга. – Аммам шоша-пиша кўзини яширди.

Назаримда Оқсоқол сезилар-сезилмас сесканиб кетгандек бўлди. Каттакон кафти билан қалин, оппоқ соқолини тутамлаб турди-да, офир бош чайқади.

– Ёшлик қилма, болам, – деди секин, аммо қатъий оҳангда. Белбоғини тимирскилаб нос шишасини топди. Нос отиб, шиша оғзини шошилмай ёпди. Узоқ жимиб қолди. Аммам ҳамон ғиж-ғиж нафас олар, Оқсоқол бир нуқтадан кўз узмай ўтирар эди. Нима бало, келишиб олганми ҳаммаси! Мунавварнинг онаси дод-фарёд солади! Дадам оғзидан кўпик сачратади. Аммам мум тишлайди, Оқсоқол дашном беради! Нима бўлган ўзи? Нимага айтишмайди?

Ниҳоят Оқсоқол ёнбошлаб, очиқ деразадан носини тупурди. Лабини, соқолини артиб, менга юзланди.

– Болам, – деди кўзимга тикилиб. – Одамзот юз йил умр кўрадимми, минг йилми – бари бир ўлгиси келмайди. Минг йил яшаган бир саҳоба «Эсиз-эсиз, у эшикдан кирдим бу эшикдан чиқиб кетяпман», деган экан. Шунақа, болам... Ҳеч ким ўлишни ўйламайди. Аммо Худо одамзотга умрни ўлчаб беради. Шунақаликка шунақа-ку, одамнинг умри неча йил яшагани билан саналмайди... – У хўрсинди. – Бир хил одамлар бор: у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетаётганда қўлидан келганча савобли иш қилади. Ҳаёт деган иморатга ақалли битта ғишт қўйиб кетади. Яна бир хиллари бор: ўша иморатдан ақалли битта ғиштни ўғирлаб кетгиси келади. Ўғирлаб-ку, ҳеч қаёққа боролмайди, нариги эшикка борганда бари бир ташлаб кетади. Икки орада иморатни бузгани қолади...

– Ёш-да, – гапга аммам аралашди, – билмаган...

Нимани билишим керак ахир? Мунаввар иккаламиз бир биримизни яхши кўришимизними?

Нима бўлган ўзи? Нега ҳаммаси гапни буради?
Мунаввар иккаламизнинг айбимиз нима?

Оқсоқол буванинг салобати босиб турса ҳам чидаб туrolмадим.

– Амма... Ростини айтинг! Нима бўлган ўзи?..
– кейинги гапни айтмоқчи эмасдим. Оғзимдан чиқиб кетди, – Мунаввар иккаламиз...

Аммам ярқ этиб Оқсоқолга қаради. Ажаб, Оқсоқол бува ҳам юзини ўтирди.

– Қўй, болам! – деди вазмин, лекин қатъий оҳангда. – Ўзингниям, бировниям қийнама.

Назаримда унинг бояги салобати сусайиб қолгандек, тўсатдан қадди букилгандек туюлди. Негадир каттакон кафтининг орқаси билан оппоқ, қуюқ қошларини силаб қўйди. Билмадим, қошини силадимми, кўзини артдимми?..

– Келин... – деди аммамга зимдан қараб, овози титраб кетди. – Нимагаям падарлаънат уруш бўлди-а?! Мендаям айб кўп-а, нима дейсан, келин?

...Ҳеч нимага тушунмадим. «Уйга боришим керак»лигини баҳона қилиб чиқиб кетдим. Оқсоқол қилт этмай ўтираверди. Ажаб, ҳар сафар кўча бошигача кузатиб чиқадиган аммам ҳам жойидан жилмади.

...Яна келиб қолдимми, шу бақатерак тагига? Қизиқ, Нўғайқўрғондан шу ергача пиёда келдимми-а? Соат неча бўлдикин? Ярим кечадан ошгандир. Мунча хунук бу дарахт? Қоқ суяк қўлларини осмонга чўзиб нола қилиб турганга ўхшайди. Ой мунча хира? Мунаввар ҳали худди шу ерда оёғимдан кучоқлаб йиғлади. Тентак, нега йиғлайсан? Адашмасам шу эшик Мунавварларники! Мана ўша шифер томли пастак уй. Ҳовлида арчанинг найзаси осмонга санчилиб турибди. Мана ўша дераза. Чироқ ўчган. Қизиқ, Мунаввар уйғоқмикин?

Нима кераги бор! Ойиси яна шовқин солади. Мунавварни хафа қилади.

Шошма! Ким у инграётган?! Мени чақирдими? Йўғ-е, жимжит-ку. Ҳа, ит увиллаяпти. Мунавварларнинг ити йўқ эди шекилли. Қўшниникида. Намунча увиллайди! Одамга ўхшаб йиғлайди-я. Ие, яна биров инградими! Мунаввар шекилли. Йўқ, менга шунақа туюлди. Кетиш керак. Ойиси уйғоқ ётган бўлса, Мунаввар балога қолади. Эрталаб паспортини олиб чиқадиган бўлди-ку. Кеча ётоқда Эргашнинг хонасида тунаганман. Уйга бориб ҳужжатларимни олмасам бўлмайди! Қизиқ, бошқа итлар ҳам ув тортяптими? Нима бало бўлди ўзи? Нимага ҳамма ёқ бунчалик ваҳимали? Нега юрагим ўйнаяпти? Худди гурсиллашини бутун олам эшитаётгандек.

Чарчадим... Умримда шу бутунгидек азобликун бўлмаган эди. Майли, тонг отсин... Мунаввар институтга боради. Кўришамиз... Биламан, ойсининг бояги қилмишидан уялади. Яна кечирим сўрайди. «Тентагим, жоним! Шунга шунчами? Нима бўпти? Сенинг онанг – менинг онам эмасми? Яхши кўрганида бошимни силайди. Жаҳли чиқса койийди. Нима қипти!»

Шунақа-ку, нега ҳаммаси бир томонга ўтиб олишди? Ойим, дадам, Башор хола?! Шошма: ҳали Оқсоқол бува нима деди? Башорат белида белбоғи бор жувон дедими? Бўлмаса нега совчиликка ўзим бораман деб турган аммам бирдан айниб қолди? Нега Мунавварнинг отини эшитиши билан Оқсоқол бува ҳам сесканиб тушди?! Нимага? Нима бўлган ўзи?! Қизиқ, Оқсоқол бува ҳаёт иморатидан гишт ўғирлайдиган одамларни гапирганда кимни назарда тутди? Меними? Мен кимнинг иморатини бузибман. Ё дадамни айтмоқчи бўлдими? Ойимними? Башор холаними?! Унақа бўлса, нега

ўзи мақтайди Мунавварнинг ойисини?! Яна нима деди? «Нимага бўлди ўша уруш?» деб ўкиндими?! Уруш битганига йигирма йилдан ошди-ку! Мунаввар билан менинг нима даҳлим бор урушга. Ахир биз урушдан кейин туғилганмиз-ку! Ажаб, нима учун Оқсоқол бува, «мендаям айб кўп-а», деди?

Йўқ, бунақада жинни бўлиб қолиш ҳеч гапмас! Ҳозир... Ҳозир уйга бораман, паспортимни олиб чиқаман. Эрталаб Мунаввар ҳам ҳужжатларини обкелади. Бўлди! Тамом!

ҚИРҚ БЕШИНЧИ БОБ

УЧИНЧИ БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ МУНАВВАР АЛИЕВА ҲИКОЯСИ

Даҳшат

Ахлат челақ ҳамон ағдарилиб ётар, тупроқ аралаш арча шохлари ерга тўкилиб, бир қисми лойқа ариқчага тушган, қолгани сочилиб кетган эди. Ойим бояги вазоҳатидан сал тушган, йиғламсираб, ҳасрат қиларди.

– Не умидлар билан катта қилувдим. Отга тептирмадим, итга қоптирмадим...

Уч-тўрт хотин унинг атрофини ўраб олган, бири олиб-бири қўйиб юпатишарди.

– Қўйинг, Башорхон! Қарғаманг. Ёш-да...

– Она қарғиши ўқ бўлади, айланай. Мунаввархон эсли қиз.

– Шуни айтинг, овсинпошша! Биров билан қочиб кетмабди. Аллакимларга ўхшаб ёмон иш қилмабди. Ниҳоят, кўнглига ёққан йигит кузатиб кепти. Шунга – шунчаликми?

– Э, кўнглига қирон келсин!

Ойим мени кўриб, баттар тутақди.

– Уйга кир! – деди ўшқириб. – Бетгинанг қургур, бетсиз!

– Овсинжон, қиз болани қарғаб бўлмайди... – қўшни хотинлар тагин юпата бошлаган эди, ойим шошқинч силтаниб, орадан чиқди. Мен билан кетма-кет ҳовлига кирди. Бояги хотинлар ҳам эргашди шекилли, ойим кўча эшигини тарақлатиб ёпиб, шарақ-шуруқ қилиб, занжирни туширди.

Индамай уйга кириб кетдим. Бетсиз менми, ўзимми! Бегуноҳ одамни, онам деб этагидан тутмоқчи бўлган йигитни уриб ўтирибди. Паспорт қаёқдайдими? Ҳа, бурчакдаги қутида! Ҳамма ҳужжатлар ўша ерда туради.

Кун ботиб борар, ҳаво дим, уй ичи нимқоронги эди. Ҳовли томондан онамнинг ҳамон жаҳл билан тўнғилаётгани эшитилиб турарди. Ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади. Чидамниям, андишаниям. Энди ўзидан кўрсин!

Мана ўша қоғоз папка. Аттестат, солиқ қоғозлари... Мактабда олган медалим... Мана паспорт. Эртага институтга бориб юрмайман, тонг отмасдан Музаффарларникига бораман. Бир кун дарсдан қолсак қопмиз. Майли, бизга тўйи керакмас. Бошида қолсин!

Шиқ этиб чироқ ёнди... Чўкаллаб ўтирган жойимда бурилиб қарадим. Остонада ойим турибди. Сочлари ёйилиб кетган, бир оёғида калиш бор, биттасида йўқ. Йиғидан қизарган кўзлари чироқ нурида қонсирагандек ялтираб турибди. Қизиқ, юрагимни кўрқув эмас, ғазаб эгаллади. Майли, урсин, ўлдирсин! Қайтага яхши бўлади.

У анчагача меровсираб қараб турди-да, калишини ечишни унутиб, секин-секин ёнимга келди. Эски шолчада бир пой калишининг оқимтир из-

лари муҳрланиб қолди. Киприк қоқмай қараб туравардим. У ҳолдан тойгандек рўпарамга чўккалади. Кўзимга тикилиб турди-турди-да, тўсатдан бўйнимдан қучди.

– Болам... – деди унсиз йиғлаб. – Жон қизим... – титроқ лаблари билан пешонамдан ўпди. Бошидан тер аралаш қатиқ иси анқиб кетди. Эрта оқарган сочи юзимга тегиб ғашимни келтирди. – Жоним болам! Наҳот сенга ёмонликни раво кўрсам, қизим! – Мук тушиб, бошини тиззамга қўйди-да, қоп-қора бақувват қўллари билан белимдан қучоқлаб олди. Кейин оёқларимни тез-тез ўпа бошлади. – Кечир мени, қизим!

Ўзининг қилмишидан ўзи уяляпти. Тиззалаб ўтирганча ойимнинг пахмайиб кетган сочларини силадим.

– Ойи... – дедим ялиниб. – Унақа қилманг, ойи!

У ҳамон қўйиб юбормас, оёқларимга иссиқ нафаси, лабларининг тафти, қайноқ кўз ёши тегаётганини сезиб турардим.

– Ойи, қўйинг.

У оёғимни қучоқлаганча бошини кўтарди. Йиғидан энтикиб, офир ютинди.

– Жон болам, – деди ёлвориб. – Гуноҳкор онангни кечир, қизим. Айт, кечирдим, де!

Томоғимни йиғи бўғди.

– Ойи, қўйинг! Унақа деманг! – Унинг тер аралаш қатиқ ҳиди анқиб турган бошини қучоқлаб, кўксимга босдим. – Нимага унақа қилдингиз? Нимага урдингиз бечорани?

Ойим жавоб бермади.

Анчагача шу алпозда ўтирдик. Ташқарида қоронғи қуюқлашди. Дераза рўпарасидаги найзадор арча қора ўтовдай қилт этмай турар, негадир қўшнининг ити тинмай увлар, кўнгилга ғашлик солар эди.

– Ваъда берасан-а, қизим? – У худди капалакни авайлаб ҳовучлагандек, юзимни дағал кафтлари орасига олди. Секин бошимни кўтардим. Энди у йиғламас, кўзларида маъюс илтижо бор эди.

– Ваъда берасан-а, Мунаввар? – деди яна. – Ўшанинг номини тилга олмайсан-а?

Сесканиб ўзимни орқага ташладим. Энди меҳр уйғона бошлаган кўнглим яна ғашланди.

– Ойи! – дедим шахт билан. Шу бир оғиз сўзда ўтинч ҳам, алам ҳам, ниҳоят ғазаб ҳам аралашиб кетганига ўзим ҳайрон қолдим. – Ойи! Мен уни яхши кўраман, билдингизми! Мен усиз туролмайман! Ўлиб қоламан! Тушунсангиз-чи! – дедим ерни муштлаб.

Боядан бери қўлимда паспортни ушлаб ўтирганимни энди билдим. Ерга муштлаганимда паспорт қўлимдан отилиб кетди. Муқоваси очилиб, дераза олдига бориб тушди.

Ойимнинг ранги қув ўчиб кетди. Кўзида бояги меҳрибон ифодадан урвоқ ҳам қолмади. Юзи таҳликали қийшайиб, кўзларида ўт ёнди.

– Туролмайсанми? – деди тишларини ғижирлатиб.

Кўзига тик қараб алам билан бош чайқадим:

– Туролмайман!

– Ўлиб қоласанми, ўшасиз!

– Ҳа! – овозим бориचा чинқирдим. – Ўлиб қоламан!

Сакраб ўрнимдан турдим. Югуриб бориб, дераза олдида саҳифалари очилиб ётган паспортни юлқиб кўтардим.

– Мана! – дедим бақриб. – Мана! Эртага ЗАГСга борамиз! Керакмас тўйингиз ҳам! Сарполарингиз ҳам.

Гапимни тугатолмадим.

– Ур! – Ойим тиззалаган кўйи сурилиб, рўпарамга келди. – Ўлдир! – деди телбалардек ҳайқириб. – Ҳо-

вончадек қўллари билан кўйлагининг ёқасига чанг солиб бир силтаган эди, кўйлаги шариллаб йиртилди. Қора баданидаги кўкраклари яланғочланиб лопиллаб кетди. – Ур! – деди чинқариб. – Ур! Ўлдира қол! Ўз акангни эр қилгандан кўра ўлдир онангни! Мана шу кўкракларимни иккаланг эмгансан, жувонмарг! – у эздан оғиб қолгандек қоп-қора қўллари билан иккала кўкрагига чанг солди. – Мана бунисини, мана бунисини талашиб эмгансан ўша хушторинг билан, қиз ўлгур!

У телбаланиб қолгандек, оғздан кўпик сачраб нуқул «ур», «ўлдир», деб кўксига муштлар эди.

Нима? Нима деди? Аканг дедими? Битта кўкракни...

Ёлғон! Алдаяпти. Музаффардан қутулиш учун туҳмат қиляпти!

– Ёлғон! – Ерга юзтубан йиқилиб додлаб юбордим. – Ёлғон! Туҳмат!

Шолча тўшалган ерни муштлар эканман, тўсатдан хаёлимга бир-биридан даҳшатли саволлар ёпирилиб келди. Шошма! Унақа бўлса, нимага Музаффарнинг онаси совчиликка келдию ниятини айтмай қочиб кетди? Нимага дадаси ҳам оёқ тираб туриб олди? Ойим нимага Робия келса олдимга солиб қувлайман, деди! Нега ҳали Музаффарни урди?

Наҳотки? Йўқ! Туҳмат! Ёлғон!

Бир маҳал ойим елкамдан силтаб тортди. Беихтиёр бурилиб қарасам, бир қўлида яримта қулча, бир қўлида пичоқ билан тепамда турибди. Сочлари тўзғиган, кўзи олазарақ, безгак тутган одамдек шақ-шақ қалтирайди.

Кўйлагининг олди киндигигача йиртилиб кетган.

– Ма! – деди бир қўлимга нон, бир қўлимга пичоқ тиқиштириб. – Нонга ишонмасанг, ур! Қутулай шу азобдан! Нимага қараб турибсан, ур!

Даҳшат ичида ўзимни орқага ташладим.

– Уйи куйсин! Бировга яхшилиқ қилганинг уйи куйсин! – Ойим пичоқни улоқтириб юборди-да, нон билан кўкрагига ура бошлади. – Нега ўлиб кетмадим. Дод! Шу кунларни кўргандан кўра ўлиб кетсам бўлмасмиди, до-о-о-д! – у нон билан кўксига ҳар урганида бутун гавдаси силкиниб кетар, кўзига ёш келмас, аммо фарёд чекар эди. Бир талпиниб ерда ётган пичоқни олди. Яна қўлимга тикиштирди.

– Ур! – деди жиннилардек кўзи олайиб. – Ўлдир!

– Ойи! – дедим бўйнидан кучоқлаш учун талпиниб. – Бўлди, ойи...

– Йўқ! Бўлдимас... – Ойим худди бегона одамдан йиргангандек ўзини орқага ташлади. – Бўлдимас! Кўнглим сезиб турибди. Яхши кўрасан ўшани.

– Ойи...

– Яхши кўрасан! – У чўккалаб ўтирганча дераза томонга қараб осмонга қўл чўзди. – Илоё ўша Раъно бузуқ жувонмарг бўлсин! Илоё у дунёю бу дунё хор бўлсин. Илоё Умар закунчи дўзахга кунда бўлсин! Шомурод чўлоқ бу кунидан баттар бўлсин!

Ниманидир тушунгандек бўлдим. Ҳа, эсладим. Бир вақтлар Музаффар ҳазиллашиб, «мени дадам туққан», деб кулган эди. Кейин Қўқонга бориб келди. Биринчи курсда ўқиётганимизда. Қишда. Сўрасам, «Қўқонда ҳам ойим бор экан», деб қўя қолди. Бу ҳақда бошқа гапирмади. Аммо орқаворотдан Музаффарнинг дадаси урушда юрганида онаси аллақандай Закунчи деган киши билан гап-сўз бўлгани қулоғимга чалинган, лекин бунақа гийбатларни кавлаб Музаффарнинг дилини оғритгим келмаган эди. Демак, Қўқондаги онаси кичкиналигида уни ташлаб кетган. Демак, ойим уни... шу кўкраги билан...

Қандоқ шармандалик! Қандоқ бедодлик! Музаффар... ўзимнинг... Мен ўз акам билан...

Ажаб, кўнглим тип-тинч бўлиб қолди. Шунақанги осойиштаки, гўё мен йўқман. У – Мунаввар бошқа қиз эди. Музаффарни яхши кўрган, кўйида ёнган, онасидан аразлаган, эртага ЗАГСга бормоқчи бўлган... У йўқ! Энди Мунаввар йўқ! Қизиқ, тагин бошим айланяптими? Нега энди? Ахир мен йўқман-ку! Ўзини билдирыптими? Шармандалик! Қандоқ уят! Майли, ҳеч нима қилмайди. Бу ёғи оз қолди.

– Ойи... – дедим юпатиб. – Бўлди. Тушундим ҳаммасини...

Ойим ярқ этиб қаради. Ҳамон титраб турарди. Лекин аланг-жаланг кўзларида умидми, ўтинчми, ҳарқалай маъно пайдо бўлди.

– Тушундим... Ҳаммасини тушундим, – дедим ниҳоятда хотиржамлик билан.

Ойим тагин қучоқлади. Сочлари пахмайиб кетган бошини кўксимга қўйиб энтиқди.

– Жон қизим... Наҳот сени бахтиқаро қилсам.

Ажаб, негадир кулдим. Жуда хотиржам, жуда бепарво кулиб қўйдим. Ўзим ҳам ҳайронман: нега кулдим? Эҳтимол бу телба дунёнинг адолатсизликларидандир? Эҳтимол Музаффар икковимизнинг соддалигимиздандир! Эҳтимол Музаффарни ташлаб кетган онасию алақандай Закунчининг ифлослигидандир! Ким билсин, балки битганига йигирма бир йил тўлганидан кейин ҳам одамларни ўлдираётган урушдан кулгандирман...

«Ўлдираётган» дедимми? Нима қипти? Дадам софинган мени. Бораман. Олдига бораман... Содда, мулойим дадамнинг олдига. Меҳрибон дадамнинг олдига.

– Хафа бўлманг, ойижон... Ҳаммаси яхши бўлади... – Ҳайронман. Бу гапни ҳам жуда сокин, жуда хотиржам айтдим. Нега ҳайрон бўлай, ахир мен йўқман-ку энди.

– Жон болам, – у пешонамдан ўпди. – Арзимаган нарса деб сениям дилингни огритдим. Нима қилай, қўрқиб кетдим-да, қизим...

«Арзимаган нарса?» Ҳа, тўғри айтади. Бу дунёда арзийдиган нарсанинг ўзи борми?

– Қанийди, шу ишлар бўлмасаю сен Музаффарни танласанг, – деди ўкинч билан. – Қўшқўллаб кўтариб обориб берардим, қизим. Биламан, яхши бола... Ўз боламини ўзим урдим-а... Кўрсанг айт, мендан хафа бўлмасин... Отасиям, Робияхонам топилмайдиган одамлар. Иложим қанча қизим? Ночорман...

Ким хафа бўлади? Музаффарми?! Йўғ-е! Шу «арзимаган» нарсага-я.

– Мени биласан-ку, Мунаввар! – Ойим яна бошимни силади. – Эртага кўнглинг тусаган йигитни опке! Шу менга ёқди, дегин, бир ҳафтада тўй қилмасам, юзимга тупур, қизим!

– Биламан, ойи, биламан, дам олайлик...

– Уйқу келадими шу топда, қизим. Майли, сен дам ол... Қуриб кетсин, ит мунча увиллайди? Балоси ўзига урсин...

– Қўрқманг, ойи... Дам олинг. Ухлайлик. Ҳозир дорингизни топаман...

Фенобарбитал учта қоптими? Шошма. Яна бўлиши керак. Ҳа, мана тагин бир қутиси бор экан. Ўнта! Иккитаси ойимга... Қолгани...

...Яхши! Ойимнинг асаби меникидан яхшироқ экан. Ана, хуррак торта бошлади... Чарчаган... Уй мунча исиб кетди! Ажаб, қилт этган шамолайўқ. Шундай қилиб... Музаффар билан... Ойимнинг кўкрагини талашиб... Бундан чиқди... Ҳо-

зир! Ҳозир ҳаммаси тамом бўлади! «Арзимаган» нарсалар... Ҳаммаси арзимаган... Музаффарни севиб қолганим ҳам... Совчиларнинг ҳайдалиши. Музаффарнинг «қайнонаси»дан калтак ейиши... Йўғ-е, нега қайнонаси бўларкан. Онаси-ку ахир... Дадаси урушда юрганида онасининг бегона киши билан... қочиб кетишим... Музаффарни дадаси «туққаниям». Ҳаммаси арзимас... Ким билсин, балки уруш бўлмаса, дадаси кетмаса... Ойим «яхши бола» – дедими? Ўзим обориб берардим, дедими! Мабодо ойим рози бўлган тақдирдаям... Мен-а? Ўз акамга-я! Қизиқ, нега қўрқмаяпман? Қўлим титрамайди-а! Нима қипти, буям арзимас нарса!

Мендақа юраги порокларга тўрттасиям етади. Фенобарбитал кучли препарат. Мана, олтита, саккизта... Мана, бўлди... Ўнтаси етадимми? Етади эмиш! Ортиб қолар! Яхши. Ҳаммаси жойида! Нима бало, таъсир қилмаяпти-ку! Кўрамыз! Мана, ўрнимга эсон-омон етиб олдим. Энди кўзимни юмиб ётсам... Кўп эмас, чорак соат. Виламан... Ҳозир ошқозонда эрийди, қонга ўтади. Аввал мияни қарахт қилади. Кейин...

Яна кўнглим ағдарилаяптими?

Оҳ! Бўлмаяпти! Керакмас! Қусаман! Ўрнимдан туриб олсам бас. Ие, кўлим нега қимирламайди? Оёғим ҳам қарахт-ку! Бундан чиқди... Йўқ, туришим керак. Хато қилдим. Адашдим... Туришим керак! Қўрқиб кетяпман. Ҳаво етишмаяпти.

– Ойи! Ойижон!

Нимага эшитмайди? Қандоқ эшитсин! Овозим чиқмаяпти-ку? Шошма, ташқарида биров юрибди шекилли! Ана! Музаффар!

– Ойи! Дада! Ойижон! Оҳ! Нима қилиб қўйдим? Ойи-и!

Нима бу? Осмон ярақлаб кетдими? Нима у гум-
бурлаган? Ойижо-он!

ҚИРҚ ОЛТИНЧИ БОБ

ШОМУРОД АКА ҲИКОЯСИ

Айбсиз айбдор

Музаффар бугун ҳам келмади. Онаси адойи-та-
мом бўлди. Эрталаб Омонни бувисиникига гирил-
латди. Йўқ, у ергаям бормабди. Бундан чиқди...
Билмадим... Хуллас хунук иш бўлди. Кеча ўзим
ҳам ёмон гап айтдим. «Йўқол-пўқол» деган гаплар-
га бало бормиди? Иккаласиям ёш. Бир-бирига
кўнги қўйган бўлса... Туш кўрибдими, Миновар...
Шунақалигини?! Ўзим қўрқиб кетдим-да... Тағин
ёшлик қилиб қиз бечорани... Ўртада шайтон бор...
Олдинроқ шуни айтсам ўлармидим!

Хўп, нима қилишим керак эди? Олдимга ўтқи-
зиб қўйиб, Башорат деган хотин сени эмизган,
Миновар деган қиз сенинг синглинг бўлади, ма-
бодо кўнги қўйиб-негиб юрма дейишим керак-
миди? Сени туққан онанг шунақа – бузуқ бўлган,
ўзим эмизай десам, кўкрагим бўлмаса, нима қи-
лай, ўлиб қолмагин, деб мажбур бўлдим, шу ишни
қилишга, десам дуруст бўлармиди?! Нима қила-
ман болани ўкситиб! Қолаверса, ўшанда Оқсоқол
нима деди? «Болани ранжитмаларинг, сир сирли-
гича қолсин», демадими? Устига-устак почча фа-
лаж бўлиб қолганидан кейин Башоратлар текстил
томонга кўчиб кетди. Унда Музаффар эсини та-
ниб-танимаган бола эди. Туш кўрибманми иккала
ёш бирга ўқишини.

Бечора Башорат! Шунча яхшиликлари эвазига ақалли ойда, йилда бир хабар олиш ўрнига, ҳолинг нима кечди дейиш ўрнига... У-ку, ўзи билан ўзи овра эди. Биз-чи? Нимага бормадик? Нимага Музаффарни етаклаб бориб: «Мана шу одам сенинг онанг бўлади. Миновар синглинг бўлади, демадик! Яхшиям Робия эслилик қипти! Вақтида қочиб қопти. «Қизингизга совчи бўлиб келдим, ўғлим Миноварни яхши кўриб қопти», деса ҳоли нима кечарди?! Музаффарни ўлимдан олиб қолган, шу-ку! Бир кун эмас, бир ҳафта эмас, етти ой! Етти ой кўкрак тутди... Ҳаммасига Раъно айбдор! Йўқ, анави наҳс-касофат Зақунчи айбдор! Ўзим-чи? Ўзимда гуноҳ йўқми? Хўш, нима қилишим керак эди? Сулайиб қолган болани улоқтириб қутулсам яхшимиди? Дунё нимага бунақа тескари? Нима учун қилар ишни биров қиладию касофатига бошқалар қолади?!

...Ўша кунни шилқиллаб қолган болани кўтариб қамишзордан ўтиб, қишлоқ кўчасига кириб қолибман. Нимага шунақа қилганимни билмайман. Эҳтимол биронта арава топиб, шаҳарга бормоқчи бўлгандирман? Бораман, бари бир бораман! Зақунчини сўймасам одаммасман! Шунча фашистга найза санчган одамга яна битта фашистни чавақлаш нима бўпти!

Чанқаб кетдим. Мен-ку майли, ўғлим сувсамадимми? Ухлаб қолди шекилли. Шунақа узоқ ухлайдимми?

– Музаффар?

Силкитиб кўрсам, кўзи очиқ. Кўзи очиғу йиғламайди. Боши шилқиллаб, у ёққа тушади, бу ёққа тушади.

Қўрқиб кетдим. Хонумоним куйишга куйди, оилам барбод бўлди. Энди ўғлимдан ҳам айрилдимми! Инграб юбордим.

– Музаффар, болам...

Болани бағримга босганча дуч келган томонга югурдим. Нима қилай? Қаёққа обораман! Боқол-масам, эмизолмасам! Хаёлимга опам келди. Нима қилсаям хотин киши. Дока-покага ёғми, бодомми ўраб оғзига солар! Йўлини қилар... Рутубатли салқин тушган кўчадан елиб борарканман, бир маҳал аллаким билагимдан тортди. Мункиб кетдим. Ўғлимни бағримга қаттиқ босганча қайрилиб қарасам, Оқсоқол билагимни чангаллаб турибди.

– Бу нима юриш? – деди гулдираб.

Нима дей?! Эркак киши бунақа пайтда нима дейиши мумкин?

Назаримда Оқсоқол ҳаммасини тушунди. Шимининг чўнтагидан шишасини олиб нос отди.

– Бер бу ёққа! – деди каттакон қўлларини чўзиб.

Худди обқочиб кетадигандек, ўғлимни бағримга қаттиқроқ босдим.

– Бер! – Оқсоқол болани қўлимдан авайлаб олди. Соқоли асабий силкиниб, чақалоқнинг юзидан ўпди. – Ҳали шунақанги азамат йигит бўлсинки...

Тупроғи ўйнаб ётган кўчадан кетма-кет юриб кетдик. Қизиқ, Музаффар йиғлаш у ёқда турсин, ҳатто фингшимас, назаримда ўлиб қолгандек эди. Оқсоқол эса болани авайлаб кўтариб борар, «оббо азамат-ей, оббо герой бола-ей!» деб эркалар эди. Анча юрдик. Бир маҳал қулоғимга бола йиғиси киргандек бўлди. Қарасам, унниқиб кетган пастак дарвоза олдига келиб қолибмиз. Кимнинг уйи эди бу? Ҳа, Поччаники-ку! Уям бултур мен билан кетма-кет урушдан қайтган. Бундан чиқди... Оқсоқол атайлаб шу ерга келган. Башорат яқинда туққанини билади.

– Ҳой, ким бор?! – Оқсоқол ичкари кирди. Бехтиёр мен ҳам эргашдим. Қарасам ҳовли ўртаси-

даги гулзор пуштгасида Почча чўккалаб ўтирибди. Теша билан номозшомгулларнинг тагини юмшатыпти. Уй ичидан бола йиғиси эшитиляпти.

Почча Оқсоқолни кўриб илдам ўрнидан турди. Аввал Оқсоқол билан кейин мен билан кўришди.

– Хотинингни чақир! – деди Оқсоқол лўнда қилиб.

Почча эсанкираб қолди.

– Тинчликми?

– Чақир дейман! – Оқсоқол бир қўллаб болани кучоқлаган кўйи иккинчи қўлини пахса қилди. – Бўл тез!

Мен Башоратнинг бола эмизиб ўтирганига ишонардим. Йўқ, молхонада экан. Терт қорилган тоғорани кўтариб чиқиб келди. Узоқдан Оқсоқолга салом берди.

Почча бир нимани тушунди шекилли, аланг-жанланг бўлиб, гоҳ бизга, гоҳ хотинига термилди. Кўзларида ялинч ифода бор эди.

– Башоратхон, – деди овози ингичкалашиб. – Шу... Оқсоқол келган эканлар.

– Омон-эсонмисиз, Оқсоқол! – деди Башорат шаддод ўктамлик билан. Кейин менга юзланди. – Раънохон яхшими?

– Раъно... йўқ! – Алам билан юзимни ўгирдим.

– Менга қара! – Оқсоқол катта-катта қадам босиб, Башорат томон юрди. – Тезроқ қўл-пўлингни ювгин-да, шу болани эмиз! Гапни кўпайтирма!

Башорат бир зум ҳайратланиб турди-да, тоғорани улоқтириб, ариқда шоша-пиша қўлини ювди. Оқсоқолнинг қўлидан Музаффарни оларкан, ярқ этиб менга қаради.

– Илтимос... – Эсимни таниганимдан бери бир марта йиғлаган эдим. Фронтда. Галабани эшитган куни... Бу сафар...

– Йиғиштир оби-дийдани! – Оқсоқол елкамга шундай зарб билан шапатиладики, қалқиб кетдим. – Ким айтади сени фронтовик деб! – Кейин Поччага ўгирилди. – Кўрдингми, Почча, битта ўғлинг иккита бўлди!

– Бизники ўғилмас, ҳолва! – Почча гоҳ менга, гоҳ Оқсоқолга қараб, хижолатли илжайди. Башорат Музаффарни бағрига босиб эркакча шахдам қадамлар билан уй томон кетди.

– Ундоқ бўлса яна яхши! – деди Оқсоқол гулдираб. – Ўғлим йўқ деб юрмайсан. Шу бола сенинг ҳам ўғлинг бўлади. Сени қизинг Шомуродниям қизи, уқдингми?

Башорат айвонга чиқиб бораркан, Музаффарни ўпди.

– Вой, қорнингни қорачиғидан айланай! Вой, ўзим ўргилай полвон боладан.

Бола аёл ҳидини сездими, сут нафасини пайқадими, ожиз инграб қўйди.

– Ўлларинг, иккаланг ҳам! – Башорат эшик олдида тўхтаб афтимга нафрат билан чақчайди. – Боланинг ўлишига бир баҳя қопти-ку!

Почча «ана, бизнинг хотин шунақа – ўғил бола», дегандек Оқсоқолга қараб жилмайиб қўйди.

Зум ўтмай ичкаридан икки боланинг баравар йиғлаши эшитилди. Почча «ана» дегандек тантана билан бош силкиди. Лекин «нима бўлди, онаси қани?» деб сўрамади. Бир қарашда – меҳрибонлик, бир қарашда – ҳақорат. Бундан чиқди Раъно билан Закунчининг «дон олишиб» юришини ҳамма билади. Фақат мен... бефаҳм мол беҳабарман!

Орадан анча ўтди. Ниҳоят иккала бола ҳам тинчиб қолди. Почча ҳамон қўлида теша тутганча анграйиб турар, Оқсоқол ҳовлини, молхонани томо-

ша қилган бўлиб, атрофга аланглар, мен серрайиб қолгандим. Қизиқ, ҳеч қайсимиз бир-биримизнинг кўзимизга қарамасдик. Уй эшиги гийқиллаб очилди. Башорат чиқиб келди.

– Миноварингиз тушмагур роса ғашлик қилди! – деди эрига қараб. – Биттасигаям тўяди-ку, бахиллик қиляпти. Биттасини эмиб, иккинчисини чангаллайди, қизганчиқ.

– Башоратхон! – Ердан кўз узолмай қолдим. Бунақа пайтда нима дейиш кераклигини билмасдим. – Ақалли бир-икки ой... – дедим тутилиб. – Кейин бир гап бўлар. Аммаси бор... Амаллаб... Майли, ҳақи қанча бўлса...

– Нима? – Кулиб турган Башорат бирдан жиддий тортиб, қовоғини солди. Назаримда юзимга нафрат билан қарагандек бўлди. – Уялмайсизми? – деди ижирғаниб. Аҳволимни тушунди шекилли, юпатди. – Хафа бўлманг, – деди бағридаги Музаффарга қараб. – Турмуш ўлсин... Қўйинг... Раънохонни... хафа қилманг... Яхшими-ёмонми, она-ку.

Тишларим фикрлаб кетди.

– Раҳмат... – Болага қўл чўздим. – Узр, – дедим кинояли илжайиб. – Бўлди... Сизни бошқа безовта қилмайман. – Аммо... болага ўшанинг ҳаром сути-ни эмизмайман!

Болани кўтариб, энди эшик томон юрган эдим, Оқсоқол чақирди.

– Шошма ўв! Баққа ке!

Тўхтаб қолдим.

– Гап бундай! – деди Оқсоқол вазмин овозда. – Сен – Башорхон, эсли жувонсан. Потмамнинг ёш боласи йўқ, биласан, бўлмаса, бола ўзимиздан ҳам ортмасди. Тўғри, колхозда эмизиклик хотинлар озмас. «Туя» сартарошнинг хотини ўғил туққан.

Хирмонтепалик Меливойниям Ҳасан-Ҳусани бор. Локин бу, – Оқсоқол қоши билан менга имо қилди. – Эшикма-эшик юрса...

– Вой, Оқсоқол, мен бир нима деяпманми? – Башорат хафа бўлиб унинг гапини кесди.

– Шошма, бердисини эшит! – деди Оқсоқол овозини пасайтириб. – Думаники яқин. Болага аммаси қарайди. Эмизиш – сендан. Уқдингми?

– Албатта-да! – Почча болани худди ўзи эмизидигандек мулойимлик билан қўлини кўксига қўйди.

– Гап шу! – деди Оқсоқол кескинлик билан. – Бугундан бошлаб шу икки нораства ака-сингил бўлди. Локин зинҳор-базинҳор оғзингдан гуллаб юрма. Сен ҳам. – Оқсоқол Поччага тайинлади. – Бегуноҳ гўдакни маломатга қолдирсаларинг хапа бўламан!

...Билмадим. Қишлоқ жойда гап ётмайди. Эҳтимол Башорат Музаффарни кўкракдан ажрагунча эмизганини унча-мунча одам эшитса-эшитгандир. Аммо ҳеч ким ҳеч қачон бу сирни ошкор қилганини эшитмадим.

...Шунча яхшилик қилган, жонингни асраб қолган хотинга, ўз онангга азоб берасанми, нобакор бола?! Келиб-келиб ўз синглингга кўнгили қўясанми, аҳмоқ! Начора, сенда нима гуноҳ? Балки ҳаммасига мен айбдордирман?.. Кеча ётиғи билан тушунтирсам бўларди-ку! Майли, ҳалиям кечмас. Ҳаммасини тушунасан. Қайтага яхши бўлади. Миновар – синглинг эканини билсанг, бошини силайсан! Умрбод мадаккор бўласан... Ҳали Робияга шуни гапирсам, «ўзингиз тушунтиринг, эркак одамсиз», деди. Тўғри! Ҳаммасини айтаман. Фақат мендан ранжима, ўғлим! Ҳаммасини тушунтираман.

Ана, келди! Хайрият, тирик экан. Мен бўлсам, не хаёлларга бориб юрибман. Биламан, Робия ҳам,

Омон ҳам ухламаган, пойлаб ўтиришибди. Уйда чироқ ўчган. Лекин иккаласиям уйғоқ. Ана, Музаффар айвонга чиқди. Мастми, нима бало? Нега гандираклайди? Тентак бола! Қўрқма! Одамзоднинг бошида бунақа гаплар бўлиб туради. Ўзим ҳам онангдан ажралсам ўлиб қоламан, дегандим. Балоям урмади. Сеники нима бўпти ҳали! Соат неча бўлди ўзи? Эҳ-ҳе, тўртдан ошибди-ку! Ҳализамон кун ёришади. Нима бало? Мунча типирчилайди бу ҳаром ўлгур қўйлар. Увилаётган ит кимники? Сартарошнинг ити-ку! Овози мунча хунук...

ҚИРҚ ЕТТИНЧИ БОБ

МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

Зилзила

Тоқатим йўқ! Кўрарга кўзим йўқ! Дадамниям, ойимниям! Балки бўйин эгиб келди деб ўйларсизлар! Чучварани хом санабсиз! Паспортимни оламану тонг отмасдан чиқиб кетаман! Бўлди, етар! Ёш бола эмасман! Одамман. Эркакман! Уч кун олдин Мунаввар нима деди? Бекатда, музей девори тагида! Мен ҳам... менинг ҳам болам бўлади. Керакмас, тўйларингу карнай-сурнайларинг!

Ҳали Мунавварнинг деразаси тагида турганимда инградими? Мени чақирдими? Нега кирмадим? Нега қўрқоқлик қилдим? Йўғ-е, қулоғимга шунақа эшитилди. Хўп, кирганимда нима бўларди? Шаллақи онаси яна ғавғо бошлармиди! Шуми?

Оббо! Ойим ухламаган экан-ку!

Авваллари бир соат кечиксам, «қаёқда қолдинг», деб тергар эди. Бугун ювош тортиб қопти. Айбдор одамдек, қоронғида кўзимга термилишини қаранг!

– Қорнинг очиб кетгандир! Ҳозир овқат иситаман.
Овқат! Нима кераги бор? Қарасам, зипиллаб бо-
риб девордаги чироқ тугмасини босмоқчи.

– Керакмас! Тўқман!

Ўзимни тўшакка ташлашим билан яна тепамга келди... Доим шунақа қилади. Бир вақтлар, кичкиналигимда касал бўлсам, биров билан муштлашиб, кўчадан йиғлаб келсам, ётқизиб қўярди-да, бошимга эгилиб индамай турар эди. Мен беихтиёр нари сурилиб, ёнимдан жой берардим. Ойим ёнбошимга ўтириб, илиқ кафти билан бошимни силар, мен бўлсам, ҳамма нарсани – оғриқни ҳам, аламни ҳам унутиб, ухлаб қолардим. Уйқуга кетарканман, ойим, бошим устига эгиларди-да, оҳиста шивирлар эди: «Жиннивой!»

Ҳа, унда бола эдим. Телба эдим! Аммо энди ёш боламасман. Йигитман! Эркак кишиман. Бари бир тепамда турибди. ўира-шира қоронғида юзини аниқ кўрмасам ҳам, кўзларида ялинч ифода борлигини сезиб турибман. У шарпадек унсиз ҳаракат билан бошимга эгилди. Пешонамни силаётганида ижирганиб, юзимни ўгирдим.

– Жиннивой! – деди пичирлаб. Енгил титраётган бармоқлари аввал пешонамни, кейин сочларимни сийпалаб бошлаган эди, бошимни силтаб тортдим. Ўшқириб бердим:

– Қочинг! Ухлайман!

Ойим чуқур хўрсинди. Қўлини тортди.

– Хафа бўлма... Бу кунларам ўтиб кетади.

«Ўтиб кетармиш!» Юрагингни суғуриб олади-да, «ўтиб кетади», деб юпатади!

– Қочинг! Мен ухлайман!

Ойим шарпадек сирғалиб нари кетди. Эшик олдига борганида тўхтаб, бурилди. Негадир яна хўрсинди. Эшикни оҳиста ёпиб чиқиб кетди.

Бояги воқеалар ярқ этиб кўз ўнгимга келди. Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, бобиллаб ёқамдан олган Башор хола... Ахлат челақ... На онасини, на мени юпатишни билмай, зириллаб югурган Мунаввар... Менинг дардим бу ёқда қолиб, у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетган алақандай саҳобани гапирган Оқсоқол бува...

Бекор айтибсизлар: ҳамманг, ҳамманг бекор айтибсан! Дадаму ойим ҳам, Башор хола ҳам... Эртага, эртага ҳаммаси ҳал бўлади! Кўрамиз ким қайсарроқ экан!

...Дадам ухламаган дедим-ку... Ана, кириб келди, папирос тутатиб. Ўзимни ухлаганга солиб юзимни ўгирдим. Ана, курсига ўтирди. Папирос чўғидан қалин мўйлови, озгин юзи ёришиб кетди. Йўталди.

– Музаффар... Биламан, уйғоқсан...

Нима қипти, уйғоқ бўлсам? Ўрнимдан туриб, шакаргуфторлик қилишим керакми?

– Ўғлим! – У папиросни чуқур тортиб, тутун қайтарди. – Биласан, мен силаб-сийпаб гапиришни эплотмайман. Мендан хафа бўлма, Музаффар... Хуллас, гап шуки, Башорат бечоранинг дилини огритма. Ўша қиз – Миновар сенинг синглинг бўлади. Башорат – сенинг онанг. Қўқонлик ойинг ташлаб кетганидан кейин Башорат сени эмизган. Ёшингга тўлгунигча...

Нима? Нима деяпти? Бир зум карахт бўлиб ётдим у сапчиб ўрнимдан туриб кетдим.

– Ни-мма?!

Ўша заҳоти кимдир чироқни ёқди. Деворга суяниб унсиз йиғлаётган ойим, эшик олдида трусикчан қунишиб турган Омонни кўрим. Дадам айтган гапнинг даҳшатини энди идрок этдим.

– Ёлғон! Тухмат! – Кўрпани улоқтириб ҳайқирдим! – Ёлғон!

– Кечир мени, ўғлим. Бошқа иложим йўқ эди.
– Дадам мўйлови аламли титраганча чўлоқланиб чиқиб кетди.

Телбалардек ёстиқни муштладим.

– Нега? Нега?!

Ойим чирқиллаб келиб бўйнимга осилди.

– Ўғлим! Жон болам!

Омон қўлимга ёпишди.

– Ака!

– Йўқол! Йўқол ҳамманг!

Нафасим қисар, ҳаво етишмаётганга ўхшар эди. Бир томонга оғиб кетаётганимни сал-пал сездим у гурсиллаб каравотга йиқилдим.

– Сув! Сув обке, Омон! – деди ойим чинқириб.

Сувни нима қиламан! Мен кимман ўзи? Агар шу гап рост бўлса... Ўз синглицига... Ўз синглицини... Мунаввар! Бечора Мунаввар! Бир-биридан даҳшатли саволлар юрагимга пичоқдек санчила кетди. Шунинг учун экан-да, ойим совчиликка бориб, қочиб келгани?! Шунинг учун экан-да, дадам талвасага тушиб қолгани! Мунавварнинг онаси шунинг учун кўча ўртасида дод солган экан-да! Аммам шунинг учун бўшашиб қолган экан-да! Оқсоқол бува шунинг учун Башоратнинг дилини оғритма дебди-да! Нима қилиб қўйдим Мунавварни?! Мен ҳам одамманми! Шу қунимдан кўра ўлганим яхшимасми! Мунаввар! Нима қилиб қўйдим!

– Керакмас! Чиқиб кетинглар!

Нега йиғлайди ойим?! Мен йиғлашим керак-ку! Мен виждонсиз! Аблаҳ! Мен – нопок йиғлашим керак-ку!

– Чиқиб кетинглар! Ўз ҳолимга қўясанларми-йўқми?!

Хайрият, даф бўлишди. Айвон томонда дадамнинг хўрсиниб, гўлдирагани эшитилди:

– Менга қара, Роби... Балки Башоратга ётиғи билан тушунтирармиз. Бир-бирига шунчалик кўнгил қўйган бўлса... Турмушда нималар бўлмайди...

Ойим бир нима деб минғиллади, эшитмадим.

– Майли, тонг отсин-чи... – Дадам йўталди. – Башоратга...

Яна Башорат дейди-я! Мунаввар-чи, Мунаввар?! Агар шу гапни эшитса... Биламан-ку! Мунавварни биламан-ку! Ҳаммасига мен айбдорман! Ўзим!

...Тағин нима бўлди? Ким у мени тўшакдан улоқтириб юборган? Нимага дераза шақиллайди? Юзим ачишяптими? Қон-ку! Китоб шкафи ағдарилдими! Ойнаси синдими? Осмон ёришиб кетди шекилли? Нега ўрнимдан туrolмайман? Ахир ухлаганим йўқ-ку! Эс-ҳушим жойида-ку. Нимага ер силкиняпти?! Ана, бир нима гумбурлади. Ер тагида алланима гувиллаяпти.

Уруш! Уруш бошланди!

Юрагим гурсиллаганча ўрнимдан туришга уриндим. Минг лаънат! Симкараватнинг суянчиғи илгагидан чиқиб, оёғимни қисиб қопти. Мана, бўлди! Чироқ ҳам ёнмаяпти. Демак, бомба тушган!

Осмондаги шафақ ўчиб, зулмат чўкди.

Айвон томондан Омоннинг даҳшат тўла ноласи келди.

– Ойи-и!

Айвонга отилдим. Эшикка етганимда ер яна силкинди. Оҳақ ҳиди, итларнинг увиллаши, аллақаерда ойнанинг қарсиллаб сингани эшитилди. Эшик кесақисига суянганча бир зум туриб қолдим. Ер ҳамон бешикдек лопиллар, уй мутгасил

нари-бери бориб келар, шифтдан оҳак кўчиб ерга тўкилар, ҳамма ёқ гижир-гижир қилар эди.

Ойим ҳали ухламаган экан. Бўйи ўзи билан тенг бўлиб қолган Омонни қучоқлаб айвон ўрта-сида ўтирар, токчадан ағдарилиб тушган самовар Омоннинг тўшаги ёнида тумшуги билан намат-га санчилиб ётар эди. Ойим мени кўриб, кўзлари ола-қула бўлиб кетди.

– Ўтир, – деди овози титраб. – Ўтир! Шол бўлиб қоласан! – Ўша заҳоти айвон зинасидан чўлоқла-ниб дадам чиқиб келди.

– Ўтирсанг-чи! – деди ўдағайлаб. Ўзи ҳам айвон зинасига чўккалаб олди-да, ҳаяжонли титроқ овозда пичирлаб «Субҳон Оллоҳ», деб дуо ўқий бошлади.

Димоғимга тупроқ ҳиди урилди. Ернинг силки-ниши секин-секин пасайди. Аммо токчалардаги чойнак-пиёлалар ҳамон шақирлар, итлар тўхтов-сиз увиллар эди.

– Қўрқманглар! – деди дадам бизгами, ўзигами далда бериб. – Ер қимирлади... Бўлди... ўтди...

Чиндан ҳам шақир-шуқурлар, итларнинг увил-лаши пасайди.

Ҳовлига тушаётган эдим, ойим бақириб берди.

– Ўтир, ҳозир яна қайталайди!

Сакраб ҳовлига тушдим. Этакдаги уйнинг роми ўрнига омонат териб қўйилган хом фиштар ҳовли-га отилиб, пароканда сочилиб ётар, бостирма эши-гидан арқонни узиб чиққан иккала қўчқор ҳовли-да типирчилаб, у бурчакдан бу бурчакка жонсарақ югурар эди.

Бир зум даҳшат тўла сукунат чўкди. Итлар гингшимай қўйди. Қўйлар ҳам тинчиб қолди. Атрофга нимқоронғи зулмат аралаш таранг осуда-лик қўнди. Уфқ секин-аста ёриша бошлади.

– Ёмон қимирлади! – Айвондан оқ иштонининг боғичини осилтирган дадам тушиб кела бошлади.
– Ашхабоддаям бунчалик бўлмагандир.

– До-од! Жон бола-ам!

Юрагим сесканиб кетди. Негадир бу овоз Ба-шор холаникига ўхшаб кетди. Боя дадам айтган мудҳиш хабар зилзила ваҳимаси билан бир зум хаёлимдан кўтарилган экан. Яна ҳаммаси қайтадан ёдимга тушди-ю, кўча эшикка югурдим. Тўғри, текстилда бақирган одамнинг овози бу ерга келмайди. Аммо юрагим сезиб турибди. Бир гап бўлган! Мунавварга бир нима бўлган!

Эшикка етганимда ойимнинг ҳайқириғи қулоғимга кирди.

– Қаёққа? Ҳозир яна қимирлайди!

Менга деса минг марта қимирламайдими?! Бошимга тушган кўргилик олдида зилзила нима бўпти?! Йўқ, мен эмас, Мунавварнинг бошига тушди бу кулфат! Энди нима бўлади? Юрагимни суғуриб ташласам қутуламанми шу азобдан! Теримни шилиб ташласам қутуламанми? Мунаввар! Нима қилиб қўйдим!

Тонг ёришган, аммо кўчалар кимсасиз, ҳамма ёққа ваҳимали, ўлик сукунат чўккан эди. Бир хил уйларнинг пахсаси қоқ ажраб кетган, баъзи уйларнинг деразаси отилиб ташқарига тушган, чеккароқдаги ҳовлининг фиштин девори қулаб тушган, девор остидан ҳамон тўзон кўтарилиб турарди.

Ҳарсиллаб югуриб борарканман, одамларнинг овози қулоққа чалина бошлади.

– Тинчликми, қўшни?

– Безарар. Ойна синди. Ўзингиз-чи?

– Пахса йиқилди. Асли синч қилсам бўларкан.

...Бўрижар яқинида қурилаётган касалхонанинг чала битган биносида ҳам пишиқ фиштдан тиклан-

ган деворлар қулаб тушган, кўтарма краннинг «қўли» фил хартумига ўхшаб ерга оғиб қолган эди.

Ҳали автобус қатнай бошламаган экан. Югуриб кетдим. Шундагина оёғим ерга муздек урилаётганини сездим. Қарасам, яланг оёқман. Кечаси шудринг тушибди. Ер совуқ, кўча четидаги қоқигуллар, майсалар, гўё ҳеч гап бўлмагандек тонг шабадасида оҳиста чайқалиб турар, чиқиб келаётган офтобга салом бериб майин жилмаяр эди. Қулоғимга тағин ўша – даҳшат тўла нидо чалингандек бўлди.

– Бола-а-м!

Юрагим қинидан чиққудек бўлиб югуриб кетдим.

Тор кўча бошига келганимда нафасим қисилиб қолган, тиззаларим қалтирар эди. Қарасам, кўча ичи жимжит. Хайрият! Йиқилиб ётган аллақандай дарахтга ўтириб, нафасимни ростладим. Дарахтнинг қурт еб мўрт бўлиб қолган танасини силадим. Ўша заҳоти сапчиб ўрнимдан туриб кетдим. Ахир бу... ўша бақатерак-ку! Ҳар сафар Мунавварни кузатиб келганимда панасига ўтиб, хайрлашадиган «ўзимиз»нинг терак! Кеча Мунавварга Эргаш билан келиб арралаб ташлаймиз деган дарахтим.

Терак бўй-басти билан йиқилган, тор кўчани тўсиб қўйган эди. Шундагина ичкарида, Мунавварларнинг эшиги олдида тўдалашиб турган эркак-хотин аралаш одамларга кўзим тушди. Юрагим така-пука бўлиб ўша томонга отилдим. Одамлар тўдасини ёриб ўтарканман, хотинларнинг шивир-шивири қулоғимга чалинди.

– Оёғидан девор босиб қопти!

– Вой-й? Ўлибдимми?

– Ўзи юраги касал эди...

– Вой бечора-а!

– Кўзи очиқ кетди...

Учиб ҳовлига кирдим. Арча тагида нимча кийган, сочлари пахмайган Башор хола турар, атрофини ўраб олган хотинларга негадир илжайиб қарар эди.

– Кирманг, овсинжон, кирманг. Қизим ухляяпти. – Чамаси у мени танимади. – Унақа деманглар, – деди ялиниб. – Мунаввар ўлгани йўқ. Ухляяпти. – Қизиқ, у негадир яна кулди. – Уйқуси қаттиқ-да...

Отилиб уйга кирдим. Ўпирилиб кетган девордан нур тушиб турар, бурчакдаги каравот пачақланиб майишиб қолган, уй ўртасида фиштар сочилиб ётар эди.

Бериги девор тагида ётган Мунавварга энди кўзим тушди. Бошида ёстиқ йўқ, устига адёл ёпиб қўйилган. Тепасида иккита хотин ранги ўчиб турибди.

– Мунаввар! – Ёнига тиз чўкиб, бошига эгилдим.

Унинг кўзлари очиқ эди. Йирик-йирик, қоп-қора кўзларини очганча бир нуқтага тикилиб ётар, узун, қайрилма киприклари қилт этмасди.

– Мунаввар! – Елкасидан ушлаб силкитдим. Назаримда у майин жилмайиши, уялиб, оппоқ, тиниқ юзини ўгириши керакдек эди. Йўқ, у қилт этмади. Бир нуқтага қадалган кўзларида, чиройли, ақлли кўзларида, «нега унақа қилдинг, мен сенга нима ёмонлик қилувдим», деган маъно бор эди.

– Мунавва-а-ар! – Дод солганча юз-кўзларидан ўпа бошладим. Унинг узун-узун киприклари пир-пираб кетгандек бўлди. Аммо қимир этмади. Негадир юзи ҳам, лаблари ҳам муздек эди...

– Мунаввар! – дедим жиннилардек қучоқлаб. – Унақа қилма, Мунаввар!

Биров елкамдан ушлади. Аллақандай бегона хотин совуқ вазминлик билан насиҳат қилди.

– Ўликнинг устига гул тушса тош теккандек азият чекади, болам! Нима қиласиз қийнаб?

Нима? Ўлик? Мунаввар ўликми? Нимага? Нима учун? Нега энди мен бу ёқда қолиб, сен ўлишинг керак? Нима гуноҳинг учун, Мунаввар!

Кимдир юзимга сув сепди. Кимдир қўлтиғимдан олди. Уйга брезент замбил кўтарган, оқ халат кийган хотин билан эркак кириб келди. Ўша заҳоти Башор хола қуюндек учиб, ўзини Мунавварнинг устига отди.

– Болам! Жон қизим! – У телбаланиб оқ халатлиларга қаради. – Кет! Йўқол!

– Ойижон! – Қўлтиғимдан тутиб турган одамларни силтаб ташлаб Мунавварга ёпишдим. – Мунаввар!

– Айрилиб қолдим, ўғлим! – Башор хола ҳамон Мунавварни қучоқлаган кўйи ёш тўла кўзлари билан менга қаради. – Синглингдан айрилиб қолдик-ку, ўғлим!

Мунавварнинг қўлларини, кеча оёғимга ёпишиб, шимимнинг почасини силаган, эркалаб сочимни тараган қўлларини адёл тагидан тортиб чиқардим у юзимга босганча мук тушдим.

– Опкет, Мунаввар! Мениям опкет! Оп-ке-е-ет!

ХОТИМА ЁКИ ЭНГ ОХИРГИ БОБ

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БРИГАДАСИНING БОШЛИҒИ МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

Қулоқ солинг: қуёш сўзлапти!

Автобус ҳамон гувиллайди. Мотордан чиққан ҳовур бензин исига аралашиб томоғимдан хиппа бўғгудек бўлади. Ким билсин, балки ўзим бўғгилиб кетаётгандирман. Ана, Қўқонга кириб келдик. Тор кўчалардан ўтиб боряпмиз. Йўловчилар бирин-сирин уйғониб, гимирлаб қолишди. Бола йиғлади. Кимдир сигарет чекди...

Тоғ ортида қуёш кўринди. Қип-қизил саратон қуёши. Мулойим жилмайиб саховат билан нур соча бошлади. Ҳар қуни шунақа бўлади. Офтоб ҳар қуни кулимсираб уйғонадию одамларга нур улашади. «Мен борман-ку, бир киприк қоқгулик қисқагина умрингда тинч-тотув яшасаларинг бўлмайдимиз?» деётганга ўхшайди. Қуёш ҳар қуни уйғонган заҳоти шунақа дейди. Одамлар унинг гапига тушунмайди. Уруш қилади, бир-бирини ўлдиради. Гўё ўша уруш аммамни Кимсан акамдан жудо қилмагандек. Гўё юз ёшни қоралаб қолган оқсоқол бува, мункиллаб қолган аммам ҳалиям фарзанд доғида қуймаётгандек. Гўё ўша уруш эллик миллион одамнинг ёстиғини қуритганига қаноат қилмай, ўзи тамом бўлганидан кейин дунёга келган Мунавварнинг, беғуноҳ Мунавварнинг ҳам жонига чанг солмагандек. Гўё мен Мунавварнинг «сенга нима ёмонлик қилдим», деган ҳайратли хитоб қотиб қолган кўзларини, қоп-қора маъсум кўзларини унутишим мумкиндек... Ўн икки йилдан бери азобдан қутула олмаганим, бундан кейин ҳам қутула олмаслигим учун мен айбдордек.

Қуёш ҳар қуни уйғонган заҳоти жилмайиб боқадую унсиз хитоб қилади: «Бир киприк қоқгулик қисқагина умрингизда тинч-тотув яшасаларинг бўлмайдимиз? Гоҳ нон талашасизлар, гоҳ шон! Гоҳ макон талашасизлар, гоҳ имон? Ахир ҳаммангиз инсонсиз-ку. Ҳаммангиз менинг болаларимсиз-ку, мен сизларнинг отангизман-ку. Бир-бирларинг билан қирпичоқ бўлаверишларингни кўриб чарчаб кетдим-ку! Етар ахир, етар, болажонларим! Ўз онангизни – Ер қуррасини адои тамом қилиб тинчимоқчимисиз?! Онангиз шу умидда туққанмиди сизни?! Шу ниятда кўтариб юрибдимиз кўксид!»

Қуёш ҳар куни шундай деб илтижо қилади. Аммо одамлар унинг ҳайқиринини эшитмайди. Бир-бирига чоҳ қазийди. Бир-бирининг кўзига чўп солади, хиёнат қилади.

Дунё нега бунақа? Оқсоқол бува айтган – ҳаёт иморатидан гишт қўпориб олишга уринадиган кимсалар нега ҳалиям бор?!

Автобус бир зумда бўшаб қолди.

...Озгин шофёр зиналардан пилдириб чиқиб, салонга кирди.

– Ие, ҳалиям ўтирибсизми, меҳмон? Чаққон қи-мирламасангиз кеч қоласиз. Марҳумани чиқариш-масидан етиб боринг-да... Такси тўхтатиб берайми?

Тиззамда ётган тугунни кўтариб секин ўрним-дан турдим. Шимимнинг чўнтагига қўл суқсам, телеграмма илашиб чиқди. Кўк ҳошияли, «Шошилинч телеграмма». Қизиқ, вокзал узоқмикин? У ёғи ўйишт-кўприккача бир қадам... Шуни ўйлашим билан қор босган каталакдек ҳовли, чақмоқ телпакли киши кўз олдимга келди. Ҳаёт иморатини бузадиганлардан биттаси... Ўша заҳоти хаёлимда Мунаввар жонланди. «Нега унақа қилдинг мени, гуноҳим нима?» дегандек бир нуқтага тикилиб ётган Мунаввар...

...Автобусдан тушишга оёғим тортмас, Тошкентга, ўз жамоамга қайтгим, Икром аканинг «ту-давой-судавой» деб шанғиллаб гапиришини эшит-гим келарди.

1982–1985.
Тошкент – Пицунда – Тошкент.

МУНДАРИЖА

<i>Муқаддима ёки энг аввалги боб. Қурилиш-монтаж бригадасининг бошлиғи</i>	
<i>Музаффар Шомуродов ҳикояси</i>	4
<i>Биринчи боб. Кичкинтой Музаффар ҳикояси</i>	18
<i>Иккинчи боб. «Қора амма» ҳикояси</i>	46

ИККИНЧИ ҚИСМ

<i>Учинчи боб. Робия ҳикояси</i>	54
--	----

УЧИНЧИ ҚИСМ

<i>Тўртинчи боб. Кичкинтой Музаффар ҳикояси ...</i>	134
<i>Бешинчи боб. Робия ҳикояси</i>	153
<i>Олтинчи боб. «Қора амма» ҳикояси</i>	182
<i>Еттинчи боб. Робия ҳикояси</i>	195
<i>Саккизинчи боб. «Қора амма» ҳикояси</i>	201
<i>Тўққизинчи боб. Робия ҳикояси</i>	206

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

<i>Ўнинчи боб. Кичкинтой Музаффар ҳикояси</i>	223
<i>Ўн биринчи боб. «Қора амма» ҳикояси</i>	233
<i>Ўн иккинчи боб. Меҳр билан қаҳр – ораси бир қадам</i>	241
<i>Ўн учинчи боб. «Қора амма» ҳикояси</i>	252
<i>Ўн тўртинчи боб. Робия ҳикояси</i>	258
<i>Ўн бешинчи боб. Раъно ҳикояси</i>	291
<i>Ўн олтинчи боб. Умар закунчи ҳикояси</i>	318

БЕШИНЧИ ҚИСМ

<i>Ўн еттинчи боб. Биринчи синф ўқувчиси</i>	
<i>Музаффар Шомуродов ҳикояси</i>	335

Ўн саккизинчи боб. Робия ҳикояси	342
Ўн тўққизинчи боб. Умар закунчи ҳикояси	363
Йигирманчи боб. «Қора амма» ҳикояси.....	374
Йигирма биринчи боб. Робия ҳикояси	396

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

Йигирма иккинчи боб. Биринчи синф ўқувчиси Музаффар Шомуродов ҳикояси	420
Йигирма учинчи боб. Робия ҳикояси	432
Йигирма тўртинчи боб. Тўртинчи синф ўқувчиси Музаффар Шомуродов ҳикояси ...	466
Йигирма бешинчи боб. Раъно ҳикояси	482
Йигирма олтинчи боб. Шомурод ака ҳикояси..	488
Йигирма еттинчи боб. Раъно ҳикояси.....	501
Йигирма саккизинчи боб. Умар закунчи ҳикояси.....	530
Йигирма тўққизинчи боб. Еттинчи синф ўқувчиси Музаффар Шомуродов ҳикояси ...	535
Ўттизинчи боб. Раъно ҳикояси.....	556
Ўттиз биринчи боб. Ўнинчи синф ўқувчиси Музаффар Шомуродов ҳикояси	561

ЕТТИНЧИ ҚИСМ

Ўттиз иккинчи боб. Тошкент Давлат фармацевтика институтининг биринчи босқич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси.....	590
Ўттиз учинчи боб. Умар закунчи ҳикояси.....	607
Ўттиз тўртинчи боб. Раъно ҳикояси	611
Ўттиз бешинчи боб. Иккинчи босқич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси	614
Ўттиз олтинчи боб. Номаълум аскар Кимсан Ҳусанов ҳикояси	623
Ўттиз еттинчи боб. Учинчи босқич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси	641

<i>Ўттиз саккизинчи боб. Шаҳар ижрокомининг раиси Олимжон Комилов ҳикояси.....</i>	650
<i>Ўттиз тўққизинчи боб. Умар зақунчи ҳикояси....</i>	664
<i>Қирқинчи боб. Фармацевтика институтининг учинчи босқич талабаси Мунаввар Алиева ҳикояси.....</i>	668
<i>Қирқ биринчи боб. Учинчи босқич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси</i>	682
<i>Қирқ иккинчи боб. Раъно ҳикояси</i>	693
<i>Қирқ учинчи боб. Учинчи босқич талабаси Мунаввар Алиева ҳикояси.....</i>	695
<i>Қирқ тўртинчи боб. Учинчи босқич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси</i>	709
<i>Қирқ бешинчи боб. Учинчи босқич талабаси Мунаввар Алиева ҳикояси.....</i>	719
<i>Қирқ олтинчи боб. Шомурод ака ҳикояси.....</i>	728
<i>Қирқ еттинчи боб. Музаффар Шомуродов ҳикояси.....</i>	735
<i>Хотима ёки энг охири боб. Қурилиш-монтаж бригадасининг бошлиғи Музаффар Шомуродов ҳикояси</i>	744

Адабий-бадиий нашр

ЎТКИР ҲОШИМОВ

ИККИ ЭШИК ОРАСИ

Роман

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да
берилган.

Босишга 2016 йил 29.04.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоғи 47,0. Шартли босма табоғи 78,96.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 92.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 129-09-69; 129-09-71;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

**«Янги аср авлоди» НММ
«Камолот кутубхонаси» рукнида
қуйидаги янги китобларни нашр этди:**

Лев Толстой
«УРУШ ВА ТИНЧЛИК» 1-2-китоблар
Бичими 84x108 1/32, 976 бетдан
Қаттиқ муқова

Бу китоб фақат уруш ёхуд тинчлик ҳақида эмас. Унда мавзулар қамрови – одамлар қисмати, уларнинг тақдири, ўйлари, қарашлари ва айни пайтда бўлаётган жараёнга муносабати китобхон эътиборидан четда қолмайди. Қолаверса, мутолаа жараёнида қалбингизга яқин бўлиб қолган ёхуд жамиятда қандай мавқега эга бўлишдан қатъи назар урушни ўзининг тақдири билан боғлаган ва бўлаётган воқеаларга фаол муносабат билдираётган қаҳрамонлар қисмати сизга фавқулодда ҳодиса эмас, балки ўз эрки, ўз номуси учун курашаётган тимсол сифатида гавдаланади.

Андрей Болконский, Пьер Безухов, Николай Ростов, Наташа, Соня, Мари – улар билан узоқ муддат ўзингизни ҳамфикр, йўлдош, ҳамсуҳбатдек ҳис қиласиз...

Теодор Драйзер
«АМЕРИКА ФОЖИАСИ» 1-2-китоблар
Бичими 84x108 1/32,
1-китоб – 624 ва 2-китоб 688 бет
Қаттиқ муқова

Теодор Драйзернинг эътиборингизга ҳавола этилаётган икки қисмдан иборат йирик «Америка фожиаси» романи ҳаминша бутун дунёни ўз ғоялари атрофида бирлаштиришга уринган гигант давлат – Америкада ўша вақтларда юз берган воқеликни

кенг қамраб олганлиги, воқеаларнинг изчиллиги билан ҳамиша китобхонлар эътиборини ўзига жалб этиб келган.

Асарнинг бош қаҳрамони Клайд Грифитс камбағал оилада туғилиб-ўсган йигит. Унинг бойлик ортириш йўлида қилган ножўя хатти-ҳаракатлари, бу йўлда ҳеч қандай қинғир ишлардан қайтмаслиги ва уни шундай ишларни қилишга қўйиб берган табиати – юзсизлиги, шафқатсизлиги кабилар бир қаҳрамон тимсоли орқали ўша давр Америка муҳити ҳақида ўқувчида яхлит тасаввур пайдо қилади.

Кобо Абэ

«Қумдаги хотин»

84x108 1/32, 352 бет

Юмшоқ муқова

Ноёб ижоди Япония адабиётида алоҳида ўрин тутадиган Кобо Абэ инсоннинг ҳали тадқиқ этилмаган ҳаёт қирраларини бетакрор усулда тасвирлайди. Унинг ўзбек китобхонлари эътиборига ҳавола этилаётган «Худди одамдек» қиссасида асар қаҳрамони – журналист ва драматург беҳисоб қўлли илоҳ билан воқелик ва хаёлий дунё, ҳақиқат ва сунъийлик хусусидаги фалсафий мушоҳадалари инсоний қадриятларнинг том маъносига қарашларни ифода этган.

Кобо Абэнинг адабиётшунослар томонидан антиқа ва жумбоқли асар сифатида талқин этиладиган «Қумдаги хотин» романида шахс ва жамият ўртасидаги зиддият ҳаёт-мамот нуқтаи назаридан чуқур таҳлил этилади. Муаллиф мажозий тасвирлар орқали ҳақиқий инсоннинг яшашдан мақсади – жамиятнинг ўзи каби аъзоларига сидқидилдан хизмат қилиш, эзгуликка интилиш бўлиши кераклигини таъкидлайди.